



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

7

1988

57 -йил чиқиши

Бош редактор

Уткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Саид АҲМАД

Мурод МУҲАММАД ДУСТ

(бош редактор ўринбосари)

Омон МУХТОРОВ

(проза бўлими мудири)

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Туроб ТУЛА

УЙГУН

Улмас УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул секретарь)


Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

Азиз ҚАЮМОВ


Ҳамид ГУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

УШБУ СОНДА



Ҳаср



Эркин АЪЗАМОВ
БАЙРАМДАН БОШҚА КУНЛАР

Қисса

...У болалигидан бошлаб учмоқни, учувчи бўлмоқни орзу қилар эди. Аммо шароит тақозоси билан ниятига етолмади. Ерда қолиб кетди. Узи ерда юрса ҳам ҳали-ҳануз орзуси — осмон!..
Сўзимиз шу ҳақда.





Шеърим

Шукур ҚУРБОНОВ
БИР ҚАЛЬ МАНЗАРАСИ

Шеърӣ қисса

Йилдан-йил улғайиб борар орзу-ўй,
Йилдан-йил мураккаб — муносабатлар...
Ҳаётда қўл келмай қолмоқда шу кўй
Оддий муомала, оддий одатлар.




*Силмиши
кутаётган муаммолар*



Анатолий ЕРШОВ

ХИВА — ҚУРИҚХОНА ШАҲАР

Ҳозир одамлар ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликларнинг ноёб турларини кўз қорачиғидек асраш кераклигини тушуниб қолдилар. Ҳайвонот ва наботот олами қатъий назорат остига олинган, бу борада бебошлик қиладиганларга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Шундай экан, эски ҳунармандчилик санъатининг сир-асрорларига лоқайд қараш қайси бебошликдан кам? У жамиятимизга жуда катта маънавий зарар етказмоқда. Балки камёб, йўқолиб бораётган халқ ҳунармандчилигини ҳам «Қизил китоб»га кири-тиш керакдир?



Ойдин Ҳожијева

ДАРД

Иқро

Неча йил, неча замон қочдим,
Мен бошим оққан томон қочдим.
Кўзларим кўр, кулоғим қар,
Ширин кўринди бу жон, қочдим.
Кечалар уйқу паноҳига,
Кундуз ишга андармон, қочдим.
Мен — отлик, ғамлар — пиёда,

Ёйдан мисли камон қочдим.
Дарё бўлганда, елкан топдим,
Саҳро бўлганда, қулон қочдим.
Қудуқ бўлганда сирим айтдим,
Йўл бўлганида, қарвон қочдим...
Йиллар тоғидан лаҳм қавлаб,
Топди мени дард, қаён қочдим?

* * *

Йиғлаб-йиғлаб сўқир бўлди булоқлар,
Гуллаб-гуллаб тақир бўлди гулбоғлар,
Ҳижрон хатин ўқир бўлди қирғоқлар,
Одамларин бўрон учирган юртда.

Ўчоқларда ўчмай куллари қолди,
Поездга илашган йўллари қолди,
Кечмиш ёқасида қўллари қолди,
Одамларин бўрон кўчирган юртда.

Тим-тирс вагонларда юлдуз кетодур,
Ердан кўчирилган илдиз кетодур,
Оҳ, кундуз кетодур, сулдуз кетодур,
Ғурбат захри заққум ичирган юртда.

Узумзорлар дардга даво бўлолмас,
Денгиз ҳаволари ҳаво бўлолмас,
Сарву шамшодлари асо бўлолмас,
Халқи ёнғоқ каби сочилган юртда...

Қасос малҳамидир ҳар бир бужур тош,
Жонини армонлар қилодур талош,
Нониға қоришар хун тўла кўз ёш
Юрак яралари очилган юртда..

Муллатош қишлоғида яшаб кетган
кавказлик Мирали чўпоннинг
саҳарги ибодати

Эй она чақмоқнинг
Улисан, тошлар.
Хазон қўли етмас
Гулисан, тошлар.
Офтоб ўпичлари
Совумай туриб,
Сизга юкинаман
Саҳар бош уриб:
— Дунё омон бўлсин!
Юрт омон бўлсин!
Қўйга, қўзиларга
Шу ёбон тўлсин.
Шу сувлар илоийм
Шўх-зилол бўлсин!
Шу йўллар бўйида
Мажнунтол бўлсин!
Шу элнинг элати
Қўр-қутли бўлсин!
Тоғу тепалари
Бургутли бўлсин!
Топгани тўйларга,
Тўйчиққа бўлсин!
Уйлари бешикка,
Қўшиққа тўлсин!
Танти, саховатли
Одамларига
Жоним нисор бўлсин
Қадамларига!
Фақат бу мункайган,
Қартайган бу чол

Ўкинчу армонин
Ижобатга ол:
Қарчиғай қиёда
Уя солодур,
Қалдирғоч уясин
Қия солодур.
Ёстовуқ¹ явшанзор —
Ватаним, дейди.
Сурув ҳам қўналға—
Қўтанам, дейди.
Кечалар ухламас
Фироғим вордур.
Маним кўхна Кавказ
Тупроғим вордур.
Шу ирғай таёғим
Тўрғайга ташлаб,
Кетарман дардимнинг
Этагин ушлаб.
Мен қори ҳофиздай
Бўзлаб борурман,
Дардим етагида
Излаб борурман.
Қиндик қоним томган
Ерларга етсам,
Вужудим соғинган
Нурларга етсам...
Кўзларим ярқ этиб
Очилар шу он.
Қайтадан туғилар
Мирали чўпон!

Яна шу чўпоннинг қизи
Гулпошшанинг тўйида куёви ўзбек
Ғафуржонга деганлари

Бошга тушганини мана, кўз кўрди,
Тақдирин шу юртга кўш—эгиз кўрди,
Ёшу қари билан нону туз кўрди,
Бу юрт қиёматли қалин дўст экан.

Қизим-қирмизимни гулга беладим,
Бешиги устидан анбар эладим,
Бир шоҳ томиримни сенга уладим,
Қиз деган бир ҳовуч қутлуғ туз экан.

Хотинга пирим деб юкинсанг, довсан,
Кўнглин ололмасанг, нураган товсан,
Бир мунис бағирга олтин ўтовсан,
Чироғим, эр-хотин қўш ҳўкиз экан.

Бу юртга меҳримдан тўладим ўлпон,
Маҳрингдир Гулпошим — кўзлари чўлпон,
Келганда бегона Мирали чўпон,
Бугун тўрга ўтиб, қизил юз экан.

Қиз тушган маконга дилдан йўл қолур,
Бешикда гувраниб она тил қолур
Ва ишонч кўрғони — ҳуш манзил қолур,
Ёр кўкси қиз учун бир Қуддус экан...

¹ Ёстовуқ — тустовуқ.

Хайрлашув

Юртига кўчиб кетиш олдидан Мирали чўпон
Муллаतोш қишлоғини хомуш айланиб, тили бойла-
ниб, ҳар гиёҳ, ҳар дарахт олдида сўйланиб тургани:

Бу дунёда кадар йўқ
Юрагимнинг охидай.
Бир диёр бор гўзал, чўх
Кўкрагимга таққудай.
Шамол тарозу тутган
Буғдой хирмон, яхши қол!
Тоши кавшаниб ётган
Сув тегирмон, яхши қол!
Кезмоқдан баҳра топган
Чўпон таёғим, хайр!
Чориқларимни ўпган
Майса-қиёғим, хайр!
Хуш қол энди, оймома,
Бепул чирогим, хайр!
Жавзо билан ҳангома
Қурган адоғим, хайр!
Гўза шоналаб ётган,
Памбух¹ дала, хайру хуш!
Дилда понадай ётган
Андух-нола, хайру хўш!

Хайр, бегона демай
Очилган дарвозалар!
Иссиқ нонни илинган
Юраклари тозалар!
Ўраб-чирмаб, қишларда
Чакмон берганлар, хайр!
Кўнгил сўраб хешлардай,
Дармон берганлар, хайр!..
Ярим тунда кўч-кўрон
Ортиб ароба ўтди.
Йиғлади кўли Қуббон,
Чўпон хуноба кетди.
Туни бўйи саратон
Сайради тоқати тоқ.
Янграмади серканинг
Бўйнидаги кўнғироқ.
Элга эл қўшилганда,
Ер ҳам бутун бўларкан.
Одам кўчган Ватанда
Ерлар етим қоларкан!..

Қирқ биринчи

Тун.
Рухда уйғонар фиғон булоғи,
Тонггача булбулдай сайрайди нолон.
Кўчиб сабр томин метин сувоғи,
Жисмимдан кийикдай ҳуркиб қочар жон.
Қочдим, қанотимда қайғу ҳалқаси
Шамолда шилдираб, руҳимга ботур.
Тушларим тахтида шодлик ўлкаси,
Девлар тилсимлаган шаҳардай ётур.
Қирқ йил кун тегмаган дарвозасига
Аста қўл ураман, келтириб имон.
Чарчок кўзларимнинг ситезасидан
Зулфинлар шарақлаб сочилар ҳар ён.
Тилла равоқларда эгасиз торлар,
Кумуш саҳнларда жон асари йўқ.
Зумрад мажнунтолда ўлик баҳорлар,
Товон теккан ерда ланғиллайди чўғ.
Қирқ биринчи уйда... булбули гўё.
Қирқ биринчи уйда... сеҳрли чирок.
Қирқ биринчи уйда... муштоқ бир имло.
Қирқ биринчи уйда... занжирбанд чақмоқ.
Қирқ биринчи хона. Қирқ биринчи қилт.
Доно эртакчилар йўйган каромат.
Бевафо ҳамроҳдай тун чиқар бибурд:
Қирқин остонада тугайди фурсат.
Дуоғўй кексадай тонг уради жом,
Рух сеҳр кўйлагин кияр шошилинч.
Кун аврар. Кечалар бермайди ором
Қирқ биринчи орзу — абадий илинж!

* * *

Унутсанг, минг йиллик чинор қулайди,
Қўл тегса, қуриган анор гуллайди.
Арбоби қулоққа пахта тиққан кун
Юртда фасод урчиб, қимор гуллайди...

¹ Памбух — пахта.

Тулпор тоғларга кетди

Она Рўзибиён, тинчгина қишлоқ,
Гузари толзорли, йўллари қумлоқ,
Адир-адоқлари кўрпадай чимлоқ,
Болалигим йўнар ҳамон сапалак,
Шўхлигим — боғларда алвон капалак...
Ушбу шўхлик аро, ушбу бепарво,
Усти бут, қорни тўқ болалик аро
Бир ҳайрат, бир савол қийнади гоҳо:
Қирқта охур нега ётибди бўм-бўш,
Қирқ қозиқ тунлари қилармиш нолиш...
Чопса, қанотлари қирқ газ очилиб,
Елларидан нуқра-атлас сочилиб,
Намозшом еллари ўриб «сочини»,
Тойларга тўларди сайисхоналар,
Тулпор хаёлларга мажлисхоналар...
Дердилар: қирқ тулпор тоғларга кетган,
Ғаним йўлларини боғларга кетган,
Йигитлар бахтини овларга кетган...

Қирқин паризодин олиб қайталар,
Ой бориб, омону ғолиб қайталар.

Юганлари кумуш тулпоринг қани?
Эгар бошиндаги нигоринг қани?
Омади ўнг келган бозоринг қани?
Қирқ охур оғзида ажриқ кўкарди,
Кўксига қирқ фиғон — санчиқ кўкарди.
Тоғларга кетгани ёлғонлар экан!
Асраган кўзларга тушдилар тикан.
Тўриқми, чавқарми, жийронми, саман —
Айланиб, қозигин топиб келмади,
Сағрисига бахмал ёпиб келмади...
Охурда қирқ қамчи қирқ илон бўлди,
Ким оғзи мой, кимнинг оғзи қон бўлди,
Унут сўроқларга шул аён бўлди,
Қирқ охур туш кўрар сулуқотини:
Гўштга топширилган қирқта отини...

Екатерина Ивановна Калининага

Уйига ўт кетса, илонлар қочар,
Қушлар уясини ташлаб кетади.
Бўрилар қочади, қуёнлар қочар,
Айғир биясини ташлаб кетади...
Ёндинг сен, ҳўл-қуруқ аралаш, юртим,
Гумонлар сичқондай болалаган чоқ.
Мотамзада уйда мум тишлаб турдинг,
Кетмадинг, кузғунлар оралаган чоқ.
Машъум ўттиз етти...
Тарих чархининг
Қонли калаваси чувалган йиллар...
«Бир кўзингни ўйсанг, нон бераман сўнг...»
«Отаси» авраган, саваган йиллар...
Захҳок елкасида уйғоқ аждардай
Қурбон талаб қилган вавсаса хаёл.
Бошоқлари тўлиқ кенг буғдойзорда
Қайчи тутиб юрди ажал бемалол.
Ярим тун қоқилган эшиклар айтсин,
Айтсин тили бўлса гувоҳ деворлар.
Айтсин оқсоқолнинг тирик бевасин
Изларини ўпиб йиғлаган қорлар...
Айтсин, ўз-ўзига тўхмат ҳукмлар
Зўрлаб ёздирилган иқроқ қоғозлар.
Эшакка урилган олтин тўқимлар...
Зиндонларда сўнган ёрқин овозлар...



Қора жаҳолатнинг мурдор панжаси
Урди сағирларга муҳри зимистон.
Оғзидан сут ҳиди кетмай, кенжаси:
«Отам ўлган» дея сақлаб қолди жон...
Кўк кийиб, ошқора йиғлолмаган халқ,
Уйқусин йўқотиб, ухлолмаган халқ,
Уғлин тил тагида сақлолмаган халқ,
Беғуноҳларини ёқлолмаган халқ!
На қабр, на тобут, на сўнги дафн,
Энг оддий инсоний ҳуқуқдан жудо,
Қўшмозор бўлишди минглаб бекафан,
Айтилмади улар бошида видо!
Уларнинг хокидан гиёҳлар эмас,
Хотиралар унди — ҳар сатри сабоқ!
Эътиқод лаҳжасин билсанг муқаддас,
Тингла, ул хотира — момақалди роқ!
Ва уни оятдай такрорла, ёд эт,
Покланиш, тозариш, инсоф аркида!
Тобла иродангни бўлсанг коммунист,
Ҳеч йўқ бир чигил еч тарих чархида...
У қонли йилларнинг оқавалари
Тоза ирмоқларга тушмасин, уйғон!
Кечмишнинг илви роқ муқоваларин,
Пуч сўзин қўйнингга яширма, Инсон!

* * *

Чарчадим, бу оладўлоб издиҳомдан чарчадим,
Ном улуғ, супра қуруқ бу эҳтиромдан чарчадим.
Қавми инсон, шохи йўқдир мол десанг, ҳайвон

десанг,

Суврати бек, сийрати қул нотаомдан чарчадим.
Ким шамол эсган томонга айланар паррак каби,
Қори тушса минг буқилган «ассалом»дан чарчадим.
Кўзларим кўрганни қалбим қичқирар ҳаққуш бўлиб,
Ақлу имкон ўртасинда интиқомдан чарчадим.
Оқ қоғоз кўксини доғлаб кўп қаролик қилдилар,
Десалар хушким: амалда «миму лом»дан чарчадим.



Эркин Аъзамов

Байрақнинг Бошқа Қўли

Қисса

Қадим-қадим замонда эмас, узоқ-олис томонда ҳам эмас, мана шу кеча-кундузда, мана шу шаҳри шовқинда бир йигит яшар эди. У болалигидан бошлаб учмоқни, учувчи бўлмоқни орзу қилар эди. Аммо шароит тақозоси билан ниятига етолмади. Ерда қолиб кетди. Узи ерда юрса ҳам ҳали-ҳануз орзуси — осмон! Бу орзунинг етагида яшаб, у бир талай саргузаштларга дуч келибди.

Сўзимиз шу ҳақда.

1

Автобусни секинлатаркан, Бакир беихтиёр чап ёнда илиғлиқ турган узунчоқ микрофонга қўл чўзди, йўлдан кўз узмай уни лабига олиб борди-да, эълон қилди:

— «Бозор». Кейинги бекат — «Маданият саройи».

Ичкаридан гулдираб қайтган овозига ўзининг завқи келди. Буни Сафура эшитганида, албатта ҳаяжон билан кафтларини кўксига чалиштириб: «Како-ой голос! — деган буларди. — Шун-доқ овоз бекор кетяпти-я! Жальгина, телевидениедан нега бўшадим?!» Кейин эса, шубҳа йўқки, Бакирни мажбуран машинадан тушириб, қўлидан тутганча телевидениесига етаклаб кетарди. «Какой чудный голос! Вы только послушайте! Это же гениально!» Айтиш керакки, бу ўринда у ҳар қанча жон куйдирмасин, нутқ санъатига ҳар қанча ҳомийлик даъво қилмасин, барибир, шу баҳона, кўзлаган бошқа мақсади

ҳам бўларди, тайин. Худо берган феъл-да, нима дердингиз! Шўрлик Сафура! Қайларда қолиб кетди у бадбахт қиз?..

Гапнинг сираси, Бакир шу тобда ўзи ўзига ҳайрон. Ҳатто бир-бир ярим йил мобайнида бу бекатлардан неча марталаб ўтиб-қайтмаган! Бу йўлларнинг ҳар бир майда тошигача унга ёд, кўзини юмиб ҳам қайси тусда эканини бехато айтиб бера олади. Бўлмасам-чи, ахир, унинг нони шу! Таксидан бўшагач, бир оз муддат бошқа маршрутда қатнаб юрди. Сўнгра, уйга яқинроқ деб, Зокир поччаси шу ёққа ўтказиб қўйди. Дастлаб иш бошлагандаги ҳавасу ҳафсаласи! Автобусни ювиб-ялтиратиб, унга рангдор пардалар осиб, «Баҳор»-нинг нозанинларию машҳур Висоцкийнинг маҳбубаси билан тушган суратларини ҳар ёнга илиб, қондасига кўра, ҳар бир бекатни микрофонда алоҳида таъкидлаб, такрорлаб, таърифлаб, магнитофондан «Ялла»ни қўйиб йўловчиларнинг меҳрини овлаб, дилини хушлаб... Энди — энди булар бари кулгили, ҳатто бачкана қилиқ бўлиб туюлади. Мана, бир йилдан ошибдики, на бу бекатларни кўргани кўзи бор, на ҳайдаб юрган автобусию инжиқ, калондимоғ йўловчиларни. Фикр-ўйи бир нарса билангина банд.

Аммо, таажжуб: боядан бери у қандайдир бошқача бир ҳолатда, бошқача бир кайфиятда. Ўз-ўзидан содир бўлди бу ҳол. Ҳув болалик орзусида осмонга парвоз қилган кезлари шундай тизгинсиз ҳаяжонга тушарди, эсида. Кейинчалик бу ҳис, бу ҳолат унутилиб кетди ҳисоб. Қўли ёки оёғи шол бўлиб ётган бемор ногаҳон шу аъзоларига жон кирганини пайқаб қолади, қувончидан қичқириб юборади; бенажот ғам-ғурбатлар гирдобидида ўртанган бир бечора, дафъатан уларнинг жуда майда, пуч ташвишлар эканини сезадию кўнглида шам, шам нимаси, офтоб чарақлайди.

Бакир ҳозир худди шундай ҳолатда эди. Осмон тиниқ, мусаффо, чексиз қадар юксалиб кетган; ҳаво энгил, майин, гард-ғубордан асар йўқ; қуёш қиздириб безор қилмайди — жилва сочади, эркалайди, аллалайди; дарахтлар шохидида чулдираб юрган паррандалар хунук, жайдари чумчуқлар эмас, йўқ-йўқ — хушхон булбуллар; йўл бўйларида шилдираб ётган уюм-уюм барглари умри поёнига етган ҳазонлар эмас — бир зумгина ерга бош қўйиб мудрамоққа изн олган ҳорғин чечаклар; ҳайдовчи халқига оддий аравакаш, юлғич дея шубҳа билан қарайдиган иззатталаб йўловчилар — бугун мулоим, мурувватли биродарлар; ҳайдовчининг ўзи ҳам ҳозиргина кўнглида машъала порлаган, эртасидан умидвор, куч-ғайратга тўла навқирон йигит... Шундай бир пайтда у андак одамшавандалик қилса арзимабдими! Бўлмаса, бу тевааракдаги етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма беш бармоғидек биладиган ҳожатбарор манзилни не бир оҳангга солиб, тағин денг, микрофон тутиб эълон қилармиди: «Бозор»?! Бу худди тоққа чиқиб, «Мана шу келиб турган жойимиз тоғ бўлади», дегандек гап-ку! Ана, еттинчи иқлимдан ташриф буюрган бир бегонага ҳам аён: одам қайнаб кириб, қайнаб чиқяпти — бозор бўлмай нима бўларди! Дарвозаси пештоқидаги ёзув эса, куппа-кундузи ҳам адашиб юрадиган битта-яримтага «ҳасса».

Бу — Бакирнинг йўлидаги энг гавжум, сершовқин бекатлардан. Келаётган одамнинг ярми шу ерда тушиб, чиқадиганнинг ярми шу ердан чиқади. Бироқ ҳозир — чошгоҳ палла, қатнов мўтадил, йўловчи одатдагидан сийрақроқ — асосан бекорчи қари-қури.

Машина бесабр оломонли бекатга яқинлашаётганда Бакир яна микрофонни қўлига олди:

— Ҳурматли йўловчилар! Диққат, эълон! Кира ҳақи тўламасанглар ҳам майли. Бугун билет олиш-олмаслик — ихтиёрий. Яхшиси, олиб овора бўлманглар.

Ичкари ғала-ғовурга тўлиб кетди.

— Нима деяпти бу? Нега билет олмас эканмиз?! — деди тўнғиллаб кимдир. — Эси жойидами ўзи?

Ёшроқ кишининг овози:

— Майли, майли, тушаётганда қўлингга бериб кетамиз, хотиржам бўл! Аёл овози:

— Вой, нега белат олмас эканмиз? Мана, давно тайёрлаб қўйганмиз-а!

— Ихтиёрий эмиш-а, гапни қаранг! Тушаётганда қоқиб оларсан! — дея писанда қилди биров дағал оҳангда.

Яна бир хотин шангиллаб уларга жўр бўлди:

— Ҳо-о, мана шунақа лақиллатиб, иннайкейин бошлаб жарима солмоқчи! Биламиз бунақа номерларни, оповси, биламиз! Аҳмоғингни топибсан-а!

Кампир киши бўлса керак, жавраб қўйди:

— Юз қолмади буларда, юз.

— Шўхроқ эканми шопир бола, ҳазиллашяпти-да. Ула-ар, белат олмасдан кўринг-чи ҳали! Ҳукуматнинг мошинаси бўлса. Бир гал мана шундай... Автобус тўхтаб, эшик очилмасданоқ эркакбашара бир хотин бозортўрвасини саланглатиб келиб, чангалидаги фикимланган абонементни танга-чақага мўлжалланган кемтикка тапиллатиб урди:

— Бошши қотирманг, ука! Бу сизга отангиздан қолган машина эмас.

Пенсияга чиққунича шу хотин ё мелисада ишлаган, ё женотделнинг бошлиғи бўлган. Важоҳатидан маълум. Лекин эрсиз ўтгани аниқ, тўғрироғи, муқим эр кўрмаган. Аламзадалиги шундан. Энди ҳамма нарса, ҳар жойда тартиб ўрнатиш билан алаמידан чиқмоқчи!

Увада қоғоз зарданнинг зарбидан учиб оёқ остига тушди. Бакир парво ҳам қилмади. Шовқин кучайган сари, бу хил таъна-дашномларни эшитган сари унинг негадир авжи ошмоқда эди.

— Бугун автобус текин, дедим-ку, опа, кира ҳақи олинмайди!

«Женотдел» унга ҳокимона қаҳрли қараб қўйди, аммо индамади.

— Бу болага бир бало бўлганми ўзи? Ҳали кечқурун чўнтагидан берадими?! — деди орқароқдан кимдир.

— Йўқ, ўртоқлар, ростим,— деди Бакир салонни гулдиратганча ғалағовурни босиб.— Бугун менинг туғилган куним...

— Ол-а-а!

Автобус тўхтаб, эшиклари очилди. Шовқин-сурон зўрайди. Бакир жойидан кимирламай ўтираверди.

Уни ҳозир ғалати бир ҳаяжон қамраган эди. «Туғилган куним» деб юбордими? Бу гап қаёқдан келиб қолди тилига? Қизиқ, ҳозиргина оғзидан чиққан сўзларга ўзи ҳам ишона бошлади. Демак, бугун — туғилган куни. Шундоқ экан, нимадир қилиши, нимадир бўлиши шарт бугун!

Ахир, у бир йил, роппа-роса бир йил исканжада, йўқ, тутқунликда юрди — осонми? Кунни кечагина бўйнидаги зил-замбилдан халос бўлди. Бугун эса — «туғилган куни». Ана шуларни байрам қилмоққа ҳаққи йўқми?!

Сўз — Сафурахонимга!

Браво, генацвали, о'кей, салют, мерси, чи гап, ойбай, се ля ви, гудбай, чао, рафтем...

Автобус судралиб бекатдан жиларкан, Бакир микрофонни қўлига олди:

— Ҳурматли йўловчилар!..

2

Бакир эсини танибдики, ойиси бир гапни такрорлагани такрорлаган: «Кўча-кўйда эҳтиёт бўлиб юринглар, болаларим. Яхши бор, ёмон бор. Ёмони кўпроқ. Кўза кунда эмас, кунда синади». Ҳали нонни «нанна» деб юрган буз йигит Бакирга бу ўгитлар эриш, ҳатто эскилардан қолган бир хурофотдек туюлади. Ойисининг тағин бир эрмак ибораси бор: «Сенларни ўйлай-ўйлай адангнинг сочлари оқариб кетди, мен бу дарди бедавога йўлиқдим». Бакир бу гапларга ҳам парво қилмайди: одам бўлгандан кейин қарийди, қаригач эса соч-соқоли оқариши табиий, бирон дардга чалиниши ҳам. «Нима энди, адамизнинг сочларию сизни ўйлаб, уйга қамалиб ўтирайликми?!» Ойиси ночор кулимсирайди: «Мен ундай деяётганим йўқ-ку, болам». Бакир бўш келмайди, эски ярасини очади: «Сизни деб-ку, мана, аравакашлик қилиб юрибмиз!» Она бу гапга миқ этолмайди, лабини тишлаб қолади. «Эҳтиёт бўлиб юргин дейман-да, жон болам, кўзингга қараб,— дея пичирлайди бир оздан сўнг.— Сенлар-ку, чиқиб кетасан, уйда қоврилиб ўтирадиган мен».

Бакирнинг иддаосида жон бор. Мактабни битиргач, у Саратовдаги учувчилик билим юртига кетиш учун ҳужжат топширган эди, дадаси бориб уни қайтариб олиб келди, бу ҳам камдек, кечқурун дастурхон бошида дағдаға қилди: «Шу қолувди энди! Сен уёқда осмонда чархпалак бўлиб юрсанг, оинг бу ерда юрагини ҳовучлаб ўтирса! Аҳволи ўзингларга маълум».

Уша машъум кун Бакирнинг ёдидан чиқмайди. Мактабдан келса — дарвозалари тагида «Тез ёрдам» машинаси. Дадаси, ака-опалари саросимада, ҳамма ўзини йўқотиб қўйган. Тепасида дўхтирлар, ойиси ўлим тўшагида ётибди: шумхабарни эшитибдию турган жойига қулаб тушибди. Бакир кенжа тоғасини ҳаммадан яхши кўрар, «машҳур футболчи Омон Эргашевнинг жияни» сифатида доимо керилиб юрар эди. Севимли тоғаси осмондаги фалокатда «пахтакор»чи биродарлари сафида жувонмарг кетибди...

Шу-шу, осмон деса, самолёт товушини эшитса — тамом, ойисининг ранги ўчиб, дир-дир титраб қолади: юрак ўйноғи.

«Осмон бўлмаса, ердан топилар иш жонивор», деди дадаси.

Бакир «ерга сиғмай», уйдан аразлаб юрганида ҳарбий хизматга чақирилди. Шу арафада хизматга чорланган тенг-тўшлари билан ҳарбий комиссарлик қошида очилган шофёрлар курсига кириб ўқиди. Хайр, бепоён осмон, хайр, болаликнинг ёр орзулари!

Ҳарбий хизматдан қайтгач, у тўрт ойма-беш ой мебель дўконининг шалоғи чиққан юк машинасини ҳайдаб юрди. Ошна-оғайнилариининг кўмаги билан ундан таксига ишга ўтди. Ойиси яна «юрагини ҳовучлаб» ўтирмоқни одат қилди. Буниси-ку майли, ўзи табиатан тортинчоқ, бўшангроқ эмасми, кунлик планни тўлдиролмай, номусни йиғиштириб дадасидан пул сўраган пайтлари ҳам бўлди. «Қўлингдан келмаса, қўйгин шу ишни,— деди бир сафар дадаси.— Оч қолаётганинг йўқ. Хоҳласанг, мактабнинг машинасини олиб берай. Тўғри, андак ремонтталаб. Шофёри яқинда армияга кетган». Худо ёрлақаб шу оқшом Умида опаси билан Зокир поччаси келиб қолди. Дастурхон устида Бакирнинг ҳам «масаласи кўрилди». Қайсидир автопаркнинг директори поччасига яқин оғайни экан...

Ойиси айтган кўза тўйдан роппа-роса бир ҳафта ўтгач — шанба куни синди. Бакир кечга яқин «Гастроном» бекатида қўлга тушди. Билагига қизил тасма боғлаб олган бир киши билан ОБХСС вакили бўлмиш Уккибоев деган ўрта яшар пакана одам рейсни тўхтатиб, йўловчиларни тушириб юборди-да, автобусни бекатдан нарироққа ҳайдатиб, талабага ўхшаш икки йигит, яъни гувоҳлар иштирокида акт тузди. Аввалига бу манзара Бакирга ҳазилнамо туюлди: уч-тўрт сўм жарима олиб ёки автопарк номига хат ёзажакларини айтиб, қўйиб юборишар. Гаражда олтинчи маршрут бўйича қатнайдиغان бир автобус йўловчиларни йўлнинг ўртасига ташлаб, тўйга кетиб қолгани устидан тушган шикоят хати муҳокама қилинганини эслади. Автобуснинг ҳайдовчиси Адҳам боз қаттақ қирриқ, чапани шофёрлардан эди, ҳеч бало бўлгани йўқ унга — лақаб ҳайфосан айтилди, холос. Оғзи шалоқ, каттазангроқ бу одам энг қисқа маршрут — Қорасув мавзеига муттасил ҳар куни кечкурун қиём палласи неча марта ўғринча — «чапаки» қатнашию ундан неча пул тушишини катта-кичик ҳеч кимдан яширмасди. Чамаси, бу ҳолдан автопарк раҳбарлари ҳам хабардор, улардан айримлари Адҳам бознинг ўзи сурбетлик билан гапирадиган ана шундай «саргузашт»ларни жимгина, ҳатто маъқуллагандек бош ирғаб тинглашар, лекин негадир унга миқ этишолмас эди.

Бакир қараса, ўзининг ҳозирги аҳволи ҳазиллашгулик эмас. Бунинг устига, кассадан ҳам чатоқлик топилди. Худди биров қасддан уюштиргандек эди. Фигони чиқиб кетди. Ҳаляги Уккибоев дегани-баттарин одам экан, зуғум билан тергов қила бошлагач, бунақа вазиятга мос муомаланинг кўчасидан ҳам ўтмаган ёр бола, бир лаҳза довдираб қолди, кейин зўр бериб ўзини оқламоққа тушди. Бефойда. Шунда бояги гувоҳ йигитлардан бири уни секин четга тортиб, қулоғига шипшиб ўқтирмоқчи бўлди: «Узр сўранг, узр. Қўйинг, жон ака, сизники маъқул, денг. Иложи бўлса, қўлига бирор нима қистириворинг». Тўйқусдан Бакирнинг ўжарлиги тутди: «Ие, нима, мен ундан қарздорманми? Нега узр сўрар эканман?! Қандай гуноҳ қилибман ўзи? Фақат, фақат... Лекин мен...» «Майли, майли, аввал мана бунга қўл қўйворинг-чи,— деди Уккибоев масхараомуз бир совуққонлик билан,— қолганини терговда эшитамиз». Бу гапдан Бакир дами чиққан пуфак мисол шалвиради-қолди. Ишнинг тескари айланишини, бунчаликка бориб етишини хаёлига ҳам келтирмаган эди у. Смена тугамаёқ автобусни шалдиратиб ҳайдаб келдию гаражга топшириб, касса билан ҳисоб-китоб қилди-да, одатдагидек, уч-тўрт бекорчихўжа Зояга тегажаклик қилиб ўтирган диспетчерхонага кирди, ичи

ёнгудек бўлиб бор гапни оқизмай-томизмай сўзлаб берди. «Эҳ, калла! — дейишди йигитлар бир овоздан.— Уша заҳоти бир нима тутқазиб, зим қилвориш керак эди». «Мен энди нима қилай?» деган маънода Зояга қараган эди, у ҳамдардлик билан елкасини қисиб қўйди: «Нима қилардинг, бости-бости қилишнинг йўлини кўрасан. Иш бир ёқли бўлмагунча, рейсга чиқишга ҳақнинг йўқ».

Қоронғи тушганда уйга келса, Баргида кўринмайди.

— Уйларига кетди, соғинганмиш,— деди ойиси норози оҳангда, совиброқ қолган бир коса мошхўрдани олдига қўяркан.— Бу замоннинг келинига ҳам ҳайронсиз, чилла тугул, ҳафта ўтмай отарга отланади. Бизлар шўрлик чарлардан кейин бир йилга довр отамизнинг уйини кўрганимиз йўқ эди. Қайнона-қайнотанинг хизматю ҳовли супуриш билан ўтарди кунимиз. Булар — қаёқда! Ўғлим, тагин кўнглинга олмагин-у, келинимиз сағал тантиқроққа ўхшайди. Менинг хизматимда юрсин доим демайман, майли, рўзғорим ўзимдан ортмайди, ўлмасин, шукр, ёнимда Шоҳидам бор. Лекин кеча тушган келин ҳозирданоқ бунақа қилиб... «Бир ўртоғимнинг икки хонали квартираси бўш ётибди, у билан гаплашдим, ўғлингиз ҳам рози, янаги ҳафта ўша ёққа кўчмоқчимиз», дейдими-ей... Билмадим, бу номусга мен қандоқ чидарканман? Бу гап қулоғига етса, аданг нима дейди ҳали! Не-не ниятлар билан, қанчадан-қанча сарф-харажат билан келин қилсангиз-у...

Бакир бу гинахонликка жавобан миқ этмади, кўнглига ҳозир қил сиғмасди. Ҳатто — буни эътироф этмоқ ҳам эриш туюлади — хотинининг уйда эмаслигидан ичида бир оз қувонди дейиш мумкин. Чунки уни кўрса бир дарди иккита бўларди. Тўғри, қайнотасиникига кўнғироқ қилмоққа чоғланди-ю, кўнглининг туб қаъридаги ҳеч кимсага айтиб бўлмайдиган аламли бир гумондан ҳадиксирабми, бу фикридан қайтди. Индамай, келинчакнинг сарпо-суруғи билан яшнаб турган тўрдаги чимилдиқли хонага кириб кетди.

Шу кўйи у икки кун уйдан чиқмай ётди. Баргидадан ҳамон дарак йўқ эди. Ҳойнаҳой, Бакир орқасидан йўқлаб боришни ёки кўнғироқ қилишини кутиб ўтиргандир? Бирон бир нимадан аразлаб жўнаб қолдимикан ё? Буёқда эса аҳвол бунақа... Нима қиларини билмай, ўйлайвериб Бакирнинг калласи ғовлаб кетган эди.

Кечкурун мактабдан қайтган дадаси олдига кирди.

— Ҳа, ўғлим, ишга чиқмабсанми?

— Машинам бузилиб қолди.

— Бузилган бўлса, тузатиш керак...— Дадаси бир зум тараддуланиб туриб, сўради: — Келинбола кўринмай қолди, ё ораларингдан бирор гап ўтдимми?

— Кепқолар.

Кейин, ўтириб-ўтириб ортиқ чидаёлмади, чиқиб аста ойисига дардининг бир чеккасини ёрди. Ойисининг дарров «қон босими кўтарилиб» кетди:

— Ёввойисан десам, хафа бўласан тагин. Шунақа гап бўлган экан, икки кундан бери уйга биқиниб ётгунча, ўша заҳоти келиб адасига, акаларига айтмайдими одам деган?! Зокир поччанг бор уёқда...

— Э, Зокир поччам нима қилиб берарди, иш органга ошган! — деди Бакир алам билан.

— Вой, шўри-им, энди нима бўлади? Қамаб-памаб юрмасмикан ишқилиб? Хотин жониворнинг юриши бу... Ҳой, адаси, буёққа қаранг!..

— Ваҳима қилманг, ойи, ҳали ҳеч гап йўғ-у! — дея ойисини тинчлантиришга уринган Бакир, негадир дадасига рўбарў бўлмоққа юзи чидамай, ўзини «чиллахонаси»га урди. Кириб, уёқдан-буёққа безовта қадам ташларкан, пойгақдаги тошойна пештахтасида турган телефон олдида тўхтаб қолди; Баргида келибоқ аппаратни бу ерга ўтказиб олган эди.

Трубкани қайнотаси олди:

— Ия, куёвбола, қаёқларда юрибсиз? Келиб биз билан бир отамлашай ҳам демайсиз? Дутор чалиб берардим... Баргиш! Барги-иша, тебя!..

Бакир бор-йўғи икки марта кўрган бу одамнинг гапларига ҳам ажабланди, ҳам унинг хушфеъллигидан қувонди.

Баргида сўзни берухсат кетиб қолгани учун узр сўрашдан эмас, ўпкала-

моқдан бошлади: икки кундан бери кутаман — на келасиз, на қўнғироқ қиласиз, демак, сизга керагим йўқ экан-да?

Бу гапдан Бакир ҳангу манг бўлиб қолди. Ҳайратга тушганининг яна бир сабаби шу эдики, Баргиданинг гинасида зиғирча ҳам ноз ёки ясамалик йўқ, гўё аслида шундай бўлиши, яъни Бакир унинг орқасидан бориши, ҳечқурса, албатта қўнғироқ қилиши керакдай! Йўқ, ҳайтовур, кейин Баргида кеча келолмаганининг сабабини изоҳлади:

— Ражик келган Москвадан. Жиянчашкам. Барношанинг ўғли. Ҳув айтувдим-ку сизга, балет мактабида ўқийдиган. Ҳамма шу ерда эди. Сизни роса пойладик. («Пойлабсиз-у, қўнғироқ қилиш хаёлингизга келмабди, қаранг!») Бугун уларникида бўламиз. Албатта келасиз, хўпми?

Ўзи кутмаганда айбдорга айланиб қолган Бакир ҳам йўқлаб боролмагани, қўнғироқ қилолмагани сабабларини изоҳлай туриб, бор гапни очиқ-ошкор айтди.

— Бўлди, ҳаммаси ҳал деяверинг! — деди Баргида заррача куйинмай, ҳатто бир қадар хушчақчақлик билан.— Чиннибек! Почча. Барношанинг эри. Бунақа ишларнинг пири у. Ҳозироқ етиб келинг! Жду. Бирга борамиз! Чур-чур!

Маъноси икковларигагина маълум бу хос ва маҳрам сўздан Бакирнинг вужудига ёқимли титроқ кирди. Чур-чур, чур-чур...

3

— «Маданият саройи». Кейингиси — «Стадион». Ҳурматли йўловчилар!..

Чиннибек Олой бозорига яқин сердарахт, сокин кўчалардан бирида, тўрт қаватли фиштин уйда яшар экан. Келин-куёв йўлда бозорга кириб, гастронормдан «Птичьё молоко» тортдан («Барноша буни кўрса ўлиб қолади!») ва бир қучоқ чамандек телпаксимон хризантема харид қилдилар. Бакир илгари ҳам унча-мунчасини эшитган бўлса-да, Баргида йўл-йўлакай опаси билан поччасини таърифлаб келди.

Уларни аслида Сафура таништирган экан. Чиннибек Барноша билан бир «кеча»даёқ тил топишибдию машинасига ўтқазиб, юртига — Сирдарёга опқочиб кетибди. («Ўшанда бир ҳафта йўқ бўлиб кетишган. Дори ичавериб маман шўрликнинг сердцалари оғриб қолган. Лекин ярамас Сафура келиб бир оғиз айтмаган. Узи буёқда қолиб, Чиннибек дугонасини танлагани алам қилган-да».) Кейин қайтиб келишибди, албатта. Яраш-яраш. Зўр тўй бўлибди — ҳам Тошкентда, ҳам Сирдарёда. Қуда бува жуда бадавлат, бир сурув қўйи бор экан. Тўйни ўтказибди келин-куёв Ҳиндистонга жўнабди. Бамисоли чиллақочди, тўй сафари. Чиннибек — ҳиндий тилидан мутахассис, ҳиндшунос. Уёққа жўнамоғи уйланишига боғлиқ бўлиб турган экан. Эр-хотин икки йил Ҳиндистонда юрибди. Арзандалари Ражик («Раджик») ўша ёқда туғилган. Асл касби — дорешуносликни, унга қўшиб она тилини ҳам унутган Барноша уёқдан ҳиндийчасига бемалол чулдирайдиган бўлиб қайтибди. Турган гапки, улар Ҳиндистондан қуруқ келишмабди. Барноша—турли-туман безаклару тақинчоқларга бурканиб, Чиннибек эса — ярқираган «Волга» миниб. Тўғри, энди Ленинградга элиб, уни «Мерседес»га алмаштириб келмоқчи эмиш. Сал-пал минилган бўлса ҳам «Мерседес» барибир «Мерседес»-да, нима дедингиз, ўртоқ шофёр, шунақами?

Бакир бу гаплардан ақли шошиб келмоқда эди, «Албатта, албатта», дея маъқуллаб қўйди.

Ҳа, Чиннибек жуда уддабурон, корафта йигит. Ҳиндистондан келасолиб, бир яхудийдан мана шу кооператив квартирани сотиб олибди. Қайтадан пардозлаб, қайтадан жиҳозлабди. Узи ҳозир прокуратурада ишлар экан, юрфакни сиртдан битириш арафасидамиш. Аммо жаҳонгашталиги қолмабди. Илгари унча-мунча билган тили — инглизчани мустақил равишда пухталаб, Шарқ мамлакатларидан яна бирортасига бориш тараддудиди, шу кунларда керакли одам қидириб юрган эмиш.

— Лекин бир одати бор. Қиз-жувонларни кўрса, яйраб кетади! — Баргида бу гапни сал ижирғаниб айтди.— Йўқ, йўқ, унақа ўйламанг сиз,— деди

кейин шоша-пиша.— Замонавий муносабатлар тарафдори-да, холос. Аммо Барношанинг устида ўлиб қолади, жонини беришга тайёр — ҳали борганда кўрасиз. Иккалови шун-доқ аҳилки! «Бир-биримиз учун туғилганмиз», дейишди. Вой, Ражикни кўрсангиз! Бўйи чўзилиб кетган, қарийб менга етай деб қолибди. Лекин ранг-рўйи ёқмади, афти пича синиқиброқ қолгандекми кўринди кўзимга. Илгари, Тошкентдалигида дўмбоққина, қорачадан келган бола эди. Ҳиндистонда туғилган-да, ўша ёқнинг иқлими таъсир қилган. У туғилган куни элчихонада Раж Капур билан учрашув бўлган экан, ўшанинг шарафига исмини Раж қўйишган. Қуда бувамиз «Ражаббой» деб ўзига мослаб олибди. Ҳиндистон фуқароси Ражаббой! Қизик, а? Балет мактабига қатнарди. «Талантли бола, келажакда бундан зўр балерун чиқади», деб бултур Москвага опкетиб қолишди. Вой, Барноша билан поччамнинг суянгани, осмонга сапчигудек фахрланиб гапиришлари! Менга қолса ҳеч қаёққа юбормасдим. Ҳар ҳолда, ёлғиз ўғил, кўзингизнинг олдида ўсгани маъқул. Тем более, таланти бор экан, шу ерда ўқигани ҳам етарди, тўғрими? Нимага индамайсиз, сиз ҳам гапиринг бундай, нуқул мен, нуқул мен...

— Мен нима дердим...— Ўз дарду хаёли билан банд Бакир чайнаиб қолди.— Ҳамма гапингиз тўғри.— Дарҳақиқат, Баргиданинг кейинги мулоҳазаси унга маъқул келган эди.— Уйинчиликка Москвага бориб ўқиш шарт эмасдир. Айниқса, ўғил бола!

Энсаси қотибми, Баргида унга ғалатиноқ бир қараб қўйди-да, тагин гапга шўнғиди:

— Ана ўша Ражик каникулга келгани муносабати билан зиёфат беришмоқчи. Умуман, улар мана шундай йиғилишиб туришади тез-тез. Нима, яхши-да, уй-жойлари бемалол, меҳмонбоп, светомузыкаю стереосистемалари бор, видеоманитофонлари бор. Яшашни билади улар. Бугун ҳам ана шунақа базм. Кўрасиз, танишасиз. Ўзи, бизларни меҳмонга чақирмоқчи бўлиб туришувди. Миша тоға келади. Уни танийсиз-а? Муфтилла ака-чи, Чингисхонга ўхшаган, шляпали? ЗАГС куни, кейин бизларникидаги «қиз майлис»да хизмат қилиб юрувди-ку? Уша. Тагин бир шоир ҳам келармиш. Ҳамқишлоғи экан почтавойнинг. Хуллас, кўрасиз, танишасиз. Фаройиб давра бўладиған. Баҳонада анов ишингизни ҳам гаплашиб оласиз. Телефонда тайинлаб қўйганман. Чиннибекнинг ошна-оғайнилари кўп. Тошкентнинг ярми — унинг таниши!

Бакир божасини икки мартами-уч марта кўрган. Хушбичим, қуюқ жингалак сочли барваста йигит. Исми жисмига муносиб: юзи чиннидек бежирим андак сурроқ, чиннидек... совуқ; «бек»лиги ҳам бор: ана шу чиннидек силлиқ, таранг башарасидан, шиддат билан боқувчи катта-катта қўйкўзларидан кишини чўчитадиған, саросимага соладиган алланима — манманликми, шафқатсизликми ёғилиб туради. Аммо ўзи ўта хушмуомала, ҳатто бир қадар ялтоқироқ ҳам. Мана, Баргиданинг бояги таъриф-тавсифларидан ҳам кўриниб турибди. Унинг савлат-салобати, унинг сўзга чечанлиги! Латифагўйликка усталиги-чи! Баргидаларнинг уйдаги «қизлар базми»да косагуллик қилиб, ҳазил-муто-йбаю топқирона қочириқлари билан даврани лол қолдирган, не-не қиз-жувонларни энтиктириб, ҳушини ўғирлаган валломат шу-да! Аввал Сафура билан роса рақсга тушди, сўнг у ҳиндийча қўшиқ айтиб турди, Сафура бурала-бурала, белларини нозик қимирлатиб, арабона муқомларни аралаштириб ўйнади. «Дугонамнинг тўйида йиқилиб қолгунимча ўйнайман!» деб қасд қилган эканми ёки кўпроқ «олиб» қўйганигами, бир маҳал ростдан ҳам давранинг қоқ ўртасида мункиб кетса бўладими! Йиқилганда ҳам хийла хунук, шармандароқ ҳолатда йиқилди. Шуниси унча яхши бўлмади. Лекин Чиннибек фавқуллода ажойиб бир топқирлик кўрсатиб, Сафурани кулги бўлишдан асраб қолди. Сафура ағнаган захоти югуриб унинг бошига борди-да, чўккалаб олиб қўлларини «маъшўқа»си томон илтижоли чўзганча, бамайлихотир зорли қўшиғини давом эттираверди. «Маъшўқа розилик қўлини узатгач» эса, оҳиста унинг бармоқларидан тутиб ердан туришига кўмаклашди, сўнг яна ҳам оҳиста бир қўлини бўйнидан, бир қўлини тақимидан ўтказиб даст кўтарди-да, жозибали нақорат билан даврандан олиб чиқиб кетди. «Мечали, мечали-и-и...» Офарин, Чиннибек! Чапак ёғилди. Сезган сезди, сезмаганлар «Кинодан бир

лавҳа ижро этилди, аммо-лекин боплашди тушмагурлар, худди ўзи-я!» деб таҳсин ўқиди.

Бакир ҳам ўшанда Чиннибекнинг маҳоратига тан берган эди. Кейин у тўйларида ҳам келин-куёвга бир неча ажнабий забонда тилак билдириб давранинг олқишини олди; қўлида қадах, уларнинг қаршисига келиб бир-бир чўқиштирди, чаккаларидан ўпиб табриклаган, қутлаган бўлди.

Эшикни Чиннибекнинг ўзи очди. У, кўкрагида ғаройиб тамғали, нафис бир матодан бунёд бўлган бўйни очиқ енгил свитер билан жинси кийиб олган эди.

— О-о, Баргиш, азизим! — дея Баргиданинг бошини кафтлари орасига олиб чаккасидан ўпиб қўйди. Бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, ранжиш-ранжимаслигини билмай ийманиброқ остонада турган Бакирни кўрдию: — Ў-ў, божабой, келинг, келинг! Қани, марҳабо! Хуш кепсизлар! — деб қўлидан тортиб ичкари киритди, уни ҳам қучоқлаб ўпди. Сўнг орқасига ўгирилиб ўйни бошига кўтаргудек баланд товушда чақирди: — Барно-оша, смотри кто пришёл!

Даҳлизнинг чап ёнидаги хонадан оёғида пошналар заршиппак, эгнига нафис муҳайярдан саъри ўраган Барноша чиқиб келди. У эрига мос — Баргидага қараганда дуркунроқ, киборона навозишли, аммо бирмунча ҳорғин хатти-ҳаракатларидан тортиб юз-кўзларию қиёфа-қиёфасида табиатан эринчоқлиги аён акс этиб турган, айни аёллик камолоти палласига қадам қўйган малоҳатли жувон эди. Қоматини маҳкам ўраб-чирмаган саъри бу ҳолни яна чандон таъкидлаётгандек.

Уй бекаси кимлар келганини кўрдию чиққан жойида тўхтаб, «Ой, Баргиш!» дея чапак чалганича кафтларини кўксига қовуштириб, енгил таъзим билан ҳиндийча салом қилди. Тағин ачом-ачом, тағин чўлп-чўлп. «Намунча? — деди Бакир ичида, ажабланиб. — Худди неча замон кўришмагандек. Ахир, кечагина бирга бўлишган-ку!» Барноша билан ўпишаётганда ўнғайсизланганидан унинг кўзлари тиниб кетаёзди.

— «Айбдор»нинг ўзлари қанилар? — деб сўради Баргида хушҳоллик билан. — Ўзбек балетининг бўлғуси юлдузи!

— Бўлғуси юлдуз ором қўйнидалар, келажакда бурканажак шон-шуҳратларини туш кўриб! — дея тўрдаги бўлмалардан бирига ишора қилди Чиннибек. Сўнг асосан Бакирга мурожаат этиб, уларни боя Барноша чиқиб келган хона томон бошлади. Ғаройиб бир дунёга кириб қолгандек аланглаб даҳлиздаги антиқа жиҳозлару турли-туман безакларни кўздан кечираётган Бакир шоша-пиша унга эргашди.

Улар кирган ҳайҳотдек чорси хона баайни иккига бўлинган — бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи икки хил тартибда безатилган эди. Шифтнинг қоқ ўртасидан ўтган тўсиндан нарёғи кўзга таниш — оврупоча усулда: стол-стул, диван, кресло, устига жилвагар муқовали хориж журналлари кўз-кўзга ташлаб қўйилган мўъжазгина хонтахта, бурчақда — каттакон, лекин бағоят энсиз телевизор (Бакир ҳали бунақасини кўрмаган), унга қарши бурчақда — стереосистема, светомузика ускуналари; тўсиндан бери тараф... нима деса бўлади... «Ё ўзимизнинг эски урфимизга таассуб, ё ҳиндларга тақлидмикан?» деган тахмин кечарди хаёлдан — жимжимадор хонтахтани гирд айлантириб чаппаси тўшалган пўстакларда икки аёл билан икки эркак гаплашиб ўтирар, деворлар ҳинд маъбуду маъбудаларининг ҳайкалчаларига, ҳар хил оҳанжама буюмлар ҳамда суратларга тўла эди. Хонтахта устидаги нозик, бежирим заргарлик шамдониди алланима тутаб турар, хонада бўғувчан, айни чоғда димоғни қитиқлайдиган ўткир, ёқимли бир ҳид кезар эди.

Чиннибек уларга нимдоира шаклидаги қулай дивандан жой кўрсатгач, меҳмонларни ўзаро таништирди. Ерда, пўстакда ўтирганлардан бир жуфти қўшни эр-хотин, улари Барношанинг хизматдошлари экан. Бакир паришонлиқда аёлларнинг қайбири қўшнию қайбири хизматдош эканини дуруст англаёлмай қолди. Алланечук виқор билан ўтирган қушбурун хонимнинг қулоғидаги зирак, лофи билан бир қарич келар, нақ елкасига теккудек эди; унга қараганда кўз беихтиёр зирагига тушарди. Бошқа жувоннинг эса, аксинча, қулоғида мошдек бўлсин, бирор тақинчоқ кўринмасди. Зиракли хоним, зиракисиз хоним.

Хонанинг «Оврупо» қисмида, бурчақдаги икки креслони ишғол қилган-

лардан бири — қабариқ ойнали кўзойнак таққан кулранг жингалак сочли киши Чиннибекнинг «азиз меҳмони Сергей Авакович Аюпов», қотмадан келган, ҳорғинроқ, тажангроқ кўринадиган йигит эса — унинг ҳамқишлоғи, шоир Тилаб Қурбон экан. «Кеча телевизорда ҳам чиқдилар, кўргандирсизлар», деб қўйди Барноша унга ихлос билан боқиб.

Тўрт жуфт кўз — эркаклар Баргидага қизиқсиниб тикилаётганини сезган Бакир ғашланиб, чалғиш мақсадида шоирга ўгирилди ва уни дарҳол таниди.

Мебель дўконининг шалоқ машинасини ҳайдаган кезлари бир куни мудир шахсан: «Мана шу акамизнинг озроқ юмушлари бор экан, қарашивор», деб қолди ёнидаги негадир айбдорона қимтиниб турган йигитни кўрсатиб.

Уни эски уйдан янги уйга кўчириш керак экан. Кўчиладиган уйнинг олдида бир талай йигит-қиз тўпланиб турарди. Аллақайси институтнинг талабалари, кўмаклашгани келишибди. Оғизларидан бол томади: «Тилаб ака, Тилаб ака».

Шоирнинг кўп боласию кўп китобидан бўлак қўлга илингулик ҳеч вақоси йўқ экан. Ешлар уйга бир ёпирилиб кириб, фурсат ўтмай бор юкни кўмма қилиб машинага ортишди. Шоирнинг хотини ҳам қаппайган қорнини яширмоқчидек уялинқираб, майда-чуйдани ташишиб турди.

Янги уйни шоҳона деса арзир эди. Беш хона, ёп-ёруғ, шинам, баҳаво. Паркет тўшамаси ялтираб кўзни олади. Деворлари пухта пардозланган, емакхонаю ваннахонада зангори кафеллар ярақлаб турибди.

«Қалай, квартира маъқулми? — деб сўради шоир талаба мухлисларидан. — Унисини кўрдиларинг — каталакдек икки хонада беш бола билан роса қийналиб кетган эдик». «Зўр-у, лекин бунча жойни қанақа қилиб тўлдирасиз, Тилаб ака?» деди шўхроқ йигитлардан бири. «Бир ҳисоби бўлар, — деди кулиб шоир ва хотинига қаради: — А, Райҳон, нима дединг?» Хотини ерга боққанча жилмайиб турарди.

Ҳисоб-китоб чоғи уй эгаси Бакирга мўлгина пул тутқазди. «Ҳаммасими бунинг?» деди Бакир таажжубланиб. «Ҳаммаси сизники, — деди шоир. — Рози бўлсангиз кифоя». Бакир ноқулай аҳволда қолди, пулнинг бир қисмини қайтиб берай деса, мижози ранжиши аниқ — кўзларидан аён.

Уни кўрган заҳоти танигани тарихи ана шундай.

Лекин шоир Бакирни танимади чоғи, шунчаки бир назар ташлаб қўйди-ю, ортиқ эътибор бермай, суҳбатдошининг оғзига қулоқ тутди. Сергей Авакович чет эл сайру саёҳатларининг зарур шартлари тўғрисида сўзларди. Бакир гапга суқилиб ўзини танитишни эп билмади, истиҳола қилди.

Чиннибек асосан шу икки меҳмоннинг гирдида парвона, шу икковининг кўнглини овламоқ пайида эди. У гоҳ Сергей Аваковичга — қидира-қидира, ниҳоят «қўлга туширган» керакли одами шу шекилли — Зомин тоғларидаги тўнғиз овидан гапирар, гоҳ шоирга юзланиб, адабиёту санъатдан лоф урар эди. Гап-сўзларидан, неки номдор зот бор — албатта унинг таниши ёки қадрдони, кўплари ҳатто акахони эди: Эркин акам, Абдулла акам, Шерали... Ўзини тутиши, муомаласидан шу нарса аён эдики, шоир бу хонадонга тасодифан тушиб қолган, аслида бор-йўғи ҳамқишлоқ эканлар, холос. У нимадандир норозидек диққатроқ ўтирар, берилган саволларга ҳам одоб юзасидангина жавоб қайтарар эди.

Чиннибек «Осиё» билан «Оврupo» ўртасида қатнаб чарчамасди. Ошхонага кириб-чиқиб, уй бекасига тааллуқли юмушларни ҳам ўзи чаққонлик билан ўрнига қўяр, дам-бадам хотинидан бу борада тегишли кўрсатмалар олар, тез-тез унинг атрофида айланишиб, худди маликасининг кўнглини овламоқчи садоқатли қулдек ҳуда-беҳуда ялтоқланар, Барношанинг ўзи эса, оёқларини узатганча креслога ялпайиб олган, оғзида алланима, танбалона кавш қайтарган кўйи бир у томоннинг, бир бу томоннинг суҳбатига қулоқ тутиб ўтирар эди. Шунини таъкидлаш керакки, Чиннибек бу юмушларни оғриниб ёки азбаройи ўлганининг қунидан эмас, зўр бир ихлос билан, завқ билан берилиб бажарарди. Хатти-ҳаракатларини кузатган одам уни мавжуд ҳаётидан нафақат мамнун, балки — мана шундай томошахона уйи, дилбар хотини, анови бўлмада ухлаб ётган, Москвадан меҳмондек бўлиб келган яккаю ёлғиз раққос ўғли, мана шундай азиз, рутбадор меҳмонлари, антиқа ашёлари, жиҳозлари, буюмлари — «кунчиқар мамлақати»дан келган телевизор,

магнитофон, видеоси, зарҳалли ҳарир пардалари, ҳув ана, дераза тагидаги истеҳкомда сақланадиган юз ўн от кучига эга бўлган «арғумоғи» борлиги учун боши нақ кўкда, деб ўйлаши мумкин. Ва адашмайди! Агар шу тобда, ҳазиллашиб бўлсин, «Йўқ, булар сеники эмас!» дейилса, юраги паққос ёрилиб кетиши турган гап!

Уй эгаси магнитофонини ишга солиб, «фақат азиз меҳмонларга аталган» лентасини қўйди. Булоқ сувидек тиниқ, шаффоф, ҳазин бир наво, унинг кетидан юракни орзиқтирувчи қўшиқ, йўқ-йўқ, нола, нидо таралди хонага: «Ёди он сарвиравон ояд ҳаме...»¹

Муסיқа тингач, ана шу афғон ҳофизининг ўзи куйлаган қўшиқдек ғамнок қисматидан гап кетди. Даврада ҳар ким бу борада эшитган-билганини айтмоққа ошиқарди. Чиннибек нақл қилган ҳикоят айниқса таъсирли чиқди. У шундай маҳорат билан, шундай эҳтирос билан сўзлаб бердики, ҳаммани сеҳрлаб ташлади. Артист экан бу, ростакан артист!

Эмишки, мураккаб инқилоб кунлари банди қилинган ҳофиз тор, қоронғи ҳужрада ёлғиз ўтириб қўшиқ айтганда, назоратчилар ҳибсхона эшикларини ланг очиб қўйишаркан... Эмишки, ҳукумат раҳбарларидан бирининг жияни эрга тегаётганида, «Агар ўша ҳофиз бўлмаса, тўй қолади!» деб шарт қўйибдию кечаси ҳофизни ҳибсхонадан яширинча олиб кетиб, тўй ўтгач, тагин элтиб қамаб қўйган эканлар... Эмишки, у ўлганда бутун Кобул қиз-жувонлари тобутининг кетидан қабристонга қадар фарёд чекиб кузатиб қолишган экан...

— Бўлиши мумкин,— деди шоир.— Есенин ўлганда ҳам шундай бўлган, дейишади.

«Осиё фуқаролари»дан кимдир эътироз билдиришга уринди:

— Мусулмон аёллари тобутнинг кетидан бормайди. Шариятда шундай. Бу бир афсона бўлса керак. Машҳур кишилар ҳақида ҳар балони тўқиб-бичишаверади.

Нақллар муаллифи — Чиннибек бу гапга муносабат билдирмади. Шоир ҳам жим эди.

Сухбат сал совиган бўлиб, Чиннибек ошхонага чиққанда, шунақа ажаб-ажаб гурунлар ҳам қулоғига кирмай ўтирган, ўз дарди дилини кемираётган Бакир, кўмаклашиш баҳонасида, бесабрлик билан унга эргашди. Ошхонада у энди мавридини топиб сўз бошлаган эди, Чиннибек: «Иш ҳақида кейин гаплашсак», деди. Бакирнинг дами ичига тушиб кетди. Сўнг дилида умид чироғи липиллади: «Бунчалик беписанд гапиряпти, ишни тинчитиш бунга шамни «пуф» дейишдек бир гап шекилли».

Божалар меҳмонхонага қайтиб кирар-кирмас, орқаларидан жарангдор хитоб янгради:

— Салют!

Дугоналари боядан бери сабрсизлик билан кутаётган, унингсиз базм— базм эмас, сўник бир даврадан фарқ қилмайдиган, беқиёс Сафура!

— О-о, биринчи муҳаббатим! — дея хитоб этди Чиннибек унга сари кучоқ очиб.

Сафура қўш узукли оппоқ бармоқларини силкитиб, худди унинг афтига сув селгандек нозик бир қилиқ қилиб қўйди. Барноша бу манзарани бепарвогина кузатиб, пинак бузмай ўтирарди. У эри билан гўё олдиндан келишиб олинган бир ўйинни ўйнамоқда эди.

Хонага Сафура бамисоли шамолдек ёпирилиб кирди. Кирдию сиртига «Мисс Диор» деб ёзилган қаҳрабо тўрвани елкасидан юлқиб бурчакдаги креслога улоқтирди, яқинлари билан чўлпиллатиб ўпиша кетди. У кириб келдию шу чоққача хонани банд этиб турган Ганг дарёси соҳилларидаги муаттар гиёҳларнинг ўткир ҳиди чиппакка чиқди — ҳаммаёқ жозибали фаранги атирнинг соҳир бўйларига бурканди. Бу шундайин нозик, шундайин латиф мушк эдики, нимтатирлигидан ҳидлаган сайин қайта ҳидлагингиз келар, ҳидлаб тўймас, ҳеч қачон тўя олмаслигингизни ўйлаб дилингиз ҳасратли армонга чулғанар эди. Бу шундайин ғаройиб мушк эдики, айни чоғда, унинг таркибида аллақандай сескантирувчи, кўнгилда ғулғула қўзғовчи, одамни доғда қолдирувчи олчоқона бир ҳислат ҳам мавжуд эди...

¹ Мазмуни: Ушал сарвиравоннинг ёди ҳамиша хаёлимда (Рудакий сатри).

Үпишув маросимидан сўнг Сафура бир лаҳза хона ўртасида ўзини кўз-кўз қилмоқчидек бошини орқага ташлаб, кўкрагидан дўнг ясаганча виқор билан қотиб турди. У айни кунларда урфга кирган кулранг «банан» шиму кенг ва оқ ёқасининг бир тарафи наъмага очиқ, тугма-тугунга тўла узун камзул кийиб олган, майин малла соч тарамаси ҳам эгнига монанд — жаҳон сартарошлик санъатининг энг сўнгги жилваларини ўзида мужассамлантириб турар эди. (Уша кезлар у телевидениени тарк этиб, сартарошхонага ишга ўтган эди.) Беғам, бахтиёр фаранг маликасининг ўзгинаси!

Сафура тантиқона бир қилиқ билан ўзини Бакир ҳамда Баргида ўтирган диванга ташладию кечиккани сабабини айтиб дугоналарига изоҳ берди: «дедушка»сининг олдида ушланиб қолибди. Эркаклар-ку эркаклар, аёллар ҳам унга суқ билан тикилишар, айниқса, пўстақда ўтирган икки хонимнинг Сафурага ҳасад қилаётгани, унга ўхшамоқни — шундай кийинмоғу шундай юриб-турмоқни орзулаётгани ошқора кўриниб турар эди. Хусусан, Сергей Авакович ундан кўз узолмай қолган, табиатан тундроқ кўринадиган башарасидаги ялтоқи табассумни сира йиғиб ололмас эди. Бироқ Сафура буларнинг бирортасига парво қилмади — муқаррар гап-сўзу андишани ўйлаб-нетиб ўтирмай, боя танишув чоғида шоирлигини эшитган меҳмонга қараб талпинди, бориб унинг ёнидаги креслодан жой олди, тап тортмай гапга тутди. Шоир ҳам бир қадар эриб-юмшаб, такаллуф дастурхонини ёзди — суҳбатга киришди.

Сафуранинг хусни сиртида, одамни ҳуркитадиган, довдиратиб қўядиган бир сифат эди. У ҳозир ҳар тусда товланиб, аёллик латофатининг барча имкониятларидан унумли, мерганлик билан бехато фойдаланмоқда — суҳбатдошини аврамоқда, сеҳрламоқда. Суҳбатдоши унга маҳлиё, шошиб қолган, шошмоқ ҳам гапми, банди бўлган, барбод бўлган. Энди уни ҳар кўйга-да солиш мумкин, исталса — лойдек ғижимлаб, учпуллак ясамоқ ҳам ҳеч «чи гап». Айни дамда бу қудратли, бу макқора жононнинг қўлидан ҳар иш келади; лозим топса, бандисини ер бағирлатиб чумолидек эмаклатади, лозим топса, бурнидан ип ўтказиб маймун мисол ўйнатади. Негаки, у — ёш, гўзал, қадди-қоматдан ҳам худо берадиганини берган, «еб қўяман!» дегандек кишнаб-ўйноқлаб турибди; эркак зоти борки, уни кўрганда «оҳ!» деб юбориши тайин. Ҳа, у еб қўяди — хоҳласа! Қиё ҳам боқмаса, демак — хоҳламагани. Дунё шунинг қўлида ҳозир. Истаса, уни-да остин-устин қилиб юборишга қодир. Зеро, дунёда гўзалликка талпинмаган зот йўқ, унинг ишқибози сон-мингта. Ишқибоз ҳам гапми, унинг оёқлари остига дунёнинг ўзини тўшаб юборишга шай турганлар қанча!

Ҳайҳот, шоирнинг ё ортиқча дунёси йўқ экан, ё, чамаси, борини ҳам қизғанди, — бир дамгина суҳбатга майл билдиргандек бўлди-ю, сўнг нимадандир ҳафсаласи совидими, ранжга ўрин қолдирмайдиган тарзда оҳиста, боядан бери гапга суқилишнинг эвини қилолмай хуноб бўлиб ўтирган Сергей Авакович томон ўгирилиб олди. Сафура синчков назаргина илғайдиган пинҳона бир зарда билан ўрнидан туриб, дугоналар даврасига келиб қўшилди.

Ким нима деса десин, Сафура бу ерга алоҳида бир рух, бир жозиба олиб кирган эди. У келиб, зиёфат чинакам базм тусини олди, у келиб, даврада жонланиш, жўшқинлик пайдо бўлди. Ичкилик таъсиридами, Бакир ҳам энди бирмунча эркин, ёзилиб ўтирар, анов ташвиши ҳозир кўзига жуда майдалашиб, арзимас бир гапга айланиб қолган, ўзини худди ғаройиб бир чаманга кириб бораётгандек сармаст сезмоқда эди. Бир қарашда манман, риёкорроқ кўринадиган божаси Чиннибек ҳам, енгилтагу кибр-ҳаволи Сафура ҳам ана шу ғаройиб дунёнинг ажралмас бўлаклари, йўқ, гултожлари эди.

Эшик қўнғироғи булбул бўлиб чаҳчаҳлади. Югуриб чиққан Чиннибекнинг «Муфти!» деган қийқириғи янгради даҳлизда. Аёллар «Миша тоға! Миша тоға келди!» дея чувиллашиб дувва ўринларидан туришди.

Оббо, намунча, худо келдими?!

Чиннибек билан бошлашиб хонага ўттиз беш ёшлардаги, лекин қаримсиқ, хўппасемиз, каттакон портфель кўтарган бир киши кирди. У кирган жойида тўхтади-да, хумдек бошидан кизаги шўрлаб кетган шляпасини қўлига олиб, аллақандай бетакаллуф, дағал оҳангда ҳайқирди:

— Ёппабаракасига салом!

Салом, салом!

Кейин, «ёппабаракиси»га қаноат қилмай, ҳамма билан бирма-бир, жумладан, анов кибор, оқбилак хонимлар билан ҳам ўпишиб кўриша бошлади. Шоир норози чимирилиб кўйди. Навбат Баргидага келганда Бакир ижирғаниб юзини четга бурди. «Намунча! — деди у ичида, ажабланиб.— Ким ўзи бу одам?» Сўнг яқинроғида туриб қолган Чиннибекдан ана шу гапни секин овоз чиқариб сўради.

— Муфтимми? — деди Чиннибек ва тантанавор оҳангда жавоб берди: — Муфти — зўр!

Муфтилла деганлари очиқ-ошкора дидсизлик билан кийинган — аллақачон урфдан қолган шапалоқ ёқали гулдор кўйлак устидан муштумдек тўғали сербар галстук, асл чарм камзул; пешонасидан бир тутам сочи чангаллаб юлиб олингандек тепакал, кўзлари қисик, афт-ангори қандайдир ғубор босганнамо, танқайган бурнидан мўйлари чиқиб турган мўғулбашара, иркитроқ кимса эди. Баргида айтган Чингисхоннинг ўзгинаси, йўқ, замонавийроғи!

«Чингисхон» айниқса шоир билан қўшқўллаб қуюқ кўришиб, астойдил, узоқ сўрашди. Сўнг дастлабки жойига қайтиб, яғири ялтираб кетган каттакон сумкасидан икки дона «Оқ лайлак» коньягини олди-да, тақиллатиб столга кўйди.

— Мал-ладес, Муфти! — дея Чиннибек уни қучиб, нақ бошининг ярғоғидан ўпиб олди.— Ялтир кал, но — голова!

Муфтилла тўрвасини тағин титкилаб, дағал қоғозга ўралган алланима чиқарди:

— Манов — тандиркабоб! Жейсизлар.

Сафура чапак чалиб юборди:

— Вуй, прелесть, Миша тоға!

Саховатли «тоға» ёнларини кавлаб, сопи ялтироқ бирваракай иккита пичоқ олди.

— Жиянбойдинг ўзи кўринмайди? Биз унга мановларни олиб келиб эдик. Кўпам ул бошқа ўйинларни ўйнайбермай, буниям ўргансин. Пичоқ-бозлик — ота-бобомиздан қоған ўйин.

— Майли, майли, кейин...— Чиннибек ошнасининг қўлидан совуқ буюмларни олиб столга кўйди.— Қани, яхшиси, тандиркабобингни майдала.

Муфтилла хўппасемиз ҳолига жуда чаққон дастёр чиқди. «Жиянбойи»ни дарров унутиб, пишиллаганча бир зумда олам-жаҳон гўштни тўғраб ташлади. Шишаларни ҳам ўзи очди, ўзи кўйди. Бу хонадонга, бундай базмга шундай бир югурдак керак эди. Муфтилла ана шу вазифани бус-бутун эгаллади-кўйди. Чиннибек «Муфти!» деса — бас, ошхонага қараб зипиллайди. Худди ўзининг уйидек, ниманинг қаердалигини сўрамаёқ билади, ҳар ёққа бемалол бош суқиб чиқаверади. Умуман, у бу хонадоннинг хос одами экани ҳар бир гапи, хатти-ҳарақатидан кўриниб турарди.

Ердаги даврада ғийбат бошланган. Кимдир икки боласи билан хотинини ташлаб, мансаб илинжида, қандайдир катта амалдорнинг икки боласи билан эрдан чиққан қизига уйланибди, ўшани муҳокама қилишарди.

Лекин бу ҳангоманинг латифаси шундаки, у афанди амалдор қайнотасининг номини кўйиб, «Фалон академикнинг келинига уйландим!» дея керилиб юрганмиш; хотини ростдан ҳам илгари академикнинг ўғлида экан; амалдор академик билан, академик эса, албатта, бирон бир амалдор билан қуда бўлади-да — расми шу. Ахир, «Тенг — тенги билан» деган гаплар қаёқдан чиқади бўлмаса?!

— Барибир боплабди! — деди қўшни эркак. — Бирваракай тўрт болага эга бўлибди. Бир ҳисобда, ҳеч нима йўқотмабди: ўша икки бола — ўша икки бола. Орттиргани эса — мансаб, машина!

— Аҳмоқ экан! — деди Зиракли хоним. — Ўзининг хотини чиройли эди, танирдим. Буниси бир бедаво! Шодланоймиди исми? — У негадир Сафурага саволмуз қараб олди.— Ҳа-а, шунақа. Уйда «Шодланка» деб чақиришаркан. Кейин, институтда «Шотланка» бўлиб кетди. Қизиг-а, Шод-ланка? А, Барнош, эсингдами, бирга ўқиганмиз-ку?

— Йўқ! — деди гирд айланиб увоқ териб юрган Муфтилла дабдурустдан бош кўтариб.— Хотин махлуқ, ҳар қанча чирайли бўлмасин, барибир тез қарийди. Амалдординг қизи бўлса қаримайди. Бойдинг қизи чирайли бўлади. Азалдан шўндай, ҳа!

Бу кутилмаган луқмага ҳамма бир зум лол бўлиб қолди-ю, кейин сах-ройининг содда фалсафасидан беозор илжайиб қўйишди.

Базмхонанинг «Овруро» қисмида тараддуд сезилди. Шоир кетмоқчи бўлиб қўзғалган эди. Чиннибек уни яна пича ўтиришга ҳарчанд қистамасин, унамади.

— Муфти, қаердасан? Тилаб акамизни ғир этиб, а...

Муфтилла итоаткорлик билан чарм камзулини кифтига илди.

Шоирни кузатгани деярли барча ўрнидан турди. Чиннибек бирга чиқиб, хийла замон йўқ бўлиб кетди.

Сафура «Море» деган узун қорамтир сигаретидан улашди. Хонимлар бараварига чека бошлашди. Эркак қўшни Зираксиз хонимга норози қараб қўйди.

— Айтган шоиринглар шуми? — деди Зираксиз хоним. — Намунча қовоқ? Келгандан бери тишининг оқини кўрмадим-а!

— Ичмас экан, ошқозони касалмиш,— деб қўйди Сафура.

— Нима ёзади ўзи?

Шоир нима ёзишини ҳеч ким аниқ айтиб беролмади. Баргида Бакирга қараб сирдошларча кўз қисиб қўйди: буларнинг аҳволини кўр! Аммо ўзи негадир мунозарага аралашмади.

Барноша билганини айтди:

— Хўжайиннинг ҳамқишлоғи. Ҳар ой телевизорда чиқади.

— Ҳа-а, эсладим, эсладим,— деди Зиракли хоним. — Бу одамни қаерда кўрганман десам, телевизорда кўрган эканман. Телевизорда чиқиб шеър ўқийди, аммо тахсирли қилиб! Иши шудир-да.

— Мен ҳам телестудияда бир-икки кўрганга ўхшайман,— деди Сафура. — Нуқул тумшайиб юрарди. Улгудек димоғдор.

— Вой, сиз телестудияда ишлайсизми?

Ижиклаб суриштиришларини сездими, Сафура негадир аччиқ билан жавоб қайтарди:

— Ишлаганман, фаррошлик қилганман!

— Башковитый парень,— деди ёлғиз қолиб бу даврага қўшилган Сергей Авакович.

Уй эгаси қайтиб келгач, Зираксиз хоним:

— Қани энди, қўшни, кўрамизми ановинингизни? — деб қолди.

Чиннибекка жон кирди. Кафтларини бир-бирига ишқаб йигирманчи аср мўъжизаларига яқинлашди. «Мен буёғини эплагунча, музика эшитиб туринглар», дея, хонанинг чироғини ўчириб, светомузикасини қўйди. Аллақандай шовқин-сурон остида турфаранг шуълалар ғужгон ўйнай бошлади. Хона эртақдагидек хаёлий тус олди. Сафура бурчакда видеоманитофонни мослаётган Чиннибекнинг атрофида гиргиттон эди. Бир маҳал лип-лип шайтанат асноси Чиннибек Сафуранинг нозикроқ жойига қўл чўзганини Бакир тасодифан кўриб қолди. Ёки унга шундай туюлдимикан? Бу ҳол сониялар ичида содир бўлдики, лип-лип, лип-лип... чамаси, бошқа ҳеч ким пайқамади — ҳамма гапга овора эди. Кўнглига совуқ бир нима кўланка солиб Бакир ғашланди, бу ердан чиқиб кетгиси келди. Шунда видеоманитофон қиёмат томошаларини бошлаб юборди. Карате, конфу, қочиш, тутиш, уриш, тепкилаш, отиш, янчиш, зўрлигу зино, осмонўпар бинолардан сакраш, самолётнинг думига осилиб учиш, яна қочиш, тутиш, уриш, қон-қус, йўқ, қип-қизил сув, дарё... Шулар ҳам одаммикан ё қўлбола ўйинчоқларми?..

— Э, бас-э, тўйиб бўлдим-э! — деди Зираксиз хоним ярим соатлар ўтар-ўтмас. Сўнг зорли оҳангда сўради: — Бошқа нарсангиз йўқми, Чиннибе-ек?

— Ҳа, ёқмадимми? — деди кулиб Чиннибек. — Яна битта кассета бор-у, билмадим, сизларга тўғри келармикан?..

— Бўпти, хотинларга жавоб! — деди эркак қўшни. — Қолганини эртага кўрасизлар.

— Вой-вой, видео деб келиб кўрганимиз шу, холосми? — деди Зиракли хоним.

— Шу, холос! — деди эркак хизматдош. — Буёғига бардош беришингиз қийин, хоним!

— Бўпти, турдик, қизлар! — деди Сафура негадир бирдан кўнақолиб.— Юринглар, ана, балконга чиқамиз. Ҳаво шундоқ мусаффоки, прелестъ! Магнитофон эшитамиз, бизга шуниси ҳам етади. Чиннушка, карнайини деразадан узативорарсиз. Менда бразильский қаҳва бор, шик! — У йўл-йўлакай креслодан Диор хоним ҳазрати олияларининг номи мубораклари билан аталган қаҳрабо тўрвани қўлтиғига қисиб олди. Бироқ бошқа аёлларни эшикка йўллаб, ўзи бир лаҳза тўхтади — найзасини санчмай чиқиб кетолмасди у: — А-а, тушунарли. Бечоралар, кунинглар шунга қопти-да, кошмар!...

Муфтилла келтирган «лайлаклар»дан биттасини бир ўзи паққос қуритиб, алжираб қолган Сергей Авакович креслодан бор гавдаси билан узалиб унинг қўлидан тортмоқчи бўлди:

— Ты садись!

Сафура кутилмаганда унинг благагига тўрваси билан бир туширдию зарда аралаш остона ҳатлаб чиқиб кетди.

Доғда қолган Сергей Авакович ҳам алаmidан чиқди — Чиннибекка қараб амр қилди:

— Давай секс!

Бу орада Муфтилла қайтиб келди. У Чиннибекнинг қулоғига нимадир деб пичирлаган эди, уй эгаси силтаб ташлади:

— Э, шеърини ёзиб юравермайдими, нима қилади менинг ишимга аралашиб?! Подумаешь, мешчан!

Бешарм, наинки бешарм, ёвуз, шарманда манзаралар кўз олдидан ўтаркан, Бакир бирдан Баргидани, ҳозиргина бу ердан чиқиб кетган хотинларни, жамики аёл зотини, йўқ, умуман, одамзодни чўчқадан ҳам баттар ёмон кўриб, нафратланиб кетди. Чиқиб жўнай деса, ҳамма ўтирибди, қимирламоқчи ҳам эмас — жон қулоқ бўлиб, вужудлар кўзга айланган. Иннайкейин, бир ўзи чиқса, буларнинг олдида нима деган йигит бўлади? Дарвоқе, чиқиб қаерга боради? Анови аёлларнинг олдидами? Нима деб? Улар нима деб ўйлашади? Баргидачи? «Ҳа-а, бўлди, бўлди, гап буёқда экан, тушунарли!» деб қолмайдими у? Эҳ, Баргида, Баргида! Мана бу шармандаликларни кўрсанг!.. Унинг юраги аламдан гижимланиб, оғриқдан дод деб юборгиси келди. Хайрият, шу чоғ содир бўлган ҳол уни азобдан қутқарди.

— Мама! Мама!

Чиннибек апил-тапил телевизорни ўчириб, қандилни ёқди.

Эшикда уйқули кўзларини ишқалаб чўпдек озғин, рангпар бир бола турарди. Ражик, Ражаббой!

— Э, жиянбой-ку! — дея ирғиб ўрнидан турди Муфтилла. Бориб уни бағрига тортмоқчи эди, бола кўкрагидан итариб ташлаб, яна «мама»лай бошлади. — Оббо, бегонасираяпти-ку! Мени танимаяпсанми, жиян? Мен Муфти бовонг бўламан. Ҳў-ўв, чўлда отга миндириб эдим-ку сени? Бунча озиб кетибсан? Ранг-рўйинг ҳам бир аҳвол! Ҳе, сени жирокларга жубарган отангинг жулинига!.. Нима, уёқда нон бермайдими сенларга? Ўзбекдинг нони ғозли де! Оббо, шеримард-эй, шуйтиб журибсан? Ке, бери ке, қулунбой! Мана, Муфти бовонг сенга пичоқ олиб келди. Қара, қандай зўр пичоқлар! Қани, шунинг билан бир ўйин кўрсатиб бер-чи бизга! Магнитапонни қўяйми, а, ота ўғил?

Чиннибек бир ўқрайган эди, Муфтилла жони чиққандек пусиб қолди.

«Ота ўғил» ҳамон ҳиқиллашини қўймасди:

— Мама, мама, я в Москву хочу, в Москву. Завтра же!

— Туш-пуш кўрганми, алаҳлаяпти, — деди Чиннибек ва балкон деразасини чертиб хотинини чақирди:— Барно! Ҳўв Барнош!

— Уша ёққа ўрганган-да, ўртоқларини қўмсаяпти,— деди қўшни эркак.

— Нима, энди буёққа ўрганмайдими? — деб сўради Муфтилла астойдил ташвишга тушиб.

Чиннибек яна бир қараган эди, у туси ўчиб, тилини тишлаб қолди.

Бола энди ер тепиниб ростакам хархашага ўтган эди:

— Нет, нет, не обманывайте меня. Я в Москву хочу. Завтра же!

— Ладно, ладно, ну хоп, не расстраивайся. Завтра вместе поедем в Москву,— дея, овунтиришга Сергей Авакович ҳам ҳисса қўшмоққа уринди.

Ҳайтовур, онаси келиб болани олиб кетди. Кейин яна бир муддат нариги бўлмадан унинг ҳиқиллаши эшитилиб турди.

Ногаҳон бир кўнгилсизлик рўй берган каби ўтириш бирдан совиди-қолди. Бояги томошанинг давомини кўрмоққа ҳеч кимда рағбат сезилмагач, Сергей Авакович хўшлашиб, уйга жўнади. Чиннибек уни кузатгани чиққанда Муфтилла тўсатдан тилга кириб, Бакирни ҳайратда қолдирди:

— Қани, ошналар, чорақадан чўзинглар-чи! Касситаси қурғур омонатга келган экан, бир кечага! Мана, биздан эллик! Ўзларинг тушунасизлар уёғини,— дея у ёнидан битта кўкиш қоғоз чиқариб столга тапиллатиб урди. — Сапураой икковимиздан.

Бакир қараса, меҳмонлар ҳеч нима кўрмагандек бамайлихотир чўнтак кавлашяпти. У ҳам ёнига қўл чўзган эди, Муфтилла:

— Сиз эшикка қараб жубаринг, Чинни сўраётувди,— деб қолди.

Бакир таажжуби ортиб даҳлизга чиққанида ташқи эшикдан кирган Чиннибек, меҳрибонлик билан елкасидан олиб уни ошхонага бошлади. Сирти кулранг катакли озода курсиларга жойлашиб ўтиришгач, аҳвол сўради:

— Хўш, божабой, сўзланг-чи энди, нима гап?

Тунов кун «Гастроном» бекатида тўхтаб — биларсиз уни, «Валентина» магазиндан ўтганда — автобуснинг олдинги эшигини очиб билет текшираётувди, студентга ўхшаган икки йигит йигирма тийин танга ташлаб кетди. Жарима солишга ҳам, билет беришга ҳам улгуролмай қолди Бакир. Одам кўп, автобус тиқилинч эди. Жўнай деб турганида... Бунинг устига, билмайди, нима жин урган, кассани текширганда роппа-роса олти сўм кам келса бўладими?..

Чиннибек бўлган воқеани бор тафсилоти билан сўраб-суриштираркан, шимининг орқа чўнтагидан кафтдек блокноту унга қистирилган жажожигина ручка олиб, эшитганларини қайд қила бошлади. Ручкаси аломат экан: ёзаётганида бандида чўмилиш либосидаги бир паризод тасвири кўринади, ручкани қоғоздан узса, ҳалиги жонон ширяланғоч бўлиб қолади. Бакирнинг шунга анқайиб қолганини сезган Чиннибек шумлик билан кулимсираб:

— Ҳа-а, маржами?..— деб қўйди.— Уккибоев дедингизми? Ўзбек эканми ўзи?

— Қайдам, ўзбекка ўхшайди-ку,— деди Бакир мубҳам бир умид билан.

— Бўпти,— деди ниҳоят Чиннибек сўроғини тугаллаб. — Аниқлаймиз. Албатта. Уйда телефон борми? Номерини айтинг. Натижасини индин ўзим хабар қиламан. Келишдикми?

У ҳозир Бакирга ягона нажоткоридек азиз кўринди.

Вақт ярим кечадан оққанда Муфтилла уларни Сафурага қўшиб машинасида уй-уйларига ташлаб кетди.

— Ғалати одам экан,— деди Бакир уйга кирилгач.

— Миша тоғами? О-о, яхшиям гапми, золотой-ку! — деди Баргида унинг сўзини ўзича тушуниб. Кейин, оғзидан бол томгудек бўлиб Миша тоғасини таърифлай кетди.

Бугун кўрган заҳоти кимгадир ўхшатиб, лекин кимлигини сира эслаб тополмаган одами тўғрисида Бакир анча-мунча нарса билиб олди.

Муфтилла Чиннибекка тоғами, жиянми бўларкан, шунинг учун булар ҳам, яъни Барноша, Сафура ва Баргида уни ҳазил аралаш «тоға» деб аташар экан. Мирзачўлда уйи, хотини, бешта боласи бор. Ўзи пахта пунктидами ишлармиш. Ёзда уёқда ўлгудек ишлаб (Баргида худди шундай деди), қиш кезлари кунни Чиннибекнинг уйида ўтармиш. Буларни яхши кўраркан-да, яъни — уни, Барношани, Сафурани, Чиннисини...

Бакир «Қизиқ-ку, хотини, бола-чақаси бўлса, буёқларда нимага тентираб юради?» демоққа чоғланган эди, худди унинг кўнглидан кечган гапни уққандек, Баргида:

— Ўзи жуда меҳрибон, қўли очиқ одам... — деди кимгадир таъна қилган каби.

«Қишларда Сафура иккаламизни чанғи учгани Чимёнларга олиб чиққан...»

Шу гапни эшитдию Бакирнинг хотирасида лоп этиб бир манзара жонланди. Аммо бу ҳақда Баргидага сўз очишдан ийманди, аниқроғи — безиллади, қўрқди. Нима деб сўрайди? «Жуда меҳрибон», деяпти-ку!

Бултур қиш палласи бир кунни Луначарский марказидаги бекатда, йўловчиларнинг автобусга чиқиш-тушиш фурсатидан фойдаланиб, дўкондан сигарет олиб чиқаётганида шундай манзарага дуч келган эди. Бекатдан орқароқда

кандайдир «Жигули» тўхтаб турар, унинг ичида ёқа-енги оқ мўйнадан аломат пўстин кийган хушрўй-хушрўй икки нозанин кўринар эди. Шу чоғ мўғулбашара бир йигит пайдо бўлди-да, чўнтагидан қизғиш, узунчоқ алланима (чўзма сақич бўлса керак) чиқариб, ҳалиги қизлардан бирига узатди. Қиз уни қўли билан олмоқ ўрнига, чўччайтириб лабини чўзди... Шошма, ўша қизлардан қай бири эди? Сафура! Ҳа, аниқ, Сафуранинг ўзгинаси эди!

Сўнг талай вақт негадир бу манзара кўз ўнгидан кетмай, ўзича нашъа қилиб, ажабланиб юрди Бакир: «Шундоқ гўзал жононлар... бир тўпорисифат кимса билан... Қизиқ!» «Жигули»нинг ҳарфий белгиси ҳам эсида — «СИЕ».

Ушанда бу қизлардан бири ўзининг бўлажак хотини эканини қаёқдан билсин у?

...Х о т и н и м и, дарвоқе?

Зиёфат тафсилотларидан сўзлашатуриб, Бакир гап орасида анови беҳаё томошалар кимга тегишли эканини билиб олди. «Узлариники, албатта, кимники бўларди!» деди ҳеч нимадан беҳабар Баргида. Бакирнинг таажжуби баттар ортди, не бир шубҳаларга борди. Умуман, бугунги бозмда кўрган-биланларининг кўпи таажжубланарли эди. Чиннибекнинг нурталаш қиёмат чоғидаги қилиғини эслади, юраги сиқилди. Буни қандай айтади? Айтиш керакми ўзи? Айтса, Баргида нима деб ўйлайди? Иннайкейин нима бўлади? Йўқ, яхшиси, билмагани маъқул. Ахир...

Бакирнинг боши ғувилларди.

— Баргиш, опангиз сал хомушроқ ўтиргандек кўриндимми?.. — деди у хира хаёллардан чалғиш мақсадида.

— Ҳеч ким бўйнидагига қарамади-да, — деди Баргида алланечук киноя аралаш хушҳоллик билан.

— Бўйнида нима бор эди?

— Дур! Беш минг сўмлик! Почча бултур Арабистондан олиб келган.

Бакир самимий кулиб деди:

— Масалан, мен унақа матоҳнинг фарқига бормасам...

— Фарқига бориш керак... унақа жойларда ўтиргандан кейин!

Бакир мулазам бўлиб қолди.

— Хўш, ётдикми энди? Қаттиқ чарчабман...

Атиги ўн кунлик куёв бу таклифдан сесканиб кетди. Навбатдаги зарбага учраб, кўзини қаёққа олиб қочарини билмай қолди.

— Келгуси ҳафта кўчамиз. Сафура билан келишиб қўйдим. Железно! Буниси сўнгги зарба — қатъий ҳукм эди.

4

Чиннибек, ваъдасига биноан, индини қўнғироқ қилди. Бакир ўша куни уйда эди, трубкани ўзи олди.

Иш аллақачон терговга ошганмиш. Бости-бости қилиш амримаҳол. Лекин Чиннибек тегишли одамлар билан гаплашиб кўрибди. Ягона чораси — терговчини қўлга олмоқ. Терговчи баттолу бетамиз бир кимса экан, «нақд тўртта» сўраётганмиш. Ё «тўртта», ё — камида тўрт йиллик мажбурий хизмат!

Чиннибек худди шундай деди: «Ё «тўртта», ё — камида тўрт йиллик мажбурий хизмат!» Бакирнинг дами ичига тушиб кетганини пайқабми, бундай деб қўшиб ҳам қўйди: «Так что, божабой, ҳаракатингизни қилинг! Кечиктирмай! Иложи бўлса — келаси ҳафта ичи! Ё, кармоннинг мазаси йўқроқми? Ундай бўлса, айтинг, тортинманг, биз ҳам қараб турмасмиз. Ахир, сиз билан биз уч-тўрт кунлик ошна-оғайни эмас, қариндошмиз! Шундоқ бўлсин, божабой, ҳа, белни беш жойидан боғлайсиз буёғига. Начора, кўрмайсизми энди...» ва ҳоказо.

Бу машвум гапни етказгани учун Бакир уни бирдан ёмон кўриб кетди. Ахир, у аллақайёққа тўрт йиллик мажбурий хизматга жўнатилса, Баргида, ҳали гўшангадаги Баргида буёқда... Бунинг устига, бунинг устига...

Бакир бошини чангаллаб ўтириб қолди.

Ҳамма даҳмазаю чопачоп ана шундан кейин бошланди.

Дадаси у туғилган йили яхши ният билан суғурта қилдирганидан чиққан пулу бошқа йиққан-тергани ва Бакирнинг ўзи тўрт йил ишлаб орттирган озроқ

сармоянинг бари тўй харажатлари билан учма-уч бўлган, қолган-қутгани ҳам шу баҳонада турли ҳою ҳавасларга сарфланган эди.

Оилавий кенгашдан маълум бўлдики, уйдагилардан ҳеч бир нажот йўқ. Ёлғиз нажот...

Дадаси мактабда оддий муаллим, топар-тутари ҳисобли, айниқса, сердаб-даба тўйдан кейин рўзғор тортилиброқ, баттар камхарж бўлиб қолган. Лекин, шукрки, улар саҳрода нажотсиз қолган ғариб эмас: тирикчилиги бадастур ака-опаси бор, ўзига бардам Зокир поччаси бор, худо қариндош-уруғдан ҳам қисмаган. Хуллас, иложи топилади.

Аммо ишонган суюнчиқларидан бири, бир қориндан талашиб тушган ўртанча акаси — Баҳромдан эшитгани қуруқ таъна-дашном бўлди:

— Йигирма тийин ишлайман деб, шунчага тушдингми? Аҳмоқ, лалайган! Биласанми, бу қандай пул — тўрт минг-а! Баъзилар бунинг учун тўрт йил тер тўкади, тўрт йил, хомкалла! Шунақа ношуд, ландавурлигингни билиб, ҳув бошдаёқ, заводга ишга жойлаб қўяй, дедим — «Йўқ, мен такси ҳайдаман, самолёт ҳайдаман!» деб олифтагарчилик қилдингиз. Мана, ҳайдаганингизни кўрдик! Таксини ҳам гўр қилдингиз. Агар адам ўшанда: «Қўй энди бу ишингни, ўғлим, сенга тўғри келмас экан», демаганларида юрардингиз ҳалиям шўлтиллаб, ота-онанинг шўрини қуришиб, шилиб! Узи-ку, кечагина кўнглинг баланд охурни тусаб, ҳаммамизни қоқиштириб бўлувдинг. Бугун энди... Тавба, йигирма тийин деб тўрт мингга тушиш-а! Бундан кўра, ғиқ этмай чопонни елкага ташлаб қамалиб кетган маъқул эмасми?! Сенинг ўрнингда бўлсам, худди шундай қилардим. Ўв, қачон эсинг киради, бола? Бор, менинг муттаҳамларга порага берадиган пулим йўқ! Билмайман, бу ҳукумат дегани қаёққа қараяпти!..

Бу гапларнинг қайбирига эътироз қилиб бўлади? Нимаси ноҳақ, нимаси ножўя, нотўғри? Уларнинг ҳар бири биттадан муштга айланиб, Бакирни ерга киритиб юборди. Гуноҳқорона ер сузиб ўтирган одам, бир маҳал шартта жойидан турдию:

— Бермасангиз берманг! Бўпти, сиз айтганча, қамалиб кетганим бўлсин! — дея акасининг эшигини тарақлатиб чиқиб кетди.

— Ўв, шошма! Шошма деяпман, ахир!..

Эртаси куни Чилонзордан Баҳромнинг ўзи пул кўтариб келди. Йиғла-гудек аҳволда ўтириб олиб дард-ҳасрат қилди, ўзини оқламоққа уринди:

— Кеча аччиқ устида сени хафа қилиб қўйибман, ука. Озроқ кайфим ҳам бор эди. Сенга ичим ачиганидан, куйинганимдан гапирдим. Бунинг устига, ўзинг кўрдинг, кеннойинг ўтирувди, шунинг олдида... Уни биласизлар, пулдунё деса жони чиқади. Уруғи билан бари шунақа...

Бакир узатиб турилган бир даста пулга ўгирилиб ҳам қарамади — акаси-дан кўнгли қолган эди. Негадир дадаси ҳам, ўртанчасининг не бир қилмишидан ичида норози эканми, индамай четга бурилиб, аралашмай ўтираверди.

— Мана шу пул барибир сеники! — деди Баҳром ўнғайсизликдан чиқиш йўлини топиб, қатъий. — Анови хотину унинг гап-сўзи мен учун капейка! Сен — укамсан, тамом. Билиб қўй: қачон зарур бўлса — оласан. Минг сўм!

Пул эгасининг чўнтагида қайтиб кетди.

Маҳалланинг нариги бошида турадиган тўнғич акасининг хотини — Заҳро кеннойиси ўша кечқурун беш юз сўм кўтариб келди.

— Мана, Бакиржон, топганимиз шугина бўлди. Кўп ўрнида кўрарсиз. Яна озроқ пулимиз бор эди, тунов куни акангиз бориб рангли телевизор олиб келдилар. «Ҳаммада бор матаҳ, болаларнинг кўнгли ўксимасин», деб. Унияма пичаси кредит экан. Қаранг, эсизгина, шошмай турганимизда бўларкан...

Акасига бир этак бола туғиб берган бу семиз, хушфёъл аёл Бакирнинг кўзига шу тобда онасидек азиз кўринди. Юпун-супун юрадиган жиянчалари назаридан ўтиб, қалампир сепгандек димоғи ачишди. Пулни олмасликка қарор қилди.

— Вой, тортинманг, олаверсангиз-чи! — деди кеннойиси чин дилдан қистаб. — Ҳай, топганингизда қайтарарсиз, ахир. Жиянларингиз кўзга кўриниб қоляпти. Олдимизда тўй бор, ҳашам бор. Қайтмаса ҳам майлига — ака-укачилик.

У пулни қўярда-қўймай, қайнонасининг қўлига тутқазиб кетди.

Бир маҳал оясининг ўзи уйдан беш юз сўм кўтариб чиқди. Синглиси бер-

ганмиш, Шоҳида. Сепига йиғиб юрган экан, шундан. Оббо! Бакирнинг аввалига энсаси қотди, жаҳли чиқди. Бир сабаб бўлиб у синглисини хушламай қолган эди. Ўшандан бери тузук сўрашмайди ҳам, сўзлашмайди ҳам. Улар бир хонадонда яшайтуриб гоҳо ҳафталаб бир-бирларини кўришмасди. Шоҳида аллақайси касалхонанинг жарроҳлик бўлимида ҳамширалик қилар, аксарият кечалари навбатчиликка қолар эди. Бакирники ҳам маълум — иши сменали. Учрашиб қолганларида эса — совуқина салом-алик, кейин: «Ҳа, юрибсанми?», гоҳо: «Чой қўйиб юбор» ёки: «Кулранг шимимни дазмолламабсан-ку?» қабилидаги майда-чуйда хонаки гаплар. Бугун келиб эса...

Ойисининг қийин-қистови билан Бакир пулни зўрға олди, боягининг ёнига қўшиб қўйди. Эндигина минг сўм бўлибди! Яна...

Сменадош оғайниси Гриша минг сўм берди. Хотини Наташа пўстин олмоқчи бўлиб йиғиб юрган экан.

— Бу йил киймаса шуни, ўлиб қолмас. Балки бу йил қиш ҳам бўлмас,— деди у кулиб. — Кузда Болгарияга саёҳат қилмоқчимиз, ўшангача берсанг бўлди.

Яна бир минг сўмни, ҳеч қутилмаганда, Сафура инъом қилиб қолди. Ота-бола тағин бир-икки жойга бориб кўрдилар... Айниқса, дадасининг кенжа укаси — Аббос амакисиникига қарз сўраб боргани Бакирга эриш туюлди: уларнинг қизғанчиқлигини билатуриб нега бордилар, барибир беришмайди-ку?!

Бакир кутганидек, дадаси у ердан «пул йўқ» деган гапнигина кўтариб қайтди.

— Улардан қиш куни қор сўранг-чи!.. — дея жавраб қайнисию овсинидан ёзғира кетди ойиси. — Пул деб ўлган иккаловиям. Уйлари нарсага тўлиб кетган-у, «кўрмадик, киймадик» деб зориллаганларига ўласиз. Қайнотани-ку, оёқда юрганида, борини худди совиб ичди. Шўрликнинг ўлимликка йиққанидан ўмариб, ўзларига тилла тиш қўйдиришди. Машкур ўлгурнинг ўз оғзидан эшитганим! Эр-хотин бир кеча тонгга довор навбат туришганмиш, ширин уйқудан кечиби! Савил, тилла дегани мунча азиз бўлмаса! Чол боёқиш уёқда «ҳақ» деб оғзини очиб ётибди. Дори олай деса, пулга зор. Бу ҳаммаси ўша яшшамагур Машкурнинг иши!

Табиатан оғир-босиқ дадаси бу гапларни эшитмаганга олди ўзини. Бакир ҳам ойисининг дийдиёсига унчалик қўшилишмади. Бўлса бордир. Чиндан ҳам улар мол-дунёга ўчроқ. Лекин у, ҳар қалай, Баргида билан илк маротаба ўшаларнинг уйида танишган. Баргидани «топган» ҳам, қуда-андачилик даҳмазаларида ўртада турган ҳам ўша — Машкура кеннойиси! Ҳай, қарз беришмаган бўлса, эҳтимол, ростдан ҳам пуллари йўқдир. Ахир, ўғиллари Миркомил кечагина ҳарбийдан келди, уларнинг ҳам орзу-ҳаваси бордир. Улардан чиқмаган бўлса, бошқа бирон жойдан топилиб қолар...

Бакир қандайдир заиф бир илинж билан Чиннибекка қўнғироқ қилиб, аҳволни билдирган эди, у: «Мана, минги биздан-да! — деди жўмардонасига. — Уёғини опкелаверинг-чи».

Божасининг ҳимматига тан берган Бакир йиғилган пулни эртасигаёқ унга элтиб топширди.

Топширдию бирдан ўзини озод, бахтиёр сизди: ахир, у тўрт йиллик мажбурий хизматдан қутулган, Баргиданинг, Баргишасининг бағрида қолган эди!

Ҳеч қандай хат-хабар келмадими, автопаркда бировнинг Бакир билан иши бўлмай қолди. Деярли аввалгидек ишлаб юраверди. Тўрт минг сўм ўзининг ғойибона куч-қудратини кўрсатган, афтидан, иш аллақачон бости-бости бўлиб кетган эди. Офарин, Чиннибек! Сафуранинг таъбири билан айтганда — б р а в о!

Энди буёғига, олинган ана шу қарзларни бирин-бирин узишгина қолган эди...

— «Стадион» бекати. Кейингиси — «Кинотеатр». Ҳурматли йўловчилар! Бугун...

Дарсдан кейин кунлари мана шу йўл ёқасидаги гирди темир панжара билан ўралган майсазор майдонда ўтарди. Футбол! Болаликнинг зўр қувончи, овунчоғи. Бакир доим дарвозада турарди. Лекин дарвозабон эмас, ҳужумчи бўлиб ўйнагиси келар, шунинг устидан кўшнилари Маҳкам валдир билан кўп таллашиб-тортишар, ўйин маҳали қайнаб-жўшиб жойида тек туролмас, дарвозани тепадаги худога топшириб, майдонга тушиб кетар, аммо хавф туғилган заҳоти елиб келиб, чаққонлик билан тўпни илиб олар — шундан уни мудом дарвозага қўйишар эди. Унинг эса, машҳур тоғаси Омон Эргашевга ўхшаб ҳужумда ўйнагиси келарди. Валдироқ Маҳкамга ҳасад қиларди: фирром, оёққа тепгани тепган, ўзи тузук ўйнай олмаса ҳам — ҳужумчи... Унга ҳозир ҳам ҳасад қилади: Валдир валдираб тузук гапиролмайди, лекин футбол шарҳловчиси бўлиб кетган.

Бу бекатда Бакирга кадрли тагин бир гўша бор. Йўлнинг стадионга қарама-қарши томонидаги анов қуюқ теракзор айланиб ўтилса, тўрт қаватли қизғиш бино келади. Ушанинг учинчи қаватида бир қиз яшайди. Бакир шу қизнинг илинжида бу ерга кўп келган, бирга тунаб қолган кечалари ҳам кўп бўлган. Уни яхши кўрармиди ё йўқ — буни айтиш қийин. Шуниси аниқки, у билан бирга бўлиш Бакирга хуш ёқарди. Ўрталарида икки томонни кўпинча исканжага қўядиган бир мажбурият йўқ эди. У билан муомала қилиш ҳам, бирор нима устида тортишув ҳам завқли, ўнғай эди. Ҳаммаси очиқ-ойдин, самимий, бемалол, беҳавотир. Аммо бу барибир истиқболсиз бир ўйин, омонат савдо бўлиб, унинг жиддий эмаслиги, жиддийлаша олмаслигига ҳар икки томоннинг ҳам ақли етар, иккала тарафга ҳам шу ойдек равшан эди.

Улар йирик заводга қарашли маданият саройининг тилга тушган «Замона» ансамблига қатнашиб юриб танишган эдилар. Бакир гитара чаларди, Марина қўшиқ айтарди. Бакир кўпчилик оилаларда бир-икки замон ҳукм сурган қатъий урфга кўра («Боламиз ё музикага бориши, ё спортга қатнаши шарт!»), дарсдан ортиб музика мактабини ҳам ўқиб битирган эди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ҳали бўз йигит эмасми, ишдан кейин кечқурунлари ўзини қаерга қўярини билмай зерика бошлади. Шунда «Замона» ансамблининг доврўғини эшитдию бир пайтлардаги «таланти» эсига тушди. «Санъаткорлар» орасида ҳам, мухлислар ўртасида ҳам шайдолари беҳисоб бу қизни илк марта ўшанда кўрди. Бошқаларга анчайин масхараомуз кулиб қарайдиган мағрур қиз Бакирга қолганда ройиш, ҳалимдек мулойим чиқди. Бунга йигитимизнинг асосан ташқи сифатлари сабаб бўлди демоқ ҳам Маринадек зийрак, нозиктаъб қизга нисбатан ҳақоратдек туюлади. Энди эслаб қаралса, у барибир табиатан ювошроқ қиз экан. Аслида ҳам шунақа эди. Бироқ маданият саройининг томошабинларга лиқ тўла муҳташам толорида Алла Пугачёвнинг бутун мамлакат жўрнавоз бўлиб куйлаётган машҳур қўшиқларини ижро этганида шундай жўшиб, берилиб кетардики, сира таниб бўлмасди. Шунда Бакир кечагина бу қизни бағрига олганига ўзи ҳам ишонмай қоларди. Лекин ишонмасдан иложи йўқ. Концертдан кейин уни қузатиб бориши рост, баъзан у билан бирга уйига кириши ҳам рост, онаси заводга, сменасига кетганда гоҳо соат ўн биргача, гоҳида эса тонгга қадар у ерда икковлон ёлғиз қолишлари ҳам рост. Буларнинг бари ҳақиқат, бари бўлган гап. Хона бурчагидаги «Неринга» ёрлиқли сандиқдек баҳайбат, алмисоқдан қолган магнитофон уёқда ўзича хониш билан овора, булар буёқда — диванда ўзлари билан. Қайта-қайта айланавериб увадаси чиқиб кетган лента қайта-қайта узилаверади, шунда «сандиқ»нинг укки кўзидек йирик пистоқи чироқчаси липиллаб қолади. Узиқ лента — шитир-шитир, пистоқи кўз — лип-лип; шитир-шитир, лип-лип, шитир-шитир, лип-лип... Қани энди биров ўрнидан туриб анови даҳмазани улаб қўйса, пистоқи кўзга бир зум бўлсин осойиш бағишласа! Ундай жонзот йўқ бу ерда. Бори ҳам бояги қўшиққа эш бўлиб, қўшилиб кетган! Бу сирдан биргина кўз воқиф, биргина шу гувоҳ, уккининг кўзидек йирик пистоқи чироқча — лип-лип, лип-лип...

Йўқ, бошқа гувоҳ ҳам бор экан. Оёқ остидан чиқиб қолди у. Жикилдоқ Шоҳида. Синглиси. Чақимчи! Бир кеч навбатчиликдан қайтаётиб қандайдир дарахт тагидаги ўтиргичда кўрганмиш уларни. Эртасига кечқурун аввал тергов, сўнгра юзлаштириш, ниҳоят ҳукм — маслаҳат бўлди. «Бу юришларингизни қўйинг энди, Бакирвой, бизга ярашмайди, — деди дадаси одатдаги босиқлик

билан.— Бирорта кўз остига олиб қўйганингиз бўлса — айтинг, биз ҳам кўрайлик буёғини. Шу чоққача ўз ҳолингизга қўйиб қўйганимиз ҳам етар».

«Кўз остига олиб қўйгани» борми? Бакир узоқ йили «номзод»лардан биттасини учратган эди. ЦУМда. Тасодифан. Бир дугонаси билан юрган экан, растама-раста етаклашиб. «Вуй, Баки-ир, санмисан?! — деди аранг таниб. — Қатта ўқивоссан? Нечинчи курс?.. Ман филфакдаман. Бу йил битирвопман. Ҳозир-чи, диплом ёзивопман. Тилдан. Шевалардан. Вой, танишиб қўй: бу мани ўртоғим — Мупар, Мупаррах. Билла ўқийвуза».

Шундан кейин қайтиб кўрмади уни. Филфакнинг битирган бўлса керак. Шевалардан диплом ёзиб. Ҳозир «қатта» экан у? Нима иш «қивотган» экан? «Махтабда боллани она тили ва адабиётдан ўқитвотган»микан ёки «билла ўқиган ўртоғи Мупар минан» Марказий магазинда растама-раста етаклашиб юрганмикан?..

Ким билсин! Лекин Бакир шуни биладики, худди шу қиз мактабда ўқиб юрган кезлари унга «ошиқи беқарор» бўлган, битирув кечаси хилват бир бурчакда бўйнига осилиб, «Бир умр бирга бўловуз, Бакир ака!» дея онт ичган. Кейин, ҳарбий хизматга кетаётганида, ҳар кун биттадан хат ёзиб турмоққа ваёда берган ҳам мана шу қизгина бўлади. Ваъдасининг устидан чиқиб хат ёзди, тўғри. Биттагина. Икки йил — етти юзу ўттиз кун бадалаида! У ҳам икки оғизгина ахборотдан иборат: «Иккинчи курсда ўқивопман, янаги йил учинчига ўтаман».

Хуллас, шаҳар бўйлаб Бакирбекка қиз қидирмоққа тушдилар. Аммалари, холалари, опа-сингилу кеннойлари. Бировининг ойдеккина, лекигин сағал паканароқ қўшниси бор экан, ўзлариям тагли-тугли, бадавлат хонадон; бировининг бирга ишлайдиган хизматдоши бор экан — сағал ўтириб қолганини айтмаса, тузуккина эмиш, бир рўзғорни обод қиладиган; бировининг дугонаси, яна бировининг таниши, жияни, синглиси, аммасининг қизи, холасининг қизи, амакисининг хотинининг жиянининг қизи, тоғасининг божасининг опасининг қўшнисининг қизи... «Ойдеккина», «нозандек», «икки юзи нақш олма», «сочини кесмаган», «ҳаёли-иболигина, рўзғор юмушларига бопта», «ўқишларни «беш» баҳо билан битирган, топиш-тутиши бинойидек, ўзини тутиши ҳам чакки эмас, замонавий-да», «гапирганда ерга қараб туради, шун-доқ лағмонлар қиладик...»

Ҳайҳотки, бу турфа-туман нозанинлар орасидан Бакирға муносиби топилмасди, Тошкентдек бепоён шаҳри азимда унга ёқадиغان қиз йўқ эди. Бири ўпоқ, бири сўпоқ. Икки-учтаси билан танишувларга ҳам борди. Ҳадра. Цирк. Санъат саройи. «Диско раққоси». Лекин — «сағалгина, сағалгина». Ҳар гал бу ҳолдан Бакирнинг ёдига Адҳам боз айтиб берган латифа тушарди.

Бировнинг қизига совчи келибди. У қизини таърифлай туриб нукул: «Сағалгина айбини айтмаса...» деб такрорлармиш. «Нима, қизингизнинг оёғи ногиронроқми?» деб сўрабди келган совчи. «Йўғ-э, оёғи соппа-соғ-у, сағалгина айби бор-да». «Ҳа, кўзи ғилайроқми?» «Нима деяпсиз, биродар, қизим шахлоқу! Аммо сағалгина айби бор-да». «Топдим, топдим, танбалроқ бўлса керак-да!» «Оғзингизга қараб гапиринг! Қизимиз шундоқ-чаққонки, рўзғорнинг ўтидан кириб сувидан чиқади. Фақат сағалгина...» «Ундоқ бўлса гапирсангиз-чи, ахир, нима айби бор?» «Шу, ҳеч қандай айби йўғ-у, сағалгина иккиқатроқ-да...»

Холаси топгани бир кўришдаёқ Бакирнинг дидига ўтиришмади: ўтакетган тортинчоқми-ей, қишлоқига ўхшаган бир бало. Лекин аммаси топган номзодини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Бакир: «Тили сал чучукроқ эканми», деб қусур айтган эди, дарҳол мот қилди-қўйди: «Тили аччиққина бўлганидан чучуккина бўлгани тузук эмасми, ўргилай! Иннайкейин, жа-а унчалик қораяммас. Қорачагина бўлгани ёмонми? Қора қиз — сара қиз, дейдилар».

«Ана ўша боёқишларнинг уволи тутди сени, болам», дейди ойиси бир кун келиб. Лекин ҳали у кунгача бор эди...

Иттифоқо, Аббос амакисининг тўнғичи Миркомил армиядан келдию қариндош-уруғ «аскар кўрар»га йиғилди. Тенг-тўш, ёш-яланг бир хонага — замонавий жиҳозланган, магнитофонли алоҳида бир хонага тўпланди. Ана шу зиёфатда бир қиз Бакирнинг кўзига жуда иссиқ кўринди. Аммо, «Қаерда кўрган эканман-а, ким бу қиз?» дея ҳарчанд бош қотирмасин, эслаёлмади. (Ажабо, чиройли қиз-жувонлар ҳаммиша танишдек туюлади, қаердадир кўрган-

га ўхшайверамиз уларни!) Қиз кўхликкина, очиқ-сочиқ, ғоятда ёқимтой эди. Ярашиқ кулгичлари ҳам чиройли, жарангдор кулишлари ҳам, ўзи ҳам, сўзи ҳам чиройли, хуллас, ҳавас қилгулик эди. Бир-икки оғиз гап ҳам олишдилар. Маринанинг таъсирими, ўрганган кўнгил, Бакирга бу қизнинг ўзини эмин-эркин тутиши айниқса маъқул бўлди. Қўшилиб бир жуфт рақс ҳам қилдилар. Ана шунда Бакир ўзини оламда энг бахтиёр, бахтиёргина эмас, еттинчи олам шахзодасидек беармон ҳис этди. Бу олам — олам қадар сирли, сеҳрли, жозибадор эди. Бу оламда анвойи гуллар нигоҳингизга зор, муаттар мушқлар димоғингиздан нари кетмас, уни муқим макон тутар эди. Бу оламда борлиқ нарса гўзал, фараҳли эди. Бу оламда оддий одам тилида эмас, қуш тилида, йўқ-йўқ, булбуллар шевасида сўйлашиларди. Бу олам ана шундай фусункор, сирга, сеҳрга тўлиқ эди...

Бу оламда У бор эди!

Лекин, начораки, у — баланд дор! Дор?..

Майли, нақдини, пастроғини кўриб юраверсин-чи...

Бу гал уни нақ дадасининг ўзи «қўлга туширди». «Қўлга туширди»ю, эртасиёқ нонушта маҳали, икки оёғини бир этикка тиққандек, масалани кўндаланг қўйди:

— Узинг айт! Бўлмаса, дуч келган бировига совчи қўямиз, бугуноқ!

Бакир ерга тикилиб олди, лекин тутила-тутила дилидагини айтди:

— Кенжа амакимнинг бир қўшнилари бор экан...

— Вой, «дом»да турадиганми?! — деди ойиси талвасага тушиб.

— Баргида деган. Ушанга бориб кўринглар-чи...

— Вой, ниманинг баргида? Қанақа барг? Нима деб алжиравоссан ўзи, бола?!

— Алжираетганим йўқ, — деди Бакир энди кўзини ердан узиб, жаҳл билан. — Исми шунақа!

— Вой, шунақаям исм бўларканми? — деди ойиси ёқасини ушлаб. — Баргидамиш-а! Ҳа, жиллақурса, Фарида бўл, Ақида бўл! Исм тўлиб ётибди-ку: Шахло, Лайло, Барно, Раъно, Зебо...

Дадаси кесиб: «Бўпти, масала ҳал! Бугуноқ Машкур келинга телефон қилиб, гаплаш!» дея фармойиш бермаганида, ойиси ўзи билган жамики номларни бирма-бир санаб чиққан бўлармиди!

Икки кундан кейин телефонда айтилган рад жавобининг мазмуни қуйидагича эди: ўқимаган экан; қизимиз олий маълумотли санъатшунос, музейда ишлайди; айтинг, биздан ранжишмасин, бошқа жойларни кўришсин, ахир, куча тўла қиз, ўзига муносиби топилиб қолар... Энг қисқа, лекин аниқ, аччиқ мазмуни эса — тенг тенги билан, тезак қопи билан...

Тезак, қоп... Бакир — ёш, навқирон, қад-қомати келишган йигит, шунда умрида биринчи марта ўзини қаттиқ камситилган сезди, хўрлиги келди.

Ажабо, шу кундан эътиборан совиш ўрнига, ўша «олий маълумотли санъатшунос»ни кўргиси келадиган, қўмсайдиган, унга талпинадиган, уни деб изтироб чекадиган бўлиб қолди — қасдма-қасдига, аччиқма-аччиқ! Бир сўз билан айтганда, уни «қаттиқ севиб, кўрмаса туролмайдиган ошиқи беқарор»га айланди. Ҳар хил баҳоналар билан ўша ёққа ошиқадиган, бориб, амакиси уйда бўлса — Миркомилни, Миркомил бўлса — амакисини сўрайдиган, иши борлигини важ қиладиган бўлди. Аммо бирор маротаба бўлсин у ни учратолмади.

Ана шундай ҳаловатсиз кунларининг бирида, рад жавобидан кейин икки ойлар чамаси ўтгач, фавқулодда Машкура кеннойиси қўнғироқ қилиб қолди: «Бакирчик, суюнчини тайёрлайверинг, буёғи ҳал! Опамни чақиринг-чи... Кенно-ойи, анақа...»

Эртасидан эътиборан одатдаги борди-келди бошланди. Уй кўрар, совчилик, оқ ўраш, маҳаллага маълум оши, никоҳ, қиз базми, тўй... Икки томон ҳам бир-бирдан рози, иккала томон ҳам мамнун. Оёқлар олти, қўллар хизматга шай. Қуда-андачилик, баҳамжиҳат келишувлар, сарпо-сурук, тўй харажати, маслаҳат, битишув... Келинга тилла тақинчоқ занжирча масаласида жиндаккина шашмашага борилганини айтмаса, қолгани хамирдан қил суғургандек, гўё силлиқ кечди.

Лекин негадир куёв тарафдан ҳеч кимнинг ҳаёлига: «Ахир, Булар кечагина рад этган эди-ку, нимага энди бирдан ташаббус қилиб, ўзлари элчи қўйиб

қолишди? Бу ерда биронта сир йўқмикан?» деган иштибоҳ келмади. Зеро, бунга фурсат ҳам қолмаган, тўй куни белгиланиб, югур-югур бошланиб кетган эди.

Хўш, энди буёғини келин-куёвдан эшитсак, улар аллақачон ошиқ-маъшук бўлиб кетишган, бормаган гўшалари — салқин соҳиллару хилват хиёбонлар, киною театрлар қолмаган эди. Дарвоқе, бир гал кинотеатрнинг олдида Бакир Баргидадан ажралишига бир баҳя қолди. Қўрқоқлик қилди, бўшанглик қилди. Қўрқоқлик билан енгди. Ана шунда хатога кетган экан, буни кеч англади, лекин сўнгги пушаймон — ўзингга душман. Бефойда. Ахир, тўй куни тайинланган эди-да. Жордесни, лаънати рақиби қоработир Жордесни ўша куни қилди. Ана ўшанда йигитлик қилганида, бирдан исён кўтарганида, бир зарб билан ҳаммасини яксон этганида... Айтмоққа осон. Тан олиш керак, кўрқди, Баргидадан, шундай санамдан ажралиб қолишдан кўрқди! Кучи уч-тўрт кун аразламоққагина етди. Ана шунда тагин Машкура кеннойиси жонига ора кирди: «Ҳа, қочоқ! Йигит деган қайлиғини ҳам ташлаб қочадими?!». Узи ҳам шундай бир баҳонага, далдага зор бўлиб юрган эмасмиди? Раҳмат, кеннойи, яхшилигингизни сира унутмайман! Яраш-яраш. Яна илгаригидек сайру томошалар, лабташналик, энтикиш, талпинишлар... Энди Баргида унга аллақандай, опаларчами меҳрибон бўлиб қолган эди. (Ҳа, айнан опаларча!) Ахир, ҳаётда нималар бўлмади! Чучук бор жойда аччиғи ҳам бўлади. Гул тиконсиз бўлмас. Чидаш керак! Шунинг учун ҳам буни ҳаёт дейдилар, ҳа-ёт!

Ёдида, араз кунларининг бирида аламидан маст бўлиб Маринаникига борди. «Уйланяпсан деб эшитдим...» Йўқ, дея олмади негадир: «Ҳа, шундай ният бор, — деди мужмалгина ишшайиб. — Уйдагилар қўйишмаяпти». «Тўғри қиласан, уйлан. Бахтли бўл. Лекин сендан илтимос: энди бу уйга келадиган йўлни эсингдан чиқаришга ҳаракат қил!» Мардона қиз экан Марина, оқила қиз экан!

Ярашганларининг эртаси Баргида «Бир таклиф бор», дея уни битта жойга бошлаб борди. Бу собиқ Асака майдонида қад ростлаган осмонўпар бежирим бинолардан бирининг ўн бешинчи қаватида жойлашган икки хонали шинам, серҳашам квартира эди. Унда янги келин-куёвга даркор жамики шароит мавжуд эди. Уларни Сафура кутиб олди. Икки дугона даҳлизда ниманидир пичирлашди. Кейин, Бакир диванда ўтирган хонага Баргида кирди. «Қалай, ёқдимиз? Қаранг, деразадан бутун Тошкент кўриниб туради. Тўйдан сўнг шу ерга келиб яшасак, нима дейсиз?» Бакир лом-мим деёлмади — бу ҳашаматдан оғзи очилиб қолган эди. Агар ҳозир Баргида «Мана шу қаватдан ўзингни ерга ташласан!» деса, у сира иккиланмай деразага ёпишарди. Бир маҳал Сафура эшикдан бош суқиб: «Уй сизларники, билганингларни қилинглар, я пошла, чао!» деди Бакирга шўхчан кўз қисиб.

Бу жаннатда, боя айтилганидек, ҳамма нарса муҳайё эди. Бироқ бу чинакам жаннат, чинакам жаннатда эса... Билганларини қилолмади Бакир, Сафуранинг ишончи ерда қолди. Марина билан қовушганда сира бунақа бўлмасди. Ҳаммаси қандайдир табиий, ортиқча таҳликасиз кечарди. Уз-ўзидан. Ҳозир эса... Ҳолбуки, у кунги тўқнашувдан сўнг бу ишга қатъий бел боғлаган эди. Ё худди ўша халал бердимикан?.. Тўғри, ўпди, қучоқлади, Баргиш, Баргиш, аммо... Мана, у ётибди. Бағрингга кирмоққа, кириб вужуд-вужуди билан уни ойдек тўлдирмоққа шай. Меҳрингга зор, қучоғингга илҳақу интизор. Ма, ол, ҳаммаси сеники, ҳаммаси! Мана шу момиқ вужуд, мана шу ипакдек майин, маллатоб кокиллар, ақиқ лаблар, оққушники мисол оппоқ бўйин... бари-бари! Кўзлар қамашади, ваҳм босади, нафас тикилади, кўкрак қафаси юракка тор, ёриб чиққудек... Бамисоли саҳрода чанқаб-чўллаб, томоқлар қақраб, лаблар қовжираб, юрак аланга олиб, баданга ўт туташганда ногаҳон олдинда зилол сувли бепоён денгиз кўринди, дейлик. Эсанкираб қолинадими шунда? Зеро, шарт оғир, шарт бешафқат: ичмоқ бўлсанг — бутун денгиз сувини симирасан, сўнгги томчисига қадар; чоғинг келмаса, яхшиси, яқинлашмай қўяқол, акс ҳолда, куясан, вужудга баттар ўт туташади, бугина эмас, денгизнинг ўзига-да ўт кетади, денгиз ҳам аланга балосида ўртанади, ана унда омон қолмоғинг амримаҳол... Ма, ол, ҳаммаси сеники, ҳаммаси! Қўлингдан келса!..

«Кейин, — деди бир маҳал Баргида секингина, уф тортгандек. — Ўзингиз-

ни кўп уринтирманг. Кейин, вақти келганда...» Бу гапни у масхараомуз оҳангда айтгандек туюлди Бакирга. Кўксидан шундай хўрсиниқ отилиб чиқдики, ўн беш қават пастдаги шаҳар, шаҳар-ку шаҳар, бутун еру осмон ларзага келди гўё...

Кейин — кейин, вақти келганда... Э, уёғи бир дoston, йўқ, фожиa дегулик кулфатнома!

Ундан илгарироқ эса тўй дабдабаси. Никоҳ, «Чайка»да шаҳар бўйлаб сайр, зиёрат, гул қўйиш маросими, фото-киноаппаратларнинг чиқ-чиқи, шампан кўпиклари... ЗАГСда яна бир нарса маълум бўлди: Баргида ундан икки ёш катта экан. Буни кўриб Заҳро кеннойиси негадир лабини тишлаб қўйди. Бакир эса, аксинча, хурсанд бўлди: ўзидан ёши улуғроқ қизлар унга янада сирлироқ, жозибалироқ туюларди. Ёшлигидан шунақа.

Атрофда ўралашиб юрган аллақандай сўхтаси совуқ, тақа мўйловли суллоҳ йигитларнинг оққушдек товланиб турган Баргидага суқланиб қарашлари, гап отишлари, бетакаллуф муомаласию Бакирга мутлақо бепарволик, ҳатто пинҳона ҳасадми, нафрат, ҳеч кимнинг у билан иши йўқ... Гўё унинг тўйи эмас-у, ановиларнинг тантанаси! Гўё у бу ерда ҳеч ким, ҳеч нима эмас, шунчаки аралашиб қолган бир хас, пуф деса, ана, осмонга учиб кетади. Ҳаммаси Баргидага парвона, Баргидага маҳлиё, Бакирга кўзлари тушганда эса, маъносизгина илжайиб қўйишади, холос. Ҳа, у бир соя, соянинг сояси... Аллақандай ясанчоқ таннозлар, оқбилак таманнолар, турли-туман упа-элик, мушк-анбарларнинг бошни гарангу сархуш қиладиган, айни чоғда қандайдир фожеий хиёнат руҳида огоҳ этадиган анвойи бўйлари... Бакир пакар-паришон эди бу қиёмат ичида. Ҳаммаси тушдек, биров кўраётган тушдек. Уйғонай, кўзимни очай деса, ёнида — Баргида, Баргиш... Кейин, худди шундай ички таҳлика остида «Зарафшон» ресторанида ўтган дабдаба...

Шулар ва бундан буюғи энди бир пайтлар ўзи орзу қилган ҳаёт эди. Орада анови фалокат рўй бермаганида, балки...

6

Қарз даҳмазасидан қутулар-қутулмас, Баргиданинг чарлари бўлди. Бакир томондан қариндош-уруғи йиғилиб борди. Чарларга куёвнинг ўзи ҳам таклиф этилган эди. Қуда-андаларга зўр иззат-икром кўрсатилди. Лофи билан айтганда, Баргиданинг дадаси дирижёрлик қиладиган деярли бутун бир хор коллективи хизматда бўлди. Созандаю хонандалар зиёфатнинг бошидан охиригача санъатларини ўша кун и халққа эмас, раҳбарларнинг қудаларига намоиш этдилар; бетўхтов хониш этиб турилди. Бу куй-қўшиқлар меҳмонларга унчалик манзур бўлмаган эса-да, улар одоб сақламоққа мажбур эдилар. Ахир, нозик жойда меҳмонлар, қолаверса, ўзларининг иззати учун қарийб бутун бошли хор коллективи ташриф буюрган; ана, қўлларида ирғай таёқча, паришон сочларини ҳар ёнга жилпанглатиб қуда буванинг ўзи уларга «дарс ўргатмоқда». Тўғри, хорда бундай лавозим йўқлиги туфайли, томошани жонлантирадиган раққоса кўринмасди, аммо унга зарурат ҳам сезилмади: Сафуранинг бир ўзи ўнта ўйинчининг ўрнини босди. Беш йил бекорга театр институтининг тупроғини ялаганми! Яна беш йилча — унда-бунда касб санагунига қадар — бекорга телевидениеда режиссёрга ассистентлик қилганми! Ёши ўтинқираганроқ, лекин ҳамон машҳур ҳофизга эш тушиб, бир-икки вақт пойтахтдан панароқ манзилларга тўйга борганлари-чи! Мана энди — ўшаларнинг самараси. Бир ўзи даврани эгаллаб, эркак меҳмонларнинг кўзини ўйнатиб, юрак-бағрини жимирлатиб, қариндошларининг, жонажон дугонасининг базмини обод қилмоқда. Утган гал изза бўлишига сал қолгани ёдидами, бу сафар у хийла сиполик, андишамандлик билан ўйнарди. Бироқ тўйма-тўй санғийдиган жайдари отарчи — данап эмас, Сафуралиги зўр келиб бот-бот куйдирмажон муқомлар қилиб қўярдики, ана шунда базм аҳли бу ер ҳовли эмас, кўпчилик яшайдиган «дом» эканини бир дам унутиб, уни бошга кўтаргудек чуввос солиб, қийқириб юборарди.

Хулла, оддий меҳмондорчилик эмас, тўй бўлди, тантана бўлди!

Агар буни чарлар дейдиган бўлсак, одатан унда куёв қатнашмаслиги лозим, башарти, қатнашгудек бўлса ҳам ўша куниеқ зиёфатдан сўнг, келган

қариндош-уруғи билан бирга уйга қайтмоғи шарт эди. Лекин Бакирвой деганимиз оз эмас, кўп эмас, бир ҳафтага яқин қолиб кетди қайнона-қайнотасиникида. Бир ҳисобда, бу ерда, «ҳар куни байрам» муҳотида яшамоқ унинг учун сўнгги кунларда чеккан азоб-изтироблари, қарз-қурз дея ўлиб-тирилиб югурганлари эвазига берилган бир мукофот эди гўё. Бу ҳолдан ота-онаси олдида ўзини уятли санаб, мулзам сезган Бакир, уйларига сим қоқиб: «Бир-икки кун шу ерда туратурарканмиз, Баргиданинг тоби йўкроқ эди», дея ночор баҳона қилмоққа мажбур бўлди. Ҳар ҳолда, ҳали чиллали келин-куёв, буёғи қандоқ бўларкин? Ана шу мулоҳазасини хотинига айтганида, Баргидадан ҳали кўп маротаба эшитажак, мутлақо самимий тарзда айтилган, лекин мутлақо лоқайд мазмундаги бир иборани илк бор эшитди: «Ҳа, нима қипти?!» (Аслини илова қиламиз: «Ну и что!»)

(Шу тарика, ўзи туғилиб-ўсган ота-она хонадониди, не-не орзу-умидлар илинжида тортилган чимилдиқ остида яна бир кеча хотини билан бир ёстиққа бош қўймоқ унга қайтиб насиб қилмаган экан. Айтиш мумкинки, улар худди шу ернинг ўзидан — бориб наридан-бери юк-пукларини олиб келганларини ҳисобга қўшмаганда — тўппа-тўғри, марҳаматли Сафура беғараз тортиқ этган (вақтинча, албатта), шаҳарнинг қоқ марказидаги осмонўпар кошонанинг ўн бешинчи қаватида жойлашган серҳашам квартирага кўчиб ўтдилар.)

Баргидаларнинг хонадониди чиндан ҳам «ҳар куни байрам» эди. Шу бир ҳафта ичиди чарлар бўлди, синглиси Басиранинг туғилган куни ўтказилди, ойиси Афрўза Камоловна ўзи мудирлик қиладиган дорихонадаги хизматдош ҳам-касабаларини меҳмонга чақирди, ўзлари ҳам бир марта аллақимнинг юбилей зиёфатига бориб келишди — хуллас, бирор кун уйда тинчгина ўтирмақ йўқ, ҳамиша байрам, дабдабаю асъаса, тўй-тараддуд. Ҳар кеч ётишдан олдин оилавий тарзда биргина савол муҳокама этилади: эртага нима қилдик? Кейин ё бировниқига меҳмондорчиликка борилади, ё кимдир, кўпинча машҳурроқ одам, сабаб-бесабаб уйга чақирилади.

Барношанинг туғилган куни, Баргишанинг туғилган куни, Басирашканинг туғилган куни, Афрўза Камоловнаники, Ражикники... Йилида бир неча мартадан! Булар гўё туғилган кунларини нишонламоқ учунгина туғилишган эди. Куёвболамиз қачон туғилган эканлар — қайси ой, қайси кун, билиб қўяйлик!

Иннайкейин, бу ерни нақ карвонсарой дейсиз! Бакирга нотаниш аллақандай сўхтаси совуқ башаралар бемалол кириб-чиқаверади, келиб-кетаверади. Баъзилари қайнотасининг исфаралик қариндошларию қариндошларининг қариндошлари бўлса, кўпчилиги хонадоннинг шунчаки таниш-билиши эмиш. Бозор-ўчару бошқа хўжалик юмушлари шуларнинг зиммасида — Афрўза Камоловна уларни текин дастёр қилиб Олой бозорига зир югуртиргани югуртирган.

Бошда бир-икки кун беғам, серзавқ туюлган бу ҳаёт тарзи, бу ҳавойи борди-келдилар уч-тўрт кун ўтмаёқ Бакирни зериктирди, ғашига тега бошлади. Синчиклаб қаралса, бу ҳой-ҳаваслару ҳатто оила аъзоларининг ўзаро муомала-муносабатлари замирида ҳам қандайдир омонатлик, ясама киборликка интилиш, хўжақўрсинчилик майлларини сезиш мумкин эди. Азбаройи ҳақиқат таъкидлаш лозимки, ёлғиз Баргидагина ола қарғадек нимаси биландир бу манзарадан четда, ажрлиб турарди. Ёки Бакирга шундай туюлармиди, ҳар қалай, у ўзи туғилиб-ўсган бу хонадондаги кўпгина тутумлар билан ботинан келиша олмас, ўзига хос бир заҳархандалик аралаш буни бот-бот намойиш этиб ҳам турар, шундай ҳолатларда аксарият Бакирга қараб, «начора, булар шунақа одамлар» дегандек хижолатомуз кулимсираб қўяр эди. Бошқалар ҳам ўз навбатида унга эҳтиёткорона муомала қилишар, ортидан: «Баргидамиз шунақа ўжарроқ, ўзбилармон, санъатшунос-да, ҳамма нарсага танқидий назар билан қарайди: Баргиш — заҳаргиш», дея ҳазиллашиб қўйишар эди.

Бу хонадондаги тагин бир одат Бакирга малол келди. Қатъий риояли оилада тарбия топган йигит, мана, йигирма бешга қадам қўйибдики, ҳали-ҳамон дадасидан ҳайқиқиб туради, у хонасига бош суққудек бўлса, азрўйи адаб, ўлиб ётган жойидан ирғиб туриб кетади. Бу ерда эса бир неча бор шундай манзаранинг гувоҳи бўлди: ота креслода газета ўқиб ўтиради, аллақачон бўй етган қиз — Басира, тиззаларини кўз-кўз қилганча, диванда чўзилиб телевизор

кўриб ётади. Бакирнинг ори келди, кейинги гал уни яна шу ҳолатда учратиб, қаттиқ тикилган эди, ҳайтовур, кетига тепки еган сигирдек базўр, шунда ҳам норози тумшайиб ўрнидан кўзғалди. Отангдан-ку уялмас экансан, лоақал, ҳар ҳолда, бегона эркак — поччангдан ибо-истиҳола қилсанг-чи, Басира бўлмай, бебасир кетгур!

Оиладаги уч қизнинг кенжаси — ана шу тантиқ Басиранинг туғилган куни айниқса уйда қиёмат бўлди. Бакирнинг тўйи арафасида оёқ остида ўралашиб юрган кимсаларга ўхшаш аллақандай шубҳали, антиқа кийим-бошли, ҳар икки-сидан бири тақа мўйлов қўйган, турқи совуқ бир гала арзандалар йиғилиб олиб, тонггача шовқин-сурон қилиб, дўпир-дўпир ўйин тушишди. Бурчакда чинқириб турган магнитофон оворая булар овора, бошқасига ишлари йўқ. Кўпинча касб-кори бетайин бу тоифанинг юриш-туриши Бакирга анча таниш, таксида юрган кезлари у бунақаларга дуч келавериб, ўксаси қотиб кетган. Улар, қўлларига неки тушмасин, эртанинг ғами билан ишлари йўқ, шу куннёқ еб-ичиб битиришадию сўнгра яна бирор жойдан бирор нима унишини пойлаб осмонга боқиб ялло қилиб ётишаверади — қаноатни ҳам билишади. Лекин жойларидан туриб бундай бир жон ҳаракат қилмоққа сира тоб-тоқатлари йўқ — ҳар турли заҳар тушавериб бамисоли тошга айланган чарвиларини эритгилари келмайди. Буларнинг ичида шундай бир тоифа ҳам борки... Бакир унақаларини ҳам учратган. Бир гал унга Чилонзордан илашган тўда худди мана шунақалар орасидан чиқмаганми?..

Таксига учта қиз барабар қўл кўтарди. Ҳали бўйдоқ кезлари эмасми, Бакир қизиқсиниб машинани йўл четида тўхтатди. Сўрамай-нетмай ичкари кириб олган учала қиз ҳам навниҳол, ўн тўққиз-йигирмалар атрофида, лекин шу ёшда ҳам балони кўриб улгурганлари гап-сўзларию афт-башараларидан маълум эди. «Онусободга! Фақат тез!» дея амр қилди машинага кирасолиб ўзини Бакирнинг ёнидаги ўриндиққа ташлаган қиз. У безгак теккан мисол қалт-қалт учиб-тушар, майдатароқ қалами шими тиззалари узра кулларини ҳар ёнга сочганча қўлидаги сигаретни базўр лабига олиб бориб, ютоққудек ташналик ичида симирар, билагига игна билан «Анора» деб ёзилган эди. «Ҳа, нима гап, тинчликми?» деб сўради Бакир ажабланиб. «Тезроқ ҳайданг, оқажон, тезроқ, ўлиб қоламан!» деди Анора аранг, энтика-энтика. «Да, побыстрее, пожалуйста!» деб қўйди орқадагилардан бирови. «Ҳаҳ, номард! Уттиз сўмни қуртдек санаб олиб, берган матаҳини қара ярамаснинг! — деди бошқаси. — Бунақада ўлиб қолса нима бўлади бу?!» Турқ-башарасиёқ одамнинг ғашини келтирадиган бу сатанглари машинага ўтқазганидан пушаймон еб бораётган Бакир уларнинг гап-сўзларига у қадар тушунмаган эса-да, нопокроқ бир ниманинг ҳидини сезди, тезроқ айтган манзилларига етказиб, булардан қутулишга ошиқди. Манзилга етилгач эса, қизиқ, улар машинадан тушишга шошилишмади, аниқроғи, тушмоқ ниятлари ҳам йўқ экан. «Маша, югур!» деди Анораси, машина тўхтар-тўхтамас орқадагилардан бирига ўгирилиб бўғиқ, титроқ овозда. Бакир аллақачон бу ёпишқоқ йўловчиларидан безор бўлган эса-да, айти замонда ички бир қизиқувчанлик ғолиб келиб, шубҳалироқ туюлган манзаранинг давомини кутмоққа қарор қилди. Жонҳолатда чопиб тўққиз қаватли бинога кириб кетган Маша, чорак соатлар ўтай деганда қайтиб чиқди. Ҳаллослай-ҳансирайю гуриб келди-да: «Мана. Уйда экан, хайрият. Уша нарх!» дея муштумидаги алланимани Аноранинг кафтига қистирди. Бакир титроқ панжалар орасидан чиқиб турган қандайдир ампуланинг учини кўриб қолди. «Энди Қорасувга босасиз, оқажон!» деди боя сўник кўринган кўзлари дафъатан ғайритабиий бир ўт билан чақнаб кетган Анора, титроғи ҳам андак аригандек бўлиб. «Қани, машинани бўшатиб қўйларинг-чи! — деди Бакир ғазабини аранг босиб. — Йўқса, ҳозироқ мелисага олиб бораман ҳаммангни! Қани, бўл! Туш, туш!» Орқадагилар пича тихирлик қила-қила, ҳар қалай, тушишди-ю, лекин Анора ўриндиққа ёпишганича без бўлиб ўтираверди, сўнг ёлвормоққа ўтди: «Жон оқа, элтиб ташланг Қорасувга, кейин нима десангиз — бермаган номард!» Шунда Бакир ўзига ҳайрон қолди — шартта эшикни очдию бир зарб билан қизни машинадан улоқтириб ташлади ва йигит бўлиб тилига олмаган ҳақоратни айтиб бакирди: «Қанжиқ!» Эшигини қарсиллатиб ёпиб, абжирлик билан машинани изига буриб оларкан, гандираклар ўрнидан тураётган Аноранинг

чинқирган овозини эшитди: «Машка, Машка! Номерини ёзиб ол! Ув, жал-лаб, ҳали Ромага айтиб дабдалангни чиқазмасам!..»

Ушанда Бакир неча кунгача ўзига келолмай, ичида хит бўлиб юрган. Романинг кўлига тушиб дабдала бўлмоқдан қўрққани ёки анови манжалақидан ҳақорат эшитгани учун эмас, йўқ, бошқа нарсага, бошқа...

Албатта, ҳозир бу уйдаги барчани бир хил қарич билан ўлчамоқ бориб турган бадбинлик бўлар — уларнинг орасида бинойидек тарбия кўрган бамаъни йигит-қизлар ҳам йўқ эмас. Лекин анови хунуки бедавони қаёқдан топди экан Басира? Афрўза Камоловнинг «дастёр»лариданмикан ё? Бурун сўрайган, кўзлар чақчайган, ранг-рўй ўликниқидан фарқи йўқ, кузалмаган мўйловлар тамақидан сарғайиб кетган сўйлоқ тишлар орасида... Азроил бўл-э! Ота-онани айтинг, ҳеч нима кўрмаган бўлиб, бепарво ўтиришибди. Ўзиям уларнинг кўз олдида Басирага суйкалгани суйкалган. Бунча ёпишқоқ бўлмасанг! Мум тишлагандек бир сўз демайди-ю, нуқул қизга тегажақлик қилади: гоҳ ўз-ўзидан уни тирсаги билан туртиб қўяди, гоҳ уялмай-нетмай очиқ елкаларига қўл юборади, баъзан, кўзни шамғалат қилиб, силаб-силаб ҳам қўядими-ей... Қуруқ гапириш билан оғзини чарчатмай, тўппадан-тўғри ишга, амалга ўтадиган писмиқ хилдиган экан. Шунчасигаки ҳадди сиғяптими, демак, бу ерда бир гап бор, бир сиргина бор. Шак-шубҳасиз. Бўлмаса Басирадек, майли, эрка бўлсин, тантиқ бўлсин, лекин Басирадек бир барно келиб-келиб шу азроилни танлармиди! Боя Баргиданинг шивирлаб айтишича, у асли аллақайидан келган, уч йилдан буён театр институтига киролмасмиш, аммо ўзи нодир истеъдод эгаси эмиш. Бўлмаган гап! Бу ерда бошқа бир сиргина бўлиши керак. Ё, аҳмоқ қиз, борини бой бериб қўйиб, энди ноиложликдан пешонасининг шўрини ялаб ўтирибдимикан? Балки... балки, шунинг учун Баргидани тезроқ бу уйдан гумдон қилиш эҳтиёжи туғилгандир? Ана, «азроил» гилос пишмасдан довуччасини териб улгурган кўринади, акс ҳолда, бунчалик талтайиб, эркинсираб ўтирмасди бу ерда! Нега бўлмаса, бошда рад қилган калондимоғлар дабдурустдан кўнақолишди, ўзлари ўртага одам қўйиб, Баргидани узатиш пайига тушишди? Ё бу ерда бошқа сир ҳам бормикан? Қандай сир? Буни Баргидадан сўрамоқ ноқулай!

Буни ҳеч бировдан сўраб ўтирмоқнинг ҳожати йўқ, буни ҳеч ким айтмайди, ягона чораси — анови «азроил» тутган йўлни туттишдир, вассалом!

Диққати ошган Бакир, чекиш баҳонаси, ойнаванд балконга чиқди. Деразани ланг очиб тутун пурқаркан, қоронғиликка тикилди. Ҳайвонот боғининг ажаб-товур манзараси ҳар-ҳар жойда порлаб турган ерчиқорларнинг элас-элас шуъласида эртақдаги сингари сирли, маҳобатли, мўжизавор тусда твланиб кўринади. Турли-туман парранда даррандалар. Йиртқичу ювш, хонакию ёввойи махлуқлар. Ана — фил, қафасни бузгудек бўлиб хартумини ҳар ёнга биланглатмоқда; ана — йўл-йўл чопонли йўлбарсвой, кўзлари ваҳшат билан ёниб атрофга алангламоқда; ана — товусхон, кўндоққа чиқиб олиб афсонавий патларини кўз-кўз қилмоқда; ана — бўрилар, тулкилар, қуёнлар, одамзоднинг яқин қариндоши — маймунлар...

«Зоологиядан фақат «беш» олардим», дейди Баргида ғурурланиб. Ҳайвонот оламини яхши билса керак-да. Ахир, боғнинг ёнгинасидаги бу кўркем, соя-салқин маҳаллада яшаб, ҳавас қилгудек обод, ҳар томонлама қулай бинода истиқомат қила туриб, ҳар кун балкон оша оламда бор жамики жонзот — паррандаю даррандалар ҳаётини кузатавериб кўзи пишиб кетган одам, ҳайвонлар ҳақидаги фандан қандай ўқирди? У «беш» олмай, шу шаҳарда туғилиб-ўсиб, аммо бир мартагина, ўшанда ҳам зоология муаллимининг ташаббуси билан бу ерга бир синф ўқувчилар сафида икки соатлик экскурсияга келиб-кетган мендек нодон «беш» олсинми!

Бакир ҳайвонот боғи оша йироқларга кўз югуртирди. Аммо боғдан сал нарида қад ростлаган тўртта азамат осмонўпар бино нигоҳи олдини тўсди. Бугун-эрта у Баргида билан ана шу бинолардан бирига кўчиб боради. Ушанда нафақат ҳайвонот боғи, балки бутун шаҳар, бутун Тошкент кўз олдида намоён бўлиб туради. Мерси, меҳрибон Сафура! Дарвоқе, унинг ўзи нега бугун кўринмаяпти, кунда ўралашиб юрадиган одам? Ё, одатдагидек, кечикиб «ташриф буюради»ми? Чиннибекнинг-ку узри бор экан, боя Барноша айтди, Ҳиндистондан меҳмон келганмиш, ўшаларга таржимонлик қилгани кетибди. Барноша-

нинг ўзи ана, ҳар доимгидек диванда ястаниб олиб, ҳар доимгидек беғам, танбалона «қавш қайтариб» ўтирибди. Ражик-чи, у қани? Хархаша қила-қила Москвасига кетвордимикан?

Бакир орқасига ўгирилдию дераза оша ичкарида тагин ҳам ажойиб манзарани кўрди. Мимо (қайнотаси) диванда чайқала-чайқала дутор чертиб қўшиқ айтар, Афрўза Камоловна (қайнонаси) бошига дуррани долу фаранг қилиб, бир кўлида рўмолча, гоҳида «Ҳаҳ!» дея, қирриғи чиққан яллаци данаплар каби чапак уриб қўйиб, асқар болаларга ўхшаб оёқларини баланд-баланд кўтариб, лабларини қўшиқ сўзларига монанд қимирлатганча эшила-тўлғона ўйин тушмоқда эди.

Ҳа! Дутор чалиб ўтирсам-о, тори узилиб кетди,
Ёрим эсимга тушиб-о, кўнглим бузилиб кетди...

— Ҳаҳ, аммашка, bravo!

Сафурами? Қаёқдан пайдо бўлди у?

Ўзгинаси! Ана, эшикдан кирасолиб, йўл-йўлакай даврага тушиб ўйнай кетди.

Ўйинни Сафурага чиқарган-да! «Аммашка» унга тир тушмоққа чоғи келмаслигига кўзи етдими, даврани бўшатиб, диванга — Мимосининг ёнига ўтирди, кўлидаги рўмолча билан елпина бошлади.

Бу ерда узоқроқ қолиб кетса ноқулай бўлишини ўйлаб ва Баргида кейин ранжиб-ўпкалаб юрмасин деган хавотирда Бакир қайтиб ичкари кирди. Табиатан серзавқ кўринадиган қайнотасининг санъати ҳам уни жалб қила бошлаган эди. Даврада чарх уриб жавлон этаётган Сафура, унга кўзи тушгач, бир зум тўхтагандек бўлиб, одатича, «Чао!» дея кўлларини нозик силкитиб, суйган каби эрка бир қилиқ қилиб қўйди.

Боя Афрўза Камоловна ўйин кўрсатганда бурчак-бурчакда кинояомуз кулиб ўтирган ёшлар энди хийла жонланиб қолишди: Сафура рақсга уларнинг дидига мос замонавий муқомларни ҳам омихта қилиб юборган эди. Умуман, қайнона-қайнотасининг ёшларга қўшилиб бундай ўйин-кулги қилиб ўтириши Бакирга эриш туюлди. Ҳар ким ўзининг ўрнини билиши, ўзига ярашадиган ишни қилиши керак. Қарға минг урингани билан булбул бўлолмас. Шунга ўхшаб булар ҳам ҳарчанд ўзларини уриб ёш бўлмоққа тиришишмасин, барибир, юзларидаги ажинларнию сочларидаги қировни йўқотиш кўлларидан келмайди, қолаверса, уларнинг аллақачон неварали бува-буви, аниқроғи, «бабуля», «дедуля» эканликлари ҳаммага маълум. Бу кўнгли ёш «бабуля-дедуля» ўзларини ҳар қанча ҳаммабопу киришимли, улфатсевар кўрсатишмасин, барибир, ёшлар улардан қимтиниб, тезроқ даф бўлишларини пойлаб ўтиришибди. Ахир, парвона ўзини қанчалик кўпроқ ўтга урса, шунчалик тез қанотидан айрилади, холос. Бакир буларни ўзининг ота-онаси билан таққослаб, ҳам кулгиси келди, ҳам нимадандир хижолат бўлди.

Базм аҳлининг эътиборини ўзига тааллуқли деб билдими ёки озми-кўпми санъатга дахлдор кимсаларнинг деярли барчасига теккан касал — иззатталаблик туфайлиданми, қисқаси, неча ўн йиллаб хорда дирижёрлик қилиб элнинг назарига тушолмай, бошқалар каби доврўф қозонолмай армонда юрган одам, ҳечқурса шу ерда — ўз хонадониди, ёшлар даврасида бунга эришмоққа жазм этди — жўшиб кетиб янги бир қўшиқ бошлади:

Менинг борар жойим — ўшал Намангон,
Ёргинам келади, бўйнида маржон...

Шу вақт Афрўза Камоловна шартта эрининг бўйнига осилиб, чимилдиқдаги келинчак мисол ғамза қилиб эркаланди:

— Вой-вой, чамадонни тайёрлайверайми? Қачон кетамиз, а, қачон ўшал Намангонга? Ё мени ташлаб кетмоқчимисиз?

Бакирдан ўзга деярли барча кулди бу қовушмаган ҳазилга. Энсаси қотганини яширмоқ учун у бошини эгиб олди. Ўтган шу уч-тўрт кун ичида буларнинг Баргида билан унга шама қилгандекми, ёш келин-куёвларга хос бундай ночор, ярашмаган қилиқларию бачкана таклидларини кўравериш меъдасига тегиб улгурган. Негаки, бир қарашда сезилмайдиган бу шўх ҳазиллару аҳил-тотувликлар ортида самимиятдан бошқа нимадир кўпроқ эди.

Қайнотаси аслида ҳофизликка туғилган экан. Ҳозир ҳам кеч эмас — дири-жёрлик таёқчасини синдириб ташлаб, шуни касб қилса ютқазмайди. Ҳай, ана, дабдабали тўй-ҳашамга чоғи келмаса, бундайроқлари бор: майда-чуйда базму чортанг, наҳорги ош дегандек. Бу нима хўрликки, эртаю кеч хонама-хона «Ми-и-и, мо-о-о» дея қичкириб юрса! Шундан оилада лақаби «Мимо» бўлиб кетган. У хотинини доим эъзозлаб «Афрўза Камоловна» ёки меҳри суйиб кетганда «Рўзахон» деб атайди, хотини эса уни — «Мимо». Гўё эркалатгандек, суйгандек. Аслида-чи, хонаки жониворларнинг номини эслатадиган бу лақабда ҳақоратомуз маъно ҳам йўқ эмас. Афрўза Камоловнани, дорихонада хўжайинлик қилиб ўрганиб, оилада ҳам жиловни қўлга олган бу ҳукмфармо хотинни-ку қўятурайлик, баланд-паст қизлари ҳам уни ана шу ҳақоратомуз лақаб билан атайди: «Мимо айтди», «Мимо олди», «Мимо берди». «Мимо»нинг ўзи эса бунга парво ҳам қилмайди, гўё «Мимо» эмас, «Муму» деб чақирсалар ҳам унга барибир. Умуман, аслида оққўнги, беғубор бу одамда ғурур, нафсоният масаласи чатоқроқ, шунданми, у баъзан сал овсарроқ ҳам бўлиб кўринади. Бунинг баъзи бир сабаблари ҳам бор экан, тўйдан кейин Бакир Баргидадан билиб олди.

Қайнона-қайнотасининг ўз ҳазилнамо таъбирлари билан айтганда, Мимо — Афрўза Камоловнанинг «биринчи ва учинчи эри», худди шунингдек, Афрўза Камоловна ҳам Мимонинг «биринчи ва учинчи хотин» экан. Бундан чиқади, бир-бирларини кўз очиб кўришган. Фақат орада... Орада, Бакирга қоронғи сабабларга кўра (Баргида бунисини айтмади), улар ажрашиб, эр бир марта уйланиб, хотин ҳам эрга чиқиб кўрган. Оқибат, мана, қайта қовушишган. Эрининг кейинги хотинидан бир ўғли бор, у консерваторияни битириб, ҳозир анча ном таратган композитор эмиш. Хотин эса кейинги эридан қаторасига уч қиз кўрган: Барно, Баргида, Басира. Демак, Мимо уларга ўғай ота ҳисобида. Чин оталари қизалоқлар ҳали гўдаклигида, Бакирга қоронғи сабабларга кўра (бунисиниям айтмади Баргида), бир куни ичиб олиб, ўзини тўрттинчи қават деразасидан ташлаган, кейин бир ҳафта касалхонада ҳушсиз ётиб, ўлган экан. Шушу, улар Мимони аввал «папа» деб, кейинчалик ойиларидан ибрат олиб, «Мимо» дея ўсишган. Унинг бу хонадонда бир қадар тилқисиқ, камписандлиги ана шундан бўлса, яна бир жиҳати — Афрўза Камоловнанинг кибору калонди-моғлиги туфайли эди.

Қайнотасининг икки қилиғи Бакирга унча хуш келмади. Бири — бўлар-бўлмасга унга қараб сирдошларча кўз қисиб қўяверади, иккинчиси — ниҳоятда сўзамоллигию уни ҳадеб «куёвбола», куёвбола» деявериши. Бу хонадонга куёв, куёвбола эканини Бакирнинг ўзи ҳам билади. Лекин куёвболанинг ҳам оти бор. Бакир уни «қайнота» деб чақирмайди-ку, ахир! Бошқаларга ўхшаб, ҳақоратомуз лақаби билан «Мимо» деб ҳам атамайди.

Чарларнинг эртасига у Бакирни рўпарасига ўтқазиб олиб, ҳар сафар «Энди бунисини эшитинг, куёвбола!» дея, жиннилар туркумидан бир талай латифа айтиб берди. Сўнгра, негадир эшикни қаттиқ ёпиб қўйиб, паст товушда, деярли пичирлаб форсча байтлар ўқиди:

Ман бошаму вай бошад,
Вай бошадү май бошад.
Вай аз лаби май нўшад,
Ман аз лаби вай нўшам.¹

Уқиганини ўзбекча изоҳлаб, «Қалай, зўр-а? Бунинг мағзини чақинг, куёвбола! — деди қаҳ-қаҳ кулиб. — Энди мана бунисига қулоқ тутинг»:

Дарахти макри зан чил реша дорад,
Фалак ҳам аз макри вай андеша дорад.²

Байтни шарҳлаб, яна боягидек: «Ана бунисининг мағзини чақинг, куёвбола!» деди. Аммо бу гал негадир қаҳ-қаҳлаб кулмади.

Байт ўқишга, шеърятга ишқибозлиги бежиз эмас экан, у ҳозир нуқул Бакирнинг дилидаги қўшиқларни топиб кўйламоқда эди. У айтаётган қўшиқда-

¹ Мазмуни: Мен бўлсаму у (маъшук) бўлса, У бўлсаю май бўлса. У май лабидан симира, мен унинг лабидан сўрсам.

² Мазмуни: Аёл киши макр дарахтининг қирқ илдизи бор, Ул макр қаршисида фалак ҳам ночор.

ги айрим мисралар Бакирни маст қилиб, эзиб юборди: «Асл ёринг ғамдан озод бўлса...», «Лабини очмаёқ меҳри билинса...», «Ҳамиша сақласин сизни илойим, ўзи ошно, дили бегоналардан...»

Баргида алланечук маъюс, мунғайиб ўтирарди. Бакир уни сира бундай ҳолатда кўрмаган эди. Нимани ўйлаяпти экан? Бирдан меҳри жўшиб, кўнглида нечундир унга нисбатан тушуниб бўлмас бир шафқат уйғонди... Шу чоғ ўгирилиб, кўзини юмганча дилдан берилиб қўшиқ айтаётган қайнотасига қарадию кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Унинг бир қулоғига тақадек келадиган зирак осифлиқ эди. Лўлининг эркагига ўхшаб! Чамаси, болалигида ҳазил-ҳазил билан қулоғи тешиб қўйилган. Ана, ёнида ўтирган Афрўза Камоловнинг бир қулоғида зирак кўринмайди, ўшани олиб таққан. Ажойиб ҳазилкаш, худди афанди экан-да бу одам! Боя ўз хаёллари билан бўлиб Бакир қарамаган экан, пайқамабди. Энди ҳар гал у томонга кўзи тушганда қайнотасининг қиёфасида нимадир етишмаётгандегу қайнонасида нимадир ортиқчадек бўлиб туюлаверди. Ҳа-а, зирак экан! Қайнотасининг бу қулоғига ҳам зирак етишмаётган экан. Ана ўшанда ҳар иккаласи тўкис кўринади. Бирдан бу одамга раҳми келаётганини сезди. Бугун ўзи ҳаддан ортиқ кўнгиладан бўлиб боряпти. Анови ғамгин ашулаларнинг таъсиримикан? Йўқ, бирпасдан сўнг кайфияти янгиланди. «Бабуля-дедуля» ёшларга бас келишолмади: бири ўйнаб, бири ашула айтиб чарчади шекилли, хонани асл эгаларига қолдириб, ётиб дам олгани чиқиб кетишди. Улар эшикдан чиқишдию давра бирдан енгил тин олди. Магнитофон қўйилиб, ҳамма баравар ўрнидан турди.

...«Азроил»нинг кайфи ошиб, Басирани қувлаб қолганини айтмаса, базм хуррам, кўнгилли ўтди. У қизни хонама-хона гир айлантриб қуваркан, дафъатан ҳайвонот боғидан шернингми, қафасга сиғмай, қаттиқ наъра тортгани эшитилди. «Азроил» сал ўзига келди чоғи, даҳлиз деворига суяниб шилқ этиб тушдию шу кўйи бурчакда ухлаб қолди. Ҳеч ким яқинига йўламади. Бакир эрталлаб туриб қараса, ҳамон ўша алфозда — даҳлизда, оёқ остида хуррак отиб ётибди. Туш кўраётган бўлса, тушида ниҳоят театр институтига киргандир. Ёки бу хонадонга ичкуёв бўлиб келишини туш кўряптимикиан? Ҳар ҳолда, кимдир бошига ёстиқ қистириб қўйибди-ку, кимдир...

7

Дадасининг кенжа укаси — Аббос амакиси шу уйда, қўшни подъездда яшарди. Тунов куни ҳовлида амакиваччаси Миродилни учратиб, Ўгай бувасининг аҳволини сўраганида, у: «Сизни йўқлаётувдилар», деб қолди. Бакир ҳордиқ куни Олой бозорига тушиб ул-бул харид қилдида, кечқурун ишдан қайтган Баргидани эргаштриб амакисиникига кирди. Миркомил билан дадаси Гена деган қўшниларига кўшилиб Сирдарёга балиқ овлагани кетишган экан, уларни Машкура кеннойиси қарши олди.

— Вой, бир-бирига ярашган келин-куёвимдан ўргилиб кетай! Келинлар, келинлар, — деди у ўз кашфиётидан мамнун одам қиёфасига кириб, ҳар бири билан алоҳида-алоҳида, елкасига қоқиб кўришаркан. Сўнг, кўрсатган мулозаматидан кўнгли тўлмадими, Баргидани қайтадан бағрига олди, ўпди, худди сирдош опа-сингиллардек юз-кўзига маънодор тикилиб, «баҳо» берди: — Янаям очилиб кетибсиз, Баргидахон. Кўз тегмасин, келинликнинг ўзиям, сарполариям ярашибди, туф-туф...

Бу гапдаги яширин ишорани уққан Бакир ичдан қизариб кетаётганини сезиб, юзини четга бурди. Кеннойиси ҳамон сайрарди:

— Ўзимиз сизларни меҳмонга чақирмоқчи бўлиб турувдик. Кечагина адаси билан шунинг маслаҳатини қилувдиг-а, Миродилим «Бакир акамни шўтта кўрдим», девди. Аксига олиб, ўзлари йўқ пайтда... Ота-бола азонлаб туриб...

— Амаким борликларида тагин келамиз, кеннойи, ташвиш тортманг! — деди Бакир уни ноқулай аҳволдан қутқармоқ учун. — Бугун биз шунчаки разведкага, Ўгай бувамни кўриб чиққани кирдик. Сўраган эканлар.

— Вой, шунақами? Келинлар, келинлар. Ана, ётибдилар. Ўша аҳвол... Қани, юринлар бўлмаса, — деди кеннойи негадир истар-истамас уларни чол ётган хонага бошларкан.

Деразалари ёпиқ, қафасдек тор, дим-диққинафас бу бўлмага киргач, Бакирнинг феъли айниди. Ойисининг ёзғириқлари эсига тушиб, беихтиёр кеннойисига, аниқроғи, унинг лаб-даҳанига назар солди. Кирасолиб ўзини бетоб қайнотасига меҳрибон кўрсатиб, апил-тапил унинг кўрпа-тўшагини тузатишга тутинган кеннойининг ҳақиқатан ҳам оғзи тўла тилла тиш эди. Бакир уни кемшик ёки сўйлоқ ҳолда тасаввур қилмоққа уриниб кўрди, йўқ, эслолмади. Тишлари мудом бир текис, соғлом эди. Оғир дардга чалиниб, сўнгги уч-тўрт ойдан бери тўшақда ётган қайнотанинг эса аҳволи бу, «дори олай деса, пулга зор». Беморнинг устидаги рўйжа-чойшабу эғнидаги ёқаси очиқ оқ яқтак тусини йўқотиб, талай вақтдан бери алмаштирилмагани яққол кўриниб турарди. Каравотнинг бошидаги курсида чойнак-пиёла ва сарғиш қопқоқли жигарранг шишачада аллақандай дори. Пиёлага яримлатиб қўйиб қўйилган чойнинг юзасини юпқагина ғубор қоплаган, худди бир томчи мой томизилгандек, деразадан тушаётган оқшомги ёғдуда камалак тусида йилтиллаб товланади...

— Дода, кўзингизни очинг! — деди кеннойи унинг бошига энгашиб, баайин дардманд беморга эмас, қулоғи оғирроқ одамга гапиргандек баланд, чийилдоқ овозда. — Бакирхонингиз. Келинбола билан. Сизни кўргани келишибди.

Чойшабнинг остида чўпдек жонсиз ётган оёқлар билинар-билинемас қимирлади. Юзи бир бурдагина бўлиб қолган чол аста кўзини очди, орқасига суяб қўйилган ёстиққа таяниб зўр-базўр қаддини кўтарди ва қоқсуяк қўлларини олдинга чўзганча кутилмаганда худди ёш боладек ҳиқиллаб юборди:

— Бакирхон... кўзим... дилбандим... Тўйга боролмадим. Булар қўймади...

Машкура кеннойи лабини тишлаб, аста бош чайқаб қўйди: ана шунақа, айниб қолганлар, бунга чидаш бермоқ осонми?!

Бакир шоша-пиша каравот қошига чўккалаб, чолнинг чилчўпдек бармоқларидан ушлади.

— Бува, Ўғай бува, йиғламанг... — У айни тобда қандай сўрашмоқни ҳам, нималар деб гапирмоғу нима қилмоғи лозимлигини ҳам билолмай саросимада қолган эди. — Йиғламанг, Ўғай бува. Бизлар келдик. Ана, Баргида ҳам. Келиннингиз...

Бирдан унинг хўрлиги келиб кетди. Қани, иложи бўлсаки, тезроқ бу ердан чиқиб кетса, ортиқ бу аламли манзарани кўрмаса! Наҳотки, одамзоднинг аҳволи шу?! Наҳотки, мана бу бир ҳовуч суякка айланиб қолган аянчли вужуд уни бир вақтлар «кўзим, тойчоғим» дея суйиб, бир лаҳза ёнидан жилдирмай эргаштириб юрган, бағри бир умр кетмон чопиб ўтган даласидек кенг, меҳрибон Ўғай буваси бўлса?

Чол асли Аббос амакисининг отаси, Бакирнинг дадасига эса ўғай ҳисоби. Эри урушда ҳалок бўлгач, бева қолган буваси тўрт болани боқишга қийналиб, Ҳасанбой мавзеи тарафларда деҳқончилик қиладиган тул киши — мана шу ҳозирги Ўғай бувасига теккан, ундан Аббос амакиси туғилган экан. Бир-икки йил аввал, буваси қазо қилгач, Аббос амакиси каттакон боғу ҳовлисини соттириб, ёлғиз қолган дадасини бу ерга, уйига кўчириб келган эди. Кенг жойларда қимирлаб ўрганган одамга шаҳар ҳавоси тўғри келмадими, тезда дардга чалиниб қолди. Инқиллаб юра-юра, мана, уч-тўрт ой бўлдики, тўшақка михланиб ётибди. Касалхонага боргани эса унамабди. Ўғли олиб келган бир-икки хил дори-дармонни «эрмак» қилгани қилганмиш. Шуни ичсагина сал-пал енгил тортганга ўхшаб уйқуга кетармиш. Сўнгра яна ҳаво етмай қийналади, хириллаб зўрға нафас олади. Мадор йўқ.

Кейинги вақтларда ўзи билан ўзи бўлиб, Бакир яқин-орада Ўғай бувасини келиб кўролмаган, мана, ҳозир шунга ичида ўкиниб ўтирар эди.

Болагига раҳматли буваси ҳазиллашган каби бир-икки марта: «Булар Миркомилнинг буваси, сенга ўғай бува», деганигами, бу сўзнинг маънисига етиб-етмай Бакир «Ўғай бува» деб ўрганиб кетган, буванинг ўзи эса, бунга асло парво қилмас, беозоргина жилмайиб: «Оббо, кўзим-эй, оббо, тойчоғим-эй, ўғай-чинликни ҳалитдан сизга ким қўйибди?» дея уни бағрига босиб пийпалар, сўнгра Миркомил иккаласини отига мингаштириб полизнинг бошидаги чайласига олиб кетар, негадир Миркомилга нисбатан Бакирга кўпроқ меҳр боғлаган эди.

Бакир Ўғай бувасига тикиларкан, юрагини бир ғусса чулғаб олди... Эрта-

индин бу одам оламдан ўтади, аниқ — мана, аҳволидан маълум, не азобда нафас оляпти. Охири ана шунга ҳам мажоли етмай қоладию — тамом! Ана ўшанда булар — Машкура кеннойиму Аббос амаким, Миркомилу Миродиллари уввос солиб йиғлашади. Мен ҳам кўзёши қиламан, албатта: «Ўгай бувам-о, Ўгай бувам!» деб. Лекин ўшанда бир ҳолни сезиб қоламан: булар астойдил куйинмаяпти, астойдил йиғламаяпти, ҳаммаси элнинг назари учун — хўжакурсинга! Қайтага, қайтага... Йиғилари эса — шу сассиқ чолни деб қанча овора бўлганлари туфайли, энди яна қанча ташвиш чекажакларини ўйлаб... Наҳотки, одамзоднинг аъмол-аҳволи шу бўлса! Ўшаларни кўргач, мен қайтиб бу хонадонга қандай қадам босаман? Бугун кимни деб келдим ўзи аслида?..

Бошини эгиб хаёлчан ўтирган Баргида бир маҳал уни аста имлаб, имо-ишора билан «Ёнингизда пул-мулингиз борми?» деб сўради. Бакир аввалига тушунмади, ҳайрон бўлди, кейин бирдан хотинини яхши кўриб кетди. Шоша-пиша ёнини кавлаб, кечаги маошидан қолган ўттиз сўмми-қирқ сўмни аста, билинтирмасдан беморнинг ёстиғи тагига тиқиб қўйди. Чол ниманидир пайқагандек сергаланиб қараган эди, Бакир дудуқлана-дудуқлана тилининг учида турган гапни айтиб қоборди:

— Дорига, дорига...

Ўгай буваси унинг ниятини тушундими, йўқми, бояги нарсанинг нима эканини билдими, йўқми, бир лаҳза тин олгандек бўлдию дафъатан ёш боладек ҳиқиллашдан тўхтаб, овунди-қолди — қалтироқ кафтларини очиб, тамомила бардам, тетик овозда дуо қила кетди:

— Илоё, берган биринг минг бўлиб қайтсин! Илоё, қўшақаринглар! Илоё, умрингларда ёмонликни кўрманглар!.. Келин кўзимга иссиқ кўринадими, Бакир бола? Яхши жойданми ишқилиб? Қўшнилардан, дейишувди...

Бакирнинг кўнгли ғаш тортиди.

Бир балонинг ҳидини олиб алланечук жонсарақланиб қолган Машкура кеннойи сиполик билан: «Кейин уёққа ўтарсизлар-а, Бакиржон», дея зипиллаб хонадан чиқди. У кетгач, чол янада тетикланиб:

— Тўйингни кўролмадим-а, Бакирвой кўзим, ҳай, аттанг-а! — деди бош чайқаб ва девор томон ўгирилиб, тўшаги остидан қоғозга ўроғлиқ алланимани олди. — Ният қилиб кўювдим, насиб этмаган экан. Ҳай, шунисига ҳам шукрулло. Тўяна дейсанми, кўрмана дейсанми, ўзингга ҳавола — хулласи, мана шуни оласан, болам. Бувангники табаррук. Ишингда ҳам андак ишқаллик чиқибди, деб эшитувдим, асқатиб қолар...

Бакир ҳанг-манг бўлиб қолган эди. Баргидага қаради, у «ўзингиз биласиз» деган каби елкасини қисиб қўйди. Буваси шу фурсатдан фойдаланиб қўлидагини унинг кўкрак чўнтагига тиқди. Энди тихирлик қилмоқ ёш боланинг иши эди.

Соддадил Бакир яна боягидек «қовун тушириб» қўйди:

— Ахир, ўзингиз, ўлимликка деб...

Буваси, бу гап нашъа қилибми, беозор кулимсиради.

— Оббо, Бакирвой-е! — деди кейин худди соғ пайтларидагидек ҳазилкаш қиёфага кириб. — Ўлсам, бир гапи бўлар. Аввал ўлиб кўрай-чи, кўчада қолиб кетмасман, ахир! Тобутимнинг бир четини кўтаришворарсан, бир амаллаб жойимга жойлаб, устимга бир сиқим тупроқ сепарсан... Бор умидим сендан энди.

Улар яна бир муддат ўтириб, яна бир сидра чолдан дуо эшитгач, хайрлашиб ўринларидан кўзғалишди.

«Дастурхон тайёр!» дея уларни даҳлизда кутиб турган кеннойисига: «Энди атай чақирганингизда келамиз!» деди Бакир ярим ҳазил, ярим чин оҳангда.

Машкура кеннойи жавраганича қолди.

Барношагами, Сафурасигами кўнғироқ қилиши кераклигини эслаб Баргида апил-тапил зина ҳатлаб уйга югурди. Шошилмайгина унинг изидан тушиб келаётган Бакир беихтиёр бир қизиқувчанлик билан кўкрак чўнтагидаги нарсани қўлига олди, қоғозини очди. Очдию оёқ қўйган зинасида туриб қолди. Бир даста ўн сўмлик!

Кечагина қарз сўраб тўрт тарафга зир югурган одам, шу тобда осмондан тушгандек бу мўъжизани нима қилмоққа ҳайрон эди.

Шошма, йигит, ҳовлиқма, аввал ўзингни қўлга ол, кейин бу ердан чиқиб хотининг ортидан анови уйга кир, шунда бир гап бўлар...

Уйда уни антиқа хабар кутмоқда эди.

Уни-буни мулоҳаза қилиб бир оз ўзига келиб олиш ниятида, у салқин кўчада нари-бери айланиб уйга қайтганида, эшикни очган Баргида алланечук ташвишманд қиёфада уни тўрдаги хонага етаклади. Қайнона-қайнотаси бугун, одатдагидек, озод меҳнат ва фаровон турмушни тараннум этувчи баланд руҳдаги кўшиқлари билан ҳукуматга танилган машҳур бир хонанданинг юбилей зиёфатига кетишган эди. Ёлғиз қолиб зериккан Басира эса, даҳлиздаги тебранма креслога ястаниб олиб, оғзида чўзма сақич, телефон гўшагини елкасига қисганча, ўтар йўлни тўсиб олиб кимнингдир узундан-узоқ узр-маъзурини тингламоқда, ҳар-ҳар замонда «Ну и напрасно!», «Ну и дурак ты!» дея яниб қўяди. Чамаси, «азроил» тунов кунги қилмишидан пушаймон...

— Бугун-чи, — деди Баргида хонага кирилгач, кўзларини ваҳима аралаш ола-кула қилиб, — бугун Барношани кўчада ечинтириб, ий-й, тунаб кетишибди! — Кейин у негадир киножомуз оҳангда, ҳатто ошқора бир завқ биланми, тафсилотини айтиб бера бошлади: — Ҳалигина телефонда гаплашдик. Ҳўн-ҳўнғ йиғлайди шўрлик. Ахир, ҳазилакам гапми!.. Эрталаб «Аметист» магазинидан қайтиб келаётса, уйининг ёнгинасида бир аёл олдидан чиқибди...

У жодугар экан. Ўзи замонавий кийинган, қирқ-қирқ беш ёшларда. Кўзлари оловдек ёнармиш. Қўрқинчли. «Қани, еч!» дебди у хотиржамгина оҳангда. Барноша қўл-бўйнидаги бор-буд тақинчоғини қандай чиқариб берганини билмай қолибди. Ўз қўли билан! Бир маҳал эс-ҳушини йиғиб қараса, атрофда ҳеч зоғ йўқ эмиш. «Дод!» деб қичқирибдию турган жойига йиқилиб тушибди. Ахир, ҳазилакам гапми! У кунни Бакир эътибор қилмаган бўйнидаги дурнинг ўзи беш минг сўмлик! Қолган тилла зирагу узук-билагузуклари қанча туради! Югуриб чиққан қўни-қўшниси юзига сув сепиб, зўрға ўзига келтиришибди, нима гап бўлганини сўраб-суриштиришибди. Кимдир фолчига бориб кўришни маслаҳат берибди. Юнусободда зўр бир фолчи чиққанмиш, «любой нарсани бирпасда, кўзини юмиб айтиб ташлармиш». Маслаҳатгўй уникига қандай боришни ҳам тушунтирибди. Барноша шоша-пиша уйга кириб, Сафурага қўнғироқ қилибди. Бунақа ишларга чаққон-да Сафураси тушмагур! Кейин унинг машинасида Юнусободга йўл олибдилар. Боришса — фолчи тўққизинчи қаватда тураркану эшигининг олдидан биринчи қаватга қадар одам тирбанд эмиш. Пешиндан кейингина уларнинг гали келибди — «ҳаммасини бирпасда, кўзини юмиб айтиб берармиш-да». Киришса — фолчи деганлари лабию қош-кўзини бўяган, сочлари «брейк» мақомидаги ёшгина бир замонавий хоним эмиш! Лекин кўзлари худди анови жодугар хотиникига ўхшармиш. Уларни бир жойга қўйиб қараган одам, ҳеч иккиланмай опа-сингил деб ўйлаши мумкин экан. Фолчи Барношанинг арзини тинглар-тингламас, бир оғиз гап билан: «Эрингизнинг жазманини тутинг, ҳаммаси ўшанинг иши!» деганмиш. Нима қиларини билмай у ердан чатнаб чиққан Барноша, қайтаётиб йўлда алаמידан Сафурага ёпишибди. Машина ҳайдамоққа «чапдаст» Сафуранинг ҳам жини кўзиб, рўпарадан келаётган «МАЗ»га урилиб кетишига сал қолибди, саросимада рулни эплаёлмай, қарийб бўлмаса жарликка учиб кетай дебди. Хайрият, худо бу гал уларни асраб қолибди. Ахир, бугуннинг ўзида берган қурбонлари, қилган эҳсонлари чакана пул турмасди-да!.. Қизиг-а, тўғрими?

Бакир бу ҳайратомуз мишмишларга ишонини ҳам, ишонмасликни ҳам билолмай таажжубда қолган эди. Ўзи кўрган шунга ўхшаш бир воқеа ёдига тушди.

Бултурмида, бир кеч автобусни гаражга топшириб, уйга яёв қайтаётганида ўттиз ёшлар чамасидаги бир жувон унга йиғлаб тармашди: «Ёрдам беринг, укажон, ёрдам беринг!» Ўлгудек ичган шекилли, гандираклар оёғида туролмайди. Маълум гумонларга борган Бакир уни четлаб ўтиб кетмоқчи эди, бўлмади. Аёлнинг аҳволи жиддий эди. Титрай-қалтирай сўзлашича, ўзи шу атрофда турармиш, маҳалла-кўйининг номини ҳам айтди; эри, иккита боласи бор экан; бугун бир танишиникига тўйга бориб, қайтишда йўловчи машинага қўл кўтарса, аллақандай қизил «Москвич» ёнига келиб тўхтабди, ичида учта бирдек барзанги ўтирганмиш, улар уни қўлидан тортиб машинага босишиб-

дию мана шу ерга олиб келиб, омбир билан, ҳа, ўткир тишли омбир билан оғзидаги тилла тишларини суғуриб олишибди! «Мана, қаранг, укажон...» Дарҳақиқат, аёлнинг лаб-даҳани қип-қизил қон, қоронғи ўрадек очилиб қолган оғзидан гупиллаб арақ ҳиди келар эди. Бакир бу ваҳшийликдан ларзага келиб, айни чоғда, аёлнинг ҳозирги хунук қиёфасидан жирканиб кетди. У кўрсатган тарафга қараб, қоронғида қанақа тусдалигини ажратиб бўлмайдиган бир машина секин жилиб бораётганини кўрди. «Номерини ёзиб олинг, укажон, номерини!» дея зорилларди жабрдийда. Бакирнинг ёнида қалам-қоғоз йўқ эди. Бўлганда ҳам бир иш чиқариши даргумон — «Москвич» тезлигини ошириб аллақачон кўздан ғойиб бўлиб улгурган, қолаверса, унинг ичида қўлида омбир тутган учта йиртқич бор эди. «Мен ҳали уларни топиб, кўзига кўрсатиб қўяман, ҳа-а! — дея шу аҳволига чираниб сўзларди бу шубҳали аёл. — Тоғам мелисада ишлайди, полковник!» Бакир баттар ижирғанди. Бошингда эринг бўлса, иккита боланг бор, мана, полковникнинг жияни экансан, бунақа бемаҳалда бировнинг тўйида сандироқлаб... еб юрибсанми?! Аёл бошинг билан арақ ичганинг, кечаси бегона машинага ўтирганинг учун сенинг тишингни қўйиб, тилингни суғуриб олса ҳам кам! Энди полковник-молковник деб лоф урмай, жонинг омон қолганига шукр қилсанг-чи, бандаи гумроҳ!

Лекин, барибир, худонинг ғзабига учраган бу гумроҳни уйи томон уч-тўрт қадам кузатиб қўймаслик инсофдан эмас эди...

Бакир ҳозир ана шу мудҳиш воқеани эслаб, қайнопасининг жодугарга (агар у ростдан ҳам жодугар бўлса!) учраганига бир ҳисобда имон келтирди. Худо ана унақасидан асрасин!

— Шўрлик Барноша!.. — деди Баргида, туғишган опа-сингил эканликлари эсига тушиб, астойдил ачиниш билан. — Энди «Мираж» нима бўлади? Уй жиҳозларини қайтадан янгилamoқчи бўлиб, эри «Мираж» деган югослав гарнитурини гаплашиб қўйган эди. Бир йилдан буён келишини кутишаётувди. Барношанинг бўйнидаги у куни сиз қарамаган нарсани сотиб, ўшанинг пулига яна озроқ кўшиб, олишмоқчи экан. Барноша зўрға рози бўлган эди ўзи. Энди нима қилишаркин?

Бакир бу гапни ўзича нимагадир шама деб тушунди; ҳалигина «осмондан тушган мўъжиза»нинг бунчалик тез жойини топганига ақли ҳайрон эди ҳозир.

— Юринг, уларникига бориб келамиз, — деди.

— Қаёққа? Барношаникигами? — деб сўради Баргида ажабланиб. — Нима қиламиз у ерда? Ўзлари ҳозир...

— Майли! Бунақа пайтда бир оғиз кўнгили сўраб қўйса зарар қилмас. Тасалли бўлади.

Улар даҳлизга чиққанларида Басира ҳамон телефон гўшагига ёпишиб ўтирар, оғзида чўзма сақич, нимаси биландир опаси Барношани эслатиб, танбалона кавш қайтармоқда эди.

— Ну всё! — деди у кутилмаганда, опаси билан поччасини кўргач, «ҳалинчаги»да тебраншдан тўхтаб. — Больше сюда не звони! Чтобы духа твоего не было здесь! Кретин! — Басира шарақлатиб трубкани жойига қўйди-да, дикиллаб ўрнидан турди, уларга бир ёвқараш қилдию индамай емакхона тарафга ўтиб кетди.

Баргида сингисига эмас, Бакирга саволомуз қаради. Бакир тебранма креслони четга суриб, унга йўл очди.

Баракалла, Басира!

Ўзингдан кўр, «азроил»!

— «Кинотеатр». Кейингиси — «Шалола» бекати.

Шу бекат деярли доим гавжум. Бу ерга келганда автобус ё бўшаброқ қолади, ё лиқ тўлади. «Бозор» бекатига ўхшаб. Бу ер ҳам бозордек бир гап...

Болаликда Бакирнинг маҳалла болалари билан энг кўп қатнайдиган синашта жойларидан бири шу эди. Мардонавор Жагани ёки мўъжизакор Фантомасни ким неча маротаба кўришда мусобақа қилишарди. Иннайкейин, кинотеатр майдони бошқа хил томошаларнинг ҳам қони, макони эди.

Аммо кейинги маҳалларда у бу ерни кўрарга кўзи йўқ, иложини топсаки,

тўхтамай ўтиб кетса! Тўхтаганида ҳам у томонга қарамасликка ҳаракат қилади. Мана, ҳозир ҳам шу бекатнинг номини тилга олди-ю, юраги шиф этиб, сесканиб кетди, кўзини, қулоқларини беркитиб олгиси келди.

Бу ер унинг учун мудҳиш мағлубият майдони...

Аслида, бу жойга нисбатан кек унинг кўнглида анча илгари, ўтган йилининг бошларидами, пайдо бўлган. Бир оқшом шу ердан ўтиб кетаётиб, бекатга яқинроқ дарахт тагида тўда-тўда бўлиб турган ёшлар орасида ногаҳон Шоҳидани таниб қолди. Синглиси новча бир жингалаксоч йигит билан суйкалашиб турарди. Бирдан рашкими, ғазабими қўзиб, шартта машинадан тушиб уларнинг олдига боргиси, бировнинг синглисига хиралик қилаётган найновнинг адабини бергиси, йўқ, дабдаласини чиқаргиси, синглисини ҳам аямасдан сочидан сургаб сазойи этгиси келди-ю, не бир андиша билан ўзини базўр босди. Ахир, энди синглиси жамалак таққан кечаги қизалоқ эмас, этак осган мактаб боласи ҳам эмас — аллақачон бўй етган, турмуш савдосини кутмоқда бўлган кап-катта расида қиз! Нима, акасининг рашку ғазабини ўйлаб, савдосини жимгина кутиб, чимматга бурканганча қариқиз бўлиб уйда ўтирсинми? Энди бунақа савдо уйдан кўча-кўйга кўчган, акс ҳолда, қиз бола ўша чимматига ўралиб қолиб кетаверади — ота-онасининг шўр бошига ёстиқ бўлиб! Ҳозир молнинг сараси кўчада, танлаб-чертиб, дидингизга мосини оласиз, ҳеч ким уни мажбуран бўйнингизга тумор қилолмайди. Бакир кўр эмас, замондан орқада қолган нодон ё калтабин ҳам эмас, барини билади, тушунади. У синглисини бегона йигитдан рашк қияпти, холос. Рашк эскилик сарқити эмас-ку! Майли, майли, ҳаммаси тўғри, ҳаммасига рози у. Аммо жондек синглисининг ановинақа «овчи» билан туриши...

Бунақа сурбет «овчи»ларни Бакир кўп кўрган. Улар кўпинча ресторани кинотеатрлар, ҳар турли бару қаҳвахоналар атрофида изғиб юришади. Кундашунда. Туну кун. Уларни бу муассасаларнинг мутасаддилари ҳам, жамоат тартибига жавобгар шўхлар ҳам яхши билишади, танишади, лекин, «Эртадан кечгача бу ерда нима иш қиласан? Касбинг нима, коринг нима, тирикчилигинг нимадан, кимлардан бўласан, ўзинг кимсан?» деб сўрайдиган марди майдонни тополмайсиз. Чунки ҳеч биров уларга дахл қилолмайди, қайтага, ҳамма бунақаларни елкасига қоқиб рағбатлантиради, ҳамма улар билан танишмоққа, оға-ини бўлмоққа интилади, ошкора ҳавас билан қарайди уларга. Нега, нима учун? Ким булар ўзи? Қаёқдан келиб қолишган? Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Булар — замонавий валломатлар, сатанг дарвешлар! Замонанинг бор эҳсони, бор неъматлари — шуларники! Ҳаммаси бўйдор-бўйдор, аксарияти қуюқ жингалак сочли, кавказликларга ўхшашиб кетадиган, кўпинча соқол-мўйлови кўзалмаган, лекин шу нуқсони ҳам ажнабий либослар орасида фазилат бўлиб кўринадиган, кўзлари оламга лоқайд, сузилиб боқувчи, бари бир қолипдан чиққандек ўктам тама-там нухалар. Булар гоҳо актёрлик ҳам қилади — замонавий фильмларда майда-чуйда роллару оммавий лавҳаларда кўриниб қолади; баъзида уч-тўрттаси бирлашиб, еру кўкка сиғмайдиган даъволар билан мавҳум бир номда омонат ансамбль ҳам тузиб олади — ўзларига ўхшаган ҳавойи тўдаларнинг диду димоғига мўлжаллаб; булар баъзида салгина шоир, салгина хонанда, салгина бастакор, салгина спортчи, каратэчи, самбочи, салгина жўмард, салгина ҳурфикр, салгина мурувватпеша, салгина... Бари салгина, салгинадан. Аслида — салгина... найрангбоз, лўттибоз, чайқовчи, муттаҳам! Булар ҳамма нарсага бепарво, ҳамма нарсага ёвузона шубҳа билан қарайди, ҳеч бир миллатни, ҳеч бир эътиқодни тан олмайди. Булар — насл-насаби бетайин, миллати қуйқа ҳаромзодалар. Булар — осмондан оёғини тикка осилтириб тушган бепадарлар. Буларнинг ягона эътиқоди, ягона худоси — бугун, бугун, бугун; ўзим, ўзим, ўзим... Жордеслар, анрилар, сюзанлар...

Синглиси билан учратган йигит масаласида Бакир ноҳақ бўлиб чиқди. Ойисидан эшитди: улар касалхонада танишиб-топишган эканлар. Йигит оғир операциядан омон чиқиб, уч кун ўзига келмай ҳушсиз ётганида Шоҳида унинг бошида ўтирган экан. Аҳдлари қатъий эмиш. Лекин оиласида устма-уст ўлим бўлиб, вақтинча орага одам қўя олмаётган экан. Буни қарангки, йигит ҳақиқатан ҳам артист бўлиб чиқди. Бироқ салгина эмас, ростакан актёр, Ҳамза театрида ишлайдиган...

Қизиқ, барибир, Бакир ўзини айбдор ҳисобламади, синглисига муносабати ҳамон ўша-ўша совуқлигича қолди: «Ҳа, юрибсанми?», «Чой қўйиб юбор» ёки «Жигарранг шимимга...»

Бунинг устига анови чақимчилиги қўшилди.

Пихини ёрган «овчи»га Бакир кейинроқ, уйланиши арафасида, худди мана шу кинотеатр майдонида дуч келди. Сарғиштоб, кўккўз, тепакалликка мойил асабийроқ йигит эди бу.

Ушандан буён шу ердан ўтаётганида хаёлан кимдир, Ж о р д е с бўлса керак-да, унинг қулоғига шивирлаб таъкидлайди: «Сенинг исминг — А н р и, билиб қўй!», «Йўқ-йўқ! — дея хаёлан исён қилади у. — Менинг отим Бакир. Ўзбекман, ахир! Бакир Риза ўғлиман. Ҳеч қанақа Анри-панрини билмайман, танитайман!» «С ю з а н н и-ч и, С ю з а н н и?» деб сўрайди хаёлий рақибни қувлик билан. «Сюзанн-пузанинг бошингдан қолсин! Аблах, Жордес! Лаънати Жордес!»

«Кейин... — деган эди Баргида Сафуранинг уйидаги илк «тўқнашув»да, секингина уф тортгандек. — Ўзингизни кўп уринтирманг. Кейин, вақти келганда...»

Бу гап ўшанда унинг йигитлик ғурурига қаттиқ теккан, яқин кунлардаёқ қизни шу гапи учун пушаймон қилдиришга бел боғлаган эди. Лекин белбоғ сустроқ боғланган эканми ёки бир кимса уни қалтисроқ тортиб юбордими, вақти келганда — никоҳ тунни ҳам, ундан кейин ҳам қизни пушаймон қилдирилмади. Кейин... неча кун, неча ҳафта!.. Кеч киришини ўйлаб уни ҳар гал ваҳима босар, тундан, тунги тўшақдаги муқаррар мағлубиятдан безиллар эди. Яна ўша шармандалик, яна ўша азоб! Аламига чидаёлмай бир кеча ўзини томдан ташламоқчи ҳам бўлди. Бир кеча эса, намойишкорона кийиниб, пинҳоний бир ният билан (ўзини синаб кўрмоқ учунми, буни айтиш ҳам иснод!) Маринаникига йўл олди. Ойиси тунги сменада экан, аммо барибир эшикни очмади, тирқишидан мўралабоқ: «Уятсиз! Уйингга бор, хотининг кутиб ўтиргандир, — деди. — Мен сенга нима деган эдим! Энди бу уй, буёққа олиб келадиган йўлни эсингдан чиқар!» Ноилож, «уккининг кўзи»ни кўролмасдан, армон билан шалвираб изига қайтди. Уйга келса, ҳақиқатан ҳам, С ю з а н н уйғоқ, уни кутяптими, йўқми — худо билади, доимий ҳамроҳи — «Иностранка»сини варақлаб ётибди. Афтидан, у ниманидир сездди, аммо чурқ этиб оғиз очмади. Ана шуниси баттар алам қилди: ҳатто шубҳа, рашк нималигини ҳам билмайдими-я! Сюзанн, Сюзанн!.. Бир муддат индамай шифтга тикилиб ётади, сўнг у ёнбошига ағдарилиб, севимли журналини ўқимоққа тутинади. Шунда А н р и нинг димоғи қалампир сепгандек ачишиб кетади, кўзлари ёшлангудек бўлади, вужуд-вужудини мадор тарк этиб, аламидан инграб юборай дейди. Бу нима кўргилик, ахир! Нима қилди ўзи унга? Ёш, соғлом йигит бўлса! Уят, шармандалик!

Марина билан қовушганида бари нечукдир содда, табиий, ортиқ таҳликасиз кечарди. Чунки унда дарёнинг уёғи ҳам, буёғи ҳам бирдек эди, шунинг учун эмасмикан? Энди, ўз жуфти ҳалоллига қолганда эса, уни ногаҳон титроқ босиб, аллақандай ваҳимадан бўшашиб, гўё жони ҳалқумига келиб кетади. Унга яқинлашгани ҳамона ўртада осмон қадар бир девор — ёвуз қоработир пайдо бўлади. «Мен бу қизни сенга беряпман. Билиб қўй, агар уни хафа қилсанг, кўрадиганингни кўрасан мендан!» Жордес, лаънати Жордес! Нима, у сеникимиди? Сеники бўлса, нега уни менга бердинг? Шундай пайтда ёнида ётган жондек фариштаси — Сюзанн Анрининг кўзига алвастидан баттар кўриниб кетади. Уни хиёнаткор сочларидан тортиб-тортқилаб ерга ургиси, нимта-нимта қилиб ташлагиси келади. Кейин, ёта-ёта бир пайт дилидан шубҳа, куфрни кувади, шафқат ва муҳаббатга сиғинмоқ бўлади. Бироқ амалга келганда яна белдан, бадандаги етмиш икки бўғиндан баравар мадор қочади. Дафъатан, кўнглига тағин бир ғулу оралаб, Анри ёнида ётган беқиёс хилқатдан жирканиб кетади. Беҳаё, баднафс, олчоқ! Бунинг ётишини!.. Шунда кўксидан отилиб чиққан аламнок хўрсиниқ хонани тўлдиради. Нимадан чўчиёпман ахир, нимадан? Шу иш содир бўлса, худди бир кор-ҳол рўй берадигандек, ҳаётимдаги энг азиз нарсамдан айрилиб қоладигандекман. Ҳа, топдим: мабодо у Жордесники бўлиб чиқса-а-а!.. Ахир, унинг ўзи: «Сенга бердим», деб гапирди-ку? Бундан чиқади, олдин уники бўлган! Уники бўлса, уники бўлса... У ҳол-

да ажрашишга тўғри келади. Сюзанн кетади. Сюзанндан ажралиш эса — ўлим билан баробардек. Кейин бундай дилбар насиб этармикан? Жордес пайт пойлаб турибди, ажрашгани ҳамоно уни илиб кетади. Бўлмаса, бошда нега берди? Чалкаш савдо, чалкаш! Анри ана шуларни ўйлаб кўрқяпти, ана шу андишалар унинг қўл-оёғини, наинки қўл-оёғини... боғлаб олган. Дарвоқе, у энди қандай ажрашади? Ахир, қанчадан-қанча орзу-умид, тўй-тантана, унда айтилган не-не тилаклар-чи, бари барбод бўладими, осмонга совурилиб кетадими? Қолаверса, у нимани баҳона қилиб ажрашади? Ажрашгач, ўзини оқлаб олмоқ бўлиб, Сюзанн ўртамиздаги сирни, йўқ, менинг сиримни элга ёймайдими? Унда нима деган йигит бўламан? Бирор нимани исботламоқ учун далил керак, албатта. Далил топмоқ учун эса... Шундан кейингина ажрашиш мумкинدير. Хуллас, бари чалкаш, бариси чалкаш! Башарти ажрашмасам-чи, қандай яшайман — қисик тил билан? Бир куни буни юзимга солса, нимани баҳона қиламан, Жордесними?

Лекин, барибир, Анри Сюзанндан миннатдор: бирон марта чурқ этиб таъна қилмади. Аксинча, ҳар сафар: «Ўзингизни босиб ололмаясиз. Майли, кейин бўлар ҳаммаси, ҳозир ухлаб дамингизни олинг, эртага — иш!» дея далда беради кўкрагимга кафтини қўйиб. Шунда уни яна яхши кўриб кетаман. Аммо уйку қайда! Бу ғамимга оёқ остидан чиқиб қолган анови ғалва, кейинги кунлардаги югур-югурлар, хўрликлар кўшимча бўлди. Уйку қайда!

Тагин бир ҳол Анрини безовта қилар, кўнглига қийноқли ваҳима солар эди: «Сюзанн нега бундай бефарқ, бепарво? Ёки... ёки...» Зеро, Сюзаннинг бу ишга у қадар рағбати йўқлиги ҳам, умуман, унинг ҳар бир қилиғи шубҳага асос берарди. Гўё унга ҳеч нарсанинг қизиғи қолмаган, ҳамма-ҳаммасини кўриб ҳафсаласи совиган. Ана шу лоқайдликнинг тагида мудҳиш бир сиргина бордек туюлиб, Анрининг юрак-бағри хун бўлиб кетарди. Жордес, аблаҳ Жордес! Барига сен айбдор!

Ҳамма бало шундаки, Анри бор қурол-яроғини ўша — кинотеатр олдиғига қалтис тўқнашувда бой бериб, асир тушган эди. Қурол-яроғига қўшилиб, кўнгида ардоқлаб юрган нарсаси ҳам чил-чил бўлган бандининг эса ҳоли маълум — қўлидан нима иш келарди?!

Бу тўда уларга қаёқдан илашди — Бакир билмайди. Бўлмаса, шаҳарда қанчадан-қанча ҳашаматли томошахоналар турганда, ёш келин-куёв чекка бир кинотеатрни танлармиди!

Улар тўрт киши эди. Анови кўккўзи чақирди Баргидани. Баргида қандайдир типирчилаб қолиб, «Сиз бораверинг, кейин ҳаммасини тушунтираман», деди Бакирга илтижо билан. Бакир нима қиларини билмай қаққайиб туриб қолди. Кўккўз унинг қайлиғини бир чеккага чақириб пичирлашяпти-я! Нима деяпти у? Ким ўзи у? Унинг таъна-тахдид аралаш айтган баъзи гаплари Бакирнинг қулоғига чалинди: «Топганингни қара-ю!» («Нашла!»), «Тилиб ташлайман!» («Зарежу!») Ниҳоят, Баргида нимадир деб уни ҳовурдан туширди шекилли, кўккўз энди Бакирни бир четга имлаб, «йигитча»сига гаплашди. У аниқ нималар дегани Бакирнинг ёдида йўқ — мияси шанғиллаб, еру осмон бир бўлиб кетган эди назарида. Кўккўз сахийлик билан Баргидани унга инъом этиб, деди: «Мен бу қизни сенга беряпман. Билиб қўй, агар уни хафа қилгудек бўлсанг — кейин мендан яхшилик кутма! Бебаҳо қиз бу!» Сурбетликни қаранг! Ўзинг кимсан? Нега бировнинг қизига хўжайинлик қиляпсан? Бакир бу даъволарнинг бирортасини айтолмади. Лол бўлганидан тили танглайига ёпишиб қолган эди.

Нима қилмоғи керак эди шунда — индамай кетворишимми ёки булар билан данғалига солишиши? Ўшанда йўл қўйган хатосини Бакир энди ҳеч қачон, ҳеч бир иш билан юва олмайди. Қалтис хато эди бу, ҳаёт-мамотга яқин. Мутеликни, ожизликни бошлаб берган кўрқоқлик эди бу. Бакир кўрқоқлик қилди, калтак еб Баргиданинг кўз олдида шарманда бўлмоқдан кўрқди. Энди ўйласа — ўшанда калтак емай... шарманда бўлибди! Яна бир нарса кўнглига ғулғула солиб турарди: шундай аломат санамдан, сирли, жозибали бир келажак ҳаётдан мосуво бўлмоқ хавфи! Ахир, улар аллақачон унаштириб қўйилган, элга маълум, эрта-индин тўй бўлиши кутилмоқда эди!

Йўқ, нима бўлганда ҳам ўшанда бундай занчалиш андишаларни бир четга улоқтириб, анови тўрт барзангига қарши дадил чиқиши керак эди. Майли,

уриб дабдала қилишсин эди, майли, ҳаммаёғини қонга белаб ташлашсин эди, майли! Ҳар қалай, мардона ғурури омон қоларди-ку! Уша тобда уриб мажақланган тақдирда ҳам у ғолиб бўлиб, улар аламзада бир номардлар бўлиб чиқарди — энди ўйласа! Ҳа, калтак емоғи, Баргиданинг олдида қон-қусга беланажаги муқаррар эди, лекин бу ҳеч нимага бергусиз бир шараф эди!

Ана ўшанда у Анрига айланиб, Сюзанни жимгина уйига кузатиб қўйди. Йўлда бир оғиз ҳам гаплашишмади. Кейин бир ўн кунча аразлаб юрди. Аммо Машкура кеннойиси кўнғироқ қилиб, «Ҳа, қочоқ, кетиб қолибсиз? — дея гап бошлаганидаёқ юраги севинчдан, аллақандай илинждан ҳаприқиб кетгани рост. — Йигит деган бунақа аразлаб юрмай, маҳкам қўлга олади!» Анри ўша куниёқ чаппор уриб чопди. Учрашдилар. Яраш-яраш. Сюзанн опаларчами бир меҳрибон бўлиб қолган эди. «Шунгаям хафа бўлдингизми, эй сиз! — деди у таънаомуз суйиб. — Ҳа, нима қипти! Эски танишим. Сафура иккаламизга каратэни ўргатган. Ўзи фотограф, Алла Пугачёвани суратга олган! Сартарошликдан ҳам хабари бор, шунақа причёскалар қиладики!.. Эркак киши бунақа майда-чуйдаларга кулиб қараши керак!» Анрининг каратэчи — фотограф — сартарош рақиби ҳақида билганлари шу. Бошқасини сўрамоққа, аниқроғи, Сюзанни тергамоққа ҳадди сизмади — Сюзанн араз кунлари давомида бениҳоя очилиб кетган эди. Байрамни ҳаром қилиб нима фойда! Сюзаннинг ўзи эса қайтиб бу мавзуда сўз очмади. Яна мавриди келмагунча...

Лекин Анри бир гапга ҳайрон: нега эркак киши ўз жуфти ҳалолнинг маҳрам ишларига аралашмаслиги керак, нега?! Нечун бунга майда-чуйда деб қараши, эътибор бермаслиги лозим экан? Ахир, у ўзининг хотини-ку, энг яқин одами-ку! Кимдан чиққан ўзи бу ақида? Худди шундан манфаатдор кимсалардан эмасми?

Бу нарса унга ҳамон сир.

Бакирнинг бор илинжи энди «осмонўпар»га кўчишдан эди. Уша ерга кўчиб борилса, гўё ҳаммаси изига тушиб кетадигандек туюларди: ҳар ҳолда, хилват-холи гўша, бехавотир, барча шарт-шароит муҳайё... Бироқ ана шундай рисолавий муҳитда ҳам у ҳалиги машъум «девор»дан сакраб ўтолмади — шармандалаи ҳол давом этаверди... Қайси бир бекатга келиб автобус ўрнидан жиллолмай қолди. Ўз-ўзидан. Ҳозиргина юриб турган машина. Уёқ-бўёғини кавлаб, жилла иш чиқаролмаган Бакир ахийри уни судратиб гаражга олиб келди. Механиклар қараб кўриб, «Самоторможение», дейишди. «Самоторможение» — ўз-ўзидан юрмай қолиш. Унинг сабаблари бир талай экан. Шунга ўхшаб, Бакирнинг тунги нўноқликлари, ожиз қолишларига ҳам кўп нарса сабаб эди. Бош сабаби эса — ўзининг беҳад таъсирчанлигию у интилган дорнинг баландлиги эди. Ундан тушиб кетилганда омон қолмоқ гумон — ана шу хавф, ана шу ваҳима қўл-оёғига кишан солиб турарди.

Бир кеч Баргида ваннахонада узоқ қолиб кетди. Ювиниб чиққанида бутун вужудидан олманинг, айни пишиш арафасида турган беҳишти олманинг ўткир ҳиди уфурарди. Сочларидан, бўйин-бошидан... бамисоли олма шарбатига чўмилгандек. Бакир бу ҳиддан маст бўлди. Олмазорнинг бўйи, сеҳри уни гангитиб, сархушлантириб қўйган эди. Ҳаммаёқ олма: ер ҳам, дарахтларнинг боши ҳам, шохлари ҳам, оёқ ости ҳам. Қирмизи, нақшин, жоноқи, беҳишти мевалар. Мана, ол, ҳаммаси сеники, ҳаммаси, ол, е. Егинг келяпти-ку, кўзинг оч, томоқларинг ташна-ку! Марҳамат, ол, е, тўйгунингча еяқол! Боши айланиб кетди. Емоқ бўлиб жон-жаҳди билан унга ташланди. Бироқ олма тошдек, тишлари эса заиф, қамашиб қолган эди. Яна тармашди — яна ўша ҳол: олма тошдек, тишлар ўтмас, яроқсиз... Ие, тишларинг ўтмас экан, ғайрат-иштиёқ деганидан йўқ экан, бу боққа нечун кирдинг? Фақатгина суқланиб қараганими ёки пайҳон қилганими? Ундай бўлса, жўна, тезроқ чиқиб кет бу ердан! Бу боғнинг орзумандлари қанча, ишқибозлари қанча! Ушаларга ҳалол, ўшаларга муносиб бу ер... Аламнинг зўридан кўзлар селоб бўлади: энди буни бошқалар еб кетади, тиши соғ, ўзи соғлар, тиши бутун, ўзи бутун, лекин — аблаҳлар!.. Ҳа, сен бу боққа нолойиқсан, кирмоққа ҳаққинг йўқ — чиқ, чиқиб кет бу ердан!..

Бакир балконга чиқиб, титроқ ичида чека бошлади. Ичи ўт бўлиб ёнарди, оламдаги жамики олмаларни тепиб-топтаб ташлайдиган важоҳатда эди ҳозир. Лаънати олмалар! Кўнгилни англамайдиган ҳиссиз мевалар! Сиз фақат емоқ

учун яралган экансиз. Сизга боқмоқ, ҳуснингиздан ҳузурланмоқ, завқланмоқнинг ўзигина кифоя эмас экан; сизга анчайин назар солганда ҳам албатта емоқни мақсад қилиб олиш керак экан. Тамагир олмалар, олчоқ олмалар!..

Эртаси куни Бакир уйга ичиб келди. Келиб, шу аҳволда олмазорга оралади. Ажаб, боғ бу гал уни бағрини очиб қаршилади. Бакир муродига етди; олмадан, боғнинг бор жозибаяу латофатидан баҳраманд бўлди! Лекин олмани дарахтидан ўзи узиб едими ёки биров қоқиб кетганини териб едими, билолмай қолди. Уша чоғда кўзи сўқир, хаёли жойида эмас — маст эди. Энди буни кимдан сўрашига ҳайрон, нима деб сўрашига ҳайрон. Энди буёғининг номи — армон...

Тенгсиз бир фароғат оғушида ётаркан, бир нарсани кашф қилди ўзича: ўша ишдан кейинги ҳолат муҳим экан, унинг ўзидан ҳам кўра! Бу энг рост, инсонга хос энг табиий ҳолат эди. Бакир шунга, ўзининг энг табиий ҳолатига интилмаганмиди?..

Бироқ, шунингдек, машъум «девор»дан сакраб, мурод боғига етишганда йигитнинг ўйидан илк бора кечгани: «Бори шуми? Шугинами?!» Кейин ўтган ҳар бир кун «Шу, шу, шу!» дея алланимани таъкидлаб ўтаверди. Ҳали бир кун бориб бирин-кетин болалар туғилади: шу, шу, шу! Аста-секин кўникасиз. Сўнгра уёғи ҳам — шу, шу, шу...

Энди Бакир уйга ошиқадиган бўлиб қолди. «Самоторможение»га учраган филдираклар юриб кетган эди. Баргида ҳам унга жуда меҳрибон, жондек қадрдон. Аҳвол шу даражага етдики, у энди ётар маҳали шарт кўярди кулиб: «Бу кеча... йўқ!» «Нега, нима бўлди?» «Ёмон экансиз... — дейди у нозланиб. — Илгари қайтага яхши эдингиз...» Илгари...ни эсласа, Бакир ерга кириб йўқ бўлиб кетгиси келар, кейин ҳозирни, ҳозир илгари эмаслигини ўйлаб, бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб, боққа ҳужум бошлар, лекин... йўқ-йўқ, бу кеча — йўқ!

Бунинг сабабини у кейинчалик билди — Баргида бола бўлишини хоҳламас экан: «Нима керак ҳозирданоқ!» «Ие, бу нима деганингиз, ахир?» «Қўрқаман, қўрқаман, кейин...» Бакир энди шуни ўйлайвериш қийналиб кетди. Сўнг бунга яна бир гумон қўшилди: сендан бўлишини хоҳламайди. Нега? Чунки... Нима «чунки»лигини билмасди, «чунки» нималигини ҳам билмасди. Ўйлай-ўйлай топгандек бўларди. Чунки... Шундай пайтда орани очди қилгиси келиб кетарди. Аммо ажрашай деса — тили қисик, Баргида анов сир-синоатни бировга айтса... Яшайвераё деса... бу нима турмуш, ахир! Чунки... Лаънати Жордес, аблаҳ Жордес!


Уша машъум воқеадан сўнг Баргида у ҳақда сира оғиз очмаган эди. Ҳаммасидан — кўккўзнинг номидан ҳам, ўзиникидан ҳам — бари-баридан Бакир кейинроқ воқиф бўлди. Ўзининг ҳақиқий номи Анри экан, Баргиданики — Сюзанн, анови кўккўз эса — Жордес. Лаънати Жордес, аблаҳ, Жордес!

Ерда қолиб кетганнинг жазоси шу!

Хайр, орзуманд Бакир!

Салом, ожиз, нотавон Анри!

Охири келгуси сонда



Шукур Қурбонов

БИР ҚАЛЪ МАНЗАРАСИ

Шеърӣ қисса

Мана шундай кечар кунларим...
Рауф Парфи

Кичик бир қишлоқнинг кичик шоири
Уқийман, деб келди катта шаҳарга:
Қари-қартангларга бўшатиб ўрин,
Поездда,
Ҳаммабоп вагонда,
бедор,
Тик оёқда туриб келди шаҳарга.

Бир сидра уст-бошу уч-тўртта китоб,
Қолгани юракда — ҳайрату сурур
Ва сўнгсиз иштиёқ талабаликка.

Абитуриентлик ва имтиҳонлар.
Талабалик.
Ётоқларнинг ажиб ғала-ғовури.

Ижаралик уйлар хижолатлиги.
Шеърлар.
Кейин ёқиб юборилгувчи,
Қанча-қанча кечаларнинг рангин оқартиб,
Қораланган қанчалаб шеърлар.
Кейин сал хўрсиниб эсланадиган
Талабалик даврин муҳтожликлари
Ва бойликлари.

Тошда унган гулдек муҳаббат.
Муҳаббатнинг қизғинликлари,
Маҳзунликлари.

Шоирликни англаш.

Устоз ҳузурига биринчи ташриф.

Шеъррият азалдан инсон руҳий дунёсининг тадқиқи билан шўғулланади. Руҳий дунё манзараларининг ҳаққонийлиги, табиийлиги ҳамда таъсирчанлиги лирик қаҳрамон ҳаёт тарзи ҳақида ўқувчига маълум бир тушунча беради. Шоир қаламининг кучи эса, ана шу туйғуларга шеърхонда хайрихоҳлик уйғота олишида.

Одамлар орасидаги муносабатлар, уларнинг ниҳоятда нозик ҳамда мураккаблиги, инсоннинг маънавий камолотга етишида улар аҳамиятининг нечоғлик салмоқли эканлиги мени кўпдан ўйлантириб келарди.

Қадрли журналхон, азиз шеъррият мухлислари, эътиборингизга ҳавола этаётганим бу асарда ёш шоир тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Бироқ ундаги талай қисмлар қаҳрамоним ҳаётигагина оид эмас. Шунингдек, асарда илгари сурилган фикрлар, мушоҳада ва ўйлар ҳам фақатгина ёш шоир дунёқарашигагина тегишлимас, уларни ҳар ким бошидан кечирishi ёки кечирган бўлиши мумкин.

Партия ва ҳукуратимизнинг шу кунларда мамлакатимизда Инсон омилини таркиб топтиришга ҳар зум ва ҳар қадамда алоҳида диққат-эътибор қилаётганлиги, қолаверса, халқимизнинг одамгарчиликка қадимдан мавжуд бўлган чуқур эътироми мени шу асарни ёзишга даъват этди.

Шояд, унинг баъзи нуқталари кўнглингиздан ўрин олса.

МУАЛЛИФ

Устоз

Бирни ўргатгунча шогирдга устоз
Ақл чиғириғидан ўтказар мингни.
Шогирд қобил чиқса, куйдирмаса соз,
Англаса соз чеккан заҳматларингни.
Бу дунё ишларин тушунолмасдан,
Хонақоҳга борган далли дарвишдай,
Ўр бир машқлар-у, зўр орзу билан
Дарвозангиз қоқдим сўрамай-нетмай.
Кўзимда титрарди минг битта савол,
Кўриб туриб бунни кўргангиз йўк.
Баъзи насиҳатгўй «доно»лар мисол,
Ястаниб, ваъзхонлик қилганингиз йўк,
Ўрнига мен билан суҳбат қурдингиз,
Шеър ҳақида суҳбат қурдингиз дилдан.
Балким юрагимда бир чўғ кўрдингиз,
Тозаламоқ бўлдингиз кулдан.
Ҳар гал қошингизга бордим энтикиб,
Дилга тугиб гўзал орзу-ниятни.

Хомликни камгаплик ичра беркитиб,
Дастак қилиб жиндай самимиятни.
Бу йўлда, сиз сабаб, англай бошладим
«Ул-бул» мазмунини, кириб шу ёшга.
«Шоирлик, дарвишлик бошқа-бошқадир,
Шеър бошқа, кўпирган ҳамд-сано бошқа!...»
Қандай тушунибман сизни, билмадим,
Устоз, ҳукмингизга ҳаволадир бу.
Елчиб ёзолмасам, ёлчиб қийналдим,
Шогирд ношуд чиқса — беҳудуд қайғу.
Шеърият ўлкасин сўқмоқларида
То шу кун кезурман, умидим талай.
Лекин ўқувчилар синоқларидан
Юзим ёруғ ўтсам, дейман ҳар қалай.
Аён: ҳали-ҳозир шеърларим ўра,
Камтарликка йўйманг, устоз, бу сўзни.
Катта шоир бўлмай қолишдан кўра,
Мен доғда қўйишдан қўрқаман сизни.

II

Кичик бир қишлоқнинг кичик шоирин
Болалиқдан қолган аччиқ туйғуси —
Қисиниш эди.

Чуқур эди бу туйғунинг илдизи ғоят,
Юрагининг қаъридек чуқур.

У эсини таниб, улғайган қишлоқ —
Ойнабулоқли эди,
Қорадарё оқар эди бу қишлоқни қиздай қучоқлаб.

Бу қишлоқнинг одамлари оқкўнгил ва пок
Ва лекин бор эди бунда ҳам, рости,
Ҳамма замон, маконда бўлган,
Бундан сўнг ҳам бўладиган баъзи-баъзилар.
«Келгиндилар» дейишарди орқаворотдан, улар,
Қаҳрамонимиз оиласи ҳақда кетса гап.

Кейин билса,
Тақдир тақозоси, деганларидек,
Кўчиб келган экан бошқа шаҳардан
Ойнабулоқли,
Қорадарё киздай кучиб оқадиган
қишлоққа улар.

«Келгинди»нинг еттита фарзанди бўлиб,
Ўртанчаси эди бизнинг қаҳрамон.
Бу етти фарзандни катта қилгунча,
Она сути оғзига келган ота-онанинг.
Устига етмасдан қорнига етса,
Қорнига етмасдан устига етса,
Мажбур бўлганлар —
Болаларин сут соттиришга,

нон соттиришга,
Кўчаларда сарғайтириб-сўлдириб.
Мажбур бўлганлар —
Топширмоққа икки фарзандни,
«Уст-бош бераркан, овқат бераркан,
Текин берар экан кўп болаликка» —
Дея қишлоғидан анча чақирим —
Йироқ бир кентдаги мактаб-интернатга.
Бу икки фарзанднинг бири —

каттаси —

Қаҳрамонимиз бўлиб,
Болалиқдан бирга ўсган тенг-тўшларидан
Ногаҳонда айрилган-қолган...

...Уруш қатнашчиси эди отаси унинг:
Тўшакка миҳлаганди уни хасталик,
Бу пайтга келиб.
Бир ака — ўқишда,
Бириси — аскарликда.
Дарсдан кейин, колхоз далаларида,
Меҳнат қилиб,
Ойига беш-ўн сўм пул топадиган
Қоракўз сингилларни ҳисобга олмаганда,
Оила тебратишнинг бутун заҳмати
Зиммасига тушган эди
Муштипар фаррош — онанинг.

Ҳаммаси — бир тараф,
Ўқиш — бир тараф.
Ҳар иккисини ўйлаганда эзилгувчи қалб.
Қалбдан сизган туйғу —
Қисиниш.

Ун сўмлаб келарди, холос, ҳар ойда
Унга мадад пули —
Қишлоқдан, уйдан.
Эсидан чиқмас ҳеч —
Жимгина кесатгани
Ушандай пул қоғозларидан
Бирини кўтариб кирган курсдошнинг:
«Рақамдаги битта «ноль»
тушиб қолган бўлса керак-а!»

Тушунмади аввалига бу кесатиқни,
Бироқ қаеридир ачишди ёмон,
Кир бўлиб таъби...

Гап айланиб сирдошлар аро
Хабар толгачгина курсдошлар учун
Ойда юз, ҳаттоки икки юз сўмлаб
Мадад пули келишини ота-онадан,
Ортди юрагида мавжуд ул туйғу —
Қисиниш.

Бир юк бўлиб босди уни бу туйғу —
Бамисоли бир қуш эса у,
Бу туйғу қайирди қанотларини:
Бироқ ёш эмасми,
Йигит эмасми,
Кўтаролди бу туйғу залварини ҳам.
Шеърга ошнолик қўл келди кўпроқ,
Кесди шеърга ошнолик бу туйғу заҳрин.

Гоҳо-гоҳо берилди у хаёлларга ҳам.
Севди у ҳам,
Севилди у ҳам.
Аммо қатор-қатор байрамлар ўтди,
Арзирлик бирор
Нарса совға қилолмади севгилисига,
Йигит бўла туриб, кўпинча,
Таклиф қилолмади севгилисини,
Бошқалардек, боғ-роғларга, театрларга.
Орият-чи, қаттиқ.
Бир кунни, ҳатто,
Азбаройи севги кучидан,

Ноиложликдан,
Таклиф этиб келди киз ўзи —
Уни бир анжуманга,
Ўзин четга олавергач бизнинг қаҳрамон...

III

Жумлалар бамисли лашкардир саф-саф —
Зеҳн ўрдугоҳи сари от сурган.
Бирини забт этсанг — мағзини чақсанг,
Келар орқасидан бошқа бириси.
Бу жумлалар,
Саф-саф бу фидойилар
Редакция деган жойда ишловчи —
Кишиларнинг номус ва ори,
Юзи,
Бир сўз билан айтсак агарда.
Меҳр кучи бордир бу кишиларда —
Жон бера олгувчи ўлик сўзларга,
Парвозга чорловчи тирик сўзларни,
Парвоз қилаётган сўзларни эса
Мангуликка етишларига
Ҳисса қўшмоқ учун етажак меҳр кучи.
Бизнинг қаҳрамон-чи?
Бормиди унда ана шундай куч?
Дафъатан бир сўз
Дейиш қийин бу ҳақда.
Аммо баралла
Айтмоқ мумкин: унинг қалбида элга,
Эл сўзига меҳр бор эди тугал.

Онажони алласи ила
Сингиганди унинг руҳиятига
Бу меҳр — гўдакликдан.
Сингиганди унинг руҳиятига
Отасининг суйиб-суйиб эркалашидан —
Бу меҳр.

«Ёмон бўлади»нинг сирли кучини
Илк бора ҳис этган кунда сингиган эди,
Бу меҳр —
Юрагига.
«Савоб бўлади»нинг сирли кучини
Илк бора ҳис этган кунда сингиган эди,
Бу меҳр —
Юрагига.
«Мактаб», «китоб», «пахта» сўзлари
Маъносининг нақадар чуқур
Эканлигин айлаганда ҳис,
Пайдо бўлган эди бу меҳр —
Қалбида унинг.

Бироқ бизнинг қаҳрамон бунда —
Редакцияда
Сўзга меҳр-муҳаббат ила
Ёндашгувчи зотлар-ла бирга,
Кўрди сўзни йиғлатиб юрган
Кимсаларни ҳам.
Бу кимсалар қўрқоқ ва ношуд,
Журъатсизлар, жасоратсизлар —
Бўғизларди сўзларни гоҳо...

IV

Киндик қони тўкилган шаҳар.
Магазинчи хола.
Ҳеч нарсадан камлик кўрмасдан —
Улғайишган фарзандлари — магазинчи холанинг.

Қавм-қариндошлар.
Қавм-қариндошлар ичида —
Бўйи етган бир қизи бори.
Суксурдайн бўйи етган қиз.

Шунчаки салом хатлар.
Ишқий нома.
Ишқий номалар.

Ота-она орзуси.
Ота-она орзусига қарама-қарши —
Қиз ичган қасам:
«Шу йигитдан бошқага тегсам,
Осиб ўлдираман ўзимни — ўзим!»

Совчилик.
Бели бақувватликда шаҳарда номдор —
Магазинчи холанинг
Ҳотамлик қилиб,
«Ўзим кўтараман тўй харажатин», деб
Уртага тушганлари...

V

Мактаб ўқув программаси
Ва мустақил ўқигани беш-олти китоб
Таассуроти «араваси»да
Билиб қолди, тез орада, узоққа
Бориб бўлмаслигини.
Буни дорилфунун уқтирганди унга,
Уқтирганди дорилфунун муҳити...

«Қанча китоб ўқиш керак экан, э-ҳе! —
Шоир бўлиш учун,
Қанча шоир ўтган экан ёруғ жаҳонда!..»
Уйин-кулгилардан кечиб ўқимоқ,
Ёшлик завқларидан кечиб ўқимоқ,
Уйқулардан кечиб ўқимоқ...
Ўқимоқ —
Саломатликни
Йўқотиш мумкинлигин ўйламай асло.
Шеър йўлида ҳамиша, ҳар он
Ўзни нуноқ санаб,
Ўдак санаб, ўқимоқ.

Бир умрлик тузалмас «касаллик»ка
Айланиб кетиши — талабчанликнинг...

Битик тошлардан то «Девону луғатит-турк»,
«Девону луғатит-турк»дан то Алишер Навоий,
Навоийдан то Абдулла Ориф...
«Шоир — ўз она халқининг овози бўлмоғи шарт!»,
«Мен халқим минбарида халқим номидан
Сўзлагувчи ёлғиз шоир кабирман», дея ўйламоқ,
Туймоқ бу ўй масъулиятин...

Ўйлар

Юрак, ўзингни бос, юрак, бардам бўл,
Сенга ишонаман бундан буёғи.
Асаб ишдан чиқди, бутламоқ мушкул,
Умр машаққатли кечади чоғи.
Замон олатасир, аср — шиддаткор,
Яхши ким, ёмон ким — фарқламоқ оғир.
Асаби бўшлар, бу — ҳар қадамда хор,
Асаби бўшларнинг юракда доғи.
Йилдан-йил улғайиб борар орзу-ўй,
Йилдан-йил мураккаб — муносабатлар...
Ҳаётда қўл келмай қолмоқда шу кўй
Оддий муомала, оддий одатлар.
Ёлғон ишлатишга мажбурдир оқил,
Яхшилик рўёбга чиқсин, деб баъзан.
Бечора асаблар... бамисоли қил,
Қирқ ёрилар ҳаёт талаби билан.
Бу мушкулписандда тентираймиз хўп,
Дуч келамиз боши берк кўчаларга.
Шодлик-қувончидан кулфатлари кўп —
Ёруғ оламнинг биз — бечораларга.
Бироқ яшаш лозим тисланмай сира,
Кўксимда соғ-омон борсан-ку ҳали.
Сенсан-ку, азизим, мангу бир сирдай

Рухни равшан этиб турган машъала.
 Ва тупроқдан узиб оёқларимни,
 Турмуш ташвишларин куйиб заминда,
 Сенсан-ку яйратиб нигоҳларимни,
 Буюк умидларни кўрсатган зимдан,
 Сенсан-ку, ҳеч кимда йўқ ишққа бошлаб,
 Кўксимни ёйилтган осмонлар каби.
 Эркак бошим билан кўзимни ёшлаб,
 Чўяндай эритган мўмиё қалбни.
 Утлуғ мақсадларга ҳамроҳман ҳали,
 Розиман ёниб кул бўлсам ҳам, бироқ
 Ногирон ҳассага таянган янглиғ,
 Боғланиб қолганман мен сенга, юрак.

Ҳасад

Москвада,
 Адабиётчилар марказий уйида,
 Ўзбекистон кенжа шоирларининг
 Қўлёзмаёси муҳокамасида
 «Шеъриниёта воқеа» деб баҳоланди
 Асарлари қиссамиз қаҳрамонининг.
 Муҳокама акс-садоси
 Етиб келди, шубҳасиз,
 Катта шаҳарга.
 Давраларда шу ҳақда сўз борди кўп маҳал.
 Асаримиз қаҳрамони шаънига
 Илиқ гаплар айтилди қанча.
 У ёзган назмлар гоҳо меъёрда,
 Гоҳо меъёридан ортиқ мақталди.
 Ана шундай гурунглاردан бирида
 Тенг-тўшлардан бирови —
 На ёзувчи, на шоир,
 Тўғрироғи, ҳам шоир
 Ҳам ёзувчи бўлмоқ истаган
 Ва лекин ҳеч бири бўлолмаган кас,
 Яна ҳам тўғрироғи, талантсиз бир кас
 Қовоқ очмай ўлтирди шундоқ,
 Қаҳрамон хусусида айтилган барча
 Гаплар унга қизиғи йўқдек.
 Ўлтирди устма-уст қадаҳ сипқориб...
 Ва ўлтириш охирлаганда
 Ўрнидан турди-ю, отди қадаҳин,
 Ҳе йўқ, бе йўқ,
 Асаримиз қаҳрамони юзига шундоқ...
 Ва тарк этди даврани сассиз.
 Тош қотди ҳамма —
 Ҳазм этолмай унинг бу қилиғини.

VI

Қўлга қалам ушлаб байт тизган борки,
 Бир кун катта шоир бўламан, дейди.
 Хоҳ у ҳаваскордир, хоҳ тажрибалик,
 Албатта ноширдан нолийди.
 Ношир-чи, Абдулла Ориф айтгандек,
 Учинчи одамдир — ҳакамдир ҳалол.
 Бизнинг қаҳрамон ҳам ҳис этиб буткул
 Ноширлик ишининг бу мушкулотин,
 Узин чоғлаганди бамисоли кул —
 Уринлатмоқ учун ашъор хизматин.
 Зўр ҳиммат бор эди, о, бу хизматда!
 Ғурурланиб юрсанг арзирлик ҳатто:
 Шоирлар дилидан сизган баётдан
 Эл-юрт юрагига еткурмоқ садо.
 Лекин бир пул эди булар барчаси —
 Қалбида ҳалоллик бўлмаганида.

Ҳалоллик, ҳалоллик — виждон шеваси:
 Имон тўлқини бор эди қонида.
 Шоирликда эди бу ҳис илдизи,
 Жуда теран эди бу ҳис илдизи,
 Шунча теран эди бу ҳис илдизи,
 Ки, унинг ҳар иши, ҳар айтган сўзи
 Таъкидлаб турарди шуни ҳар замон.
 Шеъри «қайтган»лар ҳам шу боис унга
 Гина сақлашмасди қалбида пинҳон.
 Душманлари ортиб борарди шунга —
 Таланги тақчилроқ тенг-тўшлар аро.
 Пинҳон-пинҳон ундан излардилар айб,
 Тинчимас эдилар топмагунча то.
 Топишгач, атрофга тўхтовсиз ёйиб,
 Уни бадном этмоқ исташар эди.
 Ҳар бир коллективда бўлгани каби,

Бир-икки хайрихоҳ оға ишларди,
 Унинг қаторида пок ва ўт қалбли.
 Ушалар қутқариб қолдилар пинҳон
 Кир ниятли қанча каслар қўлидан.
 Ахир, бир назардан қолдингми, ёмон,
 Одам бўлолмайсан бу донғил йўлда.
 Уша пок, ўт қалбли оғалар бир чок
 Яна меҳрибонлик қилдилар унга:
 «Душманларинг бордир, атрофингга бок,
 Юрагингни очаверма ҳар кимга!..»
 «Душман?.. Менда нима қилади душман?
 Бир ёш шоир бўлсам, ҳам кичик ходим?...»
 Ўзича шундай деб ўйлаган билан,
 Қузата бошлади одамларни жим.
 Қараса, ростдан ҳам, баъзи бировлар
 Яшаркан бошқача ва эҳтиёткор,
 Теграсига қуриб кўринмас ғовлар,
 Ёнига ҳеч кимни йўлатмай зинҳор.
 Журъатсиз ва ожиз, бир ўз сўзи йўқ,
 Савлат сотиб юрар, уст-бошлар пўрим.
 Кўзлар бамисоли сўниб қолган чўғ,
 Акс эттирар гўё кўнгилнинг кири.
 Шунчаки жумлалар — ёзганлари ҳам,
 Шекспир айтгандек: «Сўз... сўз... сўз...»
 Тагига имзосин қўймаса маҳкам,
 Бузуқ иморатдек тўкилар шу он.
 Жирканди улардан бизнинг қахрамон,
 Раҳми келди, кейин, жирканди такрор.
 Юрагида нафрат жўш урди ёмон,
 Оёғи остида кўриб кўпни хор.
 «Шуларсиз мукаммал эмасдир ҳаёт!» —
 Дея такрорлади бир шоир сатрин.
 Энди ҳар сўзидан лозим эҳтиёт,
 Йўқотди юракда эрк ҳаловатин.
 Қаттиқ меҳнатдан сўнг, нафас ростлаш-чун,
 Қиттай-қиттай отиб қолинса гоҳо,
 Чўккан ҳислар бирдан кўрсатди кучин.
 Кириб қолган бўлса даврага ногоҳ
 Уша палидлардан биронтаси гар,
 Сўз билан чаёндай олди у чақиб,
 Унвонига боқмай, аямай баттар.
 Бироқ у неники айтди, айтмади —
 Шахсий ғаразидан ҳеч кимга бир сўз.
 Шахсий ғараз деган унда йўқ эди,
 Бор эди ҳақиқат лафзи даҳлсиз.
 У айтган гапларни биларди кўплар,
 Биларди чуқурроқ, кенгроқ эҳтимол,
 Яшардилар аммо юракда тўплаб,
 Ё орқаворотдан гап сотиб беҳол.
 Ичидан зил кетди қанча-қанчаси: —
 «Нега чўчимас бу рост сўзламоқдан,
 Нега менинг чиқмай қолар нафасим,
 Юрагим «айт!» — дея ҳайқирган чоқда?!»

Оғалар таърифида

- I
- Алло, «Дарвиш оға» йўқми сиз ёқда?
 - Эрталаб бир кўринган эди.
 - Қайдан топсам бўлар экан-а?
 - Ўтаман деганди «Союз»¹ томонга.
 - Алло, бу «Союз»ми? «Дарвиш оға»ни...
 - «Шарқ» да кўрдим «Дарвиш»ни ҳозир!..

¹ «Союз» — УзССР Езувчилар союзи биноси.

² «Шарқ» — «Шарқ юлдузи» журнали редакцияси.

Топиб бўлмас уни «Шарқ»дан ҳам,
Ёнга олиб уч-тўрт шогирдни,
Балки «Бар»да ўлтирар бу чоқ.
Балки тоза ҳаво баҳона,
Чиқиб кетган бўлар кўчага.
Хуноб бўлиб юрганда бир пайт
Чиқиб қолар қаршингдан буткул.
Салом берар, сен ҳали бермай,
Сендан олдин ёради кўнгил.
Ичда қолиб айтар гапларинг,
Нафас ютиб тинглайсан уни.
Жиллолмайсан бир қадам нари,
Бирга ўтказасан қанча кун-тунни.

Аҳли маъни давраларига
Олиб кирар сени кетма-кет,
Баҳсларга чорлайди тугал,
Юрак билан туриб бетма-бет.
Висол айлар Лайли-Мажнундек
Оврупою Шарқ шеърияти.
Оҳангларда барқ урар кундек
Замонавий ўзбек сийрати.

Шакллари бузар ҳаяжон,
Қалб торлари оҳ чеккан сари.
Идрокингда бўлар намоён
Ҳақиқатнинг янги ранглари...

Биоларга яшайди сифмай
Чекланишлар билмаган шоир:
Бир қўлда шеър, бир қўлида май,
Кимга дўст-у, кимга мутлақ сир —
«Дарвиш оға» кетади чиқиб,
Лабларида синиқ табассум.
Сен қоласан оғир энтикиб,
Иниларча хўшлашиб шу зум;
Бамисоли бир гулшан кетар,
Сени чўлда қолдириб гирён.
Уйларингни пичокдай кесар
Уст-устига янграб телефон:
— Алло, «Дарвиш оға» йўқми сиз ёқда?
— ...
— Қайдан топсам бўлар экан-а?
— ...

2

Тун эди. Имиллаб борарди поезд,
Ҳамма мизғир эди, сиз ва мен уйғок.
Бўғилиб, устма-уст тупурадингиз
Купе бурчагига шу чоқ.
«Шукуржон, — дердингиз. — Қандай ноҳақлик,
Қандай ношукрлик, қандай!..» Жавобан
«Ҳа... а...» дердим холос мен, хўрсинганча тек,
Фақат ёлдираддим ожизлик билан.
«Ҳа... а...» дер эди поезд, «Ҳа... а...» дер эди тун,
Маънос маъқуллашиб сўзларингизни.
Бир имон ёнарди беўт, бетутун
Гулханига тушиб юракнинг, ҳиснинг.
Бир севги ёнарди, севги ичида
Кўз ёшлар-ла ювиб заъфарон юзни —
Бир қайғу ёнарди, кўксига сизни —
Босиб хайрихоҳлик эҳтиёжида.
«Яхшига кун йўқдир, ёмонга-ўлим»,
Хаёлимдан ўтди шу гап неча бор.
Ҳазм қилолмадим бу ҳикматни жим,
Юпата олмадим сизни ҳам зинҳор.
Тонг отди манзилга етказиб бизни,
Ранг-рўйингиз кўриб санчди юрагим.
Ногаҳонда кўзим тушди: қип-қизил
Қон эди купемиз бурчаги.

3

Самимият юзимни кўмирдай қора қилди,
Дилимни хун, кўксимни тузалмас яра қилди.
Оғам, деб унга кўнгил ёрган эдим йиғлаб, жим,
Ичингда гап турмас, деб, кўринг, масҳара қилди.

Маҳзунликлар

1

Кузатиб қолмаса уйда бир киминг,
Йўлинг кўпаймайди, юрсанг ҳам қанча.
Эгнингга чангақдай чип ёпишганча,
Вужудинг ғижимлаб борар кийиминг.
Вужуд озор чекса, кўнгилда ситам,
Ҳар кимга сўник руҳ билан қарайсан,
Ҳар кимдан гарчи ҳол-аҳвол сўрайсан,
Лекин ўз аҳволинг сўрайсан шу дам.

Турфа давраларга бош суқасан жим,
Далда ахтарасан ҳар ёқни кезиб,
Гоҳ ўзни оламда ортиқча сезиб,
Бурчак-бурчакларда ёш тўкасан жим.
Кузатиб қолмаса уйда бир киминг,
Кутиб олгувчинг ҳам бўлмайдиган,
Судралиб қайтасан уйингга томон,
Вужудинг ғижимлаб борар кийиминг.

Энди кеч. Жуда кеч — асрларна кеч,
 Қанча ўртанмагил, ўрнига келмас.
 Шунча севиб-севиб, ўйламовдим ҳеч —
 Хиёнатдан бўлак, кечириб бўлмас.
 Айби ҳам бўлиши мумкин эканин —
 Аёл зотининг. Мен ёлғон севмадим,
 Ёлғон яшамадим — ахтардим маъни
 Телбараб умримга висолингдан.
 Жим!..

Мен учун орқага энди йўл йўқдир,
 Олға юришим шарт, қандай бўлмасин.
 Орқада жарликдир, тубсиз жарликдир,
 Шу жарликдан келар илтижо сасинг.
 Жим...

Бекор куйинма, йиғлама бекор,
 Ёдимга солма у ёруғ кунларни.
 Олдда хотиротсиз ўтмас фасл бор,
 Керак қилажаксан шунда мунгларни.

3

Ишқ севинчдан бошланиб, ғам билан битар,
 Кундуздай чўзилиб, маҳзун умр ўтар.
 Бўйла, тонг уфқидан юксалиб пардек,
 Қуёш, шом уфқига тош бўлиб ботар.

VII

Урушдан «аввалги» қийинликларнинг
 Қаймоғин кўрганди отаси унинг,
 Етимликнинг аччиқ кунлари.
 Таъмин тотиб улғайганди отаси унинг.

Шогирдликка ёлланиб бир сартарошга,
 Эндигина ёнига беш-тўрт сўм тушиб,
 Уйланганида:

Эндигина ота бўлганда,
 Эсиб қолиб урушнинг совуқ нафаси,
 Олиб кетилганди у
 «Ишчи батальони» қаторларида,
 Ватан сарҳадига яқин жойларга.

Юз кишига бир милтиқ,
 Уч-тўртта от арава —
 Ватан сарҳадига яқин жойларда.
 «Хашак йиғиш, ўрмон кўриқлаш» —
 Вазифа белгиланган
 Ватан сарҳадига яқин жойларда...

Уруш бўлишини ҳеч ким билмасди.
 Ватан сарҳадига яқин жойларда.

Фашистлар босқинин хавфи сезилгач,
 Қарши ҳар эҳтимолга
 Олиб борилганди одамлар
 Ватан сарҳадига яқин жойларга...

Урушнинг илк куниёк
 Қирғин-барот бўлди
 Ватан сарҳадига яқин жойларда,
 Минглаб одам қирилди
 Ватан сарҳадига яқин жойларда.

Юз кишига бир милтиқ.
 Фашистлар-чи? Куролли —
 Тишу тирноғигача.
 Тажрибалик, қонхўр, босқинчи.


Ҳушсиз ҳолда олиб кетдилар
 Қанчалаб оталарни
 Асирликка — фашистлар.

Қочиш эвин қила олмади —
 Отаси унинг,
 Улиб кета олмади —
 Отаси унинг
 Улиб кета олмаган
 Минглаб асир сингари...

Битди уруш — ярадай.
 Уйига қайтди барча,
 Бироқ унинг отаси қайтмади уйга.
 Бошқа минглаб асирлар каби
 Бир йилдан кейин,
 Текшир-текшир, тафтишлардан сўнг,
 Қўшимча эркисизликдан,
 Қўшимча бир йиллик эркисизликдан сўнг
 Қайтди уйига
 Отаси унинг.
 Шу-шу бўлди, қисиниш
 Туйғусини орттириб олди.
 (О, сен уруш!
 О, уруш кулфати!..)
 Унга кун бермадилар ўз шаҳрида ҳам
 Нуқиб кўрсатдилар бармоқлар ила
 Отасин унинг
 «Босқинчига асир тушган» деб...

Ҳақиқат рўёбга чиқди оқибат:
 Қатор-қатор медаллар безади отасининг
 Кўкрагини ҳам,
 Вақт ўтиб бир кун.
 Бироқ нутмади, ота, уруш азобларини,
 ...Урушдан кейинги азобларни ҳам...

Охири келгуси сонда.



Мурод Муҳаммад Дўст

Малазар

Роман¹

Тўққизинчи манзара

Уртада яна бир муҳаббат боби борки, бундан йигирма саккиз йил муқаддам, Уртақўрғонда, аниқроғи, Уртақўрғондан ўттиз чақиримча чеккада, кетмончилар чумолидай сочилган сойликлардан бирида, «штаб» деб аталган брезент қапа ёнида, бошига қизил дуррача танғиган, хушқад, хушрўй аёлни ранжитганидан бошланади. Аввали айтган эдики, умримда инжирнай аёлни биринчи бор кўришим, деб... Буниси анча жўяли чиққан. Сўнг айтган эдики, умримда кўп аёлларни суйганман, лекин уларнинг орасида бирорта ҳам найнови бўлмаган, деб!.. Шуниси инженер аёлга ёқмаган. У новча эди, лекин бесўнақай найнов эмас. Кўзлари мовийга мойилроқ. Яхшибоев суриштириб билдики, дурагай экан: онаси — рус, отаси — тожик. Кейинроқ ҳазил қиладиган бўлдики, онанг — рус, отанг — тожик, сен ўзинг — ўзбексан, Олия. Сабабки, Олия ўзбекчани чийлаб гапирарди. Новча эди, кўзлари мовийга мойил эди, сочлари тимқора, юзлари бежирим, гўё Уртақўрғон сув омбори қурилишида эмас, атир-упа чиқарадиган озода фабрикада ишлайдигандай. Яхшибоев қурилишга келганининг иккинчи куни эди. Танишув дебочасида, Ошно, штаб бошлиғи, ҳукуматнинг қурилишдаги вакили, Олиянинг қўлидан тутиб, секин олға итарган эдики, Назар жўра, танишиб ол, ўртоқ Мўминшоева Олия Мубиновна, маҳаллий инженерларимиздан, энг ишонган ва суйанган кадримиз...

Танишиб-синашиб қолганларида Олия тергар эди: айтинг, сиз суйган хотинлар ростдан ҳам кўп эдимиз? Яхшибоев пинак бузмай айтарди: ҳа, кўп эди, лекин бариси пакана эди, мен бечора, қачон новча аёлни учратаман, деб армон қилардим.

Аслида шунгача у Муҳсинадан ўзга аёлни кўрмаган эди. Олияга ҳам умид боғлагани йўқ, шунчаки шўхлик қилди, шўхлиги ҳали не балоларга гирифтор этарини ўйламади, ўйлайдиган пайт келганда қараса, Муҳсинани тамом унутибди, хаёлида нуқул Олия, хушқад, хушбичим, кўзлари мовийга мойил, сочлари тимқора аёл. Уйда ҳам, кўчада ҳам ўшани ўйлайди. Ҳаттоки хобхонада ётганда ҳам эслаб кетаверади. Хайриятки, Муҳсинанинг ўрнида ҳам уни тасаввур этмоқнинг иложи йўқ, хайриятки, Муҳсина умуман ўйламоққа имкон бермайди, кучганида ҳам, суйганида ҳам бирдай гапирарди, ижарачи сержаҳл кампирдан қутулиб, қарзу қавола қилиб ҳовли олганларидан бери айниқса очилиб кетган, овози ҳам очилган, овози жуда майин, овози жуда машқли, ўн саккиз яшар қизнинг овозига ўхшайди, ноз қиладди, истиғно қилади, хуллас, ўзини унутиб бошқаларни ўйлашга йўл бермайди; ўнлаб ролларни ёд билади, гоҳ Офелия, гоҳ Дездемона, гоҳида Жамила, гоҳида Нурхон... турли сўзлар, турли кайфиятлар... бариси аралаш-қуралаш бўлиб кетадики, уларнинг орасидан Муҳсинанинг ўзини ахтариб топиш қийин.

Балки шу боис Олияга оғиб кетгандир? Муҳсинанинг ўзини йўқотгани, ахтаргани, чандон ахтаргани-ю, лекин тополмагани боис?

Яхшибоев хотин жинсига тегишли саҳна қаҳрамонларини (гўринг нурга тўлгур

¹ Охири. Аввали ўтган сонларда.

Шариф хушёрлиги тутмасдан жўнроқ суҳбат қурганларида уларни «қаҳрамонкалар» деб атарди) новча деб тасаввур этолмасди — бариси Муҳсинага бўйдош. Шукр қилардики, кўнгилнинг тубида севикли бир аёл бор, Олия, новча, хушбичим, хушрўй, кўзлари мовийга мойил, сочлари тимқора, ҳеч кимга ўхшамайди, ягона, якто!..

Унинг бандаси бўлмоқчи қанчалар соз!

Сув омбори қурилишига, «Ўртақўрғон ҳовузи» номли газетага муҳаррир бўлиб борганидан, токи курилиш ҳам, газета иши ҳам тугаб бўлгунича, бу ёғи яна шаҳарга қайтиб ҳам бир-икки йилча Олиянинг бандаси бўлиб юрди. Энди эслаб армон қиладики, дўзахга тушсам ҳам майлийди, Муҳсинанинг жавобини беришим керак эди, деб!..

Алам қилади, лекин — начора.

Олиянинг ортидан шунча вақт югурди, ахийри унга эришди, озгина муддат яқинлик қилди. Муҳсинанинг талоғини айтиб, Олияга уйланмоқчи бўлганида Ошно кўнмади. Талоқнинг дарагини эшитиб, шошилинч чақириб олиб, уч марта хитоб қилди: уят, ўртоқ Яхшибоев! Сиздан буни кутмаган эдик, ўртоқ Яхшибоев!! Халқ нима деб ўйлайди, ўртоқ Яхшибоев!!

Ошнонинг монелиги Яхшибоевнинг ғашини келтирди, айтдики, ўртоқ Фалончиев, ундовлари кўпайиб кетмадимиз?

Ошнонинг туси ўзгармади. Яхшибоев шундан хулоса қилдики, Ошно ўзини батамом тугаиб олибди, ҳаттоки ғазаби келганида ҳам бўғилмайди, оқармайди, қизармайди, қайтага, гинаомуз жилмайди.

Яхшибоевнинг иддаосидан Ошно сал хушёр тортди, хафа бўлди чоғи, хўрсинди, сўнг айтдики, узр, ўртоқ Яхшибоев, сиз билан ҳамон дўстмиз, деб хаёл қилибман, ундов белгилари учун ҳам узр, ўзим пайқаман эканман, ўртоқ Яхшибоев, лекин сиз яхши пайқабсиз, ҳар қалай, ёзиб юрган одамсиз-да...

Хаёлга келганини қарангки, ўзи не аҳволда-ю, Ошнога ёзмай қўйгани алам қиляпти, деб ўйлади. Ҳаттоки ачинди унга. Алам қилармиди, йўқми, ишқилиб, кейинчалик Ошно бунга ҳам я р а ш и ф л и бир изоҳ топди: ҳар ким қўлидан келганини қилиши керак, мен ёзишга ожизлик қиламан, қоғоз қоралаб моҳирроқ ўртоқларга кулги бўлишимдан не маъно?

Мардлик — яхши нарса, айниқса — таниқли одамларнинг мардлиги. Ошно қирқ йил тугал бирор сатр ҳам наср ёзмади, ёзмагани учун не-не моҳир одамларнинг таҳсинига сазовор бўлди: инсофли экан, ёзолмаслигини тан олди, ахир, чиқариш қўлидан келарди-ку!.. ана, бижғиб ётибди-ку! ана ўзлари тугул, хотинлари, қизлари, куёвлари... токи невараяо чевараларига қадар... ҳаммаси ёзиб ётибди-ку!

Ошнонинг иқроарида андак намойишкорлик бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин Яхшибоев билардики, Ошно ихлос қилса чинакам моҳир бўлмоқнинг уддасидан чиқарди; бирйўла икки жабҳани эплашга кўзи етмади, бинобарин, чин маънода камтаринлик қилди. Ошно ҳазиллашиб айтардики, арбоб аҳлидан биргина яхши шоир чиққан, Алишер Навоий деган киши, шоир бўлганда ҳам беназиру бекиёс!.. Кейин, ўзининг ҳам арбоблиги бўртиб қолмаслиги учун, камтарликнинг иккинчи босқичига ўтарди: жосуслардан Даниель Дефо, қулфурушдан Артур Рембо, дўхтирдан Чехов чиққан. У айна рўйхатни истаганча давом эттиришга қодир эди. Шундан ҳам аёнки, умр бўйи адабиётга ҳаваси сўнмаган, умр бўйи китоб ўқиган, эҳтимолки, ўзларини моҳир санаб чиранмачоқлик қиладиган маҳмадана зукколари мот этиш учун ҳам шу нарсаларни билган.

Лекин бу тафсилотлар кейинги даврларга тааллуқли. Кейинги даврларки, дейлик, Фаластиндан қувилган буюк шоир келиб Ошно билан суҳбатлашади, Абу Нўвосу Ал Мўсўлий байтларини аслида эшитиб ёқа ушлайдики, қанийди, ҳамма арбоблар ҳам шундай бўлса!..

Меҳмонлар билан гаплашиш қанчалар осон. Меҳмонларнинг кўзлари доимо ўнг бўлади. Меҳмонлар доимо мўъжиза излашади. Мўъжиза бўлмаган жойлардан ҳам мўъжиза топишади. Бусиз мумкин эмас, бусиз саёҳатнинг маъноси йўқолади.

Дўстларнинг суҳбати эса оғирроқ кечади. Айниқса — эски дўстларнинг суҳбати. Ушанда Яхшибоев, гарчи минг гумонга борса-да, гарчи қўрқса-да, бор-йўқ умидларини тикиб бўлса-да, Ошнога ростини айтди. Сен «ўртоқ Яхшибоев»ни қўй, ошна, деди, жўнроқ гапир, менинг аҳволимни ҳам тушун, сенинг йўригинг осонроқ, сен дўстлигингни ҳар қадамда таъкидлашинг мумкин, ҳар бир таъкиддан сўнг обрўйинг терак баробар ўсади, лекин мен-чи?... Мен дўстликин пеш қилолмайман, пеш қилсам бас, ҳамма, биринчи навбатда — сен ўзинг, бу муттаҳам бирор нарса таъма қиляпти, деб ўйлайсан, билиб қўй, сендан дўстлик таъма қилмайман, майли, ўз ҳолимга қўйиб бер, мен шу Олияга уйланай, Муҳсинадан ажралай, уям бир кунини кўриб кетар, болаларни ташлаб қўймайман, бунисидан хотиринг жам бўлсин, рости, сен энди катта одамсан, сен билан дўстлашиш ҳам хавфли, сен билан ёнма-ён юриб юксалиш мумкин, лекин сен учиб кетсанг бас, ёнингдагилар тугул, ортингдагилар ҳам бирин-кетин учиб кетади, тақдирлари барбод бўлади; агар ростдан дўст бўлсанг, мени тинч қўй, ошна, менга

халал берма, охирги илтимосим шуки, менга қасд қилма, қўлласлигинг мумкин, лекин асло қасд қилма, одамзод мўрт бўлади, синдириб қўйишинг мумкин...

Ошнони умрида охирги марта сенсираши эди. Кейин бу хил муомала, номига бўлса-да, бирор марта ҳам такорорланмади. Ошнонинг ўзи баъзида ийиб кетиб «сеңга ўтарди-ю, рағбат кўрмасди. Яна расмий оҳангга қайтишга тўғри келарди: ўртоқ Яхшибоев, Назар Яхшибоевич, муҳтарам дўстимиз, ҳурматли адибимиз ва ҳоказо.

Ўйлаб қаралса, ўшанда Ошно жуда самимий гапирган экан. У айтдики, сендан воз кечолмайман, Назар жўра, чунки ичиб қўйган қасамим бор. Энди сен гапга тузукроқ қулоқ сол, деди, сен Муҳсинасиз яшашинг мумкин, лекин мен Муяссардан воз кечолмайман, Муяясар Муҳсинадан воз кечолмайди, мен сендан воз кечолмайман... бу ёғига чидайсан, жўра... кўриб турибсанки, бу ҳалқани ҳеч узиб бўлмайди, янаям ўйлаб кўр, Муҳсина сен ўйлаганчалик ёмон эмас, ақлли, дидли аёл, танилиб боряпти, энди сен болалари билан кўчага қувиб чиқарсанг, эл нима дейди?

Элни ўртага тикқани Яхшибоевга ёқмади. Ўртоқ Фалончиев, деди, менга сизнинг дўстлигингиз керак эмас, қасамингизни қайтариб бердим, энди мени тинч қўйинг, қасд қилсангиз ҳам майлига, озод замонда яшаймиз, нари борса, ёзганларимни бостирмайсиз, лекин оттириб юборишга кучингиз етмайди!..

«Нодон экансиз, ўртоқ Яхшибоев! Иззатингизни билмас экансиз! Бўпти, боринг, сизга ёмон бўлса, биз учун яхши-у, Муҳсинахондек санъаткор аёлни кўчада қолдирмай-миз, кўрасиз ҳали, тенгини топиб узатамиз ҳам!..»

«Билганингизни қилинг».

«Сизга рухсат, ўртоқ Яхшибоев».

«Рухсатсиз ҳам кетабераман, бу ёғига миямни қотирмасангиз бас!..»

Иддао қилди-ю, тагин Ошнонинг авзойи ўзгармаганини кўрди. Қиёфаси майину мулойим эди, гўё куйингандай, жони ачигандай, жони ачигани боис аччиқроқ гапиргандай. Ахир, ошна-да, жони ачийди-да!..

Бир ҳафта ўтиб, Муҳсинага узил-кесил айтди: ажрашамиз.

Муҳсина эътироз билдирмади: майли, дадаси, сизниям қийнаб қўйдим, бир ёқда — саҳна, бир ёқда — болалар, вақт топиб ҳолингиздан хабар ололмасам, сиз айтганча бўлақолсин...

Яхшибоев гангиб қолди. Хотин уввос тортса, жанжал кўтарса бир нави эди, лекин бунақаси — жимгина, ҳоксор бўлиб туриши, жўяли гаплар айтиши тушига ҳам кирмаган эди. Тузукроқ баҳона чиқиб қолар деб, атай гап қўзғади: мен бошқасини топдим, Муҳсина, кўп ўйладим, иккиландим, лекин унга уйланмасам бўлмас экан.

Муҳсина шунда ҳам ўзини йўқотмади: нимаям дердим, дадаси, зорим бор-у, зўрим йўқ, кўнглингиз тусганини қилинг.

Яхшибоев баттар авжга минди: кўнглим ўшани тусайди!

Муҳсина индамади. Хўрсинди, холос. Хўрсиниғи қайси пьесада олингани Яхшибоев чақолмади. На Офелия ва на Дездемона бундай хўрсинарди. Уларнинг хўрсиниқлари нозикроқ, аини саҳнабоп эди, улар хўрсинганларида кўкраклари энгилгина кўтарилиб-тушар эди. Муҳсина жўнроқ хўрсинди, сўнг саҳнага ярашмайдиган қилиқ қилиб, бурнини тортди. Бошқа бир сўз демай қўшни хонага ўтди. Раҳми келди Яхшибоевнинг. Асли Муҳсинанинг айби йўқ эди. Иккита бола туғиб берди, иккиси ҳам — ўғил. Бирига Яхшибоев ўзи исм қўйди — Аввалбек бўлди. Унисига отаси исм берди — Оллоёр бўлди. Оллоёр экани кўпда ёқмади. Лекин чол кишига қаттиқроқ гапирмади. Майли, ўсаверсин-чи, кейинроқ ўзгартириб олинар. Қолаверса, охирги фарзандлари эмас, пушти-камар ҳали тўла, қолганларига замонавийроқ, мафкуравийроқ исмлар ҳам топилиб қолар... Хўллас, унда, у замонда, барчаси жўяли эди. Унда Олиядан дарак йўқ эди. Унда Муҳсина ёқарди. Ёқмайдиган ягона жиҳати шу эдики, у ҳар кеч ёки кеч оралатиб саҳнага чиқарди, гарчи Алпомиш газетларда узлуксиз урилиб турса-да, саҳнада юрган ботирлар ҳали кўп эди, негадир ҳамма ботирлар парда ёпилиши олдидан ўларди ва Муҳсина ўлаётган ботирларнинг бошларида ўтирар эди. Шу, холос. Бугун эса, аҳвол бу... ёқмайди. Дастлаб жуда аҳил эдилар, шаҳар четида, ижарада, ғариб бир қулбада, жаҳлдор кампирнинг ғазабдан кўрқиброқ яшар эдилар. Қулба тагидан ариқ ўтарди, тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди, Муҳсина кўрқарди, Яхшибоев юпатарди. Бугун келиб, хоналар кўп-у, олдинги иноқлик йўқ.

Яхшибоев ҳарчанд уринмасин, кўнглида шафқат топмади. Йўқ, шафқат бордай эди, бор, лекин муҳаббат йўқ, муҳаббат сўнган, қолган-қутган учқунларини ҳам ҳозиргина ўзи тепкилаб ўчирди.

Тақдири таваккал, дедию шахд билан ичкари хонага ўтди. Қайғурма, Муҳсина, деди, ёлғизланиб қолмайсан, Ошно ўзи сенга эр топиб бермоқчи.

Муҳсина унга ялт этиб қаради. Хўрлиги келди, йиғисини аранг босиб айтдики, уялинг, Назар ака, мени бунчалар изза қилманг, майли, ошнангиз сизни уйлантириб қўяқолсин.

Яхшибоев яна уни ғазаблантиришга уриниб кўрди: унинг топгани менга ёқмайди, Муяссар иккови сени топишган эди, оқибатини кўриб турибсан.

Мухсина чидади, индамади. Бешикдаги боласини ечиб олиб кўкрак тутди. Сути қочган экан, бола эмолмай йиғлади. Алла айтди. Алласи негадир шўхроқ эди:

**Йиғлама, йиғлама, болажон,
Енғоқ чақиб бераман,
Тошбақанинг оёғига,
Иплар тақиб бераман...**

Атай ўктамлик қилаётганини Яхшибоев сезиб турди. Бетоқат бўлди. Хайриятки, бола тезда овунди, асалу ёғ омухтаси суртилган эмизикни шимиғанча ухлаб қолди. Мухсина ўрнидан турди. Бешикка ташланган рўмолини олиб бошига танғиди — гўё номаҳрамдан иймангандай!..

«У жудаям чиройлими?»

«Сенга баробар кеп қолади.»

«Артист эмасдир?..»

«Инженер.»

«Хотиндан ҳам инженер чиқаркан-да.»

«Артист чиққандан кейин... инженер ҳам чиқсин-да!..»

«Сизга артистлигим ёқмайди, Назар ака. Лекин мен ёмон хотин эмасман-ку? Художилар юзасидан айтинг, бирор марта ножўя қадам босдимми? Қанчадан бери уйда ўтирибман, кўнглим саҳнани тусайди, лекин иложим йўқ. Артистлигимни айбситманг, Назар ака, менга теккан касал бу. Иккита кўчқордай ўғил туғиб бердим, лоақал шуни ўйламадингиз, Назар ака!..»

«Болаларга қарашиб тураман.»

«Шартмас, Назар ака. Ўзим боқиб оламан.»

«Балки болаларни кўрсатмайман ҳам дерсан?»

«Нега? Келиб кўраверасиз, ўзингизнинг пуштингиз... Фақат озгина сабр қилинг. Бизлар тузукроқ бошпана топиб олайлик. Кейин — майли, қаршилигим йўқ...»

«Шу уй сеники. Болалар билан қолаверасан.»

«Қололмайман, Назар ака. Майли, сиз ўзингиз шу ерда туринг, сиз эркак одамсиз. Бизга биттагина хона топиб берсангиз бас, бу ерда яшашим қийин, ҳарна, маҳалла-кўйчилик... сўрашади...»

Яхшибоев муросани кутмаган эди — мамнун бўлди. Ҳафта деганда яхшигина бир уйни ижарага олди. Уша ерда ўзи бирор ойма яшаб, рахту рехтини тузатди. Мухсинани кўч-кўрони билан олиб кетгани келиб, ҳовли дарвозасига қулф урилганини кўрди. Қўшни хотин чиқиб айтдики, кичкинаси билан касалхонага тушибди. Каттаси ҳам бирга экан. Эрим сафарда юрибди, сафардан қайтса айтинг, Аввалбекни олиб кетсин, деб тайинлабди.

Яхшибоев сўраб-суриштириб, улар ётган касалхонани топди. Ичкарига киролмади — юқумли касаллар даволанар экан бу ерда. Қоровул чол озгина пора олиб, бирор ўн дақиқа йўқолиб кетди-да, Аввалбекни етаклаб чиқди. Ой тугал айри яшаб, кўздан чиқарган экан — бола бир муддат бегонасираб турди. Яхшибоевнинг кўнгли бузилди. Болани кучоқлаб, юз-кўзларидан ўпди. Шундагина унинг қўлчасида тумордек бир хат борлигини пайқади. Хотини йиғлаб туриб ёзган шекилли, сиёҳқалам икки-уч жойда чаплашиб кетган экан. Билдики, Оллоёрнинг мияси шамоллабди, юқумлироқ дард экан-у, Аввалбекка юққани йўқ, Мухсина — рози, Яхшибоев қайтадан уйланиши мумкин фақат у касалхонадан чиққунча Аввалбекка қарашиб турса бўлди...

Аввалбекни эргаштириб, ижарага олган ҳовлисига қайтди. Ишхонага хабар юборди: бир ой отпусқа сўрайман. Аввалбекни ювинтириб, қорнини тўйғазиб, бояги хатни боз ўқиб чиқди. Миясига келган фикрдан ўзи ҳам чўчиб тушди: атай қилган, атай шамоллатган, мочағар! Болани ўлдириб бўлса ҳам, мени йўлдан қайтармоқчи!!

Аввалбекни рўпарасига ўтирғизиб, ниятини айтди: аянг касалхонада ётибди, ўғлим, энди сенга янги ая оббераман.

Аввалбек мантиқни тушунмади: ўзимнинг аям бор-ку, дада?

Ортиқ қийнаб ўтирмади болани. Бозорга чиқиб, егулик харид қилиб келди. Йўл-йўлакай магазиндан уч-тўртта ўйинчоқ ҳам сотиб олди. Келтириб айтдики, Аввалбек ўғлим, ўйинчоқларни янги аянг бериб юборди.

Аввалбек суюниб чапак чалди: янги аям яхши экан!

Яхшибоев эски «масала»ни кўзгади: янги аяни опкелаверамизми, ўғлим?

Аввалбек «масала»га бошқача ёндошди: майли, аям иккита бўлақолсин, опкелинг, дада.

Яхшибоев «янги ая»ни олиб келолмади. Олияга бориб айтдики, сал сабр этасан, зарур ишлар чиқиб қолди. Олия кутиб ўрганган эди, қолаверса, жудаям умидвор эмасди, рози бўлди. Яхшибоев ортга қайтиб, Аввалбекка унинг исмини ҳам айтди: янги аянгнинг исми — Олия.

Икки-уч кун ўтиб, яна бир талай ўйинчоқни қўлга киритиб, бола тамом кўнди: майли, дада, Олия аям бўлақолсин.

Кўзи оч эди Аввалбекнинг. Ҳалигача, яъники минг тўққиз юзу саксон учинчи йилнинг октябрига қадар, Аввалбек ғашини келтирган пайтларда бот ва бот эслайдики, сен, бола, туққан онангни тўртта ўйинчоққа сотгансан!..

Тўрт ой тугал касалхонага қатнади. Муҳсинани бекорга ёзғирган экан. Ичкарига зўра рухсат олиб, кўз кўзга тушиб англадики, хотини беайб экан, бечора чўп бўлиб қолибди, бўлмаса, ейиш-ичиши жойида, ўзларига алоҳида палата, дори-дармон ҳам етарли, лекин боланинг аҳволи ўзгармаган, бир кун ҳушёр бўлса, икки кун беҳуш, нуқул кўзлари ёшланади, инграйди, на онани, на отани танийди...

Яхшибоев врачга учради. Ёшгина аёл экан, кўзларини ерга қадаб айтдики, умид жуда кам, Назар Яхшибоевич. Бош врачга учради. Унвони доцент экан. У пайтлар бунақа унвонлар жуда кам эди. Сусти босди, ялининқираб, аҳволини баён этди, қараса, доцент ҳам унга ялингандай боқяпти: умид кам, Назар Яхшибоевич, умид йўқ ҳисоби, лекин болани оёққа турғизамиз, бир ёғи — сизнинг ҳурматингиз, у ёғи — тепадан топшириқ... Хуллас, оёққа турғизамиз.

Яхшибоев хурсандлигидан бош врачни қучоқлаб олай деди. Қучоқламоқчи бўлганида, доцент бошини ҳам қилиб айтдики, қувонишга ҳали эрта, Назар Яхшибоевич, бола оёққа турганида ҳам... нарёғи қийин... бу касалнинг номи менингит дейилади, тузалганда ҳам ақли ноқис бўлиб қолиши мумкин.

Менингит ростдан ҳам ёмон экан. Бола ярим йил деганда ўлим чангалидан қутулди. Нина санчилавериб, бадани илма-тешик бўлиб кетди. Дори ёйилмай қотган жойларида тошдай қаттиқ ғурралар қолди. Йиринг бойлаган жойларини кесиб ташлашди — ўрнида чуқур-чуқур чандиқлар...

Бола нимжон бўлиб ўсди, учга кирганда зўра тетапоя бўлди, тўртга кирганда тили чиқди, камгап, одамови, мўмин-мулойим... Хайриятки, ақли кўтоҳ бўлиб қолмади. Бирор ўн ёшларда сал-пал эт олди, кейин бу ёғига туппа-тузук ўсди, улғайди, уйланди, бола-чақа орттирди, бугунги кенжа ўғил Оллоёрга айланди.

Қийин дамлар эди ўшанда. Ошно, гарчи оғринган эрса-да, уларни унутмади, ўзи бормаса ҳам, касалхонага хотини Муяссарни юбориб турди, кейин топшириқ ҳам бердики, бош врач бўлмиш доцент ҳадик аралаш, болани албатта оёққа турғизамиз, деб айтганлари — ўша боисдан.

Унинг ва энг кўримсиз манзара

Бу орада Олия қамоққа тушди. Гуноҳи оғирроқ эди — сув тарайдиган тўғонлардан бирининг қувватини тузукроқ ҳисобламаган экан, ўша тўғондан сув қочиб, ўзан ёқасидаги ўнтача уйни, ўнтача сигирни ва яна битта чақалоқ беланган бешикни оқизиб кетди. Уйлар бузилди, сигирлар чўқди. Ёғоч бешик шарофати билан чақалоқ омон қолди-ю, лекин етказилмиш моддий зарарнинг ўзиёқ бир одамни қамашга етиб-ортарди.

Суд бўлди. Яхшибоев судга борди. Олияни кўрди. Олия негадир ундан уялмади. Қора курсида ўтирганча, жилмайиб бош ирғади. Умуман, у ўзини сал ғалатиноқ тутди — айбловчи айблаганида ҳам ўйсизу молсиз қолган даъвогарлар куюниб сўзлаганларида ҳам, кейин, ҳукм зикри олдинда ярғоқбош оқловчи чиқиб оқлаганида ҳам... бирдай жилмайиб ўтирди. Устида байрамларда киядиган пўрим кўйлаги, сочларини чамбарак шаклида турмаклаган, чиройли, гўё кўркамлиги жабрдийдалару ажримчиларнинг ғашига тегарини сезмагандай, очилиб-сочилиб ўтирди. Ярғоқбош оқловчи уни қамоқдан асраб қолишга, жилла курса муддатни қийишга чандон уринди ҳамки, натижаси бўлмади. Нутқи жуда кулгили чиқди. Ўзбекчаю тожикчани аралаш-қуралаш қилиб айтдики, ҳурматли гражданин рафиқ судиёлар, ин духтар ҳали ёш, авом халқимиз духтарларидан имрўз қадар инжирнай чиқмаган, шу яктагина духтаримиз инжирнай бўлиб эди, пешонамизга ортиқ кўринди, уй бузилса боз яна уй қурамиз, инак ўлса боз яна инак харид қиламиз, лекин ахир... сувга оқон яктагина писарча омон қолдиларку? Ҳурматли ва иззатли гражданин рафиқ судиёлар ва гражданин рафиқ даъвогарлардан ўтинчимиз шулким, улар курсии сиёҳда ўлтирган инжирнайи зебога раҳм қилсалар, каттароқ иштарафи жарима солиб, духтаримизни ҳибсдан озод қилсалар!.. Ҳовузи Уртақўрғонба жам этилмиш об, яъники сув шул қадар бисёрки, тўғонга зўр келиб, тўғонни ағдариб, даҳ нафар уйни, даҳ нафар инакни ва яна як нафар писарчани оқизиб кетди, аммо-лекин уй топилади, инак ҳам топилади, баъдаз... писарча омон қолганларидан кейин, яктагина инжирнай духтаримизни суд қилиб турмага солишимиз шартми? Боз қилмайдурман, деб ваъда берсину бу ёғи омон-омон бўлсин!..

Яхшибоев Уртақўрғонда таниқли эди. Залга келиб ўтирганини одамлар билди. Суд раиси ҳам билди, билгани шуки, у ўтирган бурчакка қарамасликка уринди. Қораловчи гапириб, оқловчи гапириб, сўнг яна қораловчи гапириб, Олиянинг ўзи охирги сўздан воз кечиб, суд ҳайъати маслаҳатхонага кириб, сўнг залга қайтиб чиқиб, республика номидан беш йил қамоқ муддатини эълон қилди. Одамлар тарқалди. Маҳбусани милиционерлар олиб кетди. Яхшибоев залда ёлғиз қолди, чиқиб кетолмади. Шунда суд раиси секин келиб айтдики, майли, Назар Яхшибоевич, хайрлашиб олинг, мошинани

бир муддат сақлаб турамыз. Гўё гуноҳкордай, кўзларини ердан олмай гапирди. Яхшибоев индамай, судья кўрсатган эшикка қараб юрди. Эшик орти узун бир йўлак экан. Йўлакнинг нариги учиди — иккита милиционер, берироқда, оқ девордан ярми чиқиб турган голланд печи ёнида — Олия, хушқад, хушрўй, пўрими кўйлагиди, кўзлари мовийга мойил, сочлари тимқора, залдаги мағрур жилмайишлари йўқ, мунгайибгина турибди.

— Шундай бўп қолди, Назар ака,— деди.— Мени ёзғириб юрманг.

— Келолмадим,— деди Яхшибоев ўпкаси тўлиб.— Балки бир уриниб кўрармиз, Олия?

— Шартмас,— деди Олия.— Узим уриниб кўрдим, лекин нафи бўлмади. Ростдан ҳам айбдор эканман чоғи.

Узи не кўйда-ю, Яхшибоевнинг аҳволидан ҳам хабардор экан:

— Қийналибсиз, Назар ака. Бола тузалиб қолдими?

Яхшибоев индамади.

— Узингизни эҳтиёт қилинг,— деди Олия.— Тағин менинг касримга қолиб юрманг.

Шундай деб, Яхшибоевни маҳкам кучди, қолган-қутган ўктамлиги ҳам йўқолди, кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, ўкраб-ўкраб айтдики, менинг заррача айбим йўқ, Назар ака, майли, мени суймай кўяқолинг, уланмасангиз ҳам майлига, айбим йўқлигига инонсангиз бас, айбсиз деб ўйласангиз у ёқларда юришим ҳам осонроқ бўлади, Назар ака!..

Во ажаб, кейин эслаб ҳеч ишонмади, ишонгиси келмади, замонлар ўтиб, ўксаси қотиб кетганидан кейин, айнаи ўша лаҳзаларни ўйлаб куладиган, ҳаттоки сўкинадиган бўлди, лекин ўшанда — узундан-узоқ йўлак ўртасида, оқ девор ичидан ярми туртиб чиққан қоп-қора голланд печи ёнида, елкасига бош кўйганча ўкраётган хушқад аёлнинг тимқора сочларини силаб, сас чиқармасдан... юм-юм йиғлаган эди!

Олия унга ҳеч маҳал бугунгидай, бемажолу беумид турганидай яхши кўринмаган эди. Уни суйиши тайин эди. Лекин авваллари, нотаниш гўшаларда — Самарқанду Бухоро, Қўқону Фарғона, Хеваю Урганч, эҳ, Олияни у қайларга олиб бормаган эди! — эмин-эркин бирга юрганларида, хусусан, у норғулу бақувват, аёл эса хушқад, хушфеъл, бир-бирларига меҳрибон, бир-бирларига муносиб... халойиқнинг ҳаваасини келтириб, сиртдан саодатманд, лекин ич-ичларидан зил кетиб (ахир, бу намойиш аслида хуфя эмасми?) юрганларида ҳам, олдинроқ, Олия уни менсимасдан, балки менсигану, лекин эгали эканини ўйлаб ўзини олиб қочиб юрганида ҳам, кейинроқ, тақдирга тан бериб, ўзини унга тамом топширганида ҳам... оппоқ чойшабларга ибולי бурканиб ёки оппоқ чойшабларни отиб юбориб, илондек тўлғаниб, юз-кўзларидан ҳассос ўпганларида ҳам... бунчалар суймаган эди! Сездики, аввал суйганлари бекор экан, суйган пайтлари ҳали суйишни билмас экан. Шунда хаёлига ярқ этиб бир жумла келди: у лар бир-бирини кўз ёшига беланиб суйдилар.

Бу жумла савил қолди. Узи ёзмади, шоғирди Чоршанбиев эглаб ёзолмади, ҳатто — ҳолатни айри тушунди чоғи,— лабини жийриб кулдики, йиғлаб туриб ҳам суйиб-эркалаб бўладими, Назар Яхшибоевич, воқеа қайда кечяпти ўзи, кўчадами ёки тўшақда?..

Яхшибоев ғазабланди, лекин воқеанинг суд биносида, гувоҳлар ўтирадиган узундан-узоқ йўлакда кечганини айтолмади. Пайқадикки, бу жумла энди ўзига ҳам кулгили туюла бошлаган экан. Ғазаб ҳам шунчаки, зўракироқ, азбаройи худбинликдан... Ғирт самимий жумла, маҳоратдан холи.

Энг қаро йил эди ўша йил. Бир ёғи хотин билан кенжатоё ўғил касалхонадаю ўзи тўнғичи билан уйда, бир ёғи Олиянинг аҳволи бунақа оғир, яна бир ёғи шуки, Уртақўрғонда ҳам Шариф Валломат деган зўр танқидчи чиқиб (гўринг нурга тўлғур Шарифнинг дастлабки таҳаллуси шунақа эди!) қалам аҳлини қон қақшатмоқда эди. Ғанимларини бирин-кетин яқсон қилиб, бир муддат каловланиб қолди-ю, Алпомишу Гўрўғлига осилиб юрди. Лекин бундан муроди ҳосил бўлмади, кўнгли қурбон тусаб, янги ғанимларга — ҳали тирик юрганларга ўтди.

Яхшибоев тилга тушиб улғурган ёзувчи эди. Энди у қамровни анча кенг оларди; қоқоқ ва саводсиз Туркистон аллақачон илғор ва саводхон Урта Осиёга айланиб, миллий республикалар тузилган, бинобарин, маҳаллий халқлар ҳам ўзларининг мустақил атамаларини олиб, уруғчилигу элатчилик каби зарарли қусурлардан фориғ бўлиб, уруш йилларида бошқа халқлар билан жипслашиб, бир жону бир тан бўлиб, янги даврга қадам ташлаётган пайтлар эди. Гўринг нурга тўлғур Шариф, Яхшибоевнинг ҳикоя ва қиссаларини синчиклаб ўқиган экан, ёмонроқ қаҳрамонлар орасидан битта тожик, битта қирғиз ва битта қозоқни топиб даъво қилдики, Яхшибоев — қардошлик душмани, Яхшибоев — миллилатчи унсур, умуман, Яхшибоевни тийиб қўядиган фурсат келди. Яхшибоевнинг ўзи танқидда жўн арифметикадан ўзга жиддийроқ маъно тополмади. Кичкина луқмача ёзиб раддия билдирдики, қардош халқ вакилларидан бор-йўғи учтаси ёмон экан, лекин яхшиларини ҳам санашни унутмайлик, умуман, модо-

мики гап миллатчилик хусусида экан, ана, ўртоқ Шариф яна бир ҳисоблаб кўрсин, мен ёзган нарсаларда салбий ўзбеклар ҳам топилади.

Ҳафта ўтмай, гўринг нурга тўлгур Шариф навбатдаги мақоласини эълон қилди:

«Ҳа, ўртоқлар, Назар Яхшибоевнинг салбий ўзбеклари ҳам кўп, ҳатто ҳаддан ташқари кўп, лекин барибир уни миллатчилик рўйхатидан ўчириб бўлмайди. Диққат қилсак, Назар Яхшибоевнинг ўзбеклари шунчаки жўн ўзбеклар эмаслигини кўрамиз. Уларнинг бири Ўшда, яъники қирғизлар диёрида туғилган, яна бири Чоржўйда, яъники туркманлар диёрида туғилган, бошқаси Хўжандда, яъники Ленинободда, биродарларимиз бўлмиш тожиклар диёрида туғилган, боз бир қаҳрамони борки, буниси Чимкентда, яъники қозоқлар диёрида туғилган. Хўш, нега бу салбий қаҳрамонлар яккаш қардош халқлар диёрида туғилади? Хўш, қозоқ ёки қирғиз, туркман ёки тожик биродарларимизнинг диёрлари шунчаки сиёсий кўрликми, унда туғилган ўзбеклар сидирғасига салбий бўлса? Ўртоқ Яхшибоев нимага шаъма қияпти? Муҳит ёмонлигигами? Бу кишини «ўртоқ» дейишимиз ножоиз асли, лекин — майли, ҳозирча озодликда юрган экан, айти атамани ундан аямайлик ва яна бир бор суриштирайлик: сиз ким билан биргасиз, ўртоқ Яхшибоев? оғани халқларни бир-бирига қарши қўйишдан мақсадингиз нима? қилаётган ишингиз шунчаки сиёсий кўрликми ёки онгли тарздаги сиёсий бузғунчиликми? сизнинг устозларингиз ким, ғайри унсурлардан эмасми? халқларни ўзаро гиж-гижлашни сизга ким ўргатди? сиз кимга хизмат қиялсиз ва бу хизматингиз эвазига нима оляпсиз — дўлларми ёки фунт стерлинг?..»

Гўринг нурга тўлгур Шариф чатоғ эди, нуқул белдан пастидан оларди. Яхшибоевни ҳам бирор йилча обориб-опкелиб турди. Ургилай бир замон экан, хайрият, омон қолди. Омон қолиб ўйладик, йўқ, энди ўлмайман, камида мингга кираман.

Олия — қамоқда, ўзининг аҳволи — бу қадар, Ошно ҳам қайгадир писиб кетган, писмаган-у, лекин баттар юксалган, юксалгани баробар узоқлашган. Ўша кунларда Муҳсина жонига оро кирди. Қўлида касал боласи билан бир йил тугал уйда ўтирди, тикиш-бичишга уста экан, буюртмалар олди, эрнинг сармоясига тугаб, бирор сатри ҳам босилмай турган пайларда оилани ўзи тебратди.

Олия ҳибсга олинганидан сўнг бир ярим йил ўтиб, айти баҳор фаслида, биғиллаб-биғиллаб кичкина чақалоқ туғилдики, унга Сокина дея исм қўйдилар. Исмида озгина ирими ҳам бор эди: бир ёғи — йиғлоқи бўлмасин деган ният, бошқа тарафи — падарлаънати Шариф Валломат сал тинчирмикан, деган бир илинж.

Бу орада Ошно Ўртақўрғондан кўчиб кетадиган бўлди. Ўртақўрғон унга торлик қилиб қолган, кенгроқ фаолият кўрсатсин, деб, марказга таклиф этилган эди.

Сокинанинг қирқи чиққан кун (билганини қаранг!) Муяссар хоним билан қўлтиқлашиб кириб келдилар. Ортларидан шофёрлари каттакон тоғора кўтариб кирди. Муяссар хоним Муҳсинани қучоқлаб ўпди. Муҳсина бу хил иззатни кутмаган эканми, уввос тортиб йиғлаб юборди.

Эҳ, қанчалар ночор эканини ўшанда сездди Яхшибоев!

Ошно унга қўл берди, сўнг елкасидан секин қўчди. Аёллар тарафга ишора қилиб, мулойим жилмайди. Айтмоқчи бўлдики, парво қилма, буларники ҳисобмас, асли буларнинг лойи кўзёши билан қорилган. Хотини ўкраб йиғлаётганини, Муяссар хоним уни сал жеркиброқ юпатаётганини эшитиб, Яхшибоевнинг баттар хўрлиги келди. Шариф Валломатнинг «шарофати» билан ишдан кетиб, тиш қавагига бекитганини ҳам еб-йитириб, ҳаттоки бир-иккита гиламларини ҳам сотиб, шип-шийдам уйда, хотинию учта боласи билан ғариб бўлиб ўтирганини биларди, лекин ўз аҳволини бировнинг кўзи билан кўрмаган эди, бугун кўрди, кўрганда ҳам Ошнанинг кўзи билан кўрди, алами кўзғади, бир хаёли Ошнони сўкиб ҳайдамоқчи ҳам бўлди («Нега келдинг? томошагима? аҳводимни билардинг, нега олдинроқ сўрамадинг?»), лекин журъати етмади, аксинча, ялтоқланиб сўзладик, ивирсиқ учун узр, ўртоқ Фалончиев, бошқа бир ҳовли топувдик, юкларни ўша ёққа элтиб қўйиб, бу ёғи сал омонат ўтирибмиз.

— Бекор қипсиз, ўртоқ Яхшибоев,— деди Ошно.— Ўзингизга жабр қипсиз. Биз Тошкентга кетадиган бўлиб қолдик, бизнинг ҳовлига кўчиб ўтсангиз дуруст эмасми?

— Қурбимиз етармикан?..

— Қурбга бало борми!— деб кулди Ошно.— Соддалигингиз қолмабди. Ҳукумат қурган уй, арзимас ижара ҳақини тўлаб турсангиз бас.

Яхшибоев бунақа марҳаматни кутмаган эди, тагин кўнгли бузилди. Ошно унинг аҳволини тушунди чоғи, ҳовли ҳақидаги гапларни тугатиб, бошқа мавзуларга ўтди. Янги лавозимдан чўчиёпман, ўртоқ Яхшибоев, деди, афсуски, энди рад қилмоқчинг ҳеч иложи йўқ. Ишқилиб, бундан бу ёғи бизни унутиб юборманг, марказга борганларда мундоқ кириб туринг, ҳарна, туғишган бўлмасак ҳам, тепишиб ўсган биродарларимиз, оилаларимиз ҳам яқин, ажабмаски, келажакда куда-анда бўлиб кетсак.

Муяссар хоним Муҳсина хонимни суяди, деди Ошно, усиз марказда зерикиши турган гап, энди, сиз ўзингиз, тушунган эр сифатида, дугоналарнинг фироғини енгиллатиш чораларини ҳам ўйлаб кўрарсиз, ўртоқ Яхшибоев?.. Яхшибоев бошини эгиб айтдики, хўп, ўртоқ Фалончиев, сиз нима десангиз — шу. Ошнога унинг камтарлиги маъқул тушди. Яна бир-икки маслаҳатини атай таъкидлаб айтди:

— Муҳсина хоним — ноёб талант. Унинг қадрига етинг. Сизга топшириқ шу, ўртоқ Яхшибоев.

— Ҳўп.

— Узингиз ҳам ижодни ташлаб қўйманг, сиздан ҳам умидимиз катта. Муҳсина хонимдек аёлнинг йўлдоши ҳам талантли бўлиши фарз. Уқдингизми, дўстим?

— Уқдим.

— Янги ҳовлига бир ҳафта ичида кўчиб ўтасиз. Тегишли ўртоқларга кўрсатма берилган, транспортни ўзлари ташкил қилишади. Бу ҳовлини сотиб, пулини рўзгорга ишлатинг.

— Ҳўп.

— Бу ёғи Шариф ака билан қалинроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

— Ҳўп.

Яхшибоев рози бўлди-ю, хато қилганини пайқади. Ахир, Шариф Валломат билан қанақасига қалин бўлиши мумкин, бошга мағзава тўкиб турганда-я?!

— Менинг кўзим ўнг, — деди Ошнага қарамай, — лекин у ўзи ёмон одам.

— Ёмон бўлса — ўзига, — деди Ошно. — Сиз билан ярашмоқчи бўлиб юрибди. Келса, ноз қилиб ўтирманг. Душман биттага бўлсаям озайгани яхши.

— Ҳўп.

— Муҳсина хонимни эҳтиёт қилинг. Янги ҳовлининг шарт-шароити анча тузук. Болаларга ҳам қулай. Гаражи бор, боғи бор. Ҳўш, Муҳсина хоним энди саҳнага қайтаверса ҳам бўлади. Зудлик билан бирорта хизматчи ёлланг.

— Ҳўп.

Ошнонинг т а ъ к и д л а р и кўп эди. Яхшибоев гап қотмади ҳисоб, нуқул маъқуллаб ўтирди. Рости, хурсанд эди. Айниқса — Шариф Валломатнинг ярашмоқчи эканидан. Ҳадеб бош ирғайверса эришроқ туюлишини ўйлаб, ўзи ҳам секин гап қўшди:

— Умуман, Шариф ака ғалатиноқ шахс.

— Шахс эмас, шунчаки бир тўтиқуш, — деди Ошно кулимсираб, — Тўтиқуш-у, жаллодликка ҳам хуши бор. Бу гапни ўзига айта кўрманг. Жаллод дегани бировнинг амрини бажаради, хўш, мен кимнинг амрини бажаряпман, ҳукмдоримни топиб берасан, деб жанжал қилиши мумкин.

— Ҳавфли экан, — деди Яхшибоев эти жунжикиброқ.

— Парво қилманг, ўртоқ Яхшибоев, — деб юпатди Ошно. — Шариф акага айтилди, энди сизни тинч қўяди.

Яхшибоев ўйлаиб қолди: хўш, нега э н д и тинч қўяди? Нега унга э н д и айтилди? Ёинки а в в а л сал бошқачароқ айтилган эдимми?

Гумонини ташига чиқаролмади. Чўчиди. Аҳволини чамаи-чўт қилди. Ҳозирча чўнтагида ҳемири ҳам йўқ, бир амаллаб ҳовлини сотса, Ошнонинг ҳовлисига ўтса, шароити зўр, болаларга қулай, бу ёғи хизматчи ҳам ёллайди... Иддаога бало борми! Талантни асрамоқ керак. Шундай т о п ш и р и қ бўлди. Ошно кулиброқ айтса-да, бариси — жиддий. Энди унинг жилмайишларига ишониб бўлмайди. Эҳтимолки, энди у йўғлаганда ҳам жилмайиброқ йўғласа керак...

— Дугонажоним сизни еру, кўкка ишонмайди, — дея гапга суқилди Муяссар хоним. — Шунчалар суядики, бошқа одам бунақанги бахтдан ёрилиб ўларди!

Муяссар хонимга топган ташбеҳи ёқди. Қиқирлаб кулди. Ошно хотинига жилмайиб қаради. Кўпроқ жилмайди чоғи, аёлнинг туси ўзгарди, хижолат чекди:

— Илоё, омон бўлинг, — деб ғўлдиради.

— Раҳмат, Муяссархон, — деди Яхшибоев аёлни хижолатдан қутқариш учун. — Фақат мен гумроҳлик қилиб... Муҳсинахоннинг қадрига етмаяпман шекилли.

— Шундай ўйда эканингиз тузук, дўстим, — деди Ошно рағбат билдириб. — Баъзида мен ўзим ҳам, Муяссар хонимнинг қадрига кўпда етмаяпманми, деб ўйлаб қоламан. Биласиз, иш кўп, нуқул ташвиш...

— Ёлғон айтяптилар, — дея тантиқланди Муяссар хоним. — Бу киши оила учун доимо вақт топадилар.

— Ҳар ҳолда, ўртоқ Яхшибоевнинг вақти меникидан кўпроқ бўлмоғи керак, — деди Ошно. — Ёки нотўғри гапирдимми?

— Тўғри, ўртоқ Фалончиев, — деди Яхшибоев. — Ҳаракат қиламиз, ўртоқ Фалончиев.

Шундай деб, зўрма-зўраки ҳиринглади. Алами келди. Уйладики, бу гапларнинг ўришу арқоғи алақачон тахт қилиб қўйилган, энди булар пухтароқ қилиб наमत тўқишяпти, холос. Кейин ерга ташлаб, оёқ артишади.

Ўзларининг измларини бировнинг бўйнига тақдир қилиб ортишяпти, деб ўйлади, тақдир эмас, бориб турган бўйинтуруқ, энди у Олияга асло эш бўлолмади. Бу тақдирда Ошнога ўрин бор, Муяссар хонимга ўрин бор, уларнинг қадрдонлари бўлмиш Муҳсина хонимга майдон анча кенг, ажабмаски, бу тақдир бор-йўғи Муҳсина хонимнинг тинч ва осойиш яшамоғи учунгина ўйлаб топилган бўлса... Токи унинг кўнгли бут

бўлсин, умр дафтарига доғ тушмасин, мен эсам... мен ким бўпман, шунчаки бир илова, холос!

— Кўрган куним қурсин, ўртоқ Яхшибоев,— деб зорланди Ошно.— Бир қарашда, фаолият деганлари жуда зўр нарсадай туюлади. Лекин унинг кўлами қанчалик кенгайса, одамзод сирдошга шунчалик зор бўлар экан. Сиз — менинг сирдошимсиз, дўстим, фақат сизга дардимни бемалол айтишим мумкин.

Яхшибоев унинг сўзларини таҳдид деб тушунди, шу боис, таскин бермоққа ошиқди:

— Тўғри айтасиз, ўртоқ Фалончиев. Мен тилига пишиқ одамман.

— Балли, ўртоқ Яхшибоев! Фақат биргина илтимос: гапларимни тазйиқ деб ўйламасангиз.

Яхшибоев индамай қўяқолди. Боя ўйлаганлари ҳолва экан. Таҳдид эмас бу, бориб турган тазйиқ. Ошно зукко одам, сўзчи чертиб танлайди. Закийлигини ўзи ҳам сезмас керак. Ҳасадинг келади унга.

Мухсина хоним гапга қўшилмади. Хоксоргина бўлиб ўтирди. Савол сўрашганда ҳам жавоб бермайди, эрига мўлтираб қарайди — изн сўрайди.

Яхшибоев ачинди унга. Қийин, деб ўйлади, нияти ёмонмас бунинг, неки қилса мени ўйлаб қиляпти, мени қизғанганидан, азбаройи суйганидан... агар суймаса, унда болалар туфайли, м е н и н г болаларим туфайли.

Иззат шунчалик бўлар?!!

Кўнгли муздай эди. Сездики, энди ҳеч қачон илимайди.

Меҳмонларга «олинг-олинг» қилиб ўтирди, сабаблию бесабаб илжаверди. Узи-ча, такаббуруна куляпман, деб ўйлади, лекин илжайиши мулозамат ўрнига ўтаётганини кўриб англадики, кибри буткул йўқолибди, доводирлиги, дали-ғули экани, думбулликлари... бариси беиз йўқолибди, уларнинг ўрнида — шунчаки бир табассум, шунчаки бир ялтоқланиш; ожизликки, бу энди ҳеч кимни ажаблантирмайди, айниқса — Ошно билан Муяссар хонимни.

Нархи бир пул бўлганини ҳам шунда пайқади. Ўзини қимматроқ сотишга чоғланди, токи кейин садақа сўралганда худди шу қимматроқ нарх буларнинг ёдида турсин. Жилла қурса, бай пулини очик-ойдин айтиб олиш керак. Елғиз экани писандмас, майлига, булар уч киши бўлса — отасининг гўрига! Яхшибоев ҳам елғиз эмас, у айни лаҳзада ҳам мол, ҳам молфуруш ва ҳам даллол эмасми? Ҳар ҳолда, харидор дегани олаётган молнинг феълини тузук-қуруқ билиб олгани маъқул, токи унинг қисирбўғозлиги ҳам, сузонғичлигию тепонғичлиги ҳам ниҳон қолмасин.

— Оқсоқол,— деди Ошнога боягидай ялтоқланиб қараб,— Ўртақўрғон ҳовузини қурган пайтларимиз эсингиздан ҳам чиқиб кетгандир?

— Нега?..— деди Ошно. Сергакланди чоғи, чап қоши хиёл кўтарилди.— Буюк қурилиш... замона шарофати... нега эсдан чиқаркан, ўртоқ Яхшибоев? Сиз ўйлаб гапиряписизми?

— Полвон йигитлар кўп эди.

— Ўзингизга ўхшаган,— Ошно кутилмаганда лутфга ўтди.— Кўрсатган ғайратларингиз ҳам эсимизда, ўртоқ Яхшибоев.

— Полвон аёлларимиз ҳам кўп эди,— деди Яхшибоев.— Эсингиздами, оқсоқол, Мўминшоева деган инженер аёл бўларди!..

Ошно бирдан жиддийлашди. Яхшибоев сездики, нақ мўлжалга урибди.

— Умунан эсимда бордай...— деб чайналди Ошно.

— Ўша қамалибди.

— Йўф-э!

Яхшибоев фурсатни бой бермай, аёлларга қаради — иккисининг ҳам лаблари гезарган, қуйи жағлари осилай-осилай деб турибди.

— Ҳай аттанг!— дежи Ошно.— Айби йирик эканми?

— Билсам сиздан сўрармидим,— дея қўрслик қилди Яхшибоев, қолган-қутган журъатини йиғиб.— Шу, оқсоқол, ўша аёлга кўнглим суст кетгандай ҳам бўлувди. Ўзингиз таништириб қўйгансиз, эсдан чиқдимми?

— Сизмаган эканман, Назарбой жўра,— деди Ошно, сўнг хотинига кулиб қаради:— Эшитяписизми, Муяссархон, қадрдонимизнинг суюлганини?

Муяссар хоним хандон отиб кулди — қадрдонларининг суюлганига мутлақо ва қатъиян ишонмаслигини билдирди. Мухсина хоним ҳам дугонасига кўшилиб кулди:

— Вой, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!..

— Аёл ноҳақ ётибди, деган гумоним бор,— деди Яхшибоев.— Унга бирор ёрдам беролмайсизми, оқсоқол.

— Гумонингизни текшириб кўрамиз,— деди Ошно жиддийлашиб.— Айби йўқ бўлса... Чиқиб кетади.

— Барака топинг, оқсоқол.

— Бечора аёл!..— дея бемаврид хитоб қилди Мухсина хоним.— Ундаям бола-чақа бордир?

— Хотирингиз жам бўлсин, боласи йўқ,— деди Яхшибоев унга тик қараб.— Бола қилиб улгурмаган. Оилали бир эркакка дуч келган экан.

Муҳсина хоним бақрайиб қолди. Чамаси, эридан бундайн сурбетликни кутмаган эди. Вазият анча жиддийлашди. Ошнонинг қовоғи солинди:

— Назарбой,— деди таҳдид билан,— тагин ўша эркак ўзингиз эмасмисиз?

— Мен ўзимман, оқсоқол,— деди Яхшибоев.

— Вой, ўйлаб гапиряписизми!..— деб қиқирларди Муяссар хоним.— Шу ҳазилингиз учун дугонам сизни ташлаб кетади-я!

— Кетмайди,— деди Яхшибоев.— Кетса, аввалроқ кетган бўларди. Тўғрими, Муҳсина?

Муҳсина хоним индамай бош ирғади. Ўзини содда-баёвликка солди — гўё бу гапларнинг унга дахли йўқ, шунчаки пайров, қўйди-чиқди пайрови, бехатару беэиён, негаки, айбдор айбини юз фойиз бўйнига оляпти, хўрозланиши бекор бунинг, ахир, ким ҳам осонликча жон бергиси келарди!..

— Уртоқлар,— деди Ошно томоқ қириб,— ўртоқлар, бўлди энди, ўзимизга дохил гапларга қайтайлик, бегоналарни гапириб нима қилдик?

— Майли,— деди Яхшибоев.— Лекин, оқсоқол, ўша аёл ҳам сизга бегона эмас, чунки сиз — юрт оғаси, у — сизга сингил. Тўғрими?

— Маъқул,— деди Ошно чиройи очилиб. Йиди, ийгани баробар, недир марҳамат қилгиси келди:— Гап бундай, ўртоқ Яхшибоев, биз бу масалани жиддий қараб чиқамиз. Сиз эса, кўнгилни тўқ тутиб, ижодни гуллатаверинг.

— Шартми шу?— деб суради Яхшибоев.

— Албатта-да,— деб кулди Ошно.— Яна бир шарти шуки, янаги ҳафтадаёқ биз турган ҳовлига кўчиб ўтасиз. Яна бир шартки, Муҳсина хоним тезроқ саҳнага қайтсинлар. Кейин...

— Бу шартларни аввалроқ ҳам айтувдингиз, оқсоқол.

— Гапни бўлманг, Назарбой,— деб жеркиди Ошно.— Бу галгиси анча жиддийроқ. Ўзингиз ҳам тузукроқ иш топинг. Қалам ҳақиға оила тебратиш қийин.

— Бир-икки жойга ариза берувдим, ишга олишмади.

— Сиз яна ариза ёзинг,— деди Ошно.— Ўйлайманки, бу гал илтимосингиз ерда қолмайди.

— Майли, оқсоқол, фақат менинг шартим ҳам эсдан чиқмасин.

— Бу ёғини бизга қўйиб беринг,— деди Ошно, сўнг хотинларга юзланди:— Бу кишининг шарти — ўша аристон аёл. Дўстимга нима бўлган, а? Жуфти ҳалолининг ёнида тап тортмай қандайдир бегона хотинни гапиради-я! Уни озод этишга ёллашсам, тагин ўшанга уйланиб кетмайдими бу? Хўш, ким кафиллик беради?

Муяссар хоним билан Муҳсина хоним бирдан сергак тортдилар. Яхшибоев ҳал этгуви фурсат етганини англади.

— Мен кафиллик бераман,— деди. Шундай дедию аёлларнинг юзлари ёришиб кетганини кўрди.

— Вой, намунча ваҳима!— деб ҳазиллашди Муяссар хоним.— Кафолатга бало борми! Дўстингиз ёруғ дунёда ёлғиз бир аёлни — менинг дугонам Муҳсинахонни яхши кўради. Тўғрими, Назар ака?

— Сиз доимо тўғри гапирасиз, Муяссархон.

Яхшибоев ортиқ савдолашиб ўтирмади, жавобни қисқа қилди. Сўнг эр-хотин меҳмонларнинг бир-бирларига қараб, маънодор жилмайганларини пайқади. Буларнинг вазифаси битди, деб ўйлади, шунга келишган эди, энди секин жилаверишса ҳам бўлади.

Янглишмаган экан — меҳмонлар тезда чиқиб кетишди. Уларни кўчагача узатиб қайтди. Қайтса, Муҳсина хоним стол тўрида маъёус ўтирган экан. Қўйиб берилса, тавба қиладиган чоғи бор. Хайриятки, Яхшибоев олдинроқ гап қотди:

— Овқатга уннанг, хоним. Ҳали-замон ялоқхўрлар кеп қолиши мумкин.

— Уят бўлди, дўстингизни тузукроқ меҳмон қилолмадик,— деди Муҳсина хоним.— Сухбатга аралашмоқни менга ким кўювди...

— Энди хизматчи ёллаймиз,— деб ўпатди Яхшибоев.— Овқатни ўша қилади, сиз сухбатдан четда қолмайдиган бўласиз.

— Назар ака, уларни атай қақирганим йўқ,— деди Муҳсина хоним овози сал қалтираб.

— Қизиқ гапирасиз, хоним,— деб илжайди Яхшибоев.— Дўст бўлгандан кейин келади-да. Меҳмонликка айтиб тўғри қилибсиз. Боз устига, улар бошқа ёққа кўчиб кетишлари керак, яна қачон кўришамиз...

— Энди қийналиб қолмаймизми, ишқилиб?

— Йўқ, хоним, қийналмаймиз. Ошномизнинг дасти баттар узун бўлади энди.

— Сизни яхши кўрарканлар, дугонам айтди.

— Энди мени ҳамма яхши кўраверади, хоним.

— Ёмонми?..

— «Ёмон» деб ким айтди? Яхши, хоним, яхши бўлганда қандай!.. Тузукроқ овқат

қилиб, кейин қўшниларикига чиқиб туринг. Ким келганини кўрмаганингиз маъқулроқ.

Афсуски, Муҳсина хоним ўша кеч келган меҳмонларнинг барчасини кўрди, ҳаттоки уларга чой қуйиб ўтирди. Яхшибоев англадики, унга ҳам алоҳида т о п ш и р и қ бўлибди. Ичида, баттар бўл, деб ўйлади, майли, ҳаммасини кўр, ҳамма гапни эшит, зора ўзининг ҳам худди мен каби қўғирчоқ эканингни пайқасанг...

Кечки меҳмонларнинг аввали — гўринг нурга тўлгур Шариф Валломат эди. Келиб, бўккунича еб-ичиб, Жулқунбой, Чўлпон, Фитрат ва бошқа «унсурлар»ни роса сўкиб, охири Яхшибоевнинг ҳали чоп этилмаган қўлёзмаларини олиб кетди. Сўнг, ярим йилча ўтиб, ўша қўлёзмалар чоп этилганида, изидан икки-уч тақриз чиқарди. Тақризларида Яхшибоев тамом оқланган эди. Ушандан бошлаб, то Шариф Валломатнинг қазосига қадар, улар иккови жуда иноқ яшадилар — гўринг нурга тўлгур Шариф, дўсти Яхшибоевнинг ғанимларига мисоли қутурган кўппакдай ташланиб юрди.

Яна бир меҳмон — Уртақўрғон шаҳрининг энг атанган адвокати эди. Келиб, егулигу ичкиликдан озгина тотиниб, маҳбуса Олия Мўминшоевнинг номидан ариза битганини айтди; айб Олияда эмас, тўғонни ночорроқ қилиб лойиҳалаштирган олимларда, қолаверса, аёлни судда ҳимоя этолмаган нодон оқловчида экан.

Учинчи меҳмон — адвокатга қўшилиб келган ирригатор олим эди. У емай-ичмай, камтарину камсўқум бўлиб ўтирди. Адвокат уни таърифлаб айтдики, бу киши мавзедаги барча ҳавзаларни беш бармоғидай билади, кимсан зукко пахтакор олим Александр Шоймардоновичнинг суюнган шогирди, ҳозир бу киши ҳам устози қаторида Тошкентга таклиф этилган, агар зарурат бўлса, устози иккови қайси воҳада қанча ёмғир ёғишини ҳаттоки литрига қадар ҳисоблаб беради, шу жиҳатдан, ҳибсдаги Олия Мўминшоевага катта ёрдами тегиши мумкин. Ростдан ҳам, унинг ёрдами тегди: аёл ярим йил деганда оқланиб чиқди.

Меҳмонлар Олия ҳақида гапираркан, Муҳсина хонимнинг юзи қилт этмади — Яхшибоев ҳайратга тушди. Ғазабланди. Меҳмонлар эшитмайдиган қилиб, секин қулоғига гапирди:

— Оромингиз сал қимматга тушмадими, хоним?..

— Йўқ, — деди Муҳсина хоним баралла овозда. — Сизга қимматга тушган бўлса эҳтимол.

Ўх сен, ғари маккор, деб ўйлади, илон экансан, сени қўйнимга солган мен ўзим аҳмоқ!.. Уролмади, суқолмади, қайтага, дами ичига тушиб, ғамгин тортиди. Ҳоли аянчлигини ўйлаб, бирдан йиғлагиси келди. Бўғзига қадалган тугунни бир зўр билан ичга ютди-да, жўнроқ ўйлай бошлади. Энди кўнгил ўнганмайди, деб ўйлади, бир умр ёмон кўриб ўтаман, во дариғки, «қалб» дегани билан «қаллоб» деганларининг илдизи бирлиги рост экан!..

Тўртинчи меҳмон — ижроком вакили — ҳаммадан кейин келди. Унинг келишини Яхшибоев кутмаган эди. Вакил Яхшибоевга тузукроқ эътибор бермай, Муҳсина хонимнинг ўзидан, қайси кун кўчсангиз қулайроқ, опажон, деб сўради. Муҳсина хонимнинг, гарчи анчадан бери ишга чиқмаган эрса-да, саҳна машқи эсида қолган экан — кўзларини ерга қадаб, кўчиш муддатини рўзғор эгаси билади, дея жавоб қилди. Яхшибоев, ноилож, хаёлига келган бир кунни атади.

Кўчишга ўзи аралашмади. Негаки, у яна бир бор ариза ёзган, бу гал аризаси инобатга ўтиб, тузуккина лавозимда — ўттиз нафар ходим, котиба ва ҳатто иккита муовин билан иш бошлаган эди.

Кейинчалик, ўзи ҳам Уртақўрғондан Тошкентга кўчиб, янги жойда эришган каттароқ лавозимларидан ҳам воз кечиб, биргина нуфузнинг кучи билан яйраб яшаётган кезлари, тожик оғайниларининг таклифини қабул этиб, қўшни дийёрга сафар қилганида Олиянинг дарагини эшитди. Олия қамоқдан қутулиб ота юртига қайтган, шу ерда бир помири тожикка тегиб, учта боласи билан ҳур ва фаровон кун кечираётган экан. Бориб бир кўрай деди-ю, ботинмади. Ёнида Муҳсина хоним бор эди, боз устига, гумонали эди — ярасини тирнашни истамади.

Тўртинчи фарзанд туғилмагани — бутунлай бошқа масала. Ҳомилани олдириб ташлагани учун юрак бетлаб бир шапалоқ урганида Муҳсина хоним дугонаси Муяссар хонимга қўнғироқ қилгани, Муяссар хоним эри Ошнога арзу дод айлагани, Ошно эса дўсти Яхшибоевга қўнғироқ қилиб койигани, бирор йилча юксак меҳрини дариг тутгани... ким билсин, яна неча муддат Муҳсина хонимга мутероқ бўлиб яшагани ҳамон ёдида турибди, ҳамон аламини кўзгайди. Токи Муҳсина хонимнинг сонсиз-саноқсиз хархашалари Муяссар хонимнинг ҳам, Ошнонинг ҳам меъдаларига тегиб, ахийри яна бир бор юқоридан қўнғироқ бўлиб, «ўртоқ Яхшибоев, бу инжиқ хотинни сал тийиб олинг-э!» деган руҳсат бўлгунча, эҳ-хе, яна қанча қовун пишиғи ўтади!.

Эрталаб, нонуштадан қайтиб келиб, одати бўйича йўлакдаги дераза рафига суяниб ҳовлини томоша қилаётган пайти эди. Кўрса, «элчи» қурмағур касалхона дарвозасидан чиқиб кетяпти. Эни ўшаники, йўқ, адашмади, ўшанинг ўзи, неча кундирким кўравериб шаклу шамойили ёд бўлиб кетган.

Палатага кириб амин бўлдики, «элчи» бу гал анча шошибди, келтирган пакетларини холодильникка жойлаштиришга ҳам улгурмай, барисини стол устида қолдирибди.

Навбатчи ҳамширани чақириб уришди.

— Касалхонами бу, ёинки карвонсарой? — деб сўроқлади. — Илинган қаланғи қасанғи кириб келаверса-я!

Ҳамшира индамай турди. Навбатчи врач келди, кейин бўлим мудирини, бошқалар... Ҳаммасининг йузида хижолат, ҳаммаси сукутда.

— Миллион сўм пулимни ўғирлади, деб даъво қилсам-чи? — деди Яхшибоев бош врач муовини Раҳматов ҳам етиб келганида.

— Бизда ҳеч ўғирлик бўлмаган, Назар Яхшибоевич... — ботинмайгина эътироз билдирди навбатчи ҳамшира.

— Жим бўлинг, қизгина! — деб жеркиди уни Раҳматов. — Домла кўчма маънода гапиряптилар. Қандайдир бетайин кимсалар домланинг вақтларини ўғирлашяпти. Домла учун вақт дегани миллион сўмдан ҳам қиммат, шуни тушунаясизми?

Навбатчи ҳамшира баттар мулзам тортди. Яхшибоев йиғин аҳлига қараб илжайишга уринди:

— Узр, инжиқлик туюлиши мумкин, лекин айтмасам бўлмасди, ўртоқлар.

— Э, айтиб тўғри қиласиз!.. — деди Раҳматов.

— Балли, Раҳматов болам! — деди Яхшибоев муросага келиб. — Қизимизга жазо бериб юрманглар, ҳали ёш экан.

— Жазо бериш керак, токи эсидан чиқмасин!

— Шусиз ҳам эсидан чиқмайди. Билингки, мен уни васийлигимга олдим. Токи кетгунимча. Кетганимдан кейин ҳам. Уқдингми, Раҳматов болам?

Раҳматов бош эгиб, уққанини билдирди.

— Энди санитар хотинларга айтинглар, менинг палатамдаги лаш-лушларни йиғиштириб олишсин.

— Кетяпсизми, домлажон? — деб сўради Раҳматов ташвишга тушиб.

— Кетмайман, — деди Яхшибоев. — Анави халта-палталарни, ичидаги лаш-лушларни билан... Хушомадга опкелган. Порага. Уқдингми, болам?

Яхшибоев йиғилганларни тонг қолдириб, виқор билан нари кетди. Ул-а, деб ўйлади, касалхонами нақ саҳнага айлантириб юбординг-ку! Лекин зўр бўлди, айниқса — бошла-ниши! Хотимаси ундан ҳам зўр! Энди Яхшибоев бу ердан тузалиб чиқиб кетади-ю, то яна тумовга учраб қайтиб келгунимча афсона кезиб юради: оқсоқол принципли одам, оқсоқол порани ёмон кўрадилар, оқсоқол бир гал сезиб қолиб шундай тўполон қилганлар!!!

Ҳамшира қизгинани ҳимоя этгани-чи?

Яхши, деди ўзича, Мухсина хонимдан унча-мунча юққани рост экан.

Йўлакнинг нариги учига бориб қайтганида йиғин тарқаб улгурган эди. Биргина навбатчи ҳамшира стол ёнида ўтирибди. Юзлари қизарган, ботиниб қараёлмайди.

— Қизим, — деди Яхшибоев секин. — Чироғингиз ёниқ қолибди...

— Раҳмат, — деди қизгина шошиб. — Раҳмат...

Шошиб чироқни ўчирди. Уйқу қўнган киприкларини пирпиратиб илжайди. Яхшибоев ҳам илжайди. Оталарча, меҳри жўшиб. Қараса, қизгинага раҳми келиб кўзларидан ёш оқизадиган...

Қарияпмиз, деб ўйлади, болафеъл бўлиб қоляпмиз, сал нарсага кўнгил бузилаверади энди...

Узининг палатасига кирмади; эшик очиқ экан, ҳали фаррош кампирлар «элчи»нинг изларини йўқотиб улгурмаган. Ёндаги эшикни тақиллатди. Ичкаридан овоз бўлди. Кирди. Қўшниси, хумқалла олим, дераза олдида ўтириб соқол қиртишлаётган экан. Елка оша қарадию шошиб ўрнидан турди, каравотдан сочиқ олиб, совун сурқалган юзини артди:

— Келинг, домлажон!..

— Ўртоқ Остонов кетдиларми?

— Кетдилар, — деди Хумқалла. Овозида недир ғайирлик зухур бўлди.

— Хосиятли палата экан палатангиз, болам, — деди Яхшибоев. — Ўртоқ Остонов кўтарилиб кетган эмишми?

— Кўтарилмай баттар бўлсин, — деб тўнғиллади Хумқалла.

Ёқмабди, деб ўйлади Яхшибоев, халқ тўғри айтган ўзи, дўстни душман қилмоқ эрсанг — бирига амал бер, деб!.. Нима қилдик энди, ажралиб кетишинми? Ё буниям дўстининг ёнига кўтариб юборамизми?

— Болам, — деб гап бошлади, — тузалиб қолдингизми?.. Отингиз хаёлимдан кўтарилибди, Эркинов эди шекилли? Вадим Анваровичми?..

— Эркинов, — деди Хумкалла. — Эркинов, домлажон. Отим Шамси, Шамси Қамарович.

— Зўр экан-у, ҳалигача билмаганимни! — деб ажабланди Яхшибоев. — Қарилик-да, Эркинов болам. Энди эсдан чиқмайди. Шамси Қамарович! Ҳам шамс, ҳам қамар! Қандай замонавий бирикма! Менга яна бир бирикма жуда ёқади: Александр Шоймардонович! Узи ёқмайди, жипириқ бир чол, лекин исми ёқади. Александр Шоймардонович! Танийсизми уни?

— Э, у кишини танимайдиган одам борми! Гениал ғўзашунос-да!

— Гениал эмасдир-у, лекин ақлли одам. Бир-иккита долзарб мавзу бор, шуни ёзмайсизми, болам? Сиздек бақувват ижодкорга мендек бир қари тулки маслаҳатчи бўлмаса қийин, нима дедингиз?

— Бош устига, домлажон! Мен бир чой кўйиб юборсам...

— Шартмас, жоним укам. Сиз баҳузур соқолни олаберинг. Мен бир ҳол сўраб қўяй дедим-да... Дарвоқе, нега бу ерда ўтирибсиз? Ваннада сув йўқми?

— Қоронғи у ер, Назар Яхшибоевич. Лампочка кўйиб қолибди.

— Нима бало, ўртоқ Остонов кетатуриб суғуриб олиб кетдимикан? — деб талмов-сиради Яхшибоев.

— Йўғ-е, синган бўлса ахлатга чиқариб ташлагандир-да.

— Алдаяпсиз. У киши опкетиши мумкин, менимча, жудаям мумкин.

— Вообшимо мумкин, — деб илжайди Эркинов. — Рости, шу гап менинг ҳам хаёлимга келувди, домлажон.

— Аммо-лекин, назари пастроқ экан дўстингизнинг, — деб кулди Яхшибоевич. — Лампочка магазинда тикилиб ётибди, олганга яраша анави... артадиган қоғозни ўрами билан кўтариб кетмайдими, ҳарна, тахчил матоҳ-да...

Иккови бир зум кўз қадашиб турдилар. Ахийри, Эркинов чидолмади, пиқиллаб кулиб юборди:

— Авлиёсиз, домлажон!

— Маҳобатдир-э, Шамси Қамарович? — деб ўсмоқчилади Яхшибоев.

— Рост, домлажон, опкетгани рост, қоғознинг ярмини опкетибди...

— Маломатингиз ошиброқ кетди, ука, ахир, бор-йўғи ярмини олибди-ку, — деди Яхшибоев ёлғондакам қовоқ уйиб. — Инсофли экан.

Ортиқ гап кавлаб ўтирмади. Менам жуда паст кетяпман, деб ўйлади, эрмагим Остонакулга ўхшаган ипириқси майдакашлар бўп қолди. Манави, Эркинов, Шамси, боз устига — Қамарнинг боласи, буям ундан беҳроқ эмас. Палахмоннинг тоши булар, кимнинг сопқонига тушса, ўшанинг ғанимига бориб тегади. Илоё тегмасдан кетсин, бунақа тошларни вақтида тоқчага териб қўйган маъқул, олиб отишга қулай.

Палата эшиги секин чертилди. Рухсат бўлгач, ичкарига оқсоч профессор бош суқди:

— Бир минутга, Назар Яхшибоевич, сизда ишим бориди...

— Кираверинг, дўхтир. Тортинманг.

— Хуфяроқ гап эди-да, — деб хижолатомуз илжайди профессор.

— Менинг ўртоқ Эркиновдан яширадиган сирим йўқ, — деди Яхшибоев. — Гапираверинг.

Эркиновга қараб, унинг талтайганини кўрди; ўтиргиси, сирни эшитгиси бор эди.

— Боринг, — деб шипшитди Яхшибоев. — Бир шамоллаб келинг, Эркинов болам.

Эркинов илдам туриб, эгнига пиджагини илди:

— Мен бир шамоллаб келай, — деди баралла овоз чиқариб. — Сизлар бемалол гаплашиб олинглр.

Оқсоч профессор ичкари кирди. Эркиновнинг чиқиб кетгани сабаб бўлдими, гўё бу даргоҳ ўзиники эмасдай, қимтиниброқ турди, ҳатто қизариндики, Яхшибоев, айни ҳолдан завқи ошиб, мулозимат қилишга мажбур бўлди:

— Қани, дўхтир, уялманг, чўкинг бу ерга...

Профессор кўрсатилган курсига ўтирди.

— Укалардан ҳол сўраб юрувдим, — деди Яхшибоев чуқур сўлиш олиб. — Бизнинг аҳволимиз маълум, энди буларга қувват берсин, биз етмаган кунларга ҳам булар етсин!..

— Эркиновнинг касали оғирмас, — деди профессор.

— Хизмат, дўхтир? — деб сўради Яхшибоев муқаддима чўзилиб кетганини пайқаб. — Кабинкага чақирсангиз бўларди, мен ўзим борардим?..

— Бўлмасди, — деди профессор. — Мен ўзим сизга ялиниб келдим. Биттагина аппарат керак касалхонага.

— Пул йўқми?

— Лимитни еб бўлганмиз. Кўп пул ажратувди, лекин бу аппарат янги чиққан, ҳисобга киритмаган эканмиз.

— Пул-ку, топилар, лекин сизга жўн пул керакмас-да, ўртоқ Ваҳобов? Тўғри тушундимми?

— Валюта керак, Назар Яхшибоевич.

Демакким, Ошно келаркан, деб ўйлади Яхшибоев, анави Раҳматовга ҳам шу тайинлаган, токи Яхшибоев кетмай турсин, озгина хизмат қилсин, кейин — майли, тўрт тарафи қибла, уйда ўладими, саҳрога бош олиб чиқиб кетадими, лекин аввал шу битта аппаратни ундириб берсин.

— Қанча пул керак? — деб сўради.

— Ярим миллион.

— Кўп экан. Госплан ҳал қиладими?

— Улар жуда хасис, Назар Яхшибоевич. Биласиз, аппарат менга эмас, касалларга керак. Бугун яна биттаси нобуд бўлди.

— Аппарат сизга керак, ўртоқ Ваҳобов, — деди Яхшибоев. — Бу касалхонага с и з бошлиқсиз, обрўси ҳам с и з н и к и. Агар ўшандай аппаратдан учта сўраб, кейин иккитасини қишлоқ касалхонасига жўнатганингизда эди — мен сизга ишонардим.

— Ёрдам бермайсизми? — деди профессор ҳафсаласи пир бўлиб.

— Қисталанг қилсангиз, илож қанча, мажбур бўламан, — деди Яхшибоев. — Менгаям жон ширин, тагин жаҳл устида маргимуш-паргимуш бериб қўясизми... Лекин бу — жуда майда масала-ку, ўртоқ Ваҳобов? Гапириб ўтиришгаям арзимайди. Аввал ўзингиз бир уриниб кўринг, кучингиз етмаса, ана унда бизга келасиз.

Ваҳобов индамади. Қаттиқ ранжиди. Ранжигани ростдирки, югурғудай бўлиб палатадан чиқди. Яхшибоев деразага юз буриб ўтирган эди, ёнгинасидан ҳилпираб ўтган оқ халат этагини кўришга улгурди, холос. Қайрилишга ҳуши бўлмади.

Балли, ўртоқ Яхшибоев, деди, ал-қасосул мин-ал-ҳақ, озгина қитиқлаганимиз тузук бўлди. Узига ўзи ўхшамай қолди бу оқсоч дўхтир, кимсан профессор, кимсан Ваҳобов, нуқул киноя қиладиган, ичимнинг равонлигидан, ичимда сўз турмаслигидан нақл этадиган Ваҳобов, икки гапининг бирида «азизим» деб эркалайдиган Ваҳобов, мушук-сичқон ўйнайдиган Ваҳобов, ҳўш, энди ким мушугу ким сичқон бўлди?..

Бировга қолган кун — кун эканми!..

Кекчимаан, деб ўйлади, эсимдан чиқмайди ҳеч гап. Ушанда, бу бечора аския қилганида, чирой очиб кулгандай ҳам бўлувдим, во ажаб, роса ўтиб кетган экан-да... мадда ахийри ёрилди-я!.. Лекин, бари бир, номардлик бўлди, Ваҳобовнинг ожизроқ пайтини пойлаганим ёмон бўлди. Энди дори-порини аяши мумкин, лекин... маргимуш бермаслиги аниқ. Мағрур экан қурмағур, киборгина, билимли, дидли, дунё ўзимники деб ўйлайди — мисоли чиройли хотиннинг эридай!.. Дарвоқе, бунинг хотини кексароқ, ўзининг тишлари тушиб кетган, сунъий жағ билан юрибди, хотиниям бирор марта тиш ташлаган чиқар? Ажаб, бировни чўян қозондай қизитдим-у, ўзимнинг кўнглим муздай.

Секин ўрнидан туриб, ташқарига — йўлакка чиқди. Дераза ёнида турган Эркиновнинг ёнига борди. Эркинов ялтоқланиб илжайди.

Буниям анави Остонақулга қўшиб жўнатиб юборсам бўларкан, деб ўйлади Яхшибоев, хира пашша бўлади энди, бекор кирдим, бекор гаплашдим... Энди бирор маврид кутишга мажбурман, бирорта мансабми, хушхабарми...

— Ҳамширага айтинг, Шамси Қамарович, — деди, — сартарош Мишани чақириб берсин...

— Ўнғайсизроқ-да, домлажон.

— Урганинг, Шамси Қамарович. Уялган қиз эрсиз қолади.

— Майли, — деди Эркинов. — Сизам соқол олдирасизми, домлажон?

— Мени қўятуринг, болам. Соқол олдирсам чиройли бўп кетаман. Бугун мени кўргали кўп одам келади, мундоқ... касалга ўхшаб турмасам бўлмайди. Асал қизим! — деб чақирди Яхшибоев навбатчи ҳамширани. — Мишани топинг, бу кишининг палатасига кирсин. Кейин монтер боланиям топинг, бу кишининг чироғи куйиб қолган эмиш.

— Лампочка бор, Назар Яхшибоевич, — деди ҳамшира. — Запас олиб қўямиз. Ҳамшира стол ғаладонини кавлашга тушди.

Яхшибоев ўзининг палатасига кирди. Даҳлизчада секин хиргойи бошлади-ю, дарров жим бўлди. Ичкарида кимдир ўтирганини сезди. Шошилмай, ваннахонага кириб, юз-кўлини чайиб, артиниб, шундан кейингина ичкарига ўтди. Янглишмаган экан: тўнғич ўғил келибди. Негадир севинмади. Сездики, буям бекорга келмаган, онаси қузғун бўлгандан кейин, қузғунчаям ҳид-пид олиши тайин-да.

— Аввал, — деди хиёл ажабланган бўлиб. — Сенмисан?

— Ада, — деди Аввалбек, сўнг ўрнидан туриб, отасини қучоқлади. — Тузалдингизми, ада?

— Тузалапман, тузатмай қўярмиди.

Тузалмасам сенга соз бўларди, деб ўйлади ичида, ҳарна, мерос-перос дегандай. Васият-пасият деган нарсани эшитиб келган чиқарсан?..

— Келолмадим, ада.

— Келувдинг, болам. Аянг билан келувдинг, — деб эслатди Яхшибоев. — Ичкарига кирмасанг ҳам, мен сезиб турдим-да. Ота бўлгандан кейин сезади-да, болам.

Диққат қилса, кўнгли бузилиб боряпти. Ўзини ўзи ёмон кўриб кетди. Бўлди-э энди!

— Кирилмадим, ада, уялдим, — деди Аввалбек. — Кирсам сўкар эдингиз.

— Сўкмас эдим, болам, — деди Яхшибоев. — Асли сени болаликда кўпроқ сўкиш керак эди, энди жуда кеч... Хўш, нега уялдинг?

Аввалбек индамади. Бошини қўйи солди. Яхшибоев кўрдики, ўғли қарий бошлабди. Бошида пиёладай тепакал; сочини ортга силлиқ тарашида шу синоат бор экан. Ранги синиққанроқ. Йўқ, бошдан шундай, бирор йигирма ёшидан бери — наша-паша чекса керак. Чизган суратлари ҳам ўзига ўхшайди — сўникроқ. Қизилу яшил ранглар деярли учрамайди — гўё бу суратларни Яхшибоевнинг фарзанди чизмагандай. Сураткашларнинг раиси худди шу гапни айтган: ўртоқ Яхшибоев, бу суратларни сизнинг ўғлингиз чизмагандай, уларда бахт ва шодлик нафаси сезилмайди.

Мен унинг бахтидан қиймадим чоғи, деб ўйлади Яхшибоев, еб-ичиши жойида, эди, кийиниши, юриш-туриши жойида эди, хотин жонивордан ҳам иккита оббердим, иккисини ҳам кўнгил бериб олди, кўнгил бериб олмаганлари ҳам унча-мунча бўлса керак. Уй ҳам оббермоқчи эдим, ўзи унамади. Менга ёқмади-ю, лекин тўғри қилди, сабабки ўзига тузукроқ, алоҳида рўзғор тутиб, алоҳида ташвиш чекмайди, топган-тутгани чўнтакка қолади. Шу ишларига қараганда анча ақлли йигитдай, лекин нега унда бугун бунчалар маъюс?..

— Союзга ўтдингми, Аввал? — деб сўради Яхшибоев. — Эсимдан чиқибди сурштириш.

— Бир йил бўлди-ку, — деди Аввал ғижиниброқ.

Ҳа, дарвоқе, сураткашларнинг раисига айтганига ҳам бир йилдан ошди. Аввалбекнинг суратлари сўниклигидан раис қурмағур худди ўшанда нолиш қилувди. Фингшиди лекин, ёшлардан нолиди, одобни билмайди булар, деди, жилов буларнинг қўлига ўтса борми, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборишади, гўримизга тупуришади, Назар Яхшибоевич!

Сураткашларнинг раиси ёшларни сўкади-ю, аммо нафани билади. Энди, шуниям билмасинми! Аввални союзига қабул қилганида камтарлик қилиб зифатга келмади, лекин ўзига унвон текканида келди, келиб Ошнони мақтаб ўтирди, гўё қаршисига Яхшибоев деган жонли одам эмас, балки Ошно қўйиб кетган магнитофон тургандай: энди, у киши жуда буюк одам... у кишининг бевосита раҳбарлиги остида... у киши маъқул кўрсалар... замон руҳини у кишидан ўргансак арзийди...

Ўшанда Яхшибоев ғижинди. Вой сен пандавақи, ростданам магнитофон бўлиб мансабингдан учириб юборайми, деб ўйлади, лекин унвондор расомнинг серфарзанд эканини эслаб, ғазабини тийди. Бир ҳисобда, сураткаш бечора ҳам ўзича ҳақ эди. Сабабки, Аввалбек сураткашлар союзига Ошнонинг сурати билан ўтди. Сурат аслидан кўчирма эди. Сеансга бир соатча сарф бўлди-ю, лекин тайёргарлиги роса бир ойга чўзилди. Ошно ўшанда пахта билан овора эди: бугун у воҳада, эртага бу воҳада. Хайриятки, Муяссар хонимнинг кўнгли дугонаси Мухсина хонимни тусаб қолди-да, Ошно билан Яхшибоев ҳам уларнинг висолига илова бўлиб, каттакон ҳовлининг кенг саҳнида учрашдилар. Мольберт тайёр эди, бўёқлар тайёр эди. Радиочиларга қойилки, айни ўша соатда каттакон бир областнинг пахта планини бажартиришган экан, шунинг шодиёнасини эфирга қўйиб юборишди. Бир ёқдан Рўзмат Ғойипов рапорт берипти, бир ёқдан артист халқи қарсиллатиб ашулани оляпти, фарғонача, хоразмча, фузулийча; дастурхон жуда тўкин, ҳаво очиқ — иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас; дастурхон атрофида Ошно билан Яхшибоев иккиси ёлғиз, иккисининг ҳам кайфияти чоғ, иккисининг ҳам хаёлида миллионлаб эгатларга сочилган теримчилар, осмонни ўпай деб турган улкан пахта хирмонлари — фахр, шуур уфқидаги алвон шафақлар! Шунда Яхшибоев секин таклиф қилдики, оқсоқол, шундай ажойиб кунда бир суратга тушсак. Ошнонинг суратга тушишга майли бор экан, хиёл афсусланиб айтдики, иложимиз йўқ, ўртоқ Яхшибоев, Уста Абрам командировкага кетган. Яхшибоев Ошнонинг шахсий фотографи Москвага махсус плёнка ундиргани кетганидан воқиф эди. Агар рухсат берсангиз, сураткаш ўзимиздан чиқарди, деди, мана, фарзандимиз Аввалбек мусавирликка ўқитасиз. Э, шундайми, деди Ошно жилмайиб, бу, ўртоқ Яхшибоев, фотограф тузук эди-да, рассом халқи одамни сал толиқтиради-да. Албатта, оғир иш, деди Яхшибоев, сизу бизки пўзага туриб шунча қийналамиз, рассом бечораларнинг аҳволини тасаввур этаверасиз. Ошно сал юмшади. Майли, деди, ёш авлоднинг кўнгли қолмасин, ўғлингиз рассом эканидан беҳабар эканман, ўртоқ Яхшибоев, мен уни дипломатликка ўқитасиз, деб ўйлаган эдим. Яхшибоевнинг юраги шув этиб кетди. Ҳозир юзимга солади, деб ўйлади, мен ўғлингни ўқишга киритиб қўювдим, дипломатликка ўқиётувди, энди нега рассомлик қилиб юрибди, деб айтади!.. Йўқ, бекорга хавотир олган экан, Ошно ортиқча гап кавлаб ўтирмади. Аввалбекнинг дипломатлик ўқишини ташлаб, рассомлик қилиб юрганини кечирди. Бу орада Аввалбекнинг ўзи уйдан чиқиб келди. Эғнида одмироқ кийимлар, шими ҳам, кўйлаги ҳам ёзувсиз, сидирга матодан, — Яхшибоев либослар Оллоёрга тегишли эканини дарров пайқади, — саломлашиб, одоб билан бир муддат сукут сақлаб, кейин, буйруқ бўлгач, гўё энди эшитгандай хиёл ажабланиб, хижолат чекиб, чўчиб-ҳадиксираб,

уйга қайтиб кириб, гўёки махсус тайёргарлик кўрган бўлиб, ахийри дастурхондан сал нарига учоёқ мольбертини ўрнатди. Ошно жиддийлашиб, курси суянчиғига яғрин ташлади. Аввалбек фанер тахтачага мойбўёқлардан лахта-лахта сиқиб чиқариб, илдам ишга киришди. Яхшибоев мольберт ёнига бориб, Ошнога қаради: рангли суратлардаги аксига жуда ўхшабди, кенг стол ортида ёлғиз ўзи ўтирибди. Ҳорғинроқ қилиб чиз, деб секин шивирлади ўғлига, ҳорғин бўлсин, ўйчан бўлсин, кейин анави совуқ бўёқларингни камроқ қил... Ошнонинг ҳурпайиброқ олганини кўриб, унинг ҳам ёнига борди. Чарчаб-сиз, оқсоқол, деди, лекин чарчоқ сизга ярашаркан, энди, шунча халқнинг ташвишини чеккан одам ҳорийди-да... Лутф Ошнога ёқди. Яхшибоев ичида кулди. Четроқда турган курсига жимгина бориб ўтирди. Ичкаридан хотинларнинг шўх қийқириғи келди — Муяссар хоним билан Муҳсина хонимнинг гурунги авжида эди. Қийқириқ яна такрорланди. Ошно сал безовталанди чоғи, маънодор томоқ қирди. Яхшибоев уй остонасида туриб, юрт оғасини ағрайиб томоша қилаётган Робиға-Робия-Робига секин имо қилди: айт, ўчиришсин. Хизматчи хотин ичкари кириб кетди. Кулги секинлашди, сўшайди. Лекин гўнғир-гўнғир овозлар ҳам шўх эди. Нимадан кулади булар, деб ўйлади Яхшибоев, тагин биз иккимиздан кулаётган бўлса-я? Шунақа гумони бор эди. Бошдан бор эди шунақа гумони. Гарчи Муяссар хоним катталик қилиб, Муҳсина хонимдан пайти-пайти билан аразлаб турса-да, аслида тили бир буларнинг. Ажабмаски, бир замонлар икки дугона маслаҳат қилиб, мана, ихтиёримизда Булдуруқдан тентираб келган иккита содда-меров бор, биридан арбоб, унисидан арбобга маддоҳ ясаймиз, деб келишиб олишган бўлса! Кейин улар қуръа ташлаган, арбоблик Ошнонинг, маддоҳлик менинг чекимга тушган. Шунақа бўлиши мумкинми? Жудаям мумкин. Э, бу хотин зотининг мақри қирқ эшакка юк бўлади. Ана, биттаси, галатепалик Эломоновнинг хотини, Гунафшами, Райҳонами, ишқилиб, қайсидир гиёҳнинг отини қўйиб олган ўзига, ўшам эридан амалдор ясагани аён-ку. Айтмоқчи, уларнинг ўғлига расом эмиш, кимсан Шамси Тўранинг суратини чизган деб мақташарди. Тўғри, Шамси Тўра Ошнонинг қаршисида бургут ёнига қўнган попишакдай гап, лекин улар учун катта-да... Эндиликда Шамси Тўра Эломоновдан юз ўгирди. Дарвоқе, Эломоновнинг тақдирини ҳозирча ўнглаб бўлади. Бу жуда осон, дейлик, ҳозир уни эслаган бўламузу Ошнога айтамуз.

Айтди ўшанда. Ошно Эломоновни ҳадеганда эслайвермади. Лекин Яхшибоев билардики, эслайди, эслаши аниқ, кимсан Хушвақт Давлатов ўзи уйлантирган, ўзи мансабга қўйган кимсани эсламай иложи йўқ, сабабки, у пайтларда Хушвақт Давлатов Ошнодан нуфузлироқ эди, бинобарин, унинг шогирдларига андак ғайирлиги бўлган, хусусан, Эломоновга ҳам. Хайрият, Ошно эслади, лекин баҳона топди: ўзингиз ўйланг, ўртоқ Яхшибоев, беобрў одамни қайта тикласак, боз устига, у одам Галатепадан бўлса, орамиз анча яқин, тилига кучи етмаганлар бизни маҳаллийчилик қияпти, деб ўйлашмай-дими? Эҳтиёткор эди Ошно. Яхшибоев яна бир бор тан берди. Ноилож қолиб дедикки, агар рухсат бўлса, мен ўзим унга ёрдамлашсам, шунга ваколат берсангиз. Майли, деди Ошно, ёрдам беринг, лекин ваколатингизни ошириб юборманг, ўртоқ Яхшибоев. Шу жойнинг ўзидаёқ Бакировга қўнғироқ қилиб Ошнодан салом айтди, сўнг, ўртоқ Эломоновга бирор иш берсангиз, деб тайинлади, енгилроқ бўлса ҳам майли, дейлик, газет-пазетдан. Бакиров хушламай турди, эътироз қилдики, ўртоқ Эломонов газет ишини мутлақ билмайди, деб. Унда редактор қилиб тайинланг, деди Яхшибоев аччиқланиб, редакторликни эплайди! Шу билан гапни тугатиб, яна дастурхон ёнига қайтди. Ошно муқом бир алпозда туравериб толиққан бўйинини сал буриб ҳазиллашди: мен бежавотир жон таслим қилсам ҳам бўлавераркан, ўртоқ Яхшибоев, сиз топшириқ беришни зўр ўрганибсиз. Энди, оқсоқол, Бакировга ҳаддимиз сифади-да, деди Яхшибоев айбдорона жилмайиб, ҳали кичкина эканида, катта ўқишни эндигина тугатай деб турганида уни ёнингизга етаклаб борган мен ўзим эдим-да. Гуноҳга қоласиз, ўртоқ Яхшибоев, деб койиган бўлди Ошно, кадрларингиз хато қилса, биринчи навбатда сиз ўзингиз жавоб берасиз.

Бакиров панд берганини, Эломоновни бор-йўғи ҳафтада бир чиқадиган варақага муҳаррир этиб тайинлаганини Яхшибоев кечикиброқ билди. Ҳазабланди, лекин бундоқ танига ўйлаб қараса — Бакиров ҳақ экан. Эломоновнинг лойи бўшроқ. Токи муовини Қўшшаев қилган қилғилиқларнинг ҳиди босилгунча сабр қилган маъкул, кейин, ажаб-маски, бирор шаҳар-пахаргами, район-пайонгами ижрокўм раиси қилиб ўтказилса, ана унда тузук бўлади, токи пенсияга чиққунича ўша жойда ғимирлаб юраверади... Лекин ҳозирча бу гаплар йўқ. Ҳозирча Аввалбек Ошнонинг суратини чизапти, совуқроқ рангларни камроқ ишлатиб чизапти, ана, чизиб тугатди ҳам, хонимлар ҳам чиқди, уларни Яхшибоев чақирди. Келиб, иккиси ҳам суратга тикилиб қолди.

Муяссар хоним суратдан қийиқ топишга уринди: кўзлари ғамгинроқ. Хайриятки, Ошнонинг ўзи суратини бориб кўрди, маъкул топди, аиниқса — ўйчанлигини, ҳорғинлигини. Сўнг Муяссар хонимга кулиб дедикки, тўғри айтасиз, хоним, сиз қаршимда бўлмаганингиздан кейин албатта кўзларим ғамгин бўлади-да...

Кейинроқ сурат сал тўлдирилди. Сабабки, Ошно бўм-бўш стол ёнида ёлғиз ўтирган экан, теграсига бир гала ёзувчини, бир гала олимни, бир гала артистни чизиб, нақ бир деворни оладиган қилиб катталаштириб, сўнг муаллиф бўлмиш фарзандларнинг

сарвари Аввалбек «Илму ирфон гулшани» деган номни отаси Яхшибоевдан қарзга олиб, сураткашларнинг союзига элтдики, ҳамма қарсак чалиб қабул этди — суратниям, ўзиниям.

Ух, ўх, ўшанда суратдаги Ошнонинг теграсидан жой олиш учун ёзувчию олимп-ларнинг қутурган итлардай талашиб-тортишганини кўрсангиз эди! Уша кунлари серқуёш республикада ҳаваскор rassom Аввалбекдан нуфузлироқ одам топилмасди.

Мана, бугун, касал отани кўргали келиб, бошини ҳам қилиб ўтирибди. Шундоқ келмасди, бирор балони бошлаб келган: ё машинани симёғочга обориб урган, ё маст бўлиб мелисага тушган, ёинки... Яхшибоев ортиқ бош қотириб ўтирмади, Аввалбекнинг ўзи айттарини кутди.

— Ота, — деди Аввалбек. — Маслаҳат сўраб келдим.

— Хўш, ўғлим?.. — Яхшибоевнинг қулоқлари динг бўлди. Аввалбек «ота» сўзини камдан-кам айтарди, «ада»га кўпроқ ўрганган эди, Муҳсина хонимнинг ўргатганики, кўпроқ пул сўралганда қўлланади. — Хўш, ўғлим?

— Хотинингиз нечта? — деб сўради Аввалбек.

Яхшибоев бунақа саволни кутмаган эди. Уғлига тузукроқ қаради: йўқ, маст-паст эмас, наша чеккан бўлсаям кеча ёки бурноғи кун чеккан, туппа-тузук ўтирибди.

— Бир вақтлар менга ая оббераман деган эдингиз.

Яхшибоев бу гапни Олияга ошиқ бўлиб юрганида айтган эди. Олиядан бошқасига тузукроқ кўнгили қўймаган, кўнгил эмас, шарт қўйганки, боланга эмас, ўзинга алимент тўлайман, деб. Сўнг ҳаммасини бир-бир эрга бериб қутулган.

— Нима, сен бу ерга терговчи бўп келдингми?

— Сўрадим-да, ада, нега жаҳлингиз чиқади, — Аввалбек тамакидан сарғайган тишларини кўрсатиб кулди.

Э, худо, деб ўйлади Яхшибоев ёғиниб, бу ҳали мендан олдинроқ кетади, афт-ангори-га қара, исқирт, қилтириқ, маймуннинг ўзгинаси, ўзимдан бўлганига ишонгим келмайди.

— Сен сал босикроқ бўл, ўғлим, — деди у ғазабини босиб. — Ўзбекчиликда ўғил отадан бунақа гапларни сурамайди. Ҳар банда ҳаддини билгани маъқул. Жазман асраш сенинг қўлингдан келмайди, болам. Битта хотинни эплаб юрсанг ҳам катта гап.

— Эплаёлмай қолдим, ада.

— Унда нашани ташла.

— Нашадамас гап, кўнглим йўқ унга. Ҳайдайман.

— Ҳолингга қара, ў! — деди Яхшибоев овозини баландлатиб. — Биринчидан, сен ҳали хотин ҳайдайдиган чоққа етишганинг йўқ, у сени ҳайдаса ярашади.

— Билмадим, ишқилиб, ажрашамиз... Шунга келувдим.

— Аянг нима дейди?

— Аям келини тарафда.

Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, Муҳсина хонимнинг ҳам серсавоб қилиқлари топилади. Аслида у киши савобга муҳтож эмас; ўғил талоқ айтса, келин уйдаги лаш-лушларни талоққа қўшиб кўтариб кетишидан чўчийди, холос. Аввалбек эса мутлақо чўчимайди. У онасига нисбатан ақллироқ, Тамаранинг чўлтоқ супургини ҳам олиб кетмаслигини билади. Тамара эрдан ҳам, уйдан ҳам, айниқса қайнонадан аллақачон безор бўлиб улгурган, уни бу ерда ушлаб турган ягона нарса — қаппайган қорни. Ортиқча асабийликдан кўрқади, зиёни тегмасин дейди. Аввалбекка қолса, ажабмаски, гумонасини вақтида олдириб ташлатган ҳам бўларди. Буниси аниқ, анча ой аввал, ҳали қорин қаппаймасдан туриб, эр-хотин бир-икки ҳафта тўрсайиб юришган эди. М а с а л а ўшанда муҳокамага қўйилган. Аввалбек ундаган, Тамара кўнмаган. Энди, қарабсизки, манави олабўжи қилтириқдан ҳам зурёд қолади. Тамара — жўнгина рабобийнинг қизи, отасининг илғорлиги қизига қўйган замонавий исмидан нарига ўтмаган, жўжабирдай жон, уйда яна икки-учта қизи бўй етиб турибди, энди бу қайтиб борса ортмоғини орқалаб... яхшими шу?

— Аҳмоқсан, Аввалбек! — деди Яхшибоев. — Асли туғилмасанг бўларкан.

— Бунча энди... айб мендами? Ўзингиз... — деб ҳиринглади Аввалбек.

Гап таъсир қилмайди, деб ўйлади Яхшибоев. Уйладию бирдан осойиш топди. Бари бир, фойдаси йўқ эди. Биринчи бор сўкиши эмас, лоф бўлсаям бирор минг бора моховга ошна қилиб сўккандир?.. Балки шунинг учунмикин, териси қалин бунинг, жуда қалин, кўзини лўқ қилиб тураверади. Тамарадан бежизга ажралмоқчи эмас, бирорта rassom-пассом қизалоққа илиқишиб қолган бўлиши мумкин. Тавба, илинган хотинга эргашиб кетадиган ана шу маймундан босиқ-мулойим дипломат чиқишини ўйлаган Ошнонинг ҳам дидига қойил!..

— Энди кимга уйланмоқчисан? — деб сўради Яхшибоев.

Аввалбек шу гапни кутган экан, сал чиройи очилди.

— Биринчи хотинимга, — деди, сўнг отаси ҳайратга тушиб улгурмасидан давом этди: — Бўлмади, ада, Тамара яхши одам, лекин... кўнглим биринчи хотинимда экан. Асли ажралмасам бўларкан, лекин аям қистаб қўймади, туғмас деди, бало деди, баттар деди, мана энди, қўлдан чиқариб ўтирибман...

— Тукқан эмишми? — деб секин гап қўшди Яхшибоев.

— Уғил туғди, — деди Аввалбек фахр билан, гўё ўзи тукқандай. — Исмини Назар деб қўйди.

— Эри кўнибдими?

— Э, эрми у, латта-ку!.. — Аввалбек, чиройи тобора очилиб, беписанд қўл силтади. — Номига эр-да, ада.

— Тамарага талоқ айтдинг ҳам дейлик, лекин эртага яна ярашаман деб ялиниб бормайсанми?

— Гап битта, ада, бормайман. Оқ фотиҳа берсангиз бас.

Яхшибоев ўғлидан айна сўзни эшитиб ҳайратланди. Ҳайрати тарқаб ўйладики, э, сен садқаи оқ фотиҳа кет, сенга берилган фотиҳа манзилига етмасдан қорайиб куйиб кетади.

— Мен розиман, болам, — деди, сўнг секин ихранди. — Бир кунлик умрим борми-йўқми, сизларга атаганман. Лекин Тамарани ҳозирча ташлаб қўйсақ бўлмайди.

— Уям шу фикрда, — деди Аввалбек.

— Ким? — деб сўради Яхшибоев тушунмай. — Тамарами?

— Йўғ-э, Тамара ҳеч нарсани билмайди. Биринчи хотиним шундай деяпти. Биласиз-ку, ада, у жуда юмшоққунгил.

— Рост айтасан, болам, — деди Яхшибоев. — Ростдан ҳам юмшоққунгил. Сен энди чўпоннинг боласидан ҳам бир ҳикмат эшит. Битта бўрибосар итимиз бўларди ўтарни қўриқлайдиган. Шунга ялоқда овқат берардик. Отам раҳматли нашавандроқ одам эди, итини ҳам ўзи қатори кўрарди, ўтарнинг ҳурматини қилиб, итининг ялогини ҳар наврўзда янгилар эди. Буни қараки, Олапар деган бўрибосар янги ялоқда ювинди ялаганидан кейин эскисига қайрилиб ҳам қарамасди.

— Мени итга ўхшатманг, ада!

— Ўхшатмадим, болам, сен унга ўхшамайсан. Айтмоқчиманки, агар Олапар сенинг ўрнингда бўлса аввал қўйган хотинига қайтиб яна уйланмасди.

— Мен уйланаман!

— Билганингни қил, болам. Лекин икки эр кўрган хотин бирига қаноат қиларми-кан?..

— Сиз муҳаббат нелигини билмайсиз, ада! Муҳаббат кўнглини тўйғазади!

Ол-а, деди Яхшибоев ичида, сен қилтириқни тўйғазиши мумкин, лекин уни тўйди-ролмайди. Худо кечирсин-у, лекин собиқ келин сал йўрғароқ эди, ўзим сезганим йўқ, лекин Оллоёр бечора ҳали бўйдоқ эканида бир-икки бор шикоят қилиб келганки, ада, келинингиз қўймаяпти, деб!.. Хайриятки, инсофи бор экан кенжа ўғилнинг, аканинг хасмига кўз олайтирмади, хайриятки, менинг ёнимга додлаб келди, хайриятки, келиники боз хуруж қилса дош беролмай юрмасин деб Оллоёрнинг ўзини ҳам уйлаб қўйдим. Тўғри қилган эканман, мана, иккови аҳилу иноқ яшаб юришибди, гулдай фарзандлари бор, тўнғич келин эса кетди... Тўймайди у, икки нафси ҳам ёмон унинг, опкетган лаш-лушлари озлик қилган шекилли, яна бир марта Яхшибоевнинг хонадонига салб юриши қилмоқчи, бу гал юришида бандаи мўмин Яхшибоевни қурбон қилиб, меросдан каттароқ улуш олиб кетмоқчи! Мана, оласан!.. Яхшибоев қандайдир салбу жалбчиларнинг юришларидан қулайдиган қўрғон эмас, пойдевори мустаҳкам, калити тайин жойда турибди — иштонбоғга осифлик, сенга ўхшаганларнинг қўли етмайди!

— Болам, — деди сал ўзини босиб, — мен-ку розиман, лекин аянг билан уканг рози бўлмайди-да. Боз, биласан, Оллоёрга собиқ келиннинг турқи кўп ёқмайди. Укаям бир кунлик эмас-да. Мен ўлсам, бир-бирларингга суянасан деб ўйловдим-да, ўғлим, бу ёғи қандай бўларкан? Қолдирадиган озгина меросимни икковингга улашиб берсам, ўзаро иноқ бўлиб, кам-кўстни тўлғазиб яшайсизларми, деб эдим-да, болам...

— Мерос керакмас менга! — деб баттар хўрозланди Аввалбек. — Майли, меросни бутунича Оллоёрга қолдираверинг!

Яхшибоев, ичини ит тирнагандай, ёмон безовта бўлди. Васиятнинг овозаси бориб етган, деб ўйлади, кейин бу анави манжалақи собиқ келинга айтган, кейин собиқ келин бунга яхшилаб сабоқ ўргатганки, майли, рози бўл, ҳамма меросни Оллоёр олақолсин, деб!.. Ўяники, унда Тамара ҳамма нарсадан маҳрум бўлади, унда Тамара кетади, кейин мен келаман, деб ўргатган, Оллоёр — аммамнинг бузоғи, Оллоёр — виждони бор аҳмоқ, улушингни ўзингга қайтариб беради, деб ўргатган, қанжиқ! Доғули ёсуман, бунинг ҳам макри собиқ қайнонасининг макридан кам эмас. Йўқ, ёсуманларга қоладиган меросим йўқ менинг!..

— Майли, Аввалбек, мен розиман, — деди Яхшибоев. — Муҳаббатни танлаб тўғри қилибсан. Тамарани ўйлаб қайғурганинг ҳам дуруст. Биринчи хотинингга ҳам раҳмат айтиб қўй, жуда олижаноб экан. Меросни Оллоёрга қолдираман. Лекин Тамарани боласи билан хор қилиб қўйсақ ҳам бўлмайди, яхшиси, сенинг улушингни Тамара билан боласига васият қиламан. Зора шу арзимас нарса уларнинг ярасига малҳам бўлса... Шу гапларни тўнғич келинга бориб айтсанг. Менимча, уям ишимизни маъқул топади. Майли, энди бор, болам, бориб хушхабарни етказ, ажабмаски, суюнчига собиқ ва бўлажак келинимиз девзирадан ош дамлаб келсал!..

Аввалбек индамай ўрнидан турди. Аҳволи анча аянчли эди. Недир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, лекин айтолмади. Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, хайрият, озгина йигитлик сиёғи қолган экан, гапини қайтариб ололмапти. Начора, энди иккинчи хотин билан қолишга мажбур. Биринчи хотин учинчи хотин бўлиб қайтиб келмайди. Собиқ келиннинг ақли-хуши жойида, мерос Тамарага ўтганидан кейин ўлганда ҳам бунга тегмайди. Шунча қирғиндан омон чиққан экан, Яхшибоев деган қирчанғи қазо муҳлати етиб ўлганида ҳам сендақаларга таслим бўлмайди. Оллоёрга меҳрим баланд эканини биласизлар, Оллоёرنинг бўшанг эканини биласизлар, Оллоёرنинг сахий эканини биласизлар, лекин Яхшибоев деган қирчанғи чол сиз билган бўшанг ва сахий Оллоёрни шунақа хасис қилиб қўйсинки, нақ чангаллаб қоласизлар! Васиятга шундай бир модда илова қилдимизки, Оллоёр меросдан йилига фақат фалон сўм олиши мумкин, дейлик, йилига уч минг сўм, бир тийин ҳам ортиқ эмас, қани, ўшандаям сенларга сахийлик қилиб кўрсин-чи! Сахийлик қилолмайди, ўзиям ҳаддидан ошиб кетолмайди, майда чайнаб ейишга мажбур, майда чайнаганда Яхшибоевнинг яхшию ёмон йўллар билан топган пули бир неча авлоднинг умрига ҳам етиб-ортади!..

Яшанг, ўртоқ Яхшибоев! Яша, Назар, яша, Яхшибой чўпоннинг соддагина ули!

Завқланди. Камдан-кам бўларди бунақа қувноқ дақиқалар. Одамзод ўзининг зукколигини вақти-вақти билан англаб турса яхши-да, ахир! Беихтиёр ўзини Ошно билан қиёслаб кўрди. Ошнонинг донолиги аниқ, лекин унинг донолиги сал мавҳумроқдай, сал расмийроқдай, унинг донолиги, сирасини айтганда, кўпроқ ёдаки сўзлар билан ифода этилади. Ошно одамнинг кўнглини эмас, омманинг кўнглини ўйлайди, лекин билмайдики, омманинг кўнгли дегани — аслида одамнинг кўнгли, аввал биттасининг, сўнг иккитасининг, ахийри, кўпла-аб одамларнинг кўнгли!.. Ошно биров билан ёлғиз қолишдан чўчийди, чамаси, ўзидан катталар билан ёлғиз гаплашганида унча-мунча дакки эшитган бўлса-у, энди, ўзидан кичкиналар билан гаплашганида ҳам ўша таниш ҳадик туйғусидан қутула олмаса!.. Ошно гўё ўзининг ўзгачароқ эканидан ийманиб яшайдигандай, гўё унинг ғурури кемтикдай, гўё юксалганига ўзи ҳам ишонмаётгандай... Ахир, неча ўн йил бўлди-ку пастдаги нарвоннинг олиб қўйилганига!

Асли мен унинг ўрнида бўлишим керак эди, деб ўйлади, Ошно бечоранинг соддалиги бор, уни ишонтириш ҳам, алдаш ҳам осон, мени эса, ишонтириш мумкин-у, лекин ҳеч қачон алдаб бўлмайди, негаки, мен аввало либоснинг астарини кўраман, кейин аврасига солиштираман, негаки, менинг хотирам зўр, юксалган чоғимда нарвонни пастда унутиб қолдирмайман, йўқ, томга чиқариб оламан, токи кейин ҳам асқотиб қолиши мумкин, токи ёнғин маҳали пастга сакраб оёғим синиб кетмасин!.. Негаки, Ошнонинг Муяссар хонимдан ташқари кимарса борки, бирортасига ҳам муҳаббати муқим эмас, мана, мен ўзимни, кўз очиб кўрган дўстини, ўттиз йил ичида бирор ўттиз марта унутиб, ўттиз бора қайта эслади, ҳатто бир гал Уртақўрғонга сургун ҳам қилди, ҳар гал қайтиб эслаганида мен бечоранинг ярамга малҳам сурқадим деб ўйлайди, билмайдики, ҳар гал қайтиб эслаганида кўнглимда чандиқ қолади! У яхшидан ҳам яхшироқни излайди, янги топган яхшиларини не биландир сийлайди, собиқ яхшиларнинг ранжишини асло ўйламайди, мудо сийлагувчи одам ахийри бориб сийланувчилар қўлидаги ўйинчоққа айланиб қолишини тасаввур ҳам этолмайди. Агар мен унинг ўрнида бўлсам эди, қаттиқ-қўлроқ бўлардим, бировни бесабаб сийламасдим, сийлаганимда ҳам, биров бунини билмасди, бинобарин, сийлов умидида мени йўлдан урадиганлар бўлмасди. Мана, неча йилдирки, бировга бўйин бермайман, меҳримни ҳам, нафратимни ҳам биров сезмайди. Узим тенгига ҳасад қилмайман, пастроқларни ўз исми қолиб отасининг исми билан атайман, каттароқларни ҳам вақти-вақти билан чақиб оламан, натижа шуки, одамлар мендан чўчишади; биров яхши кўрмайди, бунисини биламан, лекин нафрат деганлари сийловталаб муҳаббатдан минг бора аъло эмасми? Қолаверса, нафрат деганимиз аслида нафрат ҳам эмас, шунчаки ҳадик, эҳтимолки, нафратга айланиши мумкин ҳам эди, лекин ошкоралик ғанимларга наф келтирмайди, завол келтиради, баски, ошкор этилмаган нафратни ўйлаб бошимни қотирайми? Ошнонинг ўрнида бўлсам эди, сал кенгроқ бўлардим, холос. Ошно-чи? Ошно — ўта кенг. Ошно меъёрни билмайди. Биров бошқалардан беш кило пахта кўпроқ терса бас, «балли, азамат!» — деб қучоқлайди, оғиз-бурун ўпишади. Мен-чи? Мен нима дердим? Мен айтардимки, тузук, ҳаракатингиз маъқул, ғайрат қилаверинг. Шу, холос. Ана ўшанда газет саҳифаларида жавлон урадиган «азамат»ларнинг сони ҳам камроқ бўларди, бинобарин, гап кам-у, иш кўпроқ бўларди. Узимдан каттароқлар буйруқ берганида «хўп бўлади!» демасдим, «ўйлаб кўрайлик» дер эдим, ёқмаса ёқмасин эди, лекин ўйлаб кўриш ҳали тақиқланган эмас, бир амаллаб чидашарди.

Хаёл суриш ҳам тақиқ этилмаган, дейлик, ҳозиргига ўхшатиб, кимлигини унутиб, бор-йўғи Аввалбек деб аталмиш нашаванд овсарнинг орзусига ғов бўлганинг сабаб, ўзингни камида Олатов чоғлаб турган чоғингиз.

Ҳар ҳолда, Ошно — Ошно, сен эса ҳозирча Яхшибоевсан, аввалроқ ҳам шундай эдинг, рўзи қиёматда ҳам айна номга «лаббай!» дейишинг тайинроқ. Дарвоқе, маҳшарда фамилия бўйича чақирилмайди.

— Борақол, болам, — деди хастароқ оҳангда. — Бориб айт, Робиға юмшоқроқ овқат қилиб келтирсин. Таксига пулинг борми?

Аввалбек мазахни бирдан пайқади. Ғазабини зўрға босиб:

— Минг сўм керак, — деди. — Қарзим бор, узмасам бўлмайди.

— Минг сўм, оғизнинг ели экан-да, болам, — деб уҳ тортди Яхшибоев. — Минг сўм учун мен неча марта ўлиб-тирилишимни биласанми?

— Сизда кўп, бобой! — деди Аввал хунук тиржайиб.

Хайрият, деб ўйлади Яхшибоев, ана энди ўзингга ўхшадинг, болам, ота билан гаплашиш ярашмайди сенга, сенга бобой билан гаплашиш осонроқ. Бобой тушмагур сахийлик қилиб минг сўм бериши ҳам мумкин, лекин сен қайси хизматинг эвазига минг сўм оласан, галварс?

— Беш юз етар?

— Минг сўм! — деб чўрт кесди Аввалбек.

— Тўрт юз! — деб, бирданига таҳдидга ўтди Яхшибоев.

— Тўққиз юз! — деб сал пастроққа тушди Аввалбек.

— Уч юз эллик!

— Саккиз юз!

Ортиқ савдолашиб ўтирмади Яхшибоев. Дафтарчасини олиб, уч юз сўмга чек ёзиб берди. Аввалбек чекилган рақамдан норози бўлди, қовоқ солган кўйи палатадан чиқди.

Ғунончани қайриб олди, деб кулди Яхшибоев ичида, энди тагидаги «Волга»ни ҳам Тамара келинга хатлаб берсак, унда оёғига тушов тушадики, анави байталчанинг атрофида кишнаб айланувчилар тамом эсидан чиқиб кетади.

Афсус қилдики, шундай қизиқ ташбеҳлар зое бўляпти. Эринчоқ эдим, йўқ, ғайратли эдим, лекин илмим етмади, осонига ўргандим. Ахир, анави чоршанбию жумабойлар сўзнинг қадрига етармиди! Ўзим, ўзим, мен ўзим бўлишим керак эди!!

Хўш, нега бўлолмадим унда?

Мени Ошно бузди, деб ўйлади, лекин ўйига ўзи ҳам ишонмади. Сабабки, Ошнони мен ўзим яратдим, деган ботиний бир ғурури бор эди.

Фақат уни кейинчалик идора этолмадим, у тушган кўйнинг бор кўламини бошдан тасаввур этмаган эдим, пайти келиб жуда шошдим, боиси — Ўртақўрғонда ҳаяллаб қолганим, Ошнонинг ортидан бу ерга ва қ т и д а келганим. Мен кечикиб келдим. Икковлашди Александр Шоймардонович Ошнонинг пинжиги кириб улгурган эди, келковлашиб бор дунёни оппоқ пахтага буркашга битим тузишган, асов дарёларни жиловлашга киришган эдилар. Ғўзашунос чол юриш иштирокчиси эди, мен эса, шунчаки келиб қ ў ш и л г а н бўлдим, холос. Иборалар кўп, ибораларнинг маънолари ҳам кўп, ҳар бирини қақиш керакки, кейин кўлингга фонус бўлиб йўлингни ёритади. Энди ўйлаб қарасам, ғўзашунос чол тажрибалироқ экан. Уша кезларда, қирқ олтинчи йил кетар кечаси Ошнонинг уйида учрашган пайтимизда, чолнинг жияни Орифий алмойи-алжойи шеърларини ўқийвериш кулоқни юлиб қўлга олиб берганида, мен Мухсинани ундан рашк қилиб аҳмоқ бўлганимда, биз ҳали шунчаки пиёдалар эканимизда, ғўзашунос чол пиёданнинг бири муқаррар тарзда фарзинга чиқибни сезган экан. Ажабмаски, нуфузини ишлатиб, Ўртақўрғон сув омбори қурилишига Ошнони, айна Ошнони бошлиқ қилиб жўнатган ҳам унинг ўзи бўлса!.. Ғўзашунос чол янглишмади, Ошно юксалдию суву ҳавонинг ихтиёри унинг қўлига ўтди. Ерни қўлга олдики, нуқул ўзи билан шогирдларининг навларини эктирди, сувни қўлга олдики, иккита азим дарёнинг йўлини тўсиб, ҳар қадамда биттадан тўғон, ҳар икки қадамда биттадан сув омбори қуриб, Ошнони қуритди, бандаргоҳи бор шаҳарларни, юзлаб кемаларни қирғоқдан ўнлаб қақирим нарига олиб юборди, қўйи ўзан лабидаги иккита воҳани қуритди, аввал гужумларини, сўнг олмаю ўригини, ҳали навбат одамларига ҳам келади!..

Наҳотки шунча иш битта одамнинг қўлидан келса, деб ҳайрон бўлган кимса топилмади. Сабабки, ғўзашунос чол уруш йилларида беш кечаю беш кундуз кичик ертўлада ажойиб бир полковник билан тупроқ босиб қолиб кетган экан. Беш кечаю беш кундуз нон-намакни баҳам кўришган, кейинроқ, полковникнинг юлдузи ярқирагандан ярқираб, шуурга сиғмас бир ёғдуга айланганида, собиқ полковник нақ маршалга, бир чеккаси Катта Пахтакорга айланганида, кичик ертўла ҳақида каттакон китоб ёзиб, китобида қуролдош дўсти Александр Шоймардоновични ҳам эсладики, ғўзашунос учун бундан улғувроқ фатво бўлмоғи мушкул эди.

Ғўзашунос эндиликда шунчалар қудратлики, агар Африқода бирор давлат тўнтарыши рўй берса, энг аввал, бу ишда Александр Шоймардоновичнинг қўли йўқмикан, деб сўралади.

Пиринг шайтон бўлса, мазҳабинг маълум.

Лекин, жиддийроқ ўйласак, Ошно бошдан эҳтиёткор эди-ку?

Бугун хашаки армон билан эсланадиган беғубор ёшлик давлари ростдан ўшандай эдими? Ёшлик, дорилфунун... Ёшлик жудаям беғубор бўлмагандирки,

дорилфунда сафларни тозалаш кампанияси борар эди, жон илинжида бир-бирларини сотаётган домлалару талабалар сафи сийраклашиб қолар эди ҳамки, тозалаш тугай демасди. Яхшибоевга биров дахл қилмасди, у чапани эди, кўкрагини очиб юрарди, сиёсатдан гапирмасди — ундан кўрқишарди. Лекин Ошно қандай омон қолди? Ахир Ошно ўта фаол эди, хушбичим эди, хушмуомала эди, яхши ўқир эди — ҳасадга арзигулик! Бугунги дўст — эртанги душман, ўзим доғсиз қолайин деб ўзганинг юзига лой чаплаш... Э, кўп эди бунақаси. Кўп эдики, бугунги нуроний чоллардан анча-мунчаси балчиқ юқи кетмаган қўлларини бекитолмай гаранг. Ошнонинг бугун ҳам қўллари оппоқ, ўшандаям оқ эди. Иродани қаранг! Тазийқ темирдан эди-ю, Ошно чап бериб кетарди. Э, у пайтларда Ошно эмасдиям, шунчаки, Булдуруқ деган гадойтопмас қишлоқдан ўктамроқ ҳамқишлоғи Назарга эргашиб келган соддагина ўсмир эди! Лекин зеҳн... зеҳни дуруст экан-да, а? Бўлмаса, тозалаш пайтида у ҳам минбарларга чиқишга мажбур эди. Бошқалар минбарга чиқиб, очиқдан-очиқ: «Булар — душман, буларнинг хатоси — кечирилмас, бизнинг йўлларимиз ҳеч қачон кесишмайди!» — деб хитоб қиларди. Ошно эса бақирмасди. У бугун лаънатлар бўронидан эгилган одамларнинг руҳи билан қачонлардир юзма-юз келишини биларди, уларга ачинарди, аяб гапирарди: «Келинглар, улуғ келажакни биргаликда қурайлик. Бўлинганни бўри ер, деб айтишадди, орамизда бўлинганлар ҳам, бўрилар ҳам бўлмасин, ҳамжиҳат бўлайлик, мафқурани ростлаб, саодат дамларини ҳам биргаликда кўрайлик».

Қизиқ, бирор марта ҳам сўкмаган экан-а?

Қизик, нега унинг «таслимчилик» руҳидаги сўзлари ўшанда бирор кишида ҳам шубҳа уйғотмади? Бирор сеҳрли жозибаси бор эдимиз, мисоли Муҳаммаднинг пешонасидаги нурдай..

Тозалаш мажлисларидан ижара кулбаларига қайтиб маънос бўлиб қоларди. Айтардики, қийналдим, Назар жўра, мағзава тўқолмадим, ким ҳақу ким ноҳақ эканини биз билмаймиз, балки улар ҳақдир, балки — булар, рости гап, кечалари уйқум қочади.

Яхшибоевнинг уйқуси яхши эди. Ошнонинг ҳадиғини кейинчалик тугал тушунди. Лекин унда тузукроқ эътибор ҳам бермаган, шунчаки юпатиб айтганки, сени биров чертса бас, қон қусдираман, ошна!

Соддаликни қаранг!

Маълум бўладиким, Яхшибоев сиёсат учун яратилмаган экан-да? Бўлмаса, унияма жуда аҳмоқ деб бўлмасди, пухтагина эди, макри одмироқ эрса-да, бўлажак сиёсатчини лақиллатиш учун бемалол етиб-ортарди.

Бир ёқдан беради, бир ёқдан уради, деб айтганлари тўғридай. Хайриятки, ўшанда эҳтиёт бўлишни ўйламагани. Уйласа бас эди, бир балога гирифтор бўларди. Эҳтиёткорлик Ошнога ярашади, анави ғўзашунос Шоймардоновга ярашади, негаки, ғўзашунос ҳам аслида сиёсатчи, бўлмаса, ўша йилларда бошқа миллат вакилига уйланиб, Клавани Комилага айлангириб, ўзини Искандардан Александрга айлангириб олармиди? Аралаш никоҳ эди бу. Сиёсат ва кўрқув аралашган никоҳ. Янгича Комилаю янгича Александрлар юртимизда кўп, ажабсинадиган жойи йўқ, лекин ғўзашунос чолнинг эллик олтинчи йилга келиб Комилани яна Клавага айлангириб, қўлига талоқ хатини бергани-чи? Ўзининг исмини ҳам яна қайтиб «Искандар» қилиб олди, лекин халқ, барака топсин бу халқ, эсда сақлаб қолган экан — ҳали-ҳануз Александр Шоймардонович деб атайди. Ҳозирги хотини ҳам Комила, бу Комила ҳам анча қариб қолди, лекин нариги Комиланинг талоқ хати қўлига текканида бу Комила ёш эди, аспирантка эди, ғўзашунос Александрнинг ортидан чигит солинган тоғорачани кўтариб юрарди. Тоғорачадаги чигитларнинг мағзи пучроқ эди, лекин мағзи тўқ чигитлар четда қолиб, миллионлаб гектарларга айни тоғорачадан уруғ сепилди, сабабки, тоғорачанинг эгаси бошқалардан зўрроқ, нуфузлироқ, доғулироқ, қабихроқ, палидрок, ифлосроқ, балою баттароқ чиқди!

Искандар ҳам шунақа бўладими?

Ташбеҳлар ноўрин, деб ўйлади Яхшибоев, қиёслаганда бунинг рақиблари туғул, оғиз-бурун ўпишган ҳарифлари ҳам фариштага айланиб қолади!

Алами кўзиди. Ошнони сўқди. Бузоқ, деди, ғўзашуноснинг етовидидаги бузоқ, аслида уям ҳариф, бошқа ҳарифлар билан қўшилиб, еру сувни халфана қилиб ейишди. Яйловлар йўқолди, боғу роғлар йўқолди, бугунги кунда Яхшибоев бозордан бир кило ғўштни саккиз сўмга, бир кило ўрикни уч сўмга олади!

Халқ нима деб ўйлайди, ўртоқ Яхшибоев?!

Шуни эслаб кулди. Халқ нима деб ўйлаётганикан? Жим турибди шекилли. Ҳа-я, жим турмаганда ҳам, дардини мен билан Ошнога айтармиди!

Сирасини айтганда, мен ҳам халқнинг бириман-да. Қалинлик, дўстлик, ошнолик, боринги, ҳарифлик деганлари бариси ёлғон аслида. Бариси — сароб, босиброқ тикилганда тарқаб кетади. Лекин тикилиб қарайдиган одам йўқ. Эҳтимол, кейинроқ топилиб қолар... Ҳозирча мен усталик қиялман, йўлни топялман. Жабрдийда бўлиб кўришиш қийин эканми! Ана, Саидқул Мардонни Булдуруққа обориб, итдай ишлатиб, анча жойга боғ эктириб, роса дийдиде қилдим-ку? Уям лаққа тушди, ишонди. Умуман, ишончли одам у. Улигингни ишониб топширсанг ҳам бўлади. Ҳар ҳолда, итларга ташлаб юбормайди. Худодан кўрқади. Йўқ, одатда бунақалар худосиз бўлади, булар кўпроқ ўзлари-

дан қўрқишади. Виждон деб аталмиш азиз матоҳлари бор, ўшани кўтариб югурганлари югурган: аравага қўшилган отдай ҳоришади, пешонадан реза-реза терни артиб олишади, билишмайдики, қўллари — бўм-бўш, ҳеч вақо йўқ, Искандари Зулқарнайнинг қўлидай, бўш, бўш! Искандар сал ақллироқ бўлган, у бор-йўғи ўлаётган пайтида қўллари бўшатиб олган, лекин Саидкул Мардонга ўхшаган афандиларнинг қўллари туғилган чоғлардан бери бўм-бўш!

Лекин Ошно менга панд бергани рост. Ҳаммаёққа сувни сувдай оқизган одам, мендан бир тегиримон сувини аяди. Биргина шу армоним рост эди менинг. Лекин Ошно армонимни ушалтирмади. Сабаби — Булдуруқнинг ўйдим-чуқурлиги, текислаб бўлмаслиги, пахта унмаслиги. Ваъдаси эсдан чиқди. Аввалроқ эсида эди, ҳатто қишлоқнинг номини ҳам ўзгартирган эди, ҳаттоки муҳр заказ қилган эдики, бундан буён ва то абадул-абад Булдуруқ қишлоғи Лолазор деб аталсин. Хайриятки, Ҳотам Шўро муҳрни йўқотиб қўйди, атай йўқотдимми, ённки тасодиф туфайлими, лекин Ошно иккинчи гал муҳр заказ қилишга эринди — энди жабҳа кенгайган эди, энди юксалиш пайти келган эди.

Демак, Ошно мени алдади, деб айтишга ҳаққим борми?

Йўқ, собитроқ туриш керак, ўртоқ Яхшибоев, дарахт кесилганда ёнидаги бачкиларнинг омон қолиши қийин. Кучайса ё битта, ё иккитаси кучаяди, лекин уларнинг ҳам томири туташлиги доимо эсда туради. Омон қолганида ҳам, ҳеч қачон дарахт номини ололмайди, бачки дея аталаверади. Бачки минг улғайганда ҳам четда қўлиб кетаверади, кесилган дарахт ўрнига бошқаси экиладики, буниси бутунлай бошқа дарахт.

Садоқатли бўлишга онт ичди.

Ич-ичида алам туйдики, йўриқдан чиқиб кетмоқнинг ҳеч иложи йўқ. Бир душманим тўғри айтиб эди, мен тан олиб эдим, лекин тўғри гапларини бошқаларга ҳам айтиб юрмасин деб, Шарифнинг, гўринг нурга тўлгур Шарифнинг қўли билан яқсон қилиб ташладим, қайтиб ўнганмади. Уям бир дарахт эди асли, ёнида бачкилари ҳам бор эди. Шарифнинг оташи зўрлигини қарангки, дарахтни ҳам, бачкиларини ҳам қуритди — худди тагига бутифос қуйгандай қилди. Лекин ўша душманим закий инсон эди. Гапимиз чап тушиб қолганида айтган эдики, э, Назар, сен бор-йўғи чиябўрисан, холос, арслон ўзи ов қилади, ўлжасини тириклай тутиб иссиқ қонини ичади, чиябўри эса, арслондан қолган-қутган ўлимтигу майиб-маслуқларни териб юради. Узига бино қўйган эди душманим, лекин арслонга дуч келолмади, бор-йўғи чиябўрига ем бўлди, холос. Чунки бу пайтга келиб чиябўри кучга тўлган эди, бу пайтга келиб бир замонлар кимсан Гўрўғлино Алпомишларга қарши гурзи кўтариб чиққан паҳлавон — гўринг нурга тўлгур Шариф Валломатдек синалган соҳибқирон аслида ўша чиябўрининг бир панжасига айланган эди.

Йўқ, энди ортга чекиниб бўлмайди.

Бир соатча ўтиб, қабулга тайёргарлик бошланди. Палатани ювиб-супуриш аслида санитар кампирларнинг иши эди, лекин уларга ишонишмаган чоғи, иккитагина озода врач хотин, бири супурги, бири латта осилган таёқ кўтариб келишди. Пилесос судраган йигит ҳам врачлардан эди.

Безовта қилинган Яхшибоевга ёқмади. Оҳорли кийим кўтариб кирган аёлни қувиб юбориб, каравотга ялпайиб ётиб олди. Фаррошликка келган хотинлару эркаклар иш бошлаёлмай, гаранг бўлиб турдилар. Хабар етган чоғи, бош врач муовини Раҳматов музокарага келди.

— Домлажон, — деди ялтоқланиб, — бошқа бир палата ҳозирлаб қўйдик, бу ёқни саришта қилгунимизча ўша жойда дам олиб турсангиз.

— Э, бор-э! — деб қўл силтади Яхшибоев. — Мен касал одамман, сенга қолса, келадиган одамни пастга тушиб кутиб ол, деб айтарсан?..

Раҳматов кўрсаткич бармоғини лабларига босди: тсс!.. Кулгили эди. Яхшибоев унинг майдалигидан кулди. Танини енгил титратиб куларкан, завқ билан ўйладики, сен бунгаям ён бер, ўртоқ Яхшибоев, ахир, айни лаҳзалар Раҳматовнинг умридаги энг ёрқин лаҳзалар бўлиши ҳам мумкин-ку? Балки бу кейинчалик бола-чақаларига, ўртоқ Фалончиев ўртоқ Фалончиевни кўргани келганида мен палатадан ахлат ташиганман, деб мақтаниб юрар? Хайриятки, анави оқсоч профессорнинг ўзи келмагани, бўлмаса, унгаям ҳурматим қолмас эди.

— Вазифанг оғир, Раҳматов болам, — деди ниҳоят, кулгисини бас қилиб.

Раҳматов асабийлашди. Қўлини кўксидан олиб, оқ халатининг чўнтагига тикиди, мушт қилиб тугмоқчи эди, лекин ўнг чўнтак торлик қилди, баттар асабийлашиб, чўнтақдан дўппайиб турган нарсани олди.

Атир экан. Қутиси йилтироқ, ёзувлари йилтироқ, чиройли қутича — бир тарафи шаффоф, ичидаги шишача кўриниб турибди.

Яхшибоев супурги кўтарган врач хотиннинг кўзлари ҳайратдан катта очилганини кўрди. Аслроғи шекилли, деб ўйлади, бу бечора бақа бўп қолди-я.

Индамай ўрнидан турди-да, шиппагини оёқларига илди.

— Ун иккинчи палата, — деди Раҳматов қувониб. — Энди, айбга буюрмайсиз-да, домлажон.

Яхшибоев йўлакка чиқди. Ун иккинчи палата тўрроқда эди. Боришни истамади — нима қилади дазмолланган чойшабни ғижимлаб? Лифтга қараб юрди. Пастга тушиб, кузги атиргуллар очилган майдонни кесиб ўтди. Майдон четида ўтирганлар ўринларидан туриб таъзим қилишди. Алик олди. Икки оғиздан илиқ сўз айтган бўлди. Кўрсаки, узоқ бурчакда ҳалиги қишлоқи раис... оти нимаydi... Ҳазратқулов, йўк, Маматқулов мўлтираб қараб турибди. Яқин келиш тугул, бош ирғаб саломлашишга ҳам юраги дов бермайди. Бечора, деб ўйлади, сенгям етибди-да Ошнонинг хабари, бу ёқда анави аҳмоқ Раҳматовнинг сир сақлайман деб лабига бармоқ босганига ўлайми! Сен ҳали соддасан, болам, деб ўйлади, бу жойларга ўша келишни нинг келишини тасаввур ҳам этолмайсан, унинг мени кўргали келишини эшитиб, куни кеча мен билан гаплашганларинг ёдинга тушиб, ҳаяжондан ёрилиб ўлай дедингми? Бу нарсалар бизга жуда таниш, Маматқулов укам, отинг Чорибой эди чоғи? Анави букилиб таъзим қилганларга кўпам ишонма, уларнинг яшаш тарзи шу.

Ешгина бир ҳамшира гулдаста келтириб тутди. Эсладики, аввал ҳам гул берган эди бу қиз, лекин унда кимлигини билмасди, билмагани боис, самимий узатган эди гулини, лекин бу гал... бу гал намоёишкорлик бордай. Ҳаттоки тиззагинасини букиб таъзим ҳам қилди. Вой қизгина, фаришта қизгина, вой сен бокира қизгина, бузилишинг шунчалар осон экан-да, а?

Сенгям Ошнонинг дараги етибди-я!

Секин гулни ҳидлади, лекин димоғида гул ҳидидан ҳам ўткирроқ ва муаттарроқ бир бўйни туйди. Қараса, ёнидан тўрхалта кўтарган бир соҳибжамол ўтиб боряпти, бўй ҳам ўшаники, нима бало, атирга чўмиладими булар?!

Атир сал кўпайиброқ кетди, деб ўйлади, биргина бадантарбиячи хотин атирга бефарқроқ чиқди, қолган ҳаммаси, ҳамма одамлар, ҳамма палаталар атир ҳидига бурканди қолди.

Виқор билан, солланиб-солланиб кета бошлади. Қум тўшалган йўлак тоза қилиб супурилган экан, сув ҳам сепилган экан, йўқ, ҳаттоки қумнинг ўзи ҳам янгиланган экан.

Этиборингдан айланиб кетай, одамзод! Бахшилар топиб айтган лекин: дам — бу дамдир, ўзга дамни дам дема! «Ушбу дам»ни қўшиб таҳрир қилган дostonшунослар ушбун пишириб ебди, асли яхши, асли — ҳақиқат! Яша, ўртоқ Яхшибоев, бу кунингдан ўл, лекин айни дамни яшаб қол! Бу дунё омонат эканини унутма!

Рўпарасидан хумкалла Эркинов чиқди. Юзида тавозе, югуриб келиб пинжигга кирди.

— Устоз! — деди тўлиқиб. — Бир маслаҳат бор, деб эдингиз, шунга...

Оббо, деб ўйлади Яхшибоев ғижиниб, шогирд яна биттага кўпаядиган бўлди. Хира пашша бу, ўлгандаям шогирд бўлолмайди. Зуваласи хом, шогирд дегани чўбир отдай пишиқ бўлиши керак, бу эса бир марта улоққа ярайди, холос.

— Сабр қилинг, Шамси Қамарович, — деди табассум қилиб, — сизга бериладиган топшириқни аввал бир пишитиб олайлик.

Эркинов таъзим қилди. Эргашмоқчи эди, лекин ортдан етиб келган Раҳматов халал берди.

— Домлажон, унутиб қолдирибсиз, — деди у, — сайрга чиқибсиз-у, лекин буни унутибсиз.

Яхшибоев унинг қўлидан ҳассасини олди. Чиройли ҳасса эди. Аждар бошли ҳасса. Аждарининг турқидан одам кўрқадиган ҳасса. Шогирди Равилбой совға қилган эди буни, қайдандир узоқдан, Голландияданми, Португалияданми олиб келган экан. Ажнабийча ёзуви ҳам бор. Лекин бу замонда ёзувга ҳам ишониб бўлмайди, ажабмаски, Ачавотдаги ажнабийларнинг ёзуви бўлиб чиқса...

Ҳассани ўртароғидан тутиб, чап кафтига шапиллатиб уриб кетаверди. Хиёбон узун эди; узун, серсоя, салқин, ён тарафлардаги дарахтлар тубидаги ўтлар ҳалигача ям-яшил, ердан диккайиб чиққан темир найчалар учидан шабнам пуркалиб турибди.

Атир кўпайиброқ кетди, дея бот эслади, ишқилиб, яхшиликка бўлсин. Биз бечораларга эрталаб юз ювадиган ироқи совун билан, соқол қиртишлагандан сўнг суркайдиган мундайроқ атир ҳам кифоя эди, лекин Ошнога ярашмас экан-да...

Киноя қилаётганини сездию шайтонга ҳай берди: ношукурлик қилманг, ўртоқ Яхшибоев.

Хаёлига келган қалтис фикрдан чўчиб тушди. Нима бўларди, деб ўйлади, анави қумлоқ майдончага югуриб қайтсам-да, қизғиш қумни тепкилаб туриб Ошнони баралла бўралаб сўксам... нима бўларди?

Таъзим қилавериб букланиб қолган қадларни ростлаш учун недир бир олижаноб иш қилиш керак-да, ахир! Ушанда қадлар тикланади, анави «ҳассакаш»лар қўлингдаги ҳассани тортиб олиб, чалажон қилиб савалайди! Қизиқ томоша бўларди, лекин!..

Дарвоқе, Мирза Охун лақабли бир яҳудий фотограф бор, касби арзимас-у, лекин фоли йирик, секин бош ликиллаб, секингина жилмайиб айтадики, вот уйдет катта, и бюджет тамаша!

Лекин ҳозирча томоша бошлангани йўқ. Томоша умуман бўлмаслиги ҳам мумкин — билет олганлар пулига куйиб қолади, холос. Ҳозирча атир сепишяпти, тушажак тундаги уйқу ҳаром бўлди деявер!..

Иримчи эди Яхшибоев. Ошно билан биринчи бор аразлашиб қолганларига ҳам шу атир сабаб бўлувди. Уртақўрғонга «сурғун» қилинишидан сал олдин, олтмишинчи йилларнинг ўртароғида Сурхондарёнинг Тожикистонга туташ бир районига бордилар. Обод жойлар экан, боз устига, Ошно билан урушда қатнашган бир-икки фронтовик жўралар ҳам топилди, уларни ҳам бирга олиб юриб, йўл-йўлакай тузукроқ мансаблар билан таъмин этиб, ахийри, илғор бир колхозга етдилар. Колхоз Ошнанинг келишига пухта ҳозирлик кўрган экан — бечора кун бўйи тасма кесибдан бўшамади. Гоҳ янги мактабда тасма кесади, гоҳ янги боғчада тасма кесади, гоҳ — касалхонада, гоҳ — ҳаммомда... Кун пешиндан оққанда қишлоқ четидаги улкан молхонанинг тасмасини кесишга борди. Зўр молхона экан лекин. Ем-хашак ўзи келиб турибди, сув ўзи келиб турибди, гўнг деган нарса ўзи ташқарига чиқиб кетяпти, хуллас, сигирларнинг ўзларига иш қолмаган ҳисоб — сут беришса бас. Елинлари ерга тегай деб турган ҳар зотдор сигирларки, Яхшибоев бунақасини умри бино бўлиб кўрмаган эди. Молхона унга ёқди. Ҳайрати ошгандан ошаверди. Бир маҳал қараса, молхона ҳавосидан кўкракни тўлдириб-тўлдириб шимиряпти, молхона ҳавоси бутунлай ўзгача, ғирт ифори, йўқ, ифор деганлари ҳам ип эшолмай қолади, нақ мушку анбар, гўё «Минг бир кеча» ичига кириб қолмагандайсан, гўё сен шаҳзодасан, ҳозир хипчабел малика муқом қилиб киради, йўқ, у аллақачон кирган, фақат кўзга чалинмай турибди — париларнинг одати шунақа ўзи, аввал кўзга чалинмай туради-да, кейин бирдан пайдо бўлади, ҳушингни оғдиради, бир қарашда кўнглини забт этолмасанг «пирр!..» этиб учиб кетиши ҳам мумкин... Ана шунақа анвойи ҳидлар!

Ажабки, пари йўқ эди, шунчаки сигирлар, зотдор-у, лекин бари бир сигир, охурдаги емишни еб бўлиб, энди ҳузур қилиб кавш қайтараётган сигирлар.

Ана сенга назокат! Ана сенга меҳмондўстлик! Нозик димоқлар озорланмасин деб, сигирларнинг жунига атир суртиб чиқишибди-я!

Маъмурчилик замон бу, бўлмаса, мингта сигирга атир етказиб бериш осонми!

Ҳайриятки, пиқ этиб кулиб юборганини биров сезмади. Ошно район раҳбарлари билан гаплашиб турганида, четроқда қолган колхоз раисининг ёнига борди. Раис ҳали ёш эди, қорақошу қорақўз эди.

— Қаерда таълим олгансиз, мулла йигит? — деб сўради.

— Москвада, — деди раис фахр билан, — Тимирязев академиясида.

— Кадрларимиз кучайиб боряпти, — деди Яхшибоев Ошнога қараб. — Отасига раҳмат ўша Темирнийёзовнинг, яхши ўқитибди.

Ошно кинояни пайқамасди. Дўсти улғў олимнинг номини бузиброқ айтганидан хижолат бўлди, холос.

— Молхона яхши қурилибди, — деди район раҳбарларига юзланди. — Энди мана шунақа олижаноб молхоналарни кўпайтирайлик.

Э худо, дунё бунчалар тор бўлмаса! Олижаноб молхоналар, ахир, бу асли Ошнанинг ибораси-ку? Расм бўлиб кетган экан-да? Қайси кун анови Чорибой укамиз Маматқулов ҳам шу гапни айтгандай бўлди, демак, юққан экан-да унгаям?..

Олижаноб молхоналар! Ахир, буям бир шиор экан-да, а?

Нодон Яхшибоев, аҳмоқ Яхшибоев, шўринг қуримаса, уч-тўрт бор бирга сафар қилибоқ ўзингни хос одам чоғлаб қолармидинг!

Уша суҳбатни аниқ-таниқ эслади. Жавзо кирмаган эди — буниси аниқ. Сабабки, Сурхон дегани анча жанубда, жавзода ўтлар сарғайиб улгуради, лекин унда кўм-кўк эди, улар тушган машина қизғалдоқлар қоплаган қиру адирларни оралаб елиб борарди. Олдинда кўк чироғи липиллаган «Волга», орқароқда яна бир қатор «Волга»лар, ўртада ўзлари, оғир, учганда ҳам имиллайдигандек туюлувчи чиройли лимузин, кўшниллар юртига — Регар шаҳрига томон борар эдилар. Шофёр билан уларнинг орасида шиша девор бор эди.

— Сурхон аҳлининг ишлари ёқдими, ўртоқ Яхшибоев? — деб сўради Ошно.

— Тузук, — деди Яхшибоев. — Мен бу ёқларга биринчи бор келишим. Қиёслаш имкони йўқ.

— Ёзувчи одам кўпроқ кезиши керак, айниқса — сиздек босиқ ёзувчи. Енгилтак ёзувчиларимиз ҳам бор, ўртоқ Яхшибоев. Кеча биттаси очерк ёзиб, мениям қўшибди: «Хорун Калонович шарақлаб кулди».

— Ўқидим, — деди Яхшибоев. — Умуман маъқулдай.

— Менга маъқулмас, — деди Ошно. — Илтимос, унга айтиб қўйинг, минбаъд мени қўшмасин. Мен қумғон эмасман — шарақлайдиган!..

— Хушомадни ёмон кўрасиз, оқсоқол, — деб мақтади Яхшибоев. — Бир гал саратонда лойга ботиб қолганимиз ёдингиздами? Тупроқ йўлдан борувдик, чанг кўтарилмасин деб сув сепишган экан!..

— Шундайми? — деди Ошно хиёл ажабланиб. — Эслаёлмайман, ўртоқ Яхшибоев.

— Энди, сиз кўп юрасиз-да, оқсоқол, — деди Яхшибоев, — қайси бириям эсингиз-да турсин...Унда, лоақал бугунги молхона эсда тургандир?

— Молхона зўр қурилибди.

— Баҳаво экан, оқсоқол, шуниси менга ёқмади. Мен чўпон боласиман, жўнликни хуш кўраман, дейлик, сизгирдан атир ҳиди эмас, гўнг ва жун ҳиди келишини истайман.

— Кекчи бўлиб қолибсиз, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно жилмайиб. — Тушунинг, азизим, ҳамма ҳам сиздек зукко эмас. Бировлар борки, тавозе қиляпман деб ўйлаб, аслида хунук тиржайиб қўйганини билмай қолади. Яъниким, лутф деганлари ҳам одамига яраша. Сизда — анча нозик, буларда — сал қўполроқ... Лекин, бариси бир лутф-да, ўртоқ Яхшибоев. Биз сизни жуда қадрлаймиз, аммо буларни ҳам сиздан кам кўрмаймиз...

Яхшибоев бирдан ҳушёр тортди.

— Оқсоқол, — деди мурасосозлик билан, — балки бу сизга ёқмас, лекин лутф билан хушоматни фарқлашимиз керак. Хайриятки, қоракўз раиснинг инқилобдан кейин туғилгани, олдинроқ бўлсайди, юрт оғалари келганида хотинини ҳам тортиқ қиларди!..

— Оббо сиз-э, ўртоқ Яхшибоев! — Ошно тиззаларига уриб кулди. Қаттиқ кулди. Кулгиси шиша девордан нарига ҳам ўтди шекилли, рулдаги шофёр безовталанди, ортга қарамоқчи бўлди, лекин т а о м и л н и бузмасликка ақли етди.

Анави очеркачи тўғри ёзибди, деб ўйлади Яхшибоев, у ростдан ҳам қумғондай шарақлаб кулади.

— Тагин бировларга анави баҳаво молхонани гапириб юрманг, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно сал жиддийлашиб, сўнг, сал ўйлаб туриб, яна жилмайди. — Бариси сизу бизни иззат қилишганидан. Халқимизнинг меҳри дарё. Дарвоқе, жўн дарёни жиловлаш мумкин, лекин меҳр дарёсини асло тўсиб бўлмайди.

Ошно охириги сўзларини т а р и х у ч у н айтаётганини Яхшибоев сезиб турди, лекин негадир эслаб қолишга иштиёқ тўймади. Ошонинг кўп кулиб, кўп жилмайгани ҳадигини оширган эди, кўнгли аниқлик тўсади:

— Оқизиб кетадими, оқсоқол?.. — деб секин сўради.

— Оқизиб кетиши ҳам мумкин. Тошқин одам танлаб ўтирмайди, ўртоқ Яхшибоев, каттаю кичик баробар унга...

Хайрият, Ошно э с л а т д и . Бавосита бўлса-да, бари бир эслатди. Ўртақўрғонни, сув омборини, тўғонни, Олияни, сувга оқиб кетган-у, ёғоч бешик туфайли омон қолган гўдакни, Олиянинг озодлиги эвазига Яхшибоевни сотиб олганини эслатди.

— Тўғон бошида турган одам-чи? — деб Яхшибоев. — Аямайдими? Меҳр дарёсику бу дарё?.. Дарғаси бор-ку бу дарёнинг?

— Дейлик, у кўрмай қолади, — деди Ошно тик қараб, юзидан тавозени узмасдан. — Шунақа бўлиши ҳам мумкин-да, ўртоқ Яхшибоев?..

Ошкора таҳдид эди бу. Таҳдид не бўлиши Яхшибоевнинг эсидан ҳам чиқиб кетган экан, эшитиб ғамгин бўлиб қолди. Ҳарна, иззат-эътиборга ўрганган одам, назардан қолгиси келмасди. Шаккоклик қиларга тоби бордай эди, лекин кучи етармикан?.. Шаккоклик — йўқчилик дегани асли, иззат йўқ, обрў йўқ, ола қарашлардан ўзга ҳеч нарса йўқ. Эвазига — озгина ғазаб ва озгина ғурур билан яшайсан, холос.

Яхшибоев ўшандай яшашга уриниб кўрди. Ошно уни бир муддат тинч қўйди, сафарларга Александр Шоймардоновичи олиб кетадиган бўлди. Яхшибоев ҳам ўзича сафар ихтиёр этди, ҳеч кимга айтмасдан шаҳардан чиқиб кетди. Тоғдаги чўпон танишининг ўтовида бирор ўн кун беташвиш яшади; қирғизлардан қимиз олиб ичди, тандирқабоб еди, икки-учта ҳикоя ёзди. Тунлари ўтов ёнига чиқиб юлдузларга боқди, оламнинг бемисл чексизлигини қайта-қайта идрок этди, ўзининг, бошқаларнинг, ҳаттоки Ошонинг ҳам айна бемисл олам қолдида арзимас зарралар эканини ўйлади.

Шаҳарга қайтса — ҳамманинг юзида ташвишу ҳадик. Билсаки, ўн кундан бери Ошно бетўхтов сўроқлаётган экан. Бориб, унинг тундлигини кўрди. Умрида биринчи бор Ошонни бунчалар тунд кўриши эди. Ҳайиқмади, кўзларига тик қаради. Узр, деди, сал кечикдим, аввалроқ огоҳ этмаган экансиз, ўзимга яраша ишларим бор эди. Ошно унинг кўзларидаги саркашликни пайқади, совуққина жилмайди, сўнг, ҳол-аҳвол ҳам сўрамай, бирдан расмий оҳангга ўтдики, сиз, ўртоқ Яхшибоев, фақат ўзингизни эмас, элни ҳам ўйланг, зудлик билан Ўртақўрғонга кетишингиз керак, у ёқдаги ишларни тартибга солиб бермасангиз бўлмайди. Яхшибоев бу гапларнинг шунчаки лалми дўқ эканини сезиб турарди, андак ялинса, важ кўрсатса қоларини ҳам биларди, лекин ўша ўн кунлик озодлик шавқи сўнмаган экан паст тушгиси келмади.

«Сургун» муддати роса уч йилга чўзилди. Ўзи ҳам, Муҳсина хоним ҳам Тошкентга унвондор бўлиб қайтдилар. Муҳсина — майли, лекин ўзининг унвонида мазах бор эдики, Яхшибоевнинг хўрлиги келарди, имкон топса-да, ўша фармонни бекор қилса. Хайриятки, анави хушфёъл олим болаларнинг эс-ҳуши кирарли-чиқарли бўлса ҳам, Яхшибоевнинг илк унвони — «хизмат кўрсатган артист»ни эсламасликка фаросатлари етади.

Ошно пешин ҳордиғи маҳали келди. Енида профессор Ваҳобов билан бўйдор бир йигит бор эди. Ранги синиққан экан — бунга Яхшибоев узоқ сафар заҳматиға йўйди. Ота-

сига раҳмат, шунча баҳру уммонларни кезиб юрса-да, тепишиб ўсган жўрасини унутмабди.

Яхшибоев ҳозирги ҳолатда кўришиш таомили қанақа бўлишини билмай, бир зум каловланди. Ошно ўзи қутқарди уни, зуд юриб келиб бағрига босди. Қучоқлашган пайтларида Яхшибоев Ошно оёқ учларида кўтарилганини сезди, хижолат бўлди, беихтиёр тиззаларини озгина букди. Уйладики, манави дўхтир билан кўриқчига бало борми жўралар учрашган пайтда!..

— Бурга тепдими, ўртоқ Яхшибоев?! — деб хитоб қилди Ошно. Хитоби сунъийроқ чиқди. Унинг ҳам гувоҳлардан хижил экани сезилди. — Бу нима қилиқ, — деди овозига андак шўх тус бериб, — нега ялпайиб ётибсиз бу ерда?

— Негалигини, мана, луқмонлардан сўрайсиз, — деди Яхшибоев профессорга ишора қилиб.

Ошно Ваҳобовга қаради.

— Бир ҳафтада рухсат берамиз, — деди профессор. — Бу кишининг дарди оғирмас, лекин сал дам олишлари керак.

Яхшибоев сездики, профессор инжиганини унутмабди, хаёлида — ўша аппарати. Буниям, анави камгап боланиям кеткизиш керак, деб ўйлади, суҳбатга халал беради.

— Тўғриси, булар мени гаровга ушлаб туришибди, оқсоқол, — деди Яхшибоев кулиб. — Битта аппарат бор экан, шуни ундириб бермасангиз жавоб йўқ, деб рўйирист айтишди.

— Ҳали ҳибсдаман, денг? — деди Ошно сал ажабланиб. — Сиз бунақа зўравон эмасдингиз шекилли, ўртоқ Ваҳобов?!.

Ваҳобов зўраки илжайди.

— Буниям тушуниш керак, — дея давом этди Яхшибоев, — ўзини эмас, менга ўхшаган бедаво беморларни ўйлайди. Бор-йўғи ярим миллион турар экан.

— Валюта қатъий ҳисобда, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно жиддийлашиб.

Яхшибоев хато қилганини сезди. Касал одамнинг гаплари сал бошқачароқ бўлиши керак эди. Тўғри, турқ-тароват касалга ўхшайди, соқол ўсган, кўзлар киртайган, ранг заъфарон, лекин гаплар анча т и р и к. Ярашмайди, беморга ярашмайди.

— Энди, оқсоқол, — деди ихраниб, — у аппарат сиз ўйлагандай тахчил матоҳ эмас. Москвада бор, Ленинградда бор, Киевдаям бор, бу ёғи қозоқ дўстларимиз билан тожик дўстларимиз ҳам сотиб олиш тараддисиди. Энди, шугина арзимас нарса бизларда бўлмаса... уят эмасми?

— Оббо сиз-эй, ўртоқ Яхшибоев, миллий ғурур, денг? Биз сизни анча камситибмиз-да, а?..

Ваҳобов саросимага тушди. Чамаси, у орзу қилган аппарат Душанба тугул, Москва-нинг ўзида ҳам йўқ эди ҳали.

— Беморингиз жуда таъмагир чиқди, профессор, — деди Ошно кулиб. — Майли, касал одамга рад жавоб этиш ўзи қийин. Сиз бирор ҳафтадан кейин телефон қилинг, профессор. Хўш, яна қандай илтимослар бор?..

Профессор зийрак эди, иззати битганини сезди. Недир жўяли бир баҳона топиб, палатадан чиқди.

— Сиз ўртоқ Саломов билан боғланинг, Темирбек, — деди Ошно ҳамроҳ бўлиб келган бўйдорк йигитга қараб.

Йигит ҳам Ваҳобовнинг ортидан жўнади.

Яхшибоев дурустроқ диққат қилди. Ошно ғамгин эди. Ранги баттар заҳил тортибди, ёноғидаги чандиқ билинмай кетибди — устидан чуқур бир ажин тушибди. Аввалги сафар кўрганида бу ажин йўқ эди.

— Узоқда турибки ҳол сўрадингиз, оқсоқол, мен фақирнинг бошим осмонга етди, — деди Яхшибоев. Кўнгли бузилди, кўзлари намланганини сезди. — Минг раҳмат, оқсоқол.

— Қўйинг, Назарбой, — деди Ошно уни исми билан атаб, — болалиқдан бери синашта бўлсак... Биз яна кимгаям сиғинамиз...

Яхшибоев Ошно расмиятни қўйиб исми билан атаганига ажабланмади, аташи шарт ҳам эди, касал кўргали келганда андак хонаки илтифот бўлмасдан иложи йўқ, лекин анави — «сиғингани» нимаси?

Яхшибоев ҳушёр тортиди. Эсладики, қайси куни узоқ мамлакатда туриб сўроқлаганида ҳам овозида зорланиш бордай эди. Юртни соғинганини айтувди, илгариям, сафарга кўп чиққанини, аммо бу гал ўзгача соғинганини...

«Қариб қоляпмизми, жўра?»

Дарвоқе, қайси кунги суҳбатнинг «жўра» сиям бор эди. Ошно тугул, Яхшибоевнинг ўзи ҳам унутиб юборай деган «жўра». Нима бало, бунинг тагига сув кетдимикан? Нега бу ерга келди? Менинг нимамага сиғинади, ана, гирой маддоҳлари бор-ку, «Сиз — Отамизсиз!» деб тушларида ҳам тамшанадиган!

Тушунолмади. Тушунса, ваҳма босарини пайқади. Атай меровлик қилиб, гапни олисроқдан бошлади:

— Жонимдан безор бўлдим, оқсоқол, — деди. — Бир хира пашша ҳафта тугал

тинчлик бермайди, бирор ғаним қатлимга юборган уни, нуқул хушомад қилади, нуқул совға-салом кўтариб келади...

— Иззат қилишганидан, — Ошно Яхшибоевнинг дийдиёсига парво қилмади. — Эл севган адисиз, Назар Яхшибоевич.

— Э, мени қўяберинг, — деди Яхшибоев чуқур уҳ тортиб. — Сафарингиз яхши бўлдимми?

— Тузук. Эндигина йўлини топиб келаётган ўлка экан. Кичкина орол. Табиати гўзал. Асосан туристлар ҳисобига кун кўради.

— Савод, маданият масаласи қандай?

— Унчаликмас. Биз уларга ўз тажрибамизни айтдик. Инқилобгача бор-йўғи икки фойиз саводхон бор эди, ҳозир — юз фойиз, деб айтдик.

— Ишонишдимми?

— Менимча, кўп ишонишмади. Энди, ўртадаги фарқ жуда катта-да, Назар Яхшибоевич, бизда фан ва техника жуда гуллаб-яшнади-да.

Яхшибоев гап мавзуси четга оғиб кетганини сезди. Ошно ёзувчи ёки журналист эмаски, кўрган-эшитганларини газетга сотиш олдидан оғзаки пишитиб оляпти, деб ўйланган. Агар бирор дарди бўлмаса ҳозир ўрнидан туради, вақти оз бунинг, бемор кўргали йигирма минут сарфласа ҳам катта гап.

— Қайтишлари билан яна сафарга чиқадилар, деб эшитдим, — деди Яхшибоев. — Яна хорижгами?

— Йўғ-э, — деди Ошно, — хорижга яна боришга имкон қайда. Энди бир вилоятлардан хабар оламиз. Болали аёлга ўхшаб, у ёқларда ҳам кўнглим алағда бўлаверди.

— Пахта тузукми?

— Тузук.

— Менам радио эшитиб тураман, — деб ёлғонлади Яхшибоев. — Хоразм билан Самарқанд ғайрат қилаётган эмиш.

— Ёшуллинг воҳаси янада ўзиброқ теряпти.

Яхшибоев Ёшуллинг ёқтирмасди. Бир гал воҳага борганида қабул қилмасдан район-ма-район қочиб юрган. Бундоқ қараганда, иззатини жойига қўйгандай эди — жой тайёр, борадиган манзиллар аниқ ва бири-биридан баҳаво, ҳатто Ёшулли минадиган махсус самолёт ҳам хизматида, фақат унинг ўзи тутқич бермайди.

Кекчи эди Ёшулли. Яхшибоевнинг Ошнони рашк қилиб, ўзига «горилла» деган лақаб қўйганини кечиролмасди. Кейин унинг каттакон бир мажлисда чаласавод раҳбарларнинг узундан-узоқ рўйхатини ҳам ҳеч унутолмасди. Рўйхат бошида Ёшуллинг номи бор эди. Ёшулли нодон эди. У ўша кезларда Яхшибоевнинг Ошно билан навбатдаги гал аразлашиб қолганини билмасди. Билса эди, чаласаводлар рўйхати шунчаки дўқ-пўписа эканини, зора Ошно озгина чўчиса, деган илинж эканини пайқарди.

— Энди, бу ерда ётишингиз ярашмайди, Назарбой, — деди Ошно сўлиш олиб. — Сизсиз анча қийналиб қоляпмиз.

Аён бўлдики, Ошно кетмоқчи эмас — дард билан келган. Ишқилиб, яхшиликка бўлсин. Ҳозир у недир бир камчиликдан сўз очади, турган гапки, тасодифий камчилик, социализм учун характерли эмас, лекин шундай бўлса-да...

— Бирор топшириқ борми? — деди Яхшибоев ганин чўзиб ўтирмай.

— Касал одамга топшириқ бериб бўларканми, — деб кулди Ошно. Кулгиси беўхшов чиқди. — Биргаликда Булдуруққа борсак, деган илтимосим эсингиздами?

Ошно дардини айтолмай қийналаётганини Яхшибоев тушуниб турди. Булдуруқ — шунчаки бир баҳона. Агар кўнгли ростдан ҳам Булдуруқни тусаб қолган бўлса, унда ёмон...

— Озгина маслаҳат бор, балки йўлда бафуржа гаплашармиз, — деди Ошно сал туриб.

Яхшибоев тинчланди. Хайрият, баҳона экани рост чиқди. Булдуруқни бошига уради-ми Ошно!

— Дарвоқе, оқсоқол, мен Булдуруқда боғ қиялман, — деб мақтанди. — Кўчатни Саидкул Мардон экиб берди. Ҳу Ўртақўрғонда етим бола бўларди-ку, ўша...

— Эсимда... — деди Ошно. — Айтинг, қишлоққа бориб қабулга бир келсин. Ҳозир вақт тиғиз, тушунасиз...

Қишда қабул тайинладими, ҳали умиди бор, деб ўйлади Яхшибоев, хўш, унда нега бунчалар маънос?

— Қолган ишга қор ёғади, оқсоқол, — деди. — Лоақал бўлажак суҳбатнинг мавзусини айтсангиз, мен шунга яраша тайёргарлик кўрсам.

Бу гап Ошнога маъкул тушди. Чамаси, ўзининг ҳам пайсалга солгиси йўқ эди.

— Тайёргарлик маъносида бўлса — майли, — деди. — Гап шундаки, бир-икки танқидий мавзулар чиқиб қолди. Арзимас камчиликлар. Лекин камчилик деган нарса умуман бўлмаса тузук-да, Назар Яхшибоевич...

Яхшибоев бошини қуйи эгиб, миннатдорлик билдирди. Ошно яна нималардир деб чайналди, лекин мақсадга қамти келавермади. Чамаси, айтмоқчи бўлган фикри фақат

ўзига тегишли эди. Бировга айтмаган, бировга айтиб ҳам бўлмайти, акс ҳолда, ўнинчи даражали бирор амалдор орқали жўнгина топшириқ бераверса ҳам бўларди.

— Қўшиб ёзиш деган гаплар ҳам чиқиб қоляпти, — ниҳоят, Ошно гапнинг учини чиқарди.

— Хабарим бор. Айбдорларни зудлик билан жазолаш керак, токи мадда бойлаб кетмасин. Москва аралашса кеч бўлади. Ташаббус ўзингиздан чиқиши керак, оқсоқол. Самарқандда бир гирой бор. Етмиш центнердан ҳосил олади. Ери юз гектар, лекин аслида икки юз...

— Геройларга тегманг, ўртоқ Яхшибоев. Балки тузукроқ сорт беролмаган олимлар бордир?

— Александр Шоймардонович, — деди Яхшибоев узоқ ўйламасдан.

— Эсингиз жойидами!.. — Ошонинг жаҳли чиқди. — Бошқаси қуриб кетганми сизга! Академик олимга тил тегизасизми?

— Билмадим унда, — деди Яхшибоев ҳафсаласиз. — Акс ҳолда лўлича муолижа бўлади, холос. Чаккадан қон олиш билан иш битмайди.

— Зарбулмасални қўйинг, ўртоқ Яхшибоев, — Ошно жилмайишга уринди, лекин ўхшатолмади. — Сизнингча, жарроҳлик қилиш шунчалар шартми?

— Шарт, оқсоқол. Менимча, жудаям шарт. Керак бўлса, мана, мен ўзимни қурбон қилишим мумкин. Узимни ва яна бир кишини.

Бу гап Ошнога таъсир қилди:

— Шартмас, Назарбой, — деди. — Сизни авайлашимиз керак.

— Бошқа илож йўқ, оқсоқол. Дейлик, мен ўзимни, ўзимга қўшиб Тўпорини...

— Бемаъни гап! — Ошно ўрнидан туриб кетди:

— Чиданг-да, оқсоқол, — деди Яхшибоев. Ўрнидан турмади. Танига недир кучлар оқиб кираётганини сезди, баттар ялпайиброқ ўтирди. — Мен ўзимни аямаяпман-ку?

— Халқ-чи, ўртоқ Яхшибоев, халқиниям ўйламайсизми? Сиз айтгандай жарроҳлик қилсак, халқ обрўсига доғ бўлиб тушмайдами?

Яхшибоевнинг энсаси қотди. Индамай ўтираверди. Ошно торикди, сал муросага келди:

— Дейлик, Кенжабоевни... — деди секин. — Камчиликлари аён, ишни эплаёлмади.

Кенжабоевни эслади Яхшибоев. Пачаққина бир ўзбак, таёқдай тўғри, тўғрилиги — бошига бало; ўзи емайди, бировга ҳам едирмайди, дабдабани хушламайди, плани учма-уч ёки маррага етмайди, сабабки, қўшимча ери йўқ, икки тоғ қопқасида чигит ундиради, холос.

— Кенжабоев халқ эмасми?

Ошно индамади.

— Халқнинг ўзига ташласак-чи? — деди Яхшибоев. — Ким яхшию ким ёмонлигини айтиб берар?

— Анархия бўлади, ўртоқ Яхшибоев!

— Каттароқ қурбон берилмаса бўлмайди, оқсоқол. Жиддийроқ ўйлаб кўринг. Ҳозирча мен кичикроқ бир тадбирни пишитиб тураман. Мақола тайёр. Бир вақтлар Александр Шоймардонович йўққа чиқарган эди. Энди фаҳм қилсам, ўзингиздан ҳам фатво бўлгандай...

— Хўш?

— Ҳозир у одам бетоб.

— Қурбонойми? — деди Ошно ранги бўрдай оқариб.

— Худди ўзи. Балки мен индамаган ҳам бўлардим, оқсоқол. Ҳар нечук, ўзимнинг ҳам ҳиссам бор унинг ёлғончи бўлишида. Лекин бир гап бўлдики, мен ортиқ чидолмайман... Мени ўламан деб қўрқитмоқчи бўлди, бунисиям майли, лекин... агар ўлсам, икки қўлим оқсоқолнинг ёқасида кетади, деб айтди!.. Уни шу-қўйга солган — шахсан сиз экансиз!

— Қурбонойни мен ўлгандан кейин фош этасиз, ўртоқ Яхшибоев!

Яхшибоев Ошонинг титраб кетганини сезди. Ошириб юбордимми, деб ўйлади, сал рандаланса ҳам бўларди, тем более у бечора бу гапни айтгани ҳам йўқ.

— Қурбонойни фош этиш керак, — деди Яхшибоев қатъий. — Кейин навбат Ёшул-лига... Ёшуллинг кимлигини яхши биласиз, оқсоқол.

— Ўртоқ Яхшибоев!.. — деди Ошно бақиргудай бўлиб.

— Лаббай, оқсоқол? — деди Яхшибоев пинак бузмай. — Гапиринг.

Ошно, гўё бўғилгандай, томоғини ишқалади. Ростдан ҳам бўғилган экан, овози ҳир-қираб эшитилди:

— Назар, — деди, — худо кўрсатмасин, бировга ўлим тилаган ёмон, лекин менга қолса...

— Биламан, оқсоқол, — деди Яхшибоев, — сизга қолса, аввал менга навбат берардингиз.

— Йўқ, Назар, — деди Ошно титраб-қақшаб, — икковимиз бир кунда ўлганимиз маъқул. Ушанда сен менга мағзава тўкишга улгуролмайсан!

— Мағзава тўкмайман, — деди Яхшибоев жилмайиб. — Бор-йўғи менгаям очикроқ

гапириш имконини бердингиз. Истаган пайтда йўқотиб юборишинг мумкин, — у ўзи ҳам сезмаган ҳолда «сен» лашга ўтди. — Еддингдами мени сотиб олганинг? Савдомиз Урта-қўрғонда пишувди! Олияни қаматиб, озодлиги звазига мени сотиб олувдинг! Хунимдан қолган озгина насяна эслатишга ҳаққим борми, йўқми?!

— Тезроқ тузалинг, ўртоқ Яхшибоев, — деди Ошно эшикка йўналиб. — Бевовта қилганим учун узр. Гапимни қайтиб олдим, мен сиз билан Булдуруққа бормайман!

Ошно илдам чиқиб кетди. Яхшибоев номига йўлакча кузатган бўлди. Кўрса, дўстига ҳамроҳ бўлиб келган бўйдор йигит четроқда кутиб турибди. Қатор тизилган палаталарнинг айримларида эшик қия очик. Эшиклар ортидан бировлар ўгринча мўралаган, тўрда — йўлакнинг охирида оқ халат кийган касалхона раҳбарлари маҳтал бўлиб кўз тиккан...

Ошно унинг чиққанини сезди. Бир-икки қадам юриб, ортига қайрилди. Бош ирғади — хайрлашган бўлди. Яхшибоев ҳам мардумкўрсинга қўлини кўксига қўйди.

Бинойидай манзара, деб ўйлади, озгина чекиниш бўлди-ю, лекин—майлига, ахир, эрта-индин унинг ҳам чекиниши бор-ку? Ушанда ҳисоб тенглашиб қолар?.. Қайрилиши, бош ирғаши муқаррар эди, шуни билдимки, ортидан чиқдим, чиқмасам гап-сўз кўпаярди, бундоқ эса — манзара жуда кўримли, ахир, болаликдан кадрдон кимсаларнинг дийдоридан улурроқ нарса борми, айниқса — дўстлардан бири бемор эканида!..

Сухбат оғирроқ кўчди. Ошно ғазабланди. Лекин Яхшибоев унинг ғазабига кўниқиб қолган. Муҳими — мақсадни ошкор қилди. Энди унга эришмоқ шарт. Қурбоной билан Шоймардоновда азалдан қасди бор. Пайт пойлаб юрарди, мана бугун ўша п а й т келди. Ошнонинг ўзи қутқу берди. Уям сезаркан. Дарвоқе, у бошдан ҳам сезиниб юрарди. Муттаҳамларни қаттиқ сўккан кезлари кўп бўлган — токи етмиш еттинчи йилгача, инқилбнинг ҳам, ўзининг ҳам олтмиш йиллик тўйигача. Етмиш еттинчи йилдан кейин сўколмай қолди. Сабабки, ўзининг ҳам лафзи булғанди. Етмиш еттинчи йилнинг баҳорида Катта Пахтакор келдию бу ёғи ҳаммага омон-омон бўлди. Катта Пахтакор аслида пахтакор эмасди, лекин пахтани жонидан ортиқ кўрарди. У кишининг маслаҳати билан «Олтинтоғ альпинисти» деган миллий ўйин ҳам таъсис этилган эдики, бўз йигитлар пахта бунтига ким тезроқ чиқади деб куч синашар эдилар. Яна бир гал кекса сувчининг қўлидан тутиб, «бу қўл — тилла қўл», деб таърифлаган эдики, ҳаммаёққа сувчи суврати ва Катта Пахтакорнинг ҳикмати битилган алвонлар илинди, ҳаттоки Қўшдарё воҳасида қафти тепага қараган қўлга ҳайкал ҳам ўрнатилди. Ҳайкал ганчдан эди-ю, сиртга тилла ранги суртилган эди. Афсуски, бу кўлнинг умри узоқ бўлмади, шўри қуриб, ўтроқ лўлилар яшайдиган қишлоқ ёнига, каттакан йўл ёқасига қўйилган экан, қишлоқ аҳли соддалик қилиб, бу ёдгорлик бизнинг тиланчиликда ўтган ўтмишимизга ишора деб янглиш тушуниб, қоронғу бир тунда «тилла қўл»ни синдириб кетишди. Ёшулли ёмон кутурди ўшанда, лекин айбдорни тополмади. Топарди ҳам, аммо лўлилар жамоаси йиғилиб келиб, ҳаммамизни бир йўла қамасан, деб қолишидан қўрқди.

Катта Пахтакор юксак марраларга ўч эди. Ўзбекистон пахтакорлари неча йил деганда етган юксак марра — беш миллионлик хирмон кўзига паст кўриниб, иккинчи бор келганида Ошнога далда бердики, «5» рақамини «6» рақамига айлантиришни ўйлаб кўринг, Ватанга «оқ олтин» жуда-жуда керак, азизим. Ошно эътироз қилмади, шунчаки эслатдики, бераётган жўн олтинимиз, бераётган пилламиз, қора-кўлимиз ўрнига ўтмасмикан, рақамни алмаштириш чўт эмас, лекин ортидаги «миллион»ни қайдан топамиз, оқсоқол? Хасислик қилманг, азизим, деб койиди Катта Пахтакор, ички резервларни ишга солинг, ўзингизга минг ҳисса бўлиб қайтади, сиз бераётган жўн тиллага келсак, таъна қилишингиз бутунлай ўринсиз, сабабки, азизим, юртингиз қаҳрамонлари тақиб юришибди уни, хусусан, шахсан ўзингиз, ёинки биттаси камлик қияптими, агар кам бўлса айтинг, камини тўлдирамиз, фақатгина миллий маҳдудликни нутсангиз бас.

Ошно — Катта Пахтакорнинг мухлиси эди. Қайфи хушлигида ўша учрашувда эшитганларини ғурур билан такрорлаб юрардики, миллий маҳдудликни унутайлик, ўртоқлар, юзаки манфаатларни ўйлаш пайти эмас, ғайрат қилайлик, Ватанни бойитайлик, хузурини ўзимиз кўрамиз!

Ошно қўшимча миллион тоннани хийла-замонгача бўйинга олмай юрди. Бу орада, ана кетармиш, мана кетармиш, деган миш-мишлар урчиди. Ворисларнинг номлари ҳам аввал шивирлаб, сўнгроқ баралла айтила бошланди. Ниҳоят, Ошно Катта Пахтакорнинг хузурига махсус чакирилдию ўн кун деганда ўша ёқдан миллион тонналик иш лойиҳаси, миллион тоннага етарли ўғит ва бутифос қоғозини қўлга тутиб, юзидан қони қочиброқ қайтди. Дастлаб сал ҳадик билан, кейинчалик росмана ғайрат билан ишга киришиб кетди.

Қизиқ, деб ўйлади Яхшибоев, ўшанда Катта Пахтакор нима деган экан? Шу ўй баробарида Катта Пахтакорнинг унутилмас овозини эслади, нималар деганини ҳам аниқ-таниқ тасаввур этди: н а д о , Х а р у н ч и к , н а д о !!

Худди шундай. Бу сўз ўша йилларда Ошнонинг тилидан тушмасди — н а д о ! Қайдан олингани сезилиб турарди.

Ошнога қўшилиб ғарбий воҳага борганини эслади. Катта мажлис бўлди. Ҳамма бўғзигача мажбуриятни олди. Охирида Ошнонинг ўзи гапирди. Унда Ошно жуда руҳли

эди, гапини эшитган одамга руҳини юқтирмай қўймасди. Дарвоқе, уям ваъда бердики, воҳани гуллатамиз, азиз ўртоқлар, қақроқ чўллар обиҳаётга фарқ бўлади, тепароқдан нақ саккиз миллиард кубометрлик сув омбори қурамыз! Қийқирик, қарсақ бўлиб кетди! Уни тик туриб олқишладилар. Сурон тиниб, ҳамма яна жойига ўтириб бўлгач, Ошно ҳеч гап айтмагандай, воҳа раҳбарига юзланди-да, жўнгина сўради: бу йил сизларда ҳам маккани совуқ уриб кетгандир, ўртоқ Маткаримов? Воҳа раҳбари саволни кутмаган экан, дабдурустдан довдираб қолди, сўнг шошиб хитоб қилдики, тўғри, устод, бу йил анча оғир қиш бўлди, олдинроқ экканимиз учун маккани совуққа олдириб қўйдик. Оғиркарвон одам эди ўртоқ Маткаримов, дарров тушунолмади, на фақат у, зал тўла халойиқ ҳам тушунмади — пурмаъно саволга жавоб ахтариб, бир-бирларига ағрайиб боқдилар. Хайриятки, Ошно хатосини сезди, уларга тасалли бердики, хавотир олманглар, азиз ўртоқлар, кечки маккадан оз-моз омон қолгани бор, қолаверса, бошқа воҳаларда ҳам эртаги макка битмади ҳисоб, давлат суғурта идоралари табиий офатни ҳисобга олади, бу ёғи «оқ олтин»ни қиш-қировга қолдирмай йиғиб-териб олсак — марра бизники!

Деҳқонларнинг ҳайратланганича ҳам бор эди — ўша йили макка жонивор бир унди, бир унди!.. Яхшибоевнинг шаҳардаги бир тутам ерига экилгани нақ икки қулоқ бўлиб бўй чўзганидан кейин, далада экилгани нечоғлигини тасаввур этаверасиз. Фақат макка экилган дала кам эди, бедапоя кам эди, нўхатпоя, обию лалми полизлар кам эди... ҳамма жойга пахта экилди. Мевазор боғларга трактор тушди, кундаков қилар-қилмас, устидан чигит экиб юборилди. Қўриқлар очилиб, ҳали сизот сувлар оқиб кетадиган қувурлар ётқизилмай туриб, уларга ҳам чигит экилди. Александр Шоймардоновичнинг уруғ солинган тоғораси нақ қайнар хумча эди — ҳаммаёққа сепилди, токи қишлоқдаги болалар боқчаларининг гулзорларига ҳам чигит экилди.

Катта Пахтакор «надо!» деб турди.

Ошно унга жўр бўлди: «надо!».

Воҳа раҳбарларининг икки қўллари кўксига: «бажарамиз!»

Лекин марра узоқ чиқди — бажаришолмади. Ўша йили Қурбоной бир ўзи минг тонна терди — бажаришолмади. Қурбонойнинг издошлари ғайрат қилдилар — бажаришолмади.

Ҳар куни соат иккида радио қамчидай қарсиллатиб айтардики, ғайрат қил, пахтакор, урин, пахтакор, сурин, пахтакор — озгина қолди!

Озгинаси — бир миллион эди.

Катта Пахтакор шахсан ўзи яна бир бор келиб кетди: «Надо, Харунчик!..» Бу гал овозида норозилик бордай эди: ю қ о р и н и н г т а л а б и ш у!

Ошно Катта Пахтакордан ҳайиқарди. Ғамгин тортди. Воҳа раҳбарларини йиғиб олиб, ҳосилдан ташвишдаман, деб айтди, пахтакорларимиз ғайрат қилишлари керак, ваъдага вафо — марднинг иши!

Йўқ, у бекорга ташвиш тортган экан — план байрамда бажарилди.

Катта Пахтакор кўнғироқ қилиб мақтади: яшанг, азиз дўстим! Ошно камтарлик қилди: халқ яшасин, халқнинг иши бу!

Ошно Катта Пахтакор билан суҳбатини катта мажлис минбарида туриб оқизмай-томизмай айтиб берди, унинг и с с и қ в а к а т т а к о н с а л о м и н и топширди. Ошнадан кейин Ешулли сўзга чиқди: бажариш оғир бўлди, ўртоқлар, лекин биз и ч к и р е з е р в л а р н и ишга солдик! Ешуллидан кейин Маткаримов минбарга кўтарилди-да, кўксини ҳам, бошини ҳам мағрур кўтариб хитоб қилдики, биз ҳосилдорликни қирқ центнерга кўтардик!!!

Аён бўлдики, олти миллион тонналик осмонўпар «оқ олтин» тоғлари Ошнонинг олтмиш ёшига совға экан.

Худди бир шоир айтганидай: «юнонлардан қўрқурман, ҳадея келтирсалар ҳам»¹.

Тантаналар зўр бўлди ўша йил. Ошно олтмишга кирган куни газетда сурати чиқди; ёнида — чиройли фармон.

Яна бир гала киши мукофот олди. Рўйхат катта эди, шу сабаб, ҳар бир область газетаси ўзига тегишли қисмини босиб чиқарди.

Йигирмата шоир ҳашар қилиб, «Тантана» деган манзума ёздилар. Бастакорлар куй басталадилар — оратория бўлди. Аммо битта манзума кам кўринди шекилли, Ошно етмишга кирганида кўпроқ ёзилар деган умидда Ёзувчилар союзига ўша йилнинг ўзида юз нафар янги аъзо қабул қилинди. Ажаб қаноат!..

Руҳ кўтаринки эди.

Болага ўхшайди, деб кулди Яхшибоев юмшоқ ўринда тепага қараб ётаркан, ким айтади раҳбару йўлбошловчи деб!..

Палата жимжит эди. Пашша учса ҳам эшитилади, лекин учадиган пашшанинги ўзи йўқ, деразаларнинг сиртидан майда тешикли симтўр тутилган — пашша тугул, чанг зарраларини ҳам тутиб қолгудай.

¹ Вергилий сатри.

— Болага ўхшайсан, Ошно,— деди овозини баралла қўйиб. — Қизалоқлар шунақа аразлайди, энди сенминам ўйнамайман, деб! Булдуруққа мен билан бормас эмиш! Борасан, ошнам, бориб томоша қиласан, икки кўзинг ҳам очиг-у, ҳеч балони кўрмайсан. Сўқирлик ёмон, лоақал ўзингни сал чеккароқдан туриб кўролмасанг ёмон!..

Йўлакда қизларнинг кулгани эшитилди. Бечора ҳамширалар, деб ўйлади Яхшибоев, овозларини соғиниб қолишбди, Ошно келганида сақлаган сукутларининг қасдини олишяпти.

Нарига хона эшиги очилди. Юмшоқ, шипиллаган товуш — бадантарбиячи хотин шиппак кийиб келяпти. Оти нимайди?.. Ҳа, Анбар, Анбар отин...

— Подъём, Назар Яхшибоевич!

Овози шўх-у, кўзлари ғамгин. Худди Ошнонинг кўзларидай. Нима бўлдийкин, бунияам алдашдими?..

— Эртага, Анбарой, эртага... Бугун юрагим ёмонроқ.

Кўксига қўлини қўйди. Сезса, ростдан ҳам зарблар тезлашгандай.

— Графикни бузаяпмиз, Назар Яхшибоевич.

— Э, қизим, сиз графикни айтасиз, бу ёқда дунё бузилиб боряпти-ку,— деди Яхшибоев. — Майли, эртага қиламиз машқни, бу ёқда мен озгина куч йиғиб олай...

— Палатанинг ҳавоси ўзгача-ку? Фаранги атир, нима бало, жазманингиз келувдими?

— Топдингиз, Анбарой. Жудаям инжиқ. Чиқиб кетаётганида кўрмадингизми?

— Мен ишга энди келишим, Назар Яхшибоевич. Бу ерда ярим ставка ишлайман, келаману кетаман.

— Топармон хотин экансиз, куёвбола хурсандми, ишқилиб?

— Бўлмаса-чи!

Озгина кулишиб, бадантарбиячи хотин кетди. Ҳамшира келди. Уколини қилиб, у ҳам кетди. Энди навбат кимники?... Сокина келмоқчи эди, лекин қўлида касал боласи бор, кўнғироқ қилиб турибди — шуниси ўзи кифоя. Чоршанбининг келиши аниқ. Ажаб-маски, бирорта нотариусни ҳам бошлаб келса. Шу билан тамом. Бугун кеч бўп қолди, Ошнонинг келиб-кетгани хабари эрта чошгоғача тарқалиб улгурса ҳам катта гап. Қарабсизки, тушга яқин гурас-гурас бўлиб кела бошлайдилар. Дарвоқе, суҳбатга «таф-силот» тўқиб улгуриш керак. Минг лаънат бунақа ҳаётга, тузукроқ бир нарса ёзиш ўрнига аллақандай суҳбатларнинг мақбулроқ тавсифини бичишга мажбурсан! Узингнинг бичилганинг шу!..

Йўқ, шартмас уларни қабул қилиш. Раҳматовга айтиш керак, токи дарвозахонага ҳам, навбатчи ҳамшираларга ҳам тайинласинки, ўртоқ Яхшибоевнинг товлари қочиб турибди, парҳезлари қаттиқ.

Умуман, бу ердан жўнаворилса ҳам бўлади энди. Ошно келди. Озгина муолижа бўлди. Рухият тузук. Битта-иккита янги латифа ҳам бордай... Тўғри, Ошно яна бир марта келиши ёки кўнғироқ қилиши мумкин, лекин шугина нарсани деб касалхонада ялпайиб ётиш шартми? Ҳамма гап очиқ-ойдин айтилди, энди масала Ошнонинг муқим қарорга келишига боғлиқ. Уйга борсам бути йиртилмайди.

Нариги хона эшиги нозик чертилди. Рухсат бўлгач, оқ халат кийган чиройли хотин кирди. Уни Яхшибоев илгари кўрмаган эди. Авроқчи экан, саломлашиб, ширин-ширин сўзлаб, стол устига чийдан тўқилган саватчада гул қўйиб кетдики, Яхшибоев боисини сўрашга ҳам улгурмади. Уйлаб кўрса, чий саватчада гул келтириш — олиймақом таомилга тегиш.

Чиройли хотиннинг ҳурмати деб ўрнидан турган эди, тагин ётиб олди. Столдаги саватчага дурустроқ қаради: гуллар дуркун эди, гўё қоғоздан ясалгандай. Демак, фармойиши яқинда берилган, Ошно бу ердан аразлаб чиқиб кетганидан сўнг. Бу нимаси бўлди? Яраш-ярашми? Ёинки културний одамнинг юзкўришмас бўлиб кетаридан олдин қилган илтифотими?

Чиғириқ ўзи секин ғижирлаб айланиб ётувди, деб ўйлади, сен бир қаровчи эдинг, бўшаган мурватини сал тортсанг, мойсираган жойига мой суртсанг бас эди, яна минг йил бўлсам айланаверарди, лекин сенга чиғириқ суръати сушт туюлди, ажабки, булдуруқлик бўёқчивачча кўнғилига кибр уя қурди, ўзингни салкам худо чоғладинг, шўринг қуриб жўн чархпалакни ч а р х и ф а л а к тусмол этдинг, кучаниб-кучаниб пишанг бердинг, қарабсанки, ўзинг ҳам чирпирак бўлиб айланиб кетяпсан, челақларнинг бири бут бўлса, бирининг таги ўйиқ, қайси қандайлигини кўролмайсан — тўхтатишнинг ҳеч иложи йўқ, айланиб турган жойида созлашинг қийин, ўзинг омон қолсанг ҳам катта гап, шу боиски, чора изляяпсан, менинг ёнимга келишинг ҳам бежиз эмас, биласанки, бир ипга бойланган бузоқлармиз, узиб кетиш йўқ, бири қаттиқ тортса униси бўғилиши тайин...

Ташбеҳга бало борми! Турган-битгани бачканаалик!

Бояги гапим — гап. Қурбон бериш керак. Пастлик қилиб, биргина Қурбоной билан Шоймардоновни атадим, сабабки, турқлари ёқмайди. Лекин буларнинг юзтасини қўшиб боғласанг битта саржин бўлмайди. Шунчаки қўғирчоқлар, димоғи шишган пистафуруш билан миясига қурт тушган ғўзашунос чол, уммон остида ҳар наҳанглар ётибдики, Ошнонинг ўзи ҳам улардан кўрқади.

Дадилроқ бўл, Ошно, ўзинг тан ол, ўзинг фош эт, ўзинг қайтадан тартибга сол, ҳозирча жилов кўлингда турибди, шундан фойдалан, Карбало даштига чиқ, бошингга кул сеп, токи тан олинган гуноҳлар рўйхати кейинроқ бориб в и ж д о н л и о д а м н и н г т а з а р р у с и г а айлансин!

Наҳотки шунга ҳам ақлинг етмаса?

«Булдуруққа сиз билан бормайман, ўртоқ Яхшибоев!» Хўш, борганингда нима килардинг? Энди сен билган Булдуруқ қолмаган ҳисоб. Булдуруққа бир тегиримон сув келтиришга кўнмадинг, маҳаллийчилик деб жар солишларингда чўчидинг.

Эсингдами, Ошно? Назар жўра, дединг, сену мен шу қақраган чўл четида туғилдик... Эсингдами? Бурчимиз, Назар жўра, дединг, фарзандлик бурчи — кўриб турганингда чўлни чаманга айлантирамиз! Энди бу ерлар бўстон бўлади! Янтоқлар ўрнида лолалар унади!

Булдуруққа Лолазор деб ном қўйдинг. Хайриятки, Ҳотам Шўро Лолазор мухрини йўқотиб улгурди, лекин одамларнинг ёдида сен берган ном ҳадиқ бўлиб яшай бошладики, яна бир латифа туғилди, таърифини келтирсам ёлғончига чиқаман, ишонган кимса кулгидан тиришиб ўлади!

Туғилган жойингга мажлис қилгани борасан. Минбар тикланади, ўшанга чиқиб ваъз ўқийсанки, замонамиз ёруғ, одамларимиз серғайрат, ҳар юз бош она қўйдан икки юздан қўзи олган зарбдор чўпонларга шон-шарафлар бўлсин! Лоақал тутилсанг эди!.. Йўқ, нутқинг равон сенингда, ваъзни тўқиб берган аҳмоқнинг «она қўй»лари Булдуруққа жўнгина «совлиқ» деб аталиши хаёлингда ҳам келмайди. Ахийри ваъз чақирди билан тугайди: о л и ж а н о б м о л х о н а л а р қ у р а й л и к !

Майдон одамга тўла. Минбар олдида, минбарнинг икки ёнидаги икки-уч сўтих ерда турфаранг лолалар ўсиб ётибди. Майдон теграсида шамшод тераклар шамолда қарсак чалиб турибди. Ел эсиб турибди-ю, мажлис мутасаддилари лоҳаслангандай. Соатларига ўғринча қарашади. Сўкишмаса ҳам, ичларида ранжийдиларки, бунчалар эзма бўлмасан!.. Мажлис тугайди, одамлар тарқайди, сен машинага ўтириб Уртақўрғонга жўнайсан, мансабдор шотирларинг ҳам сен билан жўнайди. Сен кетгач, минбарни омборхонага киритиб қўйишади. Минбар атрофидаги лолаларни машинага солиб шаҳарга жўнатишади. Уларни ердан кавлаб олиш жуда осон. Кавланмайди ҳам, шунчаки тупроқ четга сурилса бас, ҳар лола тупи сопол туваги билан очилиб қолади. Шаҳар гулхонасига қайтиб боргунча бирор ўнта тувак синиши ҳам мумкин, лекин синмай соғ қоладиган минглаб туваклару уларда унган турфа рангли минглаб лолалар олдида бу кичкина қурбон нима деган гап! Сен ваъз айтганда чапак чалган улкан теракларнинг тақдири сал аянчлироқ. Улар тувакда ўсмайди, уларни кўчириб ҳам бўлмайди. Тонг саҳардан то пешингача чапак чалиб туришади, кечга яқин барглари секин сўлийди, сабабки, теракларнинг томирлари йўқ, гуркираб ўсаётган жойларидан арралаб кесиб келишгану сен сўзлайдиган тап-тақир майдон четларига қадаганлар...

Алҳазар, алҳазар, тавба дегулик, биродарлар!

Радиога қулоқ тўтди: тузук, ҳозирча тузук. Мазмун жойида, оҳанглар босиқки, қабул қилди, бориб кўрди, ҳамроҳ бўлди, маъқуллади ва ҳоказо. Демак, Ошно — от устида. Лекин бу отга кўпда ишониб бўлмайди. Тўпорининг асов айғирларига ўхшайди, дуч келган жойда эгардан ташлаб юбориши мумкин.

Эслов асносида асаби бузилган эди, радио эшитиб ҳам ўнганмади. Йўлакка чиқди. Дераза ёнига борди. Пойлаб турган эканми, қайдандир Раҳматов пайдо бўлди:

— Тузукмисиз, домлажон?..

— Эзма бўлма, болам, бориб ишингни қил,— деди Яхшибоев. Терс бурилиб кетмоқчи эди, пастда, касалхона ҳовлисида иккита норғул эркак оқ мато ёпилган замбил кўтариб кетаётганига кўзи тушди.

— Қурбоний опа,— деди Раҳматов.

Яхшибоевнинг юраги шиф этиб кетди. Гангиди, лекин сония ўтиб сезса, кўнглида қайғу йўқ, қайтага қувонгандай, қувонч эмас-у, лекин недир энгиллик туйгандай...

— Оқсоқол видолашиб қолдиларми? — деб сўради секин.

— Улгуролмадилар. Опа чошгоҳда узилувди. Кўп ачиндилар...

Миясига ярқ этиб урилдики, э, билган экан-да! Думбуллик қўрсин, Қурбонийни эслатиш ҳеч шарт эмасди, мен аҳмоқ марҳуманингда кўллари Ошнонинг ёқасига элтиб ёпиштирибман-а, темирдан экан, додлаб юбормаганига қойил!.. Култепани кавлаш ортиқча эди, аммо шу нарса туртки бўлди, Ошно салгина ёрилди, ҳадигини ошкор этди, энди менга озгина ваколат берилса... Йўқ, ваколатга бало борми, ўзимда озгина журъат топилса бас-да!

Яна шу тахлит ўйласа қувончи юзига тепишини пайқади, ҳеч кутилмаганда Раҳматовга дўқ урди:

— Шифохона эмас бу — жиннихона! Биттаси ўз ажали билан ўлса, иккитаси асабу қўрқувдан ўлади бу ерда!

Раҳматов ағрайиб қолди. Сал тисарилди.

— Уликни ҳовлидан олиб ўтишни ким ўргатди сизга? Шунча халқ ётибди бу ерда,

ҳаммаси дунёдан умидвор, оғироёқ хотинлар бор, менга ўхшаган дийдаси қаттиқ чоллар чидаши мумкин, лекин бошқалар-чи?

— Узр, домлажон,— деб ялинди Раҳматов — чошгоҳда узилувди, қоронғи тушгунча пойлаш қийин, тушунасиз...

— Тушунмайман!— деб бақирди Яхшибоев. — Ер остидан йўл қилинг эди!

— Албатта, домлажон, таклифингизни бугуноқ раҳбариятга етказамиз...

— Сен ўзинг ҳам ярим раҳбарсан!— деди Яхшибоев. — Менинг йўлимни пойлагунча, бориб тегишли вазифангни бажар! Хушомадгўй, ялоқхўр!..

Йўлақда томошабинлар йиғила бошлади. Раҳматов ортиқ чидолмади, ура қочди. Навбатчи ҳамшира бир стакан сув билан дори келтирди. Яхшибоев ҳабдорини ижирганиб ютаркан, беҳол сўзлаган бўлди:

— Ууу... — сувни ичиб, стаканни қайтарди. — Узр, қизим, қизишдим. Қурбонойдек ажайиб қизимизни бериб қўйсаг-а!.. Бедодлик....

Ҳамшира бир ёнида, Эркинов бир ёнида, палатага олиб киришди, ўринга ётқизишди. Қайтиб чиқишаётганларида, Яхшибоев секин чақирди:

— Шамси Қамарович...

Эркинов ортга қайрилди. Яхшибоевнинг илтифотли жилмайганини кўриб севинди, курси олиб, ёстиқ тарафига бақамти қўйиб ўтирди.

— Болам,— деди Яхшибоев бу ён ўгирилиб,— бир маслаҳатли иш чиқиб эди, шунга, азбаройи ҳаддим сиғиб... Менинг аҳволимни кўриб турибсиз. Қарилик, тан олмасдан иложимиз йўқ... Лекин ҳали кўп яшаймиз. Ана Александр Шоймардонович яшаб юрибдилар-ку. Тўқсондан ошди-я!..

— У киши ҳали бақувват,— деб мақтади Эркинов.

— Ночорроқ бўлса аяш мумкин эди, лекин у киши деҳқонларнинг бошига кўп кулфатлар солди, Эркинов болам. Ҳозир унинг энг авж маҳали, газетада зўр қилиб урсангиз бас, эртагаёқ бутун республика сизни таниб олади!..

— Йўғ-э,— деди Эркинов кўзлари жовдираб. — Менинг кучим етмайди, домлажон. Энди, у киши қаёқдаю мен қаёқда! Қўрқаман, домлажон!..

— Ўзингизни бунчалар ерга урманг, Шамси Қамарович! Аввал ёзинг, кейин тошу тарози қиламиз.

— Э, бўлмайди! — деди Эркинов ўрнидан туриб. — У киши тепа билан тузук, оқсоқоллар нима дейди?

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин, Шамси Қамарович. Оқсоқолнинг биттаси бугун келиб кетди. Нега турдингиз? Утиринг!

Эркинов руҳсизланиб ўтирди.

— Майли, мен ёзаман, лекин бари бир чиқармайди-да, домлажон.

— Чиқарамиз, болам. Менинг имзом кафолатга ўтадимми?

— Э, қанийди!.. — Эркинов сал жонлангандай бўлди.

— Йўқ, ростини айтинг,— деди Яхшибоев қовоғини очмай. — Айтинг, соавтор бўлсам хафа эмасмисиз?

— Бу мен учун шараф, домлажон!

— Балли, Шамси Қамарович! — деб мақтади Яхшибоев. — Эртадан ишга киришасиз. Тайинлаб қўямиз, палатангизга бошқа касал келмайди. Бир ўзингиз хилватда ижод қилаверасиз. Мен сизга бир хил фактларни бераман. Факт — биздан, меҳнати — сиздан. Шўҳрати — ўртада тақсим. Хўш, розимисиз? Жавобини бирдан айтасиз, биров билан маслаҳатлашадиган иш эмас, хабари етса улар ҳам отни қамчилаб қолишлари мумкин! Масъулиятли иш, Эркинов укам, сизга ишонганимиздан!..

— Кўнмай иложим қанча,— деди Эркинов маъюсланиб.

Тўғри айтасан, деб ўйлади Яхшибоев, иложинг қанча, қачонгача пана-пастқамда пишиб юрасан, ўйнасанг йирикроқ тикиб ўйна — ё бор, ё йўқ!

Эркиновга далда беришга чоғланди, лекин оғиз очишга улгурмади — эшикда Чоршанбиев кўринди, унинг ортидан жиккак бир яҳудий чол кўринди, баробар салом беришди...

XII БОБ

Қиссанавис

Сафаримизнинг Ўртақўрғон қисмини қоралаганимга анча бўлди. Энди унинг охирига — Булдуруққа борганимиз таърифига ўтаман.

Олдинроқ хабар етган экан шекилли, қишлоқ раҳбарлари иззат-икром билан кутиб олишди. Яхшибоев иккимизга атаб қўй сўйилди, тўн кийдик, ширин-ширин хушомадлар эшитдик.

Бориб қўнган жойимиз колхоз боғи экан. Боғ десак лоф бўлиб кетар-ку, дарахтзор десак тўғрироқ; гужумлари кўп бир дарахтзорки, ёз пайтлари жоннинг ҳузури бўлади.

Бир кеч меҳмон бўлиб, эртаси кунни чошгоҳ маҳали қишлоқни айлангани чиқдик.

Хароброқ жойлар экан. Бир тарафи узунасига дашт, қолган ёқлари пастак-пастак қирлар, улардан нарида ясситоғлар, бариси кунгай қараган, бариси қумлоқ, қишда қор тутмайди, бинобарин, гиёҳ ёки бута зоти битмайди.

Бундай жойлар юртимизнинг жанубий вилоятларида кўп учрайди. Чамаси, аждодлар ўтроқ бўлмоққа аҳд этганлар-у, кўчманчилик йўсинидан узил-кесил чиқиб кетолмаганлар, шу боисдан тоғлар орасидаги серсув ва серунум ерларни менсимамай, қуйироқдан, бир тарафи даштга, кўчманчи халқининг ризқу рўзи бўлмиш даштга чиқиб кетадиган сершабада яйдоқ ерларни қароргоҳ тутганлар.

Гарчи юрт кезиб юриб, ҳар қандай манзарага ҳам кўзларим ўрганиб қолган эрса-да, Ошно билан Яхшибоевнинг туғилиб ўсган қишлоғини сал бошқачароқ тасаввур этган эдим.

Шу гапни Яхшибоевнинг ўзига ҳам айтдим.

— Баҳорда кеп кўрмагансиз, баҳорда жуда зўр бўлади бу ерлар, — деб кулди у. — Баҳорни соғиниб яшаймиз бизлар, Саидқул ука. — Сиз у — ёзин-қишин кўк рангга ўрганиб қолган. Боғингизда арча-парчаям кўринувди чоғи?..

— Э, буям бир эрмак-да, Назар ака. Ҳавасга иккита қарағай опкелувдим, энди ўсиб ётибди.

— Бизам заказ қилганмиз, Саидқул. Ҳаммасидан заказ қилганмиз. Сувимиз кам, ука. Сада-пада сувга ўч эмас, лекин мундайроғи... сувга ишқибозига қийин. Мактабнинг кичкина чорбоғи бор, болалар сатилда сув ташиб ўстирган. Кейин анави кеп кўнган жойимиз. Тепада яна бир-икки жойлар бор, энди у ёқлар булоққа яқин — бежизга Ошно ўша ёқда туғилмаган-да!..

— Одамнинг иқболи ҳам сувга боғлиқ экан-да?.. — деб ҳазиллашдим.

— Бўлмаса-чи! Агар эътибор қилсангиз, менинг таржимаи ҳолимда Уртақўрғон сув омбори ёйилиб ётибди, Акмал Пўлатнинг таржимаи ҳолида Фарҳод канали айқириб оқади... Яна мисол керакми?

— Мени болаликда сел оқизиб кетган, Назар ака, — дедим ҳазиллашиб. — Ҳамма сувдан фойда кўрган-у, биргина мен...

— Ношукур бўлманг, Саидқул, — деди Яхшибоев гапимни бўлиб. — Агар сел оқизмаса, ким билсин, бу кунларга етармидингиз-йўқми?..

— Шундайку-я, лекин... кўнглим бутроқ бўлармиди, дейман-да.

— Ҳали сизми — кўнгли ярим? — деди Яхшибоев. — ростдан ҳам ношукур экансиз, Саидқул. Мен сизга укаларингизни топиб бердим, бағрингизни бутладим-у, оғзингиздан чиққан гапни қаранг-а! Сизга осон, Саидқул, сиз ўлсангиз, укаларингиз бариси йиғилиб боради, кўзёш тўқади, ишонинг, росмана кўзёш тўқади. Менга сал қийинроқ, мен ўлганимдан кейин тамом унут бўламан, Саидқул!

— Бўлмаган гап, — дедим. — Назар ака, сизга нима бўлди, ўнг ёғингиз билан ётувдингиз чоғи?

— Рост гапнинг ўнгу чапи бўлмайди, ука. Лекин азанинг чорасини ўйлаганман. Жуда бўлмаса, пул борида икки-учта гўянда ёллаб қўяман. Қишлоғимга келдим-у, лекин сизни ўз уйимга оборолмадим, Саидқул. Сиз шунга ҳеч эътибор қилдингизми?

— Энди, бу элда ҳамма хонадон сизники-да, — дея секин эътироз билдирдим.

— Тўғри, ҳаммаси меники, лекин биттаси ҳам ўзимники эмас. Ўзимизнинг кулбамиз бузилиб кетган. Укам Қобил ўн беш йил бурун ўлди. Болалари қолган, лекин улар билан борди-келдимиз йўқ. Икки ўғли бор, ўқишга қўяй, деб эдим, бири ҳам унамади, юришибди чўпон таёғини судраб... Балки шундай бўлгани ҳам маъқулроқдир.

— Излаб боришмайдимми?

— Боришмайди. Бир гап боришган экан, ўзим уйда йўқ, хўжайкамиз иззатини қилмаган шекилли... Булар бир гап айтмайди, Муҳсина хоним тан олмайди. Ҳакамлик қиларга менинг ҳам ҳушим йўқ... Э, яшаб юрибмиз-да, Саидқул. Ташвишимиз жуда оз қолди.

Яхшибоевнинг сўзларига қуроқ тутиб, бир нарсадан таажжубга тушдим: бу одамнинг мақтанчоқлиги ҳам, киборлиги ҳам, борингки, беҳад беписандлиги ҳам бордай, лекин айни қусурларнинг барчасига недир дийдиё аралашгандайки, эшитган одамга унчалик малол келмайди. Ростки, мен унга эргашиб юрганимга ўзим ҳам тушунмайман. Менсиз ҳам халфаликка ишқибозлари жуда кўп; гаҳ деса қўлига қўнадиган шогирдлари борки, Булдуруқ тугул, жаҳаннамга деса ҳам бирга бораверишади; азбаройи содиқликларидан эмас, балки Яхшибоевга ишонганларидан, Яхшибоевнинг жаҳаннамдан ҳам омон чиқишини билганларидан. Мен таъма қилгудай ночор эмасман. Ўз кунимни ўзим кўриб юрибман; бировдан олдин, бировдан кейин. Хўш, нега у мени сафарга бирга олиб чиқди? Наҳотки бор-йўғи кўнгли савоб тусаб қолгани шунга боис бўлолса?

Нима — унинг кўнглидаги? Биргина боғ қилмоқ истагимми? Менинг боғбонлигим не қадар эканини наҳотки билмаса? Айтса бас, Шредер институти кўчиб чиқмасмиди — Яхшибоев акамизга боғ экиб берамиз, деб?

Недир синоат бордай эди. Ичим қизийдики, тезроқ билсам!.. Ахийри, чурқ этмай юраверишга қарор қилдим. Гап сўрамаган одам доимо ютиб чиқади, негаки, қар қандай сўроқнинг ичида сўраган одам ўзи эшитмоқ истаган жавоб таппа-тахт туради — шуни илғашга фаросат етса бас.

Ниҳоят, масала сал ойдинлашди. Ростдан ҳам, Булдуруқ сафаридан мақсад — боғ кўкартмоқ экан. Колхоз раисининг қирошар машинасига тушиб, сойликлар оралаб, қишлоқнинг жануброғига, ясси тоғлар тарафга жўнадик. Мен у тарафларда ҳовли-жой йўқ бўлса керак, деб ҳаёл қилган эдим, йўқ, қишлоқ аҳли биз кетган сойликнинг икки лабини ошён тутган экан. Тупроқ йўлни чангитиб, ниҳоят, уйлардан холи бир жойга — япаски қир бағрига чиқдик. Борсак, бу ерда кўчат ортган иккита юк машинаси турибди. Район газетаси юборган бўлса керак, битта жингалаксоч йигит чиқиллатиб суратга тушириб юрибди. Эрта ёки индинга пайдо бўладиган хабарчининг сарлавҳасини тасаввур этиб, мийғимда кулдим: «Назарбоғ шовуллаяжак!..» Уйқашлигини ўйладимми, ўзим билмасдан такрорладим: «Назарбоғ, Ҳазорбоғ, Назарбоғ...»

— Сув йўғ-у, оқсоқол? — дедим Яхшибоевга қараб.

— Парво қилманг, Саидқул, — деди Яхшибоев, сўнг қуйироқдаги яккам-дуккам гужумлар ўсган сийрак ҳовлиларга ишора қилди: — Ана у жойларда дарахт ўсгандан кейин, бу ерда ўсмас эканми? Улар қудуқдан сўғоради, энди бизга атаганиям бордир. Қани у артизан деган матоҳинг, ўртоқ Махсумов?

— Шу ерда, — деди раис. — Сал тепароқда. Нима қилдик, кўчатни «айвонча» қилиб экамизми?

— Буни Саидқулдан сўрайсан, — деди Яхшибоев.

Раис ёнимга келиб, аҳволни тушунтирди:

— Қирни текислаш жуда осон, лекин унда ернинг тарҳи бузилади. Бир метр тагроқда қум қатлами бор, пастда унчалик билинмайди-ю, лекин тепароқдан бульдозер юргизганда очилиб қолади — кейин у жойга кўчат қадаш қийинроқ. Бульдозернинг курагини юзароқ тутиб, беш-олти жойдан «айвонча» солсак, ҳам сувнинг оқишига қулай, ҳам бу ёғи ёмғир-помғирда жар бўлиб кетмайди. Жўяк олиб, ер тагидан труба ётқизсак қимматга тушиб кетади.

— Оқсоқолнинг пули кўп, — деб ҳазиллашдим. — Нар и борса битта китобнинг пули-да.

Токи қишлоқдан бульдозер келиб қир бағрини тўрт-беш жойдан «айвонча» қилиб тилғунича, биз Яхшибоев билан пастроққа тикилган кичкина чодир остида гурунглашиб ўтирдик.

— Назар Яхшибоевич, — дедим. — Қўлингиздан ҳар бало келади, лекин нега бу ишга олдинроқ қўл урмадингиз?

— Ошириб юборасиз-да, Саидқул, — деди Яхшибоев камтарлик қилиб. — Мен бир сув министри эдиммики, истаган пайтда қақраган жойларга сув опкелтирсам?..

— Бир оғиз айтсангиз бас эди, Ошннинг ўзи кўрсатма берарди.

— Йўқ, Ошннинг ҳам қўлидан келмасди бу иш. Ошно сиз ўйлагандан кўра ожизроқ, азизим. Ошно Булдуруққа сал ўнгроқ қараса бас эди, бир гала ғанимлари бош кўтариб, маҳаллийчилик қияпти, дея айюҳаннос солишарди.

Гапимиз шу ерда узилиб қолди. Колхоз раиси дастурхон, бир чойнак кўтариб келди. Узларинг майдалаб тураверинглар, деб яна ишига кетди.

— Ошно — камтарин инсон, — деди Яхшибоев сал туриб. — Камтаринлиги шундан ҳам маълумки, бундан йигирма йилча олдин, ҳали ҳозирги улуғ мартабага етмасдан туриб, кичикроқ раҳбар эканида битта районга «эртага етиб бораман» деб хабар беради. Уша районга элтадиган кенг асфальт йўл бор эди, лекин у киши негадир четроқдан айланиб борадиган заранг йўлни танлайди. Район раҳбарлари шуни ҳам билиб олишган экан, эртаси куни Ошно минган машина ҳалиги заранг йўлдан кетиб бораётса, саратонда жижинак бўлиб ётган тупроқ йўлга мўл-кўл сув урилган эмиш!.. Хушомадни ёмон кўради у киши, район марказига бориши билан мажлис чақириб, бир-иккита раҳбарни ўша мажлисининг ўзидаёқ мансабидан олиб ташлади.

— Худди ўзингиз кўргандай гапирасиз-а, — дедим мен.

— Кўрганим рост-да, — деди Яхшибоев кулиб. — Лекин, Саидқул, падарлаънати-лар хушомадни роса ошириб юборган экан. Машина йўлда қолиб кетди. Сув сепадиган машиналарни қатор қилиб чиқарган экан раҳбарлари, севалаб сепиш ўрнига нақ ботқоққа айлантириб юборишибди. Саратонда машинамиз лойга ботиб қолса-я!..

Яхшибоев ўша манзарани аниқ-таниқ эслади чоғи, қотиб-қотиб кулди. Мен ҳам ўзимни тутиб туролмадим.

— Рост, ўшандаям мана шундай кулганман, — деди у. — Мен куляпман-у, Ошннинг ғазаби ошади, денг! Ҳозир ўйласам, бояги район раҳбарларининг ишдан кетишига бир жиҳатдан менинг шайтоний қаҳқаҳам ҳам сабаб бўлган экан. Лекин Ошннинг принципааллиги ҳам чакки бўлмаган. Энди, одам бирга ўсиб-унганидан кейин ўрганиб қоладими, Ошннинг кўп хислатларини аввал пайқамаган эканман, кейинчалик, у билан озми-кўпми бирга ишлашиб, баъзида талашиб-тортишиб билдимки, табиат у кишига ўзгача бир зукколик, ўзгача бир ишчанлик ато этган экан. Мақтасам сизга хушомад туюлишини биламан, лекин...

— Мен у кишини тузук билмайман, — деб гапни қисқа қилдим.

Тракторлар гуриллаб ишлаётган ёққа қарадим. Юк машинасидаги кўчатлар аллақачон туширилган экан. Чуқур хандаққа қатор қилиб тизиб қўйилибди. Колхоз

раиси ҳашарчиларга нимадир деб гап уқтирляпти. Ниҳоят, машиналар жўнаб кетди. Ерни «айвонча» шаклида тилган тракторларнинг ҳам уни ўчди. Ҳашарчилар қўлларига кетмону бел олиб чуқурчалар қазिशга киришган пайт, Яхшибоев ўрндан қўзғалди.

— Ув, Махсумов! — деб чақирди. — Бери қара, Махсумов!

Колхоз раиси югуриб келди. Яхшибоев ҳаменини олиб, иккита йигирма бешталик чиқариб берди:

— Буни михайнизаторларингга берасан, болам.

— Э, ҳашар-ку бу, оқсоқол! — деб қўл силтади раис.

— Трактор давлатники, болам, зора ёққан ермойининг ҳақини тўлаб қўяй. Энди анави кўчат опкелган мошинларингнинг нархини айт.

— Кўчатнинг пули ўзи етади, оқсоқол, мошина ҳақиям ўшанинг ичида эди.

— Шундайми? — деди Яхшибоев. — Ундай бўлса — тузук. Энди Саидқул акангга сувнинг қулоғини кўрсатсанг-да, кейин бориб менинг машинамни миниб келсанг, калити мана, олақол, болам...

— Машина чанг бўлади-да, оқсоқол, — деди колхоз раиси калитни олиб.

— Одамларингга рухсат бер, улардаям рўзгор бор, мени деб ишдан қолмасин.

— Сизники — табаррук, оқсоқол.

— Жилпанглама, болам, бари бир дум ўсиб чиқмайди, — деб жеркиди Яхшибоев. — Билиб қўй, сенга ҳақ бермайман. Отангга ўтказиб қўйган жойим бор. Кейин сен раис одамсан, ўлай агар, одамларнинг ҳақидан еб юрган чиқарсан!

— Оқсоқол-ол!.. — деб норози бўлиб чийиллади раис.

— Назар ака ҳазиллашляпти, — деб юпатдим уни. — Емаган бўлсангиз бу гап сизга юқмайди, ука.

— Шундайку-я... — деб чайналди раис, сўнг секин таклиф қилди: — Юринг, Саидқул ака, сизга қулоқни кўрсатиб келай.

Раисга эргашиб, қирнинг тепа қисмига чиқдим. Кўрсам, унча-мунча одамнинг хаёлига келмайдиган бир иншоат: артезиан қазилиб, трубасидан сув отилиб турибди. Труба остида — каттакон цемент ҳовуз. Ҳовузнинг бир тарафига яна труба ўрнатилганки, тўпланган сув ўшанга оқиб ўтяпти.

— Оқсоқол эридилар, — деди раис. — Ҳам ўзларининг боғига, ҳам одамларга... Бизам пастроқдан битта боғ қиламиз, деб турибмиз.

— Узингизгами?

— Йўғ-э, колхозга... — деди раис уялиброқ. — Элники — бизники, Саидқул ака. Аммо-лекин, оқсоқолимиз зўр одам... Бизам сал ёллашдик, лекин асосий оғирни ўзлари кўтардилар.

— Тузук, — дедим. — Энди, ука, оқсоқолнинг боғига кетадиган қулоқни кўрсатсангиз.

— Оёғингизнинг тагида-ку, — деб кулди раис. — Мана, манави тарновча-да. Нариги трубанинг оғзи бекилса бас, сув бу тарафга секин оқиб чиқаверади. Оқсоқолнинг боғи яқин, жилдираб турса кифоя. Цемент-пемент қилиб ўтирмадик.

— Шум экансиз, Махсумов, — дедим. — Лекин сизникиям тўғри.

— Энди, оқсоқолдан ҳам фойдаланиб қолайлик-да. Бу ёғи бизнинг ҳам хизматимиз сингади, боққа қарашиб турамыз. Хўп, менга рухсат, Саидқул ака. Оқсоқолнинг кайфияти сал бошқачароқ, кейин сўкиб-нетиб юрмасин.

Пастга тушиб бордим. Яхшибоев қапа ёнида ҳашарчилар билан гаплашиб турган экан. Аралашмай, чеккароқда турдим. Одамларнинг беғидир кулишларидан сездимки, Яхшибоев ўзининг лаҳжасида гапирляпти, унинг улуғлигию салобати тамом унут бўлган, ўртада ҳадик аталмиш девор йўқ — ҳавасим келди.

Ниҳоят, Яхшибоевнинг «Волга»си кўринди. Раис уни қапа ёнида тўхтатиб, калитини келтириб эгасига тутди. Бир нарсага эътибор қилдим: машинани ҳайдаб келишга бошқа бирорта оёғи энгилроқ кишини юборса ҳам бўларди, лекин раиснинг ўзи борди, оқсоқолнинг юзидан ўтолмади, истиҳола қилди.

Яхшибоев калитни олдию ҳаммага рухсат берди. Раис бошлиқ бир-икки киши тихирлик қилган бўлди, лекин у унамади, жаҳли чиқди. Охири шу бўлдики, одамларни ҳайдагандай қилиб кеткизди.

Рости, тушунолмадим. Лекин, меҳмон одамман, сўроқ сўрардан тилимни тийдим. Яхшибоев орқа ўриндикда ётган йўлхалтани олиб, ичидан кийим-бош чиқариб, бирини менга қаратиб улоқтирди:

— Манг, Саидқул, рабочий кийим!

— Янги экан-ку, Назар ака?

— Ҳамма гап шунда-да, ука. Атай ирим қилиб олдим. Қўрқманг, хуни бор-йўғи йигирма сўм. Кияверинг, размери сизники!

Қарасам, ўзи ҳам битта кенг-мўл костюмни олиб эгнига иляпти. Ноилож, кийдим сарпони. Эгнимга мос келди.

— Янги ишга янги сарпоям керак-да, — деди у. — Боққа кетган пулим биринчи томга келган, хосиятли пул, яхши пул.

— Классик асарлар жамланган экан-да? — деб ҳазиллашдим.

— Классик эмасдир-у, лекин ўзим ёзган нарсалар-да. Айбга буюрмайсиз, Саидқул, баъзида керагидан ошиқроқ лақиллаб қўяман. Менга-ку оғир ботмайди, лекин мардикорлик қилган укаларнинг шаънига кўпам яхшимас. Мен иримчи одамман, ука. Бу боғнинг номини ичимда «Ҳалолбоғ» деб атадим, ҳалол пулга, ҳалол меҳнатга барпо бўлади бу.

— Мен ўзимча «Назарбоғ» деб қўювдим, — дедим мен. Бир муддат бурун мазахомуз ўйлаган гапларимни эслаб, рости, уялиб кетдим.

— Бунисиям тўғри, — деди Яхшибоев. — Бу ном сал кейин қўйилади, нима дингиз? Мен ўлганимдан кейин қўйилса тузук-да?

— Улимни ўйламанг, Назар ака.

— Э, қизиқмисиз, дунёга устун бўлармидик! — деди Яхшибоев. — Уламиз-да бир кун, агар насиб этса!

— Ҳаммага насиб этади бу.

— Ишқилиб, жўялироғидан насиб этсин. Қани, гапни камроқ қилинг, Саидқул. Сизни бугун роса ишлатаман. Кастумни кийиб кўрдингиз, шими қолсин-у, лекин пинжагини ечиб улоқтиринг — терлаб кетасиз! Ана, биздан улги олинг!

Яхшибоев эғнидаги пиджакни ечиб отиб юборди. Қўйлагини ҳам ечди-да, майкачан бўлди. Тани ҳали бақувват экан. Оқ бўлса-да, мушаклари пишиқ. Ниолож, мен ҳам ечиниб, майкачан бўлдим у пачақроқ гавдани намойиш этдим.

— Белкуракни олинг! — деб буюрди Яхшибоев. — Бизга кетмон опкелинг, ҳар ким ўзига ярашадиганини қилсин!

Гапни мухтасар этай, азизлар. Боисики, бу ёғига иш кўпроқ бўлди. Икки кун босиб ишладик. Яхшибоев рост айтган экан, роса терладим. Таним ҳорғинликдан қақшайди, денг, лекин айни чоғда недир серзиён маъданлар терга қўшилиб чиқиб, баданим тозарганини сезиб турибман.

Азал-абад каррагу қўзиқулоқ ўсган қир ёнбағри-ю, мўъжизани қаранги, шу ерда ҳам бирор метр тубликда нам сақланиб қолган экан. Яхшибоевдан боисини сўрасам нуқул кулади: парво қилманг, Саидбой, шуни тушунгунча мен ўзим бирор етмишни қоралаб бордим, лалмироқмиз бизлар, тоққа яқинроқ жойларда нам мўллиги аждодларимизнинг хаёлига ҳам келмаган, аждодларимиз уй-жой қуришга эмас, қора ўтов тикишгаю қўйга кўра ўрашга уста бўлган!

Шимнинг балоқларини шимариб олган, қўлида тиғи ялтираган оғир кетмон, ҳар ўн қадамдан биттадан ўрача қазиб боряпти. Мен ўрачалар билан кўчат туширилган хандақ орасида бўзчининг моксидай қатнайман. Кўчат келтириб чуқурга қўяман, танасидан тутиб тураман, Яхшибоев ўрачага тупроқ тортади. Ҳар ўнта кўчат жойини топганида, иккимиз ҳам иккитадан сатилни қўлга олиб, тепага — цемент ҳовузга қараб югурамиз. Ҳаммаёқни янги қўйилган бетон ҳиди, сув ҳиди, қақраган тупроқдан кўтарилган ҳовурнинг тотли ҳиди тутиб кетганки, таърифига тилим ожизлик қилади. Хурсандлигим шунчаликки, Яхшибоевга секин гап отаман: мени боғбон қилиб ёлламайсизми, оқсоқол? Кечикдингиз, Саидқул, дейди у, битта булдуруқлик чолга закалат бериб қўйганман, йил бўйи хабар олиб туради, ҳар бир тўкис унган кўчат учун мукофот ҳам белгиланган!

Экавердик кўчатни. Акас экдик, қарағай экдик, арча экдик, чинор экдик, қуйироққа сийрак қилиб ёнғоқ кўчатидан экдик. Лоф бўлсаям, бирор гектар жой очилган экан. Кўчат қоплади шунча жойни. Тасаввур этаманки, яна ўн йилдан сўнг бу ерда росмана ўрмон шовуллаб туради, деб!.. Бир фасл олдинги истеҳзо қилганларим бекор экан, суратга туширгани келган жингалаксоч журналист йигитчининг топажак ва қўяжак сарлавҳаси ҳам жўяли, умидбахш, яшашга ундайдиган! Э, яхши одам экан бу — Яхшибоев деганлари! Дўлвор экан бу, дали-ғули, бегидир, олижаноб!! Э, буниям кўнглида дарди кўп экан лекин!!!

Кўнглим инонмоққа мойил эди. Инонмоқ на — алданмоққа мойил. Лекин айни майллар ёнида шайтон ҳам ошён қурган эканми, бир пайт ўйга толдимки, нега биз нуқул мевасиз дарахтлар экяпмиз, нуқул кўримли дарахтлар экяпмиз? Олма қани, ўригу шафтоли қани? Бундай иссиқ жойлар ер юзида ўзи кам, тикилса бас, сув берилса бас, хурмою лиммў ҳам ўсади-ку?

— Раис келса айтинг, — дедим Яхшибоевга. — Олма-полма кўчатидан ҳам опкелсин. Шафтолиям зиён қилмайди. Ёнғоқнинг орасига экамик, токи ёнғоқ катта бўлгунча мевасидан тотиниб турса бўлади.

— Ким тотинади? — деди Яхшибоев, бирдан юзи қув оқариб. — Тотинадиган одам борми?

— Бола-чақангиз-чи?

— Э, келмайди улар бу ёқларга! — деб қичқирди Яхшибоев. — Падарига лаънат унақа бола-чақанинг!

Тилимни тишлаб қолдим. Кайфият бузилди. Айниқса — менинг кайфиятим. Билдимки, Яхшибоевнинг нияти биргина шовуллаган ўрмон барпо этиш эмас, балки ўрмонга қўшиб ном ҳам қолдириш экан. Чинору ёнғоқ деганлари нақ минг йил яшайди. Бу

ёғи номи «Назарбоғ» бўлса, бу ёғи чинорларнинг ҳар бири минг йилдан яшаб берса, минг йил орасида қирқилганлари боз новда сурса... нақ мангуликнинг ўзи-ку бу!

Яхшибоев кўнглимдан ўтган гапларни дарров пайқади.

— Ҳар кимнинг қўлидан келгани-да, Саидқулбой, — деди маъюс тортиб. — Боягина айтувдим-ку, эсингиздан чиқдимми? Мен ўлганимдан кейин бирдан унут бўлман, деб айтувдим-ку?

Эслаб кўрсам, ростдан ҳам айтган экан — мен ўзим тузукроқ эътибор қилмабман.

— Сиз ҳарнеки қутлуғ орзуни ҳам ирkit қилиб кўрсатишга қодир экансиз, Саидқул, — деди у сал туриб. Овозида дард бор эди, эшитиб раҳмим келди. — Мен жудаям сиз ўйлагандай каззоб эмасдирман? Ҳай, майли, каззоб ҳам бўлақолай. Лекин бориб турган каззобда ҳам пайти-пайти билан виждон уйғониши мумкиндир? Уйлангки, мендек каззобда ҳам бир лаҳзага виждон уйғонди, уйғондию кейин мен боғ қиларга бел боғладим. Борингки, ўғри қариганда сўфилик ихтиёр этган бўлақолсин. Ҳарна, сўфи ўғридан сал бехроқ-ку, Саидқул иним?

Индамоқим. Қиёс ахтаришу фарқни чақиб ўтиришга ҳушим йўқ эди. Қолаверса, шундоқ кўз ўнгимда ўнлаб, юзлаб кўчатлар қад ростлаб турар эди. Бизнинг шикваларимизу турфа хил аламларимиз ўсиб-унажак биттагина чинор олдида сариқ чақага ҳам арзимайди аслида.

— Бўпти, баҳслашмайлик, — дедим, Яхшибоев ҳамон мендан садо чиқарини кутаётганини кўриб. — Лекин шарти бор, сизнинг мангу дарахларингизни оралатиб мевалисидан ҳам экамиз. Майли, пулини мен тўлайман.

— Менинг ниятим, пули ҳам меники бўлиши керак.

— Билганингизни қилинг. Лекин мева унмаса ҳисобмас. Сизнинг бола-чақангиз емаса, ана, Булдуруқда қар кунни ўнтадан туғилиб ётибди, ўшалар ейди.

Хуллас, айтганимни қилмай қўймадим. Махсумов сим тўр ортилган машина билан келганида мевали дарахларнинг кўчатидан буюрдим. Бу ёғи биз кўчатзорнинг теграсини сим тўр билан ўраб улгургунча олам-жаҳон шафтоли кўчати келди. Урик кўчати озроқ экан. Олма топилмабди. Лекин чораси бор экан, нариги ҳафта бозордан олинади, кейин Булдуруқ аҳли ўзлари ҳашар қилиб қадаб чиқади.

Шафтоли кўчатини ўзим экиб чиқдим. Яхшибоев қапа остида ўтирди. Зериккан чоғлари машинасининг моторини чуқилаган бўлди. Секин-секин кайфиятим ўнгланиб бораверди. Ичимда Яхшибоевни олқайман, денг. Агар бу иш ҳаёлига келмаганида, ким билади дейсиз, мен яна қачон дашт ҳавосини ҳидлар эдим. Гиёҳларнинг номлари ҳам ёдимдан чиқай деган экан, бир-бир хотирда тиклаб чиқдим: ёвшан, янтоқ, коврак, каррак, кушқўнмас, читир... Бир ёқдан хурсандман-у, лекин бошқа ёқдан хўрлигим келади: ўтган умр сув экан-да, деб ўйлайман, ё бир менда шундай туйғу бормикан, ахир, бекорга сувга оқиб кетмаган чиқарман? Ҳарнеки яғмонинг ҳам интиҳоси бор, деб ўйлайман, табиат деганлари кўп сахий, ҳеч кимдан меҳрини дариф тутмайди, йўқни бўлдиради, камни тўлдиради, бағрим кемтик эди, мана, энди тўлай деяпти, йўқ жойдан уқалар топдим, Холмўминнинг тақдирини елкамга олдим, залворига чидашим керак энди, бир кимсанинг яшалмаган умри менинг умримга ҳам уланди, токи қолган умримни тугалроқ ва муносиброқ ўтказай, кўнгил майллари хатолиғ бўлмасин, шунча адашганим етар, бундан бу ёғига зийраклик ато этсин!

Яхшибоевга келсак, унинг қисматини фожиа атарга журъатим етмади. Бир орзуси бор эди, мана, кечикиб бўлса-да амалга оширяпти, болаларидан сал норози экан, лекин уларнинг ростдан ҳам ёмон эканига ким кафиллик беради? Узимдан қиёс этай, агар мен ҳам бийдай чўлдан маскан қилсам, майли, у жойлар келажакда боғу бўстонга ҳам айлансин, хўш, менинг болаларим шу ерларга келармиди? Лоақал мева пишиғида тотингани бўлса-да, келармиди?

Дарвоқе, нега мен чўлдан маскан изларканман? Бор-ку у — маскан дегани. Холмўминнинг қабри, Абдужабборнинг ҳовлиси, бир гала иниларимнинг уй-жойлари. Наҳотки, менинг болаларим келмаса?

Келади, дедим ўзимга ўзим, улар албатта келади. Келишига ишондим. Ишонч боис, кўнглим ўсди. Кўнглим ўсгани баробар, Яхшибоевга ҳам ён бердим. Уйладимки, умид билан, тақдиру табиатга илтижо қилиб ўйладимки, улар ҳам келсинлар. Келсинлару кетган пайтларида ҳам манави кўчатлар ўсиб-униб пайдо этажак сершовқин боғни кўнгилларида муқим тутсинлар!..

Ниҳоят, учинчи кунни кечга яқин ҳашар тугади.

Иккимиз ҳам мамнун эдик.

Махсумов қўй сўйиб, гўштини товоқларга бостириб, шўрвасини каттакон термосга солиб келди. Шофёри бир яшик ичкилик ҳам тушираётганини кўриб, Яхшибоевнинг жаҳли чиқди:

— Аралаштирма буни, мулланинг ўғли! — деди кескин. — Айт, ортсин мошинга! Шофёр ўзи ҳам эшитди чоғи, яшикни машинага қайтариб солди.

— Балли! — деди Яхшибоев. — Ана энди ўзинг салт келиб ўтиришинг мумкин. Қани, бери кел.

Шофёр йигит ийманиброқ келди. Гидамнинг бир четига ўтирди. Махсумов ҳаммага шўрва сузди. Гўшти тўради. Сузмадан чалоб қилди. Овқатланиб бўлгач, Яхшибоев уларга рухсат берди:

— Майли, боринглар. Махсумов болам, мана пул, қоровул чолга берасан, — шундай деб, пул узатди. — Иложи бўлса, колхозинг ҳам маош тайинласин. Мен бу боғни нариги дунёга кўтариб кетмайман, колхозга қолади.

— Одамлар устимиздан ёзмасмикан?.. — деб мулоҳаза қилди раис.

— Ёзганнинг қўли синади!.. — деди Яхшибоев. — Шуни мажлис қилиб бошқаларга айтиб қўй. Агар шу учун сени мансабдан олиб ташласа, унда ўзинг боққа қоровул бўласан. Маошингни ўн баробар тўлайман. Қаҳрим ёмон менинг, мулланинг ўғли! Бир туп кўчат қуриса, нақ энангни кўрсатаман!

— Энди, оқсоқол... битта-яримтаси қурийдими-да... — деди раис ботинмайгина.

— Қурирмайсан, — деди Яхшибоев. — Янаги баҳорда битта қолдирмай санаб оламан.

— Хўп, оқсоқол.

Махсумов таъзим қилганича ортига тисарилди. Аввал эътибор қилмаган эканман, энди яна эсга тушди: аввал ҳам бир-икки гал, худди ҳозиргидай, то машинага қадар ортига тисланиб борган эди.

Раис жўнаб кетди.

— Фейлингиз чарсрок, Назар ака, — дедим.

— Э, шунгайм ота гўри қозихонами? — деб кулди Яхшибоев. — Қўрқоқ нарса бу ўзи. Мулланинг ўғли. Отаси мен билан бир классда ўқиган. Қироати яхши дейишарди, муллалikka уриб кетди. Бунинг ўлиб-тирилишида маъни бор, Саидқул, бу орден-порден олиб беради, деб умид қилади.

— Орден обберадиган одатингиз ҳам борми?

— Бэ! — деди Яхшибоев. — Йўл бўлсин бизга!

Ҳазил-ҳузул гап ташлашиб ўтириб, қош қорайганини билмай қолибмиз. Оёқнинг чигилини ёзмоқ истаб, секин кўзгалдик. Телага, цемент ҳовуз ёнига чиқдик. Сув бир маромда шариллаб оқиб ётган экан. Осмонда заррача ғубор йўқ, юлдузлар тиниқ ёниб турибди.

Ҳовузнинг нариги томонига, харсанглар қалашиб ётган тарафига ўтиб ўтирдик.

— Яхши бўлди, — дедим. — Дам олдим лекин, Назар ака.

— Эрталаб яна йўлга тушамиз, иним. Аввалроқ айтолмадим, иймандимми ёки ўзи бир иллинадиган жойи йўқмиди... Энди айтавераман, ҳар ҳолда, кўчат ҳолида бўлсаям, орқада боғим бор-да, Саидқул, нима дедингиз?

— Нима гап ўзи, нуқул боғни орқа қилиб қолдингиз? — дедим мен.

— Васият қилмоқчиман, Саидқул. Уйларингиз мужмалрок бўлса-да, йўриғингиз жўн. Йўриғингиз яхши сизнинг, Саидқул, ўта содда. Ҳамкасбларнинг орасидан сизни танлаганимда хато қилмаган эдим.

— Тушуниксиз, Назар ака, васиятга бало борми?

— Қўрқманг, оғзакиси бу, — деди Яхшибоев. Овози сал титрагандай бўлди. Сездимки, майнавозчиликнинг кези эмас, бу одам жиддий гапиряпти. — Қўлингиз тоза, деб эдим, эсингиздами?

— Э, у гапларни қўйинг...

— Камтарликни йиғиштиринг, Саидқул. Сиздан қарздорман. Ирим шуки, кўчатларни тутиб турдингиз, мен бор-йўғи тупроқ тортидим, холос. Мен тупроқ тортишга устаман, Саидқул, сезган чиқарсиз?

— Бемаъни шаъмалар бу, Назар ака.

— Гапни бўлмаг, Саидқул. Мен ростдан васият қилмоқчиман. Васиятим шуки, мени Булдуруққа опкелиб кўмасиз. Қабристонга, Ҳотам Шўро ётган жойга яқинроқ қўясиз. Неки бўлсам, ўша киши туфайли бўлдим. Балки у менга тузукроқ тақдирни раво кўргандир, балки мен унинг тилагига муносиб чиқмагандирман, лекин бори-да, бори!.. Кулги бўлишдан чўчийман, ўзимга қолса, жасадимни Ҳотам Шўронинг ёнига эмас, манави кўчатлар экилган боққа кўмишни сўрардим. Лекин биласизки, мен Толстой эмасман, шунчаки бир ҳаваскор, унвонга ўч ҳаваскорман. Тошкентда қолиб кетсам — уят. Тошкентда қолсам, унвонга учинадию муносиб одамларнинг ёнига кўмишади. Унда мен баттарроқ кулги бўламан, иним. Ҳар ким ўз ҳолини билгани маъқул. Бир хил аҳмоқлар Чигатойдан икки газ ерни орзу қилишади, мен эсам... кўрқаман, Саидқул иним, кўрқаман! Менга шу ер тинчроқ!

— Қиёс учунми? — дедим ўзимни тиёлмай.

— Ҳақорат қилманг, иним, — деди Яхшибоев. — Мен сизни одам деб гапиряпман. Сизни шунча кундан бери судраб юришимдан фарз шу — васиятимни айтиш. Очиғини айтинг, мени шу ерга келтириб кўмасизми?

«Аввал ўлинг-чи, кейин бир гап бўлар!..»

Худо кечирсин-у, лекин шу гапни айтиб юборишимга бир баҳя қолган экан ўшанда. Хайриятки, айтмадим. Бошимни ҳам қилиб туравердим. Ростини, Яхшибоевнинг гапларига заррача бўлсин ишонмадим. Ҳаммани оғзига қаратиб юрган одам, элнинг

эркатойи, неча-неча шотирлари имосига маҳтал турадиган одам, келиб-келиб менга, бор-йўғи кўчат ўтқазишу пайванд ўтқазишга ярайдиган бир кимсага васият қилиши эриш туюлди. Йўқ, мен ўзимни ўзим камситмаяпман. Ҳар бир кимсанинг тан маҳраминдан ташқари яна бир хил маҳрамлари бўладики, бирига мафқурангни, бирига ёмон нафсингни, яна бирига яна недир ниҳон ётган сирингни ошқора тортиқ этасан, ундан ҳам айни инъомни оласан — бунда ҳеч қандай ҳадик йўқ. Ибо ҳам бўлмаслиги мумкин, сабабки, иккала тараф ҳам баробар ҳуқуқли.

Яхшибоев билан неча кундирки бемалол сирлашиб юрибмиз-у, суҳбатимиз осойиш ўрнига ҳадик беради одамга — у менга ишонмайди, мен унга ишонмайман.

Энди, ўзинг заррача ишонмаган одам бисотидаги энг охирги нарса — ўлигини сенга ишониб топширганига нима дейсан?

Яхшибоев кўнглимни ўқди.

— Майли, бошқа бир васий топишга уриниб кўраман, Саидкул иним, — деди. — Фақат шу гап шу ерда қолсин. Атаганича яшаб тураммиз энди...

Индамадим. Рости, бир муддат иккиланган пайтим ҳам бўлди. Ишонмоққа мойиллик тўғилди. Лекин яна бир истиҳола борки, мен ҳам унга ўхшаган банда бўлсам, мендаям иссиқ жон, бировнинг маъракасани бўйинга олмоқ азбаройи манманлик эмасми, деб ўйлайман. Сен ундан кейинроқ ўласан, деб биров менга кафолат бериб қўйбдими?

Ахийри чекиндим. Васийликни зиммага олдим. Ичимда унга сўз бердим-у, ўзига айтмадим. Бу одамнинг табиати савр ҳавосига ўхшайди: бугун бундоқ, эртага ундоқ, балки мени синаш учун, атай мазах қилиш учун ўйлаб топгандир гапларини?

Мазох бўлмоққа ҳушим йўқ эди.

Булдуруқ сафаридан қайтгач, бир муддат иноқлашиб, ҳаттоки борди-келди қилиб турдик. Бизнинг хотин бечора хурсанд, шаҳар четида, бир ёғи қишлоққа туташ яшаганимиз боисми, биз Яхшибоев билан гурунг қилиб ўтирган чоғларимизда, ўзига тегишли меҳмонни — Муҳсина янгани олиб, кўчаларни айланиб келади, денг!.. Вой қишлоқи, вой мақтанчоқ, деб куламан ичимда, янгани жамоатга кўз-кўз қияпти-ку!..

Яхшибоев билан менинг гурунглариимиз ҳам чакки эмас, дунё бўлмаса-да, чорак дунёнинг тақдир хусусида бош қотираммиз. Бир тарафи — Тўпорини мақтаб Москва телевизорига чиққанман, турли табриклар, турли таклифлар ёғилиб турибди, нашриёт китоб қилиб беришни сўрайди, кино — сценария қилишни... Одамзод машҳур бўп кетиши ҳеч гапмас экан. Аввалроқ бир жойда эслатганимдек, Москвадан Бурцев деган одам кўнғироқ қилди. Чет элга кетадиган бир журналга мутасадди экан. Айтдики, Саидкул Мардонович, қаҳрамонингизни бизнинг журналга очерк қилиб берсангиз, шояд унинг ишлари бошқа қитъалардаги уйғониб келаётган халқларга ибрат бўлса!..

Гурур патларим тиккайиб кетганини кўрсангиз эди! Хайриятки, русчани дурустроқ билмаслигим эсимга тушди, йўқса, ваъда бериб юборишга мумкин эди. Жавобни мужмал қилдим. Уша куниеъ телефонда Яхшибоевга маслаҳат солдим. Шошилманг, Саидкул иним, деди, телевизор билан радиода истаганча валақлаш мумкин, лекин ёзув қолади, бировни мақтаб ёзишга ружу қўйманг, хусусан, Тўпорига ўхшаган кимсаларни... Юрагим шув этиб кетди. Бирор гап борми, деб сўрадим. Ҳозирча ҳеч гап йўқ, деди Яхшибоев, лекин устидан арза кўпайган эмиш. Ҳар эҳтимолга қарши, бирорта манман раис ҳақида ҳикоя ёзиб қўйинг, мабодо ишқили чиқиб қолса, мана, унинг салбий жиҳатларини ҳам ўз вақтида фош этганмиз, деб айтасиз!..

Яхшибоев маслаҳатини айтиб, изидан пихиллаб кулса, симда бирор «замикайни» бўлибдими, деб ўйлабман. Соддасиз, Саидкул иним, деб койиди у сал ўтиб, сизам мундоғ мослашинг, ёзувчи деган ҳар бир замона одами бўлиши керак.

Рости, оқсоқолнинг шу гапини ҳеч сингдиrolмадим. Мен у айтганчалик содда эмасдим. Замонавийлик билан замонасозлик ўртасидаги фарқни дурустгина тушунардим. Арбоб ёзувчиларнинг китоблари босмадан чиқишига илҳақ ҳамкасабаларимни ҳам билардим, токи биринчи бўлиб мақтаса!.. Китобдан олдинроқ тақризларини бостириб улгурган ялоқхўрларни ҳам кўриб турардим.

Алам қиладигани шуки, Тўпори билан мени ўзи таништирди-ю, энди бу гапларнинг учини чиқарпти. Демак, аввалдан ҳам билган экан-да? Ўзи ёзиб юрган одам, энди ям ўзи ёзаверса бўлмасмиди? Еинки азбаройи ичи ачиганидан, уни ҳимоя этмоқ истаганидан мени бирга олиб бордимми? Яъники, бировнинг воситасида ҳимоя этади, нафи тегса — тузук, нафи тегмаса — алақандай Саидкул Мардон деган кимсанинг ёмонотлиғи бўлгани қолади!.. Яхшибоев эса — оппоқ, Яхшибоев — дўмбоқ...

Қонимга ташна бўлиб ўтирган эдим, дарвозада машина сигнал берди. Чиқиб очдим, Яхшибоев экан. Ҳушламаганимни сезди-ю, парво қилмади.

— Мени кутқаринг, Саидкул иним, — деди. — Ердам сўраб келдим.

Ноиллож, ичкарига таклиф қилдим. Нон-чоё келди. Дастурхон устида секин ичинини ёрди:

— Қалтис ишга қўл уряпман, Саидкул, соавтор бўлмайсизми?

— Ҳўш?..

— Александр Шоймардоновични урмоқчиман!

Ўйлаиб қолдим. Аввалига ишонмадим. Ғўзашунос олимнинг номини кўп марта эшитганман. Яхшибоевнинг уни ёқтирмаслигини ҳам сезганман. Ғўзашунос ҳам буни кўп иқи суймайди. Уртада бўлишолмаган бирор нарсалари бўлса керакки, адоватлари шунча йилдан бери чўзилади. Яхшибоев олимни Союз минбаридан туриб уч-тўрт қаттиқ чандигани ҳам эсимда...

— Шоймардоновичнинг навлари бир пулга қиммат! — деди Яхшибоев. — Шунини биласизми?

— Кимнинг навлари тузук? — деб сўрадим. — Ишботига нимангиз бор?

— Намунча асабийсиз? — деди Яхшибоев сўнг бирдан кулиб юборди. — Тағин бояги гапларга учиб юрманг, Саидкул ука. Тўпори ўз жойида турибди. Ошно тирик экан, Тўпорининг мушугини пишт деёлмайсиз.

— Ғўзашуносдан Ошнонгиз воз кечдими? — деб кесатдим.

— Воз кечмаган, — деди Яхшибоев жиддийлашиб. — Лекин албатта воз кечади. Унинг кўзини очишимиз керак. Сизу бизнинг вазифамиз шу. Ёзувчи халқи каттаю кичик ҳамманинг кўзини очиши керак.

— Мен пахтачиликни билмайман, Назар ака. Ғўзадан пахта унади, шунисидан воқифман, холос.

— Э, унда ростдан ҳам билмайсиз экан! — деди Яхшибоев. — Ғўза дегани бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимлик асли. Унинг пахтачилигу план деган нарсалар билан сариқ чақалик иши йўқ. Ғўзанинг иши — чигитини воёга етказиш. Пахтаю момиқ — ўша чигитни ўраб, иссиғу совуқдан ҳимоя этадиган туклар, холос. Биз ўша тукига ишқи-бозмиз. Бир хил ғўзалар борки, чигити қип-яланғоч бўлади. Бир хиллари борки, чигити туқли-ю, туқининг ранги кулранг ёки тимқора бўлади. Лекин бизга оқ тола керак. Негалигини биларсиз?

— Бўяшга қулай, — дедим мен.

— Балли! Александр Шоймардоновичнинг навлари мусулмон навлар, бу навлар бир чақага қиммат, биров сотиб ҳам олмайди, ўзимизнинг заводу фабрикалар бир амаллаб бўзга айлантиради.

— Навнинг ҳам мазҳаби бўларканми?

— Энди, туки калта, демоқчиман-да, — деб илжайди Яхшибоев. — Александрнинг навлари бариси кечпишар, барги кеч тўкилади, ярим кўсаги тиржаймасдан ўтиб кетади. Эллигинчи йиллардан қолган навлар. Янгиларини ўтказмайди, тушунапсизми? Янги нави ўтказадиган комиссияга ҳам ўзи раис бўлиб олган, тушунапсизми?.. Сиз шунини ёзишингиз керак.

— Мен ёзмайман, — дедим қатъий қилиб. — Сиз ўзингиз биларкансиз, ўзингиз ёзингиз. Менинг кучим ҳам, билимим ҳам етмайди.

— Бориб ўрганинг. Гражданик бурчингиз бу, Саидкул иним. Уйда биқиниб ёт-гунча, мундоқ кўчага ҳам чиқинг, халқнинг аҳволидан хабар олинг. Александрнинг кечпишар ғўзасининг баргини тўкаман деб қанча заҳарли дори ишлатишимизни биласизми? Ҳар йили кузда дориларнинг процентини газетда беради. Юзга етса бас асли, лекин юз элликка етказганлариям учрайди! Халқнинг тақдирини ҳам ўйлайсизми, иним? Мен шаҳарда яшаяпман, қишлоқ устига сочилган дори бу ёққа етиб келмайди, деб ўйлайсизми? Хато қиласиз! Биз авлодларга нималарни мерос қилиб қолдирамиз? Шоймардоновлар сувини сиқиб, қуритиб-қақшатган ерними? Қисир бўп қолди-ку еримиз! Сизам бундоқ ўйланг, Саидкул иним!..

Қарасам, Яхшибоевнинг росмана жаҳли чиқяпти. Боя шубҳага борганим учун ўзимни койидим. Унинг гапларида жон бор эди. Айниқса, дала устига пуркаладиган дорилар ёмон эди. Ёмонлигини ўз бошимда синаб кўрганман. Бир гал Сирдарё лабида дам олиб ўтирганимизда устимиздан самолёт учиб ўтган-да, нариги қирғоқдаги далага дори селган. Шамол ўша тарафдан экан, кукунларини бу тарафга суриб келиб, устимизга ёғдирган. Мезбонлар чидамли экан, лекин кечга бориб менинг мазам қочган, иситма нақ қирққа етиб, уй эгаларининг юрагини ўйнатиб, роса бир ой касалхонада ётиб чиққанман. Мақола ҳам ёзганман, лекин қақаришмаган, қайтага, ўзимни айблашганки, техника хавфсизлиги қондасига риоя қилмагансиз, деб!..

Аламим кўзиди. Ўзимнинг ҳам жаҳлим чиқиб, тобим қочгани, мақола ёзганим, бировларга ёмон кўринганимни Яхшибоевга зарда қилгандай айтиб бердим.

— Борми ўша мақола? — деб сўради.

— Бор, — дедим. — Шкафда чанг босиб ётибди. Олинг, ўз номингиздан бостирсангиз ҳам майли.

Мақола тайинли бир папкада турувди, топиб келиб, қўлига тутқаздим.

— Сизнинг фамилиянгизни ҳам қолдирамиз, Саидкул, — деди Яхшибоев, қўл-ёзмага бир кўр кўз ташлаб. — Мен ўзимни тикиштирмасам тузук эди, лекин, тушуна-сиз, сизга қалқон бўлаоладиган бирорта териси қалин каркидон керак. Нима дедингиз?

— Билганингизни қилинг.

— Чиқарамиз, — деди Яхшибоев. — Ҳозирча менга рухсат. Бориб бир маслаҳат қилай. Эртага чошгоҳда келаман. Эртага анави Александр Шоймардоновични фош

этамиз. Уни фош этиш — ижтимоий адолатни тикламоқ демак. Кураш оғир бўлиши тайин, бу — ер учун, сув учун, боринги, халқимиз учун кураш бўлажак!

...Эртаси куни чошгоҳ маҳали Яхшибоев тагин келди. Келиши билан бизнинг бола-ларга амр қилдики, булар бориб машинада анчагина юк тушириб олишди — Назар ака йўлда бозорга кирган экан.

— Парво қилманг, Саидкул, — деди. — Соавторликка суқилганимнинг ҳақи бу.

— Бекор чиқимдор бўлсиз, — дедим. — Бари бир гонорар ололмаймиз.

— Жудаям оламиз-да! — Яхшибоев шундай деб, қўйнидан бир тўда газета чиқарди. — Ҳўкинг, Саидкул, саводингизни оширинг!..

Шошиб газетани очдим. Кўрсам, иккинчи бетида кечаги мақола босилибди. Ҳеч ишонгим келмади.

— Намунча тезкорлик, Назар ака?

— Сизга қолса мақолани сичқон еб кетарди, — деди Яхшибоев. — Рост гап хор бўлганини кўришга тоқатим йўқ. Муҳаррирнинг нақ бўғзидан олдим. Аммо-лекин, ёмон хира эканман, Саидкул, чеккадан қараган одамга жуда хунук кўринса керак... Э, қўйинг унисини, муҳими — чиқардик! Бирорта сўзи ўзгармади. Йўқ, ўзгарибди, анави «бутифос» деганингизни «доривор» деб аташибди, холос!

— Барака топинг, Назар ака, — дедим тўлиқиб.

— Э, қўйинг-э! — деди Яхшибоев. — Бу ишни чин кўнгилдан қилди, деб ўйлайсизми? Биздаям манфаат бор, укам. Охиратимни ўйлаб қилдим бу ишни. Ўлсам, баччағар Яхшибоев нуқул қитмирлик билан ўтиб кетди-я, деган гап урчишини истамайман. Уқдингизми? Савоб ишлар ҳам керак одамга!..

Хуллас, бу ёғи байрам бўлиб кетди. Яхшилаб ош дамлаб, оқсоқол келтирган нознеъматлару бизнинг ўзимиздан чиққанларини дастурхонга чош этиб, гурунгни гуллатиб юбордик. Ичкилик йўғ-у, сархушлик бордай.

— Бу, Александр Шоймардоновни нима қилдик, Саидкул? — деди Яхшибоев. — Юраверсинми халқни алдаб, ёинки суробини тўғрилаб қўяқоламизми?

— Ўзи пишиб қолгандай-ку, Назар ака, — дедим. — Қўйинг, уч-тўрт кунлиги борми-йўқми... Балки унинг шогирдлари тузукроқ навлар яратиб берар.

— Боқибегамсиз, Саидкул! — деб таъна қилди Яхшибоев. — Езувчи кишига ярашмайди. Уни тезроқ фош этиш керак. Фактлар ҳаммаси тахт турибди, ярим кунлик иши бор, холос. Икков эртага эрталабдан киришсак, тушгача фельетон тайёр бўлади!..

— Йўқ, — дедим қатъий. — Аввал ўзим ўрганай, сизнинг фактларингизни қўшиш қочмайди.

— Оббо, инжик экансиз-да, аммо-лекин! — деб хитоб қилди Яхшибоев. Жаҳли чиққани сезилди. Лекин зум ўтмай ўзга оҳангга ўтди: — Ҳай, майли, ғўзашунос ҳозирча яшай турсин... Энди сизга шахсий илтимосим бор, агар кулмасангиз айтсам...

— Бемалол, Назар ака, қўлимдан келса — бош устига.

— Қўлингиздан келади, Саидкул, — деди у бошини ҳам қилиб. — Рост, уят бу, лекин ўзимнинг қўлимдан келмагач... начора... Бурноғи йили бир роман қораловдим, ука. Қоралама ҳолида чанг босиб ётувди. Рўзғорда харажат кўпайдими, бир куни янгангиз пул деб хархаша қилганида ўшани эслаб қолдим. Биласиз, бизда сарф кўпроқ, вақти-вақти билан томиб турмасе бўлмайди... Улганимнинг кунидан қўлёмани топиб қайтадан ўқидим. Маъқулдай кўринди. Чоршанби укамизга имлоларини кўриб бер, деб қўлтиқлатиб юбордим. Бир ой деганда қайтариб опкелди. Хурсанд, денг, оғзи нақ қулоғида. Зўр бўлди, устоз, роман жуда очилиб кетди, деб мақтанди. Қўлёмани варақласам, баччағар бошдан-оёқ таҳрир қилиб ташлаган экан! Бир чеккаси Чоршанбига ўхшаган шогирдлар олдида муттаҳамман, очерка-почеркаларимни беминнатгина ёзиб бериб юришади. Бу роман меники эмас, сеники бўпти, Чоршанби, менинг қўлёман қани, деб айтдим. Қўлёмангиз шу, деди кўзини лўқ қилиб, мен озгина таҳрир қилдим. Э, таҳриринг билан кўшмозор бўл, деб сўқдим, мен имлосини тузатиб кел, деб эдим, сен бўлсанг!.. Э, сигир, деб сўқдим, гулзорга оралаган сигир, сен гулнинг ҳидини билармидинг!.. Хуллас, ишлар расво, Саидкул ука, қайтадан тиклай десам, қўлда ёзилган ягона нусха, бу ёғи — Чоршанби тушмагур қоп-қора қилиб бўяб ташлаган, менинг ёзувим қайда, уни қайда — ҳеч ажратиб бўлмайди! Ноилож битта кўзи ўткир машинистка хотинни топиб, уч нусхада кўчиртириб, биринчи нусхасини сизга опкелдим.

— Бажонидил, — дедим. — Уқиб фикр айтаман.

— Шундай қилинг, — деди Яхшибоев. — Ўзингиз бир ажрим қилиб беринг, қайси бири меники, қайси бири Чоршанбига тегишли — бир аниқлаб беринг. Фельимни биласиз, мардга — мардман!..

— Э, битта қўлёмани ўқиш чўт эканми!

— Бари бир, жуда ўнғайсиз бўляпти-да, Саидкул иним, — деди Яхшибоев хижолат чекиб. — Бошқаларга кўрсатай десам, рост, юрагим бетламайди, мақталларидан кўрқаман. Энди сиз ўзингиз менга рост гапни айтасиз, жудаям ёмон бўлса, униям айтинг, ёқиб юборамиз. Укасининг қорнига, битта бемаза китоб кам бўлса кам-да!..

— Э, яхши ният қилинг-э, Назар ака, — дедим. — Аввал бир ўқиб кўрайлик,

кейин бир гап бўлар. Лекин огоҳлантириб қўяй, ёмон бўлса, ўзим гулхан қалашиб юбораман.

— Ташланг бешни! — деб хитоб қилди Яхшибоев.

Ноилож, «беш»ни ташладим. Кўзларига қарадим — ёниб турибди, мисоли ютуқдан умидвор қартабознинг кўзларига ўхшайди. Чол балодай, деб ўйладим, бу қурмағур ёмон қўлёмани ёқишдан ҳам тоймайди. Рўзғор ночорлигидан гапирганлари шунчаки бир йўлига, бели бақувват, шу битта романсиз ҳам амаллаб кунини кўраверади.

— Сизни Александр Шоймардоновдан овоз қилдик, ука, — деди кулиб. — Сиз жанжалкаш эмассиз, Саидқул. Жиддий айбларини ўзим айтаман. Шаллақилик қисминини... жиннироқ шогирдларим бор, ўшаларга топшираман!..

Шундай деб, ёнида турган юпқагина сариқ чамадончасини олди.

— Тимсоҳ терисидан, — деди сиртини силаб. — Рио-де-Жанейродан олганман. Сизга порага опкелдим. Қўлёмани ўқиб берсангиз, бас.

— Бемаъни гапларни қўйинг, Назар ака.

— Э, қизиқмисиз, Саидқул! — деб кулди Яхшибоев. — Менда яна биттаси бор. Бирини сизга илиндим. Агар олмасангиз, унда қўлёманиям қайтариб опкетаман. Асл мол, Саидқул, олинг!

Тимсоҳ териси қанақа бўлишини билмайман, лекин сифатли сахтиёни фарқлай оламан. Чин сўзим, чамадонча менга ёқди.

— Поралиги ёмон, бўлмаса олардим, — дедим.

— Э, мен ўзим поражўрман-ку, Саидқул, сизга пора берармидим! — деди Яхшибоев тажанг бўлиб. — Совға бу, худонинг каж бандаси!

У чамадончани очди-да, ичидан қоғоз папка чиқарди.

— Мана! — деди. — Қўлёмани олдим. Қўлёмани ўқимайсиз, лекин чамадончани оласиз!

Нафс курсин, чидаб туrolмадим, сахтиёну сариқ чамадончани олдим. Қарасам, бармоқларим чамадончанинг ғадир-будур сиртини меҳр билан сийпалапти.

— Э, — деб ғудранди Яхшибоев ҳамон жаҳлидан тушмай, — Яхшибоев ҳаммагаям пора беравермайди, азбаройи ҳадди сиққанидан...

— Бўлди-да, Назар ака, — дедим қизариб. — Мана, олдим-ку... Қани, қўлёманиям чўзинг бу ёққа.

— Йўқ, — деди Яхшибоев нозланиб. — Қўлёмани бошқага ўқитаман.

— Гапни камроқ қилинг, Назар ака!

Хуллас, роса савдолашиб, ахийри қўлёмани ҳам олиб қолдим. Яхшибоевнинг ростдан ҳам жаҳли чиққан экан, кета туриб:

— Мен сизни сафарга опкетмоқчийдим, лекин энди опкетмайман, — деди. — Кўп ажойиботлардан қуруқ қоласиз.

— Майли, бормасам ҳам, — дедим кулиб. — Шусиз ҳам ишларим кўп. Менам роман ёзяман. Бу ёғи сизга мардикорчилик...

— Ув, Саидқул, дўстга хиёнат йўқ! — деб пўписа қилди Яхшибоев. — Бизнинг романни тезроқ ўқиб берасиз. Узим ҳам тузукроқ пишитсам бўларди, лекин ҳеч имкониим йўқ. Биласиз, асарларимни шушомадгўйлар пишмасидан хомталаш қилиб кетишади. Бизда кет йўқ, иним, боси-иб ўтирадиган! Акс ҳолда, чангимниям кўролмай қолардингиз! Ҳаммангиздан ўзиб кетардим!..

Ростдан ҳам, Назар ака беназир ёзувчи бўлиши мумкин эди. Романнинг ҳажми кичкина экан — нари борса икки юз варақ. Яхшибоевнинг, аввал ёзувдим, кейин ташлаб қўювдим, кейинроқ эслаб топиб олдим, чангини артдим, деганлари ёлгон. Сабабки, воқеаси жуда янги — менинг кечмишларим. Етимлигим, қийналганим, ўқиганим, уйланганим, умр бўйи кўнгли ярим бўлиб яшаганим ва, ниҳоят, Холмўминнинг дарагини топганим, шу баҳонада яна бир қатор жигаргўшалар орттирганим...

Яхшибоев қўлёманга ўзини қўшмаган эди.

Яхшибоев ёлгон айта туриб, ўзининг гуноҳидан кечишимни ҳам аниқ билган эди. Дадил илтимос қилиб келишининг боиси шуки, мен шу қўлёманга кўз югуртирсам бас, кейин бош кўтаролмай қоламан.

Қойил қолган жиҳатим — автор мен ўзим ёзган илк китобни, эҳтимолки, ўзи ўқиган ягона китобимни бутунлай ўзгартириб талқин этгани эди. Талқин жўяли эди, агар, мендан бошқа ўқувчи кўрса, балки бу қўлёманинг ўша китобчага суяниб битилганини сезмасди ҳам...

Яхшибоев менинг сўзлаш оҳангимни топган эди. Журъатсизроқ эканимни ҳам биларди, бўлиб ўтган воқеаларга бежоғ бермаган эрса-да, ўйлаб топилган воқеаларга, дейлик, жиддийроқ ҳаракат ёки суръат талаб этиладиган жойларга ўзининг феъл-атворидан ҳам озгина қўшган, хуллас, менинг тийнатимни анча очиб юборган эди.

Энг ажойиби — менинг кўнглимни пайқагани эди.

Хом жойларини пишитиб, жумлаларни силлиқлаб, кемтик кўринган жойларига ўзимдан қўшиб боравердим.

Бирор эллик бет қўлёзмани кўриб бўлдим. Уша куннинг ўзида. Кечга яқин яна қўлимга олдим. Кабинетга қамалиб, яна бирор ўн бетини таҳрир этдим. У ёғига қўлим боравермади.

Қолган қисми жуда хом эди. Таҳрир этса арзирмикан, деб, охиригача синчиклаб ўқиб чиқдим. Тугатдим-у, ҳафсалам пир бўлди. Тахминан олтмишинчи бетлардан бошлаб, оҳанг бирдан ўзгарди. Бу ёғида ғайрат йўқ эди. Аввалги серғайрат авторнинг сабри тугаб, бирдан эринчоқ ва танбал кимсага айланиб қолгандай. Бу ёғини жуда оғриниб, малол олиб ёзгандай... Гўё у бир ёққа шошилиб турган-у, ўлганининг кунидан ушланиб қолиб, манави беҳис-бетуйғу жумлаларни ёзгандай, янада аниқроғи — биров унга айтиб туриб ёздиргандай!..

Аҳён-аҳёнда ялт этиб бирорта мақол ёки матал чиқиб қолади. Буниси Яхшибоевга тегишли. Кейин яна ўша зерикарли оҳанг, чучмаллик, йиғлоқилик, гўёки қаҳрамон — яъники мен ўзим! — бошқаларга таъна қилаётгандай: сенлар бахтиёрсанлар, мен етимман, сенларда менинг қасдим ёки аламим бор!.. Энг ёмони шуки, етимнинг исми — Нормўмин!..

Жаҳлим чиқиб кетди. Сездимки, Яхшибоев айтиб турган, Чоршанбиев деган шогирди қитирлатиб ёзган! Дастлабки эллик бетни Яхшибоевнинг ўзи бир амаллаб қоралаган. Эҳтимолки, унияма айтиб тургандир-у, Чоршанбиевдан бошқа шогирди, ундан талантлироқ, қулоғи дингроқ шогирди қоралаб берган. Кейин менга ўхшаган беминнат мардикор топган-да, ўшанга хомакироқ таҳрир эттириб олган!..

Ёмон алам қилди. Кетган меҳнатимга ачиндим. Ҳалиги қалам тегизган эллик бетини қарасам, бинойидай, ўқиса бўлади, босса ҳам бўлади, ажабмаски, босилгандан кейин авторига илиқ гаплар ҳам айтилади.

Лекин автори ким бўлди бунинг?

Бир маҳал диққат қилсам, эшик тақилляпти. Қулфлаб олган эканман, бориб очдим. Ичкарига хотиним кириб келди, юзи тўла хавотир:

— Саид ака, — деди, — наmunча ғудранасиз?

— Саид эмасман, Нормўминман! — деб бақирдим.

— Ким бўлсангиз ҳам майли, барака топкур, лекин сўкинманг, болалар эшитади!

— Кенжатоинг қани?

— Свидайнага кетган, — деди хотин ботинмайгина. — Ярим кечасиз қайтмайди.

— Санғи! — дедим. — Нега аввалроқ айтмадинг?

— Энди, шаҳар узоқда-да, дадаси... — деди хотиним. Бечоранинг гапи «да-да-да-да» бўлиб эшитилди. Сезиб ўзи ҳам уялди. — Уғлингиз эрта қайтади-ю, автобуси камроқ-да..

— Қиз ўзи тузукми? — дедим сал юмшаб.

— Тузук. Ўзи билан ўқиркан. Утган йили курсдошлари билан келувди. Гаплашиб кўрдим, кейин ўғлингизга рухсат бердим.

— Ёмонсан, — деб мақтадим. — Бўпти, тўнғичингни чақир, машинани қўшсин!

Хотин бечора ҳайрон бўлди, лекин эътироз билдиролмади. Тўнғич ўғилни бошлаб келди. Икков машинага ўтириб, тўғри шаҳарга қараб кетдик. Тунда келмаган эканман, Яхшибоевнинг ҳовлисини топгунча анча қийналдик. Хайрият, магазин қоровули айтиб берди. Дарвоза ёнига етиб, ўғилга кўча бошида кутиб тур, деб буюрдим. Уғил кетди. Ўзим қўнғироқни босдим. Кўп кутмадим. Дарвозахона чироғи ёниб, ёш бир йигит дарчани очди. Назар аканинг кенжа ўғли Оллоёр экан. Ичкарига таклиф этди. Унамадим. Ниҳоят, отасини чақириб юборди. Яхшибоев уйқусираб чиқиб келди:

— Саидқул?! — деди ажабланиб. — Тинчликми, иним?

— Назар ака, — дедим бор журъатимни йиғиб, — Назар ака, ўзингиз ёзсангиз ўласизми?!

Индамади. Юзимга қараб турди. Аввал эътибор қилмабман, кўзлари совуқ экан. Ёки менга хира ёруғда шундай кўриндим, билмадим...

— Мана, — дедим қўлига папкасини тутқазиб. — Эллик бетини кўрдим.

— Кечиринг, Саидқул, — деди. — Қайтариб опкелиб тўғри қилдингиз. Сизга ярашмайди. Мен аҳмоқман, сизни ҳақорат қилибман... Майли, анави чоршанби-поршанбилар ўзлари кўриб берар... Оворагарчилик учун узр, ўзим ҳам эрталаб бориб опкелмоқчи бўп турувдим.

— Оворагарчилиги бор эканми, — деб кесатдим. — Эллик бетини пишиқлаб чиқдим. Бу ёғи битгунича, борини радио-падиога, газет-пазетга пуллаб турасиз, оқсоқол.

Яхшибоев миқ этмасдан ичкари кириб кетди. Мен ҳам ортимга бурилиб, кўча бошига қараб юрдим. Бирор йигирма қадам юрганганимни биламан, орқада дарчанинг фикрлагани эшитилди:

— Саидқул! — деган овоз келди. — Бу, қўлёзманинг чамадончасини унутиб қолдирибсиз-ку!..

Кўча бошига қараб югурдим. Юрагим бўғзимга келгудай эди. Машина ёнига етганимда ўғлим бечора кўрқиб кетди. Аптечасидан дори олиб ичирди.

— Ҳайда, — дедим. — Уйга яна бир бориб келамиз.

Яхшибоев инъом этган сариқ чамадончани қайтариб олиб келганимда тун яримдан

ошган эди. Бу гал қўнғироқни босиб ўтирмадим, дарвозага яқинлашдим у чамадончани девордан нарига отдим!..

Шу билан оғайнигарчилик тугади, Яхшибоев билан юзқўришмас бўлиб кетдик.

ХIII БОБ

Бемор

Эрта тонгда Эркиновни уйғотди: тулинг, болам, сайрибоғ қиламиз. Эркинов ёқтирмади, лекин — начора, юз-қўлини чайиб, унинг ортидан эргашиди. Узун-қисқа бўлиб дарвозахонага етдилар. Яхшибоев қоровулни озгина мақтаб, бугун бандман, ёнимга ҳар кимни ҳам қўявермайсиз-да, оғажон, деб тайинлади. Кейин Эркиновни етаклаб, боғ тўрига юрди. То баланд бетон деворларга етгунча ғўзашунос Шоймардоновга таъриф берди: бебаҳо чол, ғайрати икки оламга сиғмайди, аттанги, тарикча имони йўқ!..

Ортга қайтишда ғанимининг жамики заиф томонларини оғзаки рўйхат қилди. Сиз ёзаверинг, болам, деди Эркиновга, кейин биргалашиб тахрир этамиз, менда яна жиндай милтиқдори бор, ўшаниям ора-орасига қўйиб юборасиз, портлаганда ваҳмаси зўр бўлади. Эркиновнинг ҳамон иккиланиб турганини кўриб кулди: латта бўлманг, болам! Сўнг биқинига қаттиқ туртди: н а д о, Шамси Қамарович, т е п а д а ҳам шу фикр!

Разм солиб, Эркиновнинг анча руҳланганини сизди.

Палата эшигини очганида димоғига нозик атир ҳиди урилди. Ол-а, деди, кечаси билан шу ерда ухлаб, тушимизга гулзор кирмаганини!..

Деразаларни ланг очиб юборди. Дарахтларда мажлис бошлаган қушлар ҳуркиб учиб кетишди.

Эмлагани келган ҳамширага гап қотдики, Раҳматов боламга айтсангиз, бизнинг палатада ўз қўли билан биттагина исирик тутатиб юборса...

Ҳамшира ҳеч балони тушунмади, лекин одоб юзасидан илжайиб бош ирғади. Бирор беш дақиқа ўтиб телефон қаттиқ жиринглади. Яхшибоев трубкани хушламайроқ олди-ю, бирдан юзи ёришди. Қўнғироқ қилаётган киши Зоҳид эди — жанубий воҳалардан бирининг бошлиғи, ширинсўз ва камтарин йигит.

— Гуноҳқорман, Назар ака. Бугун борсам-да, бир қошиқ қонимни сўраб олсам? Билет тайёр, аэропортдан гапиряпман.

— Ёмонсиз, укажон! — деб ҳазиллашди Яхшибоев. — Бошқа ишларингиз бор-у, мени кўриш шунчаки баҳона эмасми? Дейлик, бирорта чиройли жувон...

— Э, қанийди! — деб кулди Зоҳид. — Қўрқаман, Назар ака. Масъул ишдаги ўртоқларнинг кўпчилиги шунақа қўрқоқ бўлади.

— Балли, ўзимиздан экансиз! — деб мақтади Яхшибоев. — Ростини айтаверасиз, аммо-лекин!.. Келинг, укажон, кутаман.

Трубкани жойига қўйиб, яна ўринга чўзилди. Зоҳиднинг келишига яна бир ярим соат бор. Бир ярим соатдан кейин жилмайиб кириб келадики, нима бўлди, Назар ака, бурга тепдимиз?

Зоҳид худди шу иборани ишлатиши тайин. Сабабки, у гапирганда Ошнога тақлид қилади. Ешулли унга зарда аралаш «Ворис» дея лақаб қўйгани бежиз эмас. Ошнонинг ўзи қўйган лақаб бошқачароқ, меҳрга бой — З А К И Й. Ошнодан таърифини эшитгандирки, кимсан Катта Пахтакорнинг ўзи ҳам кейинги гал келганида «Зоҳид — зукко-ю, аммо ўлгудай зоҳид», дея сўз ўйини қилган. Мазмуни шуки, Зоҳид ҳали буйдоқ эканидаёқ катта бир районни бошқарган йигит эди, уйланганидан сўнг бемалол бир воҳани ишониб топширдилар. Довруғи ҳам чаккимас — бутун мамлакат билади. Сабабки, Ошно уни марказий газетлардан бирида роса мақтаган: бу ўртоқ — замонга муносиб инсон, ҳалол, покиза, закий ва тадбиркор, мен бу ўртоқ билан ёнма-ён ишлаётганимдан бахтиёрман.

Баъзида Яхшибоев ҳайратга тушарди: ажаб, одам боласи ҳам шунчалар омадли бўладими?

Умуман, Зоҳиднинг келиши маъқул иш. Об-ҳавони билади, баҳонада яқин бир-икки йилга фол очиб олиш мумкин.

Зоҳид — суҳбати соз йигит.

Беш йил бурун эди, шаҳрини кўрсатди. Атай ярим тунда, эл ухлаган маҳали кўчаларга олиб чиқди. Ой яримта бўлган чоғ эди. Атроф жимжит, кимсасиз. Чорбурчак ёишт тўшалган сахнлар, мачиту мадрасалар... Пештоқлари баланд, гумбазлари баланд, миноралари улардан-да баланд — эски замонга тушиб қолгандайсан. Зоҳиднинг шаҳри Ўртақўрғондан ва ҳатто Самарқанду Хивадан ҳам салобатлироқ эди. Яхшибоев ўшанда сизди ўзининг ғирт саҳройи эканини. Шаҳрингизнинг сусти босяпти, укажон, деб

ҳазиллашди, титроққа тушяпман, шундан билинги, бизнинг кўчманчи аждодларимиз шаҳрингиз дарбозасида каттароқ бож тўлагани аниқ!..

Зоҳид хотирҷам эди — гўё бу кўҳна шаҳристонни ўзи қургандай.

Манави мадрасада бобокалонимиз мударрис бўлганлар, Назар ака, деди фахр-ланиб. Яхшибоевнинг ишонмаганини пайқаб изоҳ берди: шубҳангиз ўринли, Назар ака, мен ўзим бошқа шаҳарда туғилганман, у ёқдаги мадрасага жўн бобомиз мударрислик қилганлар, афсуски, ўша мадрасани ўғиллари, яъники менинг отам бузиб ташлаганлар, энди, у пайтлар ўлғмиш дегани бирдай қоп-қора кўринган-да... Туғилган шаҳримда отамнинг хатосини тузатиб, бобомизнинг мадрасасини таъмирладим, ўша тажрибани эндиликда бу улўғ шаҳарда ҳам татбиқ этяпман, оқсоқол дўстингиз катта ёрдам беряптилар...

Зоҳид бармоқларини букиб санай бошлади: кўшк таъмирига — миллион, арк таъмирига — миллион, ажнабий сайёҳлар хон ҳарамини кўришга ишқибоз, шуниям ярим миллионга таъмирлаб, тежалган ярим миллионни ёзги саройга ишлатамиз. Қарабсизки, жарақ-жарақ пул! Ун йилга қолмай жами харажат қопланади. Ўзимизнинг одамларга бор-йўғи йигирма-ўттиз тийиндан патта сотамиз, лекин капиталист ажнабийларга билет икки-уч сўмдан камига сотилмайди, энди, камбағалдан юлган пулини биринчи йўқсиллар мамлакатида қолдириб кетгани тузук-да, Назар ака?..

Жинкўчалардан олиб ўтиб, ахийри эски бир бино эшигига рўпара қилдики, хуфя жойим бу, Назар ака, пари-пайкарлар билан шу ерда учрашамиз.

Калити бор экан, эшикка осиглиқ қулфни очди. Ичкари кириб чироқни ёқди. Гумбаз ости қурумдан қорайиб кетган бир жой экан, жудаям кўламли эмас, чамаси, ёнида йирикроқ мачит бўлгану бу жой таҳоратхона хизматини ўтаган — деворларда кошнлар йўқ. Яхшибоев диққат қилса, бу ер мисгарликка ўхшади. Кўралар, ўчоғу қозонлар — ҳамма нарса муҳайё. Тўрда каноп тортилган ромлар тескари қаратиб тизилган. Бунақасини биринчи бор кўриши эмас, ўғли Аввалбек ҳам рассомлик қилади, лекин Зоҳиднинг ҳам бунақа ҳунаридан огоҳ бўлиб, ҳайратини яширолмади. Айбимни фақат сизга очяпман, Назар ака, деди Зоҳид қисиниб-қимтиниб, биров эшитса кулади, лекин боя айтганим рост — илҳом париси бизнинг ғариб масканга ҳам аҳён-аҳёнда келиб туради...

Чизган суратларини бирма-бир кўрсатди — жўяли эди. Яхшибоевнинг меҳри жўшиди, ошириброқ мақтади. Зоҳид баттар уялди, лекин мақтов ёққани юз-кўзидан сезилиб турарди. Кўнгли баттар ийиб, ўнг бурчакка тортилган брезент пардани кўтарди: бу ёққа, Назар ака.

Навбатдаги бўлмада ҳам ўчоқлар бор экан. Қозонлар тагига газ ўтказилган. Қозон атрофида турли қолиплар қалашиб ётибди. Ҳаттоки битта-иккита ҳайкалчалар ҳам бор. Бири кўзга жуда таниш туюлди. Диққат қилса, Катта Пахтакорнинг калласи!.. Олиб кўрмоқчи эди, Зоҳид изн бермади: қўлингиз булғанади, Назар ака, ҳозирча бу модель, пластилиндан ясаганмиз, кейинроқ мисга ўтказамиз. Элимизда меҳмон бўлувдилар, деб изоҳ берди, ёнларида уч кун бирга юрдим, энди муборак қиёфаларини ёддан тикласам деб эдим, ҳеч ўхшатолмаяпман. Ўхшабди, деди Яхшибоев, айниқса — кўздаги шижоат, пайваста қошлар, нигоҳнинг ўткирлиги, ақлнинг қамрови!..

Ростини айтгин, деди Зоҳид, хушодад бўп туюлмайдими бу? Ишонинг, чин кўнгиладан ишладим, деди, сиздан бошқага кўрсатганим йўқ, умуман, манави устахона жудаям хуфя, ёрдамчим билан яқин бир ўртоғим билади, холос, энди сиз ҳам билдингиз, азбаройи меҳрим ва ҳурматим зўрлигидан опкелдим, агар иложи бўлса бир муддат тек турсангиз-да, мен пластилинда хомаки модель қилиб олсам...

Олижаноб йигит экансиз, укажон, деди Яхшибоев тўлиқиб, уялманг бу ишдан, сиздай санъатга ўч раҳбар фарзандларимиз кўпроқ бўлса кошкийди, афсуски, сизлар жуда озчиликсиз, энг катта раҳбаримиз роман ёзади, милиция министри шеър уқушиқ ёзади, мана сиз — ҳайкалтарош ва рассом экансиз. Шу, холос. Бу жудаям оз, Зоҳиджон иним, эҳтимолки шу нарса — озчилик эканингиз сизни хижолатга солар? Уялманг, азизим, санъатни тушунмайдиган кўру гумроҳлар уялсин!

Зоҳид жуда хурсанд бўлди. Кўчалик костюмини деворга қоқилган темир қозикқа илиб, коржомасини олди. Шартмас, укажон, деди Яхшибоев унинг қўлидан тутиб, кейинроқ — майли, ҳозирча ўлимга чап бериб юрибмиз, бундан кейин ҳам бирор ўн беш-йигирма йил мўлжалимиз бор, сизни шусиз ҳам чарчатдим, кейинроқ махсус келаман.

Зоҳид бир муддат унамай гаранг қилди. Лекин Яхшибоевнинг қатъий ваъдасини олиб, ахийри кунди. Устахонадан чиқиб манзилгоҳга йўл олдилар. Зоҳид ўша тун уйига кетмади, Яхшибоевнинг ёнида қолди. Каттакон хонада эрталабга қадар гурунглашиб чиқдилар.

...Эшик секин чертилди. Яхшибоев бир зум ўйланиб қолди: нима қилсин, ётиб-ихраниб қарши олсинми ёки ўзи бориб очсинми?

— Кираверинг, Зоҳид укажон! — деб овоз берди. Овози дадилроқ эшитилгани

учун, ортиқ ўринда ётиш иложини топмади. Туриб, тўшакни сал тартибга келтирди, халатини эгнига илиб, белбоғини боғлади.

Палатага кирган киши Зоҳид эмас, бадантарбиячи жувон Анбар экан.

— Э, сизмисиз...

— Ҳа, бошқа бирор аёлни кутяпсизми? — дея ёлғондакам қовоқ уйди Анбар. — Шошмай туринг, янгамларга чақаман.

Яхшибоевнинг кўнгли ғаш бўлди. Ич-ичига қулоқ тутди. Сездики, манави жувоннинг Муҳсинани эслатгани ёқмабди. Умуман, Муҳсинани эслагиси йўқ, оилани ҳам ўйламоқчи эмас, майда-чуйда гаплар бу, ахир, олдинда йирик-йирик фоллар турганда битта фосиқ хотин билан оқпадар фарзандларга бало борми!..

Анбар гўё бир нарсани туйқусдан эслагандай тек қотди.

— «Ж озе», — деди сал туриб. — Ёмонсиз, Назар Яхшибоевич!..

Яхшибоев зўраки илжайди:

— Фарангидан мазамиз йўқроқ.

— Атирнинг номи шунақа, — деб тушунтирди Анбар. — «Ж озе» — мен рози» дегани, Назар Яхшибоевич. Роса сепган экан меҳмонингиз.

— Э!.. — деб кўл силтади Яхшибоев. — Анави галварс Раҳматов боламнинг иши бу, энди исирқи тутатиб бермаса бўлмайди. Нодонлар кўп дунёда, Анбар отин... Шошманг, нима дедингиз номини?.. «Мен рози?..» Ким рози, Анбар отин? Нимага рози? Раҳматов розими ёки мен?..

— Билмасам, — деб кулди Анбар. — Чамамда, икковингизга ҳам унча ярашмайди. Менинг билишимча, бу атирни фақат аёллар ва фақат тунда суртишади. Таомили шу... Яхшибоев аввалига хангу манг бўлиб қолди. Сўнг тиззаларига шапатилаб баралла кула бошлади:

— Оббо Раҳматов! Оббо энаси бузуқ!..

Кулаётган асносида ичкарига Зоҳид кирганини пайқамади. Пайқаганида кеч эди — ҳадеганда ўзини йиғиб ололмади. Боз устига, қуриб кетмагур Анбар ҳам шарақлаб куляпти. Бир қўлида гул, бир қўлида юпқа жилд тутган хушқад йигит нариги хонада сўз айтарга фурсати имкон тополмай турибди.

— Э, укажон! — деб хитоб қилди Яхшибоев. — Келинг, укажон! Хабарингиз етиб, мана, отдай бўп қолдим, гижинглаб турибман, бу ёғи, мана, Анбар отин ҳам «мен рози» деяпти!..

Зоҳид ночор жилмайди. Анбарга қараб тавозе билан бош ирғади. Аёл қулоқларига-ча қизариб кетди.

— Назар Яхшибоевич! — деб хитоб қилди. — Тухмат бу!..

— Албатта туҳмат, — деди Яхшибоев. — Манави навқирон йигитларга шунақа лоф қилиб турмасак бўлмайди-да, Анбар отин! Қани, бери келинг, Зоҳиджон, келинг, бир ўпай!..

Зоҳид, каттақон воҳанинг бошлиғи, камтарин-у, лекин салобатли йигит, юрак бетламай келиб пинжиги кирди унинг. Яхшибоев маҳкам қучди, атай маҳкам қучди, билак мушаклари таранг тортилганида зўриқиш сезмади, аксинча, қониқиш туйдики, бу забардаст йигитлар ҳам Яхшибоев чолнинг бардамлигини қуриб қўйсин!..

— Кўп яхши йигитсиз-да, жоним, — деди Зоҳиднинг қулоғига. — Рост, сизни соғинган эканман, бошим осмонга етди, аммо-лекин...

— Балонинг ўқидай экансиз-у, менинг бекорга овора бўлганимни, — деди Зоҳид. — Бурга тепганга ҳеч ўхшамайсиз, Назар ака.

Яхшибоев Анбарга ялт этиб қаради. Анбар буни «кет, халал берма» маъносида тушунди, эшикка қараб юрди.

Дарвоқе, унда айб йўқ, деб ўйлади Яхшибоев, Ошно билан Зоҳиднинг уйқаш сўзлашини мандан ўзга шайтон сезмаган...

— Анбар отин, кейинроқ келарсиз! — деб хитоб қилди Яхшибоев бадантарбиячи жувонга. — Айбим бўйнимда — сизга неча кундирки бевафолик қиялпман!..

— Балосиз, Назар ака! — деди Зоҳид. — Дўхтир аёлларни ҳам ром қилиб олиб-сиз. Ҳасадим келяпти. Отамиз исмимни билиб қўйган экан, аёл зотига ботиниброқ қаролмайман...

— Бэ, қўйсангиз-чи, укажон, — деди Яхшибоев. — Одам ишонадиган гапни гапирсангиз-чи?

— Ростини айтайми? — Зоҳид кутилмаганда жиддийлашди. — Буни фақат сизга айтаман, Назар ака. Битта-яримтасига кўнглим суст кетган пайтлари ҳам бўлган, лекин мансаб қурғурдан айрилишдан қўрқаман.

— Муҳаббат — энг катта мансаб, муҳаббат — энг зўр эътиқод, — деди Яхшибоев андак жўшиб. — Сабабки, муҳаббатга чалинган одам ёмонликка қўл уролмайди. Ана шундай ажойиб нарса — муҳаббат!..

— Энди, сиз шоир одамсиз-да, Назар ака, — деб илжайди Зоҳид. — Мен ерда юрган жўн амалдорман. Баъзида қанот бойлаб учгим келади-ю, лекин иложим йўқ.

— Эзма бўп қолибсиз, укажон, — деди Яхшибоев. — Қисқароқ гапиринг, умрингизда бирор марта росмана ошиқ бўлганмисиз?

— Бир эмас, икки марта ошиқ бўлганман, Назар ака.

— Хўш?

— Э, ярамни тирнаманг, Назар ака!..

— Оббо! — деб кулди Яхшибоев. — Билсангиз, ука, агар менга қолса эди, мансабини тузуккина эглаб турган одамларни қўққисдан бир йил ёки икки йилга ишдан бўшатиб ташлардим, сабабини айтиб ўтирмасдим, кейин яна бирдан мансабга тайин этардим, аввалгисига эмас, ундан ҳам баландроғига...

— Тушунмадим, Назар ака...

— Албатта тушунмайсиз-да, укажон. Сиз мансабга ўрганиб қолгансиз. Гўё сизга шу амал отамерос қилиб берилгандай. Агар бир-икки йил бекорчи бўлиб юрсангиз эди, ким дўсту ким душман эканини аниқ билиб олардингиз, кейин, мен сизни баландроқ мансабга тайин этганимдан кейин, бемалол ва ҳалол ишлаб кетардингиз. Қўйинг, ука, палатникани алмаштирайлик, мансабингиз — ўзингизга ҳада, бояги гапдан келинг... Нимани гапирувдик?..

— Аёлларни айтувдингиз, Назар ака. Мен иккитасига кўнгил берганимни айтувдим.

— Балли!.. Ана шундан гапиринг.

— Гапирадиган жойи йўқ, Назар ака. Аёллар бобида омадим чопмаган. Шўрим курсин менинг, Назар ака, умрим бино бўлиб, иккитагина аёлга кўнгил қўйганман, умидвор ҳам бўлганман, лекин шубҳам тарқамаган... Гумон қилиб, уларнинг дафтарчаларини варақлаб кўрганман, ҳар икки дафтарчадан ҳам Ешулли акамнинг телефон номерлари чиқиб қолган.

Яхшибоев бирдан жонланди. Каравотдан туриб, курсига ўтди. Зоҳид ўзининг курсисини унга томон буриб ўтирди.

— У ит! — деб ғудранди. — Қасди бор экан-да?

— Бошдан қасди бор, Назар ака. Мен унинг қўлида ишлаганман, нодонлигини биламан. Шуни у сезади. Ёмон ишларини ҳам биламан. Қўлидан келса тегирмонга солиб туярди, хайриятки, сизга ўхшаган ҳомийларим бор...

Яхшибоев ҳушомадга эътибор бермади. Бутун вужуди қулоққа айланиб, курсини Зоҳидга яқинроқ сурди:

— Хўш-хўш, укажон, тушунарлироқ қилиб гапиринг-чи?..

Зоҳид бир муддат сукут қилди, сўнг умидсиз қўл силтади:

— Бас келиш қийин, Назар ака, нуфузи зўр унинг.

— Олдиндан таслим бўляпсиз, укажон, ярашмайди. Курашиш керак.

— Мен курашолмайман, — деди Зоҳид. — Лекин сизга айтаман, керак бўлса гувоҳларни рўпара ҳам қиламан... Бизнинг одамлар саҳрода ғалати бир қарвонни тутишди, Назар ака. Учта зўр машина, одамлари қуролланган. Хайриятки, қон тўкилмади. Бизнинг одамлар устун келди. Тинтилганда ярим миллион пул чиқди. Шуниси шубҳали кўринди — бор-йўғи ярим миллион учун қарвон юргитиш шарт эмасди. Йириги ўртадаги машинанинг бензин соладиган бакида экан. Нақ ўттиз кило. Ешуллининг ота юртига борадиган йўлни биласиз, бизнинг воҳадан ўтади.

— Бўйнига қўёлдингизми?

— Қаёқда! Ешулли мен билан ҳамон кулиб сўрашади. Лекин кичкина бир детал-часи бор, Назар ака. Қарвон қўлга тушгандан кейин бирор ой ҳам ўтмай, Ешулли бошқараётган воҳа билан Ешуллининг ота юрти орасида самолёт рейси очилди. Воҳалар тарихан бир-биридан йироқ, аввалдан борди-келди қилмаган, қуда-андачиликлар йўқ, самолётлар бўш қатнайди ҳисоб...

— Қарвон аҳли қайда?

— Ҳозирча қамоқда. Бирортаси ҳам бўйнига олмаяпти. Маҳбусларнинг ёнига одам қўймаймиз, лекин қамоқхона хизматчиларига ишониб бўлмайди, икки ўртада хат-пат ташишлари тайин. Ешулли — маккор, мени эзиб ташлаши мумкин... Шунга, атай сизга сиғиниб келдим...

Яхшибоев ўйланиб қолди. Зоҳид жудаям содда эмас. Беш йил бурун кўзларини шифтга қадаб меъморчилигу санъатдан гапирган серзавқ йигитга ўхшамайди. Кўнглида ҳадиги бор. Сирини менга ошкор этгани сал тушуниксиз. Ошнога айтса тузук эди. Ё унга ишонмайдими? Ёинки, Ошнони Яхшибоев қўғирчоқ қилиб ўйнатади, деб хаёл қиладими бу?..

— Сизни културний йигит деб юрардим, — дея таъна қилди. — Биринчидан, мен авлиё эмасман, укажон, токи сиз сиғиниб келсангиз. Иккинчидан, мана, касалхонада ётибман, ичим пўкроқ. Таянч тутганингиз менинг ўзимга маъқул кўринмайди, укажон.

— Қайга борай бўлмаса? — деди Зоҳид руҳи тушиб.

— Ешуллидан муттаҳамлик жойингиз йўқми?

— Йўқ, Назар ака, бу ёғидан кўнглим тўқ.

— Заифроқ жойингизни топиб туйқусдан мушт тушириб қолса-чи? Жигарингиз эзилмайдими?

— Қўрқаман, Назар ака.

— Ҳа, балли, энди ўзингизга келдингиз. Ёмонсиз, укажон, қариган чоғимда аждарҳонинг комига рўпара қияпсиз. Нима, чол кишининг жони жон эмас эканми!..

Зоҳид писиб қолди. Яхшибоев унинг аҳволидан завқланди, ёйлиброқ кулди:
— Битта сассиқ чол кам бўлса кам-да, а?..

— Йўғ-э..

Яхшибоев ўрнидан турди. Дераза ёнига борди. Боғ тарафдан салқин шабада эсаётган экан. Пастга қараб, фаррош хотинлар яккам-дуккам хазонларни супуриб юрганини кўрди.

— Сиз менга ортиқча тош қўйиб юбордингиз, укажон, — деди ортига қайрилиб. Зоҳид жойидан турди, хона ўртасида қўл қовуштириб тек қотди.

— Бекорга овора бўлганингиз қолди, — дея давом этди Яхшибоев. — Атай одам ёллаб, мени касалхонада ортиқча ушлаб туриш шарт эмасди.

Зоҳид қизарди. Қизаргани Яхшибоевга маъқул тушди.

— Санъатдан лоф урасиз-у, тутган йўлларингиз анави тўнка Ёшуллининг йўлидан фарқ қилмайди, — дея боз давом этди Яхшибоев. — Биргина хира пашша пайдо бўлиб, ҳафта тугал тинчлик бермади. Совға-салом ташийвериб жонимдан безор қилди. Ўзимча, кимнингдир менда ёмон қасди бор, манави турқи совуқни юбориб, ажалимдан беш кун бурун ўлдирмоқчи, деб ўйладим.

— Узр, — деб ғудранди Зоҳид. — Мен унга, хира пашша бўл, деб айтганим йўқ, ҳолларини сўраб тур, деб тайинлаганман.

— Ҳол сўрага кимни юборишни ҳам билиш керак-да, укажон! — деб ғазабланди Яхшибоев. — Бориб турган йўлтўсар-ку юборган элчингиз! Қаттиқ ўйланиб қолдим, укажон. Сиздаям иккита юз борга ўхшайди. Бирини — ўша мен билган санъату назо-катга мойил йигит, униси — анави «элчи»нинг эгаси... тил бормайди-ю, айтарга маж-бурман... хушомадгўй, ялоқи бир кимса!.. Боз устига, савдогар кимса! Хўш, бу ерда атир савдосини ташкил этган ким? Сизми?

Зоҳиднинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди. Хайрият, деб ўйлади Яхши-боев, буниси мойқабдорларнинг иши экан.

— Нодонга иш буюр, ортидан ўзинг югур. Ҳали мен... онасини кўрсатаман, Назар ака!

— Ана бу ишингиз — ғирт бемаънилик! — деб бош чайқади Яхшибоев. — Сизга ҳеч ярашмайди, укажон. Доим совуққон бўлинг. Худди илондай. Айтишларича, илон-нинг қони совуқ бўлармиш.

Зоҳид илкис қаради. Ёқтирмади ташбеҳни. Яхшибоевнинг кўнглига ғайри бир ваҳм ораладики, э, оварс, ким билан гаплашаётганингни биласанми ўзи? Аждарҳонинг катта-кичиги бўлмайди, ҳалимдай эшилиб тургани билан, буям ўзича бир воҳанинг эгаси. Сал эҳтиёт бўл. Буларнинг бирига ҳам ишониб бўлмайди, ҳаттоки манавиндай сиғиниб келганларига ҳам ишониш қийин, негаки, сиғинмоқ — таъма демак, таъма эса — озгина хўрланмоқ демак, агарда дунёнинг ишлари чаппасига кетса, айтишлик, Ошно-нинг гали битса-да, бу йигит унинг ўрнига ўтса... ўшанда ҳозиргидай хўрланганию бояги с о в у қ ташбеҳни эсламайди деб ким кафолат беради? Ёшулли бунга бекордан-бекорга «Ворис» дея лақаб қўймагандир?.. Неча йилдирки, чет-чақада биқиниб олиб, Ошнонинг гали қачон тугашидан фол очишади. Ёшларга йўл бермаяпти, деб минғирлашлар ҳам бошланди. Хўш, фолнинг зўри энди кимнинг чекига тушади?

Ишқилиб, Зоҳиднинг номзоди ёдда тургани маъқул. Бу йигит сиртдан қараганда камтарину камсуқум, лекин кўнгли тубида бошқачароқ орзулар ниш ураётган эрса-чи?.. Кети тоза бўлса бас-да. Бугун от устида турган Ошнонинг шохи борми? Ахир, уям вақтида Зоҳидга ўхшаган жўнроқ амалдор эди-да!..

Ўзгача манзират қилди Зоҳидга. Гўё у эрта-индин ҳумо қушини бошига қўндириб оладигандай, иззатини жойига қўйди: «элчи» келтирган неъматлардан тўкин дастурхон ясади, ҳамшира қизларга чой буюрди, гап орасида ҳазиллашмоқни ҳам унутмади: бизники шу, оқсоқол, ўзиникини ўзига едирамыз.

Зоҳид одоб билан бош эгиб турди, сўнг секин эътироз қилдики, оқсоқоллик — сизга тан, Назар Яхшибоевич, менга қолса, боз яна «укажон» деб атаганингиз маъқул.

— Эрта-индин кўтарилиб кетсангиз, кейин нима қиламиз? — деб кулди Яхшибоев.

— Сизсиз қайгаям кўтариламиз, Назар ака! Пастми, баландми, бошимизда му-қаррар ўзингиз бўлажаксиз!

— Ваъда — ёмон нарса, укажон. Кейин афсус қилиб юрасиз.

— Ҳеч-да. Устоз шогирдга оғирлик қилган пайтини эшитганим йўқ. Боз айтибди-ларки, қари билганни пари билмас. Агар бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, шогирд сифати-да озгина эркалик қилсам...

— Совға-салом бўлса керакмас, — деди Яхшибоев ҳўркиброқ.

— Бошқача нарса, Назар ака, кўриб хурсанд бўласиз.

Зоҳид йўлакка чиқадигани эшикни очиб овоз берди:

— Кўтяпмиз, ўртоқ Дўстов!

Буйруққа маҳтал бўлиб турган экан чоғи, элликларни қоралаган мўйдор киши устига оқ мато ташланган оғиргина бир юкни палатага олиб кирди. Зоҳид бурчакка

курси сурди — юк ўшанга қўйилди. Сўнг юкчи Яхшибоевга таъзим бажо келтириб, соғлиқ тилаб, секин тисланиб чиқиб кетди.

— Боадаб, боадаб, — деб кулди Яхшибоев, — бу дейман, укажон, махсус мактабингиз борга ўхшайди.

— Улар-ку боадаб, лекин мен ўзим беадабман, — деди Зоҳид бурчакда, оқ мато ташланган юк олдида туриб. — Беадаблик қилиб, бир ёғи азбаройи меҳрим зўрлигидан... шу ишга қўл урувдим. Асли — сиздан, жиндак хизмати — биздан; хуллас, агар малол кўрмасангиз, кичкинагина бюстингизни опкелувдим...

Юзига сирлироқ тус бериб, кўзбойлоғичдай илдам бир ҳаракат билан юк устидаги матони кўтарди. Яхшибоев бир сония ҳайрон бўлиб қолди. Бориб, Зоҳидни бағрига босди.

— Асли рухсатингиз керак эди, — деди Зоҳид салгина қимтиниб. — Лекин сизнинг камтарлигингизни билганим учун... берухсат...

— Ўхшабди, — деди Яхшибоев, сўнг, гарчи кўнглида катта ўзгариш рўй бермаган эрса-да, оҳиста хўрсинмоқни лозим топди. — Қўлингиз дард кўрмасин, иним.

— Энди, устозларнинг сиймолари ёд бўлиб кетган-да...

— Раҳмат, Зоҳиджон. Ўзи шунақа бир ҳайкалча керак эди. Насиб этса, гўримга қўйдираман буни.

— Э, қўйинг-э, оқсоқол, — деди Зоҳид норози бўлиб. — Лоақал музейга деб айтинг!

— Ҳай, майли, музейга бўлса — музейга-да, — деди Яхшибоев. — Асли сиз мансаб учун эмас, санъат учун туғилгансиз, укажон. Ҳалиям шу машмашали ишни ташланг.

— Озгина қолди, оқсоқол. Бир-икки йил ишлаб берайлик, кейин албатта санъатга ўтамиз.

— Озгина қолди? Худди пора йиғаетган одамга ўхшаб гапирасиз! — деб кулди Яхшибоев. — Оббо Зоҳид укам-э, оббо санъаткор-э! Шундай ажойиб юракни қайси кўкракда олиб юрасиз, а? Қандай сиғдирасиз?.. Қаранг, кўзларини қаранг Яхшибоевнинг!... Ўхшабди-я? Қошлари-чи? Аммо-лекин сал ёшартириб юборибсиз қирчанғи чолни! Буниси — минус.

— Бизга — минус, сизга — плюс, — деди Зоҳид. — Осон кўчди лекин, Назар ака. Устахонамни кўргансиз. Аввалроқ улўф оқсоқоллардан бирининг портретини яратган эдим, эсингиздами?.. У киши билан иккинги анча ўхшаб кетаркансиз. Айниқса, қошу кўз бобида!..

Яхшибоев ҳайкалчага ботинмайгина қўл тегиздию ўшал заҳоти тортиб олди. Мисоли бармоқлари куйгандай бўлди: ажаб, мисоли жони танидан сизиб чиқиб, совуқ маъданга ўтиб кетаётгандай эди!.. Иримчи эмасди-ю, субҳонолло айтарига бир баҳя қолди.

Чўчиганини сездирмаслик учун, зўраки илжайди:

— Бўрданми, бу, укажон?

— Бронзадан, Назар Яхшибоевич. Қолипи тайёр турибди. Хоҳлаганча нусха олишингиз мумкин.

— Биринж, денг, ёинки — тунж. Эсингизда борми, дostonларимиздаги баҳодирларимиз юз ботмон биринждан ясалган гурзиларини кўтариб юришади?..

— Тил бобида нўноқмиз, устоз. Лекин дostonлар ёдда бордай. Зап баҳодирларимиз ўтган-да!..

Яхшибоев Зоҳиднинг завқини тушунолмади, ҳаттоки ғаши келди, бояги аҳдини нутиб, чақиб олди:

— Авваллари баҳодирларимиз биринжни жангга кўтариб кирган бўлсалар, эндиги баҳодирларимиз биринждан хушомад кўтариб юришади!

— Бошқа на илож бор, — деб қувлик қилди Зоҳид. — Бугунги кунда уруш тарғиботи учун жазо белгиланган, Назар Яхшибоевич.

— Юқтирмайсиз-а! — деб кўз қисди Яхшибоев. Юмшади, ёйилиброқ кулди. — Сизга ишонаман, укажон, кўпинча рост гапирасиз.

— Агар ростига кўчсақ, биргина илтимосимиз ҳам бор...

Яхшибоев сергакланди. Шуни кутган эди. Тортиқ бўрдан бўлса ҳам бир нави эди, лекин атай қолип ясатиб, атай биринждан куйганидан кейин... изидан бирор илтимос бўлмоғи ҳам тайин эди-да, ахир. Лекин қўлдан келармикан? Тагин бу ҳайкалтарош арбоб тошни сал оғирроқ қўйиб юборган бўлса-чи? Ҳол келмасдан, зўриқиб, ажалдан беш кун бурун ўлиб кетсам-чи?

— Хўш, укажон?

— Бу ёғи росмана хушомаднинг ўзгинаси, Назар ака. Ожизлигимни сизга сездирмаслигим керак эди, лекин — начора... Ҳайкал ёлғиз эмас...

— Икки нусхамми?

— Бутунлай бошқа нусха.

— Каттанинг ҳайкалими?

Зоҳид сал иккиланиброқ турди, сўнг кўзларини юмиб тасдиқлаган бўлди, сўнг чапини қисиброқ буткул сунъий, ўзига ярашмайдиган шанғи овозда кулди:

— Миноранинг суратидан биттасини опкелувдим, устоз.

Яхшибоев унинг аҳволини тушунди — кейинги сўзлар деворларнинг қулоғига айтилапти, токи деворлар кейинчалик тилга киргудай бўлса, ёлгон гувоҳлик берсин.

— Ортиқча ташвиш орттириб юрасиз-да, укажон, — деди Яхшибоев ҳам кўз қисиб, гўё ўзи ҳам деворлардан чўчигандай бўлиб. — Обрули-эйтиборли йигитсиз, бировдан камлик жойингиз йўқ. Лекин, мени кечиринг-у, сиздек тўқис укаларимиз бўртиқ жойдан кемтик ахтариб юрадиганга ўхшайсизлар.

— Кўнгил учун-да, устоз, — деди Зоҳид сал дадиллашиб. — Азбаройи кўнгил учун.

— Манавиниси, — Яхшибоев курсида турган бюстга ишора қилди, — анавинисига илова экан-да, яъниким, минора сувратига?

— Шундай дейишингизни билардим, — деди Зоҳид оғриниб. — Майли, нима деб ўйласангиз ўйланг, лекин менга ёрдам беринг.

— Жиддийроқ баҳона топиб келгандирсиз?

— Баҳона йўқ. Бўлса эди, ёнингизга сиғиниб келмасдим.

Яхшибоев танг аҳволда қолди. Зоҳиднинг илтимосини тугал англади, ёқтирмади, лекин... Эсладики, кўп йиллар бурун, ҳали ўсмир эканида, укаси оғирлашиб қолганида, энасига қўшилиб қайсидир пиру авлиёнинг мозорига борувди. Отасининг пичоғи билан товўқни сўйиб, авлиёнинг гўрига қонини оқиза туриб, энасининг илтижосини эшитувди: дард билан келдим, пйрим, дард бўлмаса келмасидим, кенжатойим касал, тузалса яна келаман...

Укаси тузалиб кетувди-ю, лекин энаси савдолашганини унутиб, авлиёнинг қабрига қайтиб бормаган эди.

Йўқ, бу гал бошқачароқ. Бу гал томошабин бўлиб туриш қийин. Шунчаки савдомас бу; далоллик қилиш керак, ҳатто ундан ҳам баттароқ — қўшмачилик!

Ягона юпанч шуки, Ошнонинг ҳолини томоша қилиш мумкин. Бир ҳайкалчага қарайсан, бир — ҳайкалчанинг аслига. Бири тек туради, униси эса — сенинг гувоҳ эканингни хушламай безовта. Наҳотки Зоҳид шуни тушунмаса? Шундай закий йигит-а?!.

— Айтинг, — деди Зоҳидга, — либосни келтиришсин.

Зоҳид топшириқ бергали ошиғич чиқши билан пиқ этиб кулиб юборди: ўла-а, Яхшибоев, қайдан ўргандинг киборликни, нақ граф бўлиб кет-э! Либосни келтиринг, уловни ҳозирланг, машварат жам бўлсин! Шундай фармон бериларди чоғи?..

Ошнонинг дала ҳовлиси кенгу мўл, баҳаво, хўб саранжом эди: боғни қуршаб-тегралаб турган ар-ар тераклару пойларига тангадек офтоб тушмайдиган баланд чинорлар, улардан-да келбатли тўрт-беш жўка; қизғиш қумли йўлақлар четига батартиб экилган арчалар — тўқ яшил, оч яшил, токи кумушранг хилигача; қирғоғига шағал тўшалган икки серсув ариқ, ҳар ариқ йўлида биттадан ҳовуз, гирдларига мажнунтоллар салом бериб турибди; ҳар эллик қадамда биттадан шийпонча, турфа шаклда — думалоқ, тўрткунжак, олтикунжак ва ҳоказо, барининг-да теграси очиқ, устига рангдор шифер қопланган; энг ўртада — атиргуллар йил ҳисобидан охириги бир қийғос гуллаётган очиқ саҳнда — оппоқ бир бино, катта ҳам, кичик ҳам эмас, ҳашами ҳам ўртача — Ошнонинг камтарлигидан нишона.

Миниб келган машиналари сиртда — махсус жойда қолди. Ўзлари соқчиларга ҳужжат кўрсатиб ичкари кирдилар. Даствлаб кўрганлари — ўнг қўлдаги симтўр билан тўсилган майдончада шўх-шодон қийқириб чавгон ўйнаб юрган ўн чоғли йигит-қизлар бўлди. Бари кўркам эди бу ёшларнинг, бари дуркун, баданлари оқ, юзлари силлиқ, гарчи қийқириб юрсалар-да, қиёфаларида недир сиполик — Ошнодан улги бордай. Неваралар, деб ўйлади Яхшибоев, шу борада андак хато қилган ошнаимиз, улуғ одамлар асли бефарзанд бўлгани маъқулроқ, ўшанда ўзингни элга тўлароқ бахш этасан, зурёдларни ўйлаб, зурёдларга тақдирлар яратиш овра бўлмайсан, пировард, сендан жилов кетган пайтларда манавиларни биров хўрлаб ҳам юрмайди...

Э, тарозиси бор-да бу дунёнинг! Лоақал посангиси ўз қўлингда бўлса қанийди!..

Қизғиш қумли йўлақдан боратуриб бир-икки боғбонни, бир-икки гулчини, аравача минган бир-икки гўдагу аравача сурган ёшгина оналарни ҳам учратишди. Тинчдай эди бу олам. Кўринган одамларнинг барчаси осойиш, юзларида ҳадик йўқ, ариқнинг шовқини демасанг, ҳаммаёқ — осуда, тинч, ғулусиз.

Муяссар хонимнинг ҳам кайфияти тузук экан — ёзги ошхона ёнида қаршилади, ичкари бошлади. Доимо тахт турадиган тўкин дастурхон юзидаги докани олиб, манзират қилди. Иссиқ нон келди — ўзи синдирди. Самоварнинг симини тоққа тикди, у ҳам иссиқ турган экан, бирпасда қайнади, ўзи дамлаб, ўзи қўйди. Жуда одми эди Муяссар хоним — эғнида чит кўйлагу қишлоқ аёллари киядиган бежогсиз нимча, бўёқсиз, такинчоқсиз (лоақал бирорта балдоғи бўлса қани!), ғоят камтарин, ғоят камсуқум. Дарвоқе, ҳол сўради. Аввалига Муҳсина хонимнинг соғлиғини суриштирди, кейин Яхшибоевнинг ўзига ҳам озгина далда берди:

— Сизга ярашмайди, Назар ака, эшитдим, девдай одам «тобим қочди» деб дўхтирларни лақиллатаётган экансиз.

— Дев ҳам қарир экан, Муяссархон.

— Ундай деманг, Назар ака, сиз шундай дегандан кейин Муҳсина билан менинг ҳам ёшимиз билиниб қолади.

— Йў-йў!— деб хитоб қилди Яхшибоев.— Асло, Муяссархон! Дев қарийди, лекин парилар қаримайди!..

Лутф Муяссар хонимга ёқди. Бармоғини дўлайтиб, Яхшибоевга ширин «дўқ» қилдики, Яхшибоевнинг кўнглига бу нарса таскин берди: демак, бу улуг рўзғорда ҳамон тўқислик ҳукмрон экан, бизнинг кемтиқларимиз ҳам битиб кетажак.

— Шунчаки реймўнт,— деб кулди Яхшибоев сўзни атай бузиб.— Ичида озгина эркалиги ҳам бор.

— Кейинги пайтларда эркалигингиз ошиб боряпти, Назар ака,— деди Муяссар хоним, сўнг, Зоҳидга бир қур қараб олиб, хижолатомуз сўради:— Укамизни илгари кўргандайман?..

— Кўргансиз,— деди Яхшибоев.— Оқсоқолнинг содиқ шогирдларидан.

— Уш кепсиз,— Муҳсина хоним Зоҳидга атаб табассум қилди.— Ҳа-я, кўрганим рост, исмингиз... исмингиз тилимнинг учида турибди...

— Исмин — Зоҳид.

— Бу, келинниям опкелавермабсиз-да, Зоҳиджон? Эсингиздан чиқмасин, янаги гал албатта опкелинг.

— Қуллуқ, янгамулло.

— Э, бу ёғи қандоқ бўлди, Назар ака,— деб ҳазиллашди Муяссар хоним.— У ёқда эркаликка ҳавасманд фаол сингилжонларим динга қарши курашиб ётса-ю, укамиз мени «мулла» деб атаса?..

— Сир шу ерда қолади, Муяссархон,— деди Яхшибоев.

Яйраб бораётганини сезди. Муяссар хоним зукко хотин эди. Олиймақом давраларнинг ҳадисини олган; эри улуг мансабдор бўлмаса эди, ташқи ишлар министри қилиб тайинланса ҳам бўлаверарди.

— Қасал ётган жойимдан туриб келдим,— деди Яхшибоев бошини ҳам қилиб.— Кўнглим безовта бўлаверди. Ҳамроҳсиз кўчага чиқишим ҳам қийин, хайриятки, қадрдон укамиз Зоҳиджонни худо етказди, шу кишини паноҳ тутиб, зора йиқилган жойимда суяса, деб...

— Тузалиб кетасиз, Назар ака.

— Умидим бор, Муяссархон. Аммо гап касалликда эмас. Бир гуноҳ қилиб қўйдимки, бу дардим ҳаммасида ҳам оғирроқ. Касаллик асоратими, мен галварсдан хабар олгани борганларида... сал ҳаддан ошибман... Шунга, бир қошиқ қонимни сўраб олай деб атай ҳузурингизга келдим, билингки, қолган-қутган жоним сизнинг қўлингизда.

Яхшибоев сўзларни сал бетартиб тизганини, керагидан ошиқ баландпарвоз оҳанг тутганини пайқади, лекин Муяссар хонимнинг хайрихоҳлик билан тинглаганини кўриб озгина таскин топди. Демак, Ошно хафа бўлганини унутган, унутмаганида ҳам Муяссар хонимга ошкор этмаган, ичига ютган.

— Сизники — айб эмас, Назар ака,— деб юпатди Муяссар хоним.— Парво қилманг. Ахир, мен қанча озор етказмайин... воз кечиб кетолмайдилар-ку?..

— Энди, сиз — кўз очиб кўрган маҳбубалари бўласиз-да.

Муяссар хоним боз маъқуллаб бош ирғади. Яхшибоев ичида кулдики, э соддаю гўл, сенга гал етгунча Ошнинг кўзи бир-икки бор очилиб-юмилиб улгурган эди-я, хусусан, Мойра воқеаси, юздаги чандиқ... Қизиқ, чандиқни қандай изоҳ этган Муяссар хонимга? Мусичадай кукулашиб искашган пайтларида буям жим турмагандир, но-зиккина бармоқлари ўша чандиққа теккандир, текканидан сўнг ажабланиб сўраган-дир?..

— Мен фақир, гарчи болаликда тепишиб ўсган эрсам-да, дилда кўрқувим бор,— дея давом этди.— Уйлаганимки, кексалик зўр келган пайтда, танимга йиллар танганга бўлиб ёпишиб, нақ қари лаққага айланган пайтимда... афвга лойиқ жойим қолдимикан?

— Лаққада танга бўлмайди чоғи, Назар ака?— деб илжайди Муяссархоним.

— Ана холос;— деди Яхшибоев бош сараклаб.— Мия суюлгани шу-да, Муяссархон. Афвга лойиқмас деганим... энди, дўстлигимиз жуда эскириб кетдим, деган хавфим бор-да. Яшириб нима қилдим.

— Бу борада мен ташвиш тортсам ярашади,— деб кулди Муяссар хоним.— Айтадиларки, дўстнинг кексаси яхши, хотиннинг — ёшроғи!

— Ажойиб!— деб хитоб қилди Яхшибоев.— Э, билар ҳам юрибмиз-да сўзларни тўқиштириб! Сизга тенг келиш қийин, Муяссархон! Шунча заковат билан яна камтарлик қилишингизга қойилман, аммо-лекин!

Мақтади Муяссар хонимни. Буюк аёлсиз, деди, баъзида шуни ўйлаб жоним оғрийдики, сиз шундай зўр талантни муҳаббатга алмаштирдингиз; боз ўзимга таскин

бераманки, йўқ, у кишининг муҳаббатлари ҳам талантлари қадар буюк, муҳаббатлари кимсан Ошномиз тимсолида қадрини топгани янада соз; ўйлаб-ўйлаб, ахирги айтаманки, Муяссар хоним — бахтли аёл, ҳақиқий Шарқ аёли, бутун Шарққа она аталса арзийдиган аёл, Муяссар хонимнинг муборак тақдирларини кўзимизга тўтиё этсак ҳам оз, бу тақдирга она халқимиз, яъниким, менга она, сизга эса фарзанд бўлмиш халқ ўз қалбида эҳтиромдан хайкал тикламиш!

— Баски, сиз талантингизни муҳаббатингизга қурбон этиб заррача ҳам янглишмагансиз!— деб тугатди у мадҳияни.

Муяссар хоним ийди, сал хижолат чекди, лекин гапни бўлмади.

— Ёшим улуғ-у, лекин мен ҳам сизга фарзандман, Муяссар хоним,— дея баттар авж қилди Яхшибоев.

— Сиз билан Муҳсиноҳоннинг тақдирларингиз ҳам чаккимас,— деди Муяссар хоним.— Ҳарнеки ҳавасга, ҳавас ҳам гапми, ёппа тақлидга молик тақдир бу, Назар ака!

Зоҳид бир чеккада бош ирғаб ўтирди. Эшикдан пешгир бойлаган бир аёл бош суқди-ю, ош сузарга рухсат сўради.

— Баҳузур,— деди Яхшибоев кўксига қўлини босиб.— Мен парҳездаман, Муяссархон.

— Узр, янгамулло,— деди Зоҳид ҳам тилга кириб.— Сизнинг қимматли вақтингизни олмайлик.

— Шундайми?— деди Муяссар хоним, ортиқча қистаб ўтирмасдан.— Унда болаларнинг ўзларига сузаверинг, Санталатхон.

Ошпаз аёл кетди. Зоҳид Яхшибоевга ялинганнамо боқди. Яхшибоев сездики, муқаддима анча чўзилиб кетибди.

— Оқсоқолнинг ўзларини ҳам учратарман, деган умидда эдим,— деди у.

— У киши Бухорода,— деди Муяссар хоним.— Пахта ташвиши, Назар ака. Кечқурун қайтсалар керак. Бирор хизмат бўлса, менга айтсангиз ҳам бўлаверади. Ё менга ишонмайсизми?

— Йўғ-э, одамни уялтирманг, Муяссархон. Асли ният — сизни зиёрат қилиш эди. Боз бир сабабки, укамиз Зоҳиджон узоқ йўл босиб келибди. Қўлларида гулдай ҳунари бор. Манманлик балоси курсин, ёшим улуғлигини орқа қилиб, бу кишига биргина бюст заказ қилувдим. Кўнглимдагидан ҳам зиёда ишлабдилар. Сиз ҳам бу укамизнинг санъатига баҳо берарсиз деб...

— Мен санъатшуноэ эмасман-ку, Назар ака. Узингизга ёққан бўлса бас-да.

— Шундайку-я, лекин... Сазамни ўлдирманг, Муяссархон, сиз ҳам укамизнинг санъатини бир кўринг.

— Майли,— деди Муяссар хоним. Овозидан сал инжигани сезилди.

— Дастёрлардан бирини юборсангиз,— деб илтимос қилди Яхшибоев.— Ўзимиз опкиролмадик, ўнғайсизроқ туюлди.

— Тўғри ўйлабсиз,— деди Муяссар хоним, сўнг стол тагига қўл чўзиб тугмачани босди. Эшикда булар боя йўлда учратган гулчилардан бири пайдо бўлди.

— Узингиз бирга борасизми?— деб сўради Муяссар хоним Зоҳиддан.

— Энди, бу укамиз ҳам оқбиллак бўлиб ўрганиб қолган,— деб илжайди Яхшибоев.— Бу киши калитни берсалар-да, гулчи укамизнинг ўзлари опкесалар. Багажникда турибди. Синдирмай опкелсинлар.

Зоҳид калитни берди.

Ошнога аталган совға бирор қирқта чаноғи оппоқ очилган сершоҳ ғўза тупи бўлиб чиқди. Янги нав, деб тушунтирди Зоҳид, воҳамиз олимлари энди иш бошлаганларида шахсан ўзлари фатво берган эдилар, мана, нафаслари зўр экан, кўнглидагидан ҳам зиёда бир нав яратилдики, биргина тупини узоқ йўлдан ҳаммамиз учун ҳурматли зотга атаб опкелдик.

Яхшибоев хитоб этди: офарин, Зоҳиджон, закий йигитсиз!

Муяссар хоним ҳам шодлигини яширолмади: ажойиб! Кўриб қувонадилар!

Зоҳид камтарона илжайиб айтдики, ҳурматли янгамулло, бу бир оддий ғўза бўлгани билан олтиндан ҳам қиммат, шу боис, рамзий тарзда ғўза тупи ўрнатилган чорбурчак тахтачани тилла рангига бўядик.

Яхшибоев тагин хитоб этди: қойил, Зоҳиджон, бу тарафини ҳам боппадингиз!

Муяссар хоним сўз қўшарга улгурмади — Зоҳид иккинчи қутини қўлига олди. Хижолатдаман, янгамулло, деди, рости, сал беадаблик бўляпти, Назар Яхшибоевични қалқон этиб олиб келганимнинг маъноси ҳам худди шунда. Начора, деди боягидай камтару хоксорона илжайиб, бошқа чорам йўқ менинг, азиз сиймонгизни ўз қўлларим билан биринжга кўчирган эдим, рухсатингиз билан тақдим этсам.

Яхшибоев айни сониянинг тантанавор эканидан завқланди: бу сўзни ўзим ўргатганман, Муяссархон, б и р и н ж дегани нақадар чиройли сўз!

Муяссар хоним б и р и н ж сўзини тушунмас экан, бир зум лол бўлиб турди. Хайриятки, Зоҳид узоқ куттириб қўймади, қутидан кичкина ҳайкалчани олди. Буниси ҳам бюст экан, буниси ҳам аслига ўхшаш, ўхшаш-у, сал ёшроқ қилиб ишланган.

— Войй!— деди Муяссар хоним.— Мен ўзимми?!

— Ўзингиз,— деди Яхшибоев, лекин ичида озгина ранжидики, хотинлигига борди бу, зағизгонга ўхшаб, йилт этган нарсани кўрса чидаб туролмайди, ким айтади улў давраларни кўрган деб!..

— Асли тиллодан ишлашим керак эди, янгамулло,— деди Зоҳид айбсиниброқ.— Шунга арзийсиз.

— Кўрсам бўладими?— гўё ботинмагандай сўради Муяссар хоним.

— Э, қизиқмисиз, янгамулло!— деб хитоб этди Зоҳид.

Одобли йигит эди у, ўзи узатмади, ҳайкалчани Яхшибоевнинг қўлига авайлаб қўйди-да, четидан ушлаб турди. Залворлигина экан. Биринж, деб ўйлади Яхшибоев, биринж дегани Меңделеев оқсоқолнинг жадвалида бормиди ўзи?

— Эҳтиёт бўлинг, Муяссархон,— деди ҳайкалчани хонимга узатаётиб.— Оғиргина экан.

— Олти кило,— деди Зоҳид.— Мураккаб қотишма бу, янгамулло.

— Худбинлик курсин,— деб илжайди Муяссар хоним.— Одамзод ўзига ўзи ёқадиди-да.

Шундай деб, гўё ёшгина қизалоқ қўғирчоғини суйиб эркалагандай, ҳайкалчанинг юзидан ўпди, бурнидан тишлади, секин, жуда секин, жуда авайлаб!.. Еруғга ҳам тутиб кўрди, хатолиғ топмади, мамнун бўлди!

Яхшибоев билан Зоҳид илжайиб қараб туришди. Сўнг Муяссар хоним бирдан жиддий тортиди, ҳайкалчани дастурхоннинг четига қўйиб, Яхшибоевга юзланди:

— Сизга икки оғиз гапим бор, Назар ака.

Зоҳид тушунди, ташқарига йўналди. Яхшибоев диққатини жам этиб, Муяссар хонимга тикилди. Зоҳид андозани кўпроқ юнонлардан олган, деб ўйлади, хонимнинг ёноқлари андак бўртганроқ, ёшлигида лўппиюз эди, кексайганда эт қочиб, суяклари бўртиброқ қолибди, аммо-лекин кўркамлиқдан ҳали-да бордай, йўқ, кўркамлиқ эмас, салобат бу, салобат ҳам эмас, бизнинг кўнглимиздаги жўнгина бир ҳадик, мабодо Муяссар хонимнинг ўрнида мен бўлсам ҳам, салобатимдан не-не отлар ҳуркиб ўларди!.. Нега энди Муяссар хонимнинг ўрнида бўларкан? Ошнонинг ўрнида! Муҳими — Ошнонинг ўрни. Муяссар хонимнинг ўрни — хотинлик, холос. Энди, сиз, ўртоқ Яхшибоев, минг хоҳлаганингизда ҳам бу ўринга даъвогар бўлолмайсиз!..

Ўйлари ўзига нашъа қилди. Илжайди. Сергакланиб кўрдик, Муяссар хонимнинг юзида недир ташвиш, бояги қувноқлиги ўчиб кетгандай...

— Мени не балога рўбару этияпсиз, ўртоқ Яхшибоев?

Яхшибоев қуруқроқ оҳанга чалғиб, сўзларнинг маъносини дабдурустдан англамади. Тавозе билан илжайиб тураверди. Илжайгани Муяссар хонимга ўтиринқирамади.

— Мен бу совғани ололмайман, ўртоқ Яхшибоев,— деди у овозини баландлатиб.— Устасига тўлайдиган пулим йўқ.

— Ташвиш тортманг. Устаси — Зоҳиджоннинг ўзи.

— Барибир ололмайман.

— Нега? Менгаям опкелувди, мен олдим-ку? Иззат қилиб келтирган буни, Муяссархон, олмасангиз хафа бўлади.

— Хафа бўлаверсин. Порага ўхшаб қоляпти бу, ўртоқ Яхшибоев.

— Йигит кишининг сазаси ўлмасин, Муяссархон. Болалардан бировига совға қиларсиз. Бошқа кимсанинг тасвири бўлса эдики, унда музейга элтиб берса бўларди, лекин сизу бизнинг бюстимизни у ёққа қўйиб бўлмайди — ҳар хил фикрлар туғилади. Ягона илож — олиш. Олиш ва унутиш.

— Шундайку-я...— Муяссар хонимнинг овозида тарадуд зуҳур этди.— Мен олардим-у, лекин дўстингиз нима дер эканлар?..

— У кишига айтмайсиз — вассалом!

— Йўқ,— деди Муяссар хоним қатъий оҳангда.— Олмайман, ўртоқ Яхшибоев. Қандай олиб келган бўлсангиз, ўшандай даф қилинг. Анави фўзаниям, ҳайкалчаниям. Меҳмонга тушунтиринг.

— Жилла курса менинг сазамни ўлдирманг.

— Бас, ўртоқ Яхшибоев,— деди Муяссар хоним аччиқланиб.— Сизни энди кўраётганимиз йўқ.

Яхшибоев рад жавобидан бир ҳисса-ю, беписанд оҳангдан минг ҳисса оғринди.

Намунча, деб хаёл қилди, эркаклигидан айрилган амирнинг ягона хотинидай кескин гапиради-я! Энди кўраётганинг йўқ, лекин мен ҳам сени бугун кўриб турибманми? Ким эдинг ўзи сен? Жўн бир муҳаррирнинг ўзидан ҳам жўнроқ жиянчаси эдинг-да! Дарвоқе, раҳматли муҳаррир унчалик ҳам жўн эмасди. Унинг Ошнога дастлабки кезларда т р а м п л и н бўлгани рост. Лекин Ошно бари бир Ошно-да, унинг қандай Ошно бўлгани муҳиммас, бугунги нуфузи ҳисоб, агар Ошно бўлмаса эди, ким билади, қайларда юрардинг кашанда режиссёр хотин бўлиб — Ўртақўрғон муздрамидами ёинки Ўртақўрғон радиосидами?

Йўқ, бу ҳам, Ошно ҳам муҳиммас, ошни пиширган асли мени ўзим — Назар Яхшибоев бўламан. Капгир буларнинг қўлига ўтиб, Ўртақўрғон муздрамига «сургун»

бўлиб, бирор икки-уч йил ўша ёқда донини териб юрган мусича ҳам мен ўзим — Назар Яхшибоев. Мусича эканманки, ҳалигача дастурхондан тушган увоқларни териб юрибман. Қўшмачининг жаззаси шу!..

Қаҳри келди Яхшибоевнинг.

— Келиной,— деди сўзга урғу бериб,— менинг хизматларимниям биласизми? Муяссар хоним сесканди. Юзи оқаринқиради.

— Намунча иддао?— деди.— Ҳаддингиздан ошяпсиз, ўртоқ Яхшибоев.

— Иложим қанча,— деди Яхшибоев такаббуруна илжайиб.— Сиз, хоним, мулозиматга шунчалар ўрганиб қолгансизки, энди энг қуюқ саломга ҳам алиқ олавермайсиз. Ҳаддан ошганимнинг боиси шуки, бетамизлик баҳонасида зора эсингизда қолсам...

— Баҳонингиз тўғри, ўртоқ Яхшибоев,— дея ачитди Муяссар хоним.

— Аямайсиз, келиной. Тус бўлмаса ҳам, тутинган қайноға эдим-а!

— Эсимдасиз, ўртоқ Яхшибоев. Эсимиздасиз, эсламай ўлибмизми?

Бўшади, деб ўйлади Яхшибоев ичида қувнаб, ёнига Ошнони ҳам тортдим, демак, бўшашгани аниқ.

— Э, мен айтдим-қўйдим-да, Муяссархон,— деди. Ўзининг ҳам бўшашиб-сўлжайиб бораётганини пайқади. Жим турса бас, лаҳза ўтиб арзонгина бир лутф эшитадию кавуши ўнғланади. Журъатини йиғиб Муяссар хонимнинг кўзларига тик қаради:— Эшагингиз лойдан ўтганига, эҳ-ҳе, неча замонлар бўлди!..

— Тушунолмадим...

— Тушунасиз, хоним. Сиз тушунмаган савдо бор эканми!

— Таъмагирроқ экансиз, ўртоқ Яхшибоев. Дарвоқе, мени дўстингизга унаштираётган пайтингиздаёқ... кўнгилда шу гаплар бор эдимиз?

— У пайтлар беғараз эдим.

— Энди ғаразлими?

— Шароит ўзгараркан, хоним. Дунёда оқибатни ўйлаган ўзи аҳмоқ.

Муяссар хоним илкис ўрнидан турди:

— Опкелган порангизни опкетинг, ўртоқ Яхшибоев.

Яхшибоев кўрсаки, хонимнинг ғазоби ростдан ҳам ошган. Ё тавба, деб ўйлади, саврнинг ҳавосига ўхшайди-я! Бир муддат бурун лутф дегани икки орада мокидай қатнаётган эди, энди бўлса... Сабаби не? Нега Зоҳидни чиқариб юборди? Совғасини ўзигаёқ қайтариб узатса бўларди-ку? На иложи қоларди унинг, қўлтиқлаб опкетеверарди-да!.. Нега менга чимрилади? Арпасини хом ўрдимми?.. Совғани олади, бари бир олади! Нозлари бекор — олади!

Ажаб, муҳаррир тоғаси тирилиб келса... танирмиди? Кимнинг тақдирига кўпроқ лол бўларди — Ошногами ёинки жиянгами? Асли у жиянчани менга атаган эди. Ҳа, ҳа, куёвликка номзод асли мен эдим! Куёвликка, сўнг куёвлик баҳонасида келадиган жўнроқ мансабларга, сўнроқ саъий ҳаракат билан забт этилажак улўғроқ мансабдорликка, борингки, Ошноликка мен ўзим номзод эдим! Ажаб, шунга уйлансам, бугун келиб росмана бир халққа ота бўлиб ўтирармидим?..

Тақдири биргина инжиқ хотинчага боғлиқ бўлган халққаям суф-э!..

Онаси отасидан яшириқча совға оладиган халққа нималар дейсан яна?

Онаси унутган халққа-чи?

Зоҳиднинг — закий бир фарзанднинг — исминики эсламаса-я?!

Яхшибоев ишонмади. Недир фирромлик бўлаётганини сезди. Зоҳид Ошнога содиқ шогирд бўлса, бутун бир воҳани бошқариб турса, кунора тилга тушса, жамики раҳбару жами фуқарога ибрат этиб кўрсатилса... халқимиз онаси шундай фарзандни тузукроқ эсламаслиги ҳам мумкинми, ахир?

— Порани мен бермадим,— деди Муяссар хонимга.— Берган одамнинг ўзига қайтаринг.

— Ёқиб юбораман!

— Пахтани-я! Миллий ифтихор-ку?!

Завқланди Муяссар хонимнинг аҳволидан. Хоним депсингудай бир аҳволда эди. Яна озроқ қутқу қилинса бас, нақ жазавага тушади, кейин қарабсизки, то Ошно Бухордан қайтиб келгунича тинчмайди, Ошно келгач, бор воқеани оқизмай-томизмай еткази, сўнг Ошно Зоҳидни чақириб олиб дакки беради, менга эса... менга ҳеч нарса демайди. Мен энди кекса одамман, йўқотиб юбориш уят: менга худодан ўлим тилаш мумкин, холос — бошқа чораси йўқ.

— Ҳаддимдан ошдим, Муяссархон,— деди овозини сал титратиб.— Худо шоҳид, кўнглимда сизга озор бермоқ ният йўқ эди. Сизга озор бермоқ — нонкўрлик билан баробар.

— Шу-да,— деди Муяссар хоним,— қилғилиқни қилиб бўлиб, кейин...

— Э, мени энди кўряпсизми, Муяссархон! Эски билганингиз сассиқ чол — сўхтаси совуқ Назар Яхшибойман-да!

Муяссар хоним ўзини мажбурлаб бўлса-да, мийиғига кулги чиқарди.

— Боринг, Назар ака,— деди.— Касалхонадаки ётиб шунчалар безорилик қиларкансиз, соғ пайтингизда сизнинг феълингизга чидаган дугонамга раҳмим келяпти.

— Уни менга ўзингиз оббергансиз. Муяссархон.

— Шунинг учун куяман-да, нафасим ичимда, бировга нолиш қилолмасам...

Муяссар хоним чуқур уҳ тортди. Юзидаги жаҳл аломатлари сўниб, аввал-азал-гайдай одми тусга кирди, одми чит кўйлагининг узун енгидан чиқиб қолган недир бир ипни топди, сал эгилиб тиши билан узиб ташлади.

— Дугонамни сўраб кўйинг, Назар ака,— деди, сўнг кўлини берди:— Хайр бўл-маса. Анави йигитга айтинг, минбаъд совға-салом кўтариб келмасин. Дўстингиз эшит-са хафа бўладилар. Бир умр маошга яшаб келаётган одам у киши, кўнгиллари хижил бўлишидан чўчийман.

— Айтмай кўяқолинг, Муяссархон.

— Энди тушунгандирсиз менинг аҳволим қийинлигини?— деди Муяссар хоним ўпкаланиб.

Яхшибоев бош ирғаб, тушунганини аён этди. Икковлашиб, ёзлик ошхонадан чиқдилар. Ташқарида Зоҳид кўринмасди. Муяссар хоним арчалар қуршовидаги йўлак бошига қадар келди, сўнг яна бир бор қўл бериб хайрлашди.

Яхшибоев бирдан енгил тортди. Қизғиш қумни ғижирлатиб, шаҳдам одимлаб кет-таверди. Дарвозахонага тижинлашиб, симтўр билан ўралган майдончада чавгон ўйнаёт-ган ёшларга яна кўзи тушди. Ичи ачишиб ўйладики, бу ўйинларнинг ҳам чеки бор, менинг кетаримдан Ошнонинг кетари оғирроқ, ортида юки кўпроқ, обрў билан кетса беҳарнав, лекин... Ишқилиб, буларга қийин бўлади. К у ё в б а ч ч а л а р у к е л и н п о ш ш а л а р г а о с о н р о қ, с о з т у ш г а н л а ҳ з а д а э т а к қ о қ и б к е т и б ю б о р и ш л а р и м у м к и н, л е к и н з у р ё д л а р н и н г ў з л а р и г а қ и й и н. Зўри бору, лекин зори йўқ Ошнонинг. Зари бўлгандаям кор қилмайди, сабабки, зарнинг зўри пана-пастқамда юрадиган дўкончиларга иш беради, аммо асло зўрга эмас, зўрга зар вафо қилмайди.

Шу ўйлар билан овора, дарвозадан ташқарига хиёл ғамгин бўлиб чиқди. Зоҳид бу ерда ҳам кўринмас эди.

Катта йўлгача пиёда юриб, бир амаллаб такси тутиб, ичида Зоҳидни бўралаб сўкиб, касалхонага етиб борди. Эшик оғзида қўлларини белга тираганча фаррошларга буйруқ бераётган Раҳматовни кўриб, баттар кайфияти бузилди. Имлаб чақирув-ди — югуриб келди.

— Домлажон, қайларда юрибсиз?— деди ҳовлиқиб.— Айтмай кетибсиз, хавотир олиб ўтирувдим. Сайр яхши бўлдими?

— Овсар бўлма, Раҳматов!— деди Яхшибоев.— Мени касалхонангда керагидан ортиқ сақлаб турдинг-а? Сақлаган ҳар кунингга неча пулдан олдинг, энаси бузуқ?

— Маломат қиялсиз, домлажон!

— Маломатни кўрсатаман сенга! Қайси идорадан келаётганимни биласанми?

Раҳматовнинг юзи бўзариб кетди. Узини ташлаб юборадими, деб кўрқди Яхши-боев. Шиллиқуртга қўли теккандек ижирганди: э, садқаи одам!

— Энди... сиз улуғ жойларда юрасиз-да, домлажон!..— деб ғўлдиради Раҳматов.

— Бор-э!— гўё пашша ҳайдагандек қўл силтади Яхшибоев.— Бола-чақангни ўй-ласанг-чи, номард. Бу ёғига писта қилиб юр, акс ҳолда туйнукдан юлдуз санатиб кўя-ман!

Раҳматов урра қочди. Яхшибоев ичкари кирди. Лифтда ўзининг қаватига кў-тарилди. Эшиги ёпиқ экан. Навбатчи ҳамшира калит олиб келди:

— Уч-тўрт киши сўради, биттаси палатада ўтирган экан, ўзингиз йўқсиз, кўнг-лингизга келиб юрмасин деб қўлфлаб қўювдим.

— Яхши қипсиз, она қизим.

Палатага кириб, кўчалик либосини ечди. Касалхона кийимини эгнига илса, гўё дарди оғирлашадигандай, бир муддат курсида майкачан ўтирди. Тўпиқларида оғриқ сезди. Гуппилигинг қолмабди, деб койиди ўзини, икки оғиз мақтовга учиб, ахийри кўчада қолиб кетдинг... Нима бўлди ўзи? Нега кутиб турмади бу закий йигит? Муяссар хоним-нинг айниб қолишидан чўчидими? Еинки бирор тирқишдан қўлоқ тутиб, аччиқ-тиззиқ гапларнинг учини эшитиб қолдими? Дарвозадан ташқарида кутса, жуда бўлмаса — кўчада кутса ўлармиди?..

Зоҳид келтирган ҳайкалчани излаб, бурчакдаги курсига қаради. Курси бўш эди. Ҳайкалча телевизор устига кўчибди. Кимдир устига дока ташлаб қўйибди. Ҳамшира қизигина бўлса керак. Фаросати мўл буларнинг, отасига раҳмат... Ҳайкалчанинг очилиш маросими бўлиб ўтганидан беҳабар, парда тутишга ҳожат қолмаганини билишмайди-ю, аммо... одоби маъқул, одоби кўп маъқул, одоби жигарингни эзади!

Аҳмоқман, деб ўйлади, аро йўлда қолиб кетарканман, даллоллика боришим шарт эдими? Муяссар хонимга совға топшириш шунчалар муҳим иш эдимики, бунга мен аралашсам, Раҳматов аралашса, анави падарлаънат «элчи» ара-лашса?.. Мени касалхонада лақиллатиб ушлаб турмасдан, Зоҳиднинг ўзи шундоққина ими-жимиди элтиб кўяқолса бўлмасмиди? Нима бало, тентакми булар? Агар менинг боришим шунчалар шарт экан, касалхонадан рухсат бериб, кейин уйда зерикиб ўтир-ган пайтимда бирга опкетишса бўларди-ку? Қайга қочиб кетардим?..

Муяссар хоним ёқтирмади мени. Зоҳидни ҳам ёқтирмагандай бўлди, лутфи ҳам яримта бўлди. Узим-чи? Узимнинг гапларим-чи? Рост, энди қилаётган ишим эмас, қўйган пахталаримни бир жойга уйсам, Ошннинг қоғоздаги пахта хирмонларидан ҳам баландроқ бўлиб кетади. Аммо мен бу гал ҳеч маъно кўрмадим. Тажанглашдим, пахта орасига қалампир аралашиб кетди — энди, ким билсин, сувоғига неча арава лой кетади! Закий укамиз Зоҳид, гўё мум тишлагандай жим ўтирди, ўзини-кўрсатолмади, менинг ёнимда ўрма қамчидай равон чарсиллаган тилига буров тушди... Муяссар хонимнинг салобати шунчалар зўрмики, кимсан Ошнога ворисликка даъвогар ким-саларнинг ҳам юраги така-пука бўлса? Дарвоқе, ворислик ҳам гумон ичида фарқ бўляпти. Муносиб одам, аллақандай гўзапоя билан биринж ҳайкалча ташиб юрармиди? Қўлга тушмоқдан кўрқадиган ташмачидай, мени ўзига соқчи қилиб олармиди?.. Суф-э, бунақа ворисликкаям!..

Ўзича мулоҳаза этдики, йўқ, бу муттаҳамнинг тутган йўлида ҳам недир бир мантиқ бордай. Ишқилиб, изчилиги бор бунинг, анави тўнка Ёшуллага ўхшаб қандайдир мавҳум олтин қўлларга ҳайкал қўйиб, лўлиларга кулги бўлиб юргани йўқ. Зоҳид қўйган ҳайкалларнинг конкрет эгалари бор: ўртоқ Яхшибоев, ўртоқ Муяссар хоним... Дарвоқе, шаҳрига борганимда кўрган яна бир ҳайкалим борки, униса — айтарга тил бормайди! — кимсан Катта Пахтакорга дохил. Мен кўрганда пластилин ёки мумдан эди, кейин қолип ясалгани, бирор маъданга кўчгани аниқ. Наҳотки, кимсан Катта Пахтакорнинг тийнати ҳам жўнгина бронзага кўчган бўлса?

Кўнглига шубҳа кирди. Эти жунжикиб, титраб-қалтираб бораётганини сезди. Шарт бордию телевизор устида турган ҳайкалчанинг устидаги докани сидириб олди. Бўйнидан ушладию сесканиб кетди — гўё бўғилиб бораётгандай эди. Ирим қилиб, пастроқдан ушлаб кўтарди. Оғиргина экан. Ичкари хонага ўтди-да каравотга ўтирди. Тўмбада турган ошпичоқни олиб, ҳайкалчанинг ортига зарб билан урди. Тиғ изи қолдимикан, деб, кўзойнак тақиб қаради. Из, хайриятки, йўқ эди. Кўнгли тинчланди. Ҳайкалчани тўмба устига қўйди. Нариги хонага қайтиб, касалхона кийимини устига илди. Дераза рафидидаги кичкина динамикнинг қулоғини буради. Ахборот берилаётган экан. Аввалига кичик расмий хабар бўлдики, Ошно Бухоро области далаларини бориб кўрди, пахта ҳали мўл, пахтакорларнинг ғайратлари бу йил ҳар йилгидан ҳам зиёда, каттаю кичик, мактаб боласидан тортиб токи кекса отахонлару онахонларга қадар Ошннинг оташин қақирғига бир оғиздан «лаббай» дея жавоб бериб, кунлик терим суръатини янада оширмақдалар...

Кунлик маълумотномада ҳам Бухоронинг кунлик фойизи анча баланд эди.

Эртага Самарқандга ўтса, Самарқанддаям баландлашиб кетади, деб ўйлади Яхшибоев, сўнг бу ёғи — Жиззах, Сирдарё. Э, олти миллион дегани бизга кор эканми!.. Муҳими — таҳлика йўқ экани. Муҳими — Ошно от устида.

Телефон жириглади. Зоҳид йўқлаётган экан. Депутатскийдан, устоз, деди, билетим бор эди, қараб ўтиролмадим, гуноҳим оғир, бир кун юварман, оқсоқол?..

Яхшибоев унга кўпда хуш бермади: кетсангиз, бир йўла анави «элчи» ниям опкентинг, укажон.

Хўп, устоз, опкетмайман-у, лекин у сизни ортиқ безовта қилмайди, деди Зоҳид, яхши кунларда кўришгунча хайр, устоз. Бугунги бедаблик учун яна бир бор узр сўрайман, аммо, сезишгунча, кайфиятингиз унчалик ҳам бузилмаганга ўхшайди.

Яхшибоевнинг энсаси қотди: менинг кайфиятим ўзимга боғлиқ, укажон. Озгина ухлаб олсам, тагин ёш йигитча бўлиб уйғонаман, менинг кўнглим тинч, укажон, сизга ўхшаган ёш йигитчалар минг ўй билан қариб боряпти, биз эса... биз — тетикмиз, укажон! Бизга кўз тегмайди! Бизнинг теримиз қалинроқ!

Зоҳид гапни ўзига юқтирмади, ҳатто аския ҳам қилди: бизнинг ҳам умидимиз шундан, устоз!..

Яхшибоев ўзини тутолмади, қалтисроқ жавоб қилди: ёшларда тери юпқа, укажон, айни довулга тортадиган!

Зоҳид «анқовлик» қилди: довули нимаси, устоз?

Яхшибоев тушунтирди: ноғора-да, укажон!

«Худо урдими, яккалатиб қўймасиз, устоз?»

«Бизнинг ишимиз — чапакбозлик, укажон!»

«Зора кўрса, шогирдларнинг меҳри тушов бўлар?..»

«Кишанларни узиб ташлаганмиз, укажон, ҳали қулунлик пайтимиздаёқ узганмиз, қирчанғининг боши янада очиқ, биров катта умид билан эгарлаб ҳам ўтирмайди!..»

«Омон бўлинг, устоз. Ухласангиз, яхши тушлар кўринг».

Зоҳид трубкани қўйиб қўйди. Яхшибоевга суҳбат оҳанги энди ёқиб келаётган эди, зарбулмасал сабил қолаётганига ичи ачиди. Трубкани аппаратга эмас, тўмба устига ташлади. Ричагни босиб, «3» рақамини бир бор терди-да, қайта ричаг босди... Иримчи эди. «3» рақами ёқмади, «7» рақамини терди. Ҳарқалай, ҳафт дегани хосиятлироқ туюлди унга. Бас, бўлди бугунча. Зоҳид билан хайрлашди. Энди бировдан кўнгироқ кутмаса ҳам бўлаверади. Озгина мизғиш керак. Пешиндан кейин... йўқ, эртага эрталаб уйга рухсат сўрайди.

Эмлагани ҳамшира келди. Ортини яланғочлаб, оғриқдан тиришиб сўрадики, қизим, заҳарли дориларингиз ҳам борми? Ҳамшира тушунмади: вой, домла, заҳарни нима қиласиз? Яхшибоев кулдики, бир йўла тузалардим-қўярдим-да, қизим! Ҳамшира ёш бўлса ҳам, насиҳатгўйроқ эди: ҳавас қилманг, домла, ана, нариги корпусда битта чиройли келинчак заҳар ичиб ётибди, кўрган азоблари қурсин, зўрға тирилтириб олдик.

Яхшибоев игна суқилган жойига босилган пахтани бармоғи билан тутиб, ёнига ўйрилди:

— Нима бало, қайнатаси қамалибдими?

— Йўф-э!..— деди ҳамшира ҳадиксираб.— Билмай ичиб қўйган эмиш.

— Билмай ичган яхши,— деди Яхшибоев.— Билмай қоласан — вассалом. Мен бошдан қўрқоқман, қизим. Сизга ўхшаган бирорта қўли енгил ҳамшира атай укол қилмаса...

— Вой, нима деяпсиз! Бизда унақалар йўқ, коллективимиз яхши коллектив. Кейин унақа дорилар ҳам йўқ. Бориям главврачнинг сейфида туради.

— Биламан,— деди Яхшибоев.— Ваҳобов — ўлғудай хасис одам. Энг керакли нарсани сейфига қулфлаб олади. Қайтага, анави Раҳматов болам дуруст... Ҳалиям ўшани бошиқ қилиш керак сизнинг яхши коллективингизга.

Ҳамшира қиз ҳайрон бўлди, сўнг ҳеч қутилмаганда қўпол гапириб қўйди:

— Эсингиз жойидами, домла! Раҳматов — бўрининг ўзгинаси-ку?

— Бўримас,— деди Яхшибоев ранжиб.— Бўримас, у, шунчаки шоғол. Сиз ёшсиз, қизим. Шоғол нималигини билмайсиз. Илғари шоғол кўп бўларди, лекин Шоймардонов деган даюс фўзашунос жамики тўқайларга ўт қўйиб, бечораларни қириб юборди. Умуман, шоғолни камситганимиз ҳам нотўғри, жудаям ёмон махлуқ эмас улар, ўлимтик еганини айтмасанг, бошқа айби йўқ ҳисоби...

Ҳамшира мажозга тушунмай елка қисди-да, асбобларини шошиб йиғиштира бошлади.

Бирор соат ўтиб палатага Биринчи Ёрдамчи кириб келди. Яхшибоев уни кўриб, факулдада бир иш чиқиб қолганини сизди. Бир ёғи, Ошно мендан аразламабди, деган ўйдан кўнгли кўтарилди, лекин аини чоғда шунчаки хабарчи ёки телефон қолиб, кимсан Биринчи Ёрдамчининг ўзи келганидан таҳликага тушди. Сўрай деса, Биринчи Ёрдамчи Ошно кутаётганини айтибоқ ташқарига чиқиб кетди.

Кўча кийимини илиб, тезда пастга тушди. Машина эшик оғзида кутиб турарди. Бориб ўтирди. Биринчи Ёрдамчи йўлда сал-пал ҳол сўраган бўлди: тузалиб қолдингизми, бола-чақа омонми ва ҳоказо. Яхшибоев жавоб қайтаришга улгурмасидан, бошқа тарафга ўтиб кетди. Ҳаммасига қўрғоқчилик айбдор, Назар Яхшибоевич, деди, гриппу тумов ҳам, бу ёғи ҳосилдорликнинг пасайиб кетгани, нарх-навонинг ошаётгани... Яхшибоев индамай қўяқолди. Биринчи Ёрдамчининг бозорга кирганию нарх-навони суриштирганига шубҳаси бор эди. Бозам худо билади, деб ўйлади, балки кирар бозорга, кириб гап ўғирлар, кейин Ошнога еткизар?... Чидаб туролмади, зарда қилиброқ айтдики, нарху навони Александр Шоймардоновдан сўрайсиз, яйловни, боғу роғни йўқотган — ўша киши.

Биринчи Ёрдамчи илжайиб қўйди. Яхшибоев билан Шоймардоновнинг азалий ғанимлигини биларди у. Ошнонинг гоҳ бунисига, гоҳ унисига оғиб, оғмаган тақдирда ҳам навбати билан оз-оздан ён бериб туришини ҳам биларди.

Ошно Бухорода эди-ку, деб ўйлади Яхшибоев, нечук ошиғич қайтибди? Ё ростдан ҳам бирор кор-ҳол рўй бердими?..

Юраги безовта бўлди. Чалғимоқ истаб, машина деразасидан ташқарига қаради. Кўча азалгидай эди: машиналари, дарахтлари, одамлари... Ҳеч нарса ўзгармагандай. Ёнида ўтирган Биринчи Ёрдамчига кўз қирини ташлаб, унинг хотиржам эканини кўрди: ўша-ўша, семиз, юзи кўпчик, оғиркарвон.

Вақтнинг ўтиши маромини тутгандай бўлди Яхшибоев. Узини бўш қўйди — вақт дегани мисоли дарё, сокин, пўртанасиз, у эса, солда тинч оқиб боряпти. Пайт келиб, мавжлар бу солни қирғоққа оҳиста элтадилар. Қад тиклайдию офтоб нури аксланган топ-тоза қумлоқни кўради. Қирғоқ кимсасиз, сассиз, ҳаттоки мавжларнинг қирғоққа чаллигани-да эшитилмайди. Ётади маза қилиб, балки сал мизғиб олади, кейин уйғониб кўрасаки, дунё ҳамон осойиш, чароғону чиройли — қараб ҳеч тўймайсан!

Шуурнинг бир чеккасида, тушган машиналари тез юраётганини илғарди. Буримларда шиналарнинг чийиллаган товушини ҳам илғарди. Кўзларини юмиб кетаверди.

Ниҳоят, манзилга етиб боришди. Лифту зина қилиб, Ошнонинг қаватига кўтарилдилар. Биринчи Ёрдамчи ичкаридан хабар олди-да, сал кутиб тураркансиз, деди. Яхшибоев кутди. Бирор йигирма минутлардан сўнг рухсат бўлиб ичкарига ўтди. Ошнонинг тўрда ёлғиз ўтирганига кўзи тушди. Расмият қилди-я, деб ўйлади Яхшибоев, шартмиди мени қабулхонада сарғайтириш?..

— Уртоқ Яхшибоев!— дея хушнуд хитоб қилди Ошно, сўнг илдам ўрнидан туриб,

кенг хона ўртасига чиқди.— Айбга буюрмайсиз, зарур масала юзасидан кўнғироқ бўлиб қолди.

Кучоқлашиб кўришди. Яхшибоев ажабланди, лекин бари бир ийди, иягини Ошонинг елкасига қўйиб, хўрлик аралаш ўйладики, аввалроқ қайда эдинг!..

Ошно уни бурчакдаги диванга таклиф этди. Ўзи-да ўтирди. Қўлини диван қиррасига тираб, кўзларини пастга қадаб, бир муддат жиддий ўйланган бўлди, сўнг хижил бўлиброқ сўз бошлади:

— Улуғ оғамиз рус халқида ажойиб бир одат борки, ўртоқ Яхшибоев, ширинликни одатда таомдан сўнг тортадилар. Мен ҳам шунга риоя қилсамми, деб эдим-у, аммо сабрим чидамаяпти. Бас, шуни билинг-да, белни бақувват қилиб туринг, насиб этса табрикка борамиз уйингизга...

Яхшибоев индамади. Улуғ оғани ўртага тиқиш шартми, деб фикрини, ўзимизнинг ўзбекиёда ҳам «суяк ташлаш» деган ажойиб бир одат борки, ортидан ҳарне иш ҳам битиб кетаверади. Ошнога қараб жилмайди, бош эгиб куллуқ қилди — таомили шу эди.

— Сабабини сўрамадингиз?...— деди Ошно ранжиброқ.

— Узр, азбаройи қувончимдан...

— Сизни энг юксак фахрий унвонга тавсия этдик, ўртоқ Яхшибоев!

— Раҳмат, оқсоқол. Айбга буюрмайсиз-у, ўша қутлуғ кунларга етармиканман?..

— Етасиз!— деди Ошно жўшиброқ.— Албатта етасиз. Боз шу унвон мадад бўлиб, яна бирор юз йил яшайсиз, ўртоқ Яхшибоев. Нима дедингиз?

— Сиз нима десангиз — шу-да, оқсоқол.

— Рухингиз йўқ, ўртоқ Яхшибоев?

— Дардим оғирроқ, оқсоқол. Энди, агар сиздан топшириқ бўлса, яна юз йил яшашга мажбурмиз.

— Чатоғсиз, ўртоқ Яхшибоев!..

Ошно рағбат билдириб кулди. Яхшибоев ҳам илжайди. Ниҳоятда сергак эди у. Ошонинг кулгиси сал зўраки эканини сезарди. Шу боис ўзига эрк бермади. Тинглаб, тасдиқлаб туравердики, Ошнога бу кўпда ёқмади. Ошно бировларнинг дардларини эшитиб ўрганган эди. Дардларни эшитиб бўлиб, кейин ташаббусни қўлига олар, ўша дард йўсинида ҳ а к а м л и к қилар эдики, ҳукми эшитган ҳамсуҳбати муқаррар тарзда олқашга ўтарди: раҳмат, ота, ташаккур, ота.

Ҳозир у Яхшибоевдан норози бўлди, лекин сиртига чиқармади, гарчи ошиқча ташвиш бўлса-да, ўзи гап қотди:

— Ҳув бир гал — телефонда эди чоғи,— рост гапни айтган экансиз, ўртоқ Яхшибоев. Асли жойингиз — пахта даласи эди. Бунинг ўрнига касалхонада ётиб, руҳингиз-да, мижозингиз-да кўп сусайиб кетибди. Ҳалиям кеч эмас, энди беш миллион тонна бердик, қолган бир миллионига ҳисса қўшсангиз ярашади.

— Пахтакорга ҳозир гап ёқмайди, оқсоқол, радиода гапириб қўяқолай.

Яхшибоев афсус қилдики, шу гап чакки бўлди. Ҳар йил қилиб юрган ишимиз — далага чиқсак чиқибмиз-да, ҳам ҳаво алмашади, ҳам кўзга тушамиз, бирорта райком секретари ёки ижроқўм раиси ҳамроҳ бўлади, сиртида табассум қилади-ю, ичида ўлдиргиси бор: бу энағар ишдан қўйди, деб!.. Майли эди-да, ўшаларни зиёфатга озгина чиқимдор қилиб келаварардик-да!..

— Далада ҳосил кўп — деди Ошно.— Зое қилмай йиғиб олсак, миллион тоннадан ҳам зиёдроқ чиқади.

Далада ҳеч вақо йўқ, деб ўйлади Яхшибоев, телевизорчи ёки киночиларга атаб қолдирилган бир-икки чекни кўрсатган улар. Наҳотки бу бечора шуниям билмаса? Билмаса, шўри қурсин бунинг... Агар билса-чи? Билиб-кўриб туриб гапираётган бўлса-чи?..

Юраги ториққанини сезди. Бир-икки энтикиб нафас олди.

— Дўхтир чақирайми?— деди Ошно.

— Йўғ-э,— деди Яхшибоев илжайиб.— Ҳозир ўтиб кетади. Юрт оғасининг қабулида ўлиб қолиш уят.

Ошнога ёқмади бу гап. Танбеҳ беришга шайланган эди, Яхшибоев илдамлик қилди:

— Узр, оқсоқол. Ростдан ҳам ўлим кўзимга кўринади чоғи, на каттани, на кичикни аямайдиган бўлиб қолдим.

— Бемаъни хаёлларни қўйинг, ўртоқ Яхшибоев,— деди Ошно озгина юмшаб.— Сиздан жиддий режалар кутамиз. Ошиғич ишингиз бўлмаса, озгина айлансак. Далада юриб ўрганибман, кабинетда ҳаво етишмаётгандай туюлади.

— Майли, оқсоқол. Шошадиган жойим йўқ менинг. Қачонки сафар ихтиёр этсам, ана, йўлим унғ, беминат, шартта ёғоч отга миниб кетавераман.

Ошонинг энсаси қотди:

— Пластинканинг нариги тарафини қўйсак, ўртоқ Яхшибоев.

Рост, деб ўйлади Яхшибоев, менга нима бўлди ўзи? Қайда ва кимга бўлмасин, нуқул ўлимдан гапираман? Нозу ишва бу, йўқ, турган-битгани фишва. Лекин бирдан ижобатга ўтиб кетса-я! Ўзи айтсаки, ҳай, майли, Яхшибоев бандамнинг ҳам ўтин-

чига чора топилсин?.. Дарвоқе, ўз и йўк, Ошно бор, холос. Ошнанинг лақаби бошқачароқ: ўз л а р и. Таъкид зўрайган чоғда — ш а х с а н ў з л а р и. Ёинки — ҳ а м м а м и з у ч у н а р д о қ л и. Аммо кейинги атама — нўноқ ўғирма, холос. Катта Пахтакорга тегишли ҳушодад шўринг қурғур ўзбек тилига ағдарилган.

Ошно уни боққа олиб чиқди. Боғ озода эди. Турфа дарахтлари бор. Йўлкалар пичоқ тиғидай тўғри. Ҳовузчаларнинг сувлари зилолки, тубидаги тош тўшаб чизилмиш шакллар яққол кўринади.

— Лола дарахти,— деди Ошно бориб тўхтаган жойларида.— Қаранг, қандай чиройли. Буни Жанубий Америкадан келтириб экканмиз. Ҳозир шаҳарда анча кўпайиб қолди.

— Булдуруққаям элтиб эксак бўларкан.

Ошно кинояни пайқамади.

— Булдуруқда кўкармаса кераг-ов,— деди у хаёли паришон бўлиб.

— Чарчабсиз, оқсоқол...

— Иш кўп. Бугун кечаси Самарқандга жўнаб кетаман. У ёқдан Хоразмга ўтмоқчиман... Ҳиндуларнинг бир худоси бўларди, уртоқ Яхшибоев, оти нимаиди?.. Ҳалиги... минг қўллиси бор-ку?

— Шива,— деди Яхшибоев.

— Ўшанга ҳавасим келяпти.

— Ишончли кадрлар — қўлларингиз-да, оқсоқол.

Ошнонинг юзига ғамгинроқ кулги қўнди. Кўзлари киртайгани баттар билинди.

— Уртоқ Яхшибоев,— деди у, дўстининг билагидан олиб.— Атай боққа олиб чиқдим. Сизга айтадиган хосроқ гапим бор. Таклифингизни ўйлаб кўрдим. Қурбон берилмаса бўлмас экан. Вазифангиз анча енгиллашди. Қурбоний қизингиз вафот этди. Энди сизга гап тегмайди ҳисоб...

— Тўпори бор, оқсоқол. Мен ўзим...

— Тўпори — кичкина одам, ўртоқ Яхшибоев. Сиз қурбон сифатида эмас, фош этувчи куч сифатида зарурроқсиз. Жиддийроқ қурбон керак, дейлик, Ешулли...

— Қурбим етармикан, оқсоқол. Ўзимни қурбон этиб юборади у.

— Хавотир олманг, сизни ҳимоя этишга кучимиз етади ҳали.

— Нутқингиз тайёрми?

— Шошилманг, ўртоқ Яхшибоев,— деди Ошно сал жеркиброқ.— Сиз аввал фош этинг, менинг нутқ сўзлашим қочмайди. Ешуллига доир ҳужжатларни бугуноқ оласиз. Мақола тайёр бўлиши билан хабар беринг. Газеталарга ўзлари элтиб беришади. Мақола чиққанидан сўнг бирор ўн кун узоқроқ жойга кетганингиз маъқул.

Ошнонинг жеркигани Яхшибоевга ёқди. Ҳали умид бор экан, деб ўйлади, Ешуллини бирёқли қилсак, кейин навбат Тўпориға, кейин...

— Шоймардонов нима бўлади?

— Ўзингизга ҳавола, ўртоқ Яхшибоев. Менимча, андак сабр қилган тузук. Бу ёқдаги ишларни битказиб олинг аввал.

— Мақола мажлисдан кейин чиқмайдими? Қоидаси шунақа эди чоғи?

— Мажлисни бизга қўйиб беринг, ўртоқ Яхшибоев. Сизнинг ишингиз — мақола ёзиш. Ҳужжатларни тўлиқ оласиз. Ҳеч ким билан гаплашмайсиз.

Яхшибоев англадики, аҳвол анча жиддий. Асли бирорта турмага бориб, тинчгина камерада ётиб олган-маъқулроқ эди, деб ўйлади, қоғоз билан довод келтириб беришса бас-да. Йўк, буниси бўлмас экан, дарров ғийбат урчиди. Башара айбдор — ҳамма танийди.

— Марказий матбуот масаласи қалай?— деб сўради.

— Ёлғиз эмассиз, ўртоқ Яхшибоев. Шу тариқа топшириқ бошқа бир-икки ишончли кишиларга ҳам берилган. Сиз биргина ўз жабҳангизни эпласангиз кифоя.

— Сиз ўзингиз тозамисиз, оқсоқол?

— Тозаман, Назар жўра,— деди Ошно унинг кўзларига тик қараб.

Яхшибоевнинг йиғлагиси келди. Оғир кунда мени эслади-ку, деб ўйлади, қолган-қутган меҳр бор экан-да!.. Бунинг ўзи тоза бўлса бас, Ешуллию яна бир-икки гўшнанинг суробини тўғрилаш қийинмас. Аввал Ешулли, кейин Тўпори, анави ғўзашунос Александр чол...

— Айбга буюрмайсан, Назар,— деди Ошно қўл узатиб,— насиб этса, алоҳида бир гаплашамиз.

Бинодан руҳи кўтарилиб чиқди. Зиналардан чаққон одимлаб тушди. Кўрсаки, Биринчи Ёрдамчи машина эшигини очиб турибди. Кириб ўтирди. Эшикни ёпгали қўл чўзган эди, Биринчи Ёрдамчи ҳам машинага чиқаётган экан.

— Шарт эмасди, ука.

— Топшириқ шу, Назар Яхшибоевич,— деди Биринчи Ёрдамчи.

Машина шитоб билан ўрнидан кўзгалди. Катта кўчага чиқаётган пайтларида олдиларига яна бир машина тушиб, тепасидаги чироғини ёқиб, гавжум чорраҳаларда чинқириб, йўл очиб кетабошлади. Ўн дақиқа ҳам ўтмасдан касалхонага етиб келдилар. Яхшибоев умрида бундай дабдабаю асъаса билан юрмаган эди — хурсанд бўлди.

Биринчи Ёрдамчи эшикни очиб, Яхшибоевнинг тушишига ёрдамлашди. Қўлти-

ғидан олиб, бино сари бошлади. Яхшибоевга мулозимат ёқмади, лекин рад этарга чора топмади. Биринчи Ёрдамчи ўзининг бу ерда пайдо бўлиш сабабини недир ҳаракат билан изоҳлаши керак эди, яъники, Яхшибоев қабулда бўлди, тоби йўқлиги боис, Ошно унга иззат кўрсатиб, суяб-таяб бормоқ учун хос ходимини кўшиб юборди.

Палатага қадар бошлашиб келди Биринчи Ёрдамчи. Ичкарига ҳам кирди. Сўнг чап қўлтиғидан юпқагина чарм жилд чиқариб узатди:

— Ҳаммаси шу ерда, Назар Яхшибоевич.

Яхшибоев тушундики, Ёшуллига доир гаплар. Жилдни шарт очиб кўз ташлагиси келса-да, ўзини тута билди:

— Тўмбага қўяқолинг, ука.

Биринчи Ёрдамчи жилдни ичкари хонага олиб ўтди. Яхшибоев кўрдикки, бориб ёстиқ тагига тиқяпти.

Ҳали бу ийғма карават қўйиб ётиб олишдан ҳам тоймайди, деб ўйлади Яхшибоев, тезроқ кетса тузук эди, жилдни очсам, Ёшуллинг ишларини билсам...

— Хўп, ука,— деб қўл узатди у.— Опкеб қўйганингиз учун раҳмат.

Биринчи Ёрдамчи эшик тарафга қараб юрди. Қабадан тутиб, секин ортига қайрилди.

— Назар ака,— деди,— бир маслаҳат берсам оғир олмайсизми?

— Хўш?..

— Фақат орамизда қолса?..

— Қолади.

— Энди кечроқ, Назар ака,— деди Биринчи Ёрдамчи.— Улгуролмайсиз.

Яхшибоев бақрайиб қолди. Эшик ёнида турган кишига дурустроқ тикилди. Биринчи Ёрдамчи кўзларини олиб қочмади — сокин ва жиддий қараб тураверди. Шуниси маҳв этди Яхшибоевни, лекин кўнгилдаги шубҳа, бу атай қутқу соляпти, деган ўй ғолиб келиб, шаллақилик қила бошлади:

— Нонкўр! Тузини еб, тузлуғига тупурган!

— Назар ака, — деди Биринчи Ёрдамчи босиқлик билан. — Гап орамизда қолади, деб ваъда бердингиз.

— Ярамаслар!— деб бақирди Яхшибоев.— Ялайвериб, кетини нақ оқ ем қилиб юбординглар, энди ҳамманг қочасанлар!

— Қочаётганим йўқ,— деди Биринчи Ёрдамчи.— Бутун сая-ҳаракат зое кетади, деб айтяпман.

— Ёшуллидан қанча пора олдинг?— дея баттар дағдаға қилди Яхшибоев.

— Ёшуллинг падарига лаънат!— деди Биринчи Ёрдамчи ҳам овозини баландлатиб.

— Айт, неча минг олдинг?

Биринчи Ёрдамчи ожиз қолиб, бошини сараклади.

— Бор!— деди Яхшибоев.— Бориб мени Ёшуллига сот, бирорта одамкуш ёллаб юборсин!!

Биринчи Ёрдамчи индамай чиқиб кетди. Яхшибоев курсига чўкди. Бақирдиш асносида толиққан экан, озгина нафас ростлади. Илжайдики, қойилмақом саҳна бўлди, агарда Ошно кўрса садоқатим зўрлигидан хўнг-хўнг ийғлаб юборарди!..

Ичкари хонага ўтди. Ёстиқ устидаги жилдни олиб, тўмба устига ташлади. Секин ўринга чўзилди. Тўшак қаттиқ туюлди — гўё тош тикилгандай. Туриб матрасни кўтарди. Кўрсаки, симтўр устида битта ясси картон қутича ётибди.

Бир муддат ҳадисираб турди: энағар Зоҳид, ўшанинг иши! Қутичанинг м о ҳ и я т и не эканини биринчи лаҳзадаёқ англаб етган эди, лекин ўша м о ҳ и я т н и қай йўсинда ҳ а л қилишни билмай қолди. Сал ўтиб англасаки, дастлабки ҳадик ўтиб кетибди. Бўғилмади, юраги ҳам санчмади. Осмон ўйилмади, ер ҳам ёрилмади. На яшину ва на момоқалди роқ бўлди. Қулоқ тутиб, палата ичи жимжит эканини сезди. Қўрқувдан холи, хос бир жимлик эди бу. Шунчалар жимликки, қориннинг қулдирагани бемалол эшитилади!..

Бир ўзи эди. Елғиз. Танҳоликда. Ҳар гал исканжага оладиган танҳолик туйғусининг оғуши бу гал пардай юмшоқ туюлди. Боя тўшак биқинига қаттиқ ботганини элас-элас эслади, ажабланди, сўнг яна осойишталик қаърига шўнғиди.

Қутичани очди. Бариси янги эди. Янгикки, қалбакими деб ўйлайсан, Бариси юзталиқ. Жўн қоғоз билан даста-даста қилиб ўралган. Жўн қоғоздан бойланган белбоғчалар устида Давлат банкасининг сиёх муҳрлари бор.

Ўзининг пули кўп эди, аммо ўзининг ўша к ў п у л н и жамланган бир ҳолатда тасаввур этмаган эди. К ў п у л н и ўйлаганида кўз олдига аниқ бир манзара келмас, шунчаки бир кибрли сурур туярди, холос.

К ў п у л чиройли бўларкан. К ў п у л да тартиб бўларкан. Қутича ичи тўла, теп-текис, даста-даста, белбоғли, муҳрли йирик пуллар...

Санади — бор-йўғи ўнта пачка чиқди. Кўзига мўл кўринган эди, озгина экан. Озгина, деб илжайди, кўриниш ҳисоб эмаскан-да? Юзтага юзтани зарб этсак — ўн минг, бунисини яна ўнга зарб этсак — юз минг!

Қутчадан сидириб олиб, матрас остига тиқди. Ҳақиқатда бостириброқ ўтирди — гўё ишончли бўлсин деб!

Ҳаром, деб ўйлади, ҳаром пул бу, ҳаром, ҳаром! Э, энасини эшак қувласин, бариси бир қоғоз-да, ҳалол-ҳароми борми бунинг! Ҳеч гапмас!

— Ҳеч гапмас! — деди баралла овоз чиқариб.— Худо йўқ. Худонинг йўқлиги тайин. Демакки, бу дунёда мени тергайдиган кимса йўқ. Мен ҳеч нарса билмайман, мен ҳеч нарса кўрганим йўқ.

Матрас остига қўл тиқиб, бир дастасини олди. Муҳрли белбоғини йиртди. Санаб ўтирмади. Саноқдан кўнгли тўқ эди. Шунчаки сувқоғознинг бармоқлар орасида шитирлашига қулоқ тутди. Завқ билан хотирладики, Ёшулли қўрмагур, кимки юзталик дастасини пора қилиб келтирса, опкелган кимсанинг юзига қаратиб отаркан: «Муни нима қиламан, манглайи қора, кетимни артаманми?! Бор, қизилидан опкел!»

Дарвоқе, нега қизилидан опкелмади булар? Қизили қани? Қизилини кимга оборди? У ёққа кетдими?

Пешонасига муштирадики, э, ўл-э, Яхшибоев, овсар, лақма, олифта, гуппичопон! Эчкемарга ўхшаб шишасан-у, ёрилиб ўлганинда ақлинг киради!

«Асли тиллодан ишлашим керак эди, янгамулло!»

Зоҳид худди шундай деди. Кейин-чи? Кейин Янгамулло гўёки қизалоқдай, ҳайкалчани кўғирчоқ қилиб ўйнади. Тантиқланиб, ҳайкалчанинг юзгинасига юзларини суйқади, бурнидан тишлаб олгандай бўлди...

П р о б а с и н и кўрганими бу?

Айтдики, худбинлик қурсин, одамзод ўзига ўзи ёқади-да. Вой сенга ўргатган муаллимингни!..

Бўлмаса, ёшини яшаб бўлган кампирга ким қўйибди тантиқланишни! Тўғри, гримни камроқ қилган бу хоним, ёши улуғ-у, лекин Муҳсиндан ёшроқ кўринади, бир ёғи — эрнинг амали, қолаверса, юзнинг терисини устароқ дўхтирларга тортирган... лекин, бари бир, тантиқланишни ким қўйибди бунга!

Зоҳидни танимайди-я? Танимаган одамдан тилла оладими? Ў, маккор хотин, ў анағар Янгамулло!

Юраги қаттиқ ураётганини пайқайди. Қўлидаги пулни яна матрас тагига тиқиб, секин ўрнига ётди. Хаёллари айқаш-уйқаш эди. Бир амаллаб чалғиди. Тасаввур этдики, у ҳали бола, кичкина бола, оёқларида эчки терисидан тикилган кичкина бошмоқчалар, Булдуруқнинг даштида, пастқамроқ бир сойликда бурган оралаб юрибди. Бурган ҳали ўткир, бурган ичи чангли, оралаб боргани сайин поялар чайқалиб, жимит уруғчалари ерга тўкилади, жизловуқлар жизиллаб учайди, йўқ, жизловуқмас, бурган пишган пайтда жизловуқлар ўлади, бодбарак, яъниким ниначилар, гўбалаклар... Э, эналари ўлсин гўбалакнинг, гўбалакни ўйлаб бўлмайди, гўбалакни ўйласанг бас, бирдан ўлим соатинг яқинлашади-қолади, негаким, гўбалак дегани — аслида арвоҳ, бу арвоҳни учратганинда сезганинг йўқ, Яхшибоев, агар эсингда бўлса, қирқ олтинчи йилнинг охириги шомида, Ошнинг уйида, ҳали тилла ҳайкалчани кўғирчоқ қилиб ўйнашни ўрганмаган Муяссарнинг уйида, меҳмонлар орасида чиройли бир қизалоқ бўларди, исми — Муҳсина эди, кўк кўйлақда эди, кўйлагининг ёқасида кўк гўбалаги бўларди! Сенинг жанозанг худди ўша кезде — ёқадаги арвоҳ-гўбалакни кўрган захотинг ўқилган, ўртоқ Яхшибоев! Ўрковларинг — Ошно билан Муяссар эди! Улар шунча йил о т с р о ч к а бериб келишди, лекин энди, бирор қирқ йил ўтказиб, жонингни суғуриб олишмоқчи!

— Олишадиям! — деб ихранди, сўнг бориб, йўлакдаги ҳамширани чақирди:— Қизим, битта камфара опкелинг!

Ҳамшира қиз тезда келиб укол қилди. Врач чақирайми, деб сўради, лекин Яхшибоев ётган жойида бош ирғади: йўқ, керакмас.

— Кўзим илинибди, — деб ёлғонлади.— Тушимга ёшлигим кирибди, қизим. Шунга, сал ошиқча ҳаяжонланиб...

Ҳамшира қиз унинг тепасида бир муддат индамай турди. Кўзларидан ҳеч нарса англаб бўлмасди. Лекин Яхшибоев билдики, қизалоқ ачинапти, ўзи соппа-соғ, манави чол эса шарини яшаб бўлган, умрни озгина бўлса-да чўзмоқ истади, ҳар хил уколлару камфаралар ҳисобига, аммо юрак дегани илвираб қолган. Қизалоқ инсофли, қизалоқ ўзининг жудаям соғлом эканидан, манави илвираган юрак эгаси ерга кириб, чириб-битиб бўлганида ҳам яшайверишидан уяляпти. Кейин озгина ҳадиги ҳам бор. Бу масканда ҳамма Яхшибоевдан чўчийди.

Яхшибоев ким ўзи, ким бўпти у? Ошнинг салтанати туғдирган бир мужмал ҳодиса-да буюм! Ёки бошқачами? Формуласи нима унинг? Формуласи не бўлмасин, таркибига Ошдан салгина аралашгани аниқ. Кимки нуфузли кимса бор, унинг вужудига Ошно аралашган. Ошно — ҳаво, Ошно — ер, Ошно — сув, Ошно — нон... Ошно — ҳамма нарса... Хўш, унда Ошнога тилла тахтачага ўрнатилган гўзапоя нега керак бўп қолди?! Ошно учаётган арши аълода тилла дегани тезак баҳосида эмасми?!

Нима етмайди унга? Ёинки малоикларга элтиб берадими?

Менга-чи? Менга нима етмайди? Ун даста юзталикни кўриб жинни бўлай дедим.

Уларимга бир баҳя қолган пайтда... нима қиламан бу дасталарни? Исқот қиламанми! Исқот деганлари ҳам амалга қарайдими? Меники — юз минг сўм! Ошноники... юз минглаб ўлчаб бўладими унинг исқотини?!

Инонмади. Инонса ўларини сездми. Инонса — дунё кунпаякун бўлади инонса! Кўнглининг туб-тубидан аянч бир хўрсиник отилиб чиқди. Йўқ, деди, йўқ, йўқ, йўқ!!

Қулоғи шанғиллади. Бир зум ҳуши оққанини сездми. Гўё тўрт тарафи оқ туман билан ўралгандай эди. Туманми, оқ бўзми, оқ деворми... Кафан! Миясига урилган фикрдан чўчиб тушди. Чаккаси ҳар лўқиллаб оғриганида биттадан сўз айтиб турди: Муяссар! Ошномас! Муяссар! Асло Ошномас! Муяссар! Муяссар! Энафар Янгамулло!..

Жим қолди. Ақлли сал тинитиб ўйладики, менинг Янгамуллога керагим йўқ эди. Зоҳидга кераклигим — гувоҳ ўтганим. Янгамуллонинг холи олиб қолиб суҳбатлашгани, гўё яқин тутгани — шунчаки чалғитиш, холос. Мен энди шерикман. Янгамуллога шерик, Зоҳидга шерик... Ошно билмаслиги аниқ. Билса эди, Зоҳид унинг йўқлигини пойлаб юрмасди. Хуфёна биқиниш, менга атай «элчи» юбориш, анави Раҳматовга ўхшаган қумсиркаларни сотиб олиш ва ҳоказо макро ҳийлаларга ҳожат не? Шерга шерик бўлмиш махлуқ чиябўрилар билан ўлжа баҳам кўрмайди!

Демак, бу дунёдан ҳали умидвор бўлиш мумкин. Умидвор бўлиш мумкин-у, дурустроқ ўйлаб кўрса ҳам зиён қилмайди. Янгамулло билан Зоҳиднинг биринчи бор савдо қилишаётгани аниқ. Йўқса, Зоҳид бу ишни бир неча йил бурун бошламас эди. Мен кўрган устахона, Катта Пахтакорнинг ҳайкали; кўраю ўчоқлар, ниҳоят менинг росмана биринждан ясалган ҳайкалим... шерикликка тортилган одамни чалғитиш учун хўб тайёрланди у. Охирги таваккал — ўн даста юзталиқ пул — бугунги учрашув маҳсули, холос. Юз минг пора — Зоҳиднинг янгича услуби. Масалага чуқурроқ кирилса, унда Зоҳиднинг бу дунёдан умидворлиги анча катта экани аён бўлади. Муяссар хонимга берилган пора — Ошнадан кейинчалик ҳам наф кўриш. Энг арзон йўл бу, хотин орқали иш кўриш — бориб турган гўшнолик, лекин бу нарса ҳамон эскирмаган, энди-ям эскирмаса керак. Зоҳидга қарагудай бўлсак, Ошно ҳали эгарда маҳкам ўтирибди. Лекин Янгамуллонинг қилиғини қандай баҳолаб бўлади? Паст кетмадими? Токи Ошно тирик экан, унинг хору зор бўлмаслиги аниқ. Ёки у о х и р а т н и ўйлаб пора олдимиз? Охиратни, яъники Ошنونинг мансабдан кетишини ўйлаб, ўзининг ва зурёдларининг келажак маишатларини ўйлаб? Ошно кетса бас, буларга ит ҳам қайрилиб қарамайди — на Янгамуллога, на ўғил-қизларгаю неварачевараларга! Ўзи бева қолади, фарзандлар хотинсиз ёки эрсиз қолади, хўш унда нима бўлади? Ҳар бири биттадан бута тагида... тарқаб-тарқалиб кетадими? Аёл одам-да, қуриб-қақшаб қолгани билан, бари бир — аёл, демакки, у хонадонни ўйлапти. Униям тушуниш, тушуниб кечириш мумкиндай.

Хулоса не? Ошنونинг кетишими? Қандай кетади? Қачон? Ўрнига ким келади? Келадиган одам омон қўядими?..

Янгамулло шунчалар охират ташвишига тушиб қолганми, бас, Ошنونинг заволи яқин!

Ким келади? Зоҳидми? Йўқ, Зоҳид номуносиб одам. Зоҳид умидвор ҳам эмас. Умидвор-у, лекин Ошнадан умидвор. Унинг учун Ошно дегани — оламнинг киндиги. Киндик бир кунни бориб узилишини билмайди ҳам.

Хўш, Ошно кетаркан, Зоҳиддан умид йўқ экан, унда гувоҳлик ҳақини нима қиламиз? Қайтариб берамизми?.. Қайтиб олмасачи? Гумонга борса-чи? Олишни истамади, демакки, мени сотмоқчи, деб ўйласачи? «Элчи» ўрнига бирорта одамкушни юбориб, шундоқ суробимни тўғрилаб қўйса-чи? Қўлидан келади буларнинг. Ёшулларнинг карвонини юрак бетлаб тўсган одам, битта сассиқ чолни ўлдириб юбориши чўт эканми! Дарвоқе, ўшанда, саҳрода карвон тўсилган чоғда неча одамнинг жони асфалософилинга кетган экан? Билмайсизми, ўртоқ Яхшибоев?

Ёинки шу дақиқадан бошлаб Ошнони сўкамизми? Золим атаймизми? Халқни унутган, мансабини ўйлаган, шахсига сиғинган ва ҳоказо деб?

Катталарики пора олган халқ қирилиб кетса бўлмайдимми!

Юраги ёмон санчди. Ғужанак бўлиб, қўл-оёқлари тиришиб, оғриқ ўтиб кетишини кутди. Юрагига ваҳм тушдики, наҳотки ўлсам?! Ўлсам маъқул эди, лекин тўшак остидаги исқот билан ўлиш! Шармандалик-ку? Иснод-ку?

Умридаги биргина лаҳзани — ўзи муҳаррир тоғага учрашганию муҳаррир тоғанинг жиянгинаси тугунга ўроғлиқ ош кўтариб кирган лаҳзани лаънатлади. Ошнони овора қилиш шарт эмасди, деб ўйлади, ўшанда мен ўзим жиянчага уйланиб қўяқолсам бир нави эди. Жилла қурса, Ошно бу даражага етмасди. Мен унга эргашиб бутим йирилмасди. Мабодо жиянчага уйланган кимсага Ошнолик мартабаси насиб этари муқаррар экан, балки мен ўзим Ошно бўлардим-у, лекин бунчалар расво бўлмасдим. Менинг қўлим қаттикроқ эди, мен жиловни маҳкамроқ тутардим, мени алдаб бўлмасди!

Ошنونинг ўрнида мен бўлсам, мен юксалсам, дея бот савол берди ўзига, бу энди мумкинмас, лекин ўшанда, айна мумкин бўлган чоғида... нима бўларди? Яхшироқ бўларди! Мен адолатлироқ бўлардим. Инсофлироқ бўлардим!

Ўзи ҳам сезмагани ҳолда кула бошлади.

— Омон бўлсин бу халқ! — деди бош сараклаб. — Ушанда унинг тақдири менга — булдуруқлик битлиқи Назар Яхшибой улига боғлиқ экан-да!.

Лаънатга лойиқ яна бир лаҳза бор эдики, буниси унга дохил эмасди. Буниси яқин ўтмишдан эди. Ошннинг яқин ўтмишидан. Катта Пахтакор биринчи бор матонатга ундаган чоғдан. Келиб айтдики, н а д о ! Яна бир миллион, атиги бир миллион, қўлингиздан келади, азизим!

Ошно эътироз қилдики, йўқ, отамиз, менинг қўлимдан эмас, халқнинг қўлидан келармикан?

Катта Пахтакор айтдики, мен ҳам худди шу нарсани назарда тутдим, азизим, ахир сиз халқнинг энг яхши ўғлонисиз-ку!

Ўйланиб юрди ўшанда Ошно дегани. Ошно ўйланиб юриб, дардини Яхшибоевга ёрди: мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди! Шундай дедию тилини тишлади — гўё Яхшибоев Катта Пахтакор билан ҳар кун эрталаб бирга чой ичадигандай. Албатта бажарамиз, деди овозини баландлатиб, бажармасдан қўймаймиз!

Яхшибоев ҳам ўшанда чўчиди. Чўчиди-ю, лекин жўялироқ қилиб айтди: сал кенгашиб иш тутилса маъқул эди, оқсоқол. Урнингизда мен бўлсам, рост гап, қутқуга учмасдим, халқни ўйлаш керак, ёки халқни ўйлайдиган одамни бу мансабга қўйишмайдим?

Ошно худди шу гапни пойлаб тургандай эди. Яхшибоевнинг «сиёсий хато»сини эшитди-ю, қовоқ-тумшугини осди: мафқурангиз хом экан, шу-чун ҳам менинг жойимда эмассиз, ўртоқ Яхшибоев!

Яхшибоевнинг озидан иддао чиқиб кетишига сал қолди. Иддаоки, э, нодон, хотинчанга уйлансам бас эди, мен ҳам сенинг ўрнингда бўлардим!

Айтолмади. Аксинча, ялтоқландики, энди, оқсоқол жойимизни биз ўзимиз ҳам биламиз, ишқилиб, пойгақдан қувилмасак бўлди.

Бугун қарабсанки, пойгақдаги жойнинг баҳоси юз минг сўмга чиқди!

Пойгақнинг қадрни ошди-ю, маскандан путур кетгандай. Бу ёғи — икки йилдирки, Катта Пахтакор деганлари безагу нишонлари терилган етмишта ёстиқчанинг олдига тушиб жўнаб қолди. Энди Ошно ҳам кетса... Жўн кетса, пирига ўхшаб безагу нишонларни ортидан етаклаб кетса бир нави эди, аммо бир олам ғавғони ташқарида қолдириб кетса нима бўлади? Шартми бугун пойгақдаги жойни юз минг сўмга сотиш? Балки ҳозирданоқ бошқа масканга, бошқа давраю бошқа пойгакка ўтиб ўтириш керакдир? Турган гапки, номардлик бўлади, лекин биргина шу истиҳолани тўсиқ билиш ақлданми?

Э, эналари ўлсин, биринчи бор номардлик қилишимми? Шунча йил ёнида юрдим, шунча йил сотилдим, чаканаю улгуржи, очиғу хуфёна, энди тараддудга бало борми!

Биринчи савдомиз — ҳалол савдо эди. Ўзимни сотиб, Олияни қутқардим ўшанда. Юлдузим ярқ этиб, ярақлаш ҳам гапми, пориллаб ёнган лаҳзалар эди!

Кейин бир уюм тезакка айландим. Бир уюм тезакдай бурқсидим. Тутуни зўр-у, тафти йўқ. Баски, ўлган чоғимда оппоқ кафанга эмас, жўнгина тезакқопга ўрансам ярашади.

Ниҳоят тинчланди. Озгина мизғиб олди. Тетикланиб уйғонди. Чоршанбиев келди. Хурсанд, озғи қулоғида.

— Раҳмат, устоз, — деди. — Ишга жойлашдим.

— Қайга жойлашдинг, болам?

— Билмаганга оласиз-да! — деб кулди Чоршанбиев. — Газетга жойлашдим. Мудир муовини. Ойлигим чакимас — юз етмиш сўм. Яна ошади, деган гаплар бор экан. Аввалига ноз қилишувди, кейин бирдан рози бўлишди. Сиз қўнғироқ қилганингизни дарров сездим, устоз.

Яхшибоев унинг хусусида ҳеч жойга қўнғироқ қилгани йўқ эди. Лекин ўзига айтиб ўтирмади. Майли, шундай деб ўйлагани ҳам тузук, жилла курса ўлганимдан кейин бир-икки йил эслаб юради.

— Чоршанби ўғлим, — деди нечукдир меҳри ийиб. — Энг содиғи сен экансан. Мени азбаройи ёмон кўрган пайтаринг ҳам бўлгандир, аммо... бари бир ташлаб кетмадинг, болам!

— Сизни ташлаб кетиб бўладими, устоз!

— Ташласанг арзирди, болам. Сени Суярқулга муовинликка қўймаган киши — асли мен бўламан, болам.

— Елғон гапирманг, устоз!

— Рост, — деди Яхшибоев. — Фақат буни ёмонликка йўйма, болам. Мен сенинг ҳолингни яхши биламан. Адашиб кириб қолгансан бу йўлларга. Сендан ҳеч бало чиқмайди, болам. Чангалинг юмшоқ сенинг. Аслида мен ўзим ҳам юрган бир Чоршанбиман. Лекин менда чангал зўр. Мен — бургутман, болам, сен бор-йўғи мусичасан! Мен насибамни тепароқдан юлиб оламан, сен эса пастда териб юрасан.

— Гапингиз рост, — деди Чоршанбиев. — Энди, ҳар кимнинг қўлидан келганида...

— Мең росмана бургут эмасман. Бургут қаноти билан туғилдим-у, кўрганам —

қузғуннинг куни бўлди. Баландни мўлжал қилувдим, болам, қурбим ҳам етарди, лекин...

— Сиз — зўр адибсиз, устоз! — деб эътироз билдирди Чоршанбиев.

— Ёлғон гапирма! — деди Яхшибоев қовоқ солиб. — Менинг ожизлигимни англамайдиган даражада аҳмоқ эмасдирсан, болам? Нима, мени магазинга кирмайди, деб ўйлайсанми? Кираман, жудаям кираман. Ўн томлигим чанг босиб ётганини кўрмайди дейсанми? Кўраман, болам. Магазинчилар ҳам мени танишади. Лекин мен эмас, улар ўзлари уялиб четга қарашади. Энди ўн беш томга ариза бераман. Олишади, чиқаришади. Чиқармай кўрсин!.. Пул керак, жон болам, Мухсиная, Аввалга пул керак. Исканани тириклигимда бут ушлаб туришим керак. Пулим бўлмаса биров мени бир тийинга олмайди, жоним болам!.. Ҳозир менинг пулим кўп. Кеча саҳрога чиқиб, қарвонни таладим!..

— «Минг бир кеча»дан адашиб қолиб кетган экан-да, устоз? — деб ҳазиллашди Чоршанбиев.

— Топдинг! — деди Яхшибоев. — Адашган қарвонни таладим! Менга қара, болам, сенга харж керак эмасми? Айтавер, уялма, қарз бериб тураман. Ебкетарга десанг ҳам майлига!..

— Сиздан қарздорман-ку, Назар ака... — деди Чоршанбиев қизариб.

Яхшибоев завқланди. Қойил, деди ўзича, Чоршанби ҳали қизаришни биларкан, Чоршанби қизаришни биларкан-у, мен бўзаргандан бўзариб боряпман. Қара-я, бир маҳаллар олган озгина қарзини ҳалигача эсдан чиқармабди. Неча йилдирки, қуллуқ қилиб юради, қуллуқ ҳам гапми, қуллик қилади, қарзини неча баробар қилиб тўлаганини ўйлаб ҳам кўрмайди бу галварс!

— У қарзимдан кечганман, болам, — деди.

Даст ўрнидан турди-да, ичкари хонага ўтди. Матрас тагида ётган пул дасталаридан бирини олиб қайтди.

— Ма, манавини ол, — деди. — Ароқ-пароқ олиб ич, аёллар билан маишат қил. Йўқ, бу сенинг қўлингдан келмайди. Майли, укасининг қорнига, бола-чақанга ишла. Сенга ҳалол бу пул. Чунки, сен — халқсан, мен буни халқдан юлиб олганман, энди ўзига қайтаряпман. Майда чайнаб есанг, бу пул сенга кўп йилга етади. Фақат битта илтимосим бор, болам, иложи бўлса, пулни олгин-да, ўзингга бошқачароқ бир касб топ. Қабристонга гўрков бўлиб ўтсанг ҳам майлига.

— Устоз!!!

Чоршанбиев кўрқди. Ўрнидан туриб кетди. Ортага тисарилди.

— Устоз-пустозингни кўй, Чоршанби! — деди Яхшибоев. Йигитнинг қўлидан маҳкам тортиб, бу тарафга новдадай қайириб олди. Пулни чўнтагига тикди. — Устозингни кўй! Сен шогирд эмассан, болам, шогирдда бўлади устоз! Сен... шунчаки мардикорсан! Мардсан, бировларнинг қорида юриб ўласан!..

Чоршанбиев шошиб чўнтакка қўл тикди, пулни чиқармоқчи бўлди, лекин Яхшибоевнинг вазоҳатидан кўрқди. Курсига беҳол ўтириб қолди.

— Утники ўтга, сувники сувга... — деб гўлдиради Яхшибоев.

Чоршанбиев унинг нима деганини англамади. Лолу ҳайрон эди.

— Қарзга олай, устоз?... — деди тили калимага келиб. — Ўзингиздан узолмасам, болаларингизга қайтарман?..

— Шартмас. Топсанг берарсан, топмасанг еб кетарсан, шунгайм ота гўрими!..

— Қайтараман, — деди Чоршанбиев титраб-қақшаб.

Қайтармайди, деб ўйлади Яхшибоев, ажаб, қайтармасини билсам-да ичим ачишмайди-я!.. Дунёдан тўйганим шуми? Майли, бермаса бермасин, бермагани тузук, ўшанда гуноҳнинг жиччаси — ўндан бир қисми! — бунинг ҳам бўйнига тушади.

Оббо, деди, шу жойдаям ҳисобингни йўқотмадинг-а, ўртоқ Яхшибоев! Бунда не гуноҳ? Порани олган — сен ўзинг. Кўрқма. Бари бир худо йўқ, нариги дунё ҳам йўқ, ҳеч ким сени пора тутганлар билан юзлаштирамайди.

Қизиқ, деб ўйлади, худо бўлса агар, худою нариги дунё деганлари бўлса, охиратда юзлашиш эҳтимоли бўлса... ўшандаям олармидим? Йўқ, ололмасдим, кўрқардим!..

Кун бўйи шогирдларига пул улашди. Бировга «қарз» деб берди, бировга «ебкетар» деб. Битта-иккита нозикфеълларидан тилхат ҳам ёзириб олди, токи кўнгиллари таскин топсин, деб!

Кечқурун, шогирдларнинг кети узилиб, пулнинг ҳам чўғи кетиб қолганида, тўмбага тикқан тилхатларини йиғиб олиб, ҳожатхона тешиги устида пора-пора қилиб тўградики, мана сенга пора! Кўпроқ берсанг ўлармидинг, қурумсоқ!

Ниҳоят, шунча кун деганда қизи Сокина касал боласи билан келиб кўрди. Гапи жўн, либоси жўн, оғирқарвон бир хотин бўпти. Яхшибоев озроқ суҳбатлашиб, қизининг дилида рўзғори, эрию бола-чақасидан ўзга вақо топмади. Хотини жам бўлди. Тинч-осойиш яшаб ўтади, деб ўйлади, хавотир олмасам ҳам бўлаверади. Бир кўнгли, матрас остида қолган пулдан олиб узатиш бўлди-ю, кўрқди — ирим қилди.

Муҳсина хоним қўнғироқ қилиб, йигирма йил бурун бирга ишлашган артист хотинни ғийбат қилди: нуқул оқсоч-канизакларни ўйнаган-у, ўтган ойда медаль олибди! Биз бечораларни биров ёлчитиб эсламайдиам, бўлмаса, доимо бош партияларни ўйнар эдик!..

Яхшибоев жерқди: инсоф, ўв, кампир, инсоф! Икковимизники қўшсак, нақ бир эшакка юк бўлади! Керак бўлса, ана, меникини ҳам қўшиб, саланглатиб тақиб юринг!..

Эркинов «суюнчи» оларга кирди:

— Битай деб қолди, домла! Энди, анавинда айтган милтиқдорингиздан қўшиб юборсак.

— Йўқол! — деб бақирди Яхшибоев. — Йўқса, ўзингни портлатиб юбораман!

Эркинов қочиб чиқди. Яхшибоев ўзи эътибор бериб қараса, қўлига бир пой бошмоғини ушлаб олган экан. Кулиб юбордики, отсам зўр бўларди, аммо-лекин!

Академик Шоймардоновнинг қўнғироғи кутилмаган иш бўлди. Неча йилдирки бир оғиз сўроқламаган одам, бирдан телефон қилди. Мақтади, кўкларга кўтардики, сиз ҳали минг йил яшайсиз, Назар Яхшибоевич, биздек олимларга ўхшаб ҳуда-беҳуда куч сарф этганингиз йўқ, ароқ тугул, қаҳва ҳам ичмайсиз, папирос чекмайсиз, роману қиссага келсак, булар бариси — кўнгил хуши, кўнгил байрами, баски, байрамдан ҳам зерикиб бўларканми!

Яхшибоев, қўнғироқ сабаби билан боши қотган, тузукроқ жавоб айтарга ҳам улгурмади. Академик Шоймардоновнинг лутфи яна улангандан уландики, ҳали халқимиздан кўп ажойиб асарлар қарздорсиз, Назар Яхшибоевич, айна ақлингиз пешланган пайти, жамики тажрибани сандиққа солиб олгансиз! Лекин сизга хасислик ярашмайди, сандиқдаги мулкни халққа улашмоқ керак!

Яхшибоев ҳамон тушунмас эди. Тушунадиган сўз бўлгани ҳам йўқ. Шу боис, сал қўполроқ гап қилдики, ўртоқ Александр Шоймардонов, сизнинг хуфя хизматингизни билмас эдим, бугун эрталаб юз минг сўм пора олувдиму сандиққа тиқувдим, шуниям билиб олганингизга қойил-э!

Шоймардонов пихиллаб кулди. Яхшибоев унинг башарасини аниқ тасаввур этди. Қилтириқ бир чол, бўйинларидаги томирларигача кўкариб кўришиб қолган, жони ҳам узилгудай... лекин ҳеч узилмайди! Кашчей! Улмас Кашчей бу энағар!

Шоймардонов тўйғунича кулиб бўлиб, сўнг овозини пасайтирдики, Назар Яхшибоевич, сиз билан биргина кўришсак деб эдим. Узингиз келасизми ёки мен бораёми? Албатта, сизга қийинроқ, касалхонада экансиз, лекин ўйлашимча, касалингиз шунчаки бир баҳона, сиздек паҳлавон адибимизнинг тумовга чалинишини мен бечора ҳеч тасаввур этолмайман... Энди, агарда ёшга қарасак, келиш — сизнинг бурчингиз. Бурч турган жойда тумовни баҳона этолмайсиз, азизим Назар Яхшибоевич!

Яхшибоев безор бўлиб улгурди. Шоймардонов билан савдоси ҳеч маҳал пишмаган, эндиликда ҳам пишмасини билади. Хўш, нега унга лутф қилиш керак? Ким бўпти у ўзи? Ғўзашунос бир иприсқи-да!

— Менинг дардим оғир, ўртоқ Шоймардонов, — деди. — Сифилисга чалинганман.

— Ийй!.. — деб кулди Шоймардонов симнинг нариги учиди. — Шунгаям ваҳмами, Назар Яхшибоевич! Мана, биз ўзимиз ҳам неча марта бўлганмиз ўшанақасидан!

— Илмингиз шу-да, — деб кесатди Яхшибоев. — Умр бўйи пахта қўйиб билан машғул бўлдингиз, азизим ўртоқ Шоймардонов.

Александр Шоймардонов кесатиққа парво қилмади. Тағин пихиллаб кулди. Тағин мақтадики, биз аслида бир-бирига муносиб рақиблармиз, Назар Яхшибоевич, агар пайтида ақлни йиғиб олиб, пайтида иттифоқ тузганимизда эди, бугунга келиб — бутун дунё пойимизда ётарди!

Яхшибоев индамай қулоқ тутиб тураверди. Энағар ўргимчакка ўхшайди, деб ўйлади, менинг ўзимни ошиқча баҳолаб ўргимчакка менгзашларим бекор, ҳақиқий ўргимчак — мана шу чол, Александр Шоймардонов, юзга кирган чол, буткул дунёни ипларига ўраб-чирмаб олган қари ўргимчак!

— Азизим Назар Яхшибоевич! — деди ғўзашунос олим. — Сизнинг халққа меҳрингиз ҳаммага маълум. Қилган хизматингиз ҳам беқиёс. Хусусан, еру сувни аяш, келажак авлодларимизга ҳам недир насиба қолдириш борасида кўп ёздингиз. Адашган пайтларингиз ҳам бўлди, аммо ниятларингиз бошданоқ пок эди сизнинг!

— Ўртоқ Шоймардонов! — деди Яхшибоев унинг гапини бўлиб. — Мақсадга келинг. Менинг вақтим йўқ, тушунинг. Сиздан бошқа ташвишларим ҳам тиқилиб ётибди.

— Мақсад шуки, икков аввалги низоларни бутунлай унутсак. Аслида битта мақсадга хизмат қилаётган одамлармиз, шундоқ экан, бу юртнинг равнақи учун биргалашиб курашсак бўлмайдимиз?

— Кимга қарши курашамиз?

— Э, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин!.. — деди ғўзашунос ранжиб. — Қариганда бировга қарши бормоқни бизга ким қўйибди!

— Чаён дегани бари бир чаён-да, гапираверинг энди!..

Шоймардоновни кутилмаганда йўтал тутди. Гўёки кўксовга чалингандай, узоқ-узоқ, босиб-босиб йўталди. Яхшибоев, гарчи ғазабни кўзга келаятган эрса-да, ғанимининг машқига қойил қолдики, бу чол қай вақтда йўталишни ҳам билади, занғар! Қўлагандай бўлди. Йўтали тугаб, Шоймардонов яна бир-икки бор томоқ қирди, сўнг секин, ҳеч гап бўлмагандай суриштирдик, узр, Назар Яхшибоевич, охири сўзларингизни тузукроқ англамай қолдим, малол келмаса, яна бир қайтарсангиз?..

Яхшибоев қайтариб ўтирмади. Чолни яна гапга солди. Гумон қилдики, бу ўргимчак менинг фитнамдан воқиф бўлибди, кимдир сотган, ажабмаски, анави Эркинов сотган чиқса!.. Нима бўпти, осон-ку бу замонда сотиш, салкам бошмоқ бошига тушай деб турганидан кейин, шартта палатадан қочиб чиққану Александрга телефон қилган-да! Яширадиган жойи йўқ. Ўзимоқ айтишим мумкин буни. Чолнинг умри тугади ҳисоб. Қачонгача яшайди?.. Бунинг ниятни билиб олгани — ошиқча ташвиш. Асли Эркиновга ҳам суяк ташлаш керак эди. Ушанда миқ этолмасди. Бошига чиқиб ўтирсанг ҳам жим турарди завқланиб, оҳ-оҳ, нақадар хушбўй, деб!..

Диққат қилсаки, ғўзашунос олим недир дунёқараши тор кимсалар хусусида вайсаяпти. Ҳаттоки бир жойда ўзини ҳам ўша турфага қўшиб юбордики, мен ҳам вақтида тушунмаганман, ақлим етмаган, атрофлича ўйлаб кўрмаганман, лекин адашмоқ ҳисобмас, адашмоқ ҳисоб-у, лекин умумий сон хатоларни тузатишни ҳам четлаб ўтолмайди, хусусан, кимсан Суқротдек бир олим айтганки...

— Суқротни тиқиштирманг, ўртоқ Шоймардонов, — деди Яхшибоев, тоқати тоқ бўлиб. — Агар билмоқчи экансиз, ана, билиб олақолинг, сизга қарши суиқасд тайёрланаяпти.

— Суиқасд? — деб қайта сўради Шоймардонов. — Аниқроқ гапиринг, Назар Яхшибоевич — фитнами ёки суиқасдми?

— Суиқасд!

— Орифийнинг қўли борми?

Ўл-а, деб ўйлади Яхшибоев, ҳар кимнинг ўз кушандаси бўларкан-да! Орифий — бунга жиян, тоғасининг соясига салом бериб юрарди-ку, қачон оралари бузилиб улгурди?

— Хотирингиз жам бўлсин, ўртоқ Шоймардонов, — деди. — Шунчаки фитна бу, уюштираётган — мен ўзимман. Қалқону дубулғанинг зўридан тутиб, ҳимояга шай тура-сиз энди!

— Газетага урасизми мени? — деди ғўзашунос, сўнг кутилмаганда кулиб юборди. — Қачон ақлингиз киради, Назар Яхшибоевич? Оламни сув олиб кетай деганда, сиз бир чалажон олим билан беллашиб юрасизми?

Яхшибоев сергак тортди. Александр Шоймардоновнинг ўзгачароқ дарди борлигини сезди.

— Хўш? — деб сўради. — Гапиринг, ўртоқ Шоймардонов?

— Назаримда, замон ўзгарадиган кўринади, Назар Яхшибоевич, — дейди ғўзашунос, сўнг бир муддат сукат қилди-да, секинроқ овозда сўради: — Балки ёнингизга борарман, Назар Яхшибоевич, телефонда айтиладиган гап эмас бу...

— Гапираверинг, ўртоқ Шоймардонов.

— Янгича тактика керак, Назар Яхшибоевич.

— Сизда лагандан кўп эди-ку?

— Жиддийроқ бўлинг, Назар Яхшибоевич!.. — ноҳос дўқ урди Шоймардонов. — Эрта-индин оламни сув олади, битта кемага тушайлик, деб атай ёрдам қўлини чўзаяпман.

— Дарға ўша-ўшамми? — деди Яхшибоев менсимай. — Ёки сиз лаганга соладиган бошқа бировнинг кетини мўлжалга олиб улгурдингизми?

— Дарға ўша-ю, лекин кема қўлдан кетган, Назар Яхшибоевич!

— Шуми, холос?

— Озми шу? — деди ғўзашунос олим. — Одамлар хато ўйлашади, Назар Яхшибоевич. Керак бўлса, ана, сиз ўзингиз ҳам гувоҳ ўтасиз, сизга ишонаман, азизим. Биласизки, ер-сув сиёсати меники эмасди, мен бошданоқ алмашлаб экиш тарафдори эдим. Дўстингизга, неча бор, «ерни аяш керак, оқсоқол!» деб айтган ҳам менман асли. Лекин у менга қулоқ солмади. Илми ҳам ўз измига бўйсундирди. Кераксиз лойиҳалар тузилди, қанча-қанча сувлар қумга сингиб кетди, денгиз қурий бошлади. Одамларнинг маишати ҳам ин қадар. Мен нуқул ва нуқул пахта кишининг зарарли оқибатларини ўз вақтида кўра билганман ва хулосаларимни очиқчасига айтганман.

— Эслаёлмадим, ўртоқ Шоймардонов, — деди Яхшибоев ғазабини зўрға босиб. — Қайда айтган эдингиз? Уша мажлисда мен ҳам бормидим?

— Мақолаларимда айтганман, лекин чиқаришмаган.

— Ҳозир қайтадан ёзаяпсизми?

— Аввал ёзганман, дедим-ку?! Дўстингиз шахсан ўзи тақиқлаб қўйган ўша хайрли ишларимни!..

Хайриятки, исмини атамади, деб ўйлади Яхшибоев, демак, ҳали умид бордай. Александр ҳозирча Ошнодан чўчийди. Арслон чўзилиб ётибди-ю, бу занғар ёнига боролмай гаранг — тирик ёки ўлик эканини билмайди. Қолаверса, д ў с т и н г и з дейиши-

да ҳам маъно йўқ эмас — мен шўрликка зуғум ўтказмоқчи. Вой энағар каламуш, пўртана бошланмасидан югуриб қолганини қара! Нега бунча ваҳма қилади? Ёки кема ростдан ҳам қояга қоқилдими? Сирти бутундай-ку? Сирти соғ бўлса, ичига сув ўтмас бас-да, пачоқ жойларини текислаб олиш қийинми!

Нима қиламиз энди? Энасини ахтарамизми? Ғўзашунос чол бирор юзга бориб қолган, энасини ахтариб топиш қийиндай. Бари бир, ўзига юқтирмайди. Жилпанглаб тураверади. Орқаю олди бирдай текис бунинг, қай тараф зўр бўлса, ўша тарафга кет буради, йўқ, бурмайди, бунинг кети биттамас, ўнта, юзта, мингта... турган-битгани кет! Дуч келганини очиб қўяди — вассалом!

Ташбеҳи маъқул тушди ўзига. Кулиб юбормасидан трубкани кафти билан бекитди. Йўқ, кулолмади. Куладиган мавриди эмасди. Кўнгил тубига чўккан ҳадиғу ташвишлар устун келди. Аксинча, Ошнонинг онасини ахтардики, э, нодон, э пасткаш, кимларни шотир тутганини билсанг эди, балки бунчалар юксак жойларни ихтиёр ҳам этмасдинг, баччағар!

Дилини умид тарк этаётганини сезди. Бўғзидан ачиқ хўрсиниқ отилиб чиқдики, номарат дунё, озгина тўқис этиб яратсанг ҳаққинг кетармиди? Жилла курси, озгина фаросат берсанг, оқни оққа, қорани қорага ажратарга қурбимиз етса!.. Жилла курси, сенинг асл ўлчовинг билан сен яратган бандаларнинг ўлчовлари озгина бўлса-да бир-бирларига мос келса — ахир, сен ўзинг камтаринсан-ку? Собирсан-ку? Комилсан-ку? Ёинки инсонларни иркитроқ жойдан олиб яратганинг борми, дейлик, нажасдан?!.

Қўлидаги трубка зириллаётганини пайқади, демакки, ғўзашунос чол ҳамон жавраяпти. Қулоқ солиб ўтирмади. Микрофонга бир-икки қаттиқ чертди-да, чолнинг унини ўчирди.

— Александр ака, — деди кулиб, — мен умримни яшаб бўлдим, ташвишим қолмади. Сиз ҳали ташвиш қилсангиз ярашади, сиз эндигина юзга қиряпсиз, ҳали неча-неча гулларингиз очилмасдан турибди. Тезроқ ҳаракат қилинг, ўртоқ Шоймардонов! Нега жимсиз?..

— Гапираверинг... — сустроқ жавоб келди трубкадан.

— Бировга завоЛ тилаш — гуноҳ. ЗавоЛ тиламайлиг-у, шунчаки завоЛ фурсатини тасаввур этайлик. Назаримда, сиз аллақачон тасаввур этиб улгурибсиз, Александр ака, гапимни тез ва осон тушунасиз.

— Хўш-хўш? — ғўзашуноснинг овози бирдан жонланди.

— Д ў с т и м қазо қилса ёки амалдан кетса бас, уни сўкадиганлар шу қадар кўпаядики, четроқда индамай турганлар анча жўяли бўлиб туюлаверади. Ҳақиқий жабрдийдалар одоб юзасидан четга чиқиб турадилар, Александр ака, сизу менга ўхшаган дўстларни, кимки унинг ялоғидан тўйиб ювинди ялаган бўлса, ўшалар кимошдига қўйиб сўкадилар!..

— Фолингиз даҳшат-ку, Назар Яхшибоевич? — дея пихиллади Шоймардонов. — Балки ўнгидан келмас?..

— Кўлба, жипириқ! — деди Яхшибоев. — Сенга қолганда ўнгидан келади! Э, сенинг ота-бобонинг суякларига қўяй!..

Сўкишини Шоймардонов эшитдимми, йўқми, дуруст англамади — узук гудок чалиниб қолди. Майли, деди, ғўзашунос ҳисобмас, ўзим билан ўзим гаплашдим асли. Умрдан қисмаса бўлди, ҳаммасини кўрамиз. Сўкадиганлар кўп. Ҳали от ўғрилари ҳам Ошнодан жабр чеккан бўлиб чиқажак. Замон зайлини энди кўраётганим йўқ. Шундай пайт келадики, мурғак қизчаларни бузган, бошида мия ўрнига бир чаноқ шаҳват кўтариб юрган палидлар ҳам Ошнони айблашга тушади. Худо урган моховлар ҳам ўз маразларини Ошнога чаплайдилар! Лекин мен индамай тураман. Ажабмаски, сукутим боис одамларга фаришта бўлиб туюлсам. Менга тегишмайди. Тегишолмайди. Сабаби — ёшим улуг, боз кейин мен унчалик ҳам ёлғиз эмасман. Ошнонинг пойига патак бўлганлар оз эмас. Ошнони ётиб еганлар-чи? Жуда кўп улар! Бири дала ҳовли олган, бири машина олган, бири — унвон, бири — нишон!.. Худо урибдимми! Ошно тугул, Ошнога маъқул кимсаларни, хусусан, Тўпорини, Ёшуллини, марҳума Қурбаноў қизимизни мақтаганлар сон мингта. Уларни қўяйлик, менинг ўзимни мақтаганлар-чи? Йўқ, менга даҳл қилишолмайди. Даҳл қилишгандаям, бир чўқишда қочираман уларни!..

Трубкани тўмба устига ташлаб, тўшакка ҳорғин чўзилди. Телевизор устидаги усти парда билан ёпилган ҳайкалчасига кўзи тушди.

Э, Назарбой, деди ўзига ўзи, сизга ким қўювди?.. Юрсангиз бўлмасмиди Булдуқда — отангизнинг чўпонтаёғини кўтариб! Қўйларга «ҳайт», эчкиларга «ча-ча» деб!.. Тинчроқ бўларди-ку, Назарбой!.. Қилтириқ ошнангизнинг кўнгилчаси шаҳар тусаб қолганида биқинига урсангиз бўлмасмиди, Назарбой?.. Кунсулув деган содда бир қизга уйланиб, бола-чақа орттириб, Кунсулув озлик қилса, яна бирорта Ойсулунни унга кундош қилиб... айшингизни сури-иб юрсангиз бўлмасмиди? Модомики, сизни худо қўшқўллаб урган экан, пайтида гуноҳингизни сўраб олиб, сотилмасдан, токи Олиянинг турмадан чиқшини кутиб турсангиз ҳам бўларди-ку? Қамалган биргина у эмас-ку? Қамалганларнинг кўпи чиқиб келди-ку? Турмадан чиқса, офтоб кўрмаган юзига сизни кўриб қон юурса... Во дариг-а! Қони юурса, ўзи қонидан-да илдамроқ юурса... сиз ҳам юрсангиз... Эҳ,

Назарбо-ой! Яхшибой чўпоннинг содда-баёв ули-и-и!.. Бугунги кунда итдай улыб қола-рингизни ўшанда ҳам сезган эдингизми?.. Қани бугун Олия? Кунсулув қани? Ҳотам Шўро-чи? Ошнонинг қилтириқ пайти?.. Ешлик! Болалик! Кеч, кеч энди, Назарбой! Кечиккан банданинг аҳволи шу — йўли жуда равон унинг, чиққан жойи очиқ-ойдин кўриниб қола-ди! Увламоқдан ўзга чора йўқдай. Фақат ит бўлиб эмас, итнинг вангиллаши хунук, итнинг думини биланглатгани хунук, зора бугун, маҳшарингиз ёвуқ қолганида бўри бўлинг, ўр-тоқ Яхшибоев!.. Фингшмай туринг!!

Инграб юборди. Дил йиғига лиммо-лим эди-ю, кўзлари қуп-қуруқ. Ажаб, деб ўйла-ди, биров томошабин бўлса эди, йиғисиз ҳам йиғлар эдим. Томошабин учун яшадимми ҳали, бариси томоша эдими ҳали? Ким кўрсатди бу томошани? Наҳотки яна Ошно бўлса? Лоақал бирор марта кўғирчоқ бойланган ипни узиб юборсанг нетарди, энағар тақдир?!

Мўъжиза рўй бериб, балки кўғирчоқ ўзи юриб кетармиди ўз йўлига?

Баъзида кўғирчоқ бор-йўғи кўғирчоқ эканини унутади ҳам, Ошно четроққа чиқиб ваколат берадики, бири бориб иккинчисига ҳамла қилади. Бугун Ёшулнинг навбати, эртага — Зоҳидники... Дарвоқе, Ёшулнинг сотиб қўйишидан қўрқмайдими?..

Яхшибоев Ёшулнинг қиёфасини эслади: рапидаюз, бароққош бир кимса, сифла-таъбки, бадқовоқлиги салобат ўрнига ўтади. Кўнглида заррача риоя кўрмади. Шу лаҳза-да дилида беҳос бир туйғу уйғондики, бадани титраб кетди: буям бир томоша асли! Ёш-ули тириклай қўлга тушмайди! Буни Ошно яхши билади, Ошнонинг бор умиди ҳам шун-дан!..

Бўғилиб бораётганини сезди. Бўйинбоғини ечиб олиб, четга улоқтирди. Бориб де-вордаги тугмачани босди. Хиёл ўтмай ҳамшира келди. Ортидан бир эркак киши ҳам кир-ди. Оқ халатда-ю, врачга ўхшамайди — мускуллари бўртиб турибди. Яхшибоев ўзининг ҳибса эканини сезди. Токи мақола битмагунча бу ердан чиқолмайди. Биров билан ту-зук-қуруқ гаплашиш ҳам йўқ. Боя ғўзашуно чолнинг қутқусини ҳам эшитган булар. Хай-риятки, ўзининг гуллаб юбормагани... Дилда нафрат мўл эди, лекин томчиси ҳам тўкил-мади. Тўкилмагани боисдирки, юракни заҳарлаб юборяпти. Тақдирга тан бериб, ҳамши-рага билагини тутди.

Дори баданига ёйилиб, сал ором олди. Ҳамшира хонадан чиқди. «Мускул» ҳам унинг ортидан эргашди. Яхшибоев анчагача қимирламай ётди.

Аҳмоқман, деб ўйлади, нега розилик бердим? Қўрқдимми? Ёинки анави ҳезимкаш Зоҳиднинг ташлаб кетган «суяги» қўл-оёғимни бойлаб қўйдими? Булардан қўрққулик, атай ўзлари уюштирган бўлишлари ҳам мумкин. Лекин унда Янгамуллонинг ҳайкалча-сини қайга тикамиз? Йўқ, Зоҳид мустақил иш тутгани аниқ. Гирдибодга кейинроқ туш-дим, чирпирак бўлиб айланиб, чангу ғўборида бўғилиб ўлмасам гўрғайди. Бу тарафи Ошнога боғлиқ. Машқи йўқ унинг, шунча йил тўплаган машқи унут бўлгандай, агар зўр берса, кучаниб бўлса-да томоша кўрсатолса, ишонтирса, бошига кул сепса... Ишқилиб, кет очилмаса бўлди, сочга кул сепилгани ҳисобмас. Кул кетади, хушбўй шампун суртиб ювилса бас, кумушранг сочлари бирам товланадики, миллат ўғлонлари фаҳрдан ёри-либ ўладилар!..

Яхшибоев бирдан тетик тортиди. Нариги хонага ўтиб, телевизорнинг мурватини бура-ди. Ахборот берилаётган экан. Тасвир рангли эди. Байроқлар билан безалган бино кўрса-тилди. Сўнгра байроқлардаги қизғиш ёғду одамларнинг уст-бошига, кенг майдонда ти-зилган самолётларнинг қанотларига кўчди. Унғ бурчакдан ерга қўнаётган яна бир само-лёт кўринди. Сўнгра — Ошно, бошқа расмий кишилар, ёрдамчилар, қўриқчилар, гул кў-тарган кашшофлару комсомоллар... катталар олдинда, кичиклар орқароқда... биргала-шиб пешвозга юрдилар.

Диктор хотин эълон қилдики, узоқ мамлакатга кетатуриб Тошкентда қисқа муддат тўхтаб ўтувчи зотни қўлиб олиш маросими бўлди. Яхшибоев Ошнонинг Бухородан нега ошиғич қайтгани сабабини энди англади. Курси қўйиб, тузукроқ жойлашиб ўтирди. Ниҳоят, самолёт яқинроқ келиб тўхтади. Узиюрар зинапоя ғириллаб бориб, самолёт қорнига тақалди. Эшик очилиб, аввалига кўк кийимли соҳибжамол қиз, сўнгра Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Утувчи Зот кўринди. Пастга илдам тушиб келди. Ошно, юзида табассум, олға юрди, кучоқ очди. Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Утувчи Зот негадир ачомлашмади, фақат қўл узатди. Шу лаҳзада камера Ошнонинг юзини катта қилиб кўрсатдики, Яхшибоев унинг саросимада эканини аниқ-таниқ кўрди. Кейин Ошно ёйи-либ табассум қилди. Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Утувчи Зот ҳам илжайди. Лекин Яхшибоев ҳали-хануз Ошнонинг юзидаги таҳликаю саросимани кўриб турарди.

Тамом, деб ўйлади, анави ёрдамчиси рост айтган экан, энди бари бир улгуролмай-миз. Иккови нуқул ачомлашиб юрарди, икковининг дўстлигини иккови мансуб халқлар-нинг дўстлигини манзума ҳам қилиб эдик, бас, бугун ачомлашмаган экан, Ошнонинг куни битгани аниқ.

Диктор хотин Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Утувчи Зот билан Ошнонинг қисқа муддатли суҳбати тафсилотини хабар қилдики, Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Утувчи Зот республика меҳнаткашларига меҳнатда омад тилади, қолган бир миллион тонналик мажбуриятни ҳам ўз вақтида ва нест-нобуд этмасдан йиғиб-териб олишларига юксак ишонч билдирди.

Сўнг айтдики, Тошкентда Қисқа Муддат Тўхтаб Утувчи Зот «...шу куннинг ўзидаёқ кўшни мамлакатга жўнаб кетди».

Яна айтдики, Ошно ҳам «...пахтакорлар ҳузурига жўнади».

Яхшибоевнинг мазаси қочди. Курсидан туриб, ихрана-ихрана ичкари хонага ўтди. Уринга чўзилди. Худ-беҳуд бўлиб, тўшақда тўлғаниб ётаверди. Сал ўзига келиб, концерт садоларини эшитиб, телевизорни ўчиришни унутганини сезди:

ЎЗБЕКИСТОНДА БУГУН ҲАММА ПАХТАКОР!..

Энағар шоирлар ҳам оғзига келганини ёзавераркан-да, деб хаёл қилди, эси йўқми буларнинг, уялмайдимиз?

— Ошно пахтакорлар ҳузурига жўнаб кетди, — деди овоз чиқариб. — Пахтакорлар ҳузурига бориб нима қилади, лойдан чиқариб берадимиз? Ҳосил бари бир йўқ-ку? Ёки воҳа раҳбарларининг тепасида туриб олиб, қўшиб ёзасан, деб талаб этадимиз? Қаноат қилсанг нетарди? Айтсанг бўлмасмиди ўша Катта Пахтакорингга, қўлимдан келмайди, деб? Қарғишга қоламан, деб?! Силаб-сийпала эди, жуда кўнавервемаса, унгаям бирорта тилла ҳайкалча совға қил эди!.. Йўқ, қўрқасан! Пахта нархи ошсин дейишганида, пахта жуда кўп-да, давлатимиз зиён кўради, деб айтган давлатпарвар ҳам сен ўзинг!

Қаҳри келди. Ошнони айна лаҳзада пахта даласида тасаввур этди. Дала қоп-қора эди, поялар шип-шийдам, чаноқлар бўм-бўш, Ошно ўзи совуқда дийдираган... Э, қорайган ер қолдимиз ўзи, деб ўйлади, ҳаммаёқ туздан пес бўп кетди-ку! Шўр босган далага қўяман Ошнони. Оппоқ шўр босган далада, оппоқ шўрни ҳидлаб турса, оппоқ шўр кўзларига оппоқ пахтазор бўлиб кўринса... ўлса... бундан ҳам ортиқроқ шараф борми ўзи?!

Сесканди — гўё кўнглидагини биров уқиб тургандай. Қулоғига ашула авжи кирди:

Тўлдириб қуй қадаҳларга, янграсин алёр,
Ватан обод, халқлар озод, ҳамма бахтиёр!

Эшитмаслик учун бошини ёстиққа буркади. Ёстиқ тошдай қаттиқ эди...

ОХИРГИ БОБ

Қиссанавис.

Яна навбат ўзимга келди. Умрим бино бўлиб бунчалар кўп ёзмаган эдим, ҳолдан тойдим.

Лекин бу ёғи оз қолди. Шу нарса кўнглимга мадад ҳам таскин берапти. Мен бир жўн воқеалару жўн одамлар ҳақида ёзиб юрадиган жўн қаламқашман. Бу гал жиддий-роқ мавзуга қўл урдим-у, жоним азобда қолди. Хайриятки, тўқиб-бичмадим. Борини билганимча қоғозга туширдим. Яхшибоев билан бирга юрганларим наф қилди.

Аслида ёзувларни Яхшибоев бошини ёстиққа буркаган жойда тугатиб қўяқолган маъқул эди. Ушанда у тирик бўлиб ёдда қоларди ва, донишманд танқидчи укаларимизнинг таъбири билан айтганда, ўқувчининг бўлажак воқеаларни янада бўрттириброк, янада жонлироқ хаёл этишларига имкон туғиларди. Мен ўзим ҳам қўшимча ташвишдан қутулган бўлардим.

Афсуски, бўрттириб тасаввур этадиган воқеанинг ўзи йўқ. Яхшибоевнинг куни битган, аниқроғи, яна бир кунлик умри қолган.

Гарчи аразлашиб юриб кўргали بورмаган бўлсам ҳам, унинг касалхонада эканидан хабардор эдим. Муҳсина янга эрта тонгда телефон қилиб: «Уртоқ Яхшибоевдан айрилиб қолдик!» — деганида ишонгим келмади. Бақувват одам эди, турмушда ҳам унчалик қийналгани йўқ, нега энди келиб-келиб... Йўқ, ёзиш шартмас нималарни ўйлаганимни. Бари бир тутуриқсиз чиқади. Улимнинг ёлғони бўлмайди, деган бир гап бор. Дарров ишондим-у, лекин Муҳсина янганинг «сизга васиятлари бор экан» деган сўзларидан шубҳага тушдим. Зудлик билан етиб бордим. Тумонат одам, йиғи-сиғи. Муҳсина янга ишишиб кетган кўзларини артиб, қўлимга бир чеккаси сал пачақланган сариқ сахтиён чамадончани тутқазганида, ростга гап, кўнглимдан яна бир бор «мазаҳ эмасми бу»? деган хаёл кечди. Йўқ, васият чиндан ҳам ёзилган экан. Хотину бола-чақасига аталгани алоҳида-ю, буниси шахсан менга қарата ёзилган. Имзолари, муҳри бор. Назар ака жасадини менга ишониб топширибди, токи мен ўзим бош-қош бўлиб, бировларга хор қилдириб қўймасдан, Булдуруққа элтиб Ҳотам Шўронинг оёқ тарафида ерга топширар эканман.

Бадбинлик курсин, васиятнинг шу моддасини ўқиётган чоғимда, марҳум Амир Темирга тақлид этмаяптими, деган шум фикр миямга келдики, золим пошшо ҳам ўлигини устози Саид Бараканинг пойига қўйдирган экан. Лекин васият жуда жўяли ёзилган эди. Мени анчайин менсимай юрган кишининг росмана эҳтиром кўрсатганини пайқаб, мавриди бўлмаса-да озгина ғурурланганимни ҳам айтмасам бўлмас. Яна бир модда

менга маъқул бўлдики, Яхшибоев ўзининг «ҳалол пули»дан (қоғозда худди шундай деб ёзилган эди) Булдуруқдаги мактабнинг кам-кўстига атаб ўттиз минг сўм садақа қолдирибди.

Муҳсина янга мени четга чиқариб, «васият мазмунини айтиб берсангиз», деб илтимос қилди. Айтиб бердим. «Билсам, сизга кўрсатмаган бўлардим, — деди Муҳсина янга. — Сўрғичланган экан, очишга ботинолмадим. Саидқулжон, балки ошкор этиб юрмассиз? Назар Яхшибоевични шу ернинг ўзида, обрўсига муносиб даврага қўйганимиз маъқул эмасми? Ҳарна, бола-чақаси бориб қабрини супуриб-сидириб туриши мумкин-ку? Сиздан яшириб нима қилдим, агар шу ерга қўйсак, юрт катталари қабристон айланганларида кўзлари тушиб, марҳумнинг бевасини ҳам эслашар, беш кунлик умрим борида хабар олиб туришар, деб ўйловдим-да, Саидқулжон!..» Янганинг гапи жўяли туюлди. Энди кўнай деб турганимда, Муҳсина янга мактабга аталган садақа пулнинг ўндан бирини менга атаб қолдики, рад этардан ўзга чора тополмадим. Билдимки, у кишининг нияти — жасадни эмас, пулни олиб қолиш экан. Ранжидим. Бир-икки оғиз қаттиқ гап билан қайириб ташладим. Янга маломатга уста экан: «Ўзингиз еб кетмоқчисиз!» — деб қичқирди. Шунда азага келганлардан уч-тўрттасини чақириб, уларга васиятни ўқиб бердим-да, гуноҳни бўйнимдан узил-кесил соқит этдим. Муҳсина янга иложсиз қолди, сўнг «Булдуруқлик битлиқиларга берадиган ўлигим йўқ, ўзим шу ерга кўмаман!» — деб айтди. Елиб-югурди, кимларгадир қўнғироқ қилди, лекин ниятига етолмади.

Эҳтимолки, етган ҳам бўларди, лекин айна ўша кунларда катта бир арбоб ҳам вафот этиб, кўпчилик ўшанинг мотами билан овора эди — беванинг арзини тинглайдиган киши топилмади. Бу ёғи мен ҳам ўжарлик қилиб туриб олдим. Модомики биров мени одам деб васият қилибдими, гина-кудуратни унутиб, айтган бўйруғини бажарим керак эди.

Назар аканинг жасадини кичикроқ бир залга ювиб-тараб қўйдик. Ҳамкасблар келиб видолашдилар. Одам анча оз бўлди. Сабаби — ўша арбобнинг вафоти. Булдуруқ узоқлиги учун, гўр устида сўзланадиган нутқлар ҳам шу залгинанинг ўзида бўлақолди. Тенгдошлари, шогирдлари, «тинчиб ором ол, азиз дўстимиз», «сени ҳечқачон нутмаймиз, азиз устозимиз», деб видео сўзларини айтдилар.

Жўнаб кетаётган пайтимизда Муҳсина янга тўсатдан шайтонлаб қолди. Шу боис уни Тошкентда қолдиришга мажбур бўлдик. Марҳумнинг жасади ортилган қора белбоғли автобусга ўғли Оллоёр билан келини, қизи Сокина иккита боласи билан чиқди. «Болалар кўрқади, ана, бошқа энгил машиналар ҳам бор, ўшанга чиқақол», деб ундашганида ҳам кўнмади. «Майли, болалар ҳам кўриб қолсин!..» — деб йиғлаб.

Уртақўрғонга етганимизда Яхшибоевнинг куёви ҳам автобусга чиқди. Пешинда Булдуруққа кириб бордик. Марҳумнинг шогирди Чоршанбиев аввалроқ жўнаб кетган эди — лаҳад тайёр экан. Бизни йўл бошида кутиб олган қишлоқдошлари тўғри қабристонга юришга унашмади. Улиқни узоқроқ бир қариндошининг уйига тушириб, бирикки соат «меҳмон» қилишди, йиғи-сиғи қилишди, етти аждодини, ўзини йўқлашди, сўнг қайтадан ювиб-тараб, кафанга ўраб, толтбутуга қўйиб, ёшу қари навбати билан елкага олиб қабристонга элтдилар. Мулла чақирилган экан. Жаноза ўқилаётган пайти, кўрқоқлик қурсин, тагин биров устимдан эзиб-нетиб юрмасин деб, бошқа коммунистлар қатори чеккароққа чиқиб турдим. Лаҳад атрофида тиз чўкиб ўтирган юзлаб одамни кўриб, алам билан ўйладимки, ҳамманинг ҳам туғилган гўшаси бўлсин экан! Меники қайда, мен ўлсам қай гўшага бораман?! Ака-ука тутинганларим менга ҳассакаш бўлармикан?..

Жасад лаҳадга қўйилаётган чоғи ҳамма гўр лабига ёпирилиб борди. Ҳамма қаради. Тушундимки, ўлим дегани гўё бир либосу, шу лаҳзада ҳар ким бу либосни ўз эгнига ўлчаб кўряпти!

Бирдан «Отажон!» деган овоз келди. Одамлар ажабланиб қарашди. Марҳумнинг қизи Сокина эркакларнинг изидан қабристонга қадар келган экан. Эри, марҳумнинг куёви, қизариб-бўзариб, удуми бузилган элатдан уялиб, Сокинани нарига олиб кетди.

Гўрга тупроқ тортидик. Сўнг ўлик чиққан уйга таъзияга йиғилдик.

Ўша куниеқ марҳум васиятини мактаб директориға гувоҳлар ва нотариус жухуд чол олдида топшириб, тилхат олиб, тилхатни Оллоёрга бердим. Хижолат чекиброқ олди. Олди-да, ҳамёнига буклаб солиб қўйди. Билдимки, бориб ойисига кўрсатади.

Шу, холос. Назар ака Яхшибоевнинг бу ёруғ дунёга йўқликдан сафарию бу дунёдан йўқликка қайта сафари шу билан тугади. Яна бир нарсани нутай дебман. Бу — Оллоёрни отаси ўтказган боққа олиб борганим. Дарахтлар дезрли ҳаммаси амал олиб, анча юксалиб қолган экан. Оллоёрга насиҳат қилиб ўтирмадим, бўшроқ бўлса-да, бамаъни йигит экан — нима демоқчи эканимни шусиз ҳам тушуниб турарди.

— Аввал акам билан бирга келамиз, — деди. — Азага етиб келолмади, Рига тарафга кетувди, адресини билолмадик. Йигирмасига албатта бирга келамиз.

— Булдуруқда йигирма бўлмайди, — дедим. — Бу ерда еттиси бор, қирқи бор.

— Билмас эканман.

— Айби йўқ, — дедим. — Халқ бир-у, яна турфа-турфа-да, ўғлим.

«Уғлим» деганимга ажабсинди. Узим ҳам хижолат чекдим.

— Тез-тез кеп тургин, — дедим сенсираб, янада яқинроқ олиб.

— Келаман, — деди Оллоёр. — Аямниям опкеламан.

Содда эди Яхшибоевнинг ўғли. Ойиси отасининг қишлоғига бирор марта бўлсин қадам босмаганини сездириб қўйди. Қизарди. Начора, мен ўзимни сезмаганга олдим.

Эртаси куни Тошкентга жўнаб кетдим. Оллоёр отасининг эттисини ўтказгали қолди.

Яхшибоевнинг ўлимию дафнига атай тўхталганимнинг яна бир боиси шуки, сал ўтиб, ҳали марҳумнинг тупроғи совиб улгурмасидан, майда-чуйда ғийбатлар урчий бошлади. Бири шуки, Яхшибоев ўз ўлими билан эмас, балки касалхонада чиққан ёнғиндан сўнг, тутундан бўғилиб ўлган эмиш. Ҳаттоки, «бадани ҳам куйган экан», деган маҳобатлар ҳам бўлди. Кейинги гап ғирт ёлғон. Гарчи ўзим юлмаган бўлсам-да, Яхшибоевнинг кўзга чалинган жойларида куйки изини кўрмаганман. Қолаверса, ғассолларга қарашган Чоршанбиевнинг ҳолатида ҳам бирор ўзгариш сезганим йўқ.

Ёнғин тафсилоти анча пуфлангани аниқ. Яхшибоев ётган палатада ишлаб турган телевизордан ўт чиққани рост, лекин врачларнинг тахмин қилишларича, марҳум бу жуда арзимас ва тутун ҳиди сезилган заҳоти ўчирилган ёнғиндан хийла олдин жон берган, бинобарин, ёнғиннинг ўзи ҳам худди шу сабабдан — пайтида телевизор мурватини бурайдиган одам йўқлиги боис келиб чиққан.

Яна бир ғийбат шуки, гўё Яхшибоев ҳолига қарамасдан, касалхонада ишлайдиган жувонлардан биттасига тегишиб, ҳаттоки рағбат кўриб, ўша жувоннинг бағрида жон таслим қилган эмиш. Ёлғондакам уятни йиғиштириб қўядиган бўлса, бунақа ўлим — чиройли ўлим ва энг осони. Лекин Яхшибоев аёл ваҳждан ўлмгани аниқ. Айтишларича, гўё ўша аёл ёш экан, чиройли экан, эрдан чиққан экан, кўнгли эркак тусаб юраркан, хуллас, ўзи қарайдиган беморни йўлдан урибди. Хўш, у аёл ёш экан, чиройли экан, бўйдоқ экан, кўнгли тусаган экан, унда Яхшибоевни бошига урадимиз! Тўғри, Яхшибоев ҳали бардам эди, аврамоққа ҳам сўз топарди, лекин... Бари бир тасаввур этиш қийин! Хотин имласа бас, не-не ёш эркаклар суйқалиб келган бўларди. Яхшибоевнинг ўлигини ўртага тиқиб, ғийбат урчиштига ҳеч ҳожат қолмасди. Эмишки, ўша аёл марҳумнинг кучига эмас, балки жарақ-жарақ пулига учибди. Худди шу жойга келганда миш-мишларнинг миси чиқади, сабабки — Яхшибоевнинг ўлиmidан сўнг ёстиқ тагидан анча-мунча пул чиққан. Пул учун қари чол билан бир ёстиққа бош куйган аёл ўша ёстиқ тагини титиб кўрмасмиди, деган ҳақли савол туғилади.

Дарвоқе, ўша аёл кимлиги ҳам аниқ эмас. Биров — ҳамширалардан, биров — врачлардан, деб айтади. Ҳаттоки, аллақандай бадантарбия инструкторини маломат қилувчилар ҳам учрайди.

Ёстиқ тагидан чиққан пул кимники экани ҳам хийла замонгача узунқулоқ гап бўлди. Сабабки, кейинроқ қўлга олиниб, суд қилиниб, охири отувга ҳукм этилган бир кимса, бир гуруҳ юрт оғалари қаторида Яхшибоевни ҳам тилга олиб, мен унга ҳам пора элганман, деб айтган эмиш. Афсуски, мен ўзим судда қатнашганим йўқ. Умуман, ўша суд анча махфий ўтгани, биров билиб биров-билмай қолгани ва пировард кўпчилик ҳукм мазмунидан огоҳ этилгани сир эмас. Хуфяликдан кўзда тутилган мақсадни тушунаман: токи ошиқча овозалар бўлмасин, йўқса, халқ сеvimли раҳбарлардан кўнгили узади. Ҳоёт кулгили бир баҳона. Халқ кимга меҳр қўйиш-қўймаслигини ўзи билиб олаверади. Мавзуга қайтадиган бўлсак, ўша отувга ҳукм этилган кимсанинг айни Яхшибоевни тилга олганига шубҳам бор. Кейин ўша кимсага атай бағишлаб ёзилган бутун бошли романлар ҳам чоп қилинганки, жиноятчи раҳбарнинг «шахсий муаллиф»лари четда қолиб, сўнги пайтларда ёлчиитиб қалам тебратмаган Яхшибоевга пул инъом қилгани эриш туюлади. Отилган раҳбар шўҳратга ўч эди, агар китоб ёзишига кўзи етмаса, Яхшибоевга бирор тийинни ҳам раво кўрмаган бўларди.

Булар, албатта, менинг ўз тахминларим. Тахминларни четга қўйсақ, марҳумнинг ёстиғи остидан чиққан пулнинг бариси Муҳсина хонимга топширилган. Аниқроғи, янга дастлабки соатлардаёқ, ҳали одамлар эс-хушларини йиғиб олмашларидан, жасада ётган палатани синчиклаб кўздан кечирган, пулни ҳам ўзи топган. Топган чоғда бировларнинг кўзи тушиб, кейинроқ бояги тахлит ғийбатлар урчиб кетган бўлса эҳтимол.

Маросимлар барчаси бўлиб ўтиб, ҳар хил маҳобатлар чиқаверганидан кейин тегишли ташкилотлар Яхшибоевнинг қилган ишию қолдирган жамғармалари нисбатини солиштириб кўрганларидан хабарим бор. Менимча, ҳисоб жуда тўғри чиққан. Ҳаттоки, жамғарма дегани иш ҳақидан камроқ ҳам келган. Ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмасди: шунча йил яшаган, шунча китоб чиқарган одамнинг пулга зориққанини тасаввур этиш ўзи қийин.

Назар ака Яхшибоевнинг ўлимига доир ғийбатларни шунчаки рад этиш учун санаб ўтишнинг ўзи ҳам аслида маломат сирасига киради. Лекин менинг биттагина узрим борки, ўша маломатдан осонгина қутуламан. Узрим — марҳумнинг ўз ажали билан ўлганини тасдиқловчи ҳужжатни ўз қўлимда тутганим ва бошқа бир ҳужжат — дафнга рухсатнома олиш учун Булдуруқ қишлоқ советига элтиб топширганим.

Шу билан Яхшибоев мавзусига нуқта қўйиб, ўзимнинг шарҳимга ўтаман. Сезиб

турибсизки, соғ-омон юрибман. Кайфиятим ўртача. Кейинги тўрт-беш йил ичида кўрганларимни шууримга жойлай олмасдан қийналаман.

Уч-тўрт марта тутинган укаларимдан хабар олдим. Ўзлари ҳам бола-бақралари билан Тошкентга келиб кетишди. Уйимиз тўлди. Бола-чақага малол келадими, деб чўчиган эдим, булар ҳам хурсанд бўлишди. Ўзим укаларимни олиб юрдим, болалар — кичкинтойларни. Ҳаттоки хотин ҳам бир тўда желагу лочак ёпинган қишлоқи аёлларни эргаштириб, ҳеч уялмасдан, кибор аҳлига кулги бўларидан қўрқмасдан, ҳаттоки уларга яқинлигини кўз-кўз қилиб, жамки томошабоп магазинларни айлантириб келдики, меҳмонларнинг боши осмонга етди! Аммо уларнинг қувончи меникига тенг келармиди! Ўша кунлари мен учун байрам бўлди. Кечагина бегона, бугун эса қадрдон бўлиб қолган укаларимнинг кўзларига боқиб англадимки, ришталар мустаҳкам, ўлим тифи узмаса, бошқа нарса узолмайди. Э, йўқ, ўлим ҳам узолмайди!

Бир марта Булдуруққа бориб, Назар аканинг боғидан хабар олдим. Эшитдимки, ўғли Оллоёр, қизи Сокина эри билан, баъзида бирга, баъзида айрича, ишқилиб, келиб туришар экан.

Булдуруқ сафаридан мурод — хотиротни тинитиб олиш, иложи бўлса, сал-пал янгилаш эди. Шу боис, қайтишда катта йўл ёқасидаги таниш манзил — бир замонлар Яхшибоев иккаламиз қўниб, Тўпорининг зиёфатини еган ошхонамизга бурилмай ўтолмадим. Кабобпаз Неъматжон Тўпориға тус жиян эди, қамочдаги тоғасининг касри урмаган чоғи, кўрасини елпиб турган экан. Мени бирдан таниди.

— Э, домлажон! — дея пешвоз чиқди. — Кўринмай кетдингиз?

Четроққа ўтиб ўтирдим. Неъматжон кўрани шогирдларига топшириб, ўзи тўрт-беш сих кабоб, чой кўтариб ёнимга келди.

— Илоннинг боши янчилди, домлажон! — деб «суюнчи» олди. — Билмай юраверган эканмиз, қилган қилғилиғини мен айтмай, сиз эшитманг!..

Томоғимдан кабоб тугул, чой ҳам ўтмади. Илк бор келганимизда Неъматжоннинг талқини ўзгача эди, икки гапининг бирида зикр этардики, каттамининг қамрови кенг, ғайрати улуғ, бу кишига битта колхоз торлик қилади, бу кишига бутун бир республикани ҳам ишониб топширса бўлади!..

Вақтида жўр бўлиб, кейин четга чиқиб туриш осон.

Ўйладимки, Тўпорининг ёнида бунақа неъматжонлар жуда кўп бўлган. Ундан ирганишга иргандим-у, лекин аслида ўзимнинг ҳам ундан беҳроқ эмаслигимни англадим. Тўпорини яратган ким ўзи? Наҳотки неъматжонларнинг бу ишга қурби етса! Йўқ, Тўпорини биз сўзамоллар яратдик, Яхшибоев, мен... Бошқалар ҳам қараб тургани йўқ. Мақтадик, мақтайвердик, юксакларга опчиқиб, ўзимиз пастда қолиб, пировард унинг соясига сиғинадиган бўлдик...

Ичимда аччиқ кулги уйғонди: э, нодон Саидқул, сенга ким қўювди, эски удумни қилиб, эрталабки шабнаму қирққокил қизлар тагида муччи берадиган беозор мажнунтолларни ёзиб юраверсанг тузук эмасмиди!

— Олиб ўтиринг, домлажон! — деб манзират қилди Неъматжон. — Ё думба-жигаридан қўйиб юборайми?

— Гулмоҳиям борми?

— Э, домлажон, гулмоҳидан йўқ, — деди Неъматжон. — Қувурдан тоза сув келмай қўйди. Анави жинойатчи тоғдан сув келтирса, биз индамай қовузга қўйиб олаверибмиз. Лаънати қувурни нақ булоқнинг кўзига обориб тикқан экан. Пастроқда икки қишлоқ сув ичаркан, иккови ҳам потраб кетибди. Кўрганлар айтади, қуйи тарафдагиси тугул, нақ дара оғзидаги дарахтлар ҳам бариси қуриб-қовжираб ётган эмиш! Одам зоти йўқ, уйлар вайрона — бойқушга макон бўлиб ётган эмиш! Э, Саидқул ака, бу жабрни биз кўрдик, асло бошқаларнинг бошига солмасин!..

Индамай туриб кетдим. Ўша ўзим мақтаган қувурларнинг учига етиб, харобага айланган қишлоқларни ўз кўзим билан кўргим келди. Лекин кўрқдим, қувурларнинг нариги учига етмасимдан, торгина дара оғзида, ўзимнинг болалигим — кўкка бўй чўзиб турган учта қадрдон чинорим ҳам қуриб-қақшаб ётганини кўришдан кўрқдим!

Юрагим санчяпти. Чамаси, эрталабдан бери ичилган икки чашка қаҳва айбдор. Пиёла ўрнида чашка пайдо бўлиб қолганига ажабланманг. Юртимиздан олисда — Москва биқинидаги Голицино деган жойда, ёзувчилар уйда ўтирибман. Бу йил Тошкентда ёз фасли аёвсиз келди. Иссиқ лоҳас этиб, Дўрмондаги жамоа боғига қочиб чиқдим, лекин у ерда таниш-билишлар кўп эди, тагин ёзаётганларимга улар ҳам аралашиб кетмасин, деб истиҳола қилдим. Ахийри, бу тарафга келдим. Келсам, хайрият, тинчгина жой экан. Ҳаммаси ўзимга ўхшаган чоллару кампирлар, муҳими — ҳаммаси нотаниш.

Уч кун бурун укам Абдужаббор сўроқлаб келди. Аввал Тошкентга — уйга борибди, сўнг улардан адрес олиб, бу ерни ҳам топибди. Тўйга айтимчи экан.

— Кичик ўғлимнинг чўчоғини кестираман, ака, — деди одати бўйича, сўзни пардалаб ўтирмай. — Борасиз энди, оёқни сал-пал чанг қип келасиз.

— Телеграмма берсанг кифоя эди-ку, — дедим ранжиб.

— Э, ака, тушиб айтмасам ҳисобмас-да. Уйингизга тушиб айтай десам, бу ёққа қочиб келибсиз... Мана, Масковга тушиб айтяпман-да!

— Бекор чиқимдор бўлсан.

— Э, ака, пулдан гапирсангиз укаликдан кечаман! — деб шанғиллади Абдужаббор. — Ўзи сиздақа маълимбашара одамлардан инсоф қочган, нуқул пулни ўйлайди! Бир амаллаб тинчитдим. Тузукроқ разм солсам, аввалги сафаргидан рангпарроқ туюлди. Кўнмаганига қарамай, шаҳарга элтиб, Цукерман деган дўхтир ошнамага кўрсатдим. Кўхнароқ ревматизм бор экан. Дўхтир яхши дорилардан ёзиб берди. Баҳор билан кузда захдан эҳтиёт бўлишни уқтирди. Сўнг айтдики, янаги баҳорда опкелинг, юрагини операция қиламиз.

Гап мазмунини Абдужабборнинг ўзига билдирмадим. Ғамгинроқ бўлиб қолдим чоғи, ҳадиксираб сўради:

— Тинчликми, ака?

— Тинчлик, — дедим. — Сал ўзингни аяр экансан. Ҳадеб лой-пойга уринаверма.

— Ўлдирадиган эмасми, ишқилиб?

— Йўғ-э. Тузалиб кетасан, ука. Тузалмасанг тузатамиз.

— Ана бу ўғилбола гап! — деди Абдужаббор. — Қисталоқ касалгаям раҳмат, баҳонасида бу ерларга яна бир марта келарканмиз!

Дўхтирнинг қабулидан чиқиб, укам билан шаҳар айландик. Ўзимнинг ҳам Москва-ни кўрмаганимга анча бўлиб қолган экан. Нуқул самолётдан тушамизу бирор чеккадаги хилват гўшага жўнаймиз. Бу гап укам туфайли кўп янги жойларни томоша қилдим. Бақириб-чақирганига қарамай, қайтишига ўзим билет олиб бердим. Икки кун меҳмон бўлиб, бугун эрталаб Носир деган қозоқ шоирига қўшилиб шаҳарга кетди. Қардошимиз уни ўзи самолётга солиб юборадиган бўлди.

Ёлғиз ўтирибман. Столда — бир тахлам қоғоз. Олддаги манзил шундоқ кўриниб қолгандай. Сўзларнинг келиши ҳам анча осонлашган. Сал ўтиб, ёзувларим охирлайди ва мен кекса танимга озгина ҳордиқ бераман. Сўнг Тошкентга жўнайман. Тузукроқ тўёна олиб, бола-чақани етаклаб, укаларимнинг тўйига бораман.

Шунча гапни китобат этдим-у, лекин дастлабки онлардаёқ кўнглимга уя қурган хижилликдан қутула олмадим. Мақсадим — Яхшибоев ёки Ошно ёинки Тўпорига ўхшаган кишиларни қоралаш эмасди. Уларни қораловчилар — маош оладиганлари ҳам, маошсиз ҳавасмандлари ҳам бижғиб ётибди. Йўқ, менинг йўриғим сал бошқачароқ. Шу ишга қўл урганимдан бери, мана, яқинда уч йил тугал тўладикки, ўз виждонимни сўроққа тутаман:

АГАРДА ЯХШИБОВНИНГ ЎРНИДА МЕН ЎЗИМ БЎЛГАНИМДА-ЧИ?

АГАРДА МЕН ЎЗИМ ОШНОГА ОШНО БЎЛГАНИМДА-ЧИ?

ЎШАНДА НЕ БЎЛАРДИ?

Бу саволларга нима деб жавоб беришни билмайман. Ишонолмайман ўзимга. Шубҳам мўл менинг. Замонлар ўзгача эди. Қутқу деганлари ҳам ғоят улуғ эдики, Ошнога ошно бўлсам, олиймақом рағбатлар кўрсам, мен ўзимнинг ҳам Яхшибоевга айланишим муқаррар бўлиб туюлади.

Ҳар хил ошнолару яхшибоевларга қарши ўз вақтида билак шимариб кескин курашганмиз, деб томоқ йиртаётган ва недир янги садақалардан умидвор бўлаётган тенгдошларимдан фарқли ўлароқ, мен ўзимнинг ўша кезларда ҳам, бугун ҳам жуда ожиз эканимни сезаман.

Ягона истагим шуки, лоақал уч-тўртта элдошу тилдош укаларим, ҳали лафзи ҳам, бўғзи ҳам бўлганмаган уч-тўрт киши, ўз эътиқодларига менинг истиҳоламни ҳам эш этса, бу баҳонада менинг танимга ҳам кирса, менинг кўзим билан кўрса, менинг қулоғим билан эшитса, хуллас, ўзга авлод одамларининг аҳволини тушунса, ўшаларнинг ҳаётини ўз умрига жуда қисқа бир муддат пайванд қилса, сўнг ўйласа, кўп ва узоқ ўйласа! Қийналиб, азобланиб, кулиб, йиғлаб ўйласа-да, минбаъд ўзлари ўш а й ў р и қ қа т у ш м а с а л!..

Истагим ўнгидан келар-келмасини кўрарга умрим етмайди. Лекин аниқ биламанки, ҳар кишининг ўз замони ва ўз ошноси бор, ҳар киши ўзича бир буюк қутқуга дуч келади. Қутқуга учмаса — тузук, агарда учса — завоп топмоғи тайин.

Тилагим: ёшлар асло завоп топмасинлар, имонлари доимо бут бўлсин!

Менинг ташвишим битди. Шу билан кечмишлар китобини ёпаман, Яхшибоевдан хотира бўлиб қолган сариқ сахтиён чамадончага соламану нашриётга топшираман.

Ирим қилиб ўтирмайман, биламанки, айб биргина сариқ сахтиёнда эмас. Ҳарнеки хурофотнинг яратувчиси — бизу сиз бўламиз.

1985—1987 й.



ҚЎШИҚ АЙТГҮМ ЁНИҚ, ЗАБАРДАСТ

Илҳом Аҳроф

Содиқлик

Паришон назарлар оғушида жим,
Тентирардим кимлигимни билмасдан —
Сизларга тутиндим, сизларни топдим,
Шунча йил яшадим бир ён жилмасдан.

Лекин, мудом мени, азиз шаънингни,
Қадрингни тутдик, деб алдайсиз нега?

Ана, совутмадик, дея қонингни,
Кўрсатурсиз азиз бошимни кимга?!

Кимга яна ўйин қилмоқчисизлар,
Айтинг, ўзи кимдан қарздорман, кимдан?
Йўқ, бошланг, менга ётдир у йўллар,
Ҳеч қаёққа кетмагайман ўзимдан.

x x x

Билган гапимизни ҳақиқат дедик:
«Дўстлар, дунё ичра дунё очинглар.»
Ва лекин эътибор бердикми, мунис
Оналар юзида ўша ажинлар.

Оламга ёйилди ҳар бунёдларки,
Бор бўлсин оламда олим, нотиклар.
Лекин ишчи қўли ўшандай дағал,
Деҳқоннинг юзида ўша ажинлар.

x x x

Бу одамни тушунмадим мен,
Бу одамни тушунмоқ қийин.
Маст қарашдан кўра, нега.
Унга хаёл, ўй очган қўйин?!
Кўзларини қадаб бир жойга,
Диққат қилар нега бу қадар?
Соатлаб кўз тикар, не ахтарар,
Нима берар унга календарь?!
Севингани — пичирлагани:
«Ўтиб кетар, жуда оз қолди.»
Азиз инсон, толеи бекам
Календарда ниманг йўқолди?!
Онанг соғми? Хат ёзарми у?
Кеч, соғинчинг бундай зарбидан.

Ўша ўтган кунларда ёки,
Тош текканми биров қалбидан.
Дунёдаги барча онанинг,
Соғлик эрур қўшиғи, сози.
Тегмади, деб куйма ёрдамим,
Онанг сендан бутунлай рози.
Сени кўриб ғаним айб тақар,
Биласанми, бу кунимизга.
Сенинг лоқайд, мағлуб ироданг,
Юк бўлади ўз елкамизга.
Борни бор де, бўғизласинлар,
Йўқ деёлгин йўқ ҳақиқатни.
Лекин қутқар, дўстим, ўзингдан
Диққинафас қолган ҳаётни.

x x x

Ҳар жондор эга ўз табиатига,
Очса, ўзи учун хислат очади.
Шарпадан кўрсичқон ўз ковагига,
Чумчуқ эса кўкка қараб қочади.

Саҳар

Тоғларга дубулға кийгизар қуёш.
Дарахтлар — субҳидам қадаган туғлар.
Ҳаяжондан титрар норасида, ёш,
Тонг дея зулматни ёрган уруғлар.
Хилма-хил тасвирлар кўкни этар банд —
Ўнгидан келгандек ёқимли тушлар.

Жонбахш ҳаволардан энтикиб, хурсанд
Сўзлашарди тонгни соғинган қушлар.
Нурлар санчиларди мисоли чақин
Тошметин уйларнинг баданларига —
Ёруғликка чиқмоқ онлари яқин
Димиққан заминнинг одамларига.

Юракдаги дев

Юрагингни ёриб кўр-чи, эй башар,
Агар ўз наздингда бўлсанг қаҳрамон.
Кўрдингни, қалбингда ёвуз дев яшар,
Девки, ваҳшийликда мисли Аҳраман.
Кўзага қамалган жин сингари жим,
Фармонингни кутар билониҳоя.
Оламини, одамни қилар чилпарчин —
Ижро этмоғига ҳукминг кифоя.
Инон-ихтиёри сенинг измингда,
Сийратинг тубида бўлса-да тутқун,

У пинҳон балодир жону жисмингда,
Шу боис ўзингдан ҳар нени кутгин.
Ўзганинг ҳақиқа кўзинг олайса,
Ё ҳасад олови куйдирса қалбинг:
Билки, энди ўзинг девга малайсан,
Билки, девга асир дилдаги алпинг.
Бошингга чиқарсанг, этар бошингга —
Девга эрк бермасин хаёлинг, сўзинг.
Қўшиб кўмишмасдан девни лошингга,
Уни янчиб ташла қалбингда ўзинг!

Муаллим

Иншолар...
Турли иншолари ўқувчиларнинг —
Илк бор юз кўрсатган
Мурғак ижод
Ё
Илк кўчирмалари
Бўлажак устомон, қув кишиларнинг.
Қон бостириб кирар кўзларга,
Қоғозларга қонлар тўкилар.

Бас келолмай хато сўзларга
Ручка йиқилар.
Пулемётнинг ўқларидек,
Ҳатоларга тўла сатрлар
Муаллимнинг нақ қалбига киради ўйиб.
Лекин у,
Тўйчи Эрийгитдек
Курашар тонггача,
Хонтахтага кўксини кўйиб.

Дорбоз

Киприклари билан суямоқчидай,
Кўзларин узолмай тикилиб бу дам,
Дорбознинг жонига худди соқчидай
Одамлар жойидан жилмас бир қадам.
Оғиз кўп бўлса ҳам ягона «оҳ» бор,
Гўё дор остида ҳаммага чоҳ бор.

Қушдек енгил юрар дор узра дорбоз,
Қараб турганларнинг кифтида тоғ бор.
Нигоҳлар биттага айланиб турар,
Ягона нуқтага бойланиб турар.
Минглаб-нигоҳларга дадил таяниб,
Дорбоз баландроққа шайланиб турар.

* * *

Ям-яшилдир чечаклар ҳамон,
Атиргуллар ёқут аланга.
Дарахтларнинг бисоти омон,
Қолгани йўқ моли талонга.
Заифлашиб борса-да офтоб,
Нурларида собит илиқлик.
Аммо қанча боғу-роғ бетоб,
Борлиққа-да кўчмиш синиқлик.
Сунбуланинг салқини ёқмай,
Чол ўй сураар офтобшувокда.
Ҳасратлари ичига сиғмай,
Ёрилади анорлар боғда...

Биринчи қадам

Оқтош шаҳар касалхонаси,
 Еттинчи палата, тўрт жон — барваста:
 Бириси оёқдан, бириси белдан,
 Бириси кўричак — ўткинчи хаста.

— Туринг, — дер ҳукмрон Омонов жарроҳ, —
 Тўғри ва дадилроқ босинг қадамни.
 Биринчи қадам — бу жуда муҳимроқ,
 Кўрсам ғашим келар мағлуб одамни.

Биринчи қадам, оҳ, айтишга осон,
 Қани у китобий сабот-матонат?!
 Чўғлар ҳалқисига кўксини босган
 Жасур Қудрат Суюн хаёлда бот-бот.

Биринчи қадам — бу ўзингни енгмоқ,
 Тобелик занжирин узмоқ бўйиндан.
 Жасорат аталур шу шитоб ҳар чоқ —
 Ғалаба қозониш тақдир ўйинидан!

Томошадан сўнг

Минг нечанчи марта, Ғофир саҳнада
 Ҳақиқат сўрайди тўражонлардан.
 Минг нечанчи марта,
 Садо ҳам чиқмайди ўлик жонлардан.
 Ғофирнинг кўксига ҳақиқат ёғим:
 «Ҳадиксиз яшашнинг иложи борми?!
 Тўражон, айтингиз, ҳақиқат борми?!»
 Солиҳбойнинг кулоқлари динг.
 Мингбошилар боқади айёр.
 «Оши бўлса, хотини бўлса,
 Бу телбага яна не даркор!»
 Кўз қирида кўради Ғофир.
 Мешдай қоринлару хумдай бошларни.
 Хўрсиниқ келади, кишандай оғир,
 Кипригида тутиб қолар ёшларни.
 Тугён, бўйнида томир кўқарар.
 Тугён, миршабларни ҳар ён итарар:
 «Елкадан кетмони тушмаган жонлар шунчалар хорми?
 Тўражон, айтингиз, ҳақиқат борми?!»

Ҳали очилмаган ўндан бир гули,
 Жамила киради, сочи сунбули,
 Минг нечанчи марта, саҳна айланар,
 Айланар заминнинг гардиши такрор...
 «Жамилам, бунчалар, гулим, бўлма гўл,
 Сенинг кўзёшларинг қиммати бир пул.
 Сени тиллоларга кўмдирмоқ бўлган,
 Зар бериб, ишқингни ундирмоқ бўлган,
 Елкаси яғиру кўнгли гулингни,
 Сибир сурғунида ўлдирмоқ бўлган
 Номард кимсаларни кўрдингми энди?!»

Бир итча кўрмади, занжирга солди!
 Елғиз суянганим сен эдинг, олди!
 Кечиргин, Ғофиринг ғафлатда қолди!
 Беор, шалдираган занжирлар беор!
 Иснодни билмаган абжирлар беор!
 Ялинма, бу кунлар ўтар, Жамилам!
 Ялинма, қаддингни кўтар, Жамилам!
 ...Минг нечанчи марта ёпилар парда,
 Епилар ғазаблар, қийноқ аламлар.
 Минг нечанчи марта ойдин шаҳарга
 Ғофирни овутиб қайтар одамлар.

Қоғоз ҳақида

Бўзтўрғай сасидан чўчиб уйғондим,
 Вожаб, чарх уриб бўзларди бу қуш.
 Камолотга тўлган ҳислар тўлғанди,
 Таъбирин тақдирдан излаб кетди ҳуш.
 Бу закий дунёнинг савдосин кўринг,
 Қоғоз милтиқлардан узилар ўқлар.

Алломиш шаҳди-ла ёйсангда тиринг,
 Зирҳли қоғозларга тегиб йиқилар.
 Эътироф этгандек муҳтарам устоз:
 «Оламан кенг шим киссамдан,
 Бебаҳо бойлигим дубликатини!»
 Аммо, ҳадик-ла дер соҳиби қоғоз:

«Ишонч қоғозингнинг тасдиғи қани?!»
— Мен — Ҳктам Мирзаёр, — дейман асабий, —
Менга қараб қолган кўпнинг насиби.
Мана бу паспортим, бу ишонч қоғоз,
Пинагин бузмай дер, чўччайиб лаби:

«Беҳуда тортишма, чиқмайди маъни,
Ишонч қоғозингнинг тасдиғи қани?!»
Шу онда эсладим бўзтўрғай ҳолин,
У-ку оҳ солар-да, бўзлаб кетади.
Бунда ўзлигимни англаиб толдим,
Менинг заволимга қоғоз етади.
Ватан, тақдирингга боғлаб қисматни,

Ёвқур қилмоқ пайти келди қаламни.
Унутиб шон-шўҳрат, сохта исматни,
Бошламоқ пайтидир оловкор жангни.
Бунда жанггоҳлар йўқ, лекин жанглар бор,
Ғаним қаршимдамас, ёнда юрипти.
Бунда ярадор йўқ, ҳоли танглар бор,
Қаршимда тўп эмас, қоғоз турипти.

Болтабой Бекматов

* * *

Бир тантана содир бўлажак,
Бир тараддуд кезиб юрибди.
Мийиғида кулимсираган
Қуёш бунни сезиб юрибди.
Новдаларнинг юзида сепкил,
Дарахтлар ҳам бир тараддудда.
Сезилар бир ажиб ҳаяжон,
Йўл четида: каллакдор тутда.
Нами қочган тунука узра,
«Ку-ку»лашар бир жуфт кабутар...

Пастда, ҳовуз ичра фаввора,
Ҳозир буюк сирин фош этар...
Кезар недир қилиб овоза
Унсиз жарчи — баҳор еллари.
Сигмай кетди қўлқопчаларга
Хонимларнинг нозик қўллари...
Бир тантана содир бўлажак,
Бир тараддуд кезиб юрибди.
Мийиғида кулимсираган
Қуёш бунни сезиб юрибди.

Исён

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ботир Зокиров
хотирасига бағишлайман.

Бас, қаҳқаҳа урма, сен фонийсан, дард,
Тушкунлик, қувонма, сенга-да ётман.
Мен энди довулни чорлаган ўтман,
Йўлимда неки бор, ёндирмоғим шарт!
Қайтавер бу машъум фикрингдан, қисмат,
Бил, иродам сенга бўйинсунмагай.
У пўлат ханжардай, асло синмагай,
Шунчалар устивор мендаги хислат!
Ҳали ўз сўзини айтмади юрак,
Ҳали очилмади иккинчи нафас.

Ҳали кўшиқ айтгум, ёник, забардаст,
Бахтдан, мангуликдан бергувчи дарак!
Сен ҳам, эй онажон, чекма изтироб,
Утиргил-у, ўйноқ кўшиғим тингла,
Билсанг ўзинг берган жасоратинг-ла,
Кўксимдаги дардни айларман туроб!
Бас, қаҳқаҳа урма, сен фонийсан, дард,
Тушкунлик, қувонма, сенга-да ётман.
Мен энди довулни чорлаган ўтман,
Йўлимда неки бор, ёндирмоғим шарт!

Ҳумоюн

Беташвишга

«Қани, одамлар ҳам тинимни билса...» —
Тинчгина, хотиржам кунни суясан.
Хорижлик тенгдошин ташвишин қилса,
Қўшнингнинг устидан кулиб кўясан.

Дунёни ўйлашдан сенга не фойда,
Турмуш ташвишлари етиб-ортади.
Лекин, бил ҳаётда, қўлмакли жойда,
Гар араванг ботса, ким ҳам тортади?

Парвона

Чироқларни ўчириб қўйинг,
Еғдуланди кўкда тўлин ой.
Кулбангизда нур тўкар — заррин,
Фараҳбахшу беқиёс чирой.

Сўқмоқларга чиқинг, кеч илиқ,
Баҳор ўтди, ёз ҳам, кечар куз.
Ой кезади тун кўксин тилиб,
У ёлғиздир, у хануз ёлғиз...

* * *

Улар сенга бахт тиладилар,
Билмай туриб бахтнинг нелигин.
Шону шараф, тахт тиладилар,
Тилаш керак бўлгандан кейин.

Сен ҳам қабул этдинг жимгина,
Одатдаги раҳматни айтдинг.
Сўзламадим фақат менгина —
Бу даврага бегона.

Қайтдим.

Фақат сўзсиз, кўзларим билан
Ҳамдард бўлдим юракларга мен.
Фақат сўзсиз, кўзларим билан
Қўшилолдим тилакларга мен.

Фақат сўзсиз, нигоҳларимда
Муҳаббатим айладим аён.
Сўзлаб бўлмас ёлғон даврада
Рост сўзинг ҳам саналур ёлғон.

Тўртлик

Ёлғондан кун кўриб юрганлар қанча,
Алданиб дилпора бўлганлар қанча,
Дунёнинг бу сўнгсиз можаросини,
Кўрса ҳам, кўрмайин турганлар қанча?

Алишер Бобоҳўжаев

Севгимиз ёлғондир...

Бошга тушганда савдои ҳижрон,
Кўзларга тор ўлди чеки йўқ осмон,
Йўлимиз айрилиб кетди-ку осон,
Гуноҳлар омондир, иккимиз омон.
Севгимиз ёлғондир, сеvgимиз ёлғон!
Тонди ўзлигидан, ёнган юраклар,
Тушларга айланди эзгу тилаклар,
Наҳот шундай бўлса жами малаклар?
Кўзга уйқу бермас бу савол ҳамон,
Севгимиз ёлғондир, сеvgимиз ёлғон!

Тегрангни қуршади харидорлар ҳам,
Кимдир ташлаб кетган ошиқ зорлар ҳам,
Сенда кўнгли йўғу, кўнгли борлар ҳам,
Сулув келин эдинг, эъзозда, шодон,
Севгимиз ёлғондир, сеvgимиз ёлғон!
Сен бошқа томону, мен бошқа томон,
Биримиз ер бўлсак, биримиз осмон,
Шу икки ўртада куйди икки жон,
Мен эмас, лолалар бўлди бағри қон,
Севгимиз ёлғондир, сеvgимиз ёлғон!

Соғинч ҳайкали

Титратмоқда нечун у туғён —
Айрилиқнинг ғамгин жоласи?!
Ватан учун тикканида жон
Етим қолди аскар боласи.

Излай деса йўқ ота қабри,
Бир зиёрат — ушалмас армон.
Қандай чидар инсоннинг сабри,
Интизорлик — чеки йўқ осмон?!

Сўйламоқда ожиз сўзларим,
Ҳайкалтарош дўстим, бери кел,
Ҳалок бўлган жангчи юзларин
Тошлар билан ифода этгил.
У югурсин отаси томон,
Еллар ўтсин тўзғитиб сочин

Ва соғинчи чопсин ёнма-ён,
Мовий рангга бўялсин очун.
Ҳайкал мудом эсласин балқиб,
Шаҳидларнинг муқаддас қонин.
Топилмаган қабрлар ҳаққи,
Соғинч дея атайлик номин.

Ҳалим Каримов

* * *

Қизғишранг уфққа қарайман, гўзал,
Оловли либоси ярашган ғоят.
Сингиб кетгим келар, унга шу маҳал
Ажиб ранг бермишдир момо табиат.

Хаёлимдай чексиз, тубсиз бу осмон,
Қуёш — чўккан денгиз янглиғ мавжланар.

Уфқ, балки дилбар қизнинг ногаҳон
Алвон кўйлагига ўхшаб товланар.

Ҳайратга солганча кетади ботиб,
Адашган дунёнинг кекса маёғи.
Соғинган кўзларда қолади қотиб,
Атлас каби ёнган уфқ бўёғи.

Қора хат

Эшагин етаклаб тош йўлдан,
Оғир-оғир келар почтачи.
Ортига тортади қўлидан,
Хат тўла қаппайган халтаси.

Оёғи юрмоққа эринар,
Эзди кўп етимнинг ноласи.
Хайрият, кўчада кўринар
Бир шўрлик шаҳиднинг боласи.

«Дадангдан хат», дея тутқазар,
Чақнаган кўзларга боқолмай.

Болакай энтикиб югурар,
Суюнчи шартини тополмай.

Бор бўлсанг, эй тангрим, шу заҳот
Тасбеҳни от, синдиргин бутни!
Ахир, у, чопмоқда кўтариб
Қоғоздан ясалган тобутни!..

Билмасдан қай йўлга юрарин,
Оғир-оғир кетар почтачи.
Ташлашга аҳд қилар ҳунарин,
Елкада лопиллар халтаси.

Ниёзмуҳаммад Панжиев

Саккизлик

Болаликда тинмас эдик ҳеч,
Кўрмагандик дард ошин тотиб.
Уйимизга қайтардик ҳар кеч,
Кўчамизнинг чангига ботиб.

Энди қайта кўролмаймиз ҳеч
Болаликнинг шодлигин тотиб.
Уйимизга қайтамыз ҳар кеч
Бу дунёнинг дардига ботиб.

* * *

Бошимда шивирлар тунги япроқлар,
Пойимда изғийди беибо шамол.
Қўлимда юлқиниб жажжи варақлар —
Титрайди. Титрайман — сўлғин, бемажол.


Қачон, нима учун ундан айрилдим,
На танамда қайғу, на бор бир хаёл?!
Парча-парча хатни сенга қайрилдим
Бу ёғи ўзингга ҳавола, шамол!

* * *
Бу ҳақиқат ўхшар эртакка,
Жудо бўлса жуфтидан лочин,
Чарчагунча учар юксакка,
Сўнг, шўнғийди йиғиб қанотин...

Сен туфайли чиқдим юксакка,
Агар ташлаб кетсанг, сарвиноз,
Бу айрилиқ сиғмас юракка,
Умрим тугар лочинларга хос.

* * *
Денгизнинг устига шивалар ёмғир,
Оппоқ чўққиларда учқунлайди қор.
Дейишди, денгизга ёмғир не зарур,
Оппоқ чўққиларга қор нима даркор?!

Дейишди, сахрога ёғсин қор — ёмғир,
Яхшиям, табиат солмади қулоқ.
Йўқса, денгиз ўрни бўларди тақир,
Чўққилар ялангбош турарди бу чок.



ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ МУМКИН

Орол ҳавзаси экономикасида сув бойликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Совет ҳокимияти йилларида бу ерда ҳар биримиз ҳақли равишда фахрлансак арзийдиган, кенг миқёсли ва кўп планли сув хўжалиги тадбирлари амалга оширилди. Аммо бу медалнинг бир томони дир. Унинг иккинчи томони эса инсоннинг хўжалик фаолияти билан табиат ўртасидаги қонуний зиддият юзага келганлигини кўрсатади. Натижада шундай бўлдики, ер-сув бойликларидан бебошларча фойдаланиш оқибати сифатида, ҳавзада экологик мувозанат ростмана бузилди. Ҳозирги қайта қуриш шароитида, ошкоралик ва демократияни ривожлантириш даврида бу ҳақда очиқ-ойдин гапириш мумкин. Салбий ҳодисанинг асл сабаби ўтган даврда табиатнинг буюк қонунларини ҳисобга олмаган ҳолда таклиф қилинган бир қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилишидир. К. Маркс таълим берганидек, бундай лойиҳалар ҳалққа фақат кулфат келтиради. Шундай бўлди ҳам: сув, ҳаво, тупроқнинг ифлосланиши натижасида аҳоли ўртасида ошқозон-ичак, жигар касалликлари ва болалар ўлими кескин кўпайиб кетди. Амударё ва Сирдарё дельталарининг чўлга айланиши, Орол атрофидаги экин майдонларининг шўр босиб, ишдан чиқши тезлашмоқда, денгиз атрофидаги наботот ва ҳайвонот олами қирилиб кетаяпти. Бундай аҳволда Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистон АССР территорияси яқин келажакда инсон зоти яшаши учун мутлақо яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳодиса табиат билан муносабатда нуқсонларга йўл қўйилса, у ўч олишининг ифодасидир. Ф. Энгельс қарийб юз йил муқаддам бу ҳақда бизни огоҳлантирганди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил 14 августдаги «Шимол ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жанубга оқизиш бўйича ишларни тўхтатиш тўғрисида»ги қароридан Орол денгизи ҳавзаси экономикасини сув билан таъминлаш стратегияси белгиланган берилди. Унинг моҳияти муаммони омилкорлик билан фойдаланиш орқали сувни тежаш ва асраш йўли билан ҳал этишдан иборат.

Бу қарор қабул қилинганга қадар қарийб чорак аср мобайнида кўпгина олимлар, мутахассислар, партия ва совет ходимларининг ақли муаммони ҳал этиш ўрнига, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Орол денгизи ҳавзасига оқизишни тезлаштириш билан банд бўлди. Улар бунда ҳеч бир асосиз тарзда, ушбу тадбир амалга оширилиши билан экономиканинг барча тармоқларини сув билан таъминлаш масаласи ўз-ўзидан кун тартибидан тушиб қолади, шунингдек сув бойликларини асраш масаласи ҳам ҳал бўлади, деб ўйлардилар. Юқоридан кўрсатилган қарорда кўзда тутилаётган шимол дарёлари сувининг бир қисмини жанубга оқизишнинг экологик оқибатларини тадқиқ этишни янада чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланди. Бу қарор тўғрилигининг исботи тариқасида қуйидагиларни айтиш мумкин. Шимолдан теъза сув келтириш тарафдорлари сув ўта булганганлиги оқибатида экологик тангликка учраган Амударёнинг қуйи қисмига Сибирдан тоза сув келиши билан аҳолини хўжалик мақсадларидаги ва ичимлик сув билан таъминлаш масаласи ҳал бўлади ва турмушнинг санитария-гигиена шароити яхшиланади, дейдилар. Буларнинг ҳаммаси фактларга зиддир. Жумладан, 500 километр узунликдаги Иртиш-Қарағанда каналидан фойдаланиш шуни кўрсатдики, бир литрида 0,15—0,2 грамм минераллар бўлган Иртиш суви Қарағанда районига етиб келганда таркибидаги эриган тузлар бир литрида 1 граммга етади. Қорақумдаги В. И. Ленин номидаги каналдан оқадиган Амударё суви таркибидаги минераллар (литрига 0,4 граммга яқин) 800 километр йўл босиб Ашхобод шаҳрига борганда 2,5 барабар ортади ва литрига 1 граммга етади. Обь сувининг бир қисмини жанубга олиб келадиган канал 2500 километр узунликда бўлади ва (шўр тупроқли, захоб ерлари ва қўллари бўлган) Тўрғай паст текислигини ҳамда сувни юқори даражада буғлайдиган Қорақум ва Қизилқум саҳроларини кесиб ўтади.

Бундай шароитда Сибирдан чучук сув келтириш орзусининг амалга ошиши даргумон. Бундан ташқари ўзига хос геохимик ландшафтда ҳосил бўладиган Сибирь суви мутлақо ўзгача геохимик шароитдаги районга келади. Турли гидрохимик ҳолатдаги икки сув қўшилиши ва уларнинг тупроққа ва заминга таъсири натижасида нималар бўлиши мумкин? Бу саволларга илимий асосланган жавоблар бермасдан аввал, жумладан, шимолий дарёлар сувини қайта тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилиб бўлмайди.

Минг афсуски, метеорологлар, тупроқшунослар, гидрологлар ва гидрогеологлар томонидан ягона сув бойлигини ташкил этган атмосферадаги, тупроқдаги, ер остидаги ва юзасидаги сувларга ўзаро боғлиқ ҳолда қарамаслик, шунингдек улардан айрим идоралар, республикалар ва бошқа маъмурий ташкилотлар манфаатидангина келиб чиқиб фойдаланиш одатига чек қўйилгани йўқ. Орол ҳавзаси ва бутун мамлакат сув бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдаги кулфатларимизнинг асосий сабабчиси мана шундай одатнинг мавжудлигидир. Жумладан, сўнгги вақтгача (Сирдарё ва Амударё сувларидан фойдаланадиган Урта Осиё республикалари учун 1985 йилда сувга лимит белгиланганга қадар) айрим республикалар, тармоқлар, районлар, хўжаликлар сув бойликларидан фойдаланишда тала-тала билан шуғулланиб келдилар. Эҳтиёжидан

қатъий назар, ҳар ким ўзига кўпроқ сув олишга ҳаракат қилди. Амударёдан Қорақум каналига, Сурхондарё областига сув олишининг кучайганлиги, Тошовуз айланма канали қурилганлиги ва бошқа тадбирларни мана шу билан изоҳлаш мумкин. Шу муносабат билан кўзда тутилган мақсадимиз манфаатлари кечиктириб бўлмайдиган ташкилий вазифаларни ҳал этишни жадаллаштиришни тақозо этади, токи бизнинг ҳаракатларимиз табиатнинг буюк қонунларига мос келсин, яъни ягона сувнинг ягона ҳўжайини бўлсин, у ягона марказдан бошқарилсин ва комплекс тарзда ўрганилсин. Иқтисодий фойдани ҳам фақат аниқ бир истеъмолчи позициясидан туриб баҳоламай, балки табиатдан фойдаланишнинг социалистик принципларини ҳисобга олиш керак. В. И. Ленин Совет ҳоқимиятининг дастлабки йилларида таъкидлаб ўтганидек, табиат бойликларидан омилкорлик билан фойдаланиш тушунчаси уни муҳофазда қилиш билан узвий боғлиқдир. Шу жиҳатдан баҳоланганда ҳолатига энг оз зарар етказилгандагина сув бойликларидан фойдаланишни самарали ҳисоблаш мумкин.

Орол денгизи ҳавзасининг табиий шароити ва иқтисодий ҳолати сув ҳўжалигида фақат бир сиёсат бўлишини — тежамкорликни ва ҳар томичи сувдан омилкорлик билан фойдаланишни оқлайди. Унинг учун меҳнат, энергетика ва бошқа табиий ресурслар муаммоси иккинчи даражалидир.

Минг афсус-надоматлар бўлинки, хусусан 50-йиллардан бошлаб Орол денгизи ҳавзасида сув ҳўжалиги қурилишини ривожлантириш табиатдан фойдаланишнинг мана шу барчага маълум қондаларини ҳисобга олмай амалга оширилди. Бу даврда сув ҳўжалиги муаммоларини илмий ҳал этиш ўрнини тутурикисизлик, ҳўжақўрсинчилик эгаллади, пахтага топиниш чўққисига чиқди ва ҳамма нарса шунга хизмат қилдирилди. Бу ҳўжалик юртишда бошқа йўналишни — катта-катта сув ишоотлари қурилишига ружу қўйини келтириб чиқарди. Хўжалик юртишнинг мазкур йўналиши олимлар томонидан эмас, балки идоралар ва министрликларнинг қалтабин, нодон бошлиқлари томонидан юқоридаги раҳбарларга ёқиш ва лаганбардорлик қилиш учун яратилди. Лойиҳалаш ташкилотлари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари уларнинг кўрсатмаларини кўр-кўрона бажаришаверди. Хўжалик юртишдаги бу ярамак аҳвол мазкур ҳавзада табиатдан фойдаланишга ваҳшийларча муносабатнинг қарор топишига шароит яратди. Ўз вақтида ҳўкумат органлари томонидан Орол денгизи қурорт жойларини ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилганда ва бу ерда соғломлаштириш муассасалари қуриш ва уни бутуниттифоқ шифо масканига айлантириш йўлида дастлабки уринишлар бўлганди. Орадан санокли йиллар ўтгач эса (1970 йилда), 1971—1985 йилларда ерларни мелиорациялашни ривожлантириш, хусусан Орол денгизи ҳавзасида пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштиришни кескин кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Айнан шу қарор Оролнинг «кафани»ни бичди. Шу муносабат билан СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлигининг масъул ходимлари «Орол қиройли ўлаверсин — бизга сув сўғориш учун керак», деб қайта-қайта баёнот бердилар. Бу ҳўкм эди. Шу пайтдан бошлаб Сув ҳўжалиги министрлиги ўзининг улкан лойиҳаларини ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришди, Оролнинг тақдири билан қизиқмай қўйди, жамоатчилик буни тушунмади, мутахассислар эса муро-са қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм, Тошовуз областлари ва Қорақалпоғистон АССР аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда яна эскича йўл тутишди — ҳозир юзага келган сув ҳўжалиги шароитида ичимлик сув бўлмаслиги ҳаммага равшан бўлса ҳам, Туямўйин сув омборидан ўнг ва чап қирғоқ бўйлаб сув қувури қурилишини лойиҳалаштириш таклиф этилди. Бу чинакамга ўз-ўзини алдасдир. Бу таклиф олға сурилганда, Туямўйиннинг бевоСИта яқинида Амударёнинг чучук тошқин сувлари ҳисобига махсус Капарос сув омбори бунёд этишни тавсия қилиб, исботлаб бўлмайдиган нарсани исботлашга ҳаракат қилишяпти. Районнинг аниқ шароитида саёз сув омборида йил мобайнида сув юксак сифатли бўлишига кафолот бериш дарғумон. Мазкур муаммони сувни чучуклантирувчи усқуналарни жорий этиш, Амударё ҳавзасида сувнинг сифатини тиклаш учун муҳофазда тадбирларини кучайтириш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ...

Иш шунга бориб етдики, дастлаб Судочье қўли қуриди, балиқ ҳўжалиги йўқ бўлди. Орол эса йилга келиб турган санитария мақсадларига хизмат қиладиган 4 куб километр сувдани ҳам маҳрум бўлди. Бу сув йўли дарёларнинг қўйи қисмида тўғонлар билан ғиппа бўғиб қўйилган ва сув ирригация каналарига оқади. Бу ишларнинг ҳаммаси СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлиги ташкилотларининг кўрсатмаси билан қилинган. Орол денгизи сатҳининг жадал пасайиши Амударёдан Қорақум канали, Қарши ва Бухоро магистрал каналларига сув олиш бошлангандан ва Тахياتош гидроузели ишга туширилгандан, Сирдарёда эса ўрта ва қўйи оқимида каналлар қурилгандан сўнг бошланди.

Орол денгизининг қуриши натижасида дарёларнинг дельталаридаги улкан майдон ҳам чўлга айлана бошлади, соҳилдан 300 километр радиусдаги территорияда иқлим анча ўзгарди, денгизнинг қуриган тубидаги тузларни шамол кўчириши тўпроқ шўрлаши ва ҳаво бўлганлишининг янги манбасини юзага келтирди, ер остидаги ва дарё сувларининг жадал ифлосланиб бориши аҳолини тоза ичимлик сув манбаидан маҳрум қилиб қўйди. Оқибатда Орол ҳавзасида экологик танглик вазияти юзага келди. Айниқса Хоразм, Тошовуз, Бухоро областларида, Қорақалпоғистон АССРда ва Қозғоғистон ССРнинг Қизил Урда областида хавфли вазият содир бўляпти. Бунинг асосий сабаби табиатни асраш бўйича қонунлар, шу жумладан, 1970 йилда эълон қилинган «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар сув қонунчилиги асослари» бузилганлигидадир.

Сув ҳўжалиги министрлигининг Ўрта Осиё республикаларидаги ташкилотлари Иттифоқ бюджетидан кўпроқ маблағ ундириш пайдан бўлиб, сув ва ерининг ҳолатини яхшилаб бориш билан шуғулланиш ўрнига, етарли асосламай туриб янгидан-янги объектлар қураверишди. Бунда улар мелиорацияланган ерларда деҳқончилик маданияти ва самарадорлигини ошириш бўйича қилинган ишларни юксак лавозимдаги раҳбарлар пайқамасликлари мумкин, Жиззах, Шеробод, Қарши чўлларини ўзлаштириш, Қорақум, Қарши, Тошавуз каналлари ва бошқалар эса миқёси катта, гигант ишлар бўлиб, дарҳол кўзга кўринади, деган принципга амал қилдилар.

Янги қурилишлар сифатига келганда, энг муҳими бошлаб олиш ва бир амаллаб қуришдир, тартибни йўлга қўйиш эса — кейин бир гап бўлар, деб ҳисоблашди. Айнан мана шундай муносабат сув ва ер бойликларида самарасиз фойдаланишнинг, майдонларни шўр босиб, ботқоққа айланиб кетиши, ҳосилдорлик пасайиб, сув, тўпроқ, ҳаво ифлосланишининг бош сабабчиси бўлди. Янги қу-

рилишларни асослашда лойиҳа муаллифлари уларнинг арзон ва самарали эканлигини исботлаш учун ҳарчанд уринишарди. Аслида биронта ҳам қурилиш дастлабки смета таннархига мос келмас, 2—3 баравар ортиқ харажат қилишни тақозо этарди...

Орол денгизини қутқаришда (унинг чиройли ўлими ҳақида калтабин, нодон одамларгина гапириши мумкин, табиат фарзандини йўқ қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган) тадбирларнинг уч группасини ажратиб кўрсатиш мумкинки, буларни маълум изчилликда — босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

Биринчи босқичга денгиз сатҳини маълум чизикда, илмий-асосланган экологик минимумдан кам бўлмаган даражада, асосан дарёлардан ноўрин олинаётган сувларни қайтариш эвазига барқарор қилиш кирди. У қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, Урта Осиё дарёларида сув кўпаядиган давр бошланди. Сув олиш ўсишини (асосан суғоришни ривожлантириш учун) тўхтатган шароитда яқин бир неча йил мобайнида дарёларда ортиқча сув пайдо бўлиши керак. Бу сув шу пайтгача ирригация тармоқларига оқизиларди ва тўқайларни сув босиб кетишининг олдини олиш ва суғориш системасида сув оқшини бошқаришда ортиқча ташвишлардан қутулиш учун Арнасой, Сарикамиш сингари сув тўпланадиган жойларга ташланарди.

Дарёлар ўзани эса қуйи оқимларида ғиппа бўғилиб (Сирдарёда икки жойда ва Амударёда бир жойда), Оролга тошқин сув ҳам, санитария мақсадларидаги сув ҳам ўтказилмасди. Жумладан, 50-йилларгача Орол денгизи ҳавзасида ортиқча сувлар тўпланадиган кўллар бўлмаган. Ҳозирги пайтда 40 тага яқин ана шундай кўллар бўлиб, уларнинг умумий майдони 5000 квадрат километри, сув ҳажми эса 40 куб километрдан кўпроқни ташкил этади. Бу кўлларга ташланаётган сувларнинг йиллик ҳажми эса 7 куб километрдан ортади, шундан 4,5 куб километри Сарикамишга, 1,4 куб километри Арнасойга оқади.

Ирригация системаларига бутун йил мобайнида қатъий лимитга биноан сув бериш, ғиппа бўғилган тўғонларни дарё ўзанларидан ортиқча сувларни оқизадиган қилиб қайта жиҳозлаш керак. Бу тадбирнинг амалга оширилиши сув кўпаядиган даврда Оролга йилига 10 куб километр сув оқизиш имконини беради.

Иккинчидан, Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида шolini, чорвачиликни ривожлантириш учун озуқа ва бошқа кам сув талаб қиладиган экинлар билан алмаштириш масаласини юқори ташкилотлар олдига дарҳол қўйиш керак. Натижада йилига Оролга камида 5 куб километр сув оқизиш мумкин бўлади. Бу тадбирни асослашда шундан келиб чиқиш керакки, умуман бутун мамлакат миқёсида гуруч масаласи ҳал бўлган, Узоқ Шарқда шоликорликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари бор. Сирдарё ва Амударё этагидаги шоликорлик кўп сув талаб қилади, йиллик суғориш нормаси 1 гектарга 40—50 минг куб метрни ташкил этади. Бунинг устига ҳосилдорлик юқори эмас, маҳсулот сифати паст, шу боисдан зарар келтирадиган тармоқ ҳисобланади.

Жумладан, Қорақалпоғистон АССРда кейинги беш йилликда шолининг ҳосилдорлиги гектардан 25—30 центрдан ошмади. Ҳар центнерининг таннархи 40—50 сўмга етди (реализация қилинадиган баҳоси эса центнерига 30—35 сўмдир). Маълум миқдордаги гуручни мавжуд шўрланган майдонларни ювиш методи сифатида пахта билан шolini алмашлаб экиш эвазига олиш мумкин.

Бундан ташқари, айниқса Орол денгизи қурий бошлагандан сўнг ўзгарган иқлимий ва экологик шароитда, Қорақалпоғистон АССРда Султон Увайс тоғидан шимолий меридианда пахтачиликни сақлаш масаласини ўрганиш керак. Умуман мазкур зонада паст сортли пахта етиштириш зарурми? Уни чорвачиликка ихтисослаб, маҳаллий аҳолига асрий касбини давом эттиришига шароит яратиш маъқул эмасми? Бу муаммони ҳал этиш территорияни анча соғломлаштириб, озиқ-овқат муаммосининг ҳал этилишига ёрдам берган, сувни тежаган бўларди.

Учинчидан, эҳтимол (вақтинчалик тадбир сифатида) ҳозирги ташлама кўллардаги сувнинг бир қисмини турли хил кўчма насос станциялари, масалан, чехлар ишлаб чиқарган насос станциялари билан (секундига 7,5 куб метр сув тортади) тортиб, дарёларга оқизиш мумкин. Шунингдек Амударё этагидаги (Хоразм области, Қорақалпоғистон АССРдаги) коллектор-дренаж тармоқларидан чиқадиган, Сирдарёда эса Мирзачўлдаги Қизил Урда ва Ғазали воҳаларидаги коллектор-дренаж тармоқларидан чиқиб, Арнасойга ва Қизилқумга оқадиган барча оқава сувларни дарёлар ўзанига тушириш мумкин. Бу сувнинг йиллик ҳажми 5 куб километрини ташкил этади.

Коллектор-дренаж тармоқларидан чиқадиган оқава сувлар ҳақида гапирганда, Термиз — Орол параллел коллекторини эсламаслик мумкин эмас; ҳозир унинг зарурлиги ҳақида жуда баралла ва тез-тез гапиришяпти.

Дастлаб шунини айтиш керакки, у йил мобайнида Сурхондарё области, Қарши чўли ва Бухоро-Қорақум воҳасидан 2 куб километр ҳажмдаги минераллар ва захарли химикатларга гоят тўйинган коллектор-дренаж тармоқлари оқава сувларини етказиб бериши мумкин. У Оролни қутқаришда ҳеч қандай роль ўйнамайди. Айни вақтда у Оролнинг «мағзава» ўрага — ўлик денгизга айланишига «қумаклашади». Оролни мағзава ўрага айлантиришнинг биз учун нима зарурати бор? Бу коллектор ҳақида (матбуотнинг гувоҳлик беришича, унинг қурилиши лойиҳасиз бошланди — «Известия» № 22071). Сув ҳўжалиги министрлигининг кўпгина вакиллари гапиришяпти ва ёзишяпти. Бу министрлик аслида қурилиш ташкилотига айланиб қолган ва ҳозирги пайтда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жалб этилганлиги ва Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жанубга оқизиш бўйича ишлар тўхтатилгандан кейин қурилиш ишлари ҳажмига муҳтож бўлиб турибди. Шу йўсинда яна улкан сув иншоотлари қурилиши кетидан қуввиш давом этаёпти. Бунинг ўрнига дарё суви сифатини сақлаш бўйича тадбирлар белгилаш, саноатда табиат бойликларидан фойдаланишда (шу жумладан, сувдан ҳам) чиқитсиз технологияни жорий этиш, барча аҳоли пунктларини тўла канализациялаштириш, уларнинг оқавасини тозалаш ва қайта фойдаланиш, суғоришда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИИМСХ) таклиф этган оқавасиз системани иложи борица тўла жорий этиш тадбирларини амалга ошириш маъқул эмасми? Бу тадбир Орол ҳавзасида сув бойликларида самарали фойдаланиш даражасини оширишдан ташқари, дарёлар суви сифатини ҳам кескин яхшилаш имконини беради. Суғоришда оқавасиз системани жорий этиш имкони бўлмаган майдонлардаги коллектор-дренаж тармоқларидан чиқадиган оз миқдордаги сувлар эса дарё суви сифатини кескин ёмонлаштирмайди.

Шундай қилиб, айтилаётган таклифларнинг биринчи навбатини амалга ошириш Оролга йилига камида 20 куб километр сув оқизилишини таъминлайди, унинг қуриш жараёнини кескин секинлаштиради.

Иккинчи босқич — мавжуд мелиорация системаларини реконструкциялаш жараёнида сув резервларини аниқлаш ва уларнинг айримлари самарадорлигини танқидий баҳолашдан иборат. Бу ерда икки гуруҳ тадбирлар кўзда тутилади.

Биринчидан, сувдан фойдаланишнинг илғор техника ва технологиясини жорий этиш асосида сув бойликларидан самарали фойдаланиш коэффициентини ошириш лозим. Коммунал хўжаликда ва саноатда сувдан фойдаланиш соҳасида бу тадбирларнинг мазмуни маълум ва амалга оширсан бўлади. У олинаётган сувнинг мутлақ ҳажмини оширмаган ҳолда бу соҳаларни ривожлантириш имконини беради.

Суғорма деҳқончиликда анчагина сув буғланади ва ифлосланади. Бунда сувни сақлаш, оқишиш ва суғориш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришдан ташқари, суғорма деҳқончиликни йўлга қўйишдаги мелиоратив режимни қараб қишиш ва асослашга жиддий эътибор бериш керак. Гап шундаки, мазкур муаммога нисбатан тарихан юзага келган муносабат суғориладиган ерларнинг маълум (гидроморфли) мелиоратив режимини тутиб туриш заруратидан келиб чиқади. Бу шунинг натижасики, ўтмишда мелиорация ишларининг кучсиз техника ва энергетика базаси шароитида олиб борилиши ерларни дренажлашнинг асосий усули сифатида горизонталь дренажлардан фойдаланишни тақозо этди. Маълумки, уларни чекланган чуқурликда ётқизиш мумкин ва оқибатда тупроқдаги сувни 1—2 метрдан ортиққа пасайтира олмайди. Кўп йиллик махсус тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тупроқдаги сувни бундай чуқурликка тушириш билан чекланиш билан кураш олиб борилади ва ҳар бир гектарга 5 минг куб метргача сув сарфланади. Бу демак, суғориладиган массивларда ҳозирги (илмий асосланмаган, лекин одат бўлиб қолган) гидроморфли мелиорация режимини автоморфли мелиорация режими билан алмаштириш ҳар гектарда йилига буғлини кетаётган сувни ўртача 3—5 минг куб метрга камайтириш, майдонларни ювиш учун сув сарфлашдан воз кечиш имконини беради. Бунга (гидрогеологик шароит мос бўлган жойларда) горизонталь дренажларни тик дренажлар билан алмаштириш орқали эришиш мумкин. Тик дренажларни Орол денгизи ҳавзасида камида 3 миллион гектар майдонда жорий этса бўлишини ҳисобга олсак, мазкур тадбирдан кўриладиган йиллик самара оз деганда 10 куб километрни ташкил этади, дарёлардаги сув сифати анча яхшиланади. Суғориладиган деҳқончиликда бу системага ўтмиш технологияси (ТТИИМСХ)да етарли даражада ишлаб чиқилган ва амалда жорий этилишини кутаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сувдан самарали фойдаланиш соҳасида ўзбек халқи катта тажриба тўплаган. Мана шу тажрибадан кенг фойдаланиш керак. 30-йилларда Чирчиқ дарёси водийсидаги, 40—50-йилларда эса Марказий Фарғонадаги ботқоқзор ерлар дарёдаги сув оқимиغا зарар етказмаган ҳолда ўзлаштирилди. Ушанда ҳатто суғоришни кенгайтириш дарёлардаги сув оқимиغا таъсир кўрсатмайди, деган нотўғри тасаввур ҳам пайдо бўлган.

Иккинчидан, айрим суғориш тармоқларининг иш самарадорлигини яхшилаб текшириб кўриш керак. Сирдарё ва Амударёнинг қуйи қисмида шолikorлик ва пахтачилик учун мўлжалланган суғориш системасини сақлаш мақсада мувофиқ эмаслиги ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Эндilikда журналхоннинг эътиборини текисликлардаги сув омборларининг самарадорлиги масаласига қаратмоқчимиз. Фақат бизнинг республикамизда ҳозир 23 та сув омбори ишлаб турибди, яна 15 таси қурилмоқда, 6 таси лойихалаштирилмоқда. Уларнинг ҳар бири дарёлар оқимини жиловлашдан ташқари, кучли сув буғлатгич ҳамдир. Фақат Чордара сув омбори йилига 650 миллион куб метр, Қайроққум сув омбори 500 миллион куб метргача, Толлимаржон, Туямуён, Хоузхон ва бошқа сув омборлари эса миллиард куб метрлаб сувни буғлатади. Орол денгизи ҳавзасидаги жами сув омборларининг йиллик беҳуда сув сарфи 5 куб километрдан ортади. Умуман сув етишмаётган шароитда шу даражада исрофгарчиликка йўл қўйиш мумкинми? Тоғ дараларида сув омборлари қурилиши кенгайган шароитда бу масалани ҳал этиш зарурати туғилаяпти. Муаммо тўғри ҳал этилса, йилига бемалол бир неча миллиард куб метр сувни тежаш мумкин.

Шундай қилиб Орол денгизи ҳавзасида сув бойликларидан омилкорлик билан фойдаланишнинг иккинчи босқичидаги тадбирларнинг амалга оширилиши йилига яна 10 куб километрдан кўпроқ сувни тежаш имконини беради. Унинг Оролга етказилиши, биринчи босқичдаги тадбирлар билан кўшганда денгиз сатҳини 40 метрда тутиб туриш ёки бу ерда суғориладиган майдонлар ҳажмини бир неча миллион гектарга кенгайтириш имконини беради.

Учинчи босқич — олис истиқболга мўлжалланган.

Мамлакатда сув бойликларини кенг миқёсда территориял қайта тақсимлаш ва шунинг ҳисобида Орол денгизи ҳавзасига шунча миқдордаги дарё сувини олиб келиши керакки, токи истиқболдаги барча сув хўжалиги муаммоларини, шу жумладан Оролни тиклаш масаласини ҳам ҳал этиш мумкин бўлсин. Масалани бу тарафда қўйиш СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министриги томонидан Обь дарёси сувининг йилига 25—27 куб километр ҳажмдаги бир қисмини жанубга оқишиш бўйича ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосларга мос келмайди.

Кўзда тутилаётган тадбир, афтидан келгуси юз йилликда амалга оширилса керак. Уни асослашда бизнингча, истиқболда ҳам сув мўл бўладиган районлардан Орол ҳавзасига юксак сифатли сув етказиб берилишига асосий эътибор қаратилиши лозим. Бунинг учун сувни бошқа жойга оқинининг ҳар икки регионга экологик таъсирини синчиклаб ўрганиш керак бўлади. Масалага шу жиҳатдан қараганда Орол ҳавзасига Каспий ёки Қора денгиздан сув келтириш истиқболсиз, чунки бу ҳавзаларга қуйилаётган дарё сувлари чекланган ва Орол ҳавзаси учун юксак сифатли сув олиш имконини бермайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Орол денгизини сақлаш ва тиклаш

муаммоси ўндаги сув миқдори масаласини ҳал қилишдангина иборат бўлмай, балки сув сифатини яъни биологик самарадорлигини тиклашдан ҳам иборатдир. Бу ҳавзага сифати паст суви олиб келиш — дунёда иккинчи ўлик сув масканини юзага келтиришнинг ҳеч бир маъноси йўқ. Учинчи босқич тадбирлари амалга оширилганда I ва II босқичга мўлжалланган тадбирлар ҳам кун тартибидан тушиб қолмайди, аксинча янада зўрроқ аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, Орол денгизини асраш ва ҳавза чегарасидаги атроф муҳит мусаффолигини таъминлаш муаммосини умуман ҳал этса бўлади. Бунинг учун муаммога идоровий муносабатни бартараф этиш керак. Уни ҳал этишни биринчи босқич тадбирларини амалга оширишдан бошлаш керак. Шу билан барабар Орол денгизи сув бойликларидан комплекс фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг янги схематик лойиҳасини ҳам ишлаб чиқишга киришиш зарур. Бу ишни Орол денгизини нодир сув ҳавзаси сифатида сақлашнинг мумкин бўлган вариантларини ҳисобга олган ҳолда, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ҳам шундай схематик лойиҳаларни аниқлаш асосида амалга ошириш лозим. Регионда экономикани ривожлантириш истиқболларини келишиб олиш учун биринчи навбатда сувларни ҳавзалараро йирик миқёсда қайта тақсимлангунга қадар Оролни тутиб туриш учун, денгизнинг экологик жиҳатдан йўл қўйиш мумкин бўлган сатҳини белгилаш зарур. Шунга яраша миқдордаги сув Амударё ва Сирдарё орқали денгизга тушиб туриши, қолган қисми мазкур ҳавзадаги экономиканинг барча тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Шундай қилиб, Орол денгизи ва унинг ҳавзаси муаммоси йирик комплекс ва долзарб масаладир. Уни айрим ташкилотлар, комиссиялар, мутахассислар, бу ишга етарли дахли бўлмаган иттифоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув институтлари фикрига таяниб ҳал этиб бўлмайди. Мамлакат экономикасини қайта қуришнинг асосий қоидаларига мувофиқ равишда Орол муаммосини умумиттифоқ муаммоси сифатида ўрганадиган махсус илмий ташкилот тузилса (унга етарли маблағ ажратилса) маъқул бўларди. Республикамизда сув муаммоси ҳаётий муҳим масала саналади. Бизда эса бу муаммо билан комплекс ва чуқур шуғулланадиган илмий-тадқиқот институти йўқ. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси эса аслида ўзини бу муаммодан чеккага олмоқда. Шу боисдан республикада мазкур муаммо билан фақат тармоқ институтларигина шуғулланишяпти. Табиийки, улар ўз тармоқларини қизиқтирган масалаларнигина ҳал этадилар, муаммога комплекс ёндошмайдилар. Тегишли лойиҳаларни амалга оширишда энг жиддий салбий ҳодисалар юзага келиши ҳам мана шу билан изоҳланади.

Булар ҳаммаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасида махсус «Сув муаммолари ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» институти ташкил этишни тақозо этади. Бунинг учун зарур материал аллақачаноқ СССР Ҳукуматига тақдим этилган, лекин ҳамон қарор қабул қилингани йўқ. Республиканинг юқори ташкилотлари ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси раҳбарлари бу борада фаоллик кўрсатмаяптилар.

Бу институт ҳозирги долзарб сув муаммоларини, атроф муҳит ва унинг ажралмас қисми бўлган Орол денгизи масаласини ҳал этиш учун республикага «тоза сув»дай зарур.

Орол денгизи ҳавзасидаги экологик муаммоларни бартараф этишда бутун мамлакат ва республика миқёсидаги яна бир қатор ташкилий масалаларни ҳал қилиш ҳам муҳимдир. Булар қуйидагилар:


СССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлиги ва унинг ташкилотлари статусини аниқлаш керак. Мамлакатда бу министрлик билан ғалати вазият юз берди. У сув ҳўжалиги муаммоларини ҳал этишда алоҳида мавқега эга: ўзига вазифа белгилайди, ўзи маблағ билан таъминлайди, ўзи лойиҳалаштиради, ўзи лойиҳани, қурилишни тажриба синовидан ўтказаяди, ўзи сувдан фойдаланишни назорат қилади, охирида эса қурилган объектларни турли ҳийла-найранглар билан фойдаланувчи ҳўжаликларга топширади ёки ўзи ишлатади. Яъни бу министрлик номаълум сабаб билан имтиёзли мавқега эга бўлиб олган ёки давлат ичидаги давлатга айланиб қолган. Ишнинг пировард натижаси учун жавоб бермайди. Бизнингча бу аҳволга дарҳол чек қўйиш керак. Маблағларни ер ва сувни тежаб-тергаб фойдаланишдан, унинг ҳолати яхшиланишидан ким манфаатдор бўлса ўшанинг (яъни агросаноат бирлашмаларининг) қўлига бериш, сув ҳўжалиги министрлиги ташкилотлари эса фақат бююртмаларни бажарадиган, ишнинг пировард натижаси учун охирига жавоб берадиган пудратчи ташкилотга айланиши лозим. Министрлик ихтиёридаги ҳозирги фойдаланиш ташкилотлари ҳам агросаноат ихтиёрига, сув бойликларини муҳофаза қилиш ташкилотлари Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш иттифоқ-республика давлат комитети ихтиёрига берилгани маъқул. Сув ҳўжалиги министрлиги зиммасида сув ҳўжалиги объектларини қуриш вазифаси қолгани мақсадга мувофиқ.

Республика Министрлар Совети қошида ёки Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш иттифоқ-республика давлат комитети қошида халқ ҳўжалиги қурилиши объектларининг тайёрланаётган ва тугалланган лойиҳаларини экологик жиҳатдан баҳолаш бўйича махсус экспертлар кенгаши таъсис этиш лозим.

СССР ва республика Министрлар Советлари қошида атроф муҳитнинг аҳволи бўйича Бош давлат маслаҳатчиси лавозимини, унинг ҳузурда эса етакчи ва масаладан яхши хабардор бўлган олимлар кенгашини таъсис этиш керак. Улар зиммасига табиий бойликлардан омиликорлик билан фойдаланиш ва муҳофаза қилишга дахлдор барча масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш вазифасини юклаш лозим, токи уларнинг хулосасиз атроф муҳит ҳолатига у ёки бу даражада таъсир кўрсатадиган биронта ҳам тадбир қабул қилинмасин ва амалга оширилмасин.

Мен шунга аминманки, Давлат маслаҳатчиси ёки Кенгаш аъзоси вазифаларини республиканинг йирик олимлари жамоатчилик асосида ҳам бажариши мумкин. Фақат улар зиммаларига юклатиладиган бурч билан бир қаторда, тегишли ҳўқуқларга ҳам эга бўлишлари керак. Чунки бу ерда гап биринчи навбатда табиат фарзанди бўлган ҳар бир инсон ўзининг юксак гражданилик бурчини бажариши ҳақида бораёпти.

Саидрахмон МИРЗАЕВ,
геология-минералогия
фанлари доктори, профессор



Шайх Нажмиддин Кубро

Рубоийлар

1

Чун ҳар неки йўқ... йўқдир у — боду ҳавас,
Чун ҳар неки бор, бори — нуқсону шикаст.
Билгилки, у йўқ деганлари — бор, ҳаёт,
Кўргилки, у бор демишлари — йўқ, абас...

2

Йўлингда самар ҳадис ва афсона эмиш,
Кўйингда кезиб эл бари девона эмиш.
Савдойинг ила мен каби минг дилсўхта
Каъба саримас, озими бутхона эмиш...

3

Ҳошоки, кўнгил сендин жудолиғ истар,
Бир ўзгаси бирла ошнолиғ истар.
Ҳар кимсаки дўсти бор — кечар меҳрингдин,
Кўйингдаки ким кечар — гадолиғ истар...

4

Чун ҳақ ва талаб йўлига кирмоқ жоиз,
Дунё этагин тугиб, югурмоқ жоиз.
Кўрмоққа ўзингни саъй этгил, зеро
Олам кўзи бирлан уни кўрмоқ жоиз...

5

Ишқ етса кўнгилга, дилга у дард айлар,
Дарди дили мард мардни боз мард айлар.
Ўз оташи ишқида ёнар ул, вале
Дўзахни чу ўзгалар учун сард¹ айлар...

6

Эй васлинг ўлиб маойина душмани дил,
Ким елга учармиш ул ҳама хирмани дил.
Ул дамки санамлар юзига термилсанг,
Билгилки, гуноҳ остидадир гардани дил...

7

Ул бода ичиб демасмен: ҳушёр бўлайин,
Бул мастлиғ аро наикки бедор бўлайин.
Бир жоми тажаллийи жамолинг менга бас,
То йўқлигу борликдин безор бўлайин...

8

Чун нонга чекиб тоату тақвони,
Сўнг супрада ит олдига қўйсам они,
Ул ит агарчи оч эрур, зиндоний,
Номус юзидан оғзига олмас они...

¹ Сард — совуқ.

9

*Эй дил, диёнатда ажаб расвосен,
Инсоф била айт, ишққа нечун ошносен?
Ишқ оташи тез эрур, сендек сув эмас,
Тупроқ чу бошинга етар, билгосен...*

10

*Ай тун, қоронғу тун, саҳар бўлгайсен,
Бу дарди дилимга сен самар бўлгайсен.
Ай субҳ, отланиб келарсан, оё
Мақсуди дилим сари хабар бўлгайсен...*

11

*Ул дев ичимдадир, чу пинҳон эрмас,
Ким бош кўтариб юрмаги осон эрмас.
Иймонини минг-ҳазор бор талқин қилдим,
Ул кофир ўзи асли мусулмон эрмас...*

12

*Ҳар лаҳза бу мардонаю фарзона кўнғил,
Ёнғай сенинг ишқинг била жонона кўнғил.
Бир лаҳза муҳаббат майини тарк этсам,
Тўлғай шу жигар қонига паймона кўнғил...*

13

*Бул шўху паршонлигимиз боиси ул,
Ошуфтаю ҳайронлигимиз боиси ул.
Ҳар кокили торига неча дил бойлаб,
Чун ғунчаи хандонлигимиз боиси ул...*

14

*Дарвиш элига айлама таън: хор улар,
Ҳар нечаки бор улар — чунин бор улар.
Билмоқ тилагинг эса улар аслида ким —
Олам майини буюрки, хуммор улар...*

15

*Юзинг, малагим, оламоройи ҳама,
Васлинг тунн-кун, бас, таманнойи ҳама.
Хушдир менга эл олдида оҳлар уришим,
Лек элга ёқар оҳи ҳама, войи ҳама...*

Шайх Нажмиддин Кубро — халқимиз маданияти кўкида ўчмас, порлоқ бир юлдуз... У 1145 йили Хивада туғилди. Аввал Хоразмда, сўнг Миср ва Табризда ўша даврнинг машҳур алломалари ҳузурида дарс ўқиди. Умр бўйи илму ҳақиқатга интилиб, улўғ сиймо, устози мумтоз бўлиб етишди. Мажиддин Бағдодий, Фаридуддин Аттор, Баҳоуддин Валад (Жалолидин Румийнинг отаси) каби буюк шоир ва вомлар унинг мактабида таҳсил кўришди. У «Шайхи валитарош» — авлиёлар етиштирувчи шайх, номи билан бутун Шарққа донг таратди...

1221 йил ёзида мўғул қўшинлари Урганчни ўраб олишди. Муҳаммад Хоразмшоҳ пойтахтни ташлаб қочди. Чингизхон шайх Нажмиддинга омонлик бериб, унга ўз яқинлари билан шаҳарни тарк этишни таклиф қилди. Лекин босқинчининг бу «лутфу марҳамати» қатъиян рад этилди. «Шу тупроқда туғилибмиз, шу тупроқда ўламиз!..» Эртаси кун кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. Етмиш олти ёшли, мункиллаб қолган шайх Нажмиддин халқдан лашкар тузиб, қўлига найза олиб, ўзи лашкар олдига тушиб, Урганч фуқаросини жангга бошлаб борди. Даҳшатли қонқирон бўлди. Шайх Нажмиддин бир ҳамла билан душман байроғини тортиб олди, сўнг ўлғунича, ҳатто ўлгандан кейин ҳам уни қўлидан бўшатмади. Алишер Навоийнинг ёзишича, ғанимлар ўн киши ёпирилиб ҳам байроқни олишолмаган, шайхнинг бармоқларини битта-битталаб кесишга мажбур бўлишган...

Шайх Нажмиддин Кубро нафақат алломаи замон ва ажойиб ватанпарвар, балки асл, оташнафас шоир ҳам эди.

Азиз журналхон, сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган мазкур таржималарда муаллифнинг ўз сўзлари, ўша давр адабиёти ва фалсафаси билан изоҳланадиган иборалар, изофаларни сақлаб қолишга интилдик. Келинг, шайх Нажмиддин Кубро рубойларини биргаликда ўқийлик, буюк бобомизнинг ўлмас ёдини ҳурмат ва ифтихор билан эсга олайлик.

ТАРЖИМОН.

16

Бир кун кўрасенки, мен безондирман,
Теграмда халойиқ тўла афғондирман.
Қабрим бошига келиб ўтиргил, айтгил:
Ўлдирдим ўзим, вале пушаймондирман...

17

Васлинг ила толеим фузундир кечаси,
Ҳажринг била бори дийда хундир кечаси.
Ай зулфинг ўлиб мисоли кун сўнгида шом,
Вай икки юзинг мисоли кундир кечаси...

18

Софий бўлибон бир кеча нолон-гирён,
Қўзғол ба ҳазрати худованди жаҳон.
Қон-ёш тўкибон қўлингга ханжар олгил,
Сўнг ургил уни ўзингга, тарк эт макон...

19

Чун шарбати ишқинг била дил маст бўлгай,
Ҳам ҳажри-фироқинг ила ул паст бўлгай.
Илқинг узатиб, сен бу йиқилганни кўтар,
Нест бўлган ўшал тан ва кўнгил ҳаст бўлгай...

20

Ул силсиламўи оҳудин қўрқармен,
Ул нозу карашма, кулгудин қўрқармен.
Ҳар кимсаки қўрқадир ёмон кўзлардин,
Мен бечора шу чаши жодудин қўрқармен...

21

Ҳар неча умрга меҳри жон бўлди талаб,
Пайдо ва ниҳонга безумон бўлди талаб.
Кўнгил эшигин очдию лекин кўргил —
Ул қайдаю бизга не макон бўлди талаб...

22

Ой юзли санамларки, чу офтоб сийна,
Ул асли чигиллардан эмиш, ўйлагин-а.¹
Кўнгил олишар ва жонга ханжар солишар,
Ул жумла бало бўлса, алардин не гина...

23

Эй розиқи мор ва мур ва зоғу булбул²,
Хок ўлди бари — ул сенга бўлганлар қул.
Ит панжасига баҳона берган сенсан,
Сендан яралибдир ўша тотору мўғул...

24

Ҳар сабзаки сув яқосида юз очмиш,
Бир руҳи фариштадир магар, кўз очмиш.
Бир хоки паривашики, ёмон қўйма қадам,
Бу гўшаки чун лолову нарғис очмиш...

25

То аҳли фақрга ҳамнишин этмишсен,
Бемунису толеи забун этмишсен.
Ким бунга етишдим сенга ошнолиғ ила,
Айтгил, нега инчунин этмишсен...

Форсийдан Жамол КАМОЛ таржимаси

¹ Чигил — туркий қавмининг номи. Чигилларнинг қизлари гўзаллиги билан машҳур бўлган.

² «Эй ҳаммага ризқ берувчи...» маъносида.



Анатолий Ершов

ХИВА — ҚЎРИҚХОНА ШАҲАР

Мўъжазгина Хива шаҳрини кўпчилик яхши билади. Бу ораста шаҳарча минг-минглаб саёҳат ишқибозларини ўз бағрига оҳанрабодай тортиб туради. Кишилар уни кўриш учун Америка ва Австралиядан, Европа ва Осиёдан, жаҳоннинг энг узоқ бурчакларидан келишади. Шарқ мўъжизасини ўз кўзлари билан бир бор томоша қилиш учун қадам ранжида қилишади.

Мен ҳам бу шаҳарни бир бор кўриш орзусида эдим. Яхши ният — ёрти мол, деганлари рост экан. 60-йилларда бу орзум ушалди. Кейинчалик Хивада яна бир неча бор бўлдим. Лекин илк таассуротларим хотирамда бир умрга муҳрланиб қолди. Йигирманчи аср эди, қўшни Қозоғистоннинг Бойкўнғиридан жасур йигитлар фазога йўл олишаётганди. Мен эса ўзимни бир мўъжиза билан ўн саккизинчи асрга келиб қолгандек ҳис қилдим.

Хивага турли йўллар билан бориш мумкин. Аммо ҳамма йўллар саҳродан ўтади — чунки Хоразм воҳаси саҳро ўртасида жойлашган. Утмишда бу йўллардан фақат туя қарвонларигина ўта олган. Бизнинг кунларимизда эса поезд, автобус ёки, энг яхшиси, самолётда бориш мумкин. Самолёт иллюминаторидан пастга қарасангиз, чеки-чегараси йўқ қум барханларини кўриб кўзингиз толади... Ниҳоят, ерда нимранг ҳошия — ёблар ва йўллар билан чегараланган экинзорлар кўзга ташланади. Ёзда улар кўм-кўк, кузда заъфарон, қиш тушар-тушмас — тўқ жигарранг тусда бўлади. Самолёт қайрилиб, пастлай бошлади. Зум ўтмай ўзингизни замонавий шаҳар — Урганчда кўрасиз. Автомобилда ўттиз чақиримча юрсангиз, Хива шаҳрига кириб борасиз. Мана шу ерда сиз вақт жиҳатидан катта тафовутга дуч келасиз: кўз олдингизда ўрта асрда бунёд этилган, эгри-бурги кўчалардан иборат бўлган кўҳна шаҳар намоён бўлади.

Шаҳарнинг жин кўчаларидан юрсангиз, ўзингизни гўё дарё тубида ёки канал ичида кетаётгандек ҳис қиласиз. Қадам товуши ёштин деворларга урилиб, кучли акс-садо беради.

Шаҳар аввалига гўё кимсасиз, аҳолиси кўчиб кетгандек туюлади. Фақат аҳён-аҳёнда қаердан-дир бир гала болалар пайдо бўлишади-да, яна тез ғойиб бўлишади. Баъзан ёлғиз йўловчилар учраб қолишади. Уларнинг кийинишига қараб шу ерликми ёки бегоналигини билса бўлади.

Хоразм аҳолиси азалдан бошга чўгирма — қора кўй терисидан тикилган юмалоқ қалпоқ кийишади. Бундай бош кийимдаги кишига жанубнинг жазирама қуёши писанд эмас. Икки саҳро оралиғида жойлашган воҳада қуёш шафқатсиз ўт пуркайди.

Иқлим ҳатто одамлар рангига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Хиванинг тор кўчаларидан шошиб бораётган дехқонларнинг юзи қорамғиз...

Аҳён-аҳёнда эшак минган мўйсафидлар ҳам учраб қолади. Улар ё неvara-чевараларидан хабар олгани ёки кексаларга хос юмушлар билан бораётган бўладилар.

Баъзан бошига рўмол ўраган аёлларни ҳам кўрасиз.

Ниҳоят, сирли нимқоронғу тор кўча муюлишида кўз олдингизда тўсатдан нақшинкор пештоқли ва маҳобатли гумбазли улуғвор обидалар намоён бўлади. Уларнинг ортида эса зангори осмонда ранг-баранг тусда товланаётган, асли мовий бўлган Исломуҳжа минораси худди сузиб кетаётганга ўхшайди...

Унинг устидан — 50 метр юқоридан атрофга назар ташласангиз, қадимги Осиё меъморчилигининг мислсиз ёдгорлиги худди қафтдагидек кўриниб туради. Кўз ўнгингиздаги гўзал манзарага маҳлиё бўлиб қоласиз. Ҳар бир тупроқ, тош, гумбаз, минора алоҳида-алоҳида иншоот бўлишига қарамай, улар ички бир яхлитлик ва мутаносиблик билан ажиб бир манзарани вужудга келтирган. Ҳамма нарса қуёш ёғдусига чулганган. Афсуски, ҳеч қандай фотоаппарат бундай ранг-баранг бўёқлар ва нурлар замзамасини қандай бўлса, шундайлигича акс эттира олмайди.

Исломуҳжа минорасига шаҳарнинг ички қисми — Ичанқалъа иншоотлари тутатиб кетган. Бир вақтлар унинг деворлари ичида куллолар, тўқувчилар, чилангарларнинг савдо-ҳунармандчилик расталари жойлашган бўларди... Ҳув нарида шаҳарнинг ташқи қисми — Дишанқалъа жойлашган, унинг атрофи ўтган асрда девор билан ўралган. Дишанқалъа ортида замонавий қурилишлар кўзга чалинади. Ундан нарида боғ-роғлар ва пахтазорлар саҳрога тутатиб кетган.

Дишанқалъада фақат айрим меъморчилик ёдгорликлари, ховузалар ва кўҳна боғлар сақланиб қолган. Қадимий меъморчилик дурдоналарининг асосий қисми Ичанқалъада жамланган.

Ичанқалъанинг шимолий қисмида Хива хонларининг ўрдаси — Кўҳна арк жойлашган. Урда ҳовлисидаги иншоотлар XVII асрдан бошлаб қурилган. Урдада хон саройи, унинг девони ва саломхонаси, ҳарам, ёзги ва қишки маҷитлар, зарбхона, ўқ-дори омборхонаси, турли устахоналар, отхона ва қоровулхоналар бўлган... Аммо шафқатсиз замон дастидан айрим биноларгина омон қолган.

Табиатдаги ҳамма нарса мунтазам ҳаракатдадир. Вақт фақат Хива учун уч аср давомида тўхтаб қолди, бу даврда шаҳар маҳаллий хонларнинг қароргоҳига айланди. Хонлар ва зўравонлар зулмига фақат 1920 йил 2 февралдагина чек қўйилди — Хоразмда халқ революцияси ғалаба қозонди. Хиваликлар инқилобий ҳаракатга дахлдор қўтулғ мавзеларни ҳам худди минг йиллик тарихий обидалар сингари эъозлайдилар. Масалан, кексалар сизга Хоразм Халқ Совет Республикасининг Меҳнат орденини қўлда ясаган маҳаллий кандакорлар устахонасини бажонидил кўрсатишлари мумкин. Бу орден билан илк бор В. И. Ленин тақдирланган.

Шунингдек, хиваликлар мамлакатимизда Владимир Ильич Ленинга ўрнатилган дастлабки ҳайкаллардан бирини муқаддас билиб зиёрат қиладилар. Ҳайкалтарош С. Д. Меркулов яратган бу ёдгорлик 1925 йил апрелда тантанали йўсинда очилган. У яхлит гранитдан йўнилган бўлиб, ўша пайтда Москвадан Хивага катта қийинчилик билан олиб келинган. Ҳозир бу ҳайкал Хиванинг марказий майдонига кўрк бағишлаб турибди.

1967 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан Хиванинг маркази — Ичанқалъа қўриқхона деб эълон қилинди. Шу тариқа шаҳар тарихида янги саҳифа очилди.

Мен бугун яна кўҳна Хиванинг тор кўчаларидан юриб бораёпман. Машҳур географ В. И. Масальский аср бошида шундай ёзган: «Ҳеч қандай ободончилик ишлари олиб борилмаётганлиги, лой кўчалари, шаҳар ўртасидаги иншоотлар ва қабрлар ярим вайронга айланганлиги оқибатида кўҳна Хива, менинг назаримда, Урта Осиёдаги энг кўримсиз шаҳарга айланган». Мана бугун эса илгари шундай бўлганига ишонмайсан. Хива ўзининг ҳозирги покизалиги ва саришталиги билан кишини лол қолдиради.

Кейинги даврда Хивадаги ўнлаб меъморчилик обидалари қайта тикланди ва таъмирланди. Аввал келганимда уларнинг айримлари оғборхона вазифасини бажарарди. Ҳозир асбоб-анжомлардан холи. Тарихий марказдаги кўчалар қиёфасини симёғочлар бузиб турарди. Эндиликда улар ҳам йўқ. Бу кўчалар ҳозир худди ўтмишдагидек фонуслар (ток билан ёнадиган) билан ёритилади.

Полвондарвоза гумбазли долонининг ярим ёёсимон расталарида хунармандлар ишлашмоқда. Кандакорнинг моҳир қўллари обтобаларга нақш ўймоқда. Сал нарироқдаги совғалар дўконидан шу усталар яратган буюмларни харид қилиш мумкин.

Қадимий шаҳар кўчасидан бироз юрсангиз, яна бир устахонада кулол ўз чархи билан лойга «жон киритаётганини» — аста-секин нафис коса пайдо бўлишини кўрасиз...

Хива кўчаларида бундан юз, икки юз, уч юз йил аввал ҳам кулол чархи худди ҳозиргидек ғир-ғир айланар, кандакорларнинг моҳир қўллари мисга нақш ўярди... Хивадаги тарихий манзара ҳар бир зиёратчига таъсир қилади. Шунда беихтиёр кўз олдингиздан «Минг бир кеча» эртақларидаги эпизодлар, бозорга шошаётган оломон орасида эшак миниб бораётган Хўжа Насриддин қиёфаси милтиллаб ўтгандек бўлади...

Меъмор ва таъмирчиларнинг муддаоси ҳам кўҳна тарих муҳитини яратиш эди.

Шаҳар худди жонли организмдек ўсиб-ўзгариб бормоқда. Лекин замонавий қурилишлар миқёси кўҳна Хивага зарар етказмаслиги, унинг ўзига хос қиёфасига раҳна солмаслиги керак. Менимча, бу ерда иш олиб борган С. Сутягин бошчилигидаги тошкентлик меъморлар бунга муваффақ бўлишган. Улар замонавий қурилишлар структурасини муваффақиятли ишлаб чиққанлар. Меъморлар меҳмонхона, универмаг, маданий-маиший биноларнинг лойиҳасини яратишганда тарихий меъморчиликка хос айрим элементлардан оқилона фойдаланганлар. Натижада янги бинолар кўҳна шаҳарнинг қиёфасига уйғунлашиб кетган.

Янги микрорайонга асосан икки қаватли коттежлар қурилди. Бу шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари, кўламига (Ичанқалъадаги эски турар-жойларнинг аксарияти бир қаватли уйлардир) зид эмас. Қурилишнинг бундай услуби янгилик билан эскилик орасига раҳна солмайди, аксинча, у ўтмиш ва ҳозирги замон уйларининг бир-бирига мутаносиб бўлишига, бир-бирини тўлдириб туришига имкон беради.

Ҳар икки қаватда ҳам истиқомат хоналари бўлган коттежларнинг ичкари ҳовлиси бор. Бу — маҳаллий аҳолининг азалдан таркиб топган урф-одатига мос. Шунинг учун одамлар бундай уйларга бажонидил кўчиб ўтмоқдалар.

1985 йил Софийадаги амалда жорий этилган архитектура лойиҳалари халқаро конкурсида тошкентлик меъморларнинг Хива шаҳрида қурилган уйлари лойиҳаси бронза медалга сазовор бўлди.

Хива келажакда ғарбий ва шарқий йўналишларда, кўҳна шаҳарга халақит бермайдиган тарзда кенгай бошлайди. Хуллас, келажакда ҳам шаҳарнинг ўзига хос қиёфасини асраш ва уни туризмнинг энг нуфузли марказига айлантириш учун барча ишлар амалга оширилади.

Бироқ қўриқхонага айлантирилган шаҳарлар фақат туризм билангина яшамайди. Бундай шаҳарларнинг иқтисодий тараққиёти йўналишларини тўғри белгилай олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Улар фақат таъмирчилик устахоналари ва маҳаллий саноат корхоналари билангина чеклиниб қолмайди. Масалан, хиваликларнинг маълум қисми пахта тозалаш ва тикувчилик фабрикасида меҳнат қилиб рўзгор тебратди. Шаҳар атрофида Урта Осиё — Марказ магистрал газ қувурига хизмат қилувчи компрессор станцияси қад кўтарди. Бундан ташқари яна бир нечта кичик корхоналар, хусусан, қўлда гилам тўқиш фабрикаси бор. Бироқ булар кам эди. Бугунги кунда йирик, замонавий, лекин қўриқхона-шаҳар қиёфасига путур етказмайдиган корхона зарур бўлди. Агар бундай корхонадаги ишчи касблари маҳаллий аҳолининг азалий аъёналарига мос тушса айни муддао бўларди.

Хива учун шундай корхона топилди — гилам комбинати қуришди. Уйлаймизки, бу тўғри иш бўлди.

Замонавий шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқ комбинат Хиванинг қадимий марказидан анча олисда қурилди. Корхонанинг биринчи навбати ўн йил олдин ишга туширилди. Ҳозир бу ерда йилига 2,4 миллион квадрат метр маҳсулот тайёрланмоқда. Хива гиламларининг ранг-баранг гуллари, нафис безаклари кўҳна шаҳардаги кошинкор обидалар жиёси билан баҳслашади, қадимги усталарнинг бугунги авлодлари гўзаллик яратиш аъёналарини муваффақиятли давом эттираётганликларидан гувоҳлик беради.

Бу комбинат Ўзбекистондаги машиналар билан гилам ишлаб чиқарадиган яккаю ягона корхо-

надир. Хиваликлар, шубҳасиз, ўз комбинатлари билан фахрланадилар, уни мароқ билан меҳмонларга кўрсатадилар. Биз, бир гуруҳ тошкентлик ёзувчилар ҳам яқинда шу комбинатда бўлганимизда, хиваликларнинг фахр-ифтихорларига шерик бўлдик, ютуқларидан қувондик.

Комбинатдаги энг йирик ва ёруғ цехлар, рангли кошинлар билан безатилган ҳовузлар, атрофга муздай сув сочаётган фаввораларни кўриб одамнинг баҳри-дили очилади. Айтганча, фавворалар соф технологик мақсадга ҳам хизмат қилар экан, Йигирув цехидаги ҳавони намлаб, тола узилишини камайтираркан. Бу ерда ишчилар соғлиғини сақлаш учун кўп иш қилинган. Масалан, асабни тинчлантирувчи хоналар ташкил этилган.

Бизга гилам тўқишдаги барча жараёнларни кўрсатишди. Кўз олдимизда кулранг-кир жун тойлари ингичка ранг-баранг иппларга айланаяпти. Махсус машиналар эса ўша ипплардан улкан гилам юзасида ажойиб ва анвойи безакларни вужудга келтирарди.

Комбинатга жун Туркманистон ва Озарбойжондан, нитрон — Навоий шаҳридан, капрон ва бўёқлар эса Россиядан келтирилади.

Хом ашё мураккаб қайта ишлаш жараёнидан ўтади. Бундан мақсад жуннинг бебаҳо табиий сифатларини сақлаб қолган эшилган ип олишдир. Ҳамма ишни машиналар бажаради. Улар жунни тозалайди, толани тарайди ва эшиб, муайян рангларга бўяйди. Ишлов бериш давомида тола «толиқади». Шунинг учун уларга алоҳида камераларда маълум вақт «дам» берилади.

Ниҳоят эшилган ипплар гилам тўқув цехига келтирилади. Бу ерда чинакам мўъжиза рўй беради — ипплар гилам юзасидаги гулларга айланади. Томошабинларни энг қизиқтирадигани ҳам ранг-баранг безаклар ва турфа хил рангларнинг қандай вужудга келишидир. Маълум бўлишича, бу иш махсус тузилган ва машинага солинган программага биноан автоматик тарзда бажарилар экан. Программалар эса рассомлар ишлаган эскизлар асосида яратилади.

Ўрта Осиёда гиламдўзлик қадимий анъаналарга эга: Бу ҳунар айниқса, туркман қабилалари орасида, Бухоро ва Хива хонликларида кенг тарқалган.

Ўтмишда гилам турли узунлик ва йўғонликдаги дастаклардан иборат оддий дастгоҳда тўқилган. Аёллар бу санъатга болаликларидан ўрганишган, қизлар эса 7—9 ёшдан ип йиғира бошлашган. 11—14 ёшдан катталар билан гилам тўқишган. 30—35 ёшларида бу ҳунарни мукамал эгаллаб олишган. Ҳозир, машинада тўқилаётган шароитда касб маҳоратини 10 йил олдинроқ эгаллаш мумкин. Бироқ бошқа муаммо пайдо бўлиб қолди. Ишчилар бу ҳунарни эндигина яхши эгаллаб, қулфидиллари очилиб меҳнат қилаётганларида турмушга чиқадиларда, бола-чақа, рўзғор ташвишига ўралашиб қолиб, комбинатга қайтиб келмайдилар.

Қадимда аёллар бир квадрат метр гилам тўқиш учун камида бир ой вақт сарфлашган. Шунинг учун улар катта гилам тўқиш учун қариндош-уруғларини йиғиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашган. Бугунги кунда эса комбинатдаги ҳар бир аёл бир сменада 40—45 квадрат метр гилам тўқийди. Бу гиламлар ташқи кўринишидан қўлда тўқилган гиламлардан қолишмайди. Тўғри, ҳозирги замонавий машиналарда ишланаётган гиламдўзлар бажарадиган вазифа ўтмишдагига қараганда анча торроқ. Масалан, тўқувчилар технологик жараёнларнинг аниқ бажарилишини кузатиб, узилган иппларни зудлик билан улаб турсалар бас. Қадимда эса гиламдўз барча тайёргарлик ишларини: ип йиғириш, дастгоҳни ишга тушириш, энг асосийси, мавжуд анъаналарга биноан, гилам безакларини яратиш ишларини ўзи бажарарди.

Ҳозир гилам безакларини рассомлар тайёрлашади. Комбинат рассомлари асосан рассомчилик билим юртларини яқинда тугатган ёшлардан иборат. Машиналар программасига киритиладиган безакларни тайёрлаш учун фақат илҳом ва соф касб кўникмаларининг ўзигина камлик қилади. Рассом гиламдўзлик тарихи ва унинг ҳозирги даврдаги аҳоли буйича махсус билимга ҳам эга бўлиши лозим.

Гиламнинг безаклари тайёр бўлди дейлик. Лекин уни бирдан ишлаб чиқаришга жорий этиб бўлмайди. Бунинг учун безакнинг хомаки нусхаларини мутахассислардан иборат махсус бадий совет кўриқдан ўтказиши шарт. Бу совет Иттифоқимизнинг у ёки бу шахрида вақти-вақти билан янги безакли гилам нусхаларини оммавий ишлаб чиқариш учун йўлланма беради.

Бир қарашда ҳамма иш жойидага ўхшайди. Юзага келтирилган система харидорлар манфаатини қатъий ҳимоя қилади. Бироқ мен «Хива безаклари туширилган гиламни кўрсатинг», деб илтимос қилинганда комбинат ходимлари елка қисийганини кўриб шубҳаланиб қолди. Бундай гиламларга магазинларда ҳам қизиқиш катта. Лекин афсуски, сотувчилар харидорларга нима дейишларини билолмай қоладилар.

Яқинда Тошкентда Гиламлар ва сўзаналар музейи очилди. У Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг филиали саналади. Мен шуни эслаб: «Кўргазма экспозициялари орасида албатта шундай гиламни кўрарман», деб умидвор бўлдим. Хивадан қайтганча ана шу музейга кирдим.

— Сиз Хива безаклари туширилган гиламни кўрмоқчимисиз? — деб сўрайди хижолатомуз музей ходимаси Лариса Тамоева. — Афсуски, орзуингизни ушата олмаймиз. Бизда машинада чиқарилган, ҳозир Тошкент Марказий универмагида қалашиб ётган Хива гиламларига бир зал ажратилган эди. Бироқ уларнинг безаги Хиваники эмас. Шунинг учун уни кўргазмадан олиб қўйдик. Қўлда тўқилган иккита кичикроқ гилам бор. Биттасини рассом-тўқувчи Клавдия Заршчикова безаган. Гиламнинг безаги анча оддий. Иккинчиси «Пахта» деб аталади — туркман гиламининг энг яхши намунаси.

— Асл Хива безаги туширилган гиламни қаерда кўришим мумкин?

— Ўрта Осиё гиламдўзлигига оид китобларда, область музейларининг омборларида (одатда барча гиламларни намойиш қилиш учун жой етишмайди) ҳамда хиваликлар хонадонида қуришингиз мумкин.

— Нима учун сизлар область музейларидан олмайсиз? Улар барибир гиламларни намойиш қилишмаса...

— Албатта, таклифингиз жуда яхшику-я, бироқ музейлар бошқа муассасалардаги кўргазмалар учун гиламларини омонатга беришлари қийин.

Жаҳон қобусномасида «Хива безаги», «Хива нақшлари» деган тушунча бор. Уларни усталар асрлар мобайнида яратган. Бироқ Ўзбекистон гиламлар музейида асл Хива гиламининг йўқлиги ачинарли ҳол, албатта. Бу музей экспонатлари қашшоқлигини билдирмайди. Музейда республи-

кадаги барча районларнинг амалий санъати яхши намойиш этилган. Шунинг учун ҳам бу ерга жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан томошабинлар келаётгани бежиз эмас. Бу ҳозирги пайтда халқ усталари санъатига қизиқиш зўрлигини исботловчи яна бир далилдир. Шунинг учун ўзбек гиламлари Нью-Йорк, Истамбул ва жаҳоннинг бошқа шаҳарларидаги музейларда намойиш этилаётганига таажжубланмаса бўлади.

Тошкентда эса Хива безаги билан тўқилган асл гиламнинг бирор бир кўргазмада йўқлиги кечирилмас ҳодисадир. Замоनावий гиламдўзлик ҳам Хива безакларига эътибор бермаяпти.

Еш санъатшунослар ноёб Хива безаклари билан тўқиладиган гиламларни яратишда гиламдўзларга ёрдам беришга ҳамisha тайёр. «Бироқ улар бизга мурожаат қилганлари йўқ,— дейишдади музей ходимлари. — Бунинг устига, ким ҳам бизни Хивага командировкага юборарди, кейин комбинат бизнинг идора қарамогига эмас-ку».

Шундай қилиб, идоралараро ғов борлиги оқибатида бутун бошли халқ ҳунармандчилиги мактабининг ажойиб анъаналари ҳаётимиздан аста-секин йўқолиб кетмоқда...

Ҳозир одамлар ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликларнинг ноёб турларини кўз қорачиғидек асраш кераклигини тушуниб қолдилар. Ҳайвонот ва наботот олами қатъий назорат остига олинган, бу борада бебошлик қиладиганларга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Шундай экан, эски ҳунармандчилик санъатининг сир-асрорларига лоқайд қараш қайси бебошликдан кам? У жамиятимизга жуда катта маънавий зарар етказмоқда. Балки камёб, йўқолиб бораётган халқ ҳунармандчиликларини ҳам «Қизил китоб»га киритиш керакдир?

Халқнинг қўп асрлик тажрибасини авлодлар учун асраш, келажак манфаатига хизмат қилдиришдан ҳам олижанобрёқ иш борми? Хива гилам комбинати ҳам бундай ишдан четда турмаслиги керак. Ахир бу комбинат корхона манфаатларини ҳам ифодалайди-ку. Зеро, улар тўқийтган гиламларга ҳозирги кунда талаб сусайиб кетмоқда. Чунки, ишлаб чиқараётган моллари, танқис бўлмай қолди. (Ҳолисанилло айтганда, бу бошқа гиламдўзлик корхоналари учун ҳам хосдир). Янги шароитда харидор талабларини ўз вақтида пайқаб, моллар ассортиментини доимо янгилаш, маҳсулот сифатини ошириш, шунингдек, менинг назаримда, халқ ижодиёти меросидан самарали фойдаланиш керак. Хиваликлар бу масалани зудлик билан ўйлаб кўришлари лозимлигини савдо ташкилотлари, жумладан, юқорида эслаб ўтилган Тошкент Марказий универмагидagi аҳвол такозо этмоқда. Марказий универмаг ходимлари менга Хивада ишлаб чиқарилган гиламларнинг запасини кўрсатишди. Харидорларнинг талаблари эътиборга олинса, бугунги кунда магэзинларда тўпланиб қолган гиламларни сотиб тугатиш учун бир неча йил керак бўлади. Ҳолбуки, уларнинг тури, нусхаси бойиса, бежиримлиги ортса аҳвол бирмунча ўзгариши мумкин.

Хива безаклари билан гиламлар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Масалан, машиналар билан беш хил рангдаги гиламлар тайёрлаш мумкин. Ўзбек халқ гиламдўзлигида эса, одатда атиги икки-уч хил рангдан фойдаланилади. Толага ранг беришда ўсимлик бўёқлари қўлланилади.

Бунинг чорасини халқ усталари топишди. Эндиликда кўпгина мамлакатлардаги усталар замонавий услубга ўтдилар. Саноат чиқараётган бўёқлардан фойдаланиб, ёрқин ва тўқ ранглар ҳосил қилишмоқда. Натижада халқ усталарининг маҳсулотлари янада жозибадор бўлаяпти. Уйлаймизки, агар истак бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиш мумкин.

Ҳозир фақат Хива безаклари билан гиламлар ишлаб чиқаришгина эмас, балки халқ амалий санъатининг бошқа турлари тақдири ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бир вақтлари гуллаган халқ амалий санъати мактаблари ҳам сўниб, аста-секин йўқолиб кетмоқда. Халқ ҳунармандчилигининг ҳозирги тартиби эса ҳамма маҳсулотларни бир қолипга солиб, «ширпотреб» талабларига мослаштираяпти. Масалан, мабодо қўлда тўқиладиган гиламлар фабрикасининг ишчиси ижодий ташаббус кўрсатиб, бирон-бир янгилик киритсинчи, тасдиқланган намунадан чекингандликда айбланиб, дарҳол жазоланади. Бундай аҳволда истеъдодли кишилар, халқ анъаналарини ижодий ривожлантириш масаласи нима бўлади?

Хива гилам комбинатида бўлганимда миямда шундай нохуш фикрлар пайдо бўлди.

Халқ усталарининг келажаги, уларнинг меросини сақлаш ва такомиллаштириш ҳақидаги ўйлар мени қадимий Хиванинг кўчаларида, асрий шамоллар сайқал берган, қуёш нури тоблаган, ҳар бир тош гўзаллик яратган кишилар тақдири ҳақида сўзлашга тайёр бўлган жойларда ҳам тарқ этмади. Уларнинг кўпчилиги номи номаълумлигича қолди. Мўйсафидлар ўтган асрда яшаган айрим усталарнигина биладилар.

Шулардан бири — машҳур ёғоч ўймакор Ота Полвоновдир. Мен Хива усталарининг отахони билан муҳбирлик қилиб юрганимда танишганман. Ушанда у 100 ёшда эди. Оддий Хива хонадониди мен мункиллаб қолган қарияни учратдим. Бу шаҳарда унинг бирорта ҳам тенгдоши йўқ экан. У тўрт хонни ва икки жаҳон урушини кўрган.

Ота Полвонов дарахт остида, унинг танасига суюниб ўтирарди. Ташқи қиёфасидан айнан хивалик оқсоқолларнинг ўзгинаси, кийими ҳам одатдагидек, бошида қоракўл терисидан тикилган анъанавий чўғирма.

Уста кексайиб қолганига қарамай ўз ҳунари ҳақида бажонидил сўзлаб берди, узоқ ўтмишни эслади. Тўғри, олимлар ва журналистлар унга кўп эътибор бераётганликларидан ажабланди. У ҳам ахир оддий уста-ку!

У ўн ёшлигидаёқ қўлига искана олиб отаси Полвон Сатторовга ёрдамлаша бошлаган. Отаси халқ орасида моҳир уста сифатида шўҳрат қозонган. (У Тошҳовли саройидаги устунларнинг бир қисмидаги, Ислмуҳжа мадрасасининг эшикларидagi ўймакорлик ишларини бажарган).

Ота Полвонов 16 ёшидаёқ мустақил ишлаш бошлаган. Йигирма ёшида эса тажрибали уста бўлган. Уни хон саройига — эшик, устун, дарвозаларни ишлашга таклиф қилишган.

Кекса уста бошидан ўтган бир воқеани эслайди. Бир куни у шаҳарлик мижозига эшик ясаётганда, хон амалдори бу ишни тўхтагиб, ўзининг буюртмасини бажаршига амр қилади. Уста бундай қилолмайман, ваъда берганман, деб бош тортади. Шунда устанинг ҳовлисига навкарлар бостириб келишади...

Ота Полвонов кексайиб қолгунга қадар меҳнат қилди. У Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театрини пардозлашда (театрнинг кичик фойсидagi эшикларни ясади) иштирок этди,

85 ёшида Ургач вокзали биносининг эшигини ажойиб тасвирлар билан безади, 95 ёшида кўргазмалар ва панорамалар маъмуриятининг буюртмасини бажарди — ўймакор эшик ва устун ишлаб берди.

Бироқ хивалик устанинг энг машҳур иши 1937 йилда Париждаги Халқаро кўргазмада намоиш қилинган ўймакор устундир. Кўргазма жюриси бу нодир иш учун уни Биринчи даражали диплом ва «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирлаган. Чунончи, устанинг Навоий театридаги ёғоч ўймакорлиги ишларига ҳам СССР Давлат мукофоти берилган.

Ота Полвонов невараси Хуррамбойга иш буюради. Кўп ўтмай бола ичкаридан бир даста безак трафаретларини кўтариб чиқади. Бу бобо сақлаган «иш архивининг» бир қисмигина бўлса керак. Уста бир вақтлари мана шу қалин альбомдан зарур нақшни танлаб, уни ёғочга туширган. Сатҳдаги безаклар чизиги докага ўралган кукун орқали трафаретдан ўтказилади.

Ота Полвоновнинг ёғочга ўйган нақшларини лунда қилиб айтганда, жаннат боғларининг латофатига қиёслаш мумкин. Унинг нақшларида жонли япроқлар тасвири; ранг-баранг гуллар намоён бўлади.

Хивада табиатдаги ранг-баранг ўсимликлар тасвири ниҳоятда кенг тарқалган. Бутун Урта Осиёда ҳам шундай. Улкамизда ўрта асрлар — XIII—XIV асрлар ёғоч ўймакорлиги энг гуллаган давр ҳисобланади. Кейинчалик ҳам санъатнинг бу тури ўзининг юксак чўққисига турган. Бироқ кейинги икки аср давомида ёғоч ўймакорлиги санъатида хивалик усталар пешқадам бўлишди. Шаҳар ёғоч ўймакорлигининг чинакам кўриқхонасига айланди. Эндиликда Урта Осиёда бу санъат шаҳар меъморчилиги қиёфасига шу даражада уйғунлашиб кетган жойни учратоолмаймиз. Унинг ҳар бир кўҳна кўчасидаги, ҳар бир меъморчилик ёдгорлигидаги эшик ва устунлар ҳақиқий санъат намуналари ҳисобланади. Улар ўймакор усталарнинг бир неча авлодини камолга етказди.

Ота Полвоновнинг бобоси ҳам машҳур уста эди. Невараси унинг маҳоратини тўла-тўқис мерос қилиб олди. Оилада яратилган барча гул намуналари ҳам Ота Полвоновнинг мулки бўлиб қолди.

Кекса уста серажин қўли билан менга бир безак нусхасини узатиб: «Буни «Айланма ислимий» безаги деймиз, Хивада кенг тарқалган», деб тушунтиради.

Бу нақш — маълум бир тартибга туширилган ўсимлик шохларининг тасвири бўлиб, у ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда сержозиб, гўзал ва бир-бирига чирмашиб кетган эди.

Сўхбатдошим ёғочга ўйиладиган безакнинг довуригини кўрсатувчи бир ҳикоятни эслайди. Қадимда жасорат кўрсатган аскарларга ўз хонадони эшигига қалқон осишга рухсат берилган. Хиваликлар эса, маълумки, доимо ботир жангчи ҳисобланган. Мана шунинг учун ҳам эндиликда ҳар бир эшикда кўҳна қалқонни эслатувчи нақш ўйилган.

Хивада яратилган ўсимликлар ва гуллар нақши намуналари ўзининг жозибаси ва ранг-баранглиги билан ҳатто энг юксак дидли томошабинларни ҳам лол қолдиради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу нақшлар Урта Осиё безакларининг олий намунаси бўлиб, Хива меъморчилигидаги тасвирий манзараларнинг асл моҳиятини ифодалайди.

Ота Полвонов Хива ёғоч ўймакорларининг энг яхши анъаналарига ҳамиша содиқ қолди. Санъатшуносларнинг таърифлашича, унинг ўймакор нақшлари чизикларнинг гўзаллиги, тузилишидаги латофат, нур ва соялар ўйини, безакларнинг фавқулодда уйғунлиги ва мутаносиблиги, ботиқ фондаги тақдорланмас безаги билан ажралиб туради. Улар ҳақиқатдан ҳам асл санъат асаридир!

Улкамиздаги Ота Полвонов каби усталар ҳақида Борис Лавренев шундай деб ёзади: «...усталар сирли безаклар, тасвирлар ва шаклларнинг шу қадар мураккаб, шу қадар нафис чаманини яратишга муяссар бўдилар-ки, ҳали бундан ортиқ ёрқин бўёқлар тўлқинини ҳеч бир ирқ, ҳеч бир замон санъати ярата олгани йўқ».

— Ўймакорликдаги энг қийин иш нима? — деб сўрайман Ота Полвоновдан.

— Керакли дарахтни топиш, — дейди оқсоқол.

Устанинг айтишича, қайрағочнинг ёрилмайдиган «корман» нави ўймакорлик учун энг яхши дарахт экан. У айниқса устун жуда боп ҳам ашё ҳисобланаркан. Энг чиройли эшикни ўрикдан тайёрлаш мумкин экан. Ўрик юз йил умр кўрса танаси қизғиш рангга кираркан. Ўймакорлар арча, ёнғоқ, чинор дарахтларини ҳам ишлатишади...

Одатда усталар дарахтни бозорда эмас, ўсиб турган жойида танлайдилар. Утмишда бир туп қайрағоч учун икки-уч сигирнинг пулини беришган.

Ота Полвонов, ўз падари ва бобоси каби, янги кесилган дарахтга нақш ўймайди. Дарахт аввал селгиши, баъзан ўн йилча ётиши керак. Бу ишда ҳар бир нарса, ҳатто дарахтни қандай қуритиш ҳам муҳим ҳисобланади. Масалан, дарахт тик қўйилса бир текисда қуриydi. Тахта учун эса баҳор ойида тилинади ва камида кузгача қуритилади.

Усталарнинг асбоблари турли шакл ва ҳажмдаги ўттизга яқин исканадан (кескичлардан) иборат. Энг қалини ўн миллиметрлик.

Хивадаги ёғоч ўймакорлиги, умуман ўлкамиздаги ўймакорлик сингари текис сатҳга туширилади. Ўйма тушириладиган ёғочнинг қалинлиги икки миллиметрдан ўттиз миллиметргача бўлади. Ўймакорлик нақшлари саёз ва чуқур сатҳда бажарилиши мумкин. Чуқур ўймакорлик одатда бир планда, баъзан — икки, камдан-кам ҳолда уч планда бажарилади. Ота Полвонов айнан мана шундай ўймакорликда шўхрат қозонди.

Устунни ўймакорликка тайёрлаш учун ўрта ҳисобда бир ой, эшикка эса бир ярим ой вақт кетади. Тайёрланган буюмга қиздирилган пахта ёғи сингдирилади. Шунда қилинса у вақт ўтши билан чиройли қорамтир тусга киради, ҳароратнинг ўзгариши ва ёғин-сочинга чидамли бўлади. Хивада ёғоч бўялмайди, нанки дарахт танасининг табиий кўриниши юксак қадрланади.

Ёғоч ўймакорлигининг сеҳрли устаси мен билан сўхбатлашиб толиққан бўлишига қарамай бағри кенглик билан кулимсирайди. Ниҳоят, биз хайрлашдик. Кейин Ота Полвонов билан бошқа учрашолмадим. У 105 ёшида оламдан ўтибди. Истеъдодли уста халқига ўзининг ноёблиги ва бекам-кўстлиги билан энг талабчан санъатшуносларни ҳам лол қолдирадиган нафис ишларини мерос қолдирди.

Ўймакорларнинг отаси ҳаётдан кетди. Эндиликда усталардаги касб-корни авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирувчи ришта узилиб қолмасмикан, деган хавф пайдо бўлди. Бахтимизга бундай кўнгилсизлик рўй бермади. Машҳур уста ўзидан кейин муносиб шогирдлар қолдирди. Улардан би-

ри Сафо Боббековдир. У ўймакорлик санъатининг сир-асрорларини бир гуруҳ ёшларга ўргата бошлади. Хива меъморчилик кўриқхонасига айланганлиги муносабати билан шаҳарда кандакорлик, ганч, тош ўймакорлиги ва бошқа хунарлар бўйича ҳам шундай ўзига хос мактаблар ташкил этилди.

Тарихий обидаларни таъмирлашда кекса усталарнинг тажрибалари бебаҳо аҳамиятга эга бўлди. Масалан, «мусулмон» ғиштлари пишириладиган хумдонлар тайёрлашда ўтмишдаги усталар тажрибасидан фойдаланилди. Чунки ўрта асрлардаги иншоотлар айнан шундай ғиштлардан қурилган. Айниқса сирли кошинлар тайёрлашнинг аллақачон унутилган усулини қайта тиклаш ниҳоятда мушкул бўлди. Бу ишда Давлат Бекжонов жонга оро кирди. Кекса уста бундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун муносиб тупроқ конини излаб топди. Шу мақсадда Амударёнинг бутун қуйи оқимини кезиб чиқди. Ниҳоят, ўрта асрларда ҳам ашё қазиб олинган жойни излаб топди. Кекса уста кошин пишириш режимини аниқлаш учун кўп куч ва вақт сарфларди. Унга бу ишда ўғли Камол билан Омон ёрдам берди. Барча қийинчиликлар шунда эдики, эндиликда ота-боболаримизнинг кошин тайёрлаш усулини тўла-тўқис тиклашнинг иложи йўқ эди, бунга ортиқ зарурат ҳам сезилмасди. Масалан, ҳозир хумдонларда писта кўмир ўрнига суюқ ёқилги ишлатилади. Замонавий печларда кошинларни пишириш учун қандай жойлаштириш керак? Ҳарорат қандай бўлиши лозим? Мана шунга ўхшаш саволларга тажриба ўтказиш йўли билан жавоб топишга тўғри келди.

Шак-шубҳасиз таъмирчиларга фақат оқсоқол усталаргина эмас, кимёгарлар, инженерлар, шарқшунослар, археологлар, тарихчилар ҳам фаол ёрдам беришди. Умумий саъй-ҳаракат туфайли кўҳна қурилиш материалларини тайёрлаш жараёни аниқланди.

Хивадаги меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш иши билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузуридаги таъмирлаш бўйича махсус илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти шуғулланади. Мамлакатимизда бундай институтлар кам. Унда катта ва жиддий ишлар олиб бориляпти. Ҳар бир соҳада бўлганидек, маъзур институт ишларида ҳам муайян камчиликлар бор.

Ҳозирги вақтда тарихий иншоотлардан замонавий эҳтиёжлар учун фойдаланиш одат тусига кирган. Хива шаҳри ҳам бундан холи эмас. Масалан, юз ҳужрали Мухаммад Аминхон мадрасаси антиқа меҳмонхонага айлантирилди. Бу мадраса ниҳоятда қулай ерда — Ичанқалъага кираверишдаги Отадарвоза ёнида жойлашган. Икки қаватли бу бинонинг ташқи қиёфаси янгилаш натижасида деярли ўзгармади. (Эски услубда пардозланган чойхона ҳовли ичига жойлаштирилган маъқул бўлди). Бироқ бино ичидаги хоналарни ободонлаштириш, замонавий инженерлик тармоқлари ўрнатишда тарихий ёдгорликка анча зарар етказилди. Ернинг чўкиши натижасида бинонинг айрим қисмларида авария ҳолати юзга келди.

Ресторанга мослаштирилган қўшни мадрасанинг бурчаги йиқилди. Албатта, уни қайтадан тиклашди. Лекин бу ишни амалга ошириш натижасида мадраса ҳовлисининг усти ёпиб қўйилди. Бу том сўзанага тушган бўз ямоқдек унга ёпишмай, кўҳна ёдгорлик туркумидаги сохта иншоотдек кўзга хунук кўриниб турибди.

Ҳовли устидаги том (куёш тигидан сақланиш учун) туфайли тимга айлантирилган Оллоқулихон карвонсаройининг олди тўсилиб қолди.

Кўриқхона тасарруфидаги кўҳна иншоотларни туризм эҳтиёжларига хизмат қилдириш бутун территориядан фойдаланиш тартибининг ўзгариб кетишига сабаб бўлди. Чунки сайёҳларга хизмат кўрсатиш зарур маиший ва маданий объектларни барпо этишни тақозо қилади. Шу муносабат билан кўҳна қалъа ичида, масалан, ёзги кинотеатр ташкил этилди. Тўғри, бу иш анча эҳтиёткорона амалга оширилган бўлса-да, бироқ кўриқхона ичидаги кинотеатр, ҳар ҳолда бегона иншоотдир.

Хива, шунингдек бошқа қадимий шаҳарлар тажрибасидан шундай ҳулоса чиқадики, қурувчилар меъморчилик кўриқхонасида бирон-бир иш қиладиган бўлишса ўта эҳтиёткорлик кўрсатишлари керак. Бу ўринда халқнинг «Тети ўлчаб, бир кес», деган доно мақолига амал қилиш лозим. Агар биз фақат пул ишлаб қолиш, фойда ҳақида ўйлайдиган бўлсак, бу яхшиликка олиб бормайди. Фақат маънавий жиҳатдангина эмас, балки охир-оқибатда иқтисодий жиҳатдан ҳам катта зарар кўришимиз мумкин. Наинки йўл қўйилган хатоларни тузатиш доимо қимматга тушади.

Туристлар учун қуриладиган маданий-маиший иншоотлар масаласига келсак, етакчи меъморларнинг фикрига кўра, уларни тарихий ёдгорликлардан ташқарида қуриш мумкин. Менимча, бу фикрга қўшилса бўлади.

Саёҳатчилар Хивадан хотира сифатида турли ёдгорлик буюмлари ва фотосуратлар олиб кетишади. Суратни улар ўзлари олишади ёки шу ердагилар хизматидан фойдаланишади. Маҳаллий сураткашлар эса ишнинг кўзини биладиган одамлардир. Хивалик фото усталари сурат «бозори» чаққон бўлиши учун туя ҳам асрайдиган бўлишди (тулум эмас, ҳақиқий туя). Экзотика ишқибозларининг эса қувончлари оламга сиғмайди — эндиликда улар қариндош-уруғлари ва ёру-биродарларига ўзларини қадимий Шарқда сафарда бўлганликларини кўз-кўз қилиш учун саҳро «кема»сида мағрур ўтирган суратларини кўрсатишлари мумкин.

Экзотика ишқибозлари ва кўҳна ёдгорликларнинг шайдолари орасида анча хатарли ишлар билан шуғулланадиганлари ҳам учраб туради. Бу ўринда мен меъморчилик обидаларидан айрим тош, ёғоч, мармар парчаларини эсдалик учун олиб кетишни одат қилганларни назарда тутаялман.

Шу муносабат билан бир афсона ёдимга тушди. Юнонистон мустақиллиги учун олиб борилган кураш йилларида Акрополда қамалиб қолган турклар, ўқ-дорига ишлатиш учун қадимги тошларни синдириб, уларни жипслаштириб турувчи кўрғошинларни ола бошлайдилар. Греклар бунни сезиб қолиб, элчи юбордилар. У туркларга шундай таклифни айтади: «Биз сизларга ўқ-дори юборамиз, фақат Акрополни вайрон қилманглар!» Эҳтимол, бу афсонадир. Бироқ унинг маъноси бизга ҳам тааллуқли. Тарихнинг жонли гувоҳи бўлган ҳар бир тош биз учун ҳам қадрлидир.

Албатта, архитектура ёдгорлигидан бирор бир тошни кўчириб олган турист ҳар қандай танбеҳга сазовордир. Бироқ шуниси таажубланарлики, баъзан бундай шахслар тарихий ёдгорликларни асрашга даъват этилган кишилар — таъмирчилар орасида ҳам учраб туради.

Ҳа, таъмирчилар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзан кўҳна иншоотларни мустаҳкамлаш баҳонасида, унинг ташқи қиёфаси бутунлай ўзгариб, ҳаммаёқни бетон плиталар босиб кетади. Кўпинча бундай тубдан таъмирлашга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Фақат иншоотларнинг айрим қисмларинигина таъмирлаш, уни бузилмайдиган қилиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ бундай иш ниҳоятда

машаққатли, мураккаб бўлиб, ҳажм жиҳатидан унчалик кўзга ташланмайдиган бўлгани учун кам даромадлидир. Минг афсуски, кейинги йилларда таъмирчиларнинг меҳнати қурувчиларники сингари ҳажмига қараб баҳоланадиган бўлди. Муайян иш ҳажмини бажарсангинга, маълум миқдордаги даромадга, мукофотга эга бўласан. Мана шунинг учун ҳам қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига тор амалиётчилик, расмиётчилик билан ёндошилади, сифати пасайтириб юборилади.

Масалан, ганч ўймакорлигини олайлик. Ганчкорларнинг фикрича, ганчдаги гуллар қай даражада ингичка, нафис бўлса, у шу даражада чиройли чиқади. Бу фикрнинг тўғрилигини собиқ Бухоро амири саройининг Хонаи Сафидидаги, Тошкентда амалий санъат музейи жойлашган меъморчилик обидасидаги ганч ўймакорлиги классик намуналари тўла исботлайди. Афсуски, кейинги йилларда ганчкорлар меҳнатига ҳақ тўлашда, улар фаолиятининг бу нозик томони ҳисобга олинмаяпти. Усталарга бажарилган ишнинг квадрат метрига қараб ҳақ тўланаяпти. Натижада республикада кишига ҳеч қандай эстетик завқ бермайдиган ганч ўймакорлиги «асарлари» ёмғирдан кейинги кўзиқориндай кўпаймоқда.

Ҳатто бизда «узлуксиз таъмирлаш» ибораси пайдо бўлди. Айрим арбоблар бундай таъмирлашни ютуқ деб ҳисобламоқдалар. Гўёки шундай қилганда меъморчилик ёдгорликларининг ҳолатини доимо кузатиб туриш мумкин эмиш. Аслида бунинг хоҳияти шундайки, бинога сирли кошнларни ёпиштириш давом этаверади, аммо унинг биринчи қатори дарз кетади ёки кўчиб туша бошлайди! Хуллас, ҳамма ишни яна бошқатдан бошлаш керак бўлади. Ваҳоланки, қурувчиларнинг шундоққина ёнида халқ усталари юз йиллар муқаддам ўрнатган кошнлар мовий осмондай яққираб туради.

Мен замонавий усталарнинг ҳаммасини ёмон отлик қилмоқчи эмасман. Уларнинг кўпчилиги ҳалол, таъмирлашнинг сифати учун жон куйдирадиган софдил кишилардир. Ҳамма гап — таъмирчилик ишларини тўғри ташкил эта билишдадир. Унинг ҳозирги аҳволи, афтидан, тараққиётимиз талабларига жавоб беролмай қоляпти. Бу соҳада ҳам юксак фикрлаш, ҳўжалик механизмининг самарали усулларини излаб топиш вақти етди.

Таъмирчилик сифати фақат Хивага тааллуқли муаммо эмас. У Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва республиканинг бошқа қадимий шаҳарлари учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Келинг, яхшии Хива мисолида очиқ-ойдин гаплашиб олайлик. Маслан, Тошҳовли саройидаги обидалар туркумини олиб кўрайлик. Сарой яхлит ҳолда ўзининг улуғворлиги билан одамни лол қолдиради. Бу ерда ниҳоятда яхши таъмирланган мавзелар оз эмас. Аммо шундай жойлар ҳам бор-ки, уларни яна қайтадан тиклаш лозим. Кўҳна арк қўрғонига ҳам худди шундай аҳвол кўзга ташланади.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси туркумидаги ёдгорликларни таъмирлашда москвалик архитекторларнинг фикрига кўра, усталар шу қадар жонбозлик кўрсатишганки, натижада бинонинг эски жойи қайси-ку, янги қайси билиш қийин, улар орасидаги чегарани аниқлаб бўлмади.

Нима учун кўҳна иншоотларнинг дарз кетган айрим қисмларини шундоқлигича қолдириш мумкин эмас? Нима учун кўҳна тошлар, дарзлар ва ёриқларни ўзига ўхшатиб ишлаш мумкин эмас? Зеро, буларнинг ҳаммаси қадимги давр муҳитини тиклашга ёрдам берган бўларди.

Менинг назаримда, ёдгорликларнинг теварак-атрофини тозалаш анча баҳсли масаладир. Бу ишлар гўёки ёдгорликларни ҳар томондан яхши куринадиган қилиш, гўзаллигини намоён этиш учун қилинади.

Мен бу борадаги мулоҳазаларимни архитектура доктори Иосиф Исаакович Ноткинга айтдим. У менинг фикрларимни маъқуллади.

— Кўҳна ансамблларнинг теварак-атрофи тозалангандан кейин ҳар тарафдан кўриш мумкин, у томошабин олдида худди макетдагидек бўлиб қолади, — дейди суҳбатдошим. — Бироқ бунда миқёс йўқолади, аввалдан шакланган таассуротлар сирасига путур етади. У эса ўйлаб қилинган, биз бугун тасаввур қилганимизга қараганда анча мураккаброқ бўлган, кутилмаган нуқтаи назар ўрнига, контрастли кўринишлар асосига қурилган. Ансамбллар атрофида ўргимчак уясидек бўлиб кетган йўлларнинг доимий майдонлари бўлган. Самарқанддаги Регистон бунинг яхши мисолидир. Қадимий меъморчилик ансамблининг теварак атрофи тозалангач, уни айланиб кўриш мумкин бўлиб қолди. Бу ер замонавий тарзда ободонлаштирилди, янгича хиёбонлар барпо этилди. Бироқ, қандайдир муҳим бир нарса йўқолгандай, ёдгорликнинг кўҳналикига, аввалги улуғворлигига андак путур етгандек туюлади. Менимча, бундай аҳвол таъмирчилик ишларига жўн ёндашиш туфайли рўй бермоқда.

Натижада ота-боболаримизнинг яшаган уй-жойлари йўқолиб кетмоқда. Ваҳоланки, бу кўҳна бинолар нодир иншоотларга маълум даражада кўрк ва салобат бағишлаб турган.

— Кўҳна турар-жойлар оддий бошпанагина эмас, — деб ҳўқоя қилади, суҳбатдошим, — улар қурилиш санъатининг ҳақиқий намунаси, тарихнинг жонли гувоҳи, бугунги кун билан ўтмишнинг бир-бирига улаб турувчи ришта ҳисобланади.

Хивадаги уйларнинг асосини бир қаторли ёғоч синчли деворлар ташкил қилади. Унинг орасига хом гишт терилган. Бундай типдаги уй-жойлар ўлкамизда кенг тарқалган. Бироқ улар Бухоро, Самарқанд ёки Фарғонадаги турар жойлардан фарқли равишда ёзги, қишқи хоналарининг тузилиши, жойлашуви, ҳажми, пардози жиҳатидан ўзига хосдир. Хивадаги ҳар бир уйда устунли айвонлар бўлиб, уларнинг бир томони — шимолий қисми очик бўлади.

Айвон баланд қурилади. Бу бино ичида қуёш нурининг мўътадил тарқалишига ва ҳавонинг юқоридан келиб туришига имкон беради. Шунинг учун ҳам Хивадаги уйларнинг ичкари хоналари ёзнинг иссиқ кунларида ҳам салқин бўлади.

Айвонлардаги ўймакор устунлар ва эшиклар, панжаралар ҳовлиларга алоҳида кўрк бағишлаб туради. Айрим уйларнинг ташқи деворларидаги деразалар эшикли дарчалар билан безатилган.

Агар сиз Хивадаги ҳар бир мўъжаз ҳовлига кирсангиз (улар шаҳарда ер танқислиги туфайли зич жойлашган) ниҳоятда бежирим ишланган ўймакор устунларни албатта учратамиз. Бу нодир экспонатларни Эрмитаж, Лувр ва жаҳондаги ҳар қандай йирик музей жон-жон деб одамларга намойиш қилган бўларди. Бироқ афсуски, бу устунлар мой бўёқ билан бўяб юборилган ёки унга кир ёйиладиган чилвирларни боғлаш учун миҳ қоқилган бўлиши мумкин. Уй эгалари бахтга қарши

атрофларидаги ўзлари кўникиб кетган буюмларнинг ҳақиқий баҳоси ҳақида ҳамisha тўғри тасаввурга эга бўлмайдилар.

Хивадаги кўҳна уйларнинг ички тузилиши ўз даври учун оқилона эди. Бироқ ҳозирги турмуш талабларига тўла жавоб беролмай қолди. Чунки одамлар XX аср охиридаги қулайликларнинг барчасига эга бўлишни истайдилар. Табиийки, бунда ўтмишдаги бебаҳо меросни сақлаб қолиш ҳам лозим.

Вазифа мураккаб ва бир қарашда ҳал этилиши мушкулдай туюлади. Бу ерда канализация, иситиш тармоқлари, водопровод масалалари бор. Масалан, иситишни олиб кўрайлик. Хивадаги хонадонларда ҳамма асрларда ўчоқ ёки мўри бўлган. Эндиликда айрим уйларда печлар пайдо бўла бошлади. Лекин масалани ҳал этиш керак — XX аср нуқтаи назари билан қараганда, яшаш учун фақат ёзда қулай бўлган уйни яроқли деб бўлмайди.

Айрим кескин чора кўриш тарафдорлари мана шу уйларнинг ҳаммасини, ўймакор устунлари-ю эшиклари билан қўшиб, булдозерлар билан суриб ташлашга тайёр. Бу иш амалга ошса, Хива шаҳри шип-шийдон бўлиб, у қадимги жозибасини батамом йўқотади.

— Ҳўш, бошқача йўл борми?

— Уларни қайта қуриш лозим — дейди Иосиф Исаакович Ноткин. — Бунда ҳар бир уйга алоҳида ёндошиш лозим. Бироқ бу ишнинг қийинчилиги томони шунда-ки, ҳар бир уй — шахсий мулкдир. Агар уй эгасининг имконияти кўтарса, турар жойини замонавий талабларга мослаштиради, имконияти бўлмаса — уй тўкилиб тамом бўлади. Бу ўринда икки йўл бор. Биринчиси, уни сотиб олиб, нима ишни муносиб кўрсак шуни қилишдир: бузиб ташлаш ёки жамоат эҳтиёжлари учун мослаштириш мумкин. Иккинчи йўл — айрим ғарб ва социалистик мамлакатлар тажрибасидан ибрат олиб, кўҳна уйларга муҳофаза ёрлиғини бериб, жорий ремонтини назорат қилишдан, уни амалга оширишда ёрдам беришдан иборат. Уй аввалгидек шахсий мулк бўлиб қолаверади, бироқ унинг олд томонини таъмирлашга оид муайян чекланишлар жорий этилади.

Яшашга ярамай қолган ёки яқинда ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларни бузиб ташлагандан кейин қадимги шаҳарни яйдоқ қолдириб бўлмайди. И. И. Ноткиннинг фикрича, бўшаган майдонларда халқ меъморчилигининг анъанавий усулида қайтадан синчли уйлар қуриш лозим. Бу уйларга совға-буюмлар ишлаб чиқарадиган устахоналарни ёки туристларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни жойлаштириш мумкин.

Халқ меъморчилиги ижодиётини сақлаш муаммоси фақат Хива учунгина долзарб эмас. Республика шаҳарлари ва қишлоқларида қурилиш ва қайта тиклаш ишлари кенг қулоч ёйганлиги оқибатида ўзбек халқ меъморчилигининг ажойиб намуналари нобуд бўлмоқда. Бу масалани Ўзбекистон ёзувчилари ва олимлари бир неча бор кўтариб чиқдилар. Бироқ бу ишда туб ўзгариш содир бўлмади.

Тарихий обидаларнинг толмас тадқиқотчиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Г. А. Пугаченкова бир мақоласида шундай деб ёзганди: «Соф амалиётчилик асосий нарсага путур етказмаслиги керак: халқ даҳоси билан яратилган нарсалар, энг аввало, эстетик тарбия мақсадларига хизмат қилиши, миллий ғурур ҳиссини кўтариши, замонавий меъморлар, рассом-монументалистлар ва амалий санъат усталарини янги, ота-боболари яратганидан гўзалроқ нарсалар ижод қилишга илҳомлантириши лозим».

Мълумки, партия ва унинг доҳийси Владимир Ильич Ленин тарихий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганлиги ҳаммамизга маълум. Мен бир ҳужжат — Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети қақриғидан бир неча сатрни келтираман: «Граждандлар, собиқ хўжайинлар гумдон бўлишди, улардан жуда катта мерос қолди. Энди улар бутун халқникидир. Граждандлар, ана шу меросни — расмлар, ҳайкаллар, биноларни асранг. Буларнинг ҳаммаси сизларнинг ва ота-боболарингизнинг маънавий куч-қудрати ифодасидир... булар сизнинг тарихингиз, сизнинг ифтихорингиздир...» Совет ҳокимиятининг тонготарида эълон қилинган бу сўзлар ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Социалистик жамият пойдеворини қурган салафларимизнинг маънавий васияти «Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги СССР Қонунига асос бўлди, энг хилма-хил амалий вазифаларни ҳал этишда йўлланма вазифасини ўтади.

Биз ҳам бу васиятни худди эстафета сингари болаларимиз ва набираларимизга етказишимиз, уларни ўтмишдаги усталарнинг меҳнати ва заковати билан яратилган меросни кўз қорачиғидек асрашга ўргатишимиз керак. Ана шунда бу бебаҳо ёдгорликлар яна кўп авлодларга қувонч бағишлайди. Мўъжизакор маскан — тупроқ, тош ва ёғочдан яратилган гўзал ғазал бўлган Хива ҳам аввалгидек бутун дунё сайёҳларини ўзига мағрур чорлайверади.

Рус тилидан **Абдувоҳид МУЛЛАМУҲАМЕДОВ,**
Йўлчи АҲМЕДОВ таржимаси.



Бекмирза Маҳмудов

МЕЪМОР

Пештоқиға араб алифбесиде «Билим ва меҳнат» деб ёзиб қўйилган интернат дарвозасидан кириб-чиқувчилар кўп. Битирувчиларни табриклаш учун шахсан Йўлдош отанинг ўзлари келган... Унинг бошида марғилон дўппи, майда қавилган беқасам тўн устидан шойи қийиқ боғланган Охун-бобоев ҳовлида саф тортган болаларни интернатни муваффақиятли тамомлаганликлари билан қиз-гин табриклади. Ҳаммадан ёш, бўйи пастақкина йигитчанинг елкасига қўлини қўйиб:

— Хўш, ўғлим, наҳот сен ҳам шулар сафида бўлсанг, жуда ёшсан-ку? — деди.

— Уқишни аъло битирдим, — деди у бурролик билан.

— Зўр экансан-ку, ишлар беш, дегин, отинг нима?

— Абдул..а...

— Ҳа, кичкина деманг бизни... хилданман дегин. Оббо, маданиятимизнинг митти юлдузи-ей, яхши, яхши! — деб ота қувониб кулди.

Бу кимсан тўқмоқлик Бобоҳон савдогарнинг севиқли ўғли Абдулла эди. Инқилоб арафасида Бобоҳон савдогарнинг ўлими нуфузли оилани ағдар-тўнтар қилиб юборди. Рўзгордан путур кетди. Абдуллани рус-тузем мактабидан ҳайдашди. Онасини эса икки кундош чиқиштиришмади. Бу орада Тошкентда инқилоб бўлгани, амакиси ишчилар ҳаракатига бошлиқ эканини эшитишди. Кейин улар онаси, синглиси, укаси Пўлатжон билан Тошкентга келишди. Ёш она Абдуллани «Намуна» интернатига жойлаб, ўзи ишга кирди...

Мана, бугун эса ана шу Абдулла ўзбек совет мактабини қалдирғоч битирувчилари сафида президент назарига тушди.

Абдулла интернатни битиргач ўзбек билим юртида, Маориф институтида ўқиди. У пайтда ўзида инсон фаолиятининг маълум бир соҳасига кучли қизиқишни ҳис этмаганди. Қўлига тушган жами китобни ўқирди, ҳамма нарсани билгиси келарди...

Уни Қаршидаги педагогика техникумига ишга юборишди, Ушанда Самарқанд, Бухородаги тарихий биноларни кўриб лол бўлиб қолди. Меъмор ва наққошлар ҳунари боқийлигидан таъсирланди. Меъморчиликка доир китобларни топиб ўқийдиган, энг керакли нарсаларни ён дафтарига ёзиб қўядиган бўлди.

Шундай қилиб, у ўз ҳаёт йўлини қатъий белгилади. Москва Архитектура институтига кириб ўқиди. Кейин институт аспирантурасини муваффақиятли тугаллади. Пойтахтда ўқиб юганида кушонийлар, қорахонийлар, сомонийлар империяси даврида қурилган ҳамда араблар бостириб келгунга қадар бўлган меъморчилигимиз, Урта Осиёда пишиқ гиштдан биринчи ишланган Исмоил мақбараси ҳақида кўп ўйлади.

Ҳа, одамлар юз минг йиллар илгари ғорларда, чайла ва капаларда яшаган. Аммо буни ҳали меъморчилигимизнинг бошлиғи деб бўлмасди. Кейинги даврларда бу соҳа барқ уриб ривожланди. Эндиликда аждоқларимизнинг меҳнату маҳорати билан қад кўтарган Исмоил Сомоний мақбараси, Гўр Амир ва Ҳиндистондаги Тож Маҳал дунёвий обидалар экани бутун оламга маълум.

Бугунги кунда меъморчилик ўтмиш анъаналаридан самарали фойдаланиб, фан-техниканинг энг сунги ютуқларига таянган ҳолда ривожланиши керак. Янгийўлдаги клуб қурилиши ёш меъморнинг биринчи мустақил иши бўлди. У пайтда Абдулла ҳали аспирант эди. Москвада янгийўллик Наби Ғаниев (у Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган) деган йигит билан бирга ўқирди. Абдулла ўша дўсти орқали Янгийўлдаги Оржоникидзе номидаги колхоз раиси билан танишиб қолди. Раис у билан ҳамсуҳбат бўлгач: «Худди мен излаган одам сиз экансиз, колхозимиз учун янги клуб қурмоқчимиз, лойиҳасини ўзингиз тузиб берсангиз», деди. Аспирант меъмор дархол ишга киришиб, тез орада лойиҳани тайёрлайди. Сўнг, тўғри СССР Оғир саноат халқ комиссари Оржоникидзе ҳузурига киришади. Григорий Константинович Оржоникидзе уларни жуда яхши қабул қилиб, лойиҳани маъқуллади...

* * *

Яшил қалпоқчали лампа ёғдуси стол устидаги эскизнигина ёритмоқда... Меъмор панжасини пешонасига тираганча хаёл уммонида ғарқ. Бу иш ҳар сафаргисидан ҳам масъулиятли, республика ҳукумати топшириғи. Усмон Юсупов: «Бундай лойиҳани яратиш Абдулланинг қўлидан келади, у уддалайди», деб ишонч билдирибди.

«Яна чиқмади-ю», деди буёғи қуримаган эскизга тикилиб. Меъмор беихтиёр қалами билан столни урди, ён хона эшиги қия очилиб, остонада Надежда кўринди. Эрининг қиёфасидан кайфиятини сезиб, ичкарига кирди.

— Абдулла, озгина дам ол, чарчадинг, мен ҳозир чой дамлайман, — деди. Эри индамай айвонга чиқиб кетди...

Воқеа бундай бўлган эди. Кеча эрталаб уни Марказкомга чақиришди. У ерда бор гапни айтишиб, уч киши тушдан кейин Фарғонага самолётда учишларини маълум қилишди. Иш шошилинич, икки кунда шоир мақбарасининг асосий ғояси эскизда бўлиши керак, дейишди. Фарғонага бориб ҳам келишди. Мана, ҳозир Тошкентда, ўз уйида-ку, хаёли Шохимардонда: Чор тарафи юксак тоғлар билан ўралган ям-яшил қишлоқ. Адр-ёнбағридаги қатор-қатор мирзатеракларнинг барглари тоғ шабадасида сирли шивирлайди. Оқсув тошдан тошга урилиб, тинимсиз шовуллайди. Тарам-тарам тўлқинлар ёғоч кўприк устунларига тегиб, икки ёнга ёйилиб кетяпти. Соё теласидаги қоя худди эртақлардаги девлардек ҳайбатли кўринади. Буралиб-буралиб, баландликка интилган тоғ йўллари, пармалаш минораларидаги милтиллаган чироқлар, ҳамма-ҳаммаси худди эртақлардагидек...

Қўлга қалам олиб бўлажак лойиҳа ҳақида яна ўйлай бошлади: қисқа, лекин қахрамонона йўлни босиб ўтган маърифатчининг мақбараси оддий ва улўвор бўлиши керак. Мақбара баландликка, юзлаб зиналардан чиқиб бориладиган жойда қурилгани, қуёш нури кун бўйи ички шифтдаги орнаментларга тушиб тургани маъқул. Сағана устидаги мармар тошга: «Биринчи ўзбек совет шоири, драматурги, бастакори ва таниқли жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. 1889—1929», деган сўзлар ёзилади...

Надежда хона эшигини очиб бир неча марта мўралади, лекин Абдулла ака ҳеч нарсани сезмади. Тонгга қадар ижод қилди... У қўлидаги қаламни янги чизилган лойиҳа устига қўйганда хўрозлар қичқириб, оппоқ тонг ота бошлади...

У Чирчиқдаги Навоий номли, Тошкентдаги Собир Раҳимов номли кинотеатрлар лойиҳасини ҳам худди мана шу тарзда яратган эди. Душанбедаги театр лойиҳасини яратганида эса унчалик қийналмади. Унинг бу сафарги ишида яхши тайёргарлиги ва Қўқон, Бекобод, Жамбул шаҳарларида маданият саройларини лойиҳалашда ортирган тажрибаси қўл келди. Ўзи ҳам юксак масъулият ва қатъий интизом билан ишлади. Ахир, Тожикистон ССРнинг 25 йиллигига бағишланган тантана ва катта тўй зиёфати шу бинода бўлиши, муддат қисқа, етти ойда қурилиш тугалланиши керак эди-да. Лойиҳа тасдиқлангач, қурилиш бошланиб кетди. Бинокорлар ишни, уч сменада ташкил этиб, бинони белгиланган муддатида тахт қилишди. Ушанда шоир Мирзо Турсунзода «Советская культура» газетасида босилган мақоласида бундай деб ёзган эди: «Яқинда биз бир неча дўстлар билан пойтахтимиз марказида қурилаётган маданият кошонасини бориб кўрдик. Бу — пойтахтимиздаги энг салобатли, энг гўзал бино! Кенг, ёруғ томоша залини, катта сахнани, бино пештоқлари, деворларидаги шарқча безак ва нақшларни кўриб қувондик. Бу янги бино ўрнида илгариги Душанбе қишлоғининг бозори бўлгучи эди. Мана энди бу ерда ажойиб архитектура ансамбли қад кўтариб турибди».

Бинонинг очишлиш маросимида бош меъмор бетоблиги сабабли иштирок этолмади. Хизматлари учун Тожикистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлангани ҳам кечроқ эшитди... Шохимардонда эса шоир мақбарасининг очилишида ўзи иштирок этди. Бу воқеа 1952 йилнинг 15 сентябрида бўлган эди. Шохимардон мотам либосида... Кундуз соат иккида Ҳамзанинг ҳамнафаслари бошчилигидаги одамлар оқими баланд тоғ бағридаги шоир қабри ёнига боришди. Мотам садолари тоғу тошларни титратгудай... Тобут янги мақбара ёнига қўйилгач, Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари Қўқоров митингни очиб, шоир ҳақида гапирди... Ғафур Фулом Ҳамзага бағишланган шеърини ўқиди.

**Қабрингга гулчамбар келтирдик, Ҳамза,
Сен кезган чаманлар ора оралаб.
Қалбимда ғазабинг ўти туюқиб,
Энг қаттол ёвларни қаттиқ қоралаб...**

Академик шоир шеърни ҳаяжон билан ўқиди. Дараларда баланд овози акс-садо бергандай бўлди.

Сўнгра микрофон ёнига шоира Зулфия келди:

**Қорли чўққиларнинг оппоқ кўксига,
Дам олиб ётади коммунист куйчи.
Қора булутларни қувиб кўкидан
Шоирни юксакка кўтарган юрти.**

Уша куни инқилобчи шоир жасади янги мақбарага — мангуликка даҳлдор жойга қўйилди. Митингдан кейин Тошкентдан борган меҳмонлар соё бўйидаги чойхонада ўтиришди. Кўплар ўзбек меъмори номига яхши гапларни айтишди. Шунда Ғафур Фулом унинг қулоғига секин: «Кичикроқ бўлса ҳам майли, Ҳамзанинг ёнига менгаям битта жой тайёрлаб беринг, хўпми?» деб ҳазиллашди.

* * *

1955 йил 15 июнь. Самарқандга Ҳиндистон Бош министри Жавоҳирлал Неру қизи Индира Ганди билан келди. Йўлда у Улуғбек расадхонаси ҳақидаги Бобур фикрларини айтиб қолди. Меҳмонга ҳамроҳ бўлганлардан ўрта бўй, юзи қорамоғиздан келган киши:

— Қуёш, Ой ва сайёраларни кузатиш расадхонаси қурилишини Абдураazzoқ Самарқандий бундай тасвирлайдур, — деб гапни давом эттирди. — «Мунажжимлар қурилишини бошлаш учун юлдуз кўрсатган хайрли кунни аниқлаб бердилар. Пойдевор ва устунлар тоғ асосидек шундай мустаҳкам қилиндики, улар то махшар кунигача на жойидан жилар ва на қулар эди...»

Меҳмонлар тушган машиналар бозор ёнидаги Бибиҳоним мадрасасига яқинлашганда секинлади. Ярим хароба ёдгорликка қўзи тушган Нерунинг хаёлига шу топда Шохжаҳон қурдирган Ҳиндистондаги Тож Маҳал келди:

Тож Маҳал мақбараси 1631 йилда, Мумтоз Маҳал бегим вафотидан бир йил ўтгач қурила бошлаган. Бу қурилишга Урта Осиёдан, Эрон, Туркия, Ироқ, Арабистондан атоқли меъморлар чақирилган...

Тож Маҳалнинг деворлари, пештоқлари ва дарвозаларига турли ҳикматли сўзлар, мақбарани ишлаган усталарнинг номлари битилган. Шулар орасида самарқандлик уста Муҳаммад Шариф ва

бухоролик уста Ота Муҳаммад номлари ҳам бор. Муҳаммад Шариф Тож Маҳал мақбараси бош меъморининг биринчи ёрдамчиси бўлган...

Машиналар тўхтади. Меҳмонлар Регистон майдонида. Бу жойнинг архитектура ансамбли Улуғбек давридан бошланган. Улуғбек хонақосини кўрган Бобур Мирзо: «Жаҳонда энг улкан гумбаз бўлса шу эрур», деган экан... Уша даврда Регистонда саксонга арқ, икки юз унта нилий гумбаз бўлган. Бутун ансамбль 1417—1442 йилларда қурилган. Улуғбек мадрасаси ҳамон савлатдор. Бунда Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қўшчилар бир вақтлар фалсафа, математика, астрономия ва ҳуқуқдан дарс берганлар. Бунда буюк шоир Алишер Навоий таҳсил кўрган. Архитектура жиҳатидан Улуғбек мадрасаси XV аср меъморчилигининг классик намунаси...

Экскурсовод, ўзбек меъмори Абдулла Бобохонов ҳаюқосини Ҳиндистон Бош министри ва унинг ҳамроҳлари эътибор билан тинглашар, ёш Индира Ганди бўлса кўрганки нарсаларини кино-аппаратида суратга туширар эди...

Меҳмонлар Регистон майдонидан Гўри Амирга боришди. Йўлнинг икки четига одамлар сиймай кетган, халқ жуда кўп. Шаҳарнинг улугворлиги зиёратчиларни аллақандай вазмин кайфиятга солди. Улар эронлик меъмор Муҳаммад ибн Маҳмуд қурган, қуёш нурида кўзни қамаштираётган асрий гумбазлар қаршисига лол бўлиб қолишди... Кўп қизиқарли ахборотлари учун Абдулла Бобохоновга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Ўзбек меъморига улар бобурийлар қурдирган бинолар архитектураси ҳақида Ҳиндистонда чоп этилган китобни эсдалик совға сифатида беришди...

* * *

У қуюқ қошлари узра қафтини қўйиб, баҳайбат минорага қаради. Барибир миноранинг сўнгги кўринмасди. Ҳа, Парижни бу минорасиз тасаввур қилиш қийин.

Ўзбек меъмори ҳамроҳлари билан юқорига кўтарилди. Ун беш минут ўтди деганда ўзларини 250 метр баландда кўришди.

— Бу минора 1889 йилда инженер Густав Эйфель лойиҳаси асосида нуқул пўлатдан қурилган. — Ёшгина экскурсовод хоним шундай деб гап бошлади... Ўзбек меъмори анча паришон, ҳар қачонгидек илдам, қаққон эмас, орқаюқда секин қадамламақда. У Балки ҳозир ўзича саккиз юз йилдан буён мағрур турган Бухородаги Минораи Колонни ўйлаётгандир. Фақат пишиқ фиштдан тикланган. Баландлиги 46 метр, Эйфелдан беш юз йил илгари қурилган. Бухорони асрлар силсиласига тоб берган бу минорасиз тасаввур қилиш қийин. Тошкент-чи, Тошкент деганда нимани кўз олдимишга келтирамиш. Чилонзорними, «Ўзбекистон» меҳмонхонасиними?! «Пойтахтимизнинг ўзига хос белгиси борми — бор! Дўстлик, Тинчлик шаҳри! Шунга рамзий маънода жуда катта, жуда ажойиб ёдгорлик қуриш мумкин!..

Елкасига қўйилган қўл Абдулла ака фикрини бўлди. Ёнида баланд бўйли немис журналисти жилмайиб турарди.

— Ҳа, Бухорони ўйлаясизми, Самарқандними? Сизни танидим. Эсингиздами, Тошкентдаги Адабиёт музейида профессор Ҳамид Сулаймон билан сиздан «ГДР» журналига интервью олганим.

— Ҳа, ҳа, эсладим.

— Сиз яхши биласиз, меъморсиз. Ҳов, қаранг, — деб қуббалари сийрак тутунсимон гардиш ичра кўриниб турган саройга ишора қилди. Қаранг, қандай ажойиб!

— Ҳа, — деди Абдулла ака журналистнинг гапини маъқуллаб. — Меъмор Либераль Брюан хўп жойни танлаган. Сена дарёсининг бўйи, қаранг, қандай баҳаво! Бу Ватан учун жанг қилган олти минг инвалидга аталиб 1671—1703 йилларда қурилган. «Мажруҳлар уйи» деярли тўрт қаватли турар жойлардан иборат. Мисоли шаҳарча, унинг ўртасидаги мазорга буюк саркардаларнинг хоки қўйилган.

— Қаранг-а, французлар ҳарбийларни нақадар иззату ҳурмат қилишаркан, — немис журналисти бош тебратди.

Журналист узоқлашгач, Абдулла ака бир оз ўзини эркин ҳис этиб, яна хаёл жиловини қўйиб юборди.

1941 йил декабрда Куйбишев номидаги ҳарбий-инженерлик академиясини тамомлаган Бобохоновни ҳаракатдаги армияга юборишди. Осколканинг чийиллашини, снаряднинг нишонга тегиб портлашини, кўкдаги самолётларнинг ёниб тушишини, одамларнинг шер бўлиб ҳужумга ўтишини, баъзиларнинг бир дақиқада ҳаётдан кўз юмишини кўрди. Бундай ҳаётга кўникиб кетди.

1943 йил март. Курск остоналарида фашистларга қарши ёзги жаңгларга тайёргарлик кўрилмақда. Ушанда Бобохонов хизмат қилаётган дивизия армиямизнинг Кромдаги асосий кучидан ажраб қолган эди. Бирлашиш учун фақат дарёдан ўтиш имконидан бошқа илож йўқ. Кечки пайт уни штабга чақирдишди.

— Жанговар топширик, ўртоқ полк инженери, — деди командир. — Тунда кўприк қурилиши керак. Узунлиги қирқ метр келадиган кўприк. Ҳа, эрталаб бешу ноль-нолда тайёр бўлиши, полк ўтиб олиши шарт. Тушунарлими?

— Худди шундай, ўртоқ командир! — Бобохонов ғоз туриб, честь берди.

Ёмғир эзиб юборган захкаш ердан аста қадамлаб бораётганда эса бажариладиган иш ҳажмини, муддат қисқалигини ўйлаб боши қотди. Қандай қилиб бир кечада бундай катта кўприкни қуриш мумкин? Лекин ҳарбий буйруқ — мисоли отилган ўқ, уни албатта бажариш керак.

Ёмғир шиғаб ёғаяпти, вақт ўтяпти, муддатнинг ҳар бир дақиқасидан фойдаланиш зарур... Қоронғи тушгунча Бобохонов чакалакзор оралаб оқаётган сойни тепалиқдан туриб кузатди. Кўприк-боп жойни танлади. Ишга киришилди... Соат эрталаб бешда кўприк тайёр бўлди. Қандай қилиб денг: Бобохонов тезликда иккита эски складни буздириб, ёғочини олдириди. Сувнинг икки ёғига қайиқ ёрдамида тўртта темир устун ўрнатилиб, трос тортилди. Кейин осма кўприк шаклидаги ёғочлар сувга тегар-тегмас ётқизилди. Энг олдин от-арава ўтказиб кўрилди. Кейин тўплар олиб ўтилди.

— Нима ҳам дердик, кўприк яхши! — деди генерал ҳурсанд бўлиб.

Уша оқшомда унинг фикрлари ёрқин, ҳаракати жуда қаққон эди. Кейин уларнинг полки қатъий ҳужумга ўтиб, бир неча шаҳар ва қишлоқларни озод қилишда қатнашди. Хал қилувчи жангдан кейин Бобохонов ўрмон ичкарисига Коммунистик партия аъзолигига қабул қилинди... Орадан кўп ўтмай

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Раззоқовдан Абдулла Бобохонов номига хат келди. Хат ичида «Правда Востока» газетаси бўлиб, унда инженер-офицер, ўзбек меъмори ҳақида қуйидагилар ёзилган эди:

«Фашистларнинг бомбардимончи самолётлари окоп ва траншеяларимиз устига фугас бомбаларини, темир, ёғоч парчаларини, бўш бочкаларни шигаб ташлар, кўз очирмасди. Аммо Ватанимиз тупрогини ифлос оёқлардан қўриқлашда қисмимиз жангчиларининг иродаси темир-бетондан ҳам, пўлату, чўян тўсиқлардан ҳам мустақкам эканини кўрдим. Ҳаёт-мамонт жанги авж олган кунларда, ҳужумга ўтиш олдидан жангчи ва офицерлар партиёга қабул этишни сўраб ариза ёздилар. «Қизил Юлдуз» орденли офицер, ўзбек йигит Абдулла Бобохонов ўз аризасини шундай ёзган: «Мен Орловда олиб борилаётган қизгин ва қонли жанглар пайтида коммунист бўлиб қолишни истайман». Шунингдек, тожик ўғлони Абдурахмон Шарипов ва туркман йигит Карим Аннаевлар ҳам ВКП(б) сафига ўтаётганларида «Жонимиз Она-Ватанимизга фидо», деган юрак сўзларини айтишди.

Кўпмиллатли Ватанимизнинг ана шундай фидокор, мардона ўғлонлари ўз юртларини душман оёғи остида топталишига асло йўл қўймайдилар. Чунки, улар Ватан учун жонини қурбон қилишга тайёр турган марду майдон ўғлонлардир!»

В. Г. Сенчилло
генерал-майор, 152-гвардиячи
ўқчилар дивизияси, 1943 йил
22 сентябрь.

* * *

Абдулла Бобохонов фронтдан қайтгач, республика Архитекторлар союзининг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири бўлди. 1945—1947 йилларда ва 1964—1968 йилларда Ўзбекистон Архитекторлар союзи правленеси президиумининг раиси, 1954—1955 йилларда республика Министрлар Совети қошидаги қурилиш ва архитектура комитети раисининг ўринбосари лавозимларида ишлади. 1962 йилда «Ўзбекистонда сув ҳўжалиги иншоотлари архитектураси масалалари» мавзuida кандидатлик диссертациясини ёқлади. 1965 йилда унга профессор унвони берилди.

Халқ меъмори ҳозир Тошкент политехника институти жамоат бинолари лойиҳаларини яратиш кафедрасининг бошлиғи. Кўплаб илмий мақолалари билан республика ва марказий матбуотда қатнашиб келмоқда. Унинг фронтдаги жанговар хизматлари учун олган «Қизил Байроқ», «Улуғ Ватан уруши», «Қизил Юлдуз» орденлари, қатор медаллари ёнига тинч бунёдкорлик меҳнати учун берилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» унвонининг кўкрак нишони ҳам қўшилди.

Бобохоновнинг «Ўрта Осиё ирригация ва гидроиншоотлари архитектураси» номли катта монографиясини ўқиганда чўллардаги қадимий сардобалар, кўприк, чархпалаклардан тортиб, то ҳозирги Чорвоқ гидроузели, Сурхон сув омборигача бўлган гидроиншоотлар архитектураси тараққиёти билан танишиш мумкин. Ўзбек совет архитектурасида 1939 йилгача сув иншоотлари қурилишида архитекторлар қатнашмасди, фақат инженерлар бош-қош бўлишарди. Бунда албатта, дастлабки социалистик қурилиш йилларида архитекторларнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлган.

Абдулла ака ўз илмий ишида қадимий сув иншоотларини ҳозирги кундагиларига қиёслаб, ҳозир қурилганларининг кўриниши нисбатан чиройли эмас, анча ғариблигини исботлади. Шу масалани республика Архитекторлар союзига қўйди. Айни сув иншоотлари қурилиши Ўзбекистонда кучайган вақтлар эди. Шундан кейин барча сув иншоотлари қурилишига инженерлар билан меъморлар ҳам иштирок эта бошлади.

Яна бир мисол. Абдулла ака кандидатлик диссертациясини ёзиш вақтида В. Мельниковнинг 1957 йилда Жанубий Сурхон сув омбори учун тузган лойиҳасини чуқур ўрғанди. Москвада диссертацияни ёқлаш пайтида лойиҳа камчиликларини рўй-рост айтди. Диссертантнинг фикри маъқулланди. Кейин у шу сув омбори учун ўзи тузган янги лойиҳа билан В. Мельниковнинг лойиҳасини сув ҳўжалиги министрлигига топширди. У ерда кўриб чиқилгач, «Архитекторлар союзига беринг», дейишди. Ҳар иккала лойиҳани кўрган комиссия Абдулла Бобохонов лойиҳаси ҳам иқтисодий, ҳам архитектуранинг маҳаллий шароитларига мос ва фойдаланиш учун қабул қилинсин деган хулосага келди. Шундай қилиб унинг сув иншоотлари соҳасидаги иккинчи йирик иши 1967 йилда амалга оширилди. Кейинроқ марказий матбуотда босилган мақолалардан бирида: «Жанубий Сурхон сув омбори архитектураси шарқона, Самарқанддаги «Юлдуз» чойхона-ресторани эса ўтмиш меъморчилигидан ҳозирги замон архитектурасида қандай фойдаланишнинг ажойиб намунаси — новаторликдир», деб ёзилди. Бу ўзбек меъморининг фаолиятига берилган юксак баҳо эди.

1963 йилда академик Муҳаммад Урозбоев Тошкент политехника институтининг ректори бўлди. Абдулла ака қадрдон оғайнисини телефонда янги лавозим билан табриклаганда М. Урозбоев: «Табриклаш ўрнига бизга ишга келинг. Архитектура кафедрасини ўзингиз эпламасангиз, бошқа одам эпломмайди чоғи...», деди. Абдулла ака эътироз билдирган эди, Урозбоев астойдил хафа бўлиб: «Ҳа, бу ўзларинг илмий иш билан шуғулланаверсаларинг, болаларга ким қарайди. Ахир, кадр тайёрлашимиз керак-ку», — деди.

Шундай қилиб, Абдулла ака институтда ҳам ишлай бошлади.

Меъмор билан бир учрашувимизда ана шу хусусда гап очдим...

— Узига муносиб ўринбосар тайёрламаган ёзувчини ҳам, санъаткорни ҳам, раҳбарни ҳам халқпарвар деб бўлмайди, — деди у. — Негаки, киши минг таланти, доно бўлса ҳам шогирди бўлмаса, оламдан кўз юмганидан кейин одамлар назарида худди ўзи учун яшаган бир шахсиятпарастдай туюлади. Ҳозирги вақтларда бу масалага етарли эътибор берилмаётир. Энг таланти кишиларимизнинг ўзига муносиб шогирдлари кўзга ташланмапти. Истеъдодли киши яхши мураббий бўлмаса, унинг ишини ким давом эттиради, — нўноқ шогирд ёки тўғри келган киши давом эттиради-да.

Бундай қарасам Абдулла ака гапни ҳали-вери ўзига яқинлаштирамайдиган. Йўталганидан фойдаланиб, секин луқма ташладим:

— Ўзингизнинг шогирдларингиз, архитектурамизнинг келажаги, мутахассис кадрлар масаласида қандай фикрдасиз?

Абдулла ака қошлари чимирилиб, пешонасидаги ажинлар қалинлашиб, худди фикрларини жамлаётгандай туриб қолди.

— Ўзбекистон архитектураси ёдгорликлари бутун дунёга маълум, — деди у. — Улар катта талант эгаси бўлган меъморларнинг қалб кўри, халқимизнинг меҳнати билан яратилган. Буларни эъзозлаш ҳар бир замондошимизнинг шарафли бурчидир. Ахир, Ўрта Осиёда Улуғ Ҳоктябрь революциясига қадар юқори ихтисосли архитекторлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти бўлмаганлиги ҳисобга олинса, бу тарихий ёдгорликлар халқимизнинг оламшумул ютуғидир...

Ўрта Осиё қурилиш институти 1929 йилда ташкил топди. Бу институтнинг архитектура факультетини 1933 йилда биринчи битирганлар орасида маҳаллий миллат вакилларидан атиги икки киши бўлган. Ҳозирги кунда эса йилга юз-юз эллик архитектор тайёрланмоқда! Агар шулар орасидан йилга икки-уч нафар талантли, истиқболли меъмор етишиб чиқса жуда катта гап бўлар эди. Бу кўп жиҳатдан устозлар, тажрибали оқсоқол меъморларнинг ёшларга эътиборига боғлиқ. Кўпгина талантли ёшлар уста кўрмай иккинчи даражали ишларда қолиб кетишмоқда. Бунинг яна бир сабаби қобилиятли меъморларни, ёш кадрларни бир жойга уюштирадиган архитектура бўйича илмий-текшириш институтининг йўқлигида... Натижада, нима бўляпти денг. 70-йиллардан бошлаб ёш архитекторлар ўртасида Фарб ва Европа архитектурасини кўр-кўрона қабул қилиш модага айланиб кетяпти. Бунинг сабаби ҳам уларнинг миллий меъморчилигимизни яхши билмасликларида...

Абдулла ака камтарлик қилди. ТошПИНинг архитектура факультетида, ўзи бошчилик қилаётган кафедрада ёш талантларни тарбиялаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида гапирмади. Аслида бу ерда бу борада анчагина ишлар қилинапти. Ҳозир Тошкентда қурилаётган усти ёпиқ бозор, шаҳарнинг энг баланд иморати бўладиган кутубхона биноси лойиҳаларини шу факультетда ўқиган истеъдодли ёшлар тайёрлашди. 1971 йилда иттифоқдаги дипломант студентларнинг ўзаро мусобақасида ўнта фахрли ўриндан еттисини ТошПИНинг архитектура факультети студентлари эгаллашди. Ушанда ССР Архитекторлар союзининг секретари Г. М. Орлов мусобақа ғолибларига диплом топшираётди: «Раҳмат, Абдулла Бобохонович, ёшларга қилган ғамхўрликларингизнинг, сарфлаган меҳнатларингизнинг меваси бу», деган эди.

«Газик» ўрмон оралаб, тор асфальт йўлда кўлмәкларни икки четдаги ўт-ўланларга сачратиб бормоқда. Машинада ёш шофёр йигит-у, ўзбек меъмори Абдулла ака. «Кўр» ёмғир ёғмоқда. Ҳаво ҳали-вери очиладиганга ўхшамайди. Ҳа, бу ерлар шундай, баъзан икки-уч ойлаб қуёш кўринмайди. Абдулла аканинг қуюқ қошлари остидаги катта-катта қора кўзлари рус ўрмонларида, хаёли Мирзачўлда. Сизирь тайгаларининг чексизлигини Ўзбекистон пахтазорларига қиёсларди. Шу топда ярқ этиб меъмор миясига шундай бир фикр келиб қолди. Агар ушбу лойиҳа бўйича Мирзачўл колхоз ва совхозларида марказий бино қурилса, қандай ўзгаришлар киритарди? Шифтнинг баландлиги уч метр, деворлари пишиқ фишдан қалин бўлгани маъқул! Узун коридорнинг қайрилиш жойларида кичик-кичик фонтанчалар! Бош корпусга кираверишдаги олд майдонда гулзор, фонтанли ҳовуз ва бобо дехқоннинг икки ёнида механизатор қиз ва йигитнинг тасвири туширилган ҳайкал! Шуларни ўйларкан, бирдан Абдулла акани хомушлик ўз домига тортгандек бўлди...

Энди узоқ Шарқ балиқчилари ўзбек меъморидан қандай хабар топишгани журналхонларни албатта қизиқтирса керак.

Абдулла Бобохонов ўзи бошчилигида «Колхоз қишлоқларининг маъмурий маркази» учун ишланган лойиҳа ҳақида «Строительная газета»га мақола ёзган эди. У эълон қилинган ўзбекистонлик меъмор номига қуйидаги хат келади:

«Тошкент политехника институти, архитектура факультетининг кафедра мудир, профессор Абдулла Бобохоновга!

Приморье ўлкасидаги «Рибколхозсоюз»га 8 та колхоз, учта кема ремонт корхонаси бирлашган. Бизда ҳамма посёлкаларни қуриш учун лойиҳалар мавжуд, лекин типовой лойиҳаларни танлаш қийин бўляпти. Чунки уларнинг тури оз, сифати эса бизнинг шароит талабларига жавоб бермайди. Газетада чиққан мақоланингизни ўқиб, худди йўқотган нарсамизни топагандек бўлдим. Икки минг ва тўрт минг аҳоли яшайдиган посёлкаларга мўлжаллаб тузилган лойиҳангизни бизга юборсангиз, илтимос, деб салом билан,

Л. Подвальный,

Приморье «Рибколхозсоюз» бирлашмаси
капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи.

2 июнь, 1969 йил.

Бу хатни олгандан кейин Абдулла ака Узоқ Шарққа бориб, жойнинг табиий шароити, физик-географик ҳолати билан танишди. Бўлажак бино қуриладиган жойни ўз кўзи билан кўриб келди. Чунки лойиҳа — уйнинг тузилишини чизиб қўйишгина, деган гап эмас-да. Замонавий бино лойиҳасида сув йўли, иситиш, вентилиция, электр, алоқа, сантехника, жой иқлими, маҳаллий қурилиш материаллари ҳамма-ҳаммасини билиш, ҳисобга олиш керак. Ҳа, меъмор кеча-кундуз макет тепа-сида оқшомни тонгга улаб бино қуришни ўйлайди. Бино бўлганда ҳам халққа ёқадиганини. Бунинг учун у математикадан, физикадан, рассомликдан хабардор, эстетик дид зўр инсон бўлмоғи керак. Ҳозир у ана шу лойиҳани Приморье балиқчиларига топшириб келяпти...

Абдулла ака хаёллар қуршовида Владивосток шаҳрига етиб келганини ҳам сезмай қолди. Машинадан тушиб шофёрга:

— Раҳмат! Энди сиз бораверинг, мен шаҳарда қоламан, — деди.

— Эртага келайми? — сўради шофёр йигит.

— Йўқ, эртага бу маҳалда Тошкентда бўламан!

Толиқиб, чарчаган, асаблари таранглашган бир киши катта шаҳардан туғилган қишлоғига келди. Анҳор бўйидаги ҳовлида ўзи ўтказган анор-у, бобосининг боболари экиб кетган ҳайбатли сада, ёнғоқ дарахтлари кўзни қувонтиради. Қалин шохлар орасидан булбулнинг хониши, қаердандир

майнинг сайраши эшитилади. Тонг маҳали пиширилган сутнинг, тандирдан узилган иссиқ ноннинг иси келади.

Тинимсиз шаҳарнинг шовқинидан қўтилган кишининг асаби, томирларида қон айланиши, дафъатан кунора зинғиллаб оғрийдиган боши кудан-кунга тобора яхшиланарди. Кайфияти, иштаҳаси ҳам жойида. Оқшомлари ёстиққа бош қўйдими — бас, кўзини уйқу босиб, эрталаб қушдек энгил бўлиб туради.

Шу зайлда бир-икки ҳафта ўтди. Энди у сокин қишлоқда зерика бошлади. Шаҳарнинг кундалик янгиликлари-ю, тўхтовсиз шовқин-сурони, қайноқ ва катта ҳаётини қўмсай бошлади...

Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам одамларнинг нормал яшашини ҳал этиш — бу келажак, коммунизм тақдирини ҳал этиш демакдир. Чунки, шаҳарлар тобора юксалиб, аҳолиси кўпайиб борапти. Шундай экан, бўлғуси шаҳар ҳозиргиларидан бутунлай бошқача, ҳам табиий, ҳам маънавий жиҳатдан кишилар талабига яраша бўлмоғи керак. Яъни бундай шаҳарда оқин сув ҳам, булбул хониши ҳам, водопровод, автомобиль ҳам бўлиши, шаҳар билан қишлоқ манзараси киши кўз олдида алмашиб туриши керак. Булар ҳали архитекторларнинг хаёлидаги нарса... Шу ўринда машҳур француз меъмори Мишель Рагоннинг фикрлари ниҳоятда тўғридир. У 1969 йилда Совет Иттифоқида бўлган вақтида бир газета муҳбирига шаҳар қурилиши ҳақида шундай деган эди:

«Фан-техника тараққий этган ҳозирги даврда архитектурага индустриянинг таъсири катта бўлмоқда. Биз ҳозир кўпроқ тезкорлик ҳақида ўйлаяпмиз. Натижада, вақтинчалик қурилишлар билан машғул бўлмоқдамиз. Шаҳар қуришда, турар жойлар қуришда тараққиёт ва ҳозирги замон талабидан жуда-жуда орқадамиз. Тўғри, дадиллик билан яратилган лойиҳалар мавжуд, бироқ уларни ҳозир... келажакнинг, бўлғуси шаҳарларнинг бошланиши деб қарамоқ керак. Бизнингча, ана шундай фантастик фикрларни умумлаштирадиган, жаҳон илмий-текшириш маркази бўлмоғи керак. Ана шундай марказда архитектурамизнинг келажак уруғлари тезроқ етилиб, униб чиқиши мумкин».

Шаҳар қурилиши, бўлажак шаҳарлар ҳақида ўйларкан, Абдулла аканинг назаридан москвалик архитекторларнинг бу соҳадаги янги ишлари бирма-бир ўтди. Совет архитекторлари А. Иконников, С. Гречанинов, А. Панин, К. Пчельниковлар тасаввурларида ҳозирги шаҳар бундан минг йиллар олдин узоқ-яқинда яшовчи аҳолининг бир марказга бирлашишга интилишлари натижасида пайдо бўлган... Бир жойга тўпланибгина қолмай, атрофларини қалин девор — истеҳкомлар билан ўраб олишган. Вақт ўтиши билан шаҳарларда аҳоли жуда зичлашиб, катта-катта хиёбонлар, майдонлар пайдо бўла бошлади... Мана бугунга келиб, транспорт тезлигини, қулайлигини ошириш, аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида катта шаҳарларни бир неча бўлакка бўлиб қуриш мўлжалланмоқда. Уларнинг ҳар бирида 100—120 минг аҳоли яшайди, транспорт тезлиги жуда юқори, ҳар қандай масофани ҳам писанд қилмайдиган бўлади. Қизиғи шундаки, бундай шаҳарчаларда турар жойлар қанчалик баланд қилиб қурилса, боғ-роғлар, фонтанлар, соф ҳаво шунчалик мўл бўлади. Масалан, 800—100 метрга минг аҳоли жойлашади, бу ҳозирги шаҳарлардаги аҳоли зичлигидан тўрт баравар ортиқ. Мана шу зичлик эвазига ўрмон, боғлар, кўплаб ёдгорликлар бузилмай, ўз ўрнида қолади. Шаҳар кенг, ҳавоси мусоффо бўлади.

Аммо ҳали булар хаёлдаги нарсалар — бу тўғрими, яшаш учун қулайми-ноқулайми, олдиндан башорат қилиш қийин. Бу янгилик Урта Осиё шароитига, шаҳарлари услубига тўғри келадими, йўқми бу ҳам номаълум...

Ўзбек меъмори анҳор бўйида ўтириб, янги қурилган кўп қаватли биноларга тикилганча ана шулар ҳақида ўйларди. Ҳа, она шаҳри Тошкент жамоли кун сайин ўзгараётганини кўра-била туриб, бу ҳақда ўйламасликка ҳаққи йўқ!..

Бир кунни Абдулла аканинг уйига илгари Тошкентда ишлаб, кейин Москвага кетган меъмор дўсти Андрей Сидоров меҳмон бўлиб келди. Икки дўст шаҳар айлангани чиқишди. Абдулла ака меҳмонга 1966 йилдаги зилзиладан сўнг қайта қурилган Тошкентнинг янги бинолари, хиёбонларини кўрсатди. Андрей Андреевичга янги шаҳар маъқул бўлди. Лекин баъзи бир эътирозларини ҳам айтди. У эски Туркман бозори яқинидаги сўлим хиёбонда ток остидаги каворотда ботинкасини чойнак-пие́ла ёнига қўйиб, қора кўзойнак остидан гулу-райҳонларга тикилиб ўтирган «чойхўр»ни кўриб ижирғаниб кетди. Чойхонани кўздан кечиргач эса:

— Мана буниси бўлмайдми. Чойхона мачитга, анави чойхўр ҳайкали эса итбалиққа ўхшайди, — деди.

— Ўзбекларни яхши биласан-ку, бағри кенг, бориға қаноат қилади, — деди Абдулла ака дўстига тасалли бериб. — Кейинги йилларда шаҳарда чойхона ва ҳаммомнинг уруғи камайиб кетди. Яхшими, ёмонми, бориға шукур қилаяпмиз...

Чиройли қилиб қурилган фиштин бинолар ҳам шаҳарга такрорланмас ҳусн бахш этади. Бундай уйларда одамлар роҳат қилиб яшашади. Аммо негадир ҳозир фиштли бино «мода»дан қолди.

— Мана, бу фикринг бошқача. Урушдан кейинги йилларда Навоий, Шота Руставели, Новомосковский кўчаларидаги уйлар қурилганда бино қимматга тушди, замонавий қилиб қурилмапти, деб танқид қилган эдинг. Қани энди шундан кейин қурилган бирорта кўзга кўринарли бино. Манави, янги ЦУМ биносини қара! Қўп-қуруқ-ку, теплицадан кам фарқ қилади. Эски универмаг биноси қандай салобатли эди. Борми ҳалиям?

— Йўқ!

— Нима, уни ҳам буздиларингми?

— Зилзилада иккинчи қавати учиб кетди. Кейи бузиб юборилди.

— Э, аттанг... Шаҳарда ўзи баланд, шифти паст темир-бетон бинолар кўпайгани чакки бўлибди. Бундай биноларда одамлар кундузи ҳам чироқ ёқиб ўтиришга мажбур бўлишади...

Дўстлар гап билан бўлиб Ленин майдонига яқинлашиб қолганларини билмай қолишди. Сидоров бирдан тўхтаб:

— Во, ажаб! Мана буниси меъморчиликнинг дурдонаси деса бўлади... Қойил! — деди Ленин музейига тикилиб. — Меъморчиликдаги янгилик билан халқ амалий санъати услубидан оқилона фойдаланишнинг ажойиб намунаси. Ҳақиқий санъаткорлик билан қурилди, доҳий хотирасига ўрнатилган умрбоқий ёдгорлик бўлибди.

Меҳмон музей биносига қайта-қайта хурсанд бўлиб қарар, унга сари Абдулла ака ҳам жилмаяр

эди. Аммо бу хурсандчилик узоққа бормади. Сидоров Марказий майдонга борганда рангдор плиталари кўчган сарҳовуз тубига қараб сўради:

— Анҳор қани?

— Қайси анҳор?

— Ахир, лойиҳангизда бу жойдан оқар сув ўтиши керак эди-ку!

Абдулла ака шунда эллагинчи йилларнинг бошида Усмон Юсупов ташаббуси билан республика пойтахтининг янги маъмурий маркази лойиҳаси учун конкурс ўтказилганини эслади. Бу конкурсда у ҳам иштирок этиб, биринчи мукофотни олганди. Унинг лойиҳасини машҳур меъмор, академик А. В. Шусев юқори баҳолаганди.

— Уша лойиҳангнинг тақдири нима бўлди?

— Ўзгариш киритдик, — Абдулла ака билиб туриб ёлғон гапирди. Аслида ҳозирги Марказий майдон лойиҳаси тасдиқланганидан у тугул, Ўзбекистон Архитекторлар союзи ҳам беҳабар қолган эди. Эски лойиҳада ўн тўққиз қаватли бино, республика Олий Совети биноси йўқ эди. Майдоннинг бир томонидан оқар сув ўтарди. Буни Усмон Юсуповнинг шахсан ўзи маслаҳат берган.

Сидоров дўсти ҳақиқатни яшираётганини сизди.


— Сезиб турибман, «ёрилгинг» келмаяпти. Ахир, унақа лойиҳа ҳадеб яратилавермайди-ку. Эссиз, эссиз, қанча кучинг, қанча маҳоратинг сарф бўлганди-я...

* * *

Дўстлар Пушкин кўчаси бўйлаб Инқилоб хиёбонига келишди. Дастлаб Курант куббасидаги хилпираб турган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ол байроғига қарашди. Шу пайт Тошкентдаги энг катта соат бонг уриб, яна бир нурли кун бошланганидан дарак берди. Сўнг ҳур республикамиз — Ўзбекистон гимни янгради...

Кейин дўстлар хиёбон ўртасидаги Карл Маркс ҳайкалига ўйчан тикилиб, хаёлга чўмишди. Шаҳарнинг эски маркази бўлган бу замин не-не воқеалар, ходисаларнинг шоҳиди эканлигини ўйлашди.

Ҳа, меъморлар доимо ўй-хаёл оғушида бўлишни, бир-бирлари билан мунозара қилишни яхши кўришади. Аслида бусиз улар ижодини, камолотини тасаввур этиб бўлмайди.



Умурзоқ Ўлжабоев

МАСОФА БИЛМАС ИЖОД

Улуғ Ватан уруши йиллари бошқа ёзувчилар қатори Абдулла Қаҳҳор ижоди учун ҳам алоҳида, ўзига хос бир босқич бўлгани маълум. Эътибор берилса, кечаётган шиддатли, даҳшатли уруш даври ҳаёти — ўша кунларнинг энг долзарб воқеалари ҳақида адабиётимиздаги насрда ёзилган кўп ва соз, йиллар синовидан ўтиб келаётган асарларнинг катта қисми шу улуғ сўз устаси қаламига мансуб эканлигига амин бўлиш мумкин. У ўзининг «Олтин юлдуз» ва «Дардақдан чиққан қахрамон» каби қиссаларида Ватан тақдири, тузумимизнинг келажаги ҳал бўлаётган ҳаёт-мамонт олишувларида иштирок этаётган ўзбек халқининг вакиллари образини кенгроқ кўламда беришга ўша кезларнинг ўзидаёқ ҳаракат қилди. Шунингдек, «Қизил конверт» ва қисман бўлса-да, «Кўк конверт», «Сеп» каби ҳикояларида ҳам жанг майдонларида қўлида қурол билан душманга қарши курашаётган, бевосита жанговар ишларга дахлдор кишилар ҳаётидан лавҳалар чизди, шу шароитдаги инсонга хос хислатларни ифодалади. Муҳими, бу асарлар фақат ўша давр адабиётининг намунаси, уруш одамларининг маънавий мулкигина бўлиб қолмади. Улар ҳозир ҳам — бир неча ўн йилликдан иборат бўлган вақт масофасидан ҳам бемалол кўриниб, кўзга ташланиб, эсланиб туради. Урушдан кейин туғилиб, вояга етаётган қанчадан-қанча кишиларга завқ, маънавий озиқ бериб келади. Яна бу асарлар Улуғ Ватан уруши тўғрисида ўзбек адабиётидаги катта бир йўналишнинг сарчашмасида турувчи, гарчи воқеаларнинг қайноқ таассуротлари таъсирида ёзилган бўлса-да, ҳозир ҳам шу мавзуда ижод қилаётган талай ёзувчиларимизга бемалол андаза, ибрат бўла олиши мумкин.

Абдулла Қаҳҳор бу йўналишда, айниқса, жуда самарали ижод қилди. Улуғ Ватан уруши давридаги ўзбек прозасини безайдиган ажойиб асарлар яратди. Унинг қаламига мансуб урушнинг турли йилларида ёзилган «Ботирали», «Асрор бобо», «Хотинлар», «Қампирлар сим қоқди» каби ҳикояларнинг фақат ўша даврда эмас, балки умуман ҳарбий прозамиз равнақида ўзига яраша ўрни ва салмоғи бор. Эҳтимол, юқорида саналган асарларнинг ҳаммаси бадий жиҳатдан бирдек юксак, ҳаммаси ҳам адибнинг юксак истеъдоди даражасида ёзилган деб бўлмас. Чунки ўз ижодига, асарларига ғоят талабчан бўлган ёзувчи юқорида номлари келтирилган ҳикояларидан айримларини ҳаётлиги пайтда тартиб берилган кўп томликларига киритмаган. Еки ҳикоячилик соҳасидаги бутун ижодининг «қаймоғи» жамланган томга эмас, балки бошқа томларга ўтказилган. Бунда қаҳҳорона талабчанлик яққол билиниб туради.

«Ботирали» ҳикояси ёзувчининг 1967-1971 йилларда нашр этилган олти томлик асарлари мажмуасининг охири китобида берилган. Бу ҳикоя нимагадир шу пайтга қадар Абдулла Қаҳҳор ижоди тадқиқотчиларининг гоҳ эътиборидан четда қолиб, гоҳида йўл-йўлакай мулоҳазаларигагина сазовор бўлиб келган. Ваҳоланки, бу асар талай жиҳатлари билан эътиборга моликдир. Биринчидан, у ёзувчининг Улуғ Ватан уруши шиддат билан давом этаётган пайтда шу мавзуда яратилган илк ҳикояси. Иккинчидан эса «Ботирали» билан Абдулла Қаҳҳорнинг уруш даврида яратган бошқа бир қатор машҳур ҳикоялари ўртасида кечаётган ҳаётга муносабат, уни муайян персонажлар тақдири орқали кўрсатиш принципларида умумийлик, узвийлик бор. Бизнингча, ёзувчи ижодидаги мана шу бурилиш нуқтаси мутлақо янги йўналиш — ҳам ҳаёт учун, ҳам адабиёт учун масъулиятли босқичдаги илк ижодий изланиш намунаси сифатида жиддий муносабатга, таҳлилга муносибдир.

«А. Қаҳҳорнинг уруш йилларида ёзилган ҳикояларида стиль жиҳатдан ўзгариш майдонга келди», — деб ёзади адабиётшунос Ҳомил Ёқубов, ёзувчининг ҳикоячилик маҳоратига бағишланган мақоласида. «Уруш йилларида А. Қаҳҳор ижодида янги темалар, янги образлар пайдо бўлди», — деб таъкидлайди, ёзувчи ҳақидаги дастлаб монография автори, рус адабиётшуноси И. В. Боролина. Улуғ Ватан уруши йилларидаги ўзбек адабиётини чуқур ва атрофлича ўрганган йirik олимимиз Салоҳиддин Мамажонов ҳам «Уруш даври материали унинг ҳикояларининг конфликтини, ғоясини кескинлаштирди, фожиавий қилди, жиддий воқеа ва характерли деталлар берди», — дея ёзувчининг шу давр ижодида хос бир қатор муҳим жиҳатларни таъкидлаб кўрсатади «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек адабиёти» номли китобида. Демак, Абдулла Қаҳҳор ижодида ҳаёт, воқелик тақозоси билан боғлиқ тарзда муҳим сифат ўзгаришлари юз берган экан, унинг қандай содир бўлганлигини кузатиш фойдадан холи бўлмайди.

С. Мамажонов яна ўша китобининг бир жойида «Қариялар образининг ишлатилиши билан А. Қаҳҳор ҳикояларида фалсафийлик ва юмор кучайди», — деган гапни айтади. Бу фикрда жон бор. Чунки ёзувчининг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган даярли барча ҳикояларида кўпни кўрган, ҳаётнинг ачиқ-чучигини татиган қариялар образи марказий планда туради. Айримларида эса, гарчи бошқа персонажлар ҳақида ҳам гап бўлса-да, кексалар образи асарда муайян композицион марказ, ўзига хос бир призма вазифасини ўтайди, кечаётган воқеаларга нисбатан унинг нигоҳи, муносабати

сезилиб туради. Шу тариқа бундай кўриниш уруш даври ҳаётини кўрсатишда ёзувчи ижодидаги муҳим бир восита, ифодавий усул даражасига кўтарилади. Абдулла Қаҳҳорнинг бундай усулни, йўлни танлаши, маъқул кўриши бежиз бўлмас керак. У ҳамма вақт асарларининг халқчил бўлишига, ҳар бир сўздан тортиб, образларигача халқ руҳига яқин қилишга интиладиган ёзувчи эди. Юқоридаги ҳолатнинг ҳам халқнинг таомили, психологъяси билан боғлиби келадиган асослари бор эканлиги шубҳасиздир. Одатда, оғир дамларда, мусибатли кунларда кексаларнинг ўрни, салмоғи алоҳида ажралиб туради. Бундай пайтларда уларнинг овозида кишига руҳан таскин, далда берувчи оҳанг кучли бўлади. Уларнинг гаплари бажарилиши шарт бўлган қандайдир қонундай туюлади, эътироз билдириш, тортишиб ўтиришга ўрин қолмайди. Улуғ Ватан уруши даври одамларимиз ҳаётидаги сурункасига давом этган бир минг тўрт юз ўн саккиз кунлик мусибатга, синовларга тула бир босқич эди. Гарчи Ўзбекистон мамлакат ичкараси ҳисобланиб, халқ фақат меҳнат билан банд бўлса-да, одамларнинг хаёли жанг кетаётган жойларга қаратилган, серхавотир бир ҳолатда эди. Урушда ҳар бир хонадон ўзича иштирок этар, бировнинг отаси, бошқасининг фарзандлари, учинчисининг акалари ёки укалари қон кечиб, ажал билан юзма юз келиб, олишгаётган эди. Уруш йилларида «қора хат» деб ном олган машъум хабар тез-тез келиб турар, бугун бу хонадоннинг бошига мусибат тушса, эртага бошқа биттасининг фиғон-фарёди кўкка кўтарилиб, аза очиларди. Шундай бир безовталиқ, жигаргўшаларидан куну тун хавотирда яшаётган одамлар уеун кўнгилни тинчлантирадиган, уларга таскин, ёрдам берадиган гап керак эди. Аниқроғи, одамларда шундай гапга эҳтиёж ғоят кучли эди. Ҳаётда ҳаммиша, ёзувчининг қулоғи халқнинг кўксига бўлиши керак, деган принципга амал қиладиган ва бошқалардан ҳам шуни талаб этадиган Абдулла Қаҳҳор шундай оғир пайтларда бу эҳтиёжни сезмаслиги мумкин эмасди. «Сен унақа бесабр бўлмагин,... урушга борган одам ўлаверган бўлса, ким урушаётпти? Немисни ким олдига солиб қуваётпти? Иримчиримингни қўй, тушунган кампир деб ким айтади сени», — дея қолнинг иримчи кампирига қарата айтаётган гаплари қанча аламзада қалбларга таскин берган экан?! («Ботирали»). «... кўнгилни ўз ихтиёрига қўйиб бериш урушда, урушдагина эмас, шу ерда ҳам кишини ғафлатга солади. Ақл, кўнгилни йўлга сололмайдиган киши бузоқ маъраса ҳам уҳ тортаверади, сабабки, бузоқнинг маърагани — йўлагани бўлади...» Уз бошига мусибат тушиб, ўз ёнига ўзи қоврилиб юрган, Асқор бошонинг кампирига қарата айтаётган бу гапларида инсондаги ирода билан донолик кўшилиб, қанчалик қудратли маънавий кучга айланганини кўрамиз («Асқор бобо»). Эндиликда «мунгли», «муштипар» сингари сўзлар қовушмай қолган, бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишига, касби қорига сабаб тирикчилик деб қарамайди. Буларда қандайдир ички дард бор. Шундай ички дард, кундалиқ тирикчиликдан юксакроқ бир сабаб бўлмаса ҳеч қандай қонун, ҳеч қандай шахсий манфаат буларни бу хилда ишлашга мажбур қилолмайди» — деган гапларни кўпни кўрган, ҳаёт тажрибаси бой, давр қийинчиликларига бардош бераётган аёлларимизнинг ишларидан воқиф Асқор отага ўхшаш одамларгина айта олиши мумкин («Хотинлар»). Муҳими шундаки, бундай усул — уруш даври ҳаётига қариялар нигоҳи билан муносабат билдириш фақат Абдулла Қаҳҳор ижодига хос хусусият эмас эди. Бундай кўриниш бошқа ёзувчилар ижодида ҳам учрайди. Фақат бу масалада адибларимиз эришган натижалар, муваффақиятлар ҳақида гапирадиган бўлсак, яратилган насрий асарлардаги маҳорат хусусида гап кетадиган бўлса, сўзсиз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари биринчи планга ўтади, ўз салмоғи билан ажралиб туради.

Биз юқорида «Ботирали» — Абдулла Қаҳҳорнинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган илк ҳикояси дедик. Буни таъкидлаётганимиз бежиз эмас. Ёзувчининг худди шу йил — 1942 йилда яратган бир қатор асарлари — «Барон Фон Ринг», «Бос тепкини», «Иккинчи бири», «Ҳиҳи»ларга «фельетон» деган изоҳ берилган. Адабиётшуносларнинг таъкидлашларича, аслида ҳам, бу асарлар фельетондан кўра кўп жиҳатлари билан сатирик ҳикояларга яқиндир. Эҳтимол, ёзувчи уларни ҳикоячилик талабларига қанчалик жавоб бериш-бермаслигини назарда тутиб, фельетон деб аташни лозим кўрган бўлса керак. Бундан ташқари уруш даври мавзусига дастлаб сатирик йўналишдаги асарлар ёзиш билан муносабат билдиришга бир томондан, фашист босқинчиларига нисбатан бўлган кучли ғазаб-нафрат, иккинчи томондан, 30-йилларда ҳажвий ҳикоячилик соҳасида тўплаган, эришилган бой тажриба, маҳорат инерцияси ҳам сабаб бўлиши мумкин. «Ботирали» ҳикояси билан эса ёзувчи уруш даври ҳаётининг ифодаси фақат одамлардаги ғазаб-нафрат туйғусинигина эмас, айни чоқда жанг майдонларидан жуда узоқ-узоқларда намоён бўлаётган халқимизга хос чидам, ватанпарварлик, ирода каби сифатларни кўрсатишни ҳам тақозо қилишини гўё «тушунгандек» бўлади. Мазкур ҳикоя Абдулла Қаҳҳорнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ижодида бир йўналишдан бошқасига ўтишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Ҳикоя марказида ёши бир жойга бориб қолган чол-кампир образлари туради. Бундай қараганда, уларнинг ҳаётида ҳеч бир қизиқарли жиҳат йўқдек, уруш даврининг шиддатли ҳаёти оқимидан четда турган бу одамлар унчалик эътиборни жалб қилавермайдигандек. Лекин ёзувчи уруш фожиасини ана шу одамлар ҳаёти, ўзаро муомалалари, гап-сўзлари, ўй-кечинмалари орқали кўрсатишга қарор қилади.

Ҳикоя тўғридан-тўғри персонаж руҳий ҳолати билан боғлиқ тасвир — кўнгилга ғашлик солган ҳодиса билан бошланади. «Хурмат хола бир кунги туш кўрса, ўғли Ботирали тарнов бошидаги тегирмоннинг томида каттакон кетмон кўтариб турган эмиш. «Ҳой болам, — депти кампир. — Туш буёққа! «Нима қилаётибсан?» Ботирали индамай толга кетмон ураверпти. Тегирмонни бузиб, ўрнига электростанция солар эмиш.

Кампир уйғониб кўнгли ғаш бўлди: Электр-ку ёруғлик-а, лекин янги иморатнинг хосияти йўқ. Хурмат хола бу тушни ҳеч кимга, ҳатто чолига ҳам айтмади. Садақа берди».

Мана шу туш кўриш, ундан келиб чиқадиган «кўнгил ғаш»лик ҳикоя сюжетига ўзига хос тугун ролини ўтайди, кейинги ҳаракат ва ҳолатлар оқимида йўналиш беради, воқеалар ривожини учун муҳим туртки бўлиб қолади. Ёзувчи эса навбатдаги вазифани адо этишга киришади, персонаж руҳий ҳолатидаги ғашликнинг сабабини очиб беради. Ботиралининг аскарликка кетганига уч йил бўлганини, уруш бошланган ҳафталарда бир хат келганию, бошқа ҳеч қандай хабар бўлмаганини билиб оламиш. Шунда она кўрган туши туйфайли пайдо бўлган ҳолат ойдинлашгандек бўлади.

Хурмат хола кўнглига «туш» муносабати билан кирган ғашлик, безовталиқ биринчи босқичда

пинхоний тарзда бўлади, ўзидаги бу ҳолатни чолига билдирмайди. Лекин чолнинг «сандалга ўт соламан деб, қизил якандознинг қоқ ўртасини куйдириб» қўйиши бу пинхоний ҳолатни кутилмаганда юзага чиқаради, ошкор қилиб қўяди, у бирдан «портлаб» кетади, бисотидаги талай аччиқ сўзларини «гуноҳдор»га нисбатан қалаштириб ташлайди: «Касофатингиз ўзингизга урсин! Мажлисга чиқиб ваъз айтишни биласиз, битта ўтни эплаб сололмайсиз! Шум! Касофат!..» Мана шу ўринда ёзувчи оғир шароитда алоҳида кўзга ташланган кексаларга хос босиқлик, бир-бирини тушуна билиш, алам-задалик сабабларини чуқур англаш каби сифатларини моҳирлик билан бера олган. Чол кампирида рўй берган бундай қўққисдан «портлаш»нинг сабаби куйган якандоздан кўра фронтга кетган ўғиллари Ботирали билан Боғлиқ эканини яхши билгани учун олдин гапни ҳазилга буриб, вазиятнинг енгилаштирмоқчи бўлади. Лекин бу ҳаракат Ҳурмат ҳоланинг баттар ғашига тегади, жиғи-бийронини чиқаради. Ноилож қолган чол «Тўшак деган нарса ўт тушса қуяверади. Бунинг Ботиралига ҳеч тегишлиги йўқ» дея гапнинг лўндасини айтишга мажбур бўлади. Чолнинг бу бир оғиз сўзи билан майда-чуйдадан бошланган гап уруш даврининг асосий ташвишлари, изтироблари билан боғланиб кетади. Кампир ҳам энди очикчасига «хужум»га ўтади, чолнинг юқоридаги гапига «Нега бўлмаса хат келмайди?» дея кўндаланг, жавоб бериш қийин бўлган савол қўяди. Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоя-навислик санъатига ҳам бўлган хусусиятлар мазкур ҳикояда ҳам яхши сезилиб туради. Қаҳҳоронларнинг руҳий ҳолати ҳикояда ҳам яхши сезилиб туради. Қаҳҳоронларнинг руҳий ҳолати ҳақидаги тасаввурни нутқи орқали бериш «Ботирали»да ҳам мавжуд. Олдинги диалогларда, айниқса, кампирдаги ҳолат жуда аниқ кўринади. Айни чоқдаги ҳолат — кампири олдида ўзини қандайдир гуноҳкор сезиш, унинг кўнглига қараш, аҳволини тушуниш, унга ачиниш ва қандай бўлмасин далда, таскин берадиган гап топишга интилишлар ҳам шундоққина кўз олдимизда туради. Хусусан, кампирнинг «Нега бўлмаса хат келмайди?» деган саволига жавоб беришда довдарида қолиши, «Хат келмаганлигини шунчалик деб биламанки... Ҳайронман», — дея мужмал гап қилишида чолнинг ҳолати жуда ёрқин, табиий берилади. Лекин чол қанчалик довдирамасин, бундай вазиятда кампири оғир руҳий ҳолатдан олиб чиқиш ўз зиммасида эканини яхши тинчлантириш йўллари ахтаради. Ҳикояда чолнинг мана шу жараёндаги ҳолати жуда табиий чизилган. Унинг қўлидан бундай пайтларда нима келиши мумкин? Уруш даврида хат-хабарларнинг тўхтаб қолиши оддий бир ҳол эди. Лекин ҳозирги ҳолатда кампирга бундай тушунтириш қийин. Шунинг учун у энг синалган халқона усулни — панд-насиҳат қилишни, шу аснода кексаликнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор эканини эслатиб қўйишни маъқул кўради. «Энди мен сенга айтсам, дуо қилавер, кўп қаторида омон бўлсин дегин, — дейди у кампирга. — Шайтоннинг гапига кириб енгиллик қилиш керак эмас. Ёш боланинг қуввати икки оёғида бўлади — юриб, югуриб чарчамайди; йигитнинг қуввати белида бўлади — меҳнат қилиб чарчамайди; қариларнинг қуввати қаерда бўлади? — Дилида бўлади. Ҳеч ким бардош бера олмай-диган ғамга қари одам бардош беради. Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр дейишади. Сен шунақа қилиб ўтирсанг, ёш-яланглар нима қилади? Худо кўрсатмасин, бирон хунук хабар келганда ҳам сен ёш-ялангларни босибирин керак».

Шу ўринда ҳикоядаги бир жиҳатни, аниқроғи, ёзувчи томонидан қўлланилган бир усулни таъкидлаш лозим. Ҳар икки персонаждаги ҳолат бир-бирига зид тарзда берилади, чолдаги босиқлик билан кампирдаги «туш», чўғ тушиб якандознинг тешилиб қолиши билан боғлиқ кайфият ўртасида қарама-қаршилиқ бор. Шу сабабли чол айтаётган гаплар, қилаётган ҳаракатлар кампирнинг баттар ғашига тегаверади. Ҳатто чолнинг чуқур мулоҳаза билан айтаётган гаплари ҳам Ҳурмат ҳолани тинчлантириш ўрнига, тескари таъсир қилади, унинг «лаби пирпираб кўзига ёш» келади. «Ҳой, сиз менга нимани даромад қилаётибсиз? Ростини айтинг, мана шу ноининг ғурмати, бир гап борми? Хат келганми?» — дея олдингидан ҳам кўра авжга чиқади. Шу тариқа ўша куни «туш» билан бошланган кўнгли хиралик йиғи даражасигача кўтарилади. Айнан шу нуқтада ёзувчи вазиятга яна туртки бўлади. «Унинг тушига яна тегирмон кирди. Уртаси куйган қизил якандозни кимдир тегирмоннинг тарновига ёпиб қўйган эмиш» деган гапни илова қилиб қўяди. Энди олдин тушда кўрганлар билан ўнгда содир бўлган ҳодиса бир-бирига қўшилиб кетиб, кампирдаги руҳий ҳолатни баттар мураккаблаштиради. Бу қандай натижага олиб келгани ҳикояда шундай берилади: «Кампир азонда туриб, чолнинг ҳайҳайлашига қарамай йиғи бошлади. Қўни-қўшини кирди». Бу энди расман аза очиш эди. Агар раис вақтида келиб қолмаганда, эҳтимол, туш кўриш билан бошланиб, аза очиш даражасигача етган бу маросим яна давом этиши, ҳақиқий азага айланиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Уша пайтдаги кампирнинг важоҳатидан ҳар нарсани кутиш мумкин эди. Раиснинг келиши бу ноҳушликнинг олдини олади. У билан чол ўртасида қўйидагича гаплар бўлади: «Кечаги хатда шунақа хабар бор эканми? — деди.

Кампирни ҳеч йўл билан юпатолмай, хуноб бўлган чол раиснинг сўзини эшитиб, оғзини очганича бир оз анграиб турди-да, кейин хушини ўнглаб:

— Нима деяпсиз, қанақа хат? — деди.

Эътибор берайлик. Бу «маш-маша» ўзи Ботиралидан хат-хабар йўқлиги туфайли келиб чиқди. Раис эса қандайдир «кечаги хат» ҳақида гапирётгиди. Бу бир кеча-кундуздан бери кампирни юпатолмай хуноби чиқиб ётган одамга қандай таъсир қилиши мумкин? Юқоридаги эпизодда кутилмаган бу хабар туфайли чолда рўй берган ҳолат — унинг «оғзини очганича бир оз анграиб» туриши кўз олдимизда шундоқ жонланади-қўяди. Ҳикояни ўқишда давом этамиз. — «Уша хатдир-да. Кеча жамоада кўрган эдим. Бўронбой олиб келдим ахир? Конвертда...»

— Ҳали шунақа хат келганми? Оббо!..»

Одатда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоянавислик санъати ҳақида гап кетганда унинг кам сўзларда кўп маъно бериш маҳоратига алоҳида урғу берилади. Бунинг ёзувчининг ўнлаб асарлари мисолида исботлаш мумкин. Биз ҳозир кўздан кечириётган эпизодда ҳам худди шу санъатга гувоҳ бўламиз. Бу ерда, эътибор берсак, ишлатилаётган сўзлар бор-йўғи бир неча қаторни ташкил этади, холос. Лекин ундаги маъно, персонаж кўнглидан кечаётган ўй-хаёллар қўлами чексиз-чегарасиз. Абдулла Қаҳҳор ҳеч қачон ҳикояларида қаҳҳороннинг дилида содир бўлаётган кечинмалар тасвирини беришмайди. Мураккаб вазиятдаги персонаж ҳолатини баъзан унинг ҳатти-ҳаракатлари, ташқи кўринишидаги ўзгаришлар орқали кўрсатса, баъзан шуларнинг ҳаммасини унинг нутқида, гапириш интонациясига сингдириб юборади. Чолнинг «Ҳали шунақа хат келганми?» деган гапи ҳам шу ҳабилда ишлатилган. Бор-йўғи тўртта сўздан иборат бўлган жумлада ёзувчи чолнинг кўнглидан лаҳза

ичида кечган ҳадсиз-ҳисобсиз хаёлларни жамлашга муваффақ бўлади. Қаҳрамон «шунақа хат» деяётганда нима ўй-фикрлар дилидан ўтганини, қандай хавотирли, изтиробли ҳолатга тушганини жуда аниқ тасаввур қилиб турамыз. Энди, эътибор берсак, биз таҳлил қилаётган эпизодда кампир иккинчи планга ўтиб, чол олдинги ўринга чиқади, унинг ҳолатига асосий эътиборимиз қаратилади. Уртада сирли ва нозик бир вазият вужудга келади, бунда раис ҳам, чол ҳам ғалати аҳволда қолишади. Бу ҳақда ҳикояда лом-мим дейилмайди, лекин биз уни тасаввур қилиб турамыз. Ёзувчи тасвири довом эттиради. Раис «Қайси хатни ўқиб бунақа қилиб ўтирибсизлар, бўлмаса?» деган сўроғига жавоб олишга улугурмасдан хат билан Бўронбойнинг ўзи келиб қолади ва уни раисга узатади. Шу ўринда ёзувчи жиндек қаҳрамоннинг ички ҳолатига нигоҳ ташлайди, у ҳақда: «Чол конвертни кўриб кўнгли озби кетди, лекин ўзини бардам ва мардона ташлади: — Очинг, ўқинг, — деди», — дея изоҳ беради. Конвертни очиб, ундаги «тўрт энлик қоғозга хира қалам билан ёзилган хат»га раис кўз югуртириб чиққунча ўтган муддатда чолнинг аҳволи нима кечганини, ҳаёт-мамоти қил кўприк устига қандай келиб қолганини, гарчи ҳикояда бу ҳақда лом-мим дейилмаса-да, ёзувчи санъатининг сеҳри орқали жуда аниқ тасаввур қилиб турамыз. Бу босқичда бизнинг диққатимиз олдин хат ҳақидаги хабарни эшитиб, сўнг ўзини кўриб бир аҳволга тушиб қолган чолга эмас, балки бошқа объектга — хатни очиб ўқиётган раисга, унинг ҳолатига қаратилади. Шу дақиқада у биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Лекин бу гал эътиборидан четда қолади, деган маънони аңлатмайди. Чунки хатни ўқиётган раиснинг юзидagi ҳар бир ўзгариш тўғридан-тўғри чолга дахлдор. Наинки қаҳрамон, балки китобхон ҳам ҳаяжонланиб, уни кузатади. Бунинг ёзувчи жуда яхши сезган ҳолда иложи борича унумлироқ фойдаланишга, бир муддатга бўлса ҳам ундаги сирли жиҳатни чўзиб, ҳам қаҳрамон, ҳам китобхон қалбида кечаётган туйғулар оқимидagi драматизмни кучайтиришга интилади ва бунга муваффақ бўлади. Ҳикоядаги раис хатга кўз югуртираётиб, «бирдан чехраси ўзгариб кетади. Бу ўзгариш кўрқувми ё таажжуб натижаси эканини ажратиш қийин эди», деган тасвир шу тариха пайдо бўлади. Назаримизда, ҳикояда Хурмат хола билан боғлиқ гаплар асосий ўринни эгаллагандек, биринчи планда тургандек бўлиб кўринса-да, лекин аслида ундаги кульминацион нуқта чолдаги руҳий ҳолат ифодаси орқали намоён бўлади. Чунки кампирдаги кўнгилашлик, иримчилик, тушга ишонши каби жиҳатлар билан боғлиқ бўлса, чол кутилмаганда конкрет факт — хатга рўпара келиб қолади, то масала ойдинлашгунча неча марта ўлиб-тирилади. Бунинг ўғлининг тириклиги, маълум сабабларга кўра хат ёза олмагани ҳақидаги хабарни эшитгандан кейинги ҳолатидан билса бўлади. Унда ушбу ҳолат, дахшат, ваҳима иргдобидан қайтиб чиққандан сўнги ўзгариш ҳақида ҳикояда шундай гап бор: «Чол озроқ кимиз гирдондай бўшашиб ўтириб қолди. Ҳовлидаги ғовур, ҳатто кампирнинг йиғиси ҳам уни аллалаётгандай бўлар эди.»


«Ботирали» ҳикоясида яна бир ўзига хос жиҳат кўзга ташланади. Унда кульминацион нуқтага кўтарилиш қандай босқичма-босқич амалга оширилган бўлса, ундан тушиш ҳам шу тарзда давом эттирилади. Шу сабабли ҳам, гарчи ҳамма гап ойдинлашган бўлса-да, унда ранг тортилган ип бирдан қўйиб юборилмайди, балки аста-секинлик билан бўшатила боради. Хабарни эшитган кампир, гарчи йиғидан тўхтаган бўлса-да, лекин «хатни худди шу бугун аза очмоқчи бўлган кунда келганига ҳайрон бўлиб», шубҳаланади. Икки кундан кейин келган «тўла хат»дан ўзича ишқал толади, унда юборилган суратга қараб «бу эски сурат» деб хатнинг ростлигига ишонмайди. Ниҳоят кампирнинг инжиқликларини чол ҳам кўтаролмайдиган даражага боради, ахири зардаси қайнаб кетади. У:

«— Янги йилга неча кун қолди? — деди.

— Икки кун.

— Ундай бўлса, тақ кўзойнагингни! Қалам билан қоғоз ол. Ўз қўлинг билан ёз: «Ўғлим Ботирали! Дуойи салом...» У ёғини ўзинг келиштир. Хўш... «Яна сўзимиз шуки, бизга суратингни олдириб юборгин, лекин шу суратни кўрганда, бу йил олинганлиги маълум бўлиб турсин...» дейди жаҳл аралаш. Ҳикоя бирдан юмористик рангдagi эпизод — кампирнинг ўзгариши, «чолнинг соқолидан туги, у юзидан, бу юзидан ўпиши ва «Жаҳл устида айтган гапларимни кўнглингизга олмайсизми?» — деган эрқаланиш оҳангидagi кеचирим сўраш билан тугайди.

Ҳикоядаги бор-йўқ гап шулардан иборат. Унда, кўрганимиздек, персонажлар ҳаётидаги бир момент, бир нуқта тасвирга асос қилиб олинади, шу вақт, имконият чегарасида уларнинг инсоний қиёфаси, руҳий ҳолати очиб берилади. Бу-ерда биз ҳикоя қаҳрамонларига тааллуқли бўлган бошқа тафсилотларни учратмаймиз, на уларнинг ўтмишига, на уруш пайтидаги ҳаётига тааллуқли гап-сўзларни кўрмаймиз. Лекин Абдулла Қаҳҳорнинг маҳорати, санъати шундаки, йўл-йўлакай, гап орасида гўё шунчаки айтилаётгандек кўринган сўзлар орқали ҳам персонажлар ҳақида ўқувчига керакли маълумотни бера олади. Масалан, биз юқорида Хурмат хола яқандозни куйдириб қўйгани учун чолига ғазаб қилаётиб, гап орасида «Мажлисга чиқиб ваъз айтишни биласиз», дейди. Кампирнинг бунчалик кўнгилашлик қилаётганидан ҳайрон чол унга насихат қилатуриб, «Сен бир ой ўқиган бўлсанг ҳам, оғзингда илминг бор», деган гапни айтади. Ҳикоянинг охирида эса у кампирнинг қилиқларидан зардаси қайнаб, «қалам билан қоғоз ол. Ўз қўлинг билан ёз...» деб амр қилади. Назаримизда, мана шу йўл-йўлакай айтилаётган, бир қарашда унчалик аҳамиятсиздек кўринган ишоралар орқали ёзувчи катта маънони беришга, персонажлар ҳақидаги бизнинг тасаввуримизни бойитишга, аниқлаштиришга муваффақ бўлади. Чол-кампирнинг ҳаёт йўлига тааллуқли маълумот бир лаҳзага бўлса-да, ярқ этиб кўз олдимиздан ўтади. Уларни китобхонга яқин, қадрдон одамларга айлантириб қўяди. Ҳикоядаги бу жиҳатга адабиётшунос И.В. Боролина алоҳида ургу бериб, «... Ботирали» ҳикоясида Қаҳҳор ўз қаҳрамонлари ҳаётидан фақат бир эпизоднигина ифодалаган бўлса-да, улар қалбининг энг нозик нуқталарига шу даражада меҳр-муҳаббат билан нигоҳ ташлайдики, ҳар бир одам учун яқин ва тушунарли бўлган туйғу ҳамда кечинмаларни шу даражада лирик товланишларда кўрсатадики, китобхон беихтиёр улардаги ҳаяжон ва хавотирларга шерик бўлади, бахтли онларини кўриб қувониб кетади, — деб таъкидлайди. Бу гапларга қўшилмаслик мумкин эмас. Демак, «Ботирали» ҳикояси, гарчи ёзувчининг бошқа томларида «адашиб» юрган, адабиётшунослар эътиборидан анчагина четда қолиб келаётган бўлса-да, аслида Абдулла Қаҳҳорнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги адабий фаолиятида ўз ўрнига эга бўлган асар. Бу ҳикоя бошқа жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. У ёзувчининг уруш йилларидаги ижодида, аввало, оддий халқ вакиллари характерини чизишдан бир йўналишнинг бошланишида алоҳида ўрин тутганлиги билан диққатни жалб этади.



ХАЛҚ ДОНИШМАНДИ

Қашқадарёдаги кўпгина ўқитувчилар халқ оғзаки ижодини тўпловчи фидойилардир. Шулардан бири шахсий пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Чори Ҳамро. Қарши шаҳрининг Ленин кўчасидаги 354-уйни деярли ҳамма этнографлар, фольклоршунослар яхши биладилар. Қашқадарёга келган алломалар шу хонадоннинг мўътабар меҳмонлари. Катта йўлнинг бўйида жойлашган дарвоза олдида қорачадан келган, барваста мўйсафид сизни селкиллаб кутиб олади. Узбекнинг удумида келган меҳмоннинг қўлига сув қўйиб, сочиқ тугилади. Аммо бу хонадонга кирганингиздан кейин сув ўрнига ажойиб шеърини мисралар оқади. Қўлингизга қадимий халқ дostonлари, кўшиқлари, мақол ва маталлари тўлдирилган қалин-қалин дафтарлар тугилади. Бу хонадондан меҳмон уч-тўрт кун ичида чиқиб кетолмайди. Мезбон Чори бобо 50 йил мобайнида тўплаган ноёб хазинасини олдингизга дастурхон қилиб ёзади. Бу дастурхондан қиллар баҳраманд бўлмаган дейсиз? Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир сингари забардаст шоирлар Чори бобонинг елкасига қоқиб ташаккур айтганлар. Зукко фольклоршунос Ҳоди Зариф «Беломорканал» папиросини чекиб, қават-қават дафтарларни варақлаган. Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Муҳаммаднодир Саидов, Тўра Мирзаев Чори бобонинг ҳикояларини, хотираларини мароқ билан тинглаганлар. Чори бобо сахий мезбонлардан: Охунжон Собиров, Абдимўмин Қаҳҳоров сингари фольклоршунослар бу хонадондан неча-неча жилд дафтарларни қўлтиқлаб чиқиб кетганлар. Аммо Чори бобо ҳеч қаерда, ҳеч қачон мен шундай буюк ишлар қилганман, мен фалончиларнинг олим бўлишига ҳисса қўшганман, деб кўкрагига урмаган. Шундай улкан бойликка эга бўлган бобо илмга ҳам даъво қилмаган. Хазинасида нимаики бўлса бўлажак олимларга тақдим этган, шоирларни шу хазинадан баҳраманд қилган. Аммо бунинг эвазига ҳеч кимдан миннатдорлик таъма қилмаган.

Бу заҳматқаш инсон уйда буюм тўплаган эмас. Шифтга қадар етган тирбанд китоблар, 30-йиллардан то шу маҳалгача нашр этилган газета-журналлар, тенгсиз халқ дурдоналари унинг бойлиги.

Сурхондарё, Қашқадарё воҳалари халқ кўшиқлари, дostonлари йиғилган сарғайган варақлар, бахшиларнинг овозлари ёзиб олинган магнит плёнчалари шу қариянинг қўлида.

— Чори ака, нега бу хазинани китоб қилиб чиқармайсиз?

— Китоб чиқариш учун кетидан юриш керак. Мен эса кучдан, оёқдан қолганман.

— Ахир бу хазина-ку, хазинани яратиш осонмас.

— Тўғри, осонмас, иним. Сизларнинг ёшингизда, сўзламаган кишини сўзлатдим, бўзламаган бахшини бўзлатдим. Томчилар йиғилиб-йиғилиб дарё бўлганидек, улар айтган кўшиқ, ривоятлар кейинчалик менинг қўлимда жилд-жилд қўлёзма бўлиб шаклланди. Мана шу ерда ўнлаб, балки юзлаб халқ шoirларининг 15 минг мисрадан ошиқ кўшиқ, термалари жамланган. Шулар орасида Умир Сафар ўғлининг «Ўғилой — келиноий», «Қорақум», Абдулла шоирнинг «Алпомиш», «Сатимхон», «Авазхон», «Хуш келди»си, Умр, Мардонақул, Қодир шоирларнинг кўлаб дostonлари ва термалари ёзиб олинган ҳолда турибди, — дейди Чори ака жавонларнинг бирига қилиб ва қўлига бир суратни олиб сўзида давом этади. — Бу суратни яқинда «Гулистон» журнали берибди. Абдулла шоир жўшиб-жўшиб айтаяпти, дoston-кўшиқ айтаяпти, билганларини кўшиб-кўшиб айтаяпти. Суратнинг пастиди у айтган термалардан намуналар, ҳаммаси янги, оригинал.

Шоирнинг 100 йиллиги нишонланаётган шу азамат кунларда менинг ёдимга беихтиёр бир хотира келади. 55-йиллар эди. Абдулла бовони эл-улус катта шоир деб билса ҳам ундан ҳали ҳеч ким ҳеч нарса ёзиб ололмаган. На фольклор вакиллари, на академия кишилари. Ололмаганининг боиси шуки, келган киши қуруқдан-қуруқ, «бобо биз пойтахтдан келдик. Сизни ёзиб олгани келдик, қани билганингизни айтинг» дегани билан қариядан бир нарса олиш қийин.

Халқ орасида: шоир-бахши бўлиб танилишнинг боиси шулки, маҳалла-кўй ўз маъракаларига, тўйларига бу ёшуллин ҳаммадан олдин чақиради, маслаҳат сўрайди, давранинг тўрига ўткизади, кўнлига киради, дoston айттиради, устига тўн, сарупо ёпади. Мен ҳам халқ вакилларининг изидан бориб, Абдулла шоирнинг хизматини қилдим, кўнглини топдим, аниқроғи, қўли-дилини «очдим». Бахши хоҳлаганда термаларини, хоҳлаганда дostonларини айтди. Унинг мавжуд хазинаси менда. Буни ҳеч ким шу чоққача сиз каби, йўлини қилиб сўраб келмаган. Сўранг — айтаверай.

Чори бобо бир кучоқ келадиган дафтарларни алоҳида ҳурмат, айрича эътибор билан сақлайди. Бу Абдулла шоир бадиҳалари — дostonлар, термалар, хотиралар. Чори бобо 20 ёшларда бўлса керак, Абдулла шоир билан танишган, унинг бадиҳаларини ёзиб оламан деб йигит умрини ўтказган, катта заҳматлар эвазига улкан шоирни кашф этган.

Мени эса Абдулла шоир ва унинг дostonларигина эмас, қавмимизнинг олис ўтмиши, ёзиб қолдирган битиклар — ёдгорликлар, тош ёзувлар, ривоятлар, тарих силсиласи бўлиб қолган халқ дostonлари кўлами — бари-бари қизиқтиради. Қаршимда қоядай юксалган бир доно мўйсафид олис-олислардан ҳикоя қиларди...

— Олис томирларингдан бири хунниларга бориб тақалишидан хабардормисан, ўғлим. Улар минг йиллаб Осиё тупроғида от суришди. Уларнинг кейинги авлодлари ҳам 22 та катта тамғали

Уруғ бўлган эди. Тўққизи шунда қолди. Кичик уруғ аталди. Улар бошида Қултагин, Билкалар турган. Сенинг назарингга тушган бу битиклар ўша бобокалонларинг қабридан синиб тушган тош битиклардир...

Чори бобо берилиб «Уғизнома», «Китоби Дада Қурқут» дostonларидан қизиқ-қизиқ парчалар сўзлаб беради. Уларни тинглаб, қариянинг заковати, билимига қойил қолмасдан илож йўқ. Мана, асрлар қўйнидан чиққан қадимги садоларга қулоқ беринг:

Ул ботир йигитларнинг қасамёди бул эрур эди.

**Агар хиёнат қилсам
Қиличим билан тўғралай!
Отган ўқим ўзимга қадалсин!
Ердай топталай, тупроқдай соврилай!
Ўтиндай ёнай!
Тирқираб қоним оқсин!
Ғаним қўлида жон берай!
Ота ўғли бўлмайин.
Она сути кўр қилсин.
Ўрним — давлатим ўзимга буюрмасин!
Бир бел урган ерим гурим бўлсин.**

Юрти қалъасини қўриқлашга кетаётган йигит севгани билан роз айтиб хайрлашур эди:

— Севганим;

**Қиз, сен менга бир йил қара,
Бир йилда келмасам икки йил қара!
Икки йилда келмасам, уч йил қара!
Келмасам, менинг ўлганим маълум бўлади,
Айғир отимни сўйиб, ошимни бергин!**

**Кўзинг, кўнглинг кимни истаса,
Ушанга тегиб, яша! Розиман!**

ҚИЗ:

— Йигитим, мен сенга бир йил қарайман,
Бир йилда келмасанг, икки йил қарайман,
Икки йилда келмасанг уч йил қарайман,
Тўрт йилда келмасанг беш йил — олти йил қарайман.
Олти йўл айрилишида чодир тикаман
Ўтган-қайтгандан хабарингни сўрайман.

**Хайрли хабар берганга от-тўн бераман,
Ёмон хабар келтирганнинг бошини кесаман.
Эркак кўкрагини сийнамга қўндирмайман!
Менга ният тила, ниятимни қабул эт-да,
Ундан кейин хўшлашиб, кетгин, йигитим!**

Алп йигитлар макр-ҳийлани ёқтирмас эдилар:

**Алдаб эрни тутиш хотин ишидир,
Аёлингдан ўргандингму бу ишни!**

Фарзанд хонадон учун бахт, фарзандсизлик қисмат эрди...

Дирсахон тўйдан иззат-икром кўрмай, бунинг сабаби фарзандсизлик эканини билиб олганидан кейин хотини Галхибониға қарата шундай дейди:

**Хон қизи, еримдан турайнми!
Яқангдан бўғиб тутайнми!
Ўйдан ҳайдаб, олдимга солайинми!
Қора пўлод қиличимни олайинми!
Танангдан бошингни кесайинми!**

**Жон қийноғин сенга билдирайинми!
Қизил қонинг ер юзига тўкайнми!
Хон қизи, сабаби надир, айтгин менга,
Қаттиқ ғазаб қиларман энди сенга.**

Шунда Галхибони эри Дирсахонга дегани:

— Ҳой Дирсахон! Менга ғазаб қилма! Бўлар-бўлмасга ачиқ сўзлар сўзлама, ўлтирган ерингдан тургил! Ер юзига ола чодирингни тиккил. Отдан айғир, туюдан буғра, қўйингдан қўчқор сўйдиргил! Ич Уғуздан, Таш Уғуздан бойларни йиғил! Оч кўрсанг тўйдириб, яланғоч кўрсанг қийинтиргил! Қарздорни қарзидан қутқаргил! Тепадай гўшт, кўлдай қимиз қилгин! Улуғ тўй бошла! Ҳожат тила! Ажаб эмаски, бир оғзи дуоли кишининг олқиши билан бизга тилаганимизни ато этса...

Шу хилда... Дostonнинг ҳали-вери охири кўринмас эди. Бахши созини кўкрагига тираб, олис-

¹ «Китоби Дада Қурқут»дан.

олисларга боқиб, жўшиб айтар, пойидан ёлдор-ёлдор бўлиб ўтаётган сувлар, ирмоқлар, жийрон тойдай ўйноқлаб узоқларга югурар, ўт-ўлан исларини олиб келган шабада бахши соқолини тараб овозини олис-олисларга олиб кетар эди.

Бахшининг кўшиқлари нималарни эслатмади дейсиз? Ҳа, айниқса Дирсахоннинг тўйга бориб мулзам бўлгани, ғазаб билан бекачи ёнига қайтиб келгани, бека билан Дирсахоннинг айтишувлари «Алпомиш» дostonидаги фарзандсизликка доир воқеаларни эслатмайдими?

Қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, ўзбек, татар, озарбайжон каби халқларда маълум машҳур бўлган Гўрўғли, Кўрўғли ёки Алпманас, Алпамис, Алпомиш дostonларининг руҳияти — мазмун-мантиқи «Ўғузнома» чашмасидан сув ичгани эҳтиомолдан холи эмас. Чунки бу халқлар дostonларидаги турли ривоятлар, воқеалар «Ўғузнома»да тилга олинган ота-боболаримизнинг турмуш тарзини, хатти-ҳаракатларини эслатади. Жумладан, Ўғузномадаги Дирсахон эпизодининг Алпомиш дostonидаги Бойсари ва Бойбўри воқеаларига ўхшаб кетиши бунга ёрқин мисолдир.

Қашқадарё-Сурхондарё воҳаси кўҳна Бақтриянинг бир парчасидир. Бундан тўрт минг йиллар муқаддам Осиёнинг катта қисми — шимолий Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон, Сурхондарё, Қашқадарё ерлари ўрнида бепоён, бой ва қудратли, енгилмас Бақтрия давлати ҳукмронлик қилган. Эли кўчманчи чорвадор, деҳқончилик билан ҳам шуғулланган. Ғўза эккан, ипак етиштирган. Ботирлар юртини найза, ўқ-ёй билан ҳимоя қилган, шавқи-дардини созида жўшиб куйлаган.

**Элга давлат келар бўлса,
Шоир билан ўзан келар.
Кундузлари кўрганини
Кечалари ёзан келар.**

**Элдан давлат кетар бўлса,
Имом билан тўзон келар.**

Бу кўшиқнинг маҳаллий халққа алоқадорлиги ўз-ўзидан равшан. Маълумки, бу ерларда Бобо шоир номи билан боғлиқ бўлган Шеробод халқ дostonчилиги мактаби бўлган. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида яшаб ўтган юздан ортиқ шоирлар ана шу мактабга мансуб.

Булар Абдулла шоир, Умир Сафар ўғли, Ҳайин шоир, Бўри бахши, Ражаб бахши Нормурод ўғли, Чори Хўжамберди ўғли, Зоҳир шоир, Тош шоир Чоршанба ўғли, Эшмурод бахши, Тошмурод Туроб ўғли, Ҳазратқул шоир, Мамараҳим бахши, Эшқобил шоир Қўшоқов, Қодир шоир Раҳимов ва бошқалар. Ана шу шоирлардан «Алпомиш», «Дастагул», «Иқболой», «Иззатой», «Жумагул», «Жаҳонгир», «Мадҳия», «Ойша», «Пардахол», «Тошгул», «Тўёна», «Улуғой — келиной», «Хонсулув», «Қорақум, қизлархон», «Ёзи билан Зебо», «Келиной» дostonлари ва бошқа бир қанча кўшиқ ва термалар ёзиб олинган. Аммо биз буларнинг ҳар бири ҳақида батафсил сўзлаш имкониятига эга эмасмиз.

Воҳа кишилари, тақдири, ўй-хаёллари, ишқий романтикаси билан боғлиқ бўлган кўшиқлар ҳамда «Келиной» ва «Ёзи билан Зебо» дostonларининг айрим версиялари тўғрисида қисман тўхталиш жоиз.

Бахшилардан фольклорчи Чори Ҳамро ёзиб олган термалар билан танишамиз:

Риюяли айтмаса, Дури-гавҳар тил ғариб, Бошчи Одил бўлмаса, Бўлиб қолар эл ғариб.	Ўз тенгини топмаса, Бўйга етган қиз ғариб. Қадрин қавми билмаса Кекса қолар тез қариб.
---	---

Бу сатрларнинг қанчалик оригинал ва мароқли эканлигини, қанчалик маърифий аҳамият касб этишини китобхон яхши билади.

Ёшлик ва муҳаббат тўғрисидаги «Ёр-ёр»га бир эътибор беринг-а:

**Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, гул қайда бор ёр-ёр,
Бир яхшига бир ёмон, ҳар жойда бор ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, борми ҳаёт ёр-ёр,
Қарчигайдек бўйингга ўзим сайёд ёр-ёр.**

Шунингдек, халқ термаларида йигит ҳақида қиз ва янга айтишувлари ажойиб нозик қочирмилардан иборат бўлиб жаранглайди:

— Занг тепадан чанг чиқди, У нимадан чечажон! Якка отлиқ бир чиқди, У ким бўлди чечажон! — Занг тепадан чанг чиқса, Тўй келади она қиз. Якка отлиқ бир чиқса, Кувингиз она қиз.	— Оёқларим қичишар, Бу нимадир чечажон. Оғиз-бурним қичишар, Бу нимадан чечажон! — Оёқларинг қичишса, Тепишасиз она қиз. Оғиз бурнинг қичса, Ўпишасиз она қиз.
--	---

Халқ донишмандлиги яратган қуйидаги сатрлар оила фарзандларини ҳунар ўрганишга чорлаган:

**Баринг бирдай қўйчи бўлсанг, қул бўларсан,
Баринг бирдай тўйчи бўлсанг, хор бўларсан.
Иззат-икромни билмасанг, кўр бўларсан,
Ҳар касбни эгалласанг зўр бўларсан.**

Шарқда номус масаласи биринчи планда турган. Термалар замирига эса у шундай сингдирилган.

**Тикан гулин кўриydi,
Ари болин кўриydi.
Емон молин кўриydi,
Яхши орин кўриydi.**

Касб-ҳунарга доир термаларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ҳақдаги фикрларимизни хирмон кўшиғидан парча келтириш билан мухтасар этамиз. Хўп ҳайдаётган деҳоннинг ҳўкиздан ўзга ҳамроҳи, овунчоғи йўқ эди. Шунинг учун дардини ёлғиз унга тўкиб соларди:

**Майда-майда морисин,
Дон сомондан орисин,
Майдалаб янчгин кўрангни,
Оёққа тўк зўрингни.**

**Оёққа тўкмасаг зўрингни
Қуритаман шўрингни.**

Кўшиқлар, термалар, ривоятлар бадий жиҳатдан шу қадар бақувват ва сиқикки. мавзуни образлар воситасида ёпиқ-яширин ифодалайди, тингловчини бироз ўйлашга, тафаккур юритишга мажбур қилади. Бу жиҳатдан қўидаги учта савол-жавобга эътибор беринг:

— **Отанг қаерга кетди!**
— **Отам беш сўмга беш юз сўмни алмашгани кетди.**

Бу масалани ечмоқ учун отасининг овчи ёки чопоғон эканлигини англаш зарур. Демокчи, ота беш сўмлик қуёни овлайман деб, беш юз сўмлик отдан айрилади ёки отнинг белини синдиради. Навбатдаги мисол:

— **Онанг қаерга кетди!**
— **Онам ўликни тирилтиргани кетди.**

Демокчи, онам таъзияга, марҳўмни хотирлашга кетган.
Учинчи мисол:

**Қора тоққа қор энибди,
Тош булоқдан сув оқибди, билмабмиз-да.**

Демокчи, кексарибсиз, кўздан ёш келадиган бўлиб, бошга оқ тушибди.

Ўзбек фольклорчи олими Ҳоди Зариф шундай деган эди: «Янги эпоснинг яратилишида Сурхондарё ва Қашқадарёда давом этган, давом этаётган жараёнлар фольклористика фани учун зўр қизиқиш уйғотади. Янги эпос яратилишида коллективчилик жараёни фақат Сурхондарёдагина маълум. Шунинг учун уни ўрганаш муҳимдир».

Ўқувчиларга таниш «Ёзи билан Зебо» ана шундай янги эпос намуналаридан. У XIX аср охири ва XX аср бошида куйлана бошланди. Унинг бир неча варианты бўлиб, шулар орасида «Норгулой», «Келиной» алоҳида ажралиб туради. Буларни ёзиб олишда ҳам Чори бобонинг хизмати катта бўлди.

Биргина «Келиной» вариантини неча ўнлаб шоирлар куйлаб келишган. Достоннинг 19 варианты мавжуд. Масалан, шу номдаги достон 1962 йилда алоҳида китоб бўлиб нашр этилди. 1965 йилда эса фольклорчи Чори Ҳамроев уни яна бошқа бир шоирдан ёзиб олди. Бу нусхада келиной шундай таъриф қилинади:

**Сигирини соғар ийдириб,
Зулфини ерга тийдириб,
Келиной уйдан чиқади,
Кўрган ошиқни куйдириб.
Келиной-келиной дейишади,
Келиной ипак эшади.
Шонадаги сочбовлари,
Товонига тушади.
Чеккадаги зулпаклари,
Сийнага тирмашади.
Бир кўрган бўз болалар,
Ортидан эргашади.**

Халқ донолиги жамланган Чори бобо хазинасидаги дурдоналар таърифида кўп гапириш мумкин. Унинг дафтарларига қайд этилган ҳар бир мақол, матал, узоқ ўтмишдан қолган битиклару достонлар улкан тадқиқотларга арзийди. Биз фидойи фольклорчи, ажойиб инсон Чори Ҳамро кўидаги баъзи материалларни изоҳладик, холос. Бу улкан хазинани бутун тўлалигича халққа ет-казиш, уларни кўз қорачуғидек асраш, тадқиқ этиш муқаддас бурчимиздир.

**Тоштемир ТУРДИЕВ,
филология фанлари кандидати
Денов шаҳри.**



КОМИЛ ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТ

XIX аср иккинчи ярмида яшаган Комил Хоразмий Хива хонлигидаги ўзига замондош шоирлардан анча юқори кўтарилиб, давр воқелигини илғор позициялардан акс эттирган улкан истеъдод соҳибидир. Комил ижоди кўпгина адабиётшунослар эътиборини тортгани, анчагина қизиқарли тадқиқотлар яратилгани эътиборга лойиқдир.

Бироқ Комилнинг ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ютуқларидан ҳисобланмиш «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд», «Икки шўх» асарлари тарихи етарли даражада ўрганилган эмас. Гап шундаки, тадқиқотларда «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» (баъзи манбаларда у «Қасидаи наврўз», «Тошканд мадҳи» номлари билан ҳам аталади) номли машҳур асар Комилнинг Тошкент саёҳати таассуротлари маҳсули сифатида дунёга келганлиги тўғри қайд этилади. Аммо Тошкент ҳақидаги бу ноёб асарнинг туғилишида қандай воқеалар, қайси шахслар муҳим роль ўйнаганлиги деярли тадқиқ этилмаган.

Масаланинг шу жиҳатларини аниқлашда Ўзбекистон ССР Давлат Марказий архивида сақланётган айрим манбалар, шунингдек «Туркистон вилоятининг газети» ҳамда «Туркестанские ведомости»нинг ўтган асрдаги тахламлари анча қўл келди. Ҳар икки газетада эълон қилинган материалларга қараганда, Комил Хоразмий 1891 йилнинг 28 августидан 13 сентябригача Хива хонининг валиаҳди Асфандиёрга ҳамроҳ сифатида Тошкентда бўлган. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1891 йил 6 сентябрдаги 34-сонида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Ушбу йилда 28 августда Асфандиёр тўра Закаспий оташ ароба йўлида Бухоро ва Самарқанддин ўтуб, ўз яқин-тобеъи эллик навкарлари бошлуғи, жаноб хоннинг мирзабошиси Полвон Мирзабоши (Комил Хоразмий демоқчи — Ш. Ю) ва жаноб ҳокимнинг бир катта сардори Юсуф Маҳрам ва ҳам навкарларнинг бошлуғи Абдулғаффор Маҳрамбоши ва бошқалар бирла Тошканд шаҳрига келдилар. Худди шу хабарда хивалик меҳмонлар 30 августда шаҳар боғида (ҳозирги М. Горький номи болалар парки — Ш. Ю), 1 сентябрда Туркистон генерал-губернатори уйида бўлганликлари, 4 сентябрда эса эрлар ва қизлар гимназияларини, шунингдек, ўқитувчилар семинариясини бориб кўрганликлари айтилади.

«Туркестанские ведомости»нинг 1891 йил 19 сентябридаги 38-сонида бундай хабарни ўқиймиз: «13 сентябрда Хива шаҳзодаси Асфандиёр тўра ўз аъёнлари билан бирга Тошкентдан Хивага жўнаб кетди. У Тошкентнинг барча диққатга сазовор жойларини зўр қизиқиш билан кўздан кечирди... Шуниси ҳам борки, у Лахтин типолитографиясида ишлайдиган бир литограф билан Хивада литография ташкил этиш юзасидан шартлашиб ҳам олди».

Лахтин босмаҳонаси билан боғлиқ, ўша давр нуқтаи назаридан гоят катта аҳамиятга эга бўлган бу тадбирларнинг амалга оширилишида Комил Хоразмий ҳал қилувчи роль ўйнаган деб ҳисоблаш мумкин. ЎзССР Марказий Давлат архивидаги Н. П. Остроумов фондида сақланётган бир эсдаликда худди шу фикрни тасдиқловчи қуйидагича қайд мавжуд: «11 сентябрь, чоршанба (1891). Полвон Мирзабоши жадвалга кўра типография ишлаб чиқариши билан танишиш мақсадида Лахтин типографиясига кирди. Типографиянинг зйирак бошқарувчиси Комил келадиган вақтга Хива хонининг мирзаси Полвон Мирзабоши Лахтин типографиясига ташриф буюрганлиги ҳақидаги ёзувли рангли карточка тайёрлатиб қўйибди. Мирзабоши бундай илтифотдан ниҳоятда мамнун бўлди ва типографиядагилар ўзининг лавозими ҳамда исмини «қаердан билишларига ҳайрон қолди» (фонд № 1009, опись № 1, дело № 67, 32-саҳифа).

Ўша 1891 йилги Тошкент сафари вақтида Комил юқорида айтилган илмий-маданий муассасалар (парк, гимназия, семинария, типография)дан ташқари Туркистон пойтахтида расмий лавозимларни эгаллаб турган, аيني вақтда ўлкадаги маърифатпарварлик ҳаракатида маълум роль ўйнаган Иномхўжа Умрехўжаев ҳамда Н. П. Остроумов уйларида меҳмонда ҳам бўлган. Бу меҳмондорчилик вақтида Муҳиддинхўжа, Шарифхўжа, Сатторхон каби йирик маърифатпарварлар билан, ўз даврининг беназир хонандаси Мақайлик билан суҳбатлар Комилнинг Тошкент ҳақидаги, бу азим шаҳарининг тарихи, ўтмиш маданияти ҳақидаги, шунингдек Қўқонда яшаб, ижод қилаётган демократ шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳақидаги таассуротларини кўп жиҳатдан бойитиб, кенгайтирган деб ҳисоблаш мумкин.

Н. Остроумовнинг шахсий фондида «Тошкент шаҳрининг катта оқсоқоли Инъомхўжа уйида 1891 йил 9 сентябрдаги тантанали зиёфат» (ўз кўзи билан кўрган Н. П. Остроумовнинг ҳикояси) деб аталувчи ўн уч саҳифадан иборат материал сақланиб қолган. Унда Инъомхўжа уйида хивалик ва тошкентлик меҳмонлардан ўн олти киши учун русча таомилга кўра стол атрофига стуллар терилиб, ҳар бир меҳмон учун алоҳида-алоҳида тарелка, салфетка, қошиқ, вилкалар қўйилиб дастурхон ёзилганлиги, зиёфатда Комилдан ташқари тошкентлик Шарифхўжа ва Муҳиддинхўжа ҳам бўлганлиги ҳикоя қилинган, «Полвон Мирзабоши алоҳида ўтирган Шарифхўжа ва Муҳиддинхўжа қозилар ёнига кўчиб ўтди ва улар билан суҳбатлашди», деб ёзади Н. Остроумов.

Бундан ташқари Н. Остроумовнинг шахсий фондида Инъомхўжа уйидаги бу зиёфат ҳақида газетада эълон қилиш учун тайёрланган материалнинг корректураси ҳам сақланиб қолган. Маълум бўли-

шича, меҳмонлар анвойи мевалар тўла дастурхон атрофига «Марҳамат қилиб ўлтурғонларида мазкур ҳовлини саҳнида аввал танбурчи ва дуторчилар: ашулацилар, найрангбоз ва масхарабозлар, чодир хаёл, яғоч аёғ, қайроқбозлар ўз ҳунарларини манзур қилибдурлар».

«Туркистон вилоятининг газети» 1891 йил 26 октябрдаги 41-сонида Инъомхўжа уйидаги ўша зиёфатда фарғоналик хонанда қатнашганлиги ҳақида хабар беради. «Ул ҳофизнинг ашулалари ушбдур» дея Муқимийнинг:

**Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сўхбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоғлар.**

Яна:

**Йўқламайдур ул тағофул пеша сўлтоним мани,
Чиқмасунму кўкка ҳар дам оху афғоним мани.**

матлаъли ғазаллари, шунингдек, «Ким десун?» радифли машҳур муҳаммасининг уч банди ҳамда Макайликка бағишланган мураббаси эълон қилинган. Сўнгра: «Ушбу ашулаларни айтган Муҳаммаддон, лақаби Макайлик Муҳаммад Қосимбой ўғли», деган изоҳни ўқиймиз.

Шу тариқа Инъомхўжа уйидаги зиёфатда Комил кимлар билан ҳамсуҳбат бўлганлиги, ўша даврда кенг тарқалган санъат турларидан қайси бирларини тинглаб, тамоша қилганлиги, хусусан, Макайлик хонишлари орқали Муқимийнинг қайси ғазал, мурабба ва муҳаммаслари билан танишганлиги бизга маълум бўлади.

Комил шундан кўп ўтмай яратилган «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» асарида Ўрта Осиёнинг бу қадимий шаҳри ўтмишига ва XIX асрнинг 90-йиллари бошидаги ҳаётига оид кўпгина аниқ фактик материалларни келтиради. Шоир бу маълумотларни Тошкент тарихи, этнографияси, географияси, табиати ва илм-фаннинг катта билимдонлари Шарифхўжа билан Муҳиддинхўжадан олган деб ҳисоблаш мумкин. Асарда Тошкент парки ҳақида:

**Олами илму фасоҳат дерлар они юз таноб,
Ҳар бири газ уч минг олти юз шумори Тошканд.
Ҳар газидур қоималиғ етти қабза шаръда,
Сўрсангиз дерлар они қозийи чори Тошканд;**

шаҳарнинг ўзи ҳақида:

**Мунқасимдур тўрт қисм ила аҳолиси онинг,
Етмиш икки фирқадин юз минг шумори Тошканд.
Бул жиҳатдан тўрт бўлмишдир они қозилари,
Жисмида анзар киби ул чор ёри Тошканд —**

сингари мисралар битилганлиги фикримизнинг далилидир.

Шу кунларда Комил газета редакцияси ходимлари, жумладан, Н. Остроумов, таржимон Сатторхон Абдуғафоров, газетанинг энг нуфузли, фаол муаллифлари Муҳиддинхўжа Ҳақимхўжа ўғли, Шарифхўжа Пошшахўжа ўғли, Мирзо Абдулла Исамуҳаммад ўғли ва бошқалар билан ғоят яқин алоқа боғлаб, ўз лирик асарларидан намуналар эълон қилади. Масалан, «Туркистон вилоятининг газети»нинг ўша йил 6 сентябрдаги 34-сонида «Ғазали Комил Хиваи» сарлавҳаси остида:

**Керак бўлмас эса банда ҳам чокар офтоб,
Ҳар кун не қўяр қадамингга сар офтоб**

матлаъли ғазали, Мунис билан Комилнинг мушоираси, шунингдек:

**Манго қилмай ирсол паёмлар,
Чаман саҳнида субҳ ила шомлар,
Рақибим била нўш этиб жомлар,
Олиб халқдин сабру оромлар,
Дилоромлардур, дилоромлар,**

бандли муҳаммаси эълон қилинган эди. Лекин шундан кейин газета тарихида деярли учрамайдиган ҳайратомуз бир ҳодиса рўй беради, яъни орадан олти кун ўтгач, Комилнинг ўша асарлари қайтадан чоп этилади. Газетхон тушуна олмайдиган бу ҳодисанинг изоҳини Н. Остроумов кундаликларидаги бир қайдда учратдик. «11 сентябрь, чоршанба. Шу куни кечкурун (соат 9 яримда) менинг юборган одамим Мирзабошининг олдидан қайтиб келди. У Мирзабошига шеърлари босилган маҳаллий газета сонини олиб борган эди. Мирзабоши ғоят хурсанд бўлганлигини айтди, бироқ шеърда у бир банднинг ўрни алмашиб кетганини пайқабди ва шеърни тузатган ҳолда қайтадан босиб чиқаришни илтимос қилибди. Мен юборган одам (Мулла Маҳдум) Сатторхон билан биргаликда маҳаллий газетанинг 35-сони корректурасини кўздан кечирган, корректурани олиб хивалик мирзанинг олдига борди. Мирзабоши шеърларидаги бир неча мисраларнинг алмашиб кетишига уларнинг асл нусхада чатоқ, доғ-дуғлар билан ёзилганлигини сабаб қилиб кўрсатиб, Мулла Маҳдум ўзини оқлабди. Мирзабоши шеъри (муҳаммаси)даги аввалги мисраларни тузатиб берибди ва уни навбатдаги сонда босиб чиқаришни ҳамда жўнаб кетгунига қадар ўзига газетадан беш нусха етказишни Маҳдум орқали мендан илтимос қилибди. Мен хиваликнинг илтимосини бажариб, эртаси куни у сўраган нусхаларни жўнатдим. Мирзабоши ғоят мамнун бўлибди...»

Комил Н. Остроумовникида ҳам меҳмонда бўлганлиги архив материалларидан равшан кўрилади. Бу меҳмондорчилик Комилнинг маърифатпарварлик йўналишидаги «Ики шўх» асари яратилишига сабаб бўлганлиги билан аҳамиятли. Улкан шоирнинг эҳтиросли ғазали тошбосма девонлардан ўрин олган.

Н. Остроумов 1891 йил 5 сентябрь куни қилинган қайдида бундай ёзади: «Кеч соат етти яримда Хива хонининг мирзабошиси Полвон Мирзабоши уйимга меҳмон бўлиб келди. У 55 яшар (бу

ўринда Остроумов адашяпти. Ушанда Комил аслида 66 ёшда эди — Ш. Ю), ўрта бўйли, анчагина тўладан келган, лекин беўшхов эмас, кулча юзли ва соқоли деярли бутунлай оқариб кетган киши». Комил ташқи қиёфасининг Н. Остроумов кундаликларидаги тасвири Ф. И. Лобосевич китобидаги тасвирдан анча фарқ қилади ва ўқувчининг у ҳақдаги тасаввурини бойитади.

Н. Остроумов уйдаги меҳмондорчилик билан боғлиқ қайдларда Комил ҳамда ўша даврнинг чор мустамлака амалдори, маълум даражада шарқшунослик билан шуғулланган Кун ўртасида бўлиб ўтган воқеалар тасвирида Россияга, рус халқига катта ихлос билан қараган хивалик зиёлига чор маъмурининг дағдаға ва дағаллик билан муносабатда бўлганлиги ҳам, ўз обрў-иззатини, инсонлик шаънини юксак қадрлаган улкан маърифатпарварнинг принципиаллиги, унча-мунча пўпи-саларни писанд қилмай, олий мақсад сари интилиши ҳам анча дуруст кўрсатилган. Бу хусусда Н. Остроумов, қуйидагиларни ёзади: «Сухбат Хива хусусида борди, собиқ бош инспектор Кунни эсладик. Мирзабоши Куннинг Хивадан бир ярим минг чоғли турли ҳужжат ва китобларни олиб кетганини, уларни олиб кетиш учун кемага ортаётган пайтда қўлёзмаларнинг катта бир қисми ҳўл бўлганини, ўша ҳўл бўлган нусхаларни қуритиб бериш учун Кун мадрасалардан 150 чоғли домлаларни қақиртириб келганини, шу аснода айрим қўлёзмаларни қув домлалар баъзилари қўлтиққа, баъзилари чолвор ичига яшириб юборганликларини айтиб берди... Кунни Мирзабоши ўзининг буйруқларига салгина қаршилик кўрсатгудек бўлса, Хиванинг қози калони кетидан Сибирга сургун қиламан деб қутқу солувчи амалдор сифатида таърифлади. Лекин керакли одамни қўлдан чиқармаслик ва Мирзабошини ўзига оғдириб олиш учун Кун унга сени генерал Кауфман Сибирга жўнатадиган бўлувди, мен генералдан илтимос қилиб олиб қолдим, дебди. Бу иш учун Кун Хива эртаклари, халқ қўшиқлари ва бошқа этнографик материалларни тайёрлаб беришни Мирзабошидан талаб қилибди. Бу талабга Полвон Мирзабоши ўзининг эртақ ва қўшиқлар билан эмас, балки илмий китоблар билан шуғулланишини, шу вайдан бу фармойишни бажаришга ёрдам бера олмаслигини айтиб жавоб берибди».

Кундаликда Комилнинг Тошкентдаги маърифатпарварлик фаолиятига доир бир қанча маълумотлар келтирилади. Жумладан, шоир «Туркистон вилоятининг газети» редакториникида роялда бир неча куйлар тинглаб, айрим романслар ҳам эшитганлиги, эрлар гимназияси кутубхонаси билан танишганлиги, биринчи ўзбек маърифатпарвари Сатторхон Абдулғаффоров билан узоқ қизиқарли суҳбат қурганлиги ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

«Чойдан кейин биз меҳмонхонага ўтдик, — деб ёзади Н. Остроумов — Полвон Мирзабоши диванда ўтириб, катта қизмининг рояль чалишини тинглади. У хивача (хоразмча демоқчи — Ш. Ю.) ҳам форсча куйларни, «Қиз муножоти»ни ва бошқа баъзи пьесаларни чалиб берди. Қария мусиқачани ва рус халқининг баъзи қўшиқларини диққат билан тинглади. Сўнгра мен Мирзабошини гимназиянинг кутубхонасига олиб бордим ва унга Европа ҳамда рус олимларининг бир неча тарихий асарларини кўрсатдим...

Ҳўл мевалар (тарзув, қовун ва ноклар) билан зиёфат қилаётган чоғимда маҳаллий газетадаги ходимим Сатторхон келди. Полвон Мирзабоши муслмонча турмуш ҳақида у билан бажонидил суҳбатлашиб ўтирди ва ўзининг ҳам шоир эканини эътироф қилиб, шеърларидан айрим мисраларни ёддан ифодали ўқиб берди».

Н. Остроумов шахсий фондида яна бир неча муҳим ҳужжатлар учрадики, булар Комилнинг маърифатпарварлик йўналишидаги икки бебаҳо асари яратилиш тарихини ёритишга, уларнинг турли вариантлари ҳақида фикр юритишга ундайди. «Туркистон вилоятининг газети» редактори шахсий фондида «ики шўх» радифли ғазалнинг энсиз бўзранг қоғозга, чамаси, шоир қўли билан битилган нусхаси ҳам, шу нусха асосида тайёрланган газета корректураси ҳам сақланиб қолган. Ғазалнинг газета корректураси устидан Н. Остроумов қўли билан ёзилган: «Хива хонининг мирзабошиси Полвон Мирзабошининг 1890 йил (?) 5 сентябрда менинг уйимда ўтказган кечасидан хотира тарзида ёзган шеъри» деган қайд ҳам мавжуд. 1890 йил санасини Н. Остроумов паришонхотирлик билан қўшиб юборган деб ҳисоблаш керак.

«Ики шўх» радифли ғазалнинг қўлёзма ҳамда корректура нусхаларига қараганда Комил асарни 1891 йил сентябрь ойининг бошларида эсдалик тариқасида мезбонга тақдим этган. Н. Остроумов эса уни ўзи бошқараётган «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этиш учун босмахонага жўнатган. Ғазал корректураси келгач, ундан ўзи учун бир нусха олиб қолиб, юқоридаги қайдни қилган. Лекин ғазал газетада босилганми-йўқми — масаланинг бу жиҳати ҳозирча маълум эмас. «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1891 йилги нусхалари Тошкентда йўқ.

Н. Остроумов шахсий фонди ва Комилнинг 1975 йилда нашр этилган девонидаги матнларни қиёслашдан маълум бўладики, шоир ўз ғазалини кейинчалик бошдан-оёқ қайта ишлаб чиққан. Дастлабки вариантдаги учинчи ва охириги мисраларнигина ўз ҳолича қолдириб, бошқа барча мисраларга ўзгартишлар киритган, байтлар сонини 9 тадан 11 тага етказган. Бу ҳол ғазалнинг кўп жиҳатдан ютишига, ундаги мантиқий изчиллик ва образлар кучайишига хизмат қилган. Лекин, бизнингча, ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ғазалнинг янгича маърифатпарварлик йўналишини аниқ кўрсатувчи икки байт тушириб қолдирилганлиги ўзини оқламайди. Улар:

**Боқиб жамолига юз тил била фиғон айлар,
Етурса илкини фортапиёна ул ики шўх.
Кучоклашиб бўладур бир-бирига жуфт андоқ,
Ки тоқупўст ирамға дугона ул ики шўх**

байтларидир. Биринчи байтдаги фортепьяно иборасининг ўзи, ундан ташқари ўзбек ҳаёти учун бутунлай номанъул бу сеҳрли музика асбобини маҳбуба жамолига маҳлиё бўлиб, юз тил билан фиғон қилувчи ҳақиқий ошиқ сифатида тасвирлаши, ғоявий мазмуннинг, бутунлай янгилиги, бадиий кашфиётнинг оригиналлиги ва улкан таъсир кучи жиҳатидан Комил шеърлятидагина эмас, балки ўзбек шеърлятида ҳам алоҳида эътиборга лойиқ жиҳатлар эди. Комил ғазалнинг дастлабки вариан-

¹ Лобосевич Ф. И. Описание Хивинского похода. 1873 г., С. П. Б., 1898, 224-бет.

тини газета редактори Н. Остроумовга қолдирганида фортепьяно иборасини газетхонлар тушунар ёки унга редакция изоҳ берад деб ўйлаган, чамаси. Асарни қайта ишлаш вақтида эса, XIX аср тўқсонинчи йиллари бошидаги Хива хонлиги территориясига бу иборани тушунтириш имкони йўқлигини ҳисобга олиб, уни шеърдан тушириб қолдиришни маъқул кўрганга ўхшайди. Иккинчи байтдаги рус бал рақсларида икки ўйинчининг қучоқлашиб тоқпуста (яквужуд) бўлиб кетиши манзарасини ҳам ўша даврдаги Хива хонлиги шароитида ўқувчи кўз олдига келтириши шоирга имкондан ташқари бир нарсасидек туюлган бўлиши эҳтимол. Лекин бизга тасалли берадиган ва яхши умидлар туғдирадиган нуқта шундан иборатки, Комил асарларининг эндиги нашрларида «Ики шўх» радибли ғазалнинг ҳар иккала вариантини ҳам маълум изоҳлар билан китобхонлар эътиборига ҳавола этиш, дастлабки вариантдаги кўркем кашфиётлардан уни тўла хабардор қилиш мумкин.

Комилнинг Тошкент ҳақидаги қасидасининг яратилиш даври ҳақида адабиётшуносликда турлича фикрлар мавжуд.


Бу асар «Туркистон вилоятининг газети»да 1894 йил 8 октябрда «Жаноби олий шоҳ Хива хонининг мирзабошиси Паҳлавон Маалақаб шуаронинг ғазаллари ушбудур» деган сарлавҳа остида босилиб чиққан эди. Бироқ бу ҳали асарнинг қайси вақтда ёзилганлиги ҳақидаги саволга аниқ жавоб бера олмайди. Жавобни Комил Хоразмийнинг ўзи ёзган ва газетанинг ўша сониди эълон қилинган изоҳдан топиш мумкин. Автор изоҳи қуйидагича: «Маҳфий қолмасунким, «чашми сори Тошканд» бир таърихдур. Лекин ҳисоби ҳамалда минг уч юз саксон бўлур. Аммо таъмия қоидаси бирла мундин етмиш тўрт исқот бўлур. Бу тариқадаким байъад иборати шунга ишоратдур, 1316 бўладур, яна олти йилдан сўнг мувофиқ бўлур. Нединким муни машқ айлаганда таърихи минг уч юз ўнда эрди».

Демак, Тошкент ҳақидаги қасида тарихини «Шумори Тошканд» бирикмасидан эмас, балки «Чашми сори Тошканд» бирикмасидан чиқариш зарур. У ҳолда ҳижрий ҳисобда 1310 йил, мелодий ҳисобда эса 1892 — 93 йиллар келиб чиқадики, Комил Хоразмий ўз изоҳида санани аниқ кўрсатишни лозим топган. Бинобарин, асарнинг яратилган йили ҳақида адабиётшуносликда мавжуд фикрларга шу тариқа тўла аниқлик киритилади.

Қасиданинг «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган варианты билан тошбосма девон қиёс қилинса, талабчан шоир уни ҳам кейинчалик қаттиқ қайта ишлаганлиги маълум бўлади. Бу ўринда масаланинг бошқа томони ҳам бор. Гап шундаки, «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» асарининг газета вариантыда Комил Тошкентга келган чоғида учрашган, суҳбатлашган Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси таржимони Асфандиёров, ўлка илмий-маданий ҳаётида сезиларли из қолдирган Мирзо Абдулло Исамухаммад ўғли, ўша вақтдаги Сирдарё область губернатори Н. Гродеков ҳақида айрим фикрлар ўрин олган. Бу сафари вақтида Комил Инъомхўжа, Сатторхон, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа ва бошқа йирик шахслар билан учрашганлиги, улар билан кўп масалаларда фикрлашганлиги ҳам юқорида келтирилган ишончли манбалардан маълум. Лекин Комилнинг Тошкент ҳақидаги бу ажойиб асари газетада эълон қилинган вақтда Инъомхўжа Кўқон турмасида, Шарифхўжа Хўжанд сургунида эдилар. Муҳиддинхўжа Тошкентда қолдирилган бўлса ҳам ижтимоий ҳаётдан бутунлай четлаштириб қўйилган эди. Улар Комил Тошкентдан жўнаб кетгач, орадан тўққиз ой кейин бу ерда бўлиб ўтган вабо кўзғолонига етакчилик қилганликлари учун мустамлака маъмурларининг ғазабига учраган эдилар. Улкан маърифатпарвар Сатторхон ҳам Туркистон ҳукмдорларига ёқмай қолиб, 1892 йил баҳоридаёқ Самарқандга, бир неча ой ўтгач эса Чимкентга мажбуран ишга жўнатиб юборилган эди.

«Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» 1892 йил 24 июнь воқеаларидан муаллиф ҳали беҳабар вақтда ёзилган бўлса, Комил ўз асарларига ўша кишилар ҳақидаги фикрларини ҳам киритган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Асл нусха қўлга киритилса, Комил фаолиятининг ҳали тадқиқотчиларимизга маълум бўлмаган янги-янги қирралари очилса ажаб эмас.

Шариф ЮСУПОВ,
филология фанлари кандидати.



ҲАҚИҚАТНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбек совет адабиётининг партия XX съезидан кейинги янги тараққиёт босқичида Пиримқул Қодировнинг муносиб ўрни, хизмати бор. П. Қодиров аввало моҳир прозаик — замондошлари ҳақидаги «Уч илди», «Қора кўзлар», «Олмос камар», «Эрк», «Мерос», «Жон ширин» каби асарлари, кўплаб публицистик мақолалари, тарихий мавзудаги «Юлдузли тунлар» романи билан халқимизнинг ҳурмат-этиборини қозонди. У Л. Толстой, А. Чехов, К. Федин, Х. Деряев, Толис ижодидан таржималар қилди. Айни пайтда адиб бадиий ижодни, таржимонликни илмий тадқиқот ишлари билан қўшиб олиб борди. Филология фанлари кандидати, илмий ходим сифатида узоқ йиллар А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида хизмат қилди, «Ўзбек совет адабиёти тарихи», «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»ни яратишда иштирок этди. П. Қодировнинг илмий, адабий-танқидий фаолияти доираси кенг. Лекин унинг марказида бадиий асар тили, ёзувчи маҳорати проблемаларини ўрганиш туради. Олимнинг «Уйлар» китобига кирган талай қайдлари, «Дил ва тил», «Халқ тили ва реалистик проза» тадқиқотлари шундан далолат беради.

П. Қодиров, ёзувчининг ўз ибораси билан айтганда, партия XX съезди даврининг зўр воқеалари вояга етказган адабий авлодга мансуб. П. Қодировнинг ilk ижодий машқлари матбуотда 40-йилларнинг охириларидаёқ кўрина бошлаган, 1950 йилда «Студентлар» деган ҳикояси алоҳида китобча бўлиб чоп этилган бўлса ҳам, 1957 йили ёзиб тугатилган «Уч илди» романи, ҳа, айни XX съезд руҳи билан йўғрилган шу асари орқали ёзувчи сифатида танилди. Уша йилнинг кеч кузида роман кўлэмаси республика ёзувчилар союзида муҳокама қилинди. Муҳокамада устоз адиб Абдулла Қаҳҳор: «Анча вақтдан бери мен ўзбек адабиётида момақалди роқ гулдуросини эшитмай юрган эдим. Назаримда, мана шу асар адабиётимизга момақалди роқдай гулдурос солиб, чақмоқдай ялтиллаб кириб келяпти»,— дея юксак баҳо берди. Бу баҳо ўша кезларда, эҳтимол, баъзи бировларга муболаға бўлиб туюлгандир. Бироқ Абдулла Қаҳҳор ҳақ эди.

«Уч илди» 50-йиллар ўрталаридаги муҳим тарихий жараёнларнинг қайноқ изидан бориб ёзилган, ўзбек адабиётида, балки кўпмиллатли совет адабиётида шахсга сифинишнинг ноҳуш оқибатларини биринчилардан бўлиб акс эттирган йирик асардир. Шахсга сифиниш муҳитида етишган, догматизм ҳамда вульгар социологизм ақидалари билан заҳарланган, демагогияни ўзларига қурол қилиб олган, шу ақида ва қурол воситасида мансаб-мартабаларга, илмий даражаларга кўтарилган, ҳолис, истеъдодли, ҳақиқий фан заҳматқашларини йўлдан олиб ташлашга эришган кимсаларнинг муҳқиш хатти-ҳаракатини, асл қиёфасини фош этиш, кескин бурилиш шароитида етшиб чиққан ўшандай кимсаларга, қабоҳатларга қарши турган янги типдаги кишилар курашини кўрсатиш, ҳимоя қилиш — романнинг асосий ғоявий-бадиий мундарижасини, пафосини ташкил этади.

Роман воқеалари бир олий ўқув юртида бўлиб ўтади, асар қаҳрамонлари зиёлилар — профессор-ўқитувчилар, аспирант ва студентлар, асардаги интригалар эса асосан идеологик-мафкуравий курашлар теварагида кетади; асарда ёшларнинг ишқ-муҳаббатлари, севгидаги адашишлар, янгича ва эскича қарашлар, янгича қарашларнинг тантанаси, ўқув-тарбия масалалари билан боғлиқ можаролар ҳам қаламга олинади, бироқ бу можаролар ҳам ҳар хил йўллар билан бош масалага — идеологик-мафкуравий курашларга бориб уланади, персонажларнинг ҳақиқий бисоти асосан ўша бош масалага муносабатда намоён бўлади. Бу жиҳатдан «Уч илди» маълум даражада Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романини ёдга туширади.

Ижодий таъсир, анъана кўпқиррали, мураккаб жараён. У тўғридан-тўғри устозлар тажрибасини ўзлаштириш, давом эттириш тарзида ҳам, устозлар билан баҳс-мунозара тарзида ҳам бориши мумкин. Пиримқул Қодиров Абдулла Қаҳҳор тажрибасига ижодий ёндашиш, давр руҳидан келиб чиқиб ҳодисани янгича талқин этади. «Замонлар ўзгарган, мен мансуб бўлган ёш авлод «Сароб»даги студентларга ўхшамас эди,— дейди ёзувчи... — Одамларнинг тақдири ҳам бизнинг замонларда бошқача ҳал бўлмоқда эди. Йигирманчи съезд бадиий бўлган тарихий ўзгартишлар, ленинча ҳаёт нормаларининг қайта тикланиши, янги бир маънавий кўтарилиш жараёни, ноҳақ қораланган кўпгина яхши одамларнинг оқлангани студентлар ва зиёлилар ҳақидаги бу романи бошқача ёзишни талаб қилди».

Пиримқул Қодиров «Уч илди» устида қизгин иш олиб бораётган кезларда — 1956 йили «Ўтган кунлар» романи билан танишди. Бу танишув унга катта қувонч бахш этди. Ёзувчи ўша қувончли дақиқаларни эслаб ёзади: «Менга шу вақтгача етишмай юрган бадиий нафосатнинг бир турини (ўсаётган ёш танага зарур бир «витами»ни) Абдулла Қодиров тарихий романларидан топгандай суюндим. Бу янгича нафосат ҳам дилимга пайванд бўлиб, ёзаётган нарсамга олижаноб таъсир кўрсатгани ўзимга кейин сезилди... Давримизнинг ижобий қаҳрамонларидаги инсоний жозиба мени кўпроқ ўзига тортарди». Бу нарсани аниққаса, ёшлар, биринчи галда Маҳкам билан Гавҳар, улар

орасидаги самимий, беғубор, ҳаётбахш севги мулоқотлари ифодасида ёрқин кўринади. Пиримқул Қодиров ижодига, «Уч илдиз» романига бағишланган мақолаларда Маҳкам, Гавҳар образлари тўғрисида кўп гапирилган, бу ерда уларни тақдорлашга ҳожат йўқ. Фақат бир нарса ни таъкидлаш лозимки, ёзувчи устоз Қодировий анъаналарини давом эттириб бу романида ва бошқа бир қатор асарларида ёшлар маънавий ҳаёти ва тақдирида чин севгининг нафосати ва ҳаётбахш кучини очиб беришга айрича аҳамият берди. Пиримқул Қодиров талқинида чин севги фақат икки ёшнинг бири-бирига самимий талпиниш, кўнгил сурури, беғараз муносабатигина эмас, балки катта масъулият, улар орасидаги маслак, эътиқод, мафқуравий ҳамкорлик; самимий, интим севги ижтимоий мазмун билан бойиса юксак мақсадлар сари ундайди, кенг миқёсларга олиб чиқади. Маҳкам билан Гавҳар орасидаги севги айна шундай фазилатлар билан йўғрилгани — улар ҳамфикр, ҳамкор, маслакдош бўлганликлари учун ҳам шунчаки вафодор ошиқ-маъшуқлар эмас, социал адолат учун фаол курашчиларга айланадилар. Айна шундай талқин ёзувчининг галдаги асарлари «Қора кўзлар» романи, «Жон ширин» ҳикоясида янада сайқал топди.

«Қора кўзлар» романи ёзувчи ижодида олға ташланган қадам, ўзбек романчилигида муҳим ҳодиса бўлди. Қишлоқ, аниқроғи, чорвадорлар ҳаётидан олинган бу асар қишлоқ ҳақидаги стереотипларни, бирёқлама, юзаки ширин тасаввурларни чилпарчин этиб, адабиёт юзини реал ҳаётга, ҳаётнинг ўткир муаммолари, чигалликлари томон буриб юборишда муҳим роль ўйнади.

Маълумки, бу асар ёзилган пайтлари ҳаётда хийла мураккаб вазият вужудга келаётган, партия XX съезидан кейинги ҳаётбахш тенденциялар сусайиб қола бошлаган эди. Танқидчи Озод Шарофидинов сўзлари билан айтганда, ўша кезларда биз эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб қўлолмадик, адабий ҳаётда яна айрим ижодкорларга ишончимиз, салмоқли, ҳаққоний асарларга шубҳа билан қараш, янги фикрдан чўчиш, ҳадисираш, қуюшқонга тушмаган ёзувчига ёрликлар ёпиштириш каби иллатлар тарқала бошлади. Пиримқул Қодировнинг тенгдош дўсти — ёзувчи Одил Ёқубов ўша даврни эслаб дейди: «Бу пайтларда Ўзбекистонда оғир вазият вужудга келган, республикамизда ҳеч қандай муаммо йўқ, ҳамма соҳаларда ишларимиз аъло, қишлоқ хўжалигидаги ютуқларимиз оламшумул, деган ҳаёт ҳақиқатига зид бир ақида ҳукм сурар эди». Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида адабиётга салбий таъсир кўрсатди, ундаги турғунлик ҳолатларини кучайтирди; 60—70-йилларда адабиётимизда, ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, ақлга ҳам, ҳис-туйғуга ҳам таъсир қилмайдиган ўртамеёна мужмал, баъзан эса, айниқса, ҳужжатли проза турида ҳақиқатга зид, ҳаётни бўяб-бежаб кўрсатувчи асарлар яратилди: кўп ҳолларда энг ўткир, ҳаётий асарлар буюқда қолиб мана шундай бўш нарсалар адабиётимизнинг ютуғи сифатида баҳоланди, муқофоту совринлар билан сийланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми (1984) ўша йиллардаги ҳақиқий аҳволга реал баҳо берди. КПСС XXVII съезида, партиямиз Марказий Комитетининг 1987 йил январь пленумида ўша кезларда пайдо бўлган турғунлик ҳолатлари ва уларни вужудга келтирган омиллар чуқур таҳлил этиб берилди. Афсус, айрим танқидчилар жамият ҳаётининг бу ҳаққоний таҳлилидан бирёқлама хулосага келдилар, адабиётимиз эришган ютуқларни ёппасига инкор этиш ҳоллари бўлди; ўша даврда адабиёт ҳаёт ҳақиқатидан бутунлай чекинган, ёзувчилар виждони ғафлатда қолган эди, деган гаплар айтилди, айримлар ҳатто ўйламай-нетмай «давр виждони бўлишга даъват этилган адабиётда республиканинг хўжалик ва маънавий ҳаётидаги салбий ҳодисалар ҳеч бир тарзда ўз ифодасини топмади» деб чикдилар. Бундай гапларга асло қўшилиб бўлмади. Ўша кезларда ҳам адабиётимизнинг улкан намоёндалари, ҳақиқий талант соҳиблари виждониغا хилоф иш қилганлари йўқ. Ёзувчи В. Карпов СССР Ёзувчиларининг 1987 йил апрель ойида бўлиб ўтган пленумида қилган докладыда таъкидлаганидек, адибларимиз ўзларининг энг яхши асарлари орқали ҳаётимиз ҳақидаги ҳақиқатни одамларга ҳалол ва мардона туриб айтган эдилар, булар жамиятни ҳозир юз бераётган ўзгаришларга ахлоқий ва маънавий жиҳатдан тайёрладилар, бу билан биз фахрланишга ҳақлимиз. («Литературная газета», 1987 йил, 29 апрель).

Пиримқул Қодиров ҳам шундай ёзувчилар қаторида туради. Унинг «Қора кўзлар», «Олмос камар» романлари, «Жон ширин», «Кайф», «Эрк», «Мерос» каби ҳикоя ва қиссалари, кўплаб публицистик мақолаларида 60—70-йиллар ҳаётининг кўп томонлари, ўткир муаммолари ҳалол ва мардона туриб ўртага қўйилган, ҳаётдаги мураккаб, зиддиятли жараёнлар теран бадий таҳлил этиб берилган. Агар «Уч илдиз» ёзувчи ижодида улкан ва кескин ижтимоий муаммоларга қўл уришда дадил тажриба, ижодий жасорат саналса, «Қора кўзлар» романи реал ҳаёт бағрига, турмуш мураккабликлари, одамларнинг руҳий оламига чуқур кириб боришда ёзувчи истеъдодининг янги қирраларини намоиш этувчи асар бўлди, адабиётшунос олим М. Қўшжонов ҳақли равишда «Қора кўзлар»ни «она асар» деб атайди. Дарҳақиқат, ёзувчининг кейинги кўп асарлари шу романдан ўсиб чиққан, муҳими бу романда хос реалистик принциплар кейинги асарларида изчил давом эттирилди, янада чуқурлашди.

Улуғ Ватан урушидан кейин яратилган қишлоқ ҳаётидан олинган кўпчилик асарлар «конфликт-сизлик назариси» таъсирида битилган, уларда ҳаётни бўяб-бежаб тасвирлаш тенденцияси чуқур илдиз отгани, ёзувчилар қишлоқ кишилари турмушидаги реал қийинчилик, онгидаги мураккабликлар, социал соҳадаги зиддият ва чигалликларни четлаб ўтганликларини, асарларда нуқул иккинчи даражали китобий «муаммо»лар, ноҳаётий конфликтлар қаламга олинганлигини, қишлоқлар «коммунизм гулбоғлари»га жуда яқин, одамлар руҳи бениҳоя балан, меҳнати қувонч сурурга тўла, далада байрам тарзида талқин этилганлигини яхши биламиз. Ўзбек адабиётида илк бор Абдулла Ҳақдор ўзининг «Синчалак» қиссаси орқали сўз санъати билан қишлоқ ҳаёти орасига тортилган пардани очиб ҳақиқий турмуш манзарасини, қишлоқ аҳли, хусусан аёллар турмуши, меҳнати қанақа эканини кўрсатди, уларнинг юрак дардини ошқора айтди. Шуниси ҳам борки, «Синчалак»да марказга яқин донгдор қолхоз ҳаёти акс этган эди. Модомики, пойтахт биқинидаги донгдор қолхозда аҳвол шундай бўлса, марказдан йироқдаги минг-минглаб ўртача ва қоққ қишлоқ хўжаликларидеги меҳнат аҳлининг, қишлоқда катта куч саналган деҳқон аёлларининг ҳоли қандай экан?! «Қора кўзлар» автори худди ўшандай олис қишлоқ, орқада қолган хўжалик ҳаётини роман кўзгусига солиб бор ҳолича кўрсатди. Асар бошдан-оёқ оддий, камсуқум, заҳматқаш меҳнат аҳлига, ҳар қандай мураккаб, мушкул вазиятларда ҳам инсоний фазилатларини сақлаб қололган асл инсонлар — қора кўзларга чуқур ҳурмат, ҳамдардлик руҳи билан суғорилган. Ёзувчи худди ўша қора кўзлар — ҳалол, камсуқум, жафокаш кишилар бошига тушган кулфатлар учун чин дилдан қайғура-

ди, улар адашганида астойдил ачинади, уларни чалғитган, турмушини, тақдирини чигаллаштирган ҳаётий-маънавий омиллар устида теран мушоҳада юритади. Улар бахтига зомин, орзу-интилишларига тўғаноқ бўлаётган кимсалар қилмишини, тубан маънавий дунёсини қаҳр-ғазаб билан фош этади.

Шу мотив ёзувчининг галдаги асарлари — «Жон ширин» ҳикояси, «Эрк», «Мерос» қиссаларида яна ҳам кескинроқ оҳангларда янгради. «Жон ширин» ҳикоясида автор фақат ишни, пахтани, план бажаришни, шу орқали келадиган шон-шухратнигина ўйлаб одамлар ҳақ-хуқуқи, соғлиги, ҳаттоки ҳаётини унутган кимсаларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатади. Фаросатсиз бригадир, унга буйруқ берган зўравон раис, раисга дағдаға қилган райком секретари — мана шу бир-бири билан чирмашиб кетган халқа жинояти туфайли «дори сепилган» пайкалда ишлаган мажбур этилган бир неча киши заҳарланди, бир норасида ҳалок бўлди. Ачинарли жойи шундаки, бу ишда гуноҳкорларни аниқлаш, айбни бўйинга олиш, айб учун виждонан эзилиш, бу ачиқ ҳақиқатдан тегишли сабоқ чиқариб олиш ўрнига гуноҳкорларнинг ўзлари ишни босди-босди қилишга тиришадилар, ҳўнг-ҳўнг йиғлаётган отани бунга кўндиarmoқчи бўладилар, бу ишга рози бўлмаган, ҳақиқатни ҳимоя қилиб чиққанларга қарши бисотларидаги ҳамма усулларни ишга солиб кураш олиб борадилар; жафокаш ва ҳақиқат тарафдорларига садақ-инъом ваъда қиладилар, бунга кунмагач, дўқ-пўписа, дағдағага ўтадилар, демагоглик билан ўз қилимларини оқламоқчи бўладилар. «Биз пахта фронтининг жангчиларимиз. Фронт эса қурбонсиз бўлмайди». Уларнинг ақидаси шундай! Гарчи «Эрк», «Мерос» асарларида пахта фронтининг шу хилдаги «жангчилари», «командирлари» образи берилмаган бўлса-да, «Эрк»даги Ойшахон аввало оиладаги қолақ тушунчалар, оливайи чигалликлар, қолаверса худди «Жон ширин» ҳикоясидаги «жангчилар» ва «командирлар»нинг бефарқлиги, шафқатсизлиги туфайли меҳнат билан бўлиб социалистик жамият муҳайё этган ҳақ-хуқуқлардан, имкониятлардан бебаҳра, маънавий-маданий жиҳатдан орқада қолиб кетади, ўзининг эрки, нафсонияти, аёллик шаънини ерга уради, ҳаёти жар ёқасига келиб қолади... «Мерос» қаҳрамонлари, хусусан она пахта далаларида жонивор — от, темир — кетмон дош беролмаган меҳнат ма-шаққатларига дош бериб ишлайди...

Йўқ, ёзувчи қишлоқ ҳаётини нуқулгина зулмат, ғурбат, далалардаги меҳнатни мушкулотдан иборат деб талқин этмоқчи эмас. Ёзувчи социалистик реализмнинг асл принципларига риоя қилган ҳолда реал ҳаётни бор ҳолича мураккаблиги, қарама-қаршиликлари, мусбат ва манфий томонлари билан кўрсатишга жазм этади. П. Қодировнинг қишлоқ туркумига мансуб асарларида, айниқса «Қора кўзлар»да тоғ қишлоқларининг, яйлов арчазор қирларининг, булоқлардан ҳосил бўлган ирмоқлару қизғалдоқлар билан бурканган ўтлоқларнинг таърифга сиғмас манзаралари, чўпонлар гурунги, очиқ далада тандир кабоб тортилган зиёфат гашти, севишганларнинг висол дамлари, қизлар базми — булар шоирона бир нигоҳ, зўр илҳом-эҳтирос билан ифода этилган. Ёзувчи олис қишлоқларга ҳам катта машаққатлар, курашлар билан кириб бораётган янгилликларни, янги типдаги одамлар образини зўр муҳаббат билан қаламга олади. «Қора кўзлар»даги Аваз, Замонали, Мансуровлар, «Жон ширин»даги Музаффар, «Эрк»даги Саттор, «Мерос»даги Ёлқин — булар одамлар бахти, эл-юрт ғами билан юрган, ҳақиқат, социал адолат учун курашган ҳақиқий қаҳрамонлардир. Ёзувчи ўзини аямай меҳнат қилиш, халқимиз учун ота-боболаримиздан қолган мерос, ҳаётий, тарихий зарурат эканини асло унутмайди, аини пайтда социал адолат асосига қурилган бизнинг жамиятимизда меҳнат кишиси, айниқса деҳқон меҳнати, заҳматкаш аёл зоти қадрга, ҳурмат-эҳтиромга муҳтожлигини алоҳида таъкидлайди, маълум даврларда муайян сабабларга кўра эътибордан четда қолган шу муаммога жамоатчилик эътиборини тортади, ҳақиқий совет ёзувчисига хос позицияда туриб бу борадаги реал аҳволни дангал айтади.

Пиримқул Қодировнинг қишлоқ туркумига кирган асарлари, табиинки, кам-кўстлардан холи эмас. Гоҳо асарларда кўтарилган ўткир масалаларни бутун кескинлиги, шиддати билан охиригача етказишда изчиллик етишмай қолади, асар финалига бориб бошдаги таранглик хийла сусайиб кетади, моjarолар кўпинча ижобий кучлар фойдасига ҳал бўлади; гоҳо асарлардаги салбий кучлар таърифи ва талқинида муайян қоллилар таъсири сезилади, ижобий, айниқса курашчи қаҳрамонлар тасвирида рационализм — ижтимоий бурч, социал адолат тушунчалари хусусида бир йўсинда зиёлинома китобийроқ фикр юритиш ҳоллари учрайди. Булар хусусида ёзувчи билан баҳслашиш мумкин. Бундай кам-кўстлар, бир чеккаси, ўша асарлар пайдо бўлган кезлардаги шароитнинг мураккаблиги, турғунлик ҳолатларининг салбий таъсири эканини ҳам унутмаслик керак.

70-йиллар давомида ёзувчи икки йирик асар — тарихий темадаги «Юлдузли тунлар» ва замонавий мавзудаги «Олмос камар» романлари устида иш олиб борди. Бирида беш аср бурунги ғоят мураккаб, зиддиятли тарихий давр, даврнинг ўта шафқатсиз ҳақиқати, Бобурнинг машаққатли ҳаёт йўли, ундаги шоир ва шоҳлик майллари орасида кечган муросасиз кураш, улкан шахснинг хайрли ишлари, олижаноб фикр-туйғулари ва кечириб бўлмас хатолари, бу хатолар учун чеккан алам-изтироб ва ўкинчлари, ўтмишининг аччиқ сабоқлари... Иккинчи асарда эса ҳозирги фан-техника инқилоби даври, урбанизация суръати қулф уриб турган улкан ва тигиз шаҳар ҳаёти, ўта замонавий, фан-техника инқилоби бошида, гирдобида турган кишилар турмуши, тақдири, ўшандай шаҳар истиқболга ҳақидаги йў-режалари, бу йўлдаги курашлари, муваффақият ва йўқотишлари...

«Олмос камар» 1977 йилда чоп этилди, асар теварагида баъзи мунозаралар бўлсада, умуман, танқидчиликда ижобий баҳо олди. Аммо ёзувчи асардан кўнгли тўлмади, роман устидаги ишини давом эттирди, 1983 йили романнинг тубдан қайта ишланган варианты майдонга келди; шу варианты рус тилига таржима этилди, рус китобхони уни яхши қабул қилди, марказий матбуотда у ҳақда ижобий фикрлар баён этилди, жумладан, танқидчи Л. Теракопя «Вопросы литературы» журнагида босилган (1986, № 2) «Шарқ харитаси устида» мақоласида «Олмос камар»ни батафсил таҳлил этиб, уни ҳозирги замон совет ва хорижий шарқ халқлари адабиётида пайдо бўлган шаҳар ҳаёти ҳақидаги энг яхши асарлар қаторига қўйди; роман СССР Ёзувчилар союзи мукофоти билан тақдирланди, марказий телевидение буюртмасига биноан республика киностудияси томонидан роман мотивлари асосида икки серияли фильм яратилди.

КПСС XXVII съезида тарих, революцион ўтмиш, халқ хотираси масалалари ғоят кескин қилиб қўйилди, тарих — тарбиянинг қудратли манбаи экани, муқаддас миллий обидаларга нописанд қарашга нисбатан партиявий талаб қатъий бўлиши кераклиги, одамларни халқ руҳиятининг жонкуяр

химоячилари қилиб тарбиялаш лозимлиги алоҳида уқтирилди. «Халқнинг миллий туйғусини ҳақорат қилиш — уни келажакка бўлган ишончдан маҳрум этиш демакдир», — деб ёзади «Правда» газетаси (1987 йил, 17 май). Партиямиз Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида қилган докладыда: «Биз ҳаммамиз аҳолининг истисносиз ҳамма қатламлари ўтмишга, унинг сабоқлариغا зўр қизиқиш билан қараётганликларининг шоҳиди бўлиб турибмиз», — деди.

«Юлдузли тунлар» романи тарихий мавзудаги бошқа энг яхши асарлар қатори жамият маънавий ҳаётидаги шу кайфиятнинг бир ифодаси, ёзувчи Асқад Мухтор сўзлари билан айтганда, халқимизнинг бой ва шонли тарихига улуғ ҳурмат ёдгорлиги, тарих сабоқларига астойдил қизиқиш самараси сифатида майдонга келди. Бу роман ўзбек ва рус тилларида қайта-қайта нашр этилди, бошқа қардош тилларга таржима қилинди, республикамизда, марказий матбуотда у ҳақда кўп ёзилди, И. С. Брагинский, В. Виткович, Ю. Суворцев, В. Оскоцкий, О. Ёқубов, М. Қўшженов, Ғ. Каримов каби йирик ёзувчи ва адабиётшунослар романини кенг таҳлил этиб, унга юқори баҳо бердилар. Маълумки, адабиётда танқиддан четда турадиган ёзувчи, бадий асар йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Ҳар қандай яхши асар теварагида ҳам баҳс-мунозаралар бўлиши, танқидий фикрлар айтилиши табиий, «Юлдузли тунлар» ҳақида ҳам кўп илиқ гаплар билан баробар танқидий мулоҳазалар, баъзан ҳақ, баъзан ноҳақ зътирозлар билдирилди. Ёзувчи айрим фойдали танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиб асарга баъзи таҳрир, тўлдиришлар киритди, Бобурнинг фотиҳлик юришлари моҳиятини, шоҳ ва шоир Бобур зиддиятларини янада кескинроқ очадиган янги лавҳалар қўшди.

«Юлдузли тунлар»га баҳо бераётганда бу асар тарихимизнинг ўта мураккаб, чигал даврига, ниҳоятда зиддиятли тарихий шахс — ҳам истеъдодли олим, гуманист, тараққийпарвар, ҳақгўй шоир; ҳам типик темурийзода, саркарда, фотиҳ шоҳ ҳаётига бағишланганлигини, ёзувчи олдида ғоят қийин, масъулиятли ижодий вазифа турганлигини назарда тутмоқ керак.

Дадил айтиш мумкинки, ҳозирга қадар ўзбек адабиётида Бобурдек мураккаб, зиддиятли тарихий шахс образи яратилмаган эди. Бобур образига адиб реалистик адабиётнинг чўққисида туриб хилма-хил томондан ёндашади, бироқ бунда изчил партиявий-синфий позицияда турди: Бобурнинг шоир, шоҳ ва оддий инсон сифатидаги ҳам кучли, ҳам ожиз томонларини, ҳаёти ва шахсиятидаги барча фазилатлар кўсурларини бор бўйича кўрсатади. Ёзувчининг реалистик маҳорати хусусан кучли, мураккаб шахс Бобур билан уни қуршаган муҳит, тарихий шароит орасидаги муносабатни очишда кўринади.

Гап шундаки, Бобур ўрта асрнинг ўта мураккаб, зиддиятли бир палласи, боя айтилганидек, темурийлар салтанатининг ўз юртида емирилиши, ўзга юртлар — Афғонистон ва Ҳиндистондаги янгидан тикланиш даврида яшади. Темур насли орасида темурийлар салтанатини энг қалтис давларда сақлаб қолиш учун астойдил курашган энг саботли шахс ҳам, янги империянинг асосчиси ҳам шу Бобур бўлиб қиқди. Демак, Бобур шахс ва саркарда сифатида қудратли давлатнинг сўнгги кунлари — емирилиш даври фожиясини татиб кўрган мағлуб, лекин йиқилса ҳам курашдан тоймаган, аҳдидан қайтмаган, бирлашган қудратли давлат тузиш режаларини ўзга элларда амалга оширишга мажбур бўлган ҳамда бунга эришган ғолиб ва мустабид шахс. Иккинчи томондан, Бобур Шарқнинг улуғ мутафаккирлари, биринчи галда Алишер Навоийнинг юксак гуманистик ғоялари руҳида тарбияланган, инсон қалбини, унинг дарду ташишларини юракдан ҳис этишга қобил баркамол бир одам, нозик таъб, ҳақгўй шоир, санъаткор, олим, Бобур тахтга ўтирган биринчи кундан бошлаб унинг зиммасидаги шоҳлик бурчи билан инсонлик, шоирлик туйғуси бир-бирига тўқнаш келади, шу зиддият умр бўйи давом этади. Бобур кўнгли эзгу туйғуларга мойил, тожу тахтнинг бевафолигини, шафқатсизлигини билади, неча бор ундан воз кечмоқчи ҳам бўлади: бироқ, айни пайтда, ўзининг темурийзода эканини асло унутолмайди, темурийзода сифатида салтанат олдида ўз бурчи ва масъулиятини ҳамма нарсадан устун қўяди. Шу бурчини адо этиш йўлида адедсиз кўргуликлар — жудюликлар, қийноқлар, хўрликлар, таҳқиру надомотлар — барча-барчасига дош беради: у шафқатсиз замонда яшаётганлиги, йиртқичлар орасида кийик бўлиб кун кўролмаслигини ҳис этади. Унда зўрликка зўрлик, зарбага зарба билан жавоб бериш истига кучли, бу эса ўз навбатида уни кўп шафқатсизликлар, гуноҳлар сари етаклайди. У раият ғамини ҳам ўйлайди, аммо раият деса, бу ҳол беклару навкарлар манфаатига зид келади: беклар, навкарларсиз эса тожу тахтни идора этиш мумкин эмаслигини яхши билади: шу тариқа, бехттиёр, раият манфаати-га хилоф ишлар қилишга мажбур бўлади. Бобур шоҳ ва саркарда сифатида амалга ошираётган кўп ишлар «хатолик», Ҳинд сари йўл олиш «юзи қаролик» эканини ўзи ҳам сезади, чин инсон, шоир сифатида бундан қийналади, дардини шеърлари орқали тўкиб солади, лекин амалда; барибир, шу кўнгли чопмаган ишларни қилаверади, замон, муҳит, шароит, тарихий вазият шоҳ сифатида уни шунга мажбур этади. Бобурнинг энг оғир руҳий драмаси, фожияси ҳам ана шунда. Буларнинг барчаси романда юксак маҳорат билан ифода этилган.

Шу билан баробар, ёзувчи тарихда ўтган шахсларга баҳо беришда марксца-ленинча йўл-йўриқларга амал қилган ҳолда Бобурнинг ўз даврига нисбатан амалга оширган хайрли, прогрессив тадбирларини, хусусан, марказлашган давлат учун кураш, Ҳиндистонни бирлаштириш, турли эл, дин ва диний мазҳабларни муросага келтириш, ободончилик ишларини йўлга қўйиш, майхўрликни ман этиш сингари ишларини объектив тарзда ҳаққоний кўрсатиб беради, булар жуда катта қийинчиликлар, зиддиятлар билан амалга ошганлигини ўқувчига етказса олади. Айрим олимлар асарда «синфлар, социал гуруҳлар тушунчаси йўқ, халқ оммасининг оғир аҳволи бирор марта ҳам эсга олинмайди» деб даъво қиладилар. Аввало шунини айтиш керакки, асарни синчиклаб ўқиган китобхон унда бошдан-оёқ подшолик зулми, ўзаро феодал урушлари, истилочилик юришлари туйғайли меҳнаткаш халқ бошига тушган мусибатлар, халқоммасининг ночор аҳволи катта бир ички дард билан ҳаққоний ифода этилганлигини, романда қатор меҳнаткаш халқ вакиллари образлари борлигини (Тоҳир, Робия, Фазлиддин, Чўпон йигит, Мамат полвон, ҳинд келинчаги, фолбин ва ҳоказо) яхши билади, адабиёт илмидан унча-мунча хабардор ҳозирги маданиятли, зиёли одам яна шунини яхши биладики, бадий адабиётда, хусусан ўтмишдан олинган асарларда синфийлик, синфий зиддият, курашлар албатта бой билан хизматкор, ёзувчи ва эзилувчи орасидаги тўқнашувлар тарзида бевосита ифодаланиши шарт эмас, ижтимоий зиддиятларнинг бадий конфликтга айлантириш, синфий ёндашиш йўллари, воситалари кўп. Бундай табаррук тушунчани жўнлаштирмаслик керак.

Танқидчи Ю. Суровцев «Ўтмиш хотираси ва замон ташвишлари» мақоласида. («Совет Ўзбекистони», 1987 йил 5 июнь) ҳақ гапни айтиди: «Жўн «синфий» ёндашувга бутунлай барҳам бериш керак, чунки бундай ёндашув адабиётимиз реализмига, бу реализмнинг тўла-тўқислигига ҳақиқатан ҳам кўп зиён етказди». П. Қодиров устоз адиблар А. Толстой, А. Қодирий, Ойбек, М. Шайхзода тажрибаларига таянгани ҳолда «Юлдузли тунлар»да ўзининг синфий-партиявий позициясини, тарихий давр ва тарихий шахс зиддиятларини асосан шоир ва шоҳ Бобурнинг руҳий зиддиятлари орқали ифода этади. Асарни синчиқлаб ўқиган дидли китобхон Бобур тахтага ўтирган биринчи кун, илк дақиқалардан бошлаб то умрининг охирига қадар бу одамнинг бутун ҳаёти мана шу зиддиятлар ичида кечганлигини — шоҳлик, фотиҳлик унга ҳадсиз гуноҳ, ғурбату азоб, таънаю дашном, шоирлик эса ҳурмату эътибор, мангу шухрат келтирганлигини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб туради. Айни пайтда ёзувчи тарихий шахсга ва ҳодисаларга муносабатини оддий меҳнаткаш халқ вакиллари нигоҳи орқали ҳам ифодалашга уринади. Оддий меҳнат аҳли Бобурни шоҳ сифатида эмас, биринчи галда шоир, маърифатчи сифатида ҳурмат қилади. Ёзувчи бутун асар давомида Бобурни шоҳ сифатида қилган шафқатсизликларини унинг энг катта гуноҳи эканини доимо, ҳатто кўп ўринда ошқора таъкидлаб боради. Конкрет далилларга мурожаат этайлик.

Умаршайхмирзо ҳалок бўлиб Бобур тахтага ўтирган биринчи кун. Ёв шундоқ шаҳар остонасида турибди. Ғоят таҳликали дақиқалар, эл юртда ваҳима, мансабдорлар орасида иғво, фисқу фасод, таҳлика авжига чиққан. Ғаламус, аламзада беклар сув тақсимотида фуқаро томонини олган адолатпарвар мироббони Дарвеш говни фитначилиқда айблайдилар ва Бобур ҳузурига келтирадилар. Тафтиш пайти Дарвеш беғуноҳ экани маълум бўлади, аммо аламзада беклар ўз сўзларида туриб оладилар. Дарвеш каловланади, иғвогарлар ҳамлани кучайтиради, Бобур иложсиз қолади, битта Дарвеш говни деб барча беклар майлига зид боролмайди, сиёсат учун уни ўлимга маҳкум этишга мажбур бўлади. Айбсиз эканини билла туриб мажбурият юзасидан сиёсат учун ҳалол одамни қурбон қилиш нақадар даҳшат! Ёш Бобур қора булутлар ичида, қуюн гирдобида қолади. Наҳотки, бу булутлар доим тожу тахт билан юрса-ю, Дарвеш говга ўхшаганларнинг қониға шунчалик ташна бўлса?! Бу қора булутлар унинг атрофига қаёқдан ёпирилиб келди. Алишер Навоий асарларига мафтун бўлиб, Навоий расмига тикилиб мусавффо ёшлик хаёлларига берилгани қачон эди? Орадан бир неча йил ўтганга ўхшайди. Ҳолбуки, шу бугун эрталаб, шу бугун чошгоҳда унинг ҳаёти қуёшли осмондай тиниқ ва мусавффо эди. Тахтага ўтирди-ю, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди, мана энди кўнгил майлига зид гуноҳ ишга қўл урди...

Шоир ва шоҳ Бобур орасидаги ижтимоий-маънавий зиддиятнинг ибтидоси шу тариқа ихчам, образли, аниқ-равшан позицияда туриб ифода этилган. Бобурнинг ўша топдаги драматик ҳолати — гўё осойишта, қуёшли куннинг қора булутлар, қуюн билан алмашилиши, нурили ўйлар, ширин хаёлларнинг, беғубор гулнинг тўзонлар ичида қолиши — чуқур рамзий маъно ташийди, Бобур қисматиға, фожиасига бир ишора бўлиб туюлади: дарҳақиқат, Бобурнинг эндиғи ҳаёти, бутун умри ана шу булутлар, қуюнлар ичида кечади.

Яна бир лавҳани эслайлик. Бобур тож-тахт ҳавасидан кўнгли совиб Уратепа тоғларида ялангоёқ сайр этиб юрганида бир чўпон йигитға дуч келади. Сухбатда маълум бўладики, бир вақтлар Бобур одамлари унинг ота ва акасини ўлдирганлар, қўйларини, йилқиларини талаб кетганлар. Чўпон Бобурдан ота ва акаси хунини сўрамоқчи, улар қасдини олмақчи. Бобур олти йил бурун ўз одамлари кесиб хуржунда келтирган ва лолақизғалдоқлар устиға юмалаб тушган каллаларни эслаб борлиғи даҳшатға тушади, бу шафқатсиз амирларнинг иши эканини айтади. Чўпон Бобурни сўроққа туттади:

«— Ҳўш, гапинг чин бўлса, менинг отамни Бобурнинг ўзи эмас, Танбал деган бир бек ўлдирган. Шундайми?»

— Шундоқ.

— Уша бекка ким фармон берган? Бобурми?»

— Бобур бундай бўлишини билмаган... Ёшлик қилган!

— Яна пошшоннинг тарафини олсан-а! Агар мен ҳозир мана бу итларимға «ол!» — десам, сени тилка-пора қилиб ташлағай. Шунда фақат итлар айбдор бўлғайми? Буларнинг олиқшлаганим учун мен гуноҳкор бўлмасменми?»

Бобур чўпоннинг гапиға эътироз қилиб бўлмаслигини сезади, машъум ўтмишдан осонликча қочиб қутула олмаслигини, ёмон беклар унинг номидан қилган золимликларни одамлар нундан қуришини ўйлаб вужудини янги бир безовталиқ чулғайди...

Чўпон билан Бобур мулоқоти шу билан тугамайди. Бобур ўзини танитади, тожу тахт даввосидан воз кечиб энди фақат шоирона ҳаёт кечирмоқчи эканини айтади, чўпон бирдан кечағи тўйда шоирнинг ашула қилиб куйланган сатрларини эслайди. Ўз оғзидан ички туғён билан ўртаниб айтган рубоийсини эшитиб, бирдан бояғи шаштидан тушади. «Сен ҳам куйганлардан экансан, шоирлигингға тан бердим! Агар шу шоирлигинг бўлмаса, сени раҳматлик отамнинг қасдиға итларимға талатиб юборар эдим! Хайр, шоир, омон бўл!» — дейди. Ана оддий меҳнат кишининг — жабрдийда бир одамнинг шоҳ ва шоир Бобурға муносабати! Шоир ва шоҳ Бобур фожиасининг яна бир қирраси!

Бобурнинг ҳарбий юришлари, фотиҳлиги билан боғлиқ зиддиятли руҳий драмасыни очувчи ҳаяжонли лавҳалардан айримларини эслайлик. Бобур Моҳим бегим билан сухбатда ҳинда боришдан мақсади уни талаб келиш эмас, умр бўйи интилиб етишмаётган орзуларини ўша ерда рўёбға чиқариш, қудратли бир давлат тузиб, пароканда ўлкаларни бирлаштириш эканини айтганда Моҳим бегим бу мақсад йўлида даҳшатли бир чоҳ — қонли уруш борлигини, бу чоҳға минг-минг бевао сағирларнинг кўзёшлари тўкилишини, бегона юртнинг оналарию бевалари урушда ўлган фарзандларию эрларнинг ўлимини асло кечирмасликларини писанда қилади. «Мен гоҳо қўрқаменки, жаҳонгирлик, фотиҳлик сизнинг шоирлигингизға соя ташлаб қўймасмикин?» дея оғоҳлантиради. Ёзувчи уша дақиқаларда Бобурнинг кўнгли парчаланиб кетган, ўзаро урушларда азоб тортаётган мамлакат каби алғов-далғов эканини айтади.

Нихоят Бобур Ҳиндистонни забт этди, Панипат жангида ғолиб чиқди. Эришилган ғалаба сурури билан юрган Бобур катта жангда ҳалок бўлган ботир ражпут йигит бевасига — гўзал келинчаққа дуч келади. Келинчақ «фотиҳларнинг подшоиси» Бобурға қарата «Кет, босқинчи! Кет! Юртингға кет!» «Эримни нега ўлдиртирдинг! Нега бу ерға келдинг?» дея нафрат, алам билан қичқиради-ю

одат бўйича ва Бобур қилмишига нисбатан кескин қаршилиқ, норозилиқ ифодаси тарзида ўзини ўтга ташлаб эри жасади билан бирга ёниб кетади! Бобур қалби ларзага тушади. Ўзи қилган гуноҳларининг миқёсини ўйлаб хаёли олисларга кетади. Автор ёзади:

«Ўзини оловга ташлаган келинчак унинг хаёлидан нари кетмас эди. Панипат жангида эришган зафардан Бобур қанчалик қувонган эди! Аммо бу жанг қанча болаларни етим, қанча аёлларни тул қолдирганини бугунги келинчакка ўхшаган қанча бевалар урф-одат бўйича ўзларини оловга ташлаганини мана энди кўз олдига келтира бошлади... Узоқларда қолган Моҳим бегим эсига тушди. Кўрмаганига олти ойдан ошяпти. Сўнгги марта суҳбатлашганларида Моҳим бегим бугунги даҳшатларни олдиндан сезгандай қанчалик изтиробга тушган эди!..»

Ёзувчи шоирнинг «Толе йўқи жонимга балолоғ бўлди» сатри билан бошланувчи машҳур рубойисининг туғилишини айна шу драматик ҳолат билан боғлайди:

«У кенг қирғоқлар орасидан товущсиз жим оқиб ўтаётган Жамнага тикилди. Ботиб кетган қуёшнинг куюқ шафағидан дарё суви қизғиш кўринарди. Бобурнинг назарида, дарё сувини шафақ эмас, жангларида тўкилган қонлар қизартириб юборгандай туюлди. У изтироб билан кейинги сатрларни ёзди:

«Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди!»

Пировардида оддий меҳнат аҳли вакилларининг шоир ва шоҳ Бобур ҳақидаги фикрларини келтирмоқчиман. Бобурга маърифатли, одил шоҳ деб умид қўйган, сидқидилдан унинг хизматида бўлган Тоҳир бир вақтлар Қува ёнидаги жангда ўзини ярадор қилган ёв лашкари, жангчиси Мамат полвон билан танишиб, дўстлашиб қолади ва зўр алам-изтироб билан: «Бу подшоларнинг уруш-жанжаллари бошларидан қолсин!.. Сиз бир қосиб бўлсангиз. Мен бир деҳқон эдим. Келиб-келиб биздай заҳматкашларни бир-биримизга душман қилиб қўйган замонанинг уйи куйсин!» — дейди. Бу сўзлар давр ҳақида, шоҳ Бобур ҳақида зўр айбнома каби янграйди! Бобур Ҳиндистонда подшонинг жонига қасд қилган одамларни аёвсиз жазолаш ҳақида фармон чиқаради, кўплар қатори ўз юртини баҳодирона ҳимоя қилган довурак ҳинд филбон ҳам таъқиб остига олинади. Лекин оддий меҳнат аҳли орасидан чиққан Фазлиддин билан Тоҳир филбонни ҳимоя остига оладилар, ўз юрти шаъни деб Бобурдан қасд олмоқчи бўлган филбон ишини гуноҳ эмас, балки шараф деб биладилар. Улар Бобурнинг шоирлигини, маърифатпарварлигини ҳурмат қиладилару шоҳ, фотиҳ сифатидаги шафқатсизликларини асло ҳазм эта олмайдилар. «Ўзлари соҳибдил шоир, маърифатли инсон бўлсалар ҳам подшолик билан фотиҳлик у кишини мураккаб зиддиятларга дучор қилган»,— дейди Фазлиддин. Тоҳир ҳам тўғридан-тўғри дейди: «Ҳатто мен... энди саройга хизматга қайтишдан чўчийман. Бобур мирзони чин дилдан яхши кўрсам ҳам унинг шафқатсиз муҳитидан узоқроқ юргим келади».

Ниҳоят, шоир Бобурнинг ўзи: Неки хатолик, гуноҳ қилган бўлсам, ҳаммасининг бирламчи сабаби менинг подшоҳлигимдир», дея узил-кесил иқрор бўлади. Бобурнинг Хондамир билан суҳбатда айтган: «...авлодлар ҳақиқатни билсинлар, бизни фаришта деб ўйламасинлар. Қилган гуноҳларимиз ўзимизга нечоғлиқ оғир тушганидан огоҳ бўлсинлар... Жангларнинг қонли селлари, салтанатнинг тошқин дарёдай бетиним талотумлари жонимга тегди. Тожу тахт бевафолигини кўпдан бери сезиб юрибман. Менга вафо қилса фақат ёзган асарларим вафо қилмоғи мумкин. Ватанимга ўзим қайтолмасам ҳам асарларим қайтмоғи мумкин. Эндиги орзуим — мен туғилган юртимга қилолмаган фарзандлик хизматимни асарларим қилса...» деган сўзлари — бу шахс драмасининг, асар ғоявий-бадий концепциясининг якуни, Бобур умрининг аччиқ сабоқлари каби янграйди.

Пиримқул Қодиров замонавий мавзудаги, замондошлари ҳақидаги асарлари каби тарихий романи «Юлдузли тунлар»да ҳам шу тариқа ҳақиқатни қидиради, ҳақиқатнинг тубига, моҳиятига етишга интилади. Бадий ижодда ҳақиқатнинг тубига етиш йўли эса ниҳоятда мушкул, машаққатлидир.



АСРЛАР СОЛНОМАСИ

Фанимиз қисқа фурсатлар ичида илмий қимматга молик янги-янги нодир асарлар билан бойиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Булар ичида айниқса, турли асрларга тааллуқли ватанимиз тарихи, этнография, географияга доир ва бадиий-адабий асарлар салмоқли ўрин эгаллайди. Чунончи, яқинда Москвадаги «Наука» нашриёти илм мухлисларига озарбайжонлик тарихшунос, академик Зиё Мусаевич Буниёдовнинг олис ўтмиш даврларидан ҳикоя қилувчи «Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати» (1097—1231) номли тарихий асарини тақдим этди. Мазкур асарда Ануштегинлар сулоласи ҳамда Урта Осиё, Хуросон, Закавказия, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон халқлари тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий воқеалари билан танишамиз.

Асарнинг биринчи боби Ануштегинлар сулоласининг аждоди бўлган ўғзининг Бекдили қабиласига мансуб Ануштегин номи билан бошланади. Ануштегин ўсмирлик чоғида кул бўлган (қулликка тушиб қолиш сабаби асарда кўрсатилмайди. — Ҳ. З.), кўп ўтмай унинг иқтидори, заковатини кўра билган салжукийларнинг кўзга кўринган амирларидан спохсолар Иззатиддин Онор Билгетин (1098 йили ўлдирилган) уни сотиб олиб сарой хизматига қўйган. Ануштегинга омад ёр бўлиб кетма-кет амал поғоналарига кўтарилга бошлаган. Шахсан султон Маликшоҳ 1 тошдори сўнг Хоразмшоҳ ижарадорига айланади. 1097 йили Ануштегин вафот этгач, унинг ўғли, Қутбиддин Мухаммад (1097-1127) Хоразм ҳокими этиб тайинланган. Бироз вақт ўтгач, унга «хоразмшоҳ» нисбаси берилади. Қутбиддин Мухаммад хоразмшоҳ бўлган дастлабки вақтлардан бошлаб салжукийларнинг ҳокимият учун олиб борган ўзаро қонли курашларида фаол роль ўйнайди. Айни бир вақтда Хоразм давлатининг ҳар жиҳатдан тараққий этиши, қудрати ошиши учун кўп куч сарфлайди. Хуллас, Хоразмда Ануштегинлар сулоласининг қарор топиши бевосита ана шу Хоразмшоҳ Қутбиддин Мухаммад номи билан боғланади.

Қутбиддин Мухаммад вафот этгач, султон Санжар содиқ вассалининг улкан хизматларини назарга олган ҳолда ҳеч бир эътирозсиз унинг ўрнига 29 ёшли ўғли Қутбиддин Мухаммад ибн Аловиддин Жалолиддин Отсизни (1127—1156) тайинлаган.

Отсиз ҳам Марвда таҳсил кўрган, худди отасидай илм-фан, санъатни ғоят қадрловчи, дин арбоблари ва фуқароларга ғамхўр, жонкуяр, узоқни кўзловчи моҳир сиёсатдон, истеъдодли ҳарбий лашкарбоши, шеърятда ҳам иқтидори балан бўлган ва яхшигина қасидалар, рубоийлар битган, жуда кўп шеърларни ёддан билган, жангларда омадли нусратинишон киши бўлган. Унинг даврида Хоразм халқи ҳеч қандай хавф-хатарсиз фаровон ҳаёт кечирган.

Маълумки, Отсиз ҳам ота-бобосидай олий

ҳокимиятга содиқ хизмат қилишда давом этади. Лекин бу содиқлик ипи узоғи билан ўн йилдан ошмайди. Кейинги ривожланиб борган воқеалар жараёни вассал билан султон ўртасида кескин бурилиш яшашга олиб келади. Бу воқеа 1136—38 йилларда юз берган. Уша даврларда салжук султони Санжар Малик тасарруфига бутун Хуросондан тортиб, Моварауннаҳр ҳамда то Қашқаргача бўлган ерлар кирарди. Худди шу даврларда Санжар кўз олдида Отсизнинг ҳам кун сайин қудрат-мавқеи ва шон-шукӯҳи ортиб борарди. Буни халифалик пойтахти, узоқ Боғдода ўтирган халифа ал-Муътажид (1118—1135) ва ундан кейинги халифа ал-Муқтовфий (1136—1160)лар ҳам яхши пайқар эдилар.

З. М. Буниёдов асарида айниқса, ал-Муқтовфийнинг Хоразмшоҳга жангларидаги ботирлиги, жасоратини улуғлаб, унга хат билан совғалар ва фахрий халат йўллашгани ҳақида қайд этади. Аммо бу хатда ал-Муқтовфийнинг Хоразмшоҳ билан ҳар томонлама яқинлашишга зўр бериб ҳаракат қилишини ва «вақти етди, кўзингни оч, қачонгача бўйинтуруқда юрасан» деган маънода Отсизни вассал эмас, балки мустақил ҳукмдор сифатида тан олажagini шама қилишдай асл мазмун ётгани ҳақида тўхтамаган.

Умуман олганда, Отсизнинг ўзи ҳам алақачонок «бўйинтуруқ»дан батамом халос бўлишга қарор қилган ва бунинг учун қулай фурсат келишини кутарди.

Отсиз вассаллик шартларини бузиб, 1138 йилда Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Жанд ва Манғишлоқни босиб олади. Санжар буни кўзғолон деб ҳисоблайди ва бошқа вассаллари ҳам Отсиздан ибрат олмасликлари учун уни жазолагани отланади. Жангда Отсиз енгиледи ва қочади. Хазорасп остонасидаги муҳорабада Хоразмшоҳнинг ўғли Отлиқ қўлга тушган ва шахсан Санжарнинг буйруғига биноан белидан қоқ иккига бўлиб ташланган. Отсиз бу ўғли учун узоқ вақт изтироб чеккан.

Зафар қозонган Санжар Хоразмга жияни Сулаймоншоҳни ўтқазади, аммо ўзи бу ерда кўп туролмайди. Қўшин тўплаб келган Отсиз шаҳар халқининг қўллаб-қувватлаши натижасида Сулаймоншоҳни ҳайдаб юборади ва тахтга ўтиради. У шу заҳотиёқ Санжардан кеңирим сўраб, унга содиқ эканлиги тўғрисида нома юборган. Шубҳасиз, Отсиз тек ўтирадиганлардан эмасди. У 1139 йили Журжон вилоятидаги Қобуджом ва Бухорога хужум қилиб, бу шаҳарларни эгаллайди. Санжарнинг Бухородаги ноиб ва яқин кишиси бўлган амир Занги ибн Алини қатл этади. Санжар буни ўғли учун ўч олиш деб баҳолаган.

Айни шу пайтларда Моварауннаҳр томонга яна бир дахшатли куч — қора хитойлар юриш бошлаган эди. Шуни ҳисобга олган Санжар бўйсунмас вассалига қарши чора қўлламайди. Отсиз

эса ўзининг янги давлати яна хавф остида қолишидан чўчиб, Санжарга (албатта номигагина — Х. З.) бўйсуншига қарор қилади ва хатолари учун кечирим сўраб, садоқатини изҳор қилиб, узундан-узун хат юборади.

Мазкур номани йўллар экан, Отсиз Санжар энди ўзига қарши жиддий қаршилик кўрсатмаслигини тушунар эди. Уша даврларда содир бўлаётган вазиятни сезgirlрик ва синчковлик билан кузатиб борган ҳамда дахлсизлигига тўла ишонч ҳосил қилган Хоразмшоҳ янада эркин ва мустақил сиёсат юргизиш йўлига дангал ўтади. Ушбу фикримиз З. М. Буниёдов асарида қайд этилма-са-да, Отсизнинг тутган йўли бизни бевосита шу хулосага олиб келади. Кейинги воқеалар у танлаган йўл тўғрилигини кўрсатди.

Уста сиёсатчи бўлган Отсиз аynи бир вақтда Боғдодга ҳам, халифа ал-Муқтовфий номига, унга бўйсунгани, отаси Муҳаммад ибн Ануштегиннинг салжуқийлар билан олиб борган курашлари ҳамда султон Санжар уни (яъни Отсизни) халифага қарши гиж-гижлагани ҳақида баён қилади. Халифадан уни Хоразм диёрига ҳукмдор этиб тайинлашни, шарқдан тортиб гарбий чегараларгача бўлган ерларни Хоразмга қўшиб олишга рухсат сўрайди. (З. М. Буниёдов. «Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати» 11—13-бетлар.)

Боғдод халифалигининг ўзи ҳам салжуқийларга қарши курашда Хоразмшоҳни ўз иттифоқчисига айлантириш ниятида эди. Отсиздан бундай хатнинг келиши ал-Муқтовфийнинг мақсадига тамоман мос тушарди. Шундай мураккаб шароитда қора хитойлар гурхони Елюи Та-ши (1124—1143 йил) бошчилигидаги катта қўшин Моварауннаҳрга ёпирилиб кира бошлади. Китобда Санжарнинг Самарқанд яқинидаги Катвон даштликларида батамом тор-мор келтирилиши, жангларида қанча қўшинлар иштирок этгани ва ҳалок бўлганларнинг сони аниқ далиллар асосида келтирилади. Санжарнинг бу мағлубияти салжуқийларнинг Урта Осиё ва Хурросонга бўлган ҳукмронлигига чек қўйилишига дебоча эди, деб ҳаққоний баҳолайди З. М. Буниёдов.

Отсиз эса улуғ султоннинг енгилганини эшитиб, қулай фурсатни фанимат билади ва 1141—1142 йилларда Хурросонга бостириб киради. Серахсни ишғол этгач, Санжар йўқлигидан фойдаланиб, салжуқийлар пойтахти Марвни, Нишопурни босиб олади. Унинг буйруғига биноан укаси Янал Тегин Байҳақ, Фарийҳумз (Хурмуз бўлса керак — Х. З.) ва бошқа шаҳар, музофотларни талаб, шпшиш-дон қилади. Отсиз бу ўлкалардаги аҳолидан ўзини тўла ҳуқуқли ҳукмдор-султон деб танишга мажбур этади. Унинг бундай номақбул хатти-ҳаракатлари халқ норозилиги — ғалаёнларининг кучли тўлқинига айланиб кетишига сал қолганлиги асарда тўла ифодасини топган. Айниқса, олим ўша даврларда ҳар томонлама гуллаб-яшнаган илм-фан марказларидан бири ҳисобланган Марвни куч билан босиб олиниши манзараларини баён этаркан: кўп илм соҳибларининг қирғин этилгани, чунончи қомусий олим Али ибн Муҳаммад ибн Арслон, олим Али ибн Исҳоқ ал-Мусавий ва бошқа талай заковат эгалари ёстиғи қуритилганини ачиниш билан тилга олади. Бундан сал кейинроқ Отсиз шоир, адиб Собир Термизийни ҳам қатл этади. Бунга унинг (Термизийнинг) жосусликда айбланиши ва шахсан қўлида далил билан ушлаб олингани (Термизийнинг Санжар томонидан Хоразмга юборилгани — Х. З.) ҳақида гапирилади. Бизга маълум бошқа манбаларда Термизийнинг далил билан ушлаб олингани қайд этилмаган эди. Бу жиҳатдан Зиё Буниёдовнинг мазкур асари фактларни тўлдиришда янада улкан аҳамият касб этади.

Асарнинг кейинги бобларида Хоразмшоҳ Ануштегинлар сулоласининг сиёсий фаолияти, Хоразм маданиятининг гуллаб-яшнаши ҳарбий куч-қудратининг чўққисига кўтарилиши ва ниҳоят Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад II даврида бу давлатнинг инқирозга учраши тарихий манбалар асосида ёритилади. Унинг бобда эса мўғуллар босқинидан кейин хоразмликларнинг тақдири ёритилади.

1156 йили Отсиз ўрнига ўғли Эл Арслон тахтга (1156—1172 йил) ўтиради. Эл Арслон Хоразмда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, отаси сиёсатини давом эттиради. У ҳам Санжарга содиқ қолажани изҳор этиб, хат юборади. Албатта, бу тобелик номигагина эди.

Эл Арслон вафотидан кейин тахтга ўтирган ўғли Аловиддин Текешнинг (1172—1200 йил) ҳам ҳукмдорлиги узок вақтгача укаси, тахт даъвоғари Жалолиддин Султоншоҳ Маҳмуд тарафдорларига, салжуқийлар ҳамда қорахитойлар гурхонига қарши оғир, шиддатли ва мардонавор курашлар ичида кечади. Ниҳоят, исёнкор Султоншоҳ (1193 йили) вафот этгач, Текеш кўл остига Таликон, Марваруд-Ҳирот, Марв, Нишопур билан бирга бутун Хурросон ўтган. Бунга қадар эса (1182 йили) Бухоро ҳам қўшиб олинган эди. Текеш ички ва ташқи душманларидан бирмунча хотиржам бўлгач, бутун диққатини ободончиликка, пойтахти Урганчи маданиятли марказга айлантиришга қаратади. Унинг даврида кўплаб меъморилик намуналари, карвонсаройлар, сардобалар, мадраса, масжид, мақбаралар ва бошқа давлат муассасалари юзага келади, суғориш тармоқлари кенг қулоч ёзади. Қулоччилик, наққошлик, шишасозлик, суратгарлик-миниатюра, мусиқа ва бошқа талай санъат турлари, касб-ҳунарлар тараққий этади. Илм-фан, адабиётда ҳам салмоқли қадамлар ташланади, катта-катта тарихий-бадий, илмий асарлар дунёга келади. Буларнинг барчаси Текешнинг ғайрати, ташаббуси номи билан боғлиқлиги З. М. Буниёдов асарида тўғри қайд этилади. Аynи вақтда Текеш қўшни давлатлар билан яхши муносабатда бўлиш ниятида дипломатик алоқалар боғлашга ҳаракат этган.

Китобда унинг мусиқага бўлган зўр муҳаббати ва ҳеч ким уйда унингдек ажойиб чала билмагани алоҳида қайд этилади. Хусусан, Текешнинг мусиқадаги зўр санъати тўғрисида Зиё Буниёдов тарихчи Сибт ибн ал-Жоузийнинг қизиқарли ҳикоясини келтириб, шундай ёзади:

«Айтишларича, исмоиллар Хоразмшоҳга суиқасд қилиш ниятида унга одам юбордилар. У (Текеш) бу пайтларда уд чалар ва «Мен сени танидим, ўз жонингни омон билу қон!» деган мисрани куйлар эди. Буни эшитган исмоилий кўрқиб яширинган ва қочган, лекин тутилиб Хоразмшоҳ ҳузурига келтирилган ва қатл этилган. Бу ҳикоянинг қанчалик тўғри-нотўғрилигидан қатъи назар, Текешнинг мусиқа санъатига кучли муҳаббати оғиздан-оғизга ўтиб, ривоятларга айлангани ҳақиқатдир.

Текешдан кейин тахтга чиққан Аловиддин Муҳаммадга (1200—1220 йил) ўз давлатини мустаҳкамлашда кўп тер тўкишга тўғри келди. у Хурросондаги рақиблирига ва гуррийларга қарши курашда отаси Текеш каби қорахитойлар кучидан фойдаланади. 1208 йили бутун Хурросон яна қайтадан Хоразмшоҳ қўл остига ўтади. Уша йиллари Моварауннаҳрда вазият яна ўзгаради. Ҳар йили қорахитойларга ўлпон тўлаб келган Хоразмшоҳ улардан узул-кесил қутилишга қарор қилади. «1209 йили Урганча навбатдаги ўлпонни талаб этиб келган гурхон вакили Туши ҳеч бир юзхотир, қонун-қоидага риоя этмай, андишасизларча тўғри келиб, Хоразмшоҳ ёнига тахтга ўтиради.

Сабр-косаси тўлган Хоразмшоҳ Тушини бурда-бурда этиб ташлашга ва у билан келган ҳамроҳларини ҳам қатл этиб, мурдаларини Амударёга ташлашга амр этган» (З. М. Буниёдов. «Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати». 75-бет). Бу қизиқарли факт бошқа манбада қайд этилмайди.

Орадан кўп ўтмай, қорахитойлар билан ҳал қилувчи жанг бўлади. Ғанимлар батамом тор-мор келтирилади ва уларнинг тажрибали саркардаси Таянгу асир олинади.

Мазкур жангдан кейин Хоразмшоҳ Аловиддин Муҳаммад II Шарқий-Жанубий Хуросон билан биргаликда бутун Моварауннаҳрни ўз ичига олган ҳолда Урта Осиёнинг ягона ҳукмдорига айланади. Бу пайтларда Мўғулистонда ҳокимият тепасига келган Чингизхон (Темучин) қисқа фурсат ичида Шимолий Хитойни истило қилган, Найманларни тор-мор келтириб, Шарқий Туркистонни ўз тасарруфига киритган эди. Бу эса, Урта Осиё учун чинакам хавфга айланишини Хоразмшоҳ тушунармиди? Тарихий ҳужжатлар ва мазкур асарга суяниб, йўқ деб айта оламиз. Негаки, Хоразмшоҳ вазиятга етарли баҳо беролмаганлиги, айниқса, уруш арафасида яққол кўринади. Уша пайтларда бу давлатда инқироз жараёни борган сайин кучайиб борарди. Мамлакат ҳаётида улкан роль ўйнаган ёлланма қўшиннинг олий қўмондонлиги деярли кўчманчи қипчоқ-қанғли қабиласига мансуб зодагонлардан иборат эди. Булар тепасида эса, Хоразмшоҳнинг онаси Баят қавмидан бўлган қипчоқ хони Жонкишнинг қизи мустабид Туркон хотун турарди. У ўғлининг ишига бемалол аралашарди ва ҳатто олий ва масъул ўринларга истаган маҳалда ўз қабиладошларини тайинлатардики, бундай ҳол Хоразмшоҳнинг мавқеини қаттиқ сусайтирган ва давлатни нақд ҳалокат ёқасига келтириб қўйган эди.

Масалан, асарда келтирилган қуйидаги тарихий ҳақиқатга эътибор беринг:

«Низом ал-Мулк Насриддин Муҳаммад ибн Солиҳ Туркон хотун маслаҳатига кўра бош вазирликка тайинланган ана шундай шахс эди. Бу одам лаёқатсиз, порахўр бўлиб чиққан. Хоразмшоҳ онаси ҳамда унинг маъмурий аппаратларда муҳим лавозимларни эгаллаган қабиладошларидан ҳавфсирлаганидан бу такаббур вазирнинг жамики хаддан зиёд жинояткорона исрофгарчиликларига, қабиҳликларига кўз юмиб, роса етти йил сабрбардош қилган ва охири уни ишдан четлатган» (95-бет).

Хоразмшоҳнинг мўғул босқини давридаги фаолияти ва тақдири Зиё Буниёдов асарида тарихий

манбалар асосида атрофлича ёритилади. Сўнги Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангбердининг Ватан озодлиги учун олиб борган курашлари айниқса, Ғарбий Хуросондаги ҳаёти ҳақида мазкур «Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати» асарида талқин этилганидек кенг маълумотларга эга эмасдик.

Асарда султон Жалолиддиннинг 1221—24—1225 йиллардан то 1231 йилларгача мўғулларга қарши олиб борган ҳаракатлари батафсил ёритилганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, унинг бутун Ғарбий Хуросон, Сурия, Ироқ, Арманистон ва Грузиядаги ҳаракатларининг ижобий ва салбий оқибатларига тўғри, марксистик баҳо берилади.

Олим Жалолиддиннинг давлат арбоби сифатидаги заифликлари ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Жумладан, у 1229-1230 йилларда Коню султони Аловиддин Қайқубод Ининг бирлашиш ва мўғуллар билан сулҳ тузиш лозимлиги ҳақида мактубини эътиборсиз қолдиради. Орадан кўп ўтмай синглиси, сўнги қорахонийлардан Самарқанд ҳокими Усмоннинг рафиқаси бўлган Хон Султондан ҳам худди шу мазмунда хат келган:

«Сенинг куч-қудратинг ва мулкнингнинг кенглиги ҳақидаги хабар хоқонга келиб етди. Шунинг учун у сизларнинг мулкларингиз Жайхун дарёси билан чегараланиб қолиши, яъни, дарёгача бўлган ҳамма нарса сеники, дарёнинг нариги томонидаги ҳамма нарса уники бўлиб қолмоқлиги учун сен билан келишиб олмоққа ва қариндош тутинмоққа қарор қилади. Шунинг учун, агар сен уларга (мўғулларга), қарши тура олишдек етарли куч топа олсанг қасос ол ва улар билан кураш. Агар ғолиб келсанг унда ўз билгингча иш қил. Йўқса, келишиш имкониятидан фойдалан, ҳозирча улар шуни истайдилар!» (179-бет).

Хат мазмуни, мўғуллар ҳам тинимсиз курашлардан ҳолдан тойиб, вақтинча бўлса-да, сулҳга интилганини кўрсатади. Хўш, Жалолиддин бунга қандай қаради? У юқорида Қайқубот I нинг хати каби бу мактубга ҳам жавоб қайтармайди. Бундай қимматли, қулай имкониятлардан муносиб фойдаланмаслик нодонлик эканлиги Зиё Буниёдов асарида тўғри таъкидланади. Айтиш мумкинки, бу унинг ўнглаб бўлмас хатоси ва катта фожиаси эди. Хуллас, Озарбайжон олими, академик Зиё Буниёдовнинг «Хоразмшоҳ Ануштегинлар давлати» китоби ҳар жиҳатдан нодир илмий асарлар сирасига киради. Қардош ҳам-қасбимизни теран мазмунли китоби билан яна бир қарра қутлаймиз.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ



ҲАЛОЛЛИК

Демократия, ошкоралик, қайта қуриш жараёни кенг қанот ёзиб, парвоз қилиб бораётгани, барча коллективлар ва меҳнаткаш инсоннинг тақдирида чуқур роль ўйнаётгани дилимизда шодлик ва фахр туйғуларини уйғотиши табиий. Қайта қуришнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида бу инқилобий ўзгаришсиз тўла равишда олдинга кетиш мумкин эмаслиги ҳаммининг онгига бориб етди.

Лекин қайта қуришни ҳар ким ҳар хил тушунаётганлиги, ўз ҳолича уни амалга оширишга уришлар бўлаётганлиги кишини ҳайратга солади. Кўпчилик чин демократия ва социализм идеалларини юракларига жо қилиб, илгари бормоқда. Айримлар эса ҳар хил йўللار билан қайта қуришга қарши чиқмоқдалар ва у совет жамиятининг обрўйини тўкмоқда, деган баҳона билан унга зимдан қарши иш қилмоқдалар.

Баъзи ўртоқлар эса оғзидан ҳам, қаламидан ҳам қайта қуришни туширмасдан, уни таърифласалар—да, амалда уни суистеъмом қилмоқдалар ва бу инқилобий ҳаракатдан ўзларининг тор, шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Бу жиҳатдан истеъдодли танқидчимиз Норбой Худойбергановнинг, айниқса охириги вақтдаги танқидий фаолияти ва «мўъжизали кашфиётлари» диққатга молиқдир. Н. Худойберганов танқидчилик оламида алоҳида шахс.

Хўш, у нимадан дарғазаб бўлапти? Ўзбек совет адабиётининг кейинги 20—25 йил ичида эришган қатор ютуқлари унга ҳеч тинчлик бермаяпти. У бу ижодий муваффақиятларни инкор қилиш учун бутун қуч-қувватини, барча имкониятларини ишга солмоқда.

Н. Худойберганов ўз ниятига етиш учун ўзбек адабиётини шахсга сиғиниш даврига олиб бориб боғлайди ва шахсга сиғиниш оқибати бадий ижодиётни бадном қилди, деб ҳисоблайди. Бу йиллардаги адабиёт турғунлик йилларининг меваси бўлгани учун, ҳосили ҳам шунга ўхшаш деярли мевасиз бўлди деган хулоса чиқаради. Тўғри, бу тўсиқлар ва бўронлар, турғунлик ва зиддиятлар адабиётимизнинг ўсишига жиддий салбий таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Лекин шу нарсани ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, жамият ҳам, адабиёт ҳам партия раҳбарлигида маълум даражада ривожланиб борди, қатор ютуқларни қўлга киритди. М. Горбачев тўғри таъкидлаб айтганидек:

«Тарих қандай бўлса, уни шундайлигича кўриш керак. Ҳамма нарса бўлди. Оғир хатолар ҳам бўлди, аммо мамлакат олға қараб бораверди» (таъкид бизники — Ҳ. А.) («Совет Ўзбекистони», 1987 йил 15 февраль).

Бу «олға қараб бориш»ни кўра билиш, жамиятимизда пайдо бўлган ҳар қандай салбий ҳодисаларга қандай нафрат билан қарасак, ижобий ҳодисаларга шунчалик суяна олишимиз ва уларни софдиллик билан эътироф этишимиз, лозим бўлганда қайд қилишимиз ҳам қарзимиз, ҳам бурчимиздир. Шунга ўхшаш ўша даврларда адабиётимизда майдонга келган ижобий ҳодисалардан ҳам қувона олиш ҳар бир бадий ижод мухлиснинг виждоний бурчидир. Буларни инкор этиш бизнинг улғур ишимиз бўлмиш — қайта қуриш илдизига болта уриш демакдир.

Шу жиҳатдан СССР фанлар академиясининг мухбир аъзоси, машҳур танқидчи Ф. Кузнецовнинг тарихчилар ва ёзувчилар конференциясида айтган куйидаги сўзларини қувватлаймиз:

«КПССнинг XX съезди тўлқинида ва 60—70-йилларда пайдо бўлган катта адабиётимизга тош отиш — кечирилмас гуноҳ ва улкан адолатсизлик бўлар эди» («Правда», 1988 йил 30 апрель).

Ахир ўзбек совет адабиётида ҳам кейинги 20—25 йил ичида заиф, ўртамиёна асарлардан ташқари, ғоявий-бадий жиҳатдан пишиқ талай асарлар пайдо бўлгани, улар миллий адабиётимизнинг донгини мамлакатимизга таратгани қуёш нуридай аён-ку!

Н. Худойбергановнинг кейинги мақолалари, айниқса — «Ҳақиқатни излаш йўлида» («Звезда Востока» 1988, № 1) ҳамда «Ҳаммаси таҳлилда кўринади» («Шарқ юлдузи», 1988, № 3), жуда характерлидир. Мухими шундаки, уларда танқидчининг билими, нияти, онги, ички олами очилади—қолади, «билимдонлигини» кўз-кўз қилиб журналхонларга намойиш этади. Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапи ҳеч қачон эсимдан чиқмайди: «Одамнинг қандай эканлигини билмоқчи бўлсанг, унга сўз бериб қўй, у ўзини ким эканлигини кўрсатади-қўяди». Н. Худойберганов илгари вақтларда юрагидаги бор гапни ё яшириб юрган ёки уни пардалаб ўқувчиларга етказган ёки бўлмаса, уни дадил айтишдан чўчиган бўлиши мумкин. Ошкоралик танқидчимизга қанот берди шекилли, оғзига келганини айтаяпти. У бу ошкораликдан шундай «фойдаланяптики», оқибатда унинг адабиёт, бадий жараён, ундаги ҳодисалар ва адиблар ҳақидаги кўп мулоҳазалари ғаразғўйликка, тўхматга, ҳақиқатни бузиб талқин қилишга олиб борапти.

Танқидчи ўзбек адабиётини камситиш учун яна бир усул топди. Ундаги заифликлар ҳамда айрим хато ва нуқсонларни осонгина Ш. Рашидовга ағдарди-қўйди.

Бу соҳада унга қўл келган нарса Ш. Рашидов кирдикорларининг фош қилиниши бўлди. Бунинг оқибатида у кўп ижобий ҳодиса ва воқеаларни, шoirи ва адибларнинг ижоди ва асарларини собиқ раҳбарга боғлаб, йўққа чиқаришга уриниб кўрмоқда. Мана Н. Худойбергановдан эшитайлик: «Ахир, сўнги йигирма-йигирма беш йил мобайнида йигирма бешга яқин ижодкор кўкракларига «Ўзбекистон халқ шоири ва ёзувчиси» деган нишонни таққанлигини бир эсланг! Диққат қилинг: деярли

ҳар йили биттадан «халқ ёзувчиси, халқ шоири» етиштирилибди! Кошки эди улар ана шундай юксак унвонга лойиқ бўлса!» (Таъкид бизники — Ҳ. А.) Тўғри, уларнинг орасида Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби чинакамга халқ ижодкори, деб эътироф этиладиган санъаткорлар бор...» («Шарқ юлдузи», 1988, 3-сон, 183-бет). Қолган адиблар эса, Н. Худойбергановнинг фикрича, унвонга лойиқ эмас эмиш. Булар қаторига Ғафур Ғулум-у, Миртемир, Уйғун-у Яшин, Зулфия-ю Асқад Мухторлар кирди. Наҳотки ноёб талантли, адабиётимиз ривожига чексиз ҳисса қўшган бу қаламкашлар унвонга номуносиб бўлсалар? Ахир бундай қарашлар етук, ажаойиб қаламкашларимизга бўҳтон эмасми? Бу фикрлар улар ижодини камситиш орқали тўғри йўлдан кетаётган адабиётимизга тош отиш эмасми? Танқидчининг фикрича, Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулум сингари адиблар «Уртамиёна китобларнинг муаллифлари» ҳисобланади. «Худди мана шундай халқ ижодкорлари» Ш. Рашидов атрофига тўпланиб, адабий муҳида «об-ҳаво»ни белгиладилар, ўзларининг «талантлари»ни намойиш қилиш учун ҳар хил воситаларни ишга солиб, юксак лавозимларни эгалладилар, пировард натижада дабдабозлик, офаринбозлик, кўзбўямачиликнинг авж олдириб, чинакам истеъдод соҳибаларининг қолига, схемага «сиғмайдиган» ҳаётий асарлариди «ғоявий нуқсон»лар тўпланиб ётибди, деб жар солдилар, уларни сўз санъати, социалистик реализм «душманлари» деб қарашга бориб етдилар». Малакали танқидчи бундай гапларни айтганига ишонгинг ҳам келмайди. Танқидчи ҳар бир сўзи, ҳўкми, хулосасини рад этиб бўлмайдиган фактлар билан исботлаб, далиллаб бериши керак эмасми? Қани ўша исбот, қани мунаққид даъволарини асослайдиган конкрет фактлар?! Мақолада уларни кўрмаймиз, аммо танқидчи ҳар саҳифада аравани ана шу тарзда қуруқ олиб қочаверади. «Уртамиёна китоблар»ни таҳлил қилиш, уларнинг қайси жиҳатлари заиф эканлигини исботлаб беришни эп кўрмайди. Халқимиз «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деб беҳуда айтмаган-ку!

Ш. Рашидовни мақташ масаласига келсак, бу жабҳада Н. Худойберганов намуна кўрсатди ва рекорд қўйди дейишимиз мумкин. Яхшиси ўзидан эшитайлик. У «Сени ўйлайман, замондош» деган китобиди шундай ёзди:

«Кўпгина мақолаларда Шароф Рашидовнинг Москвадаги «Художественная литература» («Бадий адабиёт») нашриётида 1979—1980 йилларда чоп этилган беш жилдик асарлари чинакам ижодий жасорат намуналари сифатида юксак баҳоланди, бу бизда алоҳида фахрланиш тўйғулари уйғотади. Ахир, ижодкорнинг матонати, қаҳрамонлиги жуда кўп машаққатли, оғир, айни чоғда завқ-шавқ бахш этадиган эзланишлар, қурашлар натижасида юзага чиқади-ку! Айниқса, жуда катта, масъулиятли сиёсий фаолият, партия ва ҳукумат иши билан ёзувчиликни моҳирона қўшиб олиб бораётган мўътабар инсоннинг ниҳоятда зўр талабчанлик билан қалам тевратиб, бадий маҳоратнинг катта чўққиларига кўтарилганидан қувонамиз...» (Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1983, 208-бет). Ш. Рашидовни кўпларга кўтариб, унга мадҳиялар ўқиган танқидчи, бу гапларини эсдан чиқариб қўйди, шекилли, энди у ҳақда икки оғиз илқ гап айтганларни савалаб кетяпти.

Маданият ва нашриёт соҳасида бошлиқ бўлганлар негадир унинг ғашига тегади, мунаққид уларга тош отиб, ҳордиғини чиқармоқчи бўлади. «Гап шундаки, — деб таъкидлайди танқидчи, — уларнинг (раҳбарларнинг — Ҳ. А.) кўпчилиги истеъдодсиз ёзувчилардан иборат эди. Қарга қарганинг кўзини чўқимайди деганларидек, ўшандай раҳбарлар ўзларига ўхшаш истеъдодсиз қаламкашларни ҳимоя қилиб, нуқул сирти ялтироқ, ичи қалтироқ, «асарларнинг ёмон (бемаза демоқчи шекилли — Ҳ. А.) қовунинг уруғидай урчиб кетишига кенг йўл очиб берди» (таъкид бизники — Ҳ. А.). Гапга қаранг! Адабиёт ва санъат, нашриёт соҳасидаги кейинги раҳбарлар гўё онгли равишда фақат ёмон асарларни чоп этириб, яхши асарларни бадном қилган эмишлар. Виждонимиз олдида пок бўлиш учун шу нарсани алоҳида қайд қилишимиз лозимки, ўзбек совет адабиётида пухта асар босилиб чиқмай қолиш ҳодисасини деярли учратганимиз йўқ. Тўғри, баъзи асарлар кечикиб китобхонларга етказилганлиги, уларга ўринсиз хуружлар бўлганлиги ҳақиқат. Ўша вақтда дунё юзини кўрган Одил Ғеқубов ва Пиримқул Қодировларнинг романлари, Уйғун ва Зулфияларнинг шеърлари ва поэмалари, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг достонлари, Комил Яшин ва Улмас Умарбековнинг пьесалари ёмон асарлар эдими? Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, раҳбарлар «нуқул» бемаза асарларнигина эмас, асосан, пухта асарларни ўқувчиларга етиб боришига кўпроқ ғамхўрлик қилганлар.

Маданият соҳаси ва нашриётда бошлиқ бўлиб ишлаган кўп раҳбарлар танқидчи айтгандай, истеъдодсизлардан иборат эмас эди. Уларнинг кўпчилиги қобилиятли эканликларини ҳаётда исбот қилганлар.

Н. Худойбергановни ранжитган нарсанинг туб моҳияти бошқа ёқда экан. У М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов ва ўзини чорак аср давомида эзилганлигини, таъқиқланганлигини, «қора рўйхат»га киритилганлигини, уларга ўзбек совет адабиётининг деярли «душманлари»дай қаралганлигини куйиб-пишиб гапирди. Танқидчининг гапига қараганда бундай совуқ муносабатнинг сабаби — улар мансабли ёзувчиларни танқид қилганлари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Абдулла Ориповнинг шеърлари, бошқа талантли ёзувчиларни ҳимоя этганлари эмиш. Н. Худойберганов қайси мансабли адибларни кўзда тутаётган экан, билмадик. Агарда у Ш. Рашидовни назарга олган бўлса, юқоридаги танқидчилар Рашидов асарларини мақташдан четда турган эмас. Нашриёт ёки газеталардаги мансабдорларни дилидан ўтказган бўлса, йўлни тўсиб қўйиш уларнинг ҳам қўлларидан келмас эди. Яхшиси фактларга мурожаат қилайлик.

М. Қўшжонов қайд қилинган «қора» даврда ўнлаб китобларни нашр эттирди. Унвонларнинг деярли ҳаммасига эришди. Филология фанлари доктори, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, фан арбоби, Ҳамза номидаги республика мукофотининг лауреати, институт директори, Ёзувчилар союзи правленияси президиумининг аъзоси ва ҳоказо. Шунчалик мартабаларга эришган олим «қора рўйхат»да деб саналса, ҳар бир адабиётшунос бундай «рўйхат»га киришни бахт деб ҳисоблаган бўларди.

О. Шарафиддиновнинг «Сайланма»си чиқмай қолганини назарга олмаганимизда, қолган бошқа ишлардан нолишга асос йўқ деб биланам. Чунки унинг ҳам талай китоблари чоп этилган, Беруний номидаги мукофотга сазовор бўлган.

М. Қўшжоновнинг ҳам, О. Шарафиддиновнинг ҳам, шу билан бирга Н. Худойбергановнинг ҳам

кўплаб мақолалари матбуотда эълон қилинган. Китобларини чиқаришда Н. Худойберганов ҳам бошқалардан қолишмади. Унинг деярли ҳар икки йилда биттадан китоби чиқиб турди-ку! Ҳа, шундай бўлганидан кейин, нима учун нолиймиз, ўзимизни сунъий равишда «қора рўйхат»га киритамиз? Шунчалик ижод этиб, унинг ҳосилини кўриб, халққа етказиб турганимиздан завқланишимиз керак-ку?!

Шу нарсани алоҳида кўрсатиб ўтишимиз керакки, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Ориповнинг асарларини юқорида тилга олинган уч танқидчигина эмас, балки бошқа адиблар, адабиётшунослар ҳам ўзини қалқон қилиб ҳимоя қилганлар. Бу ҳақиқатни Н. Худойберганов тилга олса, адолатли иш қилган бўларди.

Н. Худойбергановнинг мақолаларидан чиқадики яна бир салбий хулоса шундаки, у ўзини тўла оқлаб, газета ва журналларнинг редакторларини либерализм ва принципсизликда айбламоқчи бўлади. Бу ерда у икки таланти ёзувчимизни, редактор бўлиб ишлаган Одил Ёқубов ва ишлаётган Омон Матжонларни тилга олиб, уларнинг бу соҳадаги фаолиятларини характерлайди. Мана, танқидчидан эшитайлик: «Ахир фақат Одил Ёқубовгина эмас, балки бошқа муҳаррирлар ҳам танқидий мулоҳазаларингизга юз фоиз қўшиламиз, бироқ ҳозирча улардан бир оз четда турайлик, деб нуқул ўзларини муҳофаза қиладилар-ку!» (187—188-бетлар) Бу гапларга ишониб бўладими? О. Ёқубов ҳам, О. Матжон ҳам жуда зийрак, талабчан, жиддий, принципиал раҳбарлар. Масалалар ҳаққоний кўтарилган, мукамал ёритилган мақолани улар газета ва журналларда ёритишга халақит берганига ишонмаймиз. Ҳамма гап шундаки, Н. Худойбергановнинг қатор мақолалари ғур, асосланмаган, тухмат руҳи билан суғорилган бўлади. Бунинг ёрқин мисоли «Шарқ юлдузи» журналида босилган кейинги мақоласи. Бундай мақолаларни чиқариш тугул, ўқиш ҳам азоб. Шу сабабдан ҳам редакторлар хиралик қилган танқидчидан қутулиш учун баъзи гапларни айтиб юборган бўлишлари мумкин. Шундай экан, ҳурматли редакторларимизнинг обрўсига соя ташлашга уриниш Н. Худойбергановга нима учун лозим бўлиб қолди? Ҳа, мен юз фоиз ҳақлиман, редакторлар эса ноҳақ демоқчи у. Очиғини айтишимиз керакки, Н. Худойберганов кўп жиҳатдан ноҳақ. У қатор масалаларни таҳлил қилишда чалғиб кетган, ҳаққоний муаммоларни очишда адашган. Оқибатда танқидчининг «кашфиётлари» ва тўқималари ошкоралик ва қайта қуриш ишига шикаст етказди.

Баъзи шоир ва танқидчилар билиб-билмасдан Н. Худойбергановнинг адресига мадҳиялар ўқимоқдалар. Таниқли шоиримиз Шукруллонинг танқидчига бағишланган мақоласида Н. Худойбергановнинг ижодий фаолияти бир томонлама баҳоланади, фақат фазилатлари айтилади-ю, қатор нуқсонлари ҳақида ҳеч нима дейилмайди. Холбуки, масалага диалектик ёндашиб, танқидчининг барча ютуқ ва камчиликлари тўғри, холис баҳоланиши лозим эди.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги учрашувлардан бирида бундай деган эди:

«...Шу нарса муқаррарки, танқид ҳамиша партиявий, ҳақиқатга асосланган бўлиши керак... Танқид — бу масъулиятдир, у нақадар ўткир бўлса, шу қадар масъулиятли бўлиши лозим. Зотан, ҳар бир мақола шахсининг ўзини-ўзи намоеън этиши, ўз даъволари ва мақсадларининг акс этиши бўлмай, балки ижтимоий ишдир. Матбуот ва телевидение танқид қилар экан, раддиялар ёзиш эмас, балки жиддий фикр-уйлар уйғотиши, ишга рағбатлантириши керак... Қисқаси, танқид қайта қуришнинг ғоят самарали дастури бўлмоғи учун у фақат батамом ҳақиқатга таяниши керак. Сизга очик-ойдин айтиб қўяқолай, танқиддаги ҳар қандай ноҳолислик, бир томонламалик, ҳар қандай ноаниқлик қайта қуриш фойдасига хизмат қилмайди. Бундай танқид қайта қуриш душманларигагина қўл келади» («Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 15 февраль).

Партия Марказий Комитети сўз улуг омил эканлигини таъкидлаб, принципиалликка путур етказмасликни, демократияни, ошкораликни суистеъмол қилмасликни қатъий талаб қилмоқда. «Правда» газетасининг бош мақоласида қўйилган талабларни бир эслатиб ўтиш ҳам фойдадан холи эмас:

«Сўз қудратли қуролдир. Журналист ва редакторнинг шахсий жавобгарлиги ғоят каттадир. Ошкоралик чала ҳақиқат билан, ундан шахсий ўч олишда, кимларнингдир нафсониятини қондиришда фойдаланиши билан чиқиша олмайди».

Партия танқидий чиқишларни теран, таҳлилли мукамал, ҳаққоний ва самимий бўлиши зарурлигига бизни ўргатиб келмоқда.

Н. Худойбергановнинг мақоласига ўхшаш материалларга қадрдон журналимиз «Шарқ юлдузи» саҳифаларидан ўрин берилишидан ажабланамиз. Чиройли, ўқимишли, қизиқарли, ранг-баранг асарларни чоп этиб келган журналимиздан «Ҳаммаси таҳлилда кўринади» каби мақолалар жой олишини асоссиз деб биламиз. Севишли журналимиз келгусида ҳақиқат заминда ёзилган, инқилобий қайта қуриш ишига ёрдам берадиган материалларни чоп этади, деган умиддамиз. Чунки М. С. Горбачев таъкидлаганидек:

«Совет матбуоти — хусусий дўкон эмас... журнал, нашриёт, газета — бировларнинг шахсий иши эмас, бу умумпартиявий, умумхалқ ишидир» («Совет Ўзбекистони», 1988 йил, 14 январь).

Шу ажойиб сўзларга тўла амал қилсак, матбуотдаги турли-туман ноҳақ гапларга, ҳар хил гумонларга, ҳамкасбларни ҳақорат қилишларга чек қўйган бўламиз.

Танқидчиликда ҳақиқат ва самимиятга кенг йўл бўлсин!

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори

ИСБОТСИЗ ДАЪВОЛАР

Кўпдан бери танқидчи Норбой Худойбергановнинг мақолалари ва адабий-танқидий китоблари билан танишман. Адабиётимиз манфаатларини ўйлаб, куюнчаклик билан айтган рост гаплари менга маъқул келади, уларни ўқиб, бир китобхон сифатида қувонаман. Аммо, Н. Худойберганов мақолаларидаги оҳанг, пухта ўйламасдан айтилган мулоҳазалар мени ранжитади. Айниқса, адабиётимизнинг фахрига айланган айрим ижодкорлар ва аксари яхши асарлар ҳақида беписандлик билан гапирган, нукул қора бўёқ чаплаб ташлаган ўринларни ўқиганимда афсусланаман. Шу жумладан, Н. Худойбергановнинг «Шарқ юлдузи» журнали (1988 йил, 3-сон)да эълон қилинган «Ҳаммаси таҳлилда кўринади» номли мақоласида ҳам ана шу оҳанг яққол сезилади. Танқидчи кўплаб ёзувчиларимизни асоссиз камситади, уларга берилган унвонлар ва мукофотларни шубҳа остига олади.

Танқидчининг гапларига ишонсак, кейинги йигирма — йигирма беш йил ичида адабиётимизда биронта яхши асар яратилмаган, бирон ёзувчи ёки шоир ҳалол мукофот ёки унвон олмаган бўлиб чиқади. Наҳотки шундай бўлса? Турғунлик йилларида адабиётимизда фақат ўртамиёначилик ҳукм сурган деган даъвога ким ишонади?


Тўғри, ўртамиёна асарлар бўлган. Уларни ҳеч ким инкор қилаётгани йўқ. Аммо худди шу йилларда «Чинор», «Уфқ», «Олтин зангламас», «Меъмор», «Умид», «Мангулик», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Диёнат», «Ҳамза», «Одам бўлиш қийин», «Нур борки, соя бор», «Гирдоб» сингари кўплаб романлар ҳам яратилди-ку! Ёки шу йилларда шеърятда яхши асарлар, дostonлар ёзилмадими?

Менда Н. Худойбергановнинг мазкур мақоласи бир томонлама ёзилган деган таассурот қолдирди.

Адолат НОРМУРОДОВА,
ўқитувчи.

РЕДАКЦИЯДАН:

Ҳурматли журналхонлар! Яқин-яқинларгача матбуотда эълон қилинган мақолаларда айтилган ҳар бир мулоҳаза айнан ўша газета ёки журналнинг фикри сифатида қабул қилинар эди. Бугунги қайта қуриш ва ошкоралик замонида бундай қарашлар ўзгарди. Ҳар бир танқидчи ёки адиб маълум асар, ижодкор ёки воқелик ҳақида ўз мулоҳазасини баён этиши ва уни ёритишни талаб қилиши мумкин. Марказий матбуот (айтайлик «Огонёк» журнали)нинг ҳар бир сонидан бирига зид фикрлар эълон қилинмоқда. Бунга ҳеч ким ҳайрон қолаётгани йўқ. Аслида бундан чўчимаслик керак. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Бинобарин, «Шарқ юлдузи»да «Танқидни танқид» рубрикаси остида эълон қилинган Н. Худойбергановнинг «Ҳаммаси таҳлилда кўринади» сарлавҳали мақоласидаги баъзи фикрларга, редакция қўшилмаган. Шунингдек, Ҳ. Абдусаматовнинг «Ҳалоллик» мақоласида ҳам баҳсли ўринлар бўлиши мумкин. Шунга қарамай, ҳар иккала олимизнинг мақолалари ва оддий журналхон мулоҳазалари эълон қилинмоқда. Уйлаймизки, адиб ва танқидчиларимиз ҳам, журналхонлар ҳам мунозарали фикрларга ўргансалар ёмон бўлмайди. Нима бўлганда ҳам «Танқидни танқид» рубрикаси остида босилаётган мақоалаларни журналнинг фикри ва қатъий ҳулосаси деб қабул қилмаслигини сўраймиз.



МУЛОҚОТ

Хусниддин Шарипов. Яна висол. Шеърлар ва дostonлар. Ғафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1987.

Иқтидорли санъаткор ҳаёт ҳақидаги айтар сўзи, салмоқли фикрини ўзига хос бадий шаклда бера олади. Зукко китобхон эса юзлаб қалам аҳли ичидан уни ана шу ўзига хос овозидан таниб олади, янги асарини интиқ бўлиб кутади. Зеро, бундай интиқликка мушарраф бўлган шоир бадийят саҳнасида ўз ўрни, овозини топган саналади.

Бир неча шеърий тўплamlари, дostonлари билан қардош китобхонларнинг ҳам диққатини тортган Хусниддин Шарипов билан навбатдаги «Яна висол» шеърий тўплами орқали учрашамиз.

Ҳ. Шариповни китобхонга танитган бадий салоҳияти — мисрлардаги ўзбекона содда, дўлвор сўз ҳамда жумлалару кишини аввал мийиғида кулдириб, сўнг ўйлатиб қўядиган шеърий ҳазиллари эди. Ушбу тўплам ҳам аввало ана шу фазилатлари билан кўзга ташланади.

Шоирнинг янги китоби мундарижаси ранг-баранг. Унда ижтимоий-сиёсий лириканинг бақувват намуналарини учратамиз; инсон маънавияти қирралари таҳлилини кўрамыз, шоирона ҳазил остидаги донишмандликни уқамиз. Тўпламдаги шеърларнинг мавзу ва ғояси бевосита Максим Танк, Леонид Курчинов, Алиоға Курчоили каби шоирлардан қилинган таржималарда кенгайтирилган.

Мажмуадаги «Шарқдан шабада», «Тилла тўсин», «Элчига ўлим йўқ» шеърлари айниқса эътиборга лойиқдир.

Шоир Тинч океандаги сўлим бир оролда ресторандаги оломонга дуч келади. Маънавий ва мафкуравий жиҳатдан турли савиядаги кишилар шоир юрти ҳақида сафсата сота бошлайдилар. Гап навбати етиб келган шоир сўзни Лениндан бошлайди. Лирик қаҳрамон (шоир) мисрлар давомида. Ер юзидаги эзгуликлар учун улуғ таълимотдан мезон топади:

**Дунёнинг ярмиси бугунча юпун,
Дунёнинг ярмисин чулғамиш ғафлат.
Қадр ва курашни эслатмоқ учун
Мен Ленин ҳақида шеър айтгум албат.**

Тўпламдаги бир қатор шеърларда инсон маънавиятидаги қарама-қарши кутблар кураши, таққосини кўрамыз. «Виждон қамчиси», «Агар биз сезмасак», «Эзгулик йўлида», «Кафолат», «Қичқиргим келади» шеърларида шоир маънавий дунёмизга ойна тутади.

Хусниддин Шарипов ижодида бадий ифода ва тасвир воситаларининг янги-янги, қутилмаган муқоясадаги моделларига дуч келганмиз. Шоир китобхон билан ушбу учрашувда ҳам шундай бадий оригинал моделларни намойиш қилади. Масалан, буғдойнинг қилтириқлари самоват кўксига қулоқ тутган антенналарга ўхшайди («Бошоқлар»), уй қурувчилар ҳавозаю нарвонларда қуш сингари тизиладилар («Қадрим»), «Қўрага ўхшар зал — яхшию ёмон, ҳалолу фоҳиша — бари бир сихда («Шарқдан шабада»), «Ҳис овлаган хотирам гўё Нур тўпловчи қабарик шиша: Ахир тигдай урилган зиё, Куя бошлар қоғоз ҳамиша» («Гоҳ негадир» шеърдан. Бунда физикадаги линза ҳодисаси паралеллизм асосида инсонга кўчирилмоқда — М. М.).

Ҳ. Шарипов фожиа ва қувонч, шукроналик ва изтироб, шиддат ва сокинликни шеърларининг руҳига сингдириб юбора олган. Бу эса шоирнинг гражданлик эътиқоди, позициясини белгилайди. Натижада шеър солдатга, шоир қўмондонга айланади, Маяковскийча буйруқ янграйди:

**Ур,
Шеърим,
Мечкайлик шишасин синдир!
(«Шарқдан шабада»)**

Китобхон юқоридаги шеърларни диққат-этибор билан қайта-қайта ўқир экан ғазал, қўшиқ жанрида ёзилган «Бахтли кунлар ичра сен», «Қор ёғди», «Гуллар оралаб» шеърларидан бу даражада таъсирланмайди. Чунки улар, шоир бир шеърда лутф қилганидай, «шеърларининг шўрвасини ҳам шўрваси» бўлиб қолган, буларда оригинал фикр, чиройли ташбеҳ, сўзнинг янгича тизмалари деярли учрамайди. Эҳтимол, бу қўшиқларга музика турли ранг берар. Аммо шоир бу билан шеър маъсулиятдан фориг бўлмайди.

«Қилмиш-қидирмиш» дostonи мажозий-аллегорик тасвирда яратилган бўлиб, унда кишиларнинг бир-бирига муносабати ўрмон жонзотлари тимсолида кўрсатиб берилади. Узига хос бу зарбулмасалнинг қисқача мазмуни қуйидагича: ўрмон ҳокими Шер кексайган сари давлат ишларига уқуви қомайди, охир-оқибатда ҳокимиятни ташлаб қочади. Шер ўрнига янги ҳоким сайлаш жараёнида ҳар бир номзоднинг ва унга муносабатда бўлган ҳайвон-паррандаларнинг қиёфаси очила боради. Ниҳоят, вазинтабиат ва доно Фил ҳоким бўлгач, ўрмондаги ҳаёт изига тушади.

**Гар йўқолса аҳиллик
Авжга чиқар бахиллик!
Худбин кириб қўйнингга
Минмай туриб бўйнингга,
Қувла, топта, ур уни
Ёрга ишқаб бурнини
Бўлмагунча инқилоб
Порламагай офтоб!**

каби мисрларда олға сурилган ғоянинг ўзига хос ечимини ўқиймиз. Уқувчи атрофдаги реал

жаётдан мажозий-аллегорик сахна воқеаларига бемалол муқоёса топа олади.

Тўпلامда шоир энг қийин, «энг бетартиб жанр» (Ю. Марцинкявичюс) — драматик поэмага муржаат қилиб, изланишлари меваси сифатида «Соҳиллар»ни ўқувчига тақдим этган.

Бу драматик дostonга сув омбори қурилиши объект қилиб танланган. Шоир нигоҳини ана шу улкан қурилиш ичида меҳнат қилаётган кишиларнинг маънавий дунёсига қаратади. Бош қаҳрамон Ёқуб тўғоннинг иқтисодий ўрнини ташуниб етган. У шунинг учун бу қурилиш тантанасини орзиқиб кутади. Ҳатто севгилиси Маҳбуба бўлажак тўйдан оғиз очар экан, Ёқуб бахт кечаларини тўгон битиши тантаналари билан ҳам-оҳанг бўлиши истагида эканлигини айтади.

Поэма қаҳрамонларидан бири Аббос асар бошламаси ва охиридагина кўринади, холос. Аммо бутун воқеалар ана шу халқ мулки ҳисобига бойлик орттирувчи, Ёқубга ўхшаш виждонли кишиларга туҳмат тоши отувчи қаллоб одамлар қилмиши билан софлашиб, тиниқлашиб бо-раётган давр ўртасидаги курашдан иборат.

Асар ютуқларидан бири поэмадаги Муаллиф образидир. Ҳар бир воқеа, ҳар бир тўқнашувдан сўнг ёки олдин Муаллиф лирик чекиниш орқали қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, руҳияти ҳақида ғоявий хулосалар чиқариб боради. Хусусан, поэмада кўтарилган долзарб масалалардан бири — табиатни эъзозлаш муаммоси лирик чекинишларда — муаллифнинг монолог-мушоҳадларида акс эттирилган.

Поэмада ўртага ташланган ният, ғоя яхши. Айниқса, ҳамма қилғиликни Аббослар қилиб, теровга Ёқубнинг бориши, қамоқдан чиққач, Аббосга жин ҳам урмаганини кўриб, у билан олишув ва бу жанг ҳозирда ҳаётнинг турли жабҳаларида давом этаётганига муаллиф ишораси ҳаётий чиққан.

«Соҳиллар» авторнинг илгариги поэмалари-чалик шухрат топмади. Нега? Чунки унда драматик дostonнинг бадий ва ҳаётий асоси бўлган конфликт таранг эмас. Натижада Қобил, Ҳошим, Гулсум, Гулжамол, Баҳриддин каби қаҳрамонлар ўртасидаги диалог, муносабат чўзилиб кетган: улар сахнага чиқишадую бир-бирларига пичинг, ноз-карашма, имо қилишга тушиб кетишади. Бу эса воқеалар ривожига ҳалал беради, композицион тарқоқлик юзага келади, ва энг хавфлиси, сюжет китобхонни зериктира бошлайди. Поэманинг навбатдаги нашрида муаллиф буларни ҳисобга олади, деб умидланади китобхон.

Ҳусниддин Шарипов янги тўпламида ўқувчиси билан яна бир бор суҳбат қурди. Бу мулоқот адибга янги масъулият юклаши табиий. Масъулик эса изланиш, ижод демакдир.

Муродил МИРЗАЕВ,
аспирант.

ОҲАНГДОШЛИК

Абдулла Шер. Қадимги куй. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1987.

Кейинги пайтларда тарихни чуқур ва ҳар томонлама англашга интилиш кучайди. Ҳатто

марказий журналларимиздан «Москва» машҳур тарихчи Н. М. Карамзиннинг 12 жилдик асарларини 2 йил (1988—1989 йиллар) давомида тўлалигича босиб чиқаришга қарор қилди. Булар мамлакатимизда бўлаётган янгиликлар билан боғлиқ, албатта.

Истеъдодли шоирларимиздан Абдулла Шер навбатдаги шеърый тўпламини «Қадимги куй» деб атабди. Дарҳақиқат, ундаги шеърлар ўтмиш ва Бугун ҳақида. Она тарихнинг шуқуҳли онлари, сукутли соатлари ҳақида. Абадий ва муваққат ҳақиқатлари ҳақида, Садоқат, Хиёнат ҳақида.

Шоир «олис чорлов»га «қулоқ тутиб», ундан келадиган «оҳанслар»га «руҳини чархлаб» яшайди. Бу чорлов шунчаки чорлов эмас, оталарнинг асрлар мобайнида шакллантириб, тақомиллаштириб келган инсонийликка даъватидир. Юрт ва элни тан ва жондек билиш, уни обод ва фаровон этишни ҳар нарсадан муҳим ва муқаддас тутиш ҳақидаги даъватдир. Тўғри, Ватан мавзуи ҳар бир шоир учун «абадий илҳом» манбаи. Бинобарин, бу нарса Абдулла Шерда ҳам илгаридан бор эди. Масалан, шоирнинг бундан 30 йилча олдин ёзган илк машҳуридан бирида Ўзбекистон шаянига айтилган:

**Айтар сўзим, таронам менинг,
Кўрар кўзим, ягонам менинг,—**
(«Уйлаганим ўйлаган сени»)

деган сатрларга дуч келасиз.

Иккинчидан, у бақириб айтадиган мавзу эмас. Негаки, у юракларга жо этилади. Шунинг учун ҳам:

**Кичқириб, чираниб, кўкракка муштлаб,
Яланғоч шовқинга кўймайлик номини.**
(«Ватан — юракларга берилган кенглик»).

Шоирнинг ақидаси — шундай.

«Афросиёб кўшиги» шеъри эса қуйидаги сатрлар билан бошланади:

**Сафар либосини кийиб, олисларни мўлжаллаб,
Оғанин ботирдек турибмиз йўл бошида.
Манзилга етмоқ учун муқаддас бир йўл танлаб,
Қасамёд этайлик биз улғу маскан қошида.**

Шоир измидан борамиз. Қутлуғ Афросиёб қошида бир зум бош эгамиз. Унинг қаъридан келаётган садоларга қулоқ тутамиз. Ер сийнасига маънос чўккан даҳмалар кўтарилгандек бўлади. Тарих тилга киради. Хаёлимизда жангу жадаллар, қурилишлару бузилишлар жонланади. Даҳшатли гулдурақлар — қасирғалар қулоққа эшитилгандек. «Бухоро манзумаси»да тарих сафари давом этади. Хаёл ҳақиқат билан алмашинади. «Жаҳолат ва шарият вазира бўлган», «Ҳақиқат сазойи қилиб сўйилган» замон ёришиб боради. Ёвқур, заковатли фарзандлари овозасини дунёга ёйган юртинг сўнгсиз армонлари ўртага тушади: сени ислом номидан бўғизладилар, ҳолбуки ўзлари динни ҳам, имонни ҳам билмас эдилар. Осмонўпар бинолар қурдинг, лекин ўзинг хор ўтдинг. Минорларингдек юксак заковатинг билан пастак тахтга қад букдинг. Не-не чинорларинг жаллод болтасига кунда бўлди. Лекин зиндонлар сукунатидан ҳайқириқ етилди. Тахтнинг каналари сўрган қонлардан қўйдаги туғ алвон бўлди...

Шоирнинг қадим Бухоро билан суҳбат-мулоқоти шу йўсунда кечади. Кўҳна тарихнинг энг буюк ҳақиқати — ҳақ ва ҳақсизлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасида кетган шиддатли кураш шеърининг бошидан охиригача сиз билан ҳамроҳ бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат. Шоир ўткинчи, «капалакранг ҳислардан» жуда узоқ. Аждодлар нидо-

сини тўла қувватлаган ҳолда ўз замондошига қара-
рата:

**Аждодинг шонига суянма ўғлон,
Мақтанма, шуҳрат топ ўзингга ўзинг,—
деб хитоб қилади.**

Тарих воқеаларгина эмас, албатта. У тақдирлар ҳамдир. Евқур Муқаннинг эркпарвар руҳи, «дарвиш» Темур Малик қисмати, «қалби оқ», «ғами қора» генерал Отелло, тиксўз, ҳақиқат-гўй Абдулла Қаҳҳор хотираси,— хиёнат тимсоли Маҳмуд Ялавоч муаллифга тарих ва замон ҳақида ўз мулоҳазаларини айтиш учун имкон беради. Осмондаги юлдузлар шоир кўзига инсонлар бўлиб кўринади. Улар ҳам «ғуж-ғужгон», «Бир-бирини суяб, Бир-бирини суюб» яшайдилар. Лекин одамлар сингари «якка-якка» қулайдилар. Уларнинг ёруғлиги шундагина билинади («Юлдузлар яшайди»).

Абдулла Қаҳҳор хотирасига бағишланган «Зиёрат» шеърдаги:

**Сен бошингга кўтарган халқ мунча бош эгди!
Сени бошда тутиб элтмоқ шунча оғирми!!
Газетлар ҳам сиғдиролмай бунча мотамни
Зўрға-зўрға жой бердилар ўз бурчагидан...**

сатрларида номи ҳақиқат тимсолига айланиб кетган ардоқли адиб вафоти изтироблари ва умумхалқ мотами ифодасидан ташқари турғунлик давридаги ҳақгўйлик тақдирига ишорани ҳам сезмаслик мумкин эмас.

Тўпламдаги шеърлар орасида алоҳида бир ўринини «Маҳмуд Ялавоч» эгаллайди. Маҳмуд Ялавочнинг реал тарихий шахслиги, асли хоразмлик бўлиб, Чингиз боққинида унга хизмат қилгани, Урта Осиёнинг мўғуллар томонидан вайрон этилиб, таланишида «иш кўрсатгани» ўқувчиларга яхши маълум. Шоир ундаги хиёнатни шеърга асос қилиб олади ва Маҳмуд Ялавоч образини муҳим поэтик тип даражасига кўтарди. Бу тип, инсон борки, тирик. Садоқат билан ёнма-ён яшайди. Уни пойлаб яшайди. Бири ўт бўлса, бири — сув. Бирининг қўли баланд келса, иккинчисига дунё тораяди. Шеър хиёнат тимсоли Маҳмуд Ялавочга мурожаат шаклида битилган. Бу орқали Она юртнинг икки минг йиллик тарихига разм ташлаймиз. Ҳаяжонли дамлар кўз олдимиздан ўтади:

**Спитомин бошин тилла баркашда
Келтириб, Искандар шаробин тотдинг.
Минг йилки, авлодлар тинмас қарғашдан:
Сен Ватанин сотдинг, халқимни сотдинг!
Нега касбу коринг топар-у ривож,
Нега сен ўлмайсан, Маҳмуд Ялавоч!!**

Тафтиш ва сўроқ кейинги бандларда ҳам давом этади. Гап секин-аста инқилобий тарихга кўчади. «Полковник Осипов сафлари бўйлаб Инқилобни сотдинг, орзумни сотдинг!» — хитоб қилади шоир.

Сўнг серташвиш 37-йил келади:

**Қўлингга тутқазди тарих яна тош:
Файзуллага отдинг, Акмалга отдинг.
Елкалар ҳайъатда бўлганда бош-қош,
Елкалар номидан бошларни сотдинг,
Чинорларни сотдинг, букри қайрағоч,—
Нега сен ўлмайсан, Маҳмуд Ялавоч!!**

Ҳа, у ўлмади. Замондан замонга ўтаверди. Унга эхтиёж ҳали ҳам тугаган эмас. У ҳануз яшагача имкон қидиради... Шу тариқа Маҳмуд Ялавоч Буюк Октябрнинг бевосита давоми ҳисобланаётган бизнинг кунларимизга кириб келади. Гўё оғизда қайта қуришни қўллаб-қувватловчи, у ҳақда ҳаммадан кўп шов-шув қилувчи, амалда эса барча нарсани ҳеч ўзгармай эскича қолиши

учун зимдан курашувчи ва бу билан бугунги куннинг бош ғоясига хиёнат этувчи — янги замоннинг Маҳмуд Ялавочга қиёфаси чизилади.

Тўғри, шеърни яна кескинроқ қилиш, қайта қуришнинг бугунги долзарб масалаларига янада маҳкамроқ боғлаш мумкин эди. Шеърнинг руҳи ва йўналиши бунга тўла имкон ҳам беради эди. Бироқ, унутмаслик керакки, шеър 1984 йилда, ҳали қайта қуриш ўртага қўйилмаган, лекин жамиятимиз уни интиқ кутаётган, тўлғоқни кечираётган бир пайтда ёзилган. Шу жиҳатдан шеърнинг қадр ва аҳамияти баланд. Иккинчи томондан эса шеърнинг маҳмуд ялавочларни лаънатлаш билан яқунланиши (сўнгги бир сатр) унинг таъсирини бир оз сусайтирган. Чамаси, бу ҳам шеърнинг ёзилган даври билан изоҳланади. Эҳтимол, у ҳозир ёзилганида бошдан охиригача кескин ва шафқатсиз баҳс асосига қурилган бўларди.

Бир қатор шеърлар кечаги уруш даҳшати тасвирига бағишланган. Шоир уни муайян манзарада жонлантиришга уринади. Масалан, «Урушнинг сурати» шеърисида шундай бир тасвир берилганки, унда табиятнинг табиийлигидан ҳеч нарса қолган эмас. Чунончи, кўёш яхлаган зўлдирдек, юлдузлар занглаган, қарахт, ҳилол маънос ҳўрсинади. Дунё ўқ тешган каскадан мўралайди... Иккинчи бир шеърда («Уруш») унинг асоратлари узоқ бир ўзбек қишлоғи ҳаёти мисолида ёш бола нигоҳи ва кечинмалари орқали тасвир этилади. Уруш орти қаҳрамонлигидан — садоқат ва мунисликдан ҳикоя қилувчи «Икки аёл ҳақида кўшиқ» чуқур психологизми билан ажралиб туради. Умуман, Абдулла Шернинг кўпгина шеърларидаги каби буларда ҳам бадий шеърини ифоданинг хилма-хил имкониятларини излашга мойиллик кучли. Буни «Болаликнинг сўнгги кўшиғи», «Чанқовуз» сингари халқона оҳанг ва мазмун билан йўғрилган шеърлари ҳам тасдиқ этиб туради. Шунингдек, китобдаги анъанавий ғазал ва мухаммасга мурожаат ҳам яхши таас-сурот қолдиради.

Тўпламда 60-йилларнинг охири ва 70-йилларга хос бўлган ҳаётнинг юза қатламлари тасвири билан чекланиш, ура-урачилик, дабдабабозлик акс этган шеърлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Унда руҳим олади ором» (1968)даги «танги авлод — мард ўғлонларнинг эгатларда «жавлон уриши» (20-бет) бугунги ўқувчига эриш туюлади, албатта. Шоир пахтани таъриф этар экан, унинг шаънини улўғловчи янги гаплар, тиниқ тимсоллар топади («Бу чаноқда миллион тонналар...»). Булардан, шубҳасиз қониқиб ҳосил қиласиз. Лекин ҳаёлингизнинг бир четидан «Дарди-чи?! Меҳнатчи?!» деган эътироз ўтади. Бу шеър 1970 йилда ёзилган.

Еки «Бўзтўғай» (1978) шеърини олинг. Бўзлатиш мумкин бўлган шундай шеърда дард йўқ. Қолган ҳамма нарса бор. Сўз ҳам, оҳанг ҳам. Шоир уларни моҳир ҳуққабоздек ўйнатади. Лекин шеър катта бир дарднинг йўқлиги туфайли эсингизда қолмайди.

Булар бугунги талаблар, албатта. Уларни ўн йил олдин айтиш ҳам, қўйиш ҳам қийин эди.

Тўпламда шеърчи техника, ифода билан боғлиқ камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин муҳими шундаки, шоир шеърлари ўз руҳи, мазмун-мундарижаси билан турмушимизнинг барча жабҳаларида кечаётган бугунги ўзгаришларга ғоят оҳангдошдир.

**Бегали ҚОСИМОВ,
филология фанлари доктори**



БАДИЙ ТАФАККУР ДОИРАСИ

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш социалистик жамиятни иқтисодий жиҳатдан бақувват, баркамол бўлишини таъминлаш билан бир қаторда маънавий дунё соҳасидаги эскича қарашларга, турғунликка чек қўйишни, янгича фикрлашни ҳам тақозо этади.

Қайта қуриш давридаги муҳим ижтимоий-маданий аҳамиятга молик бўлган вазибалардан бири ишчилар синфининг бадий тафаккурини марксистик идеология асосида шакллантириб ва мукаммаллаштириб бориш ҳисобланади. Ишчиларнинг янгича бадий тафаккурини тарбиялаш, адабий жараён ҳақида янгича ўйлаш, ҳар бир янги асарнинг ҳам ғоявий, ҳам бадий фазилатларига тўғри баҳо бера олиш, эстетик дидни янада юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Агар биз ишчиларнинг бадий-эстетик тафаккурини бугунги ошкоралик, янгилини руҳида шакллантириб бормасак, улар санъат ва адабиёт масалаларини яхши ҳис қилмайдиган, бадий асарда илгари сурилган ғояни таҳлил этолмайдиган, гўзаллик туйғуси ривожланмаган жун кишиларга айланиб қолади. Бу эса инсонни камолатдан, онгли фаолиятдан маҳрум қилади, худбинликни кучайтиради. Агар биз ишчиға фақат дастгоҳ ёнида туриб маҳсулот ишлаб чиқарувчи, белгилаб берилган планларни ўз вақтида бажарувчи шахс сифатидагина қарасак, ундаги универсал қобилиятни, шу жумладан, бадий тафаккур, бадий ижод қилиш имкониятини рад этган, масалага бирёқлама ёндашган бўламиз.

В. И. Ленин ишчиларни юксак онгли, сиёсий маданияти шаклланган, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги ошган энг илғор, интизомли, жанговар синф сифатида таърифлагани маълум. Айни пайтда, у ишчиларнинг бадий тафаккури қай йўсинда шаклланиб боришини, бадий жараёнга раҳнамолик қила оладиган социал организм эканлигини ҳам эътироф этган.

Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, В. И. Лениннинг бевосита ташаббуси билан 1919 йилнинг октябрь ойида Совет ҳукумати қарорига мувофиқ РСФСР Наркомпроси тасвирий санъат бўлими қошида бадий-ишлаб чиқариш кенгаши ташкил этилади ва унга қурувчилар, тўқувчилар, металлурғлар, полиграфчилар ва бошқа шунга ўхшаш саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари аъзо бўлиб қирадилар. Кенгаш аъзолари ишчилар ўртасида бадий асарларни тарғиб қилиш, уларнинг бадий-эстетик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқаришга бадийни жорий этиш воситаси орқали бадий тафаккурни тўғри шакллантириб боришга астойдил интилганлар. Бу ва бунга монанд қатор тадбирлар ишчилар орасидан адабий-бадий жараённинг нозик, гўзал ва мураккаб томонларини ҳис эта оладиган қобилиятли кишилар етишиб чиқишлари учун мустаҳкам замин ҳозирлади. Машҳур санъаткор В. Родченко ишчилар орасидан етишган ана шундай ижодкорлардан бири ҳисобланади.

Октябрь инқилоби ғалаба қозонган дастлабки йилларда В. Родченко шоир В. Маяковский билан биргаликда кўплаб завод ва фабрикаларда бўлиб, ишчилар билан бадий адабиёт, санъат тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказганлар, айрим саноат корхоналарида бадий тўғараклар ташкил этишиб, шеър ёзишни машқ қилаётган, адабиётни жон-дилидан севадиган ишчиларга кўмак берганлар. Улар бадий тўғарак аъзолари билан ўтказилган суҳбатлардан янги ҳаёт душманларига, аввалда ҳукмрон бўлган доираларнинг қолдиқларига қарши зарба бериш учун фойдаланганлар. Бу фаолият, ўз навбатида, ишчиларда ҳам етук онгли шакллантириш ҳамда бадий тафаккурнинг ўсишига замин ҳозирлаган, ижодий фаолликни янада оширган.

Мақола мавзусига урғу бериб, ишчи ўз иқтисосидан воз кешиб, фақатгина санъат ва адабиёт билан шуғулланиши, нуқул бадий тафаккурини тарбиялаши керак, деган хулоса чиқармоқчи эмасмиз. Улар ўз касбларини ардоқлаши, такомиллаштириб бориши, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида давлат ва халқ олдидаги масъулиятни ҳис этишлари зарур. Хизмат бурчи уларга санъат ва адабиётнинг умумий йўналишларидан хабардор бўлишга мутлақо монелик қилмайди. Зотан, ишчилар синфи социалистик жамиятда етакчи ролни ўйнар экан, юксак дидли ва юксак онгли бўлиш — унинг ижтимоий бурчидир.

Шунинг учун ҳам социалистик жамиятда покланиш, янгилини жараёни бораётган бир вақтда ишчилар ҳам бошқа ижтимоий группалар, қатламлар қатори адабиёт ва санъат ривожига бефарқ қарамаслиги лозим. У зиёдилар, маданият ва санъат арбоблари қатори бадий адабиётдаги мадҳиябозликка, юзакиликка, ўзоро офаринбозлик ва манфаатпарастликка қарши кураш олиб бориши, и н с о н деган улуғ номни, унинг маънавий қудратини, бунёдкорлигини тараннум этувчи юксак асарлар яратилиши борасида доимо ғамхўрлик қилиши керак.

Ҳар бир кишининг болаликда ёки мактабда ўқиб юрган пайтларида ёдлаб олган шеърӣ парчалар, ўқиган роман, қисса, ҳикоя ёки пьесалардан эсида сақлаб қолган лавҳалари кейинчалик бориб муқим йўлдошига айланиб қолади. Унинг маънавий дунёсини, бадий дунёқарашини бойитган бундай лавҳалар бир қарашда «менинг ҳам қўлимдан келадиган иш экан-ку», деган фикрга олиб келиши мумкин. Айрим ишчилар худди шундай кайфиятга учиб, шошма-шошарлик қилиб,

бир лаҳзалик туйғуни бадий асар қиламан деб қоғоз қоралашга тушадилар. Афсуски, у шеър ёки ҳикоя тўқиш жараёнида чуқур бадий мушоҳада юритиб ўтирмай, ёзганларини тезроқ газета ва журналлар саҳифаларида кўришга интилади. Ишчининг шошилгани — хато, лекин матбуот ходимлари ишчилар орасидан етишиб чиқаётган ёш ва тажрибасиз ижодкорларга профессионал ижодкорга қўйиладиган катта талаблар асосида ёндашадилар, самимий маслаҳат, кўмак бериш ўрнига: «шеър ёзиш иштиёқидан воз кечинг, бошқа бирор фойдали иш билан шуғулланинг, зотан ҳамманинг ҳам шоир бўлиши шарт эмас» деган кескин жавоб айтишни ҳам ҳар тарафлама тўғри деб бўлмайди. Ҳамма ҳам шоир бўлиши шарт эмас, бу гап — ҳақиқат, лекин ҳамма ҳам шеърга ҳавас қўйса, шеърни тушунишга интилса кўп яхши иш бўлади. Мабодо бундай ишчилардан профессионал шоир чиқмаганида ҳам, адабиёт ва санъатга бўлган ҳавас бир умр йўлдошлари бўлиб қолади.

В. И. Ленин ишчилар ижодиётини равнақ топтириш учун тинмай ғамхўрлик қилишнинг катта социал-сиёсий ва маданий аҳамиятга молик эканини таъкидлаб: «...бизнинг ишчиларимиз пьеса тўқиши, шеър ёзиши, китоб ва журнал чиқариши, клуб саҳналарида ўйнашлари яхши, улар ижодий фаолиятларини ҳамма санъат турларида намоён этадилар ва бу соҳада уни такомиллаштириб борадилар», — деб ёзган эди.

Доҳийнинг мазкур бу васиятномуз сўзлари айниқса, ҳозирги вақтда катта сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эгадир. Чунки инсон омилени юксалтиришда омманинг бадий тафаккурини шакллантириш жамиятдаги революцион янгиланишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Шеърятда қобилиятини намоён қилаётган ишчилардан бири Муҳаммад Ҳайдаровдир. У Тошкент шаҳар қурилиш ташкилотларидан бирида оддий ишчи-қурувчи бўлиб ишлайди. У бўш вақтларини бадий дунёқарашини кенгайтиришга бағишламоқда. Мана, унинг шеърларидан бири:

**Мудроқ тун қўйнида кечади уйғоқ,
Тоннинг висолига ташна хаёллар.
Туннинг пардасини тортқилар ўйнаб,
Хаёллар сирдоши — уйғоқ шамоллар.**

**Уйғоқ хаёлларни аллалаб аста
Ой хиром этади осмонда балқиб
Қуёшнинг сирдоши — уйғоқ шеърларим
Туннинг косасидан тўкилар қалқиб.**

Социализм ҳар бир шахс гўзаллик, инсонпарварлик, интернационализм қонунлари асосида яшashi ва ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиб берганлиги натижасида улар ўз эмоционал ҳис-туйғуларини бадий шаклда рўёбга чиқариш имконига эга бўлмоқдалар. Шунинг учун ҳам социализм шароитида ишчилар ўз профессионал маҳоратини такомиллаштириб бориш билан бирга, маънавий дунёсини ҳам бойитиб, бадий ижод соҳасида ҳам маълум натижаларни қўлга киритмоқдалар. Бундай бадий ижод кўникмасини ривожлантириб борган ишчилар орасидан профессионал шоир, ёзувчи, актёр етишиб чиқиши мумкин. Зотан, ишчилар орасидан чиққан профессионал шоирлар, ёзувчилар республикамизда анчагина бор.

Масалан, самарқандлик шоир, таржимон ва публицист Ғулом Исмоиловни олайлик. Самарқанд области «Ленин йўли» газетаси саҳифасида яқинда бу ишчи-шоир ҳақида қўйидаги сўзлар ёзилди: «У ўз меҳнат фаолиятини заводда ишчиликдан бошлади. Улуғ Ватан уруши йилларида фронтда ҳарбий темирйўлчи бўлди. Фронтдан қайтгач, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилди. Шу билан бирга шеърлар, очерклар ижод этди. Шу йиллар ичида «Орзу» (1976), «Довонлар» (1977), «Гулоб» (1982) номли назмий тўпламлари босилди. Ғулом Исмоилов ҳамон ижод, изланиш йўлида». «Ленин йўли» газета саҳифасида унинг бир туркум шеърини машқлари босиб чиқарилди.

**Чинор бўлиб ўсдим мен. Мажнунтол бўлолмайман,
Бўронда қуламайман. Совуқда сўлолмайман.
Қалб томирим чулғади бутун Ер кўррасини,
Қирқсанг қайта ўсаман. Ҳаётман. Улолмайман.**

Бу мисралар шоирнинг «Улолмайман» шеърдан.

Социалистик жамиятда касб-ҳунар танлаш, касбга меҳр қўйиш нақадар завқ-шавқ манбаига айланганлигини инженер Д. Тожиева «Совет Ўзбекистони» саҳифасида босилиб чиққан «Мен ҳам бўлай бинокор» номли шеърда қўйидагича баён этади:

**Опам қурган зўр бино,
Осмонга етар гўё.
Боқсанг ҳар ён кўринар,
Чиройидан кўзинг тинар.**

Мазкур шеърини парчалар шеърятнинг ҳамма қоида-қонунларига тўла жавоб беролмаслиги мумкин. Лекин ишчиларнинг бадий ижод билан шуғулланишини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, унга кенг йўл очиб бериш, моддий ва маънавий томондан рағбатлантириш лозим. Шу муносабат билан Ғафур Ғулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти ишчиларнинг шеърини машқларини, ҳикоя ва очеркларини саралаб «Ишчи ижодхонаси», «Ишчи минбари» рубрикалари остида Москвадаги «Правда» нашриёти нашр этаётганидек алоҳида китобча тариқасида босмадан чиқарса, ниҳоятда хайрли ишни амалга оширган бўларди.

Республикамиз санъат корхоналарида фаолият кўрсатиб келаётган ишчиларнинг кўпчилик қисми бадий ижод билан шуғулланиш уёқда турсин, ҳатто кейинги йилларда босиб чиқарилган бадий асарларнинг биронтасини ҳам ўқимаган, санъат ва адабиёт билан қизиқиш, бўш вақтларида шеър ёзишни машқ қилиш, бадий тафаккурини шакллантириш масалалари билан мутлақо шуғулланмай келаётир. Бундай салбий ҳолатнинг содир бўлишига сабаб, фикримизча, завод ва фабрика партия, комсомол ва жамоат ташкилотлари корхонани техникавий-иқтисодий томондан реконструкция қилиш, планини бажариш орқасидан қувиш каби масалаларга диққат-эътибор қилиб, социал-маданий ва бадий эҳтиёжларни иқкинчи даражали иш деб унга лоқайдлик ҳам қарашлари натижасидир.

Республикамизнинг айрим саноат корхоналари ишчилари ўртасида олиб борган «Сизнингча қайси бадий асарларда ишчилар меҳнати ва ҳаёти тўғри акс эттирилган?», «Меҳнат унумдорлигини оширишда Сиз ўқиган бадий асарлар, эшитган музика ва бошқалар таъсир қиладими?» мавзусида ўтказилган анкета-саволлар шаклидаги социологик тадқиқотлар натижалари асосида юқоридаги ҳолатни аниқладик. Масалан, Самарқанд шаҳридаги тажриба-механика завод ишчилари анкетанинг мазкур саволларига жавоб ёзишда М. Горькийнинг «Она», М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ», Проскуриннинг «Тақдир», Ҳамид Фуломнинг «Тошкентликлар», Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» каби бадий асарларни кўрсатишдан нарига ўтолмадилар. Айрим ишчилар анкета саволига «Ишчилар ҳаёти ва меҳнат жараёнини акс эттирувчи бадий асарлар ниҳоятда оз» деб ёзсалар, бошқа бировлари «Ишчилар ҳаётини тасвирловчи бадий асарларни ўқишни умуман ёқтирмайман» деб жавоб ёзган. Умуман, завод ишчиларидан атиги 0,8 фоизи бадий асарлар ўқиш, санъат, музикага қизиқишини аниқладик.

Социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштиришда шу нарса маълум бўлдики, кейинги йилларда рус, ўзбек ва қардош халқлар адиблари ишчилар ҳаёти ва меҳнатига бағишлаб ёзган бадий асарларнинг биронтасини ҳам завод ишчилари ўқимаган ва бу ҳақда умуман ҳеч қандай тасаввурга ҳам эга эмас. Бундай ноҳуш аҳвол билан завод раҳбарларини таништиришдан олдин корхона китобсеварлар жамияти бошланғич ташкилоти /бошлиғи В. Нефёдов /фаолияти билан танишиб чиқишга қарор қилдик. В. Нефёдовнинг ҳикоя қилишича, завод кутубхонаси 3500 номли китоб фондига эга бўлиб, атиги 120 ўқувчиси бор экан. Маълум бўлишича, мазкур китобларнинг кўпчилик қисми техника, экономика, сиёсатга доир адабиётлардан иборат бўлиб, бадий адабиёт ва санъат асарлари эса ниҳоятда оз. В. Нефёдов биз билан бўлган суҳбатда бу ҳақда кўйиниб гапирди. У завод раҳбарларига кутубхона бадий адабиёт асарлари билан тўлдиришни, айниқса, рус классиклари, чет эл ва қардош халқлар бадий адабиёти билан ишчиларни доимо таништириб бориш, уларни сўз санъати кизиқишини янада жонлантириш тўғрисидаги фикрларини билдирган экан. Корхона раҳбарлари унинг бу фикр-мулоҳазаларига унчалик эътибор бермай келганлар.

Шунинг оқибатида заводда ишчиларнинг бадий дидини шакллантириш масаласи ўзибўларчилик ҳолига ташлаб қўйилган. Бу муҳим социал-маданий масалага бефарқ қаралиши натижасида корхона, ишчи-хизматчилари санъат ва адабиёт тўғрисида яхши тасаввурга эга эмас, уларнинг бадий диди, маънавий дунёси, савияси замон талаблари даражасига кўтарилмаган.

Мазкур заводда бир неча йиллар давомида Н. Лапшов рассом-бездатувчи вазифасида фаолият кўрсатиб келаётир. Унинг ишчилар ҳаёти ва меҳнатини акс эттирувчи полотнолари область, республика ва бутуниттифоқ кўргазмаларида юқори баҳолашиб, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланган. Социолог-тадқиқотчилар заводда ишчиларнинг бадий ижодга бўлган қизиқишини уйғотиш, уларнинг бадий фаоллигини ошириш мақсадида корхона раҳбарларига Н. Лапшов бошчилигида тасвирий студия ташкил қилиш тўғрисида ҳам маслаҳат беришди. Бу маслаҳат ҳам завод жамоатчилиги томонидан ижобий қабул қилинди.

Юқорида зикр этилган маданий-бадий тадбирлар завод ишчилари, хизматчилари ўртасида тезроқ жорий этилса, ишчиларнинг ижодий фаоллиги янада ошади, меҳнатга бўлган муносабати такомиллашиб боради ва кейинчалик ҳаёт нашидасидан олинган эстетик завқ-шавқини бадий шаклда қоғозга тушириш кўникмалари пайдо бўлади. Бу соҳада Тошкент тўқимачилик комбинатида фаолият кўрсатиб келаётган тасвирий студиянинг ишлари диққатга сазовордир. Бу студия қошида ташкил этилган рассомлик, рақс каби бадий тўғарақларда ишчи-хизматчилар ишдан бўш вақтларида санъат ва адабиётнинг нозик сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Бу санъатсевар ишчиларнинг намунали олиб бораётган ишлари, ташаббуслари ҳақида «Ёш ленинчи» газетаси саҳифасида илиқ сўзлар ёзилди.

Фарғона политехника институти фалсафа кафедраси, Ўзбекистон фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти социология сектори билан ҳамкорликда Қўқон шаҳридаги «Большевик» заводда «Сизнинг маънавий дунёнгиз» мавзусида анкета шаклида социологик тадқиқот ўтказди. Завод ишчилари анкетадаги «Агар бадий адабиётлар ўқиш билан машғул бўлсангиз, унда ўзингиз ёқтирган шоир ва ёзувчилар ҳамда уларнинг асарларини кўрсатинг» саволига ўзбек классикларидан Навоий (13,3 процент), Бобур, Фурқат, Увайсий, Умар Хайём (30 дан 50 кишигача), ўзбек совет ёзувчилари ва шоирларидан Ҳамза (9 процент), Ғафур Фулом (6,5 процент), Зулфия (7 процент), Абдулла Орипов (8 процент), Улмас Умарбеков (4,5 процент) рус классикларидан А. Пушкин (20,1 процент), М. Лермонтов (13,6 процент), Лев Толстой (12,4 процент), А. Чехов (7,1 процент), рус совет ва бошқа қардош халқлари шоир ва ёзувчиларидан М. Шолохов (8 процент), М. Горький (7,5 процент), Ч. Айтматов (6,7 процент), Р. Ҳамзатов (6,2 процент) каби сеvimли адибларнинг асарларини зўр иштиёқ билан ўқийётганлари ҳақида жавоб ёзганлар.

Юқоридаги социологик тадқиқотлар натижалари умуман олганда завод ишчиларининг бадий адабиётга бўлган қизиқиши ёмон эмаслигидан дарак берса ҳам, қайта қуриш даврида уларнинг бадий тафаккурини шакллантириш ҳали етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги социалистик жамиятда инқилобий янгиланиш, покланиш бораётган бир пайтда республика ва область ижодий ташкилотлари оmmанинг эстетик савиясини юксалтиришга ҳар томонлама ёрдам беришлари керак. Меҳнат корхоналарида ижодий бахслар, мунозаралар, эркин фикр аламушув кечалари тез-тез ўтказиб турилса катта самара беради.

КПСС XXVII съездида М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, инсон омилини активлаштириш биринчи навбатда унинг социалмаданий ва иқтисодий ҳаётини тубдан яхшилаш билан бирга «инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш», унинг ажралмас таркибий қисми бўлган бадий тафаккурини шакллантириш ҳам социалистик жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Ҳамид КАРИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

МУАММОЛАР КҮП, АММО ЕЧИМИ-ЧИ!

Севимли журналимиз «Шарқ юлдузи» саҳифаларида бошланган «Мактаб ва адабиёт» мавзусидаги баҳслар сабаб, кўнглимда йиғилиб юрган анчагина дардларимни ўқувчилар билан ўртоқлашгим келди. Журналда ҳам, республиканинг бошқа матбуот органларида ҳам адабиёт ўқитиш, адабиёт ўқитувчиларининг масъулияти ва олий ўқув юртлирида адабиёт ўқитувчилари тайёрлаш масаласи тез-тез кўтарилиб турибдики, шу нарсанинг ўзиёқ фикр юритилаётган соҳани тубдан яхшилашни талаб қиладиганга ўхшайди. Бироқ партия ва совет ходимлари, кекса ва тажрибали ўқитувчилар матбуот саҳифаларида жуда қайғуриб ёзишларига қарамай, негадир, республика Маориф министрлигининг масъул ходимлари, йўқ бўлиб бораётган Оролга бефарқ қараётган сув ҳужалиги ва мелиорация министрлигининг ходимларига ўхшаб, ўзларининг конкрет фикрларини айтмаяптилар, айна пайтда, аксари ҳолларда ҳамон ўз билганларидан қолмаяптилар.

Ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитиш бўйича 1987—1988 ўқув йили учун чиқарилган программани олайлик. Тузувчилар таъкидлагандай, «Такомилаштирилган программа»да ёзувчининг ижодий фаолияти, ўрганилаётган бадий асарнинг тили, композицион қурилиши, ёзувчи маҳорати, бадий тасвир воситалари, асар қаҳрамонларининг бадий портретлари ва шу сингари юқори синф ўқувчилари учун энг зарур бўлган воситаларни ўрганиш кўзда тутилмаганлигидан адабиёт ўқитувчиларини жуда қийин аҳволга солиб қўйдилар. Биз программа хусусида ўз фикримизни матбуотда айтганимиз («Ўқитувчилар газетаси», 1987 йил, декабрь, «Қўлланмага йўлланма тўғри бўлсин») шунинг учун ҳам бу ерда маълум гапларни такрорлаб ўтиришни лозим топмадик. Бироқ республика маориф министрлигининг ўқув — методика кабинети ва педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти адабиёт ўқитишнинг токамиллаштириш йўллари ҳамон изламаяптилар. Мен адабиёт программаси хусусида яқинда бир илий ходим билан суҳбатлашганимда, у киши, «Ҳозир қайта қуриш кетаяпти, программани ҳам қайта қуриш назари билан шундай қилишган», деган мазмундаги фикрларни айтдилар. Қизиқ, қайта қуриш деб, ҳамма яхши нарсаларни бузавериш керакми? Бу худди ҳурматли адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганларидай, «Сигса-сигмаса биттангага ўхшаган тоғоразозликнинг ўзи-ку!»

Ўрта мактабнинг юқори синфларида адабиёт ўқитиш бўйича бундан уч-тўрт йил муқаддам ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини монографик тарзда ўрганиш бўйича жуда яхши, стабил программа мавжуд бўлиб, у ўқитувчиларнинг тажриба синовларидан муваффақиятли ўтган, мазкур программа асосан ўқувчиларнинг адабиёт бўйича билимларини бойитишда кенг имкониятлар берадиган йўлланма эди. Амалдаги программа эса ўқувчиларни аросатда қолдириб кетади, холос.

Ҳозир Тошкент области мактабларида адабиёт ўқитувчилари ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Бироқ уларнинг сифати жуда паст. Буни мен Оҳангарон райони мактабларининг адабиёт ўқитувчилари мисолида кўраман. Яқинда Оҳангарон район халқ маорифи бўлимининг ташаббуси билан райондаги барча адабиёт ўқитувчиларидан оддий диктант олинди. Натижа эса жуда ҳам хунук. Диктант ёзган 55 ўқитувчидан 13 ўқитувчи «2» баҳо, 14 ўқитувчи «3» баҳо олди. Ўз-ўзидан савол туғилади: ўзлари она тили ва адабиётни билмаган ўқитувчилар қандай қилиб болаларга саводхонликни ўргатадилар? Атомдан кучли бўлган адабиётнинг (А. Қаҳҳор) сирларини болаларга қандай тушунтирадилар? Ахир бу даҳшат-ку?! Ўқитувчилар, айниқса, ёш ўқитувчилар билан олиб борилган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, кечагина институтларни битириб келган адабиёт ўқитувчилари Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» романларини, А. Островскийнинг «Момақалди роқ» драмасини, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Улуғ йўл» романларини, Саид Аҳмад қиссаларини ўқимай, олий маълумотли, деган диплом билан мактабга келиб, болалар билимини ногирон қиляпти. Мен ўрттиз йилдан ортиғроқ вақтдан бери мактабда адабиётдан дарс бераман, аммо шунча давр ўтиб, ҳали бундайин ачинарли аҳвол юз берганини кўрган эмас эдим. Аҳвол шу зайдла кетадиган бўлса, охири нима бўлади? Менимча, бу масала фақат маориф министрлигини эмас, бутун республика жамоатчилигини безовта қилиши керак!

Ҳозир ҳамма мактабларда, район халқ маорифи бўлимларида ўқитувчиларни аттестациядан ўтказмоқдалар. Хўш, у қандай бормоқда? Мактаб маълумирияти аттестациядан ўтгувчи ўқитувчининг бир-икки соат дарсини кузатади, сўнгра ўша ўқитувчи ўзининг бир-икки соатлик дарси учун махсус равишда план ёзади, мактаб директори унга битта характеристика қўшади, ўша қоғозларни махсус папкага солиб райОНОга олиб боради, у ердаги комиссия ўша ҳужжатларни кўриб, баъзан ўқитувчининг ўзини ҳам қақриб, суҳбатлашган бўлади, шу билан аттестация тамом. Мабода ўқитувчи комиссиянинг баъзи саволларига жавоб беролмаса, унда ўқитувчини шартли равишда аттестациядан ўтказиш, жуда бўлмаса, бир ойлик малака ошириш курсига юборади, шу билан қоғоққоқ ёпилади. Менимча, бу усул билан аттестацияни давом эттириб бўлмайди. Ўқитувчилар аттестацияси худди олий ўқув юртидаги давлат имтиҳони даражасида бўлиши керак.

Яна бир муҳим масала ўқувчиларнинг ҳусниҳати тўғрисида. Нима учундир бошланғич синфлардан чиройли ёзув дарслари олиб ташланди. Бу эса ўқувчилар хатининг бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Она тили ва адабиёт дарс соатларининг ҳам аёвсиз қисқартириб юборилаётгани шимизни жуда ҳам чеклаб қўйди. Бу нуқсонлар тугатилиши зарур.

Мўмин ҚАЮМОВ,
Оҳангарон шаҳар, Муқимий номили
6-ўрта мактабнинг адабиёт ўқитувчиси

Мана, 30 йилдирки, «Шарқ юлдузини» севиб ўқийман. 1986—1987 йиллардаги журнал мундарижаси илгариги йиллардан тамоман фарқ қилади. Айниқса, иш фаолиятимга «Ижодхонада бир соат», «Акс садо» рубрикалари жуда ҳам катта ёрдам бермоқда.

К. Д. Ушинский таълим процессида фойдаланиладиган кўргазмаларни қуроллардан бўлмиш расмининг ролини юқори баҳолайди: «Сиз болага оддий бир фикрни тушунтирмоқчи бўлсангиз,

у гапингизни тушунмайди, ўша болага сиз мураккаб бир расмни кўрсатиб уқтирсангиз, у сизнинг сўзингизни тез англаб олади...»

Мана шу фикрнинг ижроси сифатида берилаётган «Ижодхонада бир соат» рубрикаси мен каби бarchа ўқитувчиларга қўл келмоқда. Бу рубрикада ёзувчи ва шоирларимизнинг мазмунли суҳбатлари билан биргаликда рангли суратлари берилиши бизга қўлайлик туғдирди. Чунки ёзувчи-шоирларимизнинг суратларини тополмай чакана сарсон бўлмадик.

Журналнинг 1987 йил 6-сонида эълон қилинган «Мактаб ва адабиёт» давра суҳбати ҳам она тили ва адабиёт ўқитувчилари учун жуда муҳим қўлланмадир. Давра суҳбатида қатнашган Андижон областининг Пахтаобод районидаги 18-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқувчиси Дилмурод Юнусов айтган мактабнинг моддий базаси тўғрисидаги фикрига тўла қўшилман.

Маориф муаммолари матбуотда жуда кенг ёритилмоқда, лекин амалий иш умуман йўқ. Бунинг учун биринчи навбатда, мактаб билан боғлиқ ташкилотларнинг ҳамкорлигини яхшилаш лозим.

Бизнинг мактабимизда 780 ўқувчи таълим олмоқда, рус ва ўзбек синфлари мавжуд. Рус синфларида рус адабиёти ва рус тилидан дарс бераётган ўқитувчиларга ҳавасим келади. Улар учун ҳамма нарса муҳайё. РСФСР Маориф министрлиги кўп ишларни ҳал қилган. Бизнинг министрлигимиз қачон амалий ишга ўтар экан?

Давра суҳбатида эски ўзбек тилини ўқитиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармаси бошлиғи ўртоқ Жўра Йўлдошев фикрига тўла қўшилса бўлади. Олдин тажриба сифатида икки-уч мактабда синаб кўриш керак.

Таклифларимиз ва истакларимиз:

1. «Шарқ юлдузи» журнали келгуси сонларида ҳам ёзувчи ва шоирларимизнинг рангли фото-суратларини чоп этиб борса.

2. «Мелодия» грампластинка фирмаси адабиётдан ҳар бир синф учун комплект пластинкалар чиқарса.

3. Ёзувчи ва шоирларимизнинг асарлари учун иллюстрациялар чиқарилса.

4. «Мактабда тил ва адабиёт» журнални ташкил қилинса (Ҳар кварталда чиқадиغان қилиб).

5. «Ўзбекфильм» киностудияси диалогфильмлар, адабий-бадиий хроникал журналлар ишлаб чиқарса.

6. «Зўраки ўқитувчи» чиқмаслиги учун сиртқи таълим масаласига чуқурроқ ёндашиш лозим. Сиртқи таълимга, унинг кадрларига ҳозирги кунда мактабларда ҳеч қандай эҳтиёж қолмади.

7. Шу тадбирлар амалга оширилиб, тайёрланган кўргазмали воситалар облОНОларга ва савдо ташкилотларига тўғри тақсимлаб берилса. Методик адабиётларни, қўлланма ва кўргазма қуролларини қаердан топиш мумкинлиги «Ўқитувчилар газетаси»да мунтазам эълон қилиб борилса.

Йўлдош РУСТАМОВ,

Сурхондарё область, Жарқўрғон райони

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қабул қилган Озиқ-овқат программа-сида бутун қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуриш, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш кўзда тутилган. Қолхоз ва совхозлар ҳамда саноат корхоналари меҳнаткашлари олдида катта ва-зифалар қўйилган. Озиқ-овқат программаси бутун партия, бутун халқ ишидир. Унда кўзда тутилган мўл-қўлчилик эса халқ саломатлигининг гаровидир. Дарҳақиқат, инсон боласи саломатлиги авваламбор турмушдаги маъмуриликка боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Халқимиз, бўш қоп тик турмайди, ҳусн-оғиздан сингари нақллари бежиз айтмаган. Медицина нуқтаи-назаридан қараганда эса инсон организмиди биринчи навбатда сут-қатиққа, гўшт-ёғга эҳтиёж сезади. Улуғ табиб Абу Али ибн Сино ўлим тўшағида ётганида кишилар унга мурожаат қилишган экан: «Тақсир, биз ҳар хил касалликлар кўпаяётган замонда яшаймиз. Ҳар қадамда бизни ўлим кутмоқда. Сиз халқимизнинг талай қисмини дарддан халос қилдингиз. Энди Сизнинг вафотингиздан сўнг биз нима қиламиз?» Улуғ табиб шундай васият қилган экан: «Сигирнинг думидан, қўй ва эчкининг жунидан тутинглар». Бу демак, халқимиз сут-қатиқ, ёғу-гўштининг хосиятларини минг йиллар бурун тушуниб олган. Шу боисдан ҳам кишиларимиз хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда яшасинлар, мол-қол қилишни истайдилар.

Аммо кейинги даврда халқ қўлидаги чорва туёғи кескин камайиб кетди. Бунинг биринчи сабаби яйлов йўқлигидир, бошқа сабаблари ҳам бор. 50-йилларнинг иккинчи ярмида мамлакатимизда жамоат сектори фақат шаҳар аҳолисинигина эмас, ҳатто қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларини ҳам қондира олади, деган нотўғри фикр кенг тарқалган эди. Шахсий ёрдамчи хўжаликка ана шундай ёндашувнинг салбий оқибатини аҳолининг шахсий мулки ҳисобланган чорва моллар сони динамикасида кўриш мумкин. Мамлакатимиздаги шахсий хўжаликларда сигирлар сони энг кўп бўлган 1958 йилда улар миқдори 18,5 миллион бош эди. 1963 йилга келиб 16 миллион бошга тушиб қолди.

1964 — 65 йилларда партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган тадбирлар натижасида аҳоли қўлидаги сигирлар сони кўпайиб, 1966 йилда 17,1 миллион бошга етди. Аммо кейинги йилларда уларнинг сони мунтазам камайиб борди. Бу ҳодиса 50-йиллар охиридаги нисбатан мураккаброқ сабаблар натижасида юз берди. Озуқа-ем харид қилишдаги қийинчиликлар, пичанзор ва яйловларнинг камайиб, республикамизнинг пахтакор хўжаликлариди ҳатто йўқ бўлиб кетганлиги мана шу сабаблар жумласидандир. Бу ҳақда Алиназар Эгамназаров «Шарқ юлдузи»нинг 1987 йил 11-сониди эълон қилинган «Инқилоб тенгдоши» очеркида жуда яхши айтган.

Фарғона водийсида уйларнинг тағигача пахта экиш расм бўлиб, монокультура авж олдирилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай аҳволни Тошкент, Хоразм, Сирдарё областларининг кўпгина қолхоз ва совхозларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Сирдарё областининг Ворошилов, Гулистон, Боёвут районларида яйлов ва пода йўқ бўлганига талай йиллар бўлди. 70—75 процент хонадонда умуман мол туёғи йўқ. Қолган мол боқувчилар хўжаликларда шофёр, транспорт трак-

тори ҳайдовчиси, ферма ходимлари, хўжаликларнинг етакчи мутахассислари ва раҳбарлари бўлиб, жамоат ем-хашагидан турли йўллар билан ташмалаш имкониятига эга бўлганликлари учун сигир-бузоқ, қўй-эчки асрайдилар. Аҳолининг қолган қисми эса қишлоқда яшагани ҳолда ҳафтада бир-икки шаҳарга бориб, дўконлар ва бозорларни айланиб, гўшт-ёғ, сут-қатиқ сотиб олиб келадилар. Бошқача айтганда, шаҳар аҳолисининг ризқ-рўзига шерик бўладилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг тегишли расмий ҳужжатларида колхоз ва совхозларнинг территорияларида истиқомат қиладиган, хусусий чорва моллари бўлган шахсларни ем-хашак билан таъминлаш кўзда тутилган. Аммо кўпгина хўжаликлар раҳбарлари бу масалага панжа орасидан қараб келмоқдалар. Халқ шахсий чорвани уддасидан чиқса асрасин, қабилида иш тутмоқдалар. Чорва учун яйлов бўлмаса, нақд пулга ем-хашак сотилмаса, нима билан мол боқиб, сут-қатиқ ичиш, гўшт-ёғ истеъмол қилиш мумкин? Қишлоқ кишиси қачонгача шаҳарга кўз тикиб яшайди?

Бундан икки йил муқаддам Тошкент областида район ва қишлоқ советлари раисларининг зонал семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари Коммунистик районидаги Бардонқўл қишлоқ Советининг иш фаолияти билан танишдилар. Шу семинар ишида қатнашган Ховост районидаги Жўрахон Усмонов номли қишлоқ Совети раиси Раҳмат Турғуновнинг айтишича, Бардонқўл қишлоқ Советига қарашли бир қатор колхозларда аллақачоноқ аҳолидан хусусий сектор учун сут, гўшт йиғишдан воз кечилган экан. Аксинча, колхоз правлениеси колхозчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, ўз товар фермаларида тайёрланаётган сутдан бир қисмини дўкон орқали аҳолига соттирар экан. Колхозчиларнинг шахсий чорваси учун ҳўл беда билан силоснинг kilosини 1 тийиндан эҳтиёжга қараб бемалол берилар экан.

Ховост районидаги бизнинг «Дружба» совхозида бунинг аксини кўрамыз. Хўжаликнинг жаъми ер майдони 4851 гектар, аммо ҳозир 1191 гектарда деҳқончилик қилиняпти. Қолган 3660 гектари ўта шўрланганлиги оқибатида экин экишга яроқсиз бўлиб қолган. Мирзачўлнинг эски зонасида экин майдонлари мана шундай ишдан чиққан хўжаликлар оз эмас. Эндиликда янги ерларни ўзлаштиришга зўр беравермай, шўр босган далаларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш пайти келмадимикин?

Совхозимизда жами 530 хўжалик, марказий посёлкада эса 270 хўжалик истиқомат қилади. Марказий посёлкадаги хўжаликларнинг 168 нафариди бир донга ҳам мол йўқ. Хўжаликлар аҳоли чорвасига «кирим» учун арзимас ҳўл хашак сотгани ҳолда, хусусий сектор учун аҳолидан сут, гўшт йиғишни унутгани йўқ.

Яқинда мен Ховост район гўштга мол қабул қилиш идораси ходими Кенжабой Эсонбоев билан суҳбатлашдим. Унинг айтишича, қабул қондаси шундай экан: гўштга топшириладиган қора моллар камида 3 яшар, тирик вазни 300 килограммдан оз бўлмаган буқа бўлиши шарт экан. Аммо Кенжабой ўн йил қабул қилувчи вазифасида ишлаб кузатишича, топшириладиган молларнинг 70—75 фоизини сигир ва ғунажинлар ташкил қилиб, моллар ўта ориқлиги учун ўрта сортга топширлар экан. Республиканинг бошқа районларида ҳам урғочи молларга муносабат тахминан шундай. Масалан, Ховост райони ҳар йили хусусий сектор бўйича 350 тонна атрофида гўшт ёки 1000 бошга яқин қорамолни арзон гаровга топшириб юборяпти. Бу аҳолидаги қора моллар кескин камайиб кетиши ва бозорларда гўшт нархининг пасаймаётганлигининг асосий сабабларидан биридир.


Аҳолининг шахсий чорваси учун ем-хашак етказиб бериш масаласида «Дружба» совхози директори Сойиб Нодирматов билан суҳбатлашдим. У шундай деди:

— Алмашлаб экиш тўла-тўқис йўлга қўйилиб, республика агросаноат Давлат комитети, РАПО советлари томонидан ҳар бир колхознинг иқтисодий планига киргизилиб, аҳоли чорвасини ем-хашак билан таъминлайдиган махсус бригадалар тузилмас экан, бу масала ҳал бўлмай қолаверади.

Директор ҳақ гапни айтди. Бу борада республика агросаноат Давлат комитети, область, район бирлашмалари раҳбарлари колхоз ва совхоз раҳбарларига аниқ кўрсатма беришлари керак. Бу меҳнатқаш омманинг саломатлиги билан боғлиқ долзарб муаммодир.

Ҳозир республикамыз қишлоқларида бир йилда жон бошига истеъмол қилинаётган гўшт 11—12 килограммни ташкил этмоқда. Аҳолининг чорва маҳсулотига эҳтиёжини қондириш масаласи шу қадар жиддий социал-иқтисодий муаммога айланганлиги наҳотки ҳеч кимни ташвишлантирмаса?

Ғ. АБДУҒАФФОРОВ



Равшан Қодиров



Қисса¹

Коргер касали

Адаш қилинадиган ишлар кўрсатмасини ва машинанинг калитини олгач, касалхонага одатдагидек врач Хорун Содиков бўлиб жўнаб кетди. Энди уч ойгача Хорун билан кўришмайди. У яна Хорун Содиков бўлиб яшashi керак. Хорун Содиков эса, уч ой ҳеч қаерга чиқмай, чорбоғда илмий иш ва тажрибалар ўтказиш билан шуғулланади. Адаш учун энг оғири — шу уч ой мобайнида Сангинасиз яшаш эди.

Тоғ йўлида елиб келаётган зангори машина эрталабга яқин шаҳарга етди. Адаш рулни касалхонага олиб борадиган кўчага бурди.

Касалхонада кундалик ҳаёт давом этарди. Палаталардан беморларнинг азобланиб инграшлари, санитар кампирларнинг ҳамма ёқни ёғ тушса ялагудек тозалашлари, эмигна кўтариб палатама-палата изғийдиган ҳамширалар, оқ халат, оқ қалпоқ кийиб олган врачларнинг вазмин ва сунъий хушмуомалаликлари — ҳамма-ҳаммаси клиниканинг доимий манзараси бўлиб, ўзига хос бир кайфият ва шунга мос руҳ яратарди.

Адаш касалхонага етиб келгач, эгнига оқ халат ва бошига оппоқ қалпоқни кийиб, тўппа-тўғри бўлим бошлиғининг хонасига йўл олди. У хонага кирганида бўлим мудирини Аҳрор Аброрович рентген суратини деразадан тушаётган ёруққа тутиб кўраётганди. Аҳрор Аброрович суратдан кўзини узмай унинг саломига алик олди. Сўнг «хўш» деб минғирлаб қўйди.

— Аҳрор Аброрович, бугун реанимациядаги беморни палатага олишимиз керак, — деди Адаш.

— Еттинчи палатага олиб ўтаверинг. Уша ерда бўш жой бор, — Аҳрор ака шундай дея, қўлидаги рентген суратини кўтарганича Адашнинг ёнига келди.

— Хорун, мана шу болдир суяги регс қисмининг сурати, суякнинг рахи ёнидан ўсиб чиққан бўртмага эътибор беринг-а.

Адаш суратга диққат билан тикилди.

— Нима деб ўйлайсиз, мантица ўсиғига жуда ҳам ўхшайди-я, — деди бўлим мудирини.

— Бу ўсимта мантица ўсиғи эмас, бу коргер раки, — дея бамайлихотир жавоб берди Адаш.

— Йўғ-э! — дея бўлим мудирининг оёқ-қўли шелвираганича стулга ўтириб қолди. Суратни яна бир бор синчиклаб кўраётган Адаш унинг ҳолатини сезмади.

— Сиз яхшилаб қаранг, ўсимта суяк ичкарисидан ўсиб чиққан эмас. Мантица одатда суяк остидан чиқади. Бу бўртма гўё суяк четига кавшарлангандек ёпишиб ўсган. Бу коргер ракининг типик хусусияти, — деб фикрини дадил исботлади Адаш.

Ранги докадай оқарган Аҳрор Аброрович бамисоли хира тортган нуқрадай оқарган сочларини чангаллаганича, индамай унинг гапларини эшитиб тураверди. Адаш «диагностика»га оид яна бир-икки далил келтириб, қўлидаги рентген суратини астагина стол устига қўйди-да, реанимациядаги беморини палатага олишга олишга олишқанича эшик томон юра бошлади.

— Хорун... — деган бўлим бошлиғининг титроқ овози эшитилди. Адаш ўгирилиб унга қаради. Унинг бўздек оқарган ранги серажин ва чўтир юзини гезартириб қўйганди. Салқи қовоқлари баттарроқ осилиб, маънос боқувчи митти кузларини нам қоплаганди. Япалоқ бурнига мос

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

дўрдоқ лабларининг чети бетиним учаётганди. Адаш бўлим мудирининг бир зумда ўзгарган ҳолатидан ҳайрон бўлди.

— Сизга нима бўлди, Аҳрор Аброрович? — шошиб сўради у.

— Биласизми, Хорун... Бу рентген сурати... Ўзим ҳам сиз айтган диагнозни ўйлаётгандим... Тўғриси, ўзимни алдаб, ўзимга таскин бераётгандим...

— Очиқроқ гапирсангиз-чи, Аҳрор Аброрович! Нима гап ўзи?

Аҳрор Аброрович индамай ўрнидан турди. Очиқ дераза ёнига келиб, ташқарига қараб, чуқур-чуқур нафас олди. Чўнтагидан дастрўмол чиқариб, учи билан кўзларидаги намни артди. Шу лаҳза унинг баланд ва чорпахил гавдаси Адашнинг кўзига мунғайгандай, чўкиб, кичрайиб кетгандай кўринди. Нима гаплигини англолмай жавдираб турган Адаш беихтиёр стол устидаги рентген суратини кўлига олиб, яна кўра бошлади.

— Бу рентген сурати бирор бир яқинингизга тегишлими? — секин сўради Адаш.

— Уғлимники...

— Ҳа...

— Бечорани ўттиз тўрт ёшида оёқсиз қолишини ўйласам, юрагим эзилиб кетяпти,— хўрсиниб гапирди Аҳрор Аброрович.

— Нега энди оёқсиз қолар экан? — ўта бамайлихотир сўради Адаш.

— Коргер касали билан ҳазиллашиб бўладими, Хорун?!

— Сиз касаллиқни қачон пайқадингиз?

— Кеча кечқурун келиним билан келганди. «Ада, мана бу қанақа шиш», деб оёғини кўрсатди. Оғрияптими, десам, йўқ деди. Шишни пайпаслаб кўрдим-у, шу заҳоти юрагим бир увушиб тушди. Бугун эрта билан олдимга солиб клиникага олиб келдим. Рентгенга туширдим-да, ўзига жавоб бериб юбордим...

— Агар кўнглингизга олмасангиз, сизга бир таклиф айтардим.

— Хорун, сизнинг истеъдодингизни ҳурмат қиламан. Маслаҳатларингиз кўнглимни оғритмайди. Бу одам профессор-у, ё бўлим бошлиғи-ку, деб андишага борма, дилингиздаги гапни истиҳоласиз айтиверинг!

Аҳрор Аброрович Адаш айтадиган гап гўё сеҳрли бир мўъжиза яратадигандек, келиб стулга ўтирди-да, вужудини кулоққа айлантириб, унга тикилиб қолди. Адаш стол устидаги рентген суратига энгашди, уни хиёл Аҳрор Аброрович томон буриб, фикрини тушунтира кетди:

— Кўряпсизми, рақ ҳужайралари суякнинг устки қатламинигина емирган, иликкача бориб етмаган. Илик ҳали соғлом. Биз бу иликни олиб қоламиз-да, коргер қамраган суякнинг пастидан тўрт сантиметр, юқорисидан эса икки сантиметр кесиб ташлаймиз, жами олти сантиметр. Гугурт қутिकासидан хиёл каттароқ бўлган суякни олиб ташлаймиз.

— Болам шўрлик оқсоқ бўлиб қолади-ку... лаънати ҳужайра бошқа жойдан яна ўсиб чиқмайди, деб ўйлаисизми?!

— Шошилманг, муҳтарам профессор,— дея хотиржамлик билан яна тушунтиришда давом этди сўзи бўлиниб қолган Адаш.— Уғлингиз оқсоқ бўлиб қолмайди, рақ ҳужайралари бошқа ўсиб ҳам чиқмайди...

— Нима қилмоқчисиз? — шошиб сўради профессор.

— Кесиб ташланган суяк ўрнига менинг биоматериалимни қўямиз.

— Ахир сизнинг биоматериалларингиз фақат юмшоқ тўқималарнинг ўрнини босади холос, суяк бўлолмайди-ку...

— Тўғри, лекин биз уларни баданнинг ўзида кальций миқдорини ошириш йўли билан суякка айлантирамиз. Жўнгина қилиб айтганда, янги суяк ўстирамыз. Соғлом ва янги ўсган суяк ҳеч қачон рақка чалинмайди. Қалай, таклифим маъқулми?

Аҳрор Аброрович ўйланиб қолди.

— Жуда оқилона ва оригинал... Лекин бу операцияни уддалашни...

— Агар ишонсангиз, шу операцияни ўзим қиламан,— дея ғурур ва ишонч билан гапирди Адаш.

Аҳрор Аброрович ўгирилиб, кўзларида филтиллаган ёшни артди.

Адаш бўлим бошлиғининг хонасидан чиққач, жойни кўздан кечириш мақсадида тўппа-тўғри еттинчи палата томон юрди. У палатага кириб келганида санитар кампир жой ҳозирлаётганди. Кампир ўринни алмаштириб бўлгунича у кутиб турди. Сўнгра беморни палатага олиб келиш учун кўрсатма берди-да, ўзи ординаторлар хонасига қараб кетди. Унинг ортидан келган ҳамшира қиз Адашга:

— Хорун Содиқович, сизни йўқлашпти,— деди.

— Ким экан?

— Билмадим, бир аёл, сизни чақириб беришимни илтимос қилди.

Адашнинг юраги орзиқиб кетди. «Наҳот Сангина бўлса», дея кўнглидан ўтказганича ташқарига отилди.

Уни йўқлаб келган аёл Мунира эди.

Адаш йўлақда турган Мунирани пайқамай ўтиб кетди. Ташқарига чиқиб, атрофни аланг-жаланг кузатди, таниш чеҳрани тополмагач, бўшашиб ортига қайтди. Агар Муниранинг ўзи унга гап ташламаганда эди, Адаш яна уни сезмай ўтиб кетган бўларди.

— Сиз ҳамиша паришон юрасизми, Хорун Содиқович? — деди кулиб Мунира. Адаш ялт этиб унга қаради. Майин жилмайиб турган аёлни кўрди-ю, шу зум миёнага «Мунира» деган сўз лоп этиб урилди ва ўша заҳоти «ҳимоя блоки» ишга тушди.

— Буни қаранг, танимай қолибман, демак, бой бўлар экансиз! — деди ҳазил оҳангида Адаш.

— Шунақа-да, бу ерга келганимизда танимай қоласиз!

— Узр,— дея хижолат тортиди Адаш.

— Авваллари табиблар беморларни олдига боришарди, энди тескариси бўлаяпти,— деди нозланиб Мунира.

Адаш унинг шаъмасига тушунмади.

— Мен сизга халат олиб келай,— деб Адаш ён тарафдаги эшикка кириб кетди. У ердаги хонадан халат олиб чиқиб, Муниранинг елкасига ёпди.

— Қани, марҳамат қилсинлар.

Мунира оқсоқланганича унинг ортидан эргашди.

— Мен ҳам сизни аранг танидим, Хорун,— кета туриб гапирди Мунира.

— Ундай бўлса, яқин кунларда бойисам керак...

— Назаримда, анча тўлишгансиз, чўлдаги аҳволингиз кўз олдимда қолган экан...

— Ҳа, уни айтяпсизми? Фалокат оёғинг остида деганлари шу бўлса керак-да... — дея гўлдирди Адаш.— Агар келмасангиз, ўзим бормоқчи эдим.

— Ростданми?

— Рост...

Адаш Мунирани ассистентлар хонасига бошлаб келди. Бу хона асосан Хорун Содиковга ажратилган.

Вазият юмшагач, «ҳимоя блоки» ўз вазифасини ўташдан тўхтади. Адаш идроклай оладиган аҳволга қайтди. Бу эса унинг учун дўзах азобидай гап эди. У ўзига илтижолни нигоҳ билан боқиб турган Мунирани кўрди-ю, ўнғайсизланиб, кўзларини ундан олиб қочди. Бу Муниранинг назаридан четда қолмади.

— Хорун, нега ўзингизни мендан олиб қочаяпсиз. Дарров жонингизга тега қолдимми? Мен бу ерга таклифингизга биноан келгандим. Агар келганим сизни ноқулай аҳволга солаётган бўлса, кетишим мумкин,— у шундай деб ўрнидан турди.

— Зинҳор ундай қила кўрманг! Мен сизни операцияга тайёрлашим керак! Тушуняпсизми? — дея жон ҳолатда гапирди Адаш. Унинг ҳовлиққанига ҳайрон қолган Мунира индамай жойига ўтирди. Адаш чўкка тушди-да, Муниранинг оқсоқ оёғини синчиклаб кура бошлади.

— Эй, арзимаган иш экан-ку бу. Нар и борса, бир ойда кўрмагандек бўлиб кетасиз,— деди енгил тин олиб Адаш.

— Хорун, сиз аввалги сафар бундай демаган эдингиз ёки менинг кўнглимни кўтариш учун гапираяпсизми? — деди ҳайратланиб Мунира.

Адаш ҳақиқий Хоруннинг Мунирага нималарни гапирганини билмасди. Валинеъмат ҳам унга бу ҳақда бир сўз демаганди. Адаш ўйланиб туриб шундай деди:

— Ким нима деганини билмайман-у, лекин мен ўз фикримда қоламан. Бу ҳақиқатан ҳам жуда жўн иш. Ҳозир рентген суратини олсак бас, бир ҳафтадан сўнг сизнинг оёғингизни бемалол операция қилиш мумкин.

Мунира таажжубланганича унга қараб тураверди. Негаки бундан бир ҳафта олдин унинг билан ҳақиқий Хорун орасида шундай суҳбат бўлиб ўтган эди:

— Сиз, операциянинг муваффақиятли чиқишига ишонмаяпсиз шекилли,— дея гап бошлаган эди Хорун.

— Тушунсангиз-чи, ахир мен бу соҳанинг мутахассиси эмасман, яна баттар чўкиб қолмайин деб кўрқаман ҳам...

— Тўғриси айтсам, бу жуда мураккаб операция. Сизни ками билан уч ой операцияга тайёрлаш керак...

— Оқсоқлигим мени кўпам қийнамайди...

— Сиз чиройли, қадди-қомати келишган аёлларни кўргангизда уларга ҳавасингиз келади-ми?

— Албатта.

— Сизнинг қадди-қоматингиз, жозибангизга нуқсон бўладиган нарса — бу ўнг оёғингизнинг икки сантиметр анормаси, шундайми?

— Билиб туриб нега сўраяпсиз?

— Агар оёғингизнинг оқсоқлигини тузатсам, менга турмушга чиқасизми?

— Мабодо йўқ десам, даволамайсизми?

— Йўқ, даволамайман.

— Ундай бўлса, мен розиман. Сиз нима десангиз, шу!..

Бу гаплар, албатта, Адашнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Радиоактивликка бардошли одам яратиш ғоёси билан ёнаётган валинеъмат Хорун буларни унутиб юборганди. Мунирага ўйланиш ниятини Адашга айтишни эп кўрмай, шунчаки шаъма қилиб ўтган эди.

— Нега менга бундай тикилиб қолдингиз? Нима, гапларимга ишонмаяпсизми? — ҳайрон бўлиб сўради Адаш.

— Қизиқ...

— Юринг, ҳозир рентген кабинетига борамиз. Вақтни беҳуда ўтказмаслик керак,— Адаш шундай деб, уни рентген хонаси томон бошлади.

Адаш Муниранинг оёғини рентгенга солиб кўргунича гап қотмади. Ҳамма иш битиб, ташқарига кузатиб чиққанида, Мунира унга:

— Хорун, нега ўшанда мени алдаган эдингиз,— деди.— Энди ростини айтинг, фақат менинг розилигимни олиш учун ёлғон гапирганмидингиз?

Адашнинг бошига биров болга билан ургандек бўлди.

— Албатта, албатта... — деди доддираб, ҳеч нарсага тушунмаган Адаш.

— Наҳотки сизни ёқтириб қолганимни ўша пайтда сезмаган бўлсангиз? Оёғимни тузатмасангиз ҳам... Биргина розилигимни олиш учун шунча ёлғонни тўқиб-бичиш шарт эмасди...

— Мен... мен... — Адаш гапиролмай чайналди.

— Сиз... сиз... Бундан кейин ҳеч қачон алдамасликка сўз беринг, — дея нозланди Мунира.

— О, албатта, мен сизни ҳеч қачон алдамайман, — шошиб жавоб берди Адаш.

— Демак, келишдик.

— Ҳа, ҳа, келишдик...

— Бугун кечки пайт бўшмисиз?

— Эй, йўқ, бугун шундай бир қийин операция борки...

— Лоақал «нима иш бор эди» деб, бир оғиз сўрамайсизми? — деди ўпкалаб Мунира.

— Кечиринг, шошиб қолибман, — деди жавдираб Адаш. Унинг айб иш қилиб қўйган гўдакдек туришини кўрган Мунира кулиб юборди. Қаршисидаги аёлнинг чеҳраси ёришганини сезган Адаш енгил тин олди.

Улар уч кундан сўнг кўришишга аҳдлашиб хайрлашдилар.

* * *

Адаш билан кўришишга келишиб олган Мунира тўппа-тўғри милиция бошқармасига йўл олди. У редакциянинг топшириғига биноан милиция кунига мақола тайёрлаши керак эди.

Милиция бошлиғи Отахон Умарович уни илиқ кутиб олди. Нима мақсадда келганини билгач, «Бизда энг қизиқ ишлар жиноят қидирув бўлимида бўлади» деб уни катта инспектор капитан Қоратоевга таништирди ҳамда унинг бу ерга келишидан мақсадини тушунтириб, ёрдамини аямаслигини капитанга ўқдириб, чиқиб кетди.

Марказдан юборилган экспертиза хулосасини тушунолмайд хуноби ошиб ўтирган Қоратоев нохуш бир оҳангда:

— Жуда бемаврид келдингиз-да, синглим, — деди.

— Мен вақтингизни кўп олмайман, бор-йўғи бир-иккита саволимга жавоб берсангиз бас, — деди хижолат чекиб Мунира.

Қоратоев кулиб қўйди.

Капитан анча куйинчак одам эди. У ўзгаларнинг дардига дардкаш бўла олар, лекин буни ҳеч қачон сиртига чиқармасди. Фақат уйига келганда ёки ёлғиз қолган чоғларидагина куйиниб сиқиларди. Бундай пайтларда у ҳеч ким билан гаплашмай қўяр, иштаҳадан қолиб, овқат ея олмасди. Унинг бунақанги куйинишидан сиқилган хотини жаҳли қистаб: «Шу ишдан бошқа иш қуриб қолганми сизга!» деб койишга тушарди. Қоратоев бир қўл силтаб хонасига кирганича, гум бўлиб кетарди.

Капитан ҳар нарсани ўз қаричи билан ўлчаётган мушоҳадали одам эди. У кўпчилик ҳам-касблари каби фақат ишлаб чиқилган усулларга ва кўп йиллик тажрибаларнинг хулосасига таяниб иш кўрмасди. Керак бўлганда, буларнинг ҳаммасини инкор этар ва ўз билганича иш тутарди. Ҳозир унинг елкасида оғир тош турибди. Бу — Хорун Содиковга тегишли иш. Ниҳоятда жумбоқли жиноят. Уйлаб-уйлаб ҳеч калаванинг учини тополмас, юрагига қил сиғмас эди.

Қоратоев қаршисида маҳтал бўлиб ўтирган ёшгина жувонга қараб туриб, ниманидир гапириши кераклигини англади.

— Синглим, сизни ўзи нималар қизиқтиради? — деб сўради капитан.

— Мен жиноят қидирув бўлимининг бир кунлик ҳаётидан лавҳа ёзмақчиман, — деди блокнотини очганича Мунира.

— Бир кунлик ҳаёти денг... Агар мен сизга қизиқроқ бошқа бир нарсани айтиб берсам-чи, — дея таклиф қилди Қоратоев.

— Бу айни муддао бўларди.

Капитан Мунирага Хорун Содиков номи билан боғлиқ кўлдаги тўполонни айтиб берди. Мунира шунчалик ҳаяжонландики, ҳатто анчагача гапиролмай қолди. Қоратоев ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Мунира бир оз ўзига келгач, аста деди:

— Янглишмасам, сизнинг фикрингизча, Хорун Содиковлар — эгизаклар, шундайми?

— Аввалига мен шундай ўйлагандим, аммо марказдан келган экспертиза хулосаси тахминларимнинг ҳаммасини алғов-далғов қилиб юборди.

— Хулосада нима дейилган, мен ҳам билсам бўладими?

— Ҳа. Биз қўмдаги қон доғларини экспертизага жўнатган эдик. Ҳозир жавобини сизга ўқиб бераман, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Эшитинг-а: «Сиз юборган қон доғлари ҳеч қандай қон гурупларига алоқаси йўқ. Умуман, у қон эмас. Бу доғлар олтин ва лезининг қизил рангдаги ишқорий эритмаси, аникроги, электролит. Бу хилдаги электролитлар катта манбаали аккумуляторларда ишлатилади», эксперт ва имзо. Хўш, энди нима дейсиз, синглим?

Мунира гапиролмади.

— Шунақа, жим қоласиз. Энди менинг аҳволимни тасаввур қилинг... Ахир, мен қандай қилиб бошлиғимга, биз қидираётган одам умуман одам эмас, қандайдир ғайритабиий махлуқ ё бўлма-са, ўзга сайёрадан келган жонзот, деб ахборот бераман... Агар шундай десам, улар мени албатта даволанишга юборишади...

Шу пайт Муниранинг кўз олдига Адаш билан бўлган бугунги учрашув келди. У назарида Хоруннинг жуда тез ўзгариб қолганини ва унинг алмои-алжойи гапларини энди-энди тушуна бошлагандек бўлди.

Мунира юрак ютиб капитанга шундай деди:

— Агар мен сизга излаётган одамингизни топиб берсам, уни нима қилардингиз?

— Биринчидан, ҳеч қачон топиб беролмайсиз, иккинчидан, топиб берган тақдирингизда ҳам, уни ҳеч нарса қилмасдим. Негаки, у ўша кунни ўлдириб қўйган одам «қассоб» лақабли ашаддий рецидивист эди. Унга бас келадиган одам... — Қоратоев бирдан жимиб қолди.

— Нега жимиб қолдингиз, гапираверинг...

— Биласизми, синглим, мен ўша йигитга раҳмат деган бўлардим, — деди самимий оҳангда капитан.

— Шу сўзингиз ростми? — ишонқирамай сўради Мунира.

— Тонган номард! — деди кулиб Қоратоев.

— Мен Хорун Содиковни танийман, — дадил гапирди Мунира.

— Клиникада ишлайдиган Содиковними? Уни мен ҳам танийман.

— Йўқ, мен иккинчи Хорунни айтаяпман.

— Қизиқ... қанақа экан у?

— Қуйиб қўйгандек Хоруннинг ўзи. Ҳатто овози ҳам ўхшайди.

— Қулоқлари-чи? — ҳазиллашди капитан.

— Мен сизга жиддий гапираяпман.

— Сиз айтган Хорун Содиков ҳаётда қассобни ўлдиролмайди. У қўлини кўтармаёқ қассоб

уни саранжомлаб кўярди. Уни бир уришда ўлдириш учун инсон тонна-тонна кучга эга бўлиши керак, синглим!

— Агар мен сизга излаётган Хорунингизни топиб берсам, сўзингизда турасизми?

— Сўздан қайтган номард, — яна ҳазиллашди Қоратоев. Сўнг: — Нега сиз мен қидираётган одамни топишга бунчалик қизиқиб қолдингиз, — дея ўсмоқчилаб сўради.

— Сизга тўғриси айтсам, бу менинг шахсий ишимга кўпроқ алоқадор, — деб ёниб гапирди Мунира.

— Нима, у сизни ҳам хафа қилганми? — яна ўсмоқчилади капитан.

— Йўқ, йўқ... сизга нима десам экан...

— Очигини айтаверинг, тортинманг.

— Улардан бири менга уйланмоқчи эди...

Қоратоев хандон отиб кулиб юборди.

— Ундай бўлса, мен бу ишга аралашмайман, — деди кула туриб капитан.

Мунира хайр-хўшни ҳам насия қилиб, отилганича Қоратоевнинг хонасидан чиқиб кетди.

Мунира ёзилажак очеркни ҳам унутиб, Хорун ишлайдиган касалхона томон ошиқди. Гаплашган одами ҳақиқий Хорун эмаслигини, балки шунга ўхшаш бошқа бир одам эканлигини кўнгли айтиб турарди. У қандай бўлмасин, улардан бирини, ўз Хорунини ажратиб олмоқчи ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмасликка қатъий аҳд қилган эди. Мунира йўл-йўлакай турли-туман режалар тузар ва ўша заҳотиёқ, бу «мантиқсиз», «шубҳали» деб зумда воз кечар эди. Касалхона остонасига етганида, узил-кесил бир қарорга келди...

Боягина хайрлашиб яна уни йўқлаб келган аёлни кўрган Адашнинг таъби тирриқ бўлди.

— Тинчликми, Мунираҳон, яна-қайтиб келибсиз? — рўйхуш бермай сўради Адаш.

Мунира унинг бу муомаласидан сўнг қаршисидаги Хорунга мутлақ бошқа кўз билан қарай бошлади ва бу нарсани сиртига чиқармасликка тиришиб, сир бой бермай гапира бошлади:

— Мен сиз билан жиддий гаплашиб олмоқчиман, Хорун!

— Жоним билан, хизматингизга тайёрман!

— Сиз билан узоқ ва батафсил суҳбатлашмоқчиман.

— Менинг бунчалик вақтим йўқ, бунинг устига хизматдаман.

— Ишингиз тугагандан сўнг гаплашамиз.

— Боя айтдим-ку, бугун иложим йўқ, деб.

— Агар мени чиндан севсангиз, вақт топасиз!

Адаш нима қиларини билмай қолди.

Яшаш тарзимизда бизни босиб турувчи шундай юклар борки, биз уларни кўтаришга мажбур-миз. Шулардан бири мутеълик юкидир. Бу тош шунчалар оғирки, у ўз залвори билан елкаларни эзиб, суякларни қақшатади. Мана шу юкни кўпроқ кўтарадиган одам, наздимда, толиқиб ўладиган отга ўхшайди. Бу оғирлик даҳшатли бир кучга эгадирким, биз бу қудрат олдида кўпинча ожиз қоламиз. Унинг эзувчан қуввати ўз исканжасида вужудимизни мажаклайди. Идрокимизни бўғиб, фикримизни ўғирлайди. Энди биз малҳамга муҳтож ярадордай интиқ бўлиб нажотни кутамиз. Унинг нималигини билмаймиз, лекин кутаверамиз, кутаверамиз. Кутаётган нажотимизнинг шуъласи эса ҳали олис-олисларда. Аммо биз унга парвонадек талпинаверамиз...

Мутеълик тошини кўтаришга маҳкум одам сабр-тоқат кулига айланади. У бутун иродасини биргина нарсага — қалбидаги тўғён, исён ҳислари қўзғолонини бостириш учун сарф қилади. Рўҳидаги исён туйғуси ўлган одам эса ҳайқиришдан маҳрум кимсадир. Кейинчалик унинг қиёфасини иккиюзламачилик эгаллайди. Охир-оқибатда эса у кўрқом ва ҳудбин бўлиб қолади.

Адаш ҳам. Хорунга мутеъ ва қарам эди.

«Нега энди ўз истагим билан, ўз эрким билан яшашга ҳаққим йўқ, — ўйлай бошлади Адаш. — Наҳот инсонча яшаш учун кимгадир тобеъ бўлиб ўтишим керак? Бу нима деган гап ўзи! Енимдаги оиймчанинг (исмидан бўлак) кимлигини ҳам билмасам? Лекин мен унинг айтганларини бекаму кўст бажаришим керак, негаки, у валинеъматга ёқади...»

Адаш узоқ толғач, шундай деди:

— Майли, ишдан сўнг сиз учун вақт топарман...

— Бўлмаса соат кечки етиларда яна олдингизга келаман, — деди Мунира унга термулганича.

— Йўқ, сиз овора бўлиб ўтирманг, яхшиси, бирор жойда учраша қолайлик, — деб таклиф қилди Адаш.

— Бўлмаса, мен сизни «Арғумоқ» ресторанининг олдида кутаман, — деди Мунира.

— Мен у ресторанинг қаердалигини билмайман.

— Унда бундай қиламиз: мен метронинг сўнгги бекатида сизни кутиб тураман, у ёғига ресторан икки қадам.

Адаш «майли» дегандек бош силкиди.

— Айнаб қолмайсиз-а? — деди кета туриб Мунира.

— Хотиржам бўлинг, албатта бораман...

Бу суҳбатдан сўнг Мунира иккиланиб қолди. Сабаби, у — «Хоруннинг нусхаси» (у Адашга ўзича шундай ном қўйган эди) учрашишга кўнмай, турли ваз-қарсонлар кўрсатади, деб ўйлаган эди. Лекин акси бўлиб чиқди: «Хоруннинг нусхаси» у билан учрашишга кўнди. Мунира ҳар қанча иккиланмасин, ички бир ғариза унга «бегона» деб таъкидлайверди.

Мунира ресторанда ўтиришни бежиз ўйламаганди, у ичкилик ҳар қандай инсоннинг ҳиссиёти-ни икки марта оширишни билар ва бу тўфайли ортиқча гаплар ҳам гапириб юборилиши мумкин-лигидан фойдаланмоқчи эди. Аммо Адашнинг учрашувга машинада келиши унинг режаларини чипакка чиқариб юборди.

— Мен сиз билан озроқ... — у «ичмоқчи эдим» деган сўзни айтолмади, андиша қилди. Адаш унинг нима демоқчи бўлганини билолмай:

— Қорнингиз очдимиз? — деб сўради.

— Сиз рулда ҳам ичаверасизми, Хорун? — дея киши билмас шаъма қилди Мунира.

— Мен умримда ичган эмасман, — деди Адаш.

— Шу гапга мени ишонади, деб ўйлаяпсизми?
— Нега ишонмайсиз?

Улар бир-бирларига тикилганларича анча пайт жим қолишди. Бу сукунат Муниранинг юрагини баттар гашлади. Энди у ресторанга бориш фикиридан ҳам воз кечди.

Жимлик жонига теккан Адаш секингина:

— Машинани қаёққа ҳайдай? — деб сўради.

— Узингиз билган жойга, — ҳушсизгина гапирди Мунира.

«Ўзим билган жой эмиш, у ерга олиб бориб бошимга ураманми сени!» деди ичида Адаш, кейин овозини чиқариб:

— Ундай бўлса, қаёққа ва қайси кўчага бурилишим кераклигини олдиндан айтиб турарсиз, — деб, хавотир билан киноя қилди.

— Дарров эсингиздан чиқа қолдимми?!

— Шунақа десак ҳам бўлаверади.

— Эсингиз кимга кетганини биламан...

— Бу нима деганингиз?

— Хорун, ростини айтинг, менга уйланасизми?

Адаш: «Мен сенга ҳеч қачон уйланмайман!» деб, бақириб-бақириб юрагини бўшатгиси келди. Лекин бундай қилолмасди. У ўзи истамаган, аммо айтишга мажбур бўлган гапни гапириши керак.

— Ҳа, албатта...

— Ёлғон гапираяпсиз, Хорун! Сиз ҳеч қачон менга уйланмайсиз!

Адаш: «Ҳа, оиймча, бу сафар янглишмадингиз!» дегиси келиб кетди. Лекин у бу гапни ҳам айтолмади. Энди у аёл билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, Хорун Содиковга айланиб, аммо Адаш эканлигини унутмай муомала қилиши керак эди. Эрк ва майлга ихтиёр бериш хиёнатга олиб борарди. Адашнинг эса на Хорунга, на Сангинага хиёнат қилгиси йўқ эди. Унинг ҳозирги вазияти анча мушкул: у ўзини йўқотмаслик учун бор идрокинни тўплаши ва олдиндаги воқеаларга ҳозир-жавоблик билан шай туриши лозим, бу ҳол Мунира билан Хоруннинг келажак тақдирини ҳал этади.

Мунира қаршисида ўзи ўйлаганчалик пандавақи «нусха» эмас, аксинча, зукко ва зийрак кимса турганлигини фаҳмлади. Энди у бошлаган ўйинини охирига етказиб, йигитни доводиратмоқчи, издан чиқармоқчи бўлди.

— Хорун, сиз мени яхши кўрмайсиз. Сиз бошқа бир аёлни севасиз, атайин унга қасд қилиб менга уйланаяпсиз! Мен у билан учрашдим! Ҳамма гапдан хабарим бор!— дея таваккалига ҳужумга ўтди.

— Нима!

— Ҳа, мен у билан учрашдим. Орангизда нима гап ўтган бўлса, ҳамма-ҳаммасини айтиб берди.

— Адаш мийғида кулиб қўйди.

— Ҳўш, нима деди?

— Сиз уни севишингизни, сизсиз эса унга ҳаёт йўқлигини гапирди.

— Яна?

— Яна, мен сизни у севганчалик севмаслигимни ва бўлажак тўйни тўхтатиб, сизни тинч қўйишим кераклигини айтди! Бўлдимми?!

— Сиз нима дедингиз?

— Қандай жавоб берганлигимни фаҳхламабсиз-да?

— Мен ўз оғзингиздан эшитишни истардим.

Мунира ялт этиб Адашга қаради. Унинг хавотирни яширишга интилаётган нигоҳини сезиш қийин эмасди. Адашнинг худди гудакдек ичи пишиб кетаётганини пайқаган Мунира: «Ҳолинг шу экан-ку...» дегандек, ўзича кулиб қўйди ва ўйлаган мақсадини амалга ошириш учун қулай фурсат келганлигини тушунди.

— Илтимос, машинани тўхтатсангиз? — деди мулойимлик билан Мунира.

Нима бўлганига тушунолмаган Адаш беихтиёр машинани четга олиб тўхтатди. Мунира кўйлагининг ёқасидаги марварид билан безалган гулбарг шаклидаги тўғноғични ечиб, кийимга қадаладиган игناسини кериб олди.

— Хорун, агар ростини билмоқчи бўлсангиз, мен сизни севаман, — Мунира шундай деб унинг бўйнига қўлини ташлаб елкасига бош қўйди.

— Мен жуда хурсандман, — деди сир бой бермай Адаш.

— Бундай пайтларда ҳинд қизларининг қандай йўл тутишларини биласизми?

— Йўқ...

— Қани, қўлингизни менга беринг-чи.

Адаш қўлини тутди. Мунира унинг шаҳодат бармоғини ушлаб бирпас силаб турди-да, фирч этиб тўғноғич игнасини санчди. Сесканиб тушган Адаш қўлини тортиб олди.

— Бу нима қилганингиз? — ажабланиб сўради у.

— Ҳинд қизлари шундай қиладилар, улар севган ёрларини бир умр ўзлариники қилиш учун қаллиқлари бармоғидан чиққан қондан қондан қирим қилиб пешоналарига хол қўядилар, — Мунира шундай деб унинг бармоғидан чиқаётган қонни пешонасига босди. Сўнг дастрўмолини олиб, Адашнинг қон томаётган бармоғини артиб қўйди.

Орадан бир сония ўтар-ўтмас, Адашнинг қони Муниранинг пешонасини худди ўткир сиркадек ачиштириб, куйдира бошлади.

Мунира хурсанд бўлганидан ҳушидан кетаёзди. Негаки, оддий инсон қони этни куйдирмаслигини у яхши биларди.

Мунира пешонасидаги қон томчисини ҳам сездирмай дастрўмолига шимдириб олди. Унинг бу қилиғини тушунолмаган Адаш аста сўради:

— Сиз ҳинд қизи эмассиз-ку, нега бундай қилдингиз?

— Ахир мен эртага сизнинг никоҳингизга ўтиб, индинга талоқ хатини олмоқчи эмасман-да, жоним!..

Адаш ҳеч нарсага тушунмади. У Мунира экспертиза учун дастрўмолига қон суркаганини ва бу дастрўмол эртаси куни капитан Қоратовнинг қўлида бўлишлигини хаёлига ҳам келтирмасди...

У ҳали аёлларнинг макри қирқ туяга юк бўлишини ҳам билмас эди.

У фақат Сангина ҳақида ўйлар эди...

Юлдузлар висоли

Уша мудҳиш воқеадан кейин Хоруннинг Сангинадан тониши аёлнинг жон-жонидан ўтиб кетганди. Аммо севган кишининг тирик қолганлиги уни бир томондан қувонтирган ҳам эди. Хорун терговда ундан юз ўгирганида, у аранг аламини ичига ютиб: «Агар севса, бир кунмас бир кун ёнимга келар», деб ўзини юпатган ва у ўз рухсорини кўрсатмагунга қадар унинг олдига илло-билло қадам босмасликка аҳд қилиб кетганди.

Бугун унинг Хорунни кўрмаганига тўрт ой бўлибди. Шу вақт ичида лоақал бир оғизгина «аҳволинг қалай» деб кўнғироқ ҳам қилмади. Шуларни ўйлаб, Сангинанинг юраги сиқилди. Лекин бу хафагарчилик узоққа чўзилмади. Қаёқдандир хаёлига лоп этиб урилган «Ўзи тинчмикин?» деган ўй уни бирпасда гиргиттон аёлга айлантирди. Энди у Хоруннинг аҳволи ҳақида қайғуришга тушди, балки касал бўлиб ўрнидан туролмай ётгандир, ўзим ҳам жуда эътиборталабман-да, дея ўзини койиди.

Сангина бу нарсаларни биринчи бор ўйлаши эмасди. У ҳар сафар кунни Хорунни койиш билан бошлар, ётар олдига эса: «Қаерда бўлса ҳам омон бўлсин», дея ёстиққа бош қўяр эди.

Елғизлик Сангинани зериктирди. Эркак киши зерикса овунчоғи кўп бўлади. Аёлнинг эса овунчоғи битта...

У бирпас ўринда эриниб ётгач, аста устидаги кўрпани бир четга сурди, усти очилгач, баданига ҳали иситилмаган хонанинг салқини урилди. «Иситишса бўларди, нима бало, қор ёғишини кутиш-яптими булар!» дея ўзига ўзи гапириб ўрнидан турди. Одати бўйича энг аввал кўзгуга қаради. Хиёл салқиган қовоқларини ҳисобга олмаганда кўриниши ўзига маъқул бўлди. Нонушта ҳам қилмай пардозга киришди. У ўзига оро беришни қанда қилмас ва бундан чарчамасди.

Сангина студияга етиб келганида тушлик тугаганди. Овоз оператори билан киномеханик бурчақдаги курсида шахмат суришарди. Иш бошланди. Сангина силлиқ тугаган тўртинчи «кольцо»¹ дан мамнун бўлди. Аввал бундай дамларда у актёрларни мақтаб қўяр ва кўпроқ гонорар ёзишга ваъда бериб, уларнинг кайфиятини кўтарарди. Бугун у ҳиссиз ва лоқайд, кўкрагини оғир бир тош босган, бу тошни олиб ташлайдиган сангтарошдан эса дом-дарак йўқ.

Қадрда оқ халат кийган врачлар кўриниши билан Сангинанинг тоқата тоқ бўла бошлади. Туглани босган эди, операторнинг овози эшитилди. Сангина бу қисмини тугатишни оператордан илтимос қилди. «Тобим қочиб турибди, бугун ишлайолмайман», деди-да, деворлари, турли аппаратларга тўла хоналари, хира ойналари ва ёдлаган сўзини тўтиқушдай такрорлайдиган ночор актёрлари билан юрагини сиқаётган, эзаётган улкан биодан ташқарига ошиқди...

* * *

Кунлар совиб, қарғаларнинг қағ-қағлари эшитилаётган бўлса ҳамки, қордан дарак йўқ. Қорсиз бошланган қиш бефайз, ғариб кўринарди... Кечагина бағри бут, яшноқ бўлган дарахтлар бугун юпун ва шумшук эди. Қуёш хира тортган кўзгудек, нурлари ғариб ва бемажол. Борлиқ тафтига муҳтож. Шаҳар манзараси ҳазинлиқнинг кўринмас бир пардасига бурканган. Зерикарли муҳит қорнинг совуқ, лекин жозибали бир қувончига зор эди.

Сангина Хорунни (у ҳам ҳамма каби Адашни Хорун деб ўйларди) кўриш илинжида яна касал-хонага йўл олди. Адашни касалхона ҳовлисида учратди. У оқсоч бир киши билан суҳбатлашиб, айланиб юрганди. Сангина унинг ёнидаги кишига парво ҳам қилмади, чунки кўзига Адашдан ўзга ҳеч ким кўринмаётганди. Қайбини қувонч қоплади, бундан енгил тортиди. Гўё ҳижрон азобини тортмагандек, адоватлари бир зумда унут бўлди.

Сангина югуриб бориб унинг бўйнига осилганча узоқ-узоқ йиғлагиси, тўйиб-тўйиб ўпгиси келиб кетди. Шаҳд билан олдинга интилди-ю, бир зум тўхтади. Энди Сангина биринчи бўлиб унинг пайқашини истаб қолганди. У Адаш сезгунича тош қотиб тураверди.

Адаш Сангинани кўрди, суҳбатдошини холи қолдириб, унинг ёнига келди.

— Сизни кўрганимдан хурсандман, Сангинахон...

— Хорун!..

Адашнинг ҳароратли бўсаларини кутиб кўзини юмиб турган Сангина шу куйи кўзини очмади...

Аёл қулоқлари остида майин куйнинг сўник садоси эшитилди. Бу сўнаётган куй жуда ёқимли ва дилрабо эди. Аёл олис-олисдан элас-элас чалинаётган бу овозга шунчалик интиқ эдики, унинг ҳозир йўқ бўлиб кетишидан даҳшатга тушди. У бутун жисми-жони билан куйни излай бошлади...

Учаётган чўғдек милтиллаётган садо улғайиб-улғайиб аланга олаверди ва алланинг эркаловчи оҳангига айланиб, аёлнинг сочини, юз-кўзларини сийпалади. Унинг борлигини ором қоплади. Бу ором шунчалик лаззатбахш эдики, аёл унинг оғушида маст чайқаларди...

Сангина кўзларини очиб Адашга қаради. Унинг совуқ, чиройли кўзларида оташин муҳаббатнинг шарпаси алангалаётганди.

Аёл ундан жудо бўлса, куйни йўқотгудек эди. Назарида, куй тўхтаса, унинг юраги ҳам тўхтайдигандек туюлди.

Сангина кўзларидан отилиб чиққан ёшни бармоқ учи билан артди.

— Хорун... нега мени йўқламадингиз?.. Сиз мендан хафамисиз?.. — деди.

Адаш шу тобда: «Мен Хорун эмасман! Мен сени севган Адашман!» дея ҳайқириб, оламни

¹ «Кольцо» — дубляж вақтида ҳалқа қилиб қайтариладиган фильм плёнкаси.

бошига кўтаргиси келди. Афсуски, ҳозирча у ҳайқирилмасди. У — одам эмас, одам яратган қул.

— Қўйинг, ундай гапларни гапирманг. Мени йўқлаб келганингиздан кўнглим тоғдек кўтарилди... — деди Адаш.

— Мен, яна ҳайдаб юборасизми, деб қўрққан эдим...

Адаш товонининг учидан кўтарилиб, ҳалқумигача келган туғённи аранг босди. Агар у ўзини қўлга олмаса, «химоя блоки» ишга тушарди. Лаънати блокнинг ишга тушиши эса, яна кўнгилисизлик билан тугар эди.

Адаш бу сафар ўзини йўқотмади.

— Хорун, мендан бир дақиқали вақтингизни аяманг, ўтинаман сиздан!

— Менга бундай гапларни гапирманг...

— Хорун, сиз бўлмасангиз, менга ҳаёт йўқ!

— Сангина!..

— Мени сиздан фақат ўлим ажратади!..

Адаш аёлнинг тинч оҳангдаги бу фарёдига ортиқ чиқолмади. У Хорунга берган ваъдасини ҳам унутди. Ёлғиз, меҳрга, таскинга муҳтож бу ғарибанинг унга ишонч, муҳаббат билан ёлвориб турган кўзлари ундаги мутелиқдан зўр чиқди. Шу тобда унинг учун қаршисидаги шу аёлдан мўътабарроқ зот йўқ эди. У шу аёлни деб ўзини яратган Хорунга берган ваъдасини унутди, англай туриб аҳдини бузди. Аммо у бу ҳолдан заррача ҳайиқмаётган, аксинча, муҳаббат шавқи, мутелиқдан бир неча фурсат озод бўлгани унга завқ-қувват бераётган эди.

— Мен бугун сизнинг ихтиёрингиздаман, Сангина!

— Мендан кулманг, Хорун...

— Бир нафас кутиб туринг. Мен ҳозир кийиниб чиқаман...

Улар касалхонадан чиқишаётганларида Сангина Адашнинг билагига суяниб олди.

* * *

Ҳўл асфальтда ғизиллаб кетаётган автомобиль муюлишда ҳам тезлигини камайтирмай бурилди-да, хиёл ёнбошлаганича орқаси билан йўл чеккасига сурилиб кетди. Кейин зум ўтмай ўзини ўнлаганича яна шиддат билан олдинга интилди...

Адашнинг бу хилдаги машина ҳайдашига кўниқолмай, юрагини ҳовучлаб келаётган Сангина ундан секинроқ юришни ҳарчанд илтимос қилмасин, Адаш бирпасда унинг гапларини унутиб, яна ўз билганича иш тутаварарди.

Тарки одат амри маҳол экан-да, деб ўйлаб аёл бора-бора унинг бу юришига кўниқди. Энди у ҳадеб эътироз билдиравермай, гоҳ атрофдаги манзарага, гоҳ Адашга қараб, гоҳ хаёл суриб борар эди.

Ҳамон майдалаб ёғаётган ёмғир ҳалқоб кўлмақларда жимир-жимир милтирар, дарахт баргларида чак-чак томаётган томчилар эса новдаларни ювиб, япроқларни гўё янги бўялгандек йилтиллатарди.

Бир хил манзара ва моторнинг тинимсиз гуриллаши Сангинани аста аллалай бошлади. У уйқу босиб оғирлашаётган қовоқларини аранг очар ва дам-бадам қалқиб кетарди.

Машина шаҳар чеккасидаги «Юлдуз» ресторани ёнидаги атрофи дарахтзор майдончага келиб, оҳиста, худди кўнгандай тўхтади.

Уша куни Адаш муҳаббат алангасида ўртаниб, валинеъматга берган ваъдасини ҳам унутганди... Ҳижрон азобидан халос бўлган Сангина эса гул-гул очилганди.

Ошиқ-маъшуклар йўл олган бу ресторанининг қурилиши қудуқни эслатарди. Гоҳ ўннга, гоҳ сўлга айланиб турадиган улкан чиғир дастаги эса лифтнинг ҳаракатини кўрсатарди. Ҳўрандалар бу ерда тамадди қилишлари учун жаҳаннамий чуқурликка тушишлари керак эди. Бу ресторанинг энг ажабтовор ва номига мос томонларидан бири — қуёш чарақлаб турган пайтда ҳам бемалол юлдузларни кўриш мумкин эди. Бир юз йигирма метр чуқурликдаги босимнинг бироз ноқулайлигини ҳисобга олмаса, бу ерда ўзга қулайликлар мўл эди. Айниқса, хилватхоналар ошиқ-маъшуклар учун кўнгилдагидек жой эди. Энг мазали таомлар шу ерда тайёрланарди. Негаки, юқори босимда сувнинг қайнаш ҳарорати катта бўлганидан овқатлар маромига етиб, ҳил-ҳил пишарди.

Бу ресторанда маст қилувчи ичимликлар сотилмаганлиги сабабли гавжум бўлмасди.

Улар пастга тушганларида катта-катта заллар одам ютгудек ҳувиллаб ётганди. Айниқса бу ердаги хоналар исми жисмига мос эди. «Акс-садо» хонасида ўтирсангиз, гапларингиз акс-садо билан эшитилар, «Шодонлик» хонасидаги мудом янграйдиган қулгулар эса, ғамгин одамни ҳам беихтиёр кулдириб юборарди. «Сирлашув» деб аталадиган хоналарнинг мижозлари кўп бўларди. Бу хонанинг антиқалиги шунда эдики, бу жойда хоҳ аста гапиринг, хоҳ бўғзингиз йиртилгудек бақиринг, овоз бир хилда шивирлаб эшитилаверарди. Бир сўз билан айтганда, бу масканининг ўзини хош ғаройиботлари кўп эди.

Сангина ва Адаш «Сирлашув» хонасига кирдилар. Тўқ зангори нур ёритиб турган нимқоронғи хона ойдин тунни эслатарди. Икки маҳобатли кресло ўртасига қўйилган пастак стол тамадди қилиш билан бирга суҳбатлашиш учун ҳам қулай эди. Улар хонага кириб жойлашишлари билан бурчакларда ёна бошлаган қизил ва яшил нурлар тепадан тушаётган зангори нурга қўшилиб, хонани яна ҳам сирли қилиб юборди. Ходим стол устига буюрилган таомларни олиб келиб, ширин ичимликлардан қадаҳларга қуйиб, қайтиб чиқиб кетди. Эшик ёпилиши билан энгил гувиллаган овоз эшитилиб, чироқлар липиллаб-липиллаб ўчиб ёнди. Бу ҳол хона ишга тушганидан далолат берди. Гувиллаш овози тўхташи билан хонага сукунат чўқди.

Сангина бу сирли хонада янада жозибали кўринарди. Адаш унинг қизғиш нур ёритиб турган нафис оёқларига қаради. Буни сезган Сангина киши билмас этагини тортиб, тиззасини беркитиб қўйди. Энди Адаш унинг юзига қаради. Хонадаги ранго-ранг нурлар гўё Сангинанинг гўзал чеҳрасидаги жозибали қирраларини алоҳида-алоҳида таъкидламоқчи бўлгандек ёритаётганди. У аёлнинг мармар бўйнини илондек чирмаган, қора бахмал мисол товланаётган сочларидан кўзини узоқламади. Шу тобда у Сангинанинг сочларини майин сийпалаб, уни бағрига босиб, тўйиб-тўйиб ўпгиси келди.

Сангина гапирмоқчи бўлгандек лабини нозли қимтиди. Шу пайт Адаш:

— Сиз жуда гўзалсиз, Сангина! — дейишдан ўзини тия олмади. Овоз эшитилган ҳамон хонани «Сиз жуда гўзалсиз» деган шивирлаш тўлдирди. Рангдор чироқлар ҳам товушга монанд ўчиб ёндилар.

Сангина ўзини тута олмай кулиб юборди. Лекин бу кулги «сирлашув» хонасида эҳтиросли энтиқиш бўлиб эшитилди. Бу эҳтирос шунчалик таъсирчан эдики, Адаш ўзини аранг қўлга олиб, кўзларини юмди.

— Сиз мендан бошқалар билан ҳам шунақа жойларга келиб турасизми? — деган аёл кишининг ёқимли шивирлаши эшитилди.

— Йўқ, — шивирлаб жавоб берди эркак овоз ҳам.

— Алдамаяпсизми? — эркаланиб яна шивирлади Сангина.

— Йўқ, бу биринчи марта, — шивирлади Адаш.

Адаш Сангинадаги жозигага шунчалик мафтун бўлиб қолгандики, ҳатто қаерда ўтирганини ҳам унутиб қўйди. Бунинг устига бу хонадаги сирли шивир-шивирлар унинг эҳтиросини жуштириб, ҳушини йўқотаёзди.

Адаш Сангинани бағрига босишдан зўр-базўр ўзини тийиб ўтирганди. Бундай пайтларда аёллар ер тагида илон қимирласа сезишади. Сангина унинг ҳолатини зимдан кузатиб турарди. Бирдан шўхлиги тутиб, у билан ҳазиллашгиси келди.

— Агар мен, негадир сизни ёмон кўриб қолаяпман, десам, мени шу тобда нима қилардингиз? — деди. Нимқоронғи хонада шивирлаб айтилган бу гап энтиқиб ўтирган Адашни жинни қилаёзди, у ўзини тутолмай ўрнидан туриб кетди...

Улар қайтиш учун йўлга отланганларида ҳам ёмғир тинмаганди. Сангина машина чироқлари узун ва чўзинчоқ акс қолдираётган шалаббо асфальтга хаёлчан термулганича индамай ўтирар, Адаш эса ҳорғин, аммо мамнун бир руҳда бўлажак ҳижронни, яна висолни ўйлаб машинани енгил ҳайдаб борарди.

Машина шаҳар кўчаларига кириб келганида, Сангина кун бўйи сўрамоқчи бўлган гапини сўради:

— Хорун, сиз менга уйланишдан қўрқасизми?

— Сизга уйланиш менинг орзуим... — деди Адаш.

Сангина унинг елкасига бошини қўйди.

* * *

Адаш тутинган онаси бўлмиш Ҳожар кампирни операция қилишларини Сангинага айтиб, у билан бирор ҳафта кўришолмаслигини билдирди.

Унутилаёзган қор ҳам ёғди. Шаҳар манзараси олачалпак тус олди. Қора совуқдан тарс-тарс ёрилган йўллар қорга бурканиб, майинлашди. Дарахтларда хомуш ҳурпайишиб ўтирадиган чумчуқлар чиғирлашиб, тирикчилик ташвишига кўмилдилар. Қор шаҳарга файз олиб келди. Оқликдан одамларнинг тунд чехралари ёришди. Қуруқ йўтал хасталарнинг жони ором топди. Маънос кўчаларда қор ўйнаётган болаларнинг шодон ғала-ғовурлари эшитила бошлади.

Адаш клиникага йўл олганида кишининг қисқа куни пешинга оғаётганди.

У яна Сангина билан учрашгач, ороми йўқолиб, тинчи бузилганди. Адаш ўзини шу аҳволга солган валинеъматнинг гўрига фиш қалаганича касалхонага кириб келди. Биринчи учраган ҳамшира билан совуққина саломлашиб, врачлар хонасига кириб кетди. У ерда унинг келишини сабрсизлик билан кутаётган бўлим мудири Аҳрор Аброворович уни ташвишли бир нигоҳ билан қарши олди. Адаш таломга оғиз жуфтламаёқ мудир:

— Хорун Содиқович, Аҳбор юролмайд қолди, нима қиламиз энди? — деди.

Адаш ҳорғин хаёлга чўмди.

— Тинчликми, Хорунжон?

— Аҳрор Аброворович, менинг ҳозирги ҳолатимдан ранжиманг. Тутунган онам (у сал бўлмаса «кредитор» кампир деб юборай деди) Ҳожар аянинг яна мазаси қочибди, — Адаш шундай дедида, ғамгин бир қиёфада стулга ўтирди.

— Чакки бўлибди, қўйинг кўп қуйинаверманг! — деди Аҳрор Аброворович унга таскин бергандек. Адаш индамади, бу пайтда у бўлажак операциянинг режасини тузаётганди. — Агар хўп десангиз, мен бош врач билан гаплашиб чиқаман. Ҳожар аянгизни яна ўзимиз даволасак. Иккита бўш жойимиз бор, — дея таклиф қилиб бўлим мудири.

— Мен ҳозир Аҳборни ўйлаяпман... — деди оҳиста Адаш.

— Уғлим бир-икки кун сабр қила турар, — деди куюнчак бир оҳангда Аҳрор Аброворович. Унинг шу сўзидан кейин Адаш шахд билан ўрнидан турди.

— Аҳрор Аброворович, ўзингиз жуда яхши биласизки, «коргер»ни ўтказиб юбориш... Келинг, энди хўп деб менинг гапларимни ҳам эшитинг, — деди. У шу қисқа муддат ичида операция режасини узил-кесил ҳал қилган эди.

— Мен ҳамisha сизнинг гапларингизни жон қулоқ бўлиб эшитаман.

— Ҳозирча кампирни операция қилиб бўлмайди, уни операцияга тайёрлаш керак. Уғлингизни эса, бир минут ҳам кечиктириш мумкин эмас, менга қолса, бугуноқ анализларни тайёрлаб, операцияни бошлаш керак!

— Анализлари тайёр, — деди Аҳрор Аброворович, ҳамкасбининг мурувватидан мамнун бўлиб.

— Қизик, унда нимани кутяпмиз? — деди Адаш.

— Тўғриси, сизни кутаётган эдик, — дея ростига кўчиб қўя қолди Аҳрор Аброворович.

Адаш Ҳожар кампирнинг нари борса аранг икки кунга чўзиладиган умри ҳақида ҳеч кимга лом-мим демай, операцияга кириб кетди.

Аҳборни операция қилиш роппа-роса ўн бир соатга чўзилди. Мана шу ўтган вақт мобайнида бирор одам ё ҳамшира на бир қултум сув ичди, на бир бурда нон чайнади. Улар операцияга тик

оёқда кириб, тик оёқда чиқдилар. Пешиндан бошланиб тунга яқин тугаган операция кўнгилдагидек яқунланган бўлса-да, кўпчиликнинг тинка-мадорини қуритганди.

Икки бурда бутербродни апил-тапил чайнаган Адаш бафуржа овқатланишга ҳам, дам олишга ҳам унамади. У Ҳожар кампирнинг жойини тайёрлагач, тутинган онасини олиб келиш учун ярим кечада униқига жўнаб кетди.

Кампир Хорун(Адаш)нинг бу меҳрибончилигидан ийиб, йиғлай-йиғлай уни дуо қилиб касалхонага йўл олди.

Пишиб қолган Ҳожар аяни палатага эсон-омон жойлаган Адаш ҳамшираларга кампирни муолажа қилишни буюриб, ўзи операцияга тайёрланиш учун жарроҳлик хонасига йўналди.

Адаш тутинган онасини тонгга яқин операция хонасига олиб кирди. Чошгоҳга яқин Ҳожар кампир иккинчи бора ажалга чап бериб, жони жарроҳлик тиғидан эсон-омон чиқди.

Энди олдинда валинеъматни яна шоҳона совға-саломлар кутаётган эди. Кампир қарздор бўлиб қолишни ёқтирмасди...

Адаш валинеъмат Хоруннинг (Сангина билан учрашиш таъқиқидан бўлак) вазифаларини адо эта бошлаганди. Олдинда иккинчи топшириқ — Мунирани касалхонага ётқизиб, операцияга таппа-тахт қилиб қўйиши қолганди.

У Муниранинг ўша кунги қилиғини ўйлаб, ўзидан-ўзи ижирғаниб кетди.

Отдан тушгани бир...

Мунира Адашнинг Хорун эмаслигини узил-кесил билгач, минг хаёлга бориб, туни билан мижжа қоқмай тўлғониб чиқди. Устига устак, пешонасидаги Адашнинг қонидан қолган доғ худди бир умрга босилган тамғадек туюлиб, юрагини баттар ғашлади. Бу доғни ҳеч бир пардоз билан беркитиб бўлмасди.

У тонгни қандай оттирганини билмай карахт одамдай ўрнидан турди ва ўша заҳоти ўзини кўзуга солди. Кеча кўзига холдек кўринган нарса бугун... Воҳ, кимдир атайин унинг пешонасига тутаб турган сигаретни босиб ўчиргандек, куйик жароҳат пайдо қилган эди.

Мунира аламидан инграб юборди.

— Қари қиз овга чиқди, кетидан ғавғо чиқди! — дея у ўзига ўзи гапириб, нима қиларини билмай асабийлашганича ётоқхонада айлана бошлади. У қош қўяман деб кўз чиқарган эди.

Роппа-роса икки соат ўзига-ўзи табиблик қилган Мунира пешонасидаги жароҳатни бир амал-лаб билинар-билинемас кўринадиган ҳолга олиб келди. Кейин, ёшига хос бўлмаса ҳам, сочини қирқиб, пешонасига тушириб қўйди. Кўнгли бир оз таскин топгач, апил-тапил нонушта қилиб, капитан Қоратоевнинг ҳузурига ошиқди.

— Эй, келсинлар, нозик ва нафис детектив, — дея капитан ҳазиллашганича уни қарши олди.

Мунира Адаш билан бўлиб ўтган воқеани баён қилишга ошиқмади. У энг аввал инспекторнинг Хорун Содиқовнинг «нухаси» ҳақидаги фикрларини обдан билиб олмоқчи эди.

— Сиздан бир нарсани сўрасам, майлими? — деб гапни узокдан бошлади Мунира.

— Бемалол сўрайверинг, қулоғим сизда.

— Агар Хорун Содиқовнинг иккинчи бир нухаси бўлса, сиз у одамни қидириб топарминдигиз?

— Мен шу одамни қидирияман.

— Сиз, умуман, айнан Хорун Содиқовга ўхшаш одам бўлиши мумкинлигига ишонасизми?

Капитан хаёлга чўмди. Қоратоев инсонлар жисман бир олманг икки палласидек бир-бирларига ўхшасалар-да, руҳан ўт билан сув бўладилар, деб ҳисобларди.

У табиатда мутлоқий бирлик бўлмаслигини яхши биларди ва шу сабаб ҳаётда ҳам айнан ўхшаш одамлар бўлмайди, деб ўйларди. Худди мана шу фикр унда чувалашган калаванинг учини топадиган илмоқдек кўринган эди. Негаки, Хорун Содиқовнинг нухаси борлиги ва сунъий одам эканлиги капитаннинг хаёлига ҳам келмаган эди.

— Айнан Хорун Содиқовга ўхшаш одам борлигига ишонмайман, — деди Қоратоев чуқур тин олиб.

— Агар мен сизга, худди шундай одам бор, десам, гапимга ишонасизми?

— Хўш, гапигизга ишондим, деялик. Майли, айтилик, Хорун Содиқовнинг нухаси бор, хўш, шундай бўлган тақдирда, у одам унга нима учун керак? У ўз нухасидан нима мақсадда фойдаланади? Одам ўлдириш учунми?!

— Қайдам...

— Мана шунақа, билмай қоласиз-да.

— Сиз, фантастикага ишонасизми?

— Бизнинг ишда хомхаёл бўлиш ярамайди, синглим!

— Менимча, энди фантастикага ишонадиган пайт келди.

Мунира капитанга Адашга боғлиқ воқеани гапириб берди-дў, унга пешонасидаги жароҳат билан бирга дастрўмолидаги қон доғларини кўрсатди.

— Мен бу дастрўмолга атайин унинг қонидан суркадим, экспертизангиз учун керак бўлади, деб ўйлагандим...

Мунирадан бу гапларни эшитган капитан ҳаяжондан ўрнидан туриб кетди.

— Ҳозир ўша, сиз айтган одам қаерда? — дея сўради Қоратоев ва бориб, хона тўрида турган сейфни оча бошлади.

— Билмадим.

— Касалхонада бўлиши мумкинми?

— Бўлиши ҳам мумкин...

Инспектор сейфдан митти фотоаппарат олиб чўнтагига солди. Сўнг сейфни қулфлаб, Муниранинг ёнига келди.

— Агар вақтингизни аямасангиз, бирга касалхонага бориб келардик, — деди капитан.

— Нима, сиз уни қўлга олмоқчимисиз?

— Текшириб қўйиш зиён қилмайди...

— Сиз менга, уни кўрсам ҳеч нарса қилмайман, деб сўз берган эдингиз-ку?

— «Қассоб»дек рецидивисти бир уришда ўлдирган одам бошқаларни ҳам «билмасдан» ўлдириб қўйиши мумкин...

— Мен сўзларингизга ишонган эдим... Қолаверса, у бировга ёмонлик қиладиган одамга сира ҳам ўхшамайди. Гўдақдан фарқи йўқ бечоранинг...

— Бунга ҳеч ким қасолат беролмайди, синглим. Балким у ростакам Хорун Содиковнинг қотилидир... Уни ўлдириб, ўрнига ўзи ишлаётгандир...

Муниранинг юраги орқага тортиб кетди.

— Унда... тезроқ касалхонага борайлик... — деди овози қалтираб.

Улар Хорун Содиков ишлайдиган клиникага йўл олишди.

Ҳожар кампирнинг ҳолидан хабар олиб чиққан Адаш ординаторлар хонасида ўтирган эди. Уни капитан билан бирга келган Мунира йўқлатди. Эшик олдида бегона киши билан турган Мунирани кўрган Адаш ҳеч нарсадан шубҳаланмай оқсоқ аёл томон йўналди, унга яқинлашгандагина ёнидаги одам милиция формасида эканлигини сездди. (Адаш капитани Хорун унга кўрсатган расмдан танир эди). Юраги шиг этиб, тиззаси қалтираб кетди ва ўша заҳотиёқ «химоя блоки» ишга тушди.

У сир бой бермай, ҳеч нима билмагандек, улар билан саломлашгач, шундай деди:

— Мунираҳон, узр, мени бир минут кутиб туришингизга тўғри келади. Оёғингизнинг рентген сурати тайёр бўлганди, ҳозир шуни олиб чиқаман, сўнг бафуржа гаплашиб оламиз, — Адаш шундай деб, пастки қаватга тушиб кетди.

«Бир минутга» деб кетган Адаш, орадан ярим соат ўтса ҳамки, уларнинг олдига қайтиб чиқмади.

Қоратоев безовталана бошлади. Муддат бир соатга етганда у алданганини ва лақиллаб қолганини сездди.

— Бизни бошлаб кетди «азамат», энди уни кутишнинг фойдаси йўқ. Ҳозир вақтни қўлдан бой бермаслик керак. Машинаси бор деган эдингиз, номерини билмайсизми? — деб Мунирадан сўради Қоратоев.

— Йўқ, билмайман, — хомуш жавоб берди Мунира.

— Ранги-чи, ранги эсингиздами?

— Ҳа, эсимда, зангори рангли машина эди...

Жинойат қидирув бўлимининг катта инспектори капитан Қоратоев, ГАИ постларига зангори ранг машиналарни тўхтатиб ҳужжатларини текширишни хабар қилганида, Адаш шаҳардан чиқиб, чорбоққа олиб борадиган йўлга тушиб олганди.

У тўғри валинеъмат Хоруннинг олдига қочиб кетаётган эди. Чунки тергов ишлари билан Хоруннинг ўзи шуғулланарди. Нима бўлса ҳам унга шундай буюрилган эди. Хавф тарқаб, «химоя блоки» тўхтагач, Адаш яна руҳан эзила бошлади, у ўзини худди бир маҳбусдек сезар, умрини ўзи хоҳлаганча ўткази олмаётгани алам қилар, ўзининг абадий қул эканлигини ўйлаган сари ўртанар, нафратланар, алами ичига сиғмас, аммо бу фожиянинг сабабчиси Хорун экани ҳақидаги фикрни миясига сингдирилмас, бунга сари баттар қийналар эди. Адаш яралгандан буён кадр ҳақида ўйлаб кўрмаган, умуман бу сўз қачон ва қай пайтларда ишлатилишини ҳам билмасди. Негадир бугун бу сўз унга тинчлик бермай қўйди.

У бугунги кўнгилсиз учрашувдан қутулиб олгач, негадир ўзини кимсасиз, ёлғиз ва ғариб ҳис эта бошлади. Адаш ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмаган ва муҳтожлик нималигини билмас эди. Ҳозир эса у кимгадир жуда-жуда муҳтож эди...

Унинг тинчини бузган яна бир ўй — Сангинани бевақт йўқотиши эди. Иши битаёзган валинеъмат Хорун сўнгги пайтларда Адашнинг тақдирига бефарқ қарай бошлаганди. Қолаверса, унинг Сангина билан бирга бўлишига қарши эди.

Адашни ваҳимага солиб, қалбини фулғулага тўлатган даҳшатли нарса шу эди: кейинчалик, қиёфаси ўзгаргач, Сангина уни қабул қиладими ёки йўқми? Хоруннинг Мунирага уйланиши — Адашнинг Сангинадан жудо бўлиши эди!..

Талпиниш — нишонга тегмагунча тўхтамайдиغان ўқ. Бу шундай туйғуки, у ироданинг хоҳиш-истагига бўйсунмайди. Адаш ҳам талпинишнинг буюк кучи олдида таслим эди. У Хоруннинг жами панду насиҳатларини унутди, Сангина билан учрашди...

Дунёда эрк деган нарса борлигини, инсон осмондаги қушдек, сувдаги балиқдек озод бўлиши кераклигини тушунди.

Агар севги табиатнинг улўғ эҳсони экан, у ҳам ҳар қандай эҳсон каби азиз бўлади. Мабодо: «Дунёда эзгулик йўқ бўлиб кетмаслиги учун гадолар мавжуддир!» дейишса, шу тобда Адаш бу гапга шак келтирмасди. У ўзини бу дунёдаги энг фақир бир гадодай ҳис қиладиган эди.

Трасса гавжум эмасди. Аҳён-аҳёнда ўтиб қолаётган машиналарни ҳисобга олмаганда, йўллар қишнинг оғир сукунатида бурканганди. Майин қор ёғаётганди. Адаш яна хаёлга берилди.

Бахт — тасаввуримиздаги қувонч! Бахт — бизни истаганича алдайдиган шодлик. Бахт — ўз қаричимизга яраша келадиган сурур.

Адаш учун бахт — интилиш эди. Шу ҳақда у бир гал Сангина билан суҳбатлашди. Бу суҳбат қулоқлари остида яна ширин бир хотирадай жаранглади.

— Хорун, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

— Сўранг.

— Сиз бахтлимисиз?

— Менинг бахтли онларим жуда кам бўлган...

— Мен эса бир умр бахт қидираман.

— Умуман бахт ҳақида ўйламаган маъкул.

— Нега энди?

— Чунки қуруқ бахт ҳақида ўйлагандан кўра бахтга олиб борадиган йўлларни ахтариш ёқимлироқ бўлади, Сангина...

Адашнинг қулоқлари остида такрор жаранглаган бу сўзлар унга нима қилиш кераклигини кўрсатгандек бўлди. Боядан бери ланж одамдек оҳиста судралаётган машина, гўё бир қарорга

келгандек, тезлигини кескин оширди-да, бутун кучини ғилдиракларига берганича елиб кетди. Трасса адоғида унга эргашган машина капитан Қоратоевнинг режаларини ошкор қилиб қўйди. Адаш йўлда учрайдиган автоинспекция постлари тугайдиган жойгача, ҳеч нарса сезмагандек сир бой бермай бораверди. Автоинспекторлар ҳам атайин уни тўхтатмадилар.

Ортидан кузатиб келаётган машинани етти чақиримча эргаштириб юргач, бирдан тезликни ошириб юборди. Машина ўнг-сўлга сирганиб ўзини ўнглаб олди-да, қорни бурқситганича ғизиллаб кетди. Орқада уни кузатиб келаётган машина ҳайдовчиси бундай бўлишини кутмаганди, у ҳам шошиб қолганидан машинасига газ берди. Автомобиль кескин кўтарилган тезликдан ўзини ўнглаб олмай, ўнг ва чап томонга шох ташлай бошлади. Ҳайдовчи рулни тўғрилаб олишга ҳарчанд уринмасин, тоғнинг бошланишидаги тор йўлда бу ишни эплломади. Бошқаруви йўқолган машина йўл четидаги харсангга урилиб, ёнбошига ағдарилиб қолди. Бу ҳолни машина кўзгусидан кузатиб келаётган Адаш:

— Ҳали ғўр экансан-ку, ошна! — деб мийғида кулиб қўйди.

Адашнинг машинаси қиш тунининг ғира-ширасида чорбоққа эсон-омон етиб келди. Чорбоқда милт этган чироқ кўринмасди. Кўприк эса ҳар сафаргидек кўтариб қўйилганди. Ғўе хилват бу қасрда жон зоти яшамайдигандек. Адаш Хоруннинг пастки лабораторияда ишлаётганини пайқади. У машинадаги радиобошқарғични улаб, кўприкни туширди, чорбоққа киргач, машинани йўл томон буриб, кўприкни кўтариб қўйди. Зангори машина эса сафарга шай тулпордай жойида эгасини кутиб қолди.

Адаш зим-зиё хоналар бўйлаб лабораторияга олиб тушадиган қопқоқ томон юриб кетди. У қопқоқ тепасига келди-да, ғалати бир куй оҳангини тақиллатиб чала бошлади.

Орадан икки-уч сония вақт ўтгач, қопқоқ очилиб, ичкаридан соқоллари ўсиб кетган Хорун чиқиб келди. Шундан сўнг Адаш хонанинڭ чироғини ёқди.

— Мени кечиринг, валинеъматим!

— Нима гап? Тинчликми?

— Баъзи бир нарсаларни маслаҳатлашгани келгандим.

— Онамни кутиб олдингми? Аҳволлари қалай?

— Онамиз соғ-саломат келдилар. Уша гап. Тезроқ улайини кераклигини, қариган чоғда ёлғизлик оғир кечишини айтдилар. Мен илмий ишимни, яъни сизнинг илмий ишингизни тугатганимдан сўнг бу масала хусусида ўйлаб кўришим мумкинлигини айтдим.

— Яхши.

— Валинеъматим, мен сиз билан бир нарса борасида маслаҳатлашгани келгандим. Аҳрор Абборовичнинг ўғиллари «коргер» касалига мубтало бўлибди. Сизнинг биоматериалингизни суяк ўрнида ишлатишни таклиф этдим.

— Эсинг жойидами, Адаш? Қандай қилиб улар суякка айланади?

— Кальций миқдорини ошириш керак, деб айтдим.

— Нима дединг, қайтар?

Адаш унга фикрини тушунтириб берди. Унинг сўзларини диққат билан тинглаган Хорун мамнун жилмайди.

— Қойил! Операцияни ҳам ўзинг қилмоқчи эдингми?

— Бу ишни Аҳрор Абборовичнинг ўзлари таклиф этдилар.

— Яхши, яхши, чол манманликни билмайди... Мен сенга айтсам, Адаш, ўзингдан кучлини тан ола билиш учун ҳам мардлик билан бир қаторда истеъдод керак!..

Адаш Ҳожар аяни дарддан фориг қилганини ва Мунира билан бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берди. У иккинчи маслаҳатли иш Қоратоевга бориб тақалишини айтганида, Хорун сергак тортди. Бутун вужудини қулоққа айлантириб, бор гапни ипидан игнасигача суриштириб, диққат билан тинглади.

— Ҳа, чакки бўлибди, лекин ўзингни йўқотиб қўймаганинг мақтовга лойиқ. Энг муҳими, қўлга тушмабсан.

— Валинеъматим, энди менга қандай кўрсатма берадилар?

Хорун ўйга чўмди. Адаш нафас олмай унинг гапларини эшитишга шай турарди. Хорун хонада у ёқ-буёққа юргач, бурчакдаги креслога ҳорғин чўкди. Сўнг бир нуқтага тикилганича гапира бошлади:

— Адаш, кўзгудаги қиёфа акс бўлади, асл қиёфа эмас. Худди шундай, сен ҳам менинг аслим эмассан! Тергов ишлари билан ҳазиллашиб бўлмайди! Тушундингми? Бу ҳақда эртага гаплашамиз. Бугун ётиб дамингни ол, мен ҳам ўлардек чарчаганман.

Адаш итоаткорлик билан ўрнидан турди-да, лабораториядан-чиқиб кетди.

Ўйлаган режаларининг амалга ошмаслиги тобора аниқлашгач, Хорун умидсизликка туша бошлаган эди. Адашнинг бугунги топиб келган гаплари эса, ўлганнинг устига тепган бўлди.

Хоруннинг юрагига ғашлик зулуги ёпишди. У Адашнинг Мунира билан учрашиб қолганини ва бўлиб ўтган жами ҳодисаларни яхшилаб таҳлил қилиши ҳамда узил-кесил бир қарорга келиши керак эди.

Ғишт қолипдан кўчганди...

Чарчоқ эзиб ташлаган Хорун тепадани ётоқхонага чиқишга ҳам ҳоли келмаслигини сезди. Кресло суякчигига бошни ташлаб, шу кўйи пинакка кетди.

...Тун. Қоронғи хона. Атроф жим-жит. У уйқуси ўчиб ўрнидан турди. Ташналикдан ичи ёниб сув ичгиси келди, деворни пайпаслаб, чироқни ёқмоқчи бўлди, «шиқ» этган овоз эшитилди-ю, лекин чироқ ёнмади. Уйқули кўзлари қоронғиликка кўника бошлаганида, ёнидан қандайдир шарпа ўтганини сезди. Уғри деб гумон қилди. Юраги бир шиғ этди. Узига далда бермоқ мақсадида, «Кимсан? Бу ерда нима қиляяпсан?» деб сўради. Садо бўлмади. Гугурт топиш илинжида ошхона томон юра бошлади. Шу пайт нимадир астагина унинг бошини силаб қўйди.

У жон ҳолатда ўгирилиб орқасига қаради ва шу заҳотиёқ даҳшатдан қотиб қолди. Ҳаммаёғини қоп-қора жун босган улкан қўллар уни ушлаб олиш учун атрофни пайпаслаётганди. Махлуқнинг танаси эса кўринмасди. У жон ачиғида додлаб юборди...

Худди шу лаҳзада кўрқув — ўлим ва ҳаёт орасидаги кўприкка айланганди. Дақиқаларнинг

дақиқаси унинг тақдирини ҳал қиладиган пайт эди. Бундай дамларда курашувчан ва интилувчан одамларгина тирик қолиши мумкин. Қўрқоқлар эса, бир зумда ҳушдан кетадилару шу кўйи омонатни топширишади. Қўрқув инсон табиатини, иродасини синайдиган, ўлчайдиган мезондир. Шуни туйиб, у салгина ўзини қўлга олишга интилган эдики, йўқолаёзган идроки бир онда пайдо бўлди.

Энди хона бўйлаб тимирскиланаётган даҳшатли қўллар чекинди. Идрок бу қўлларнинг танаси ўта баҳайбат эканлигини ва қўллар хонада басир одамдек тимирскиланаётганини уқтирганди.

Бирдан қўллар ғойиб бўлди. Лекин орадан бир сония ўтар-ўтмас, қўрқувдан ўтакаси ёрилаёзган гўдакнинг чинқириғи эшитилди. Унинг кўз олдида улкан панжалар орасида ғижимланаётган бир гўдак намоён бўлди. У важоҳатли ўкирик билан балконга отилди. Девор четида турган болтани олди. Бор кучини тўплаб махлуқнинг биллагига болта солди. Болта темирга урилгандек овоз чиқариб, орқага қапчиб кетди, болта тиғидан учқунлар сачради ва унинг кўзларига, сонига санчилиб қолди. Оёғи жизиллаб ачишди-ю, лекин қон чиқмади...

Бу қўрқинчли бир туш эди. Хорун чўчиб уйғонди.

Қўрқув тарқаб, эс-ҳуши бир оз ўзига келгач, Хорун кўрган тушини идрокдан ўтказиб, ўзини дадил ва ҳеч нарсадан қайтмайдигандек ҳис этди.

Бу даҳшатли туш унга қандайдир бир дадиллик бахш этган эди.

Хорун соатига қаради. Соат миллиари тонгги кўрсатиб турарди. У тепага кўтарилди, дераза пардаларини суриб, ташқарига қаради. Борлиқ оппоқ қорга бурканган, атроф ёруғ эди. Сокин ёғаётган қор вазмин бир оҳангни эслатар ва кўнглида жўшқин завқ уйғотиб, беихтиёр болалик дунёсига етакларди.

Ташқарига чиққан Хорун кўтаринки, енгил кайфият билан қанда қилмайдиган бадантарбиясини бошлаб юборди. У ҳар бир машқ ҳаракатларидан ором топар, қор зарралари аралаш ҳавода нафас олгани сари вужуди яйрар эди. Ювиниб-тараниб, ён тарафдаги Адаш ётган хонага йўналди. Хонанинг эшиги очилиши билан чалқанча ётган Адаш қаддини кўтарди.

— Тур ўрнингдан, бирга нонушта қиламиз, — деди.

Адаш апил-тапил ювиниб, артингач, Хорунга эргашди.

Тамадди қилиб бўлишгач, Хорун ўйчан оҳангда гап бошлади:

— Адаш, бугун мен сен билан очиқ-ошқора гаплашмоқчиман.

Адаш итоаткорона бош эгди.

— Биласанми, Адаш, мен хато йўлдан кетаётган эканман. Ўйлаган режаларим сароб бўлиб чиқди. Инсониятни сақлаб қолиш учун одам организмни радиоактивликка чидамли ва зарар кўрмайдиган қилишини ўзи кифоя қилмас экан... Кўрғошдан «Супер одам» ясаб бўлмас экан, Адаш!.. — Хорун шундай деди-ю, жимиб қолди.

Узоқ давом этган сукунатни Адаш бузди.

— Балки менинг ёрдамим асқотар?

— Йўқ. Менга ёрдамим керак эмас...

— Унда нима қилиш керак?

— Урушнинг олдини олиш керак. Ядро қирғинига йўл қўймаслик керак. Эси бор одам борки, бу йўлда курашиши керак!

— Ундай бўлса, курашувчилар ва курашаётганлар сафига яна бир одам қўшилди, деб ҳисобланг!

— Яхши, мен бундан жуда хурсандман. Фақат сенинг курашинг очичқасига, ўз номингдан бўлиши керак.

— Бунинг учун мен нима қилишим керак?

— Бунинг учун мен сендаги «ҳимоя блоки»ни олиб ташлашим ва ўз эркинни ўзинга беришим керак!

— Мени қамаб қўйишмайдими?

— Қайдам...

— Мен жазодан чўчимайман, валинеъматим!

— Сен-ку чўчимайсан-а, лекин... — Хорун бир оз сукут сақлагач, шундай деди: — Айтганча, сен Сангинани севар эдинг шекилли? Ҳозир ҳам яхши кўрасанми?

— Ҳа!

— Адаш, ўша аёл сенинг ҳақиқий одам эмаслигини, аксинча, одамга ўхшаш бир сунъий мавжудот эканлигини билса, сен билан яшашга рози бўлармикан?

— Қайдам...

— У ҳеч қачон сен билан яшамайди, Адаш!

— Нега бундай деяписиз, валинеъматим?

— Негаки, сен аёлларни, умуман одамларни яхши билмайсан. Қолаверса, сен ёмонликка ёмонлик билан жавоб беришни, қабоҳатга ва аблаҳликка қарши курашиш йўллари билмайсан. Сени бу нарсалардан асрайдиган восита «ҳимоя блоки» эди. Ундан маҳрум бўлгач, сен шаффоф бир гўдакка айланасан... гўдаклар эса...

— Мен ёлғон гапиришни, одамларни алдашни истамайман, валинеъматим!

— Аслида биз ҳам истамаймиз, аммо...

— Ахир ёлғоннинг миси чиқади-ку!

— Рост айтасан, ойна этак билан ёпиб бўлмайди...

— Мендаги лъанати блокни олиб ташланг, валинеъматим!

— Сендан жудо бўлиш мен учун жуда оғир, сен менга... Начора, сенга озодлик беришни ваъда қилган эдим, сўзимни устидан чиқаман. Агар яшаб кета олсанг... ўз эркинг, ўз истагинг билан яшайвер, менинг Адашим...

Хорун Адашдаги «ҳимоя блоки»ни олиб ташлади.

Кутилмаган некролог

Улар кеч қоронғисида шаҳарга отландилар.

Хорун тунга яқин Адашни Сангинанинг уйи олдида тушириб қолдирдида, ўзи уйига равона бўлди. У эртаси куни Мунирани топиб, у билан келажак тақдирини узил-кесил ҳал қилмоқчи эди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди, аммо Адаш истиҳолага бориб ўтирмади. Чунки у Сангинани кўриш иштиёқи билан ёнаётганди. У еттинчи қаваддаги эшик кўнғирнинг тугмасини беш-олти марта босгач, ичкаридан аёл кишининг уйқусираган ва хавотирли «Ким?» деган овози эшитилди. Бу таниш овозни эшитган Адашнинг юраги гупиллаб урди.

— Бу менман, Сангина... — деди у эшитадиган овозда Адаш.

Ичкаридан кулфнинг икки марта доғи шарақлаб буралган овози эшитилиб, эшик очилди.

— Хорун!..

— Бемаҳал келганимни айбситманг! Ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман!

Сангина эшикни очганича туриб қолди. Адаш ундан рухсат сўрамай, остона ҳатлаб ичкарига кирди.

— Мен сизга ҳақиқатни айтгани келдим, Сангина!

— Келишингизни билардим, Хорун! — Сангина унинг бўйнидан қучиб, бетидан оҳистагина ўпди.

— Сангина, агар фалокат босиб мен ёниб кетсам ва юзларимда чандиқлар битса, ўшанда ҳам мени худди ҳозиргидек сева оласизми?!

— Сизга нима бўлди, Хорун?

— Мен Хорун эмасман!

— Қўйсангиз-чи...

— Мен Адашман, Сангина!

— Адаш?

— Ҳа, мен Адашман!

— Бу нима деганингиз?

— Мен сиз ўйлаган Хорун эмасман.

— Бўлмаса кимсиз?

— Мен унинг адашиман.

— Унда Хоруннинг ўзи ким?

— У ўз уйида ухляпти, эрталаб Мунира билан учрашиб, у билан бўлажак тўй ҳақида гаплашиб олмоқчи.

Сангина хандон отиб кулиб юборди.

— Яхши нарса ўйлаб топибсиз, Хорун, ҳазилингиз менга жудаям ёқди, — Сангина яна хушнуд кула бошлади.

— Сиз менинг ҳақиқий Хорун эмаслигимга ишонмадингиз! — у шундай деб, стол устида ётган ялтироқ пичоқни олди.

— Хорун, пичоқ билан ўйнашманг, имонингиз кетади, — деди жиддий тортиб Сангина.

— Мен пичоқ билан ҳазиллашмоқчи эмасман, аксинча, гапларимнинг ростлигини исботламоқчиман! — Адаш шундай деб, қўлидаги пичоқ билан билагидаги этдан бир бўлак кесиб олди. Бундай бўлишни кутмаган Сангина доғлаб юборди.

Адашнинг қўлидан шариллаб оқаётган қон доғлар қолдириб вижиллаганича гиламни қопқора қилиб қуйдира бошлади. Адаш бақрайиб қолган Сангинага тикилиб туриб, кесиб олинган этни жойига қўйди-да, сочиқ билан ўради. Шундан сўнг қоннинг оқиши тўхтади.

— Бу нима қилганингиз? — аранг гапирди Сангина.

— Ҳозир кўрасиз!

Улар дим бойлашгандек бир мунча фурсат бир-бирларига тикилганларича қотиб турдилар. Адаш билагига ўралган сочиқни аста еча бошлади. Сангина юзини четга буриб, кўзларини юмиб олди.

— Ҳа, ачиниб кетдингизми? — дея сўради Адаш.

— Ҳозир бинт олиб қичиб бераман, — деди Сангина. Унинг кесилган билагига қарамаслик учун бошини қуйи эгди. Адаш унинг бошини кўтариб, билагига қарашга мажбур қилди.

— Ижирганмасангиз ҳам бўлади, бу ерда сиз ўйлаганчалик яра йўқ! — деди Адаш.

Сангина унинг билагига кўз ташлади-ю, яна ҳайратига ҳайрат қўшилди. Адашнинг ҳозиргина пичоқ билан кесилган билаги гўё ҳеч нарса тегмагандек битиб қолганди. Фақат жароҳатнинг четларида миҳ тилганга ўхшаш чизиклар хиёл сезилиб турарди.

— Бу нима, хирургияга оид фокуслардан бир номерми? — қизиқсиниб сўради Сангина.

— Йўқ! Хорун Содиков томонидан яратилган сунъий одамнинг хусусиятларидан бири!

— Нималар деяпсиз, Хорун!

— Мен Хорун эмасман, Адашман!

— Ҳар нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Эндиги ҳазилларингиз ортиқчалик қилади, Хорун! Яхшиси ётиб ухланг, мен ҳам чарчаганман.

— Сизни Хорун эмас, мен севаман! Уша куни кўлдаги йигит билан муштлашган ҳам мен эдим. Ёдингизда бўлса керак, ўшанда милиционерлар менга ўқ узишганди. Уша ўқлардан бири мана бу еримга текканди, — Адаш шундай деб, ўнг болдиридаги кичкинагина кўнғир доғни кўрсатди.

Сангина ўйланганича каравот четига ўтириб қолди.

— Балки гапларимга ишонмассиз. Нима бўлганда ҳам бугун мен сизга бор ҳақиқатни айтишга қарор қилганман.

— Сиз ростдан ҳам Хорун эмасмисиз? — иккиланиб сўради Сангина.

— Мен у яратган ва сизни севиб қолган Адашман.

Бу гапларни эшитган Сангина титраб кетди.

— Хорун-чи? У ҳам чин одамми ёки у ҳам сизга ўхшаган сунъий одамми?

Адашнинг кўзлари филт-филт ёшга тўлганди. У ўзининг сунъий инсонлигига, янги одам эканига

ҳеч ким ишонмаслигини, буни ҳеч ким тушунмаслигини, Сангина ҳам кўпчиликнинг бири эканини туйди...

— Сиз йўғлаяпсиз... сиз ҳеч қанақанги сунъий одам эмассиз. Сиз менинг Хорунимсиз! — Сангина унинг ёш думалаётган юзларидан ўпди.

Адаш ўзининг одамлар орасида бир гўдаклигини, бу ҳолда яшаб бўлмаслигини алам билан тан олди ва қўлидаги пичоқни кўкрагига тираб туриб, Сангинани қаттиқ қучоқлади...

Сўнгги сўз

Пешинга қадар ухлаган Хорун тушликдан сўнг Мунирани ахтариб, у ишлайдиган редакцияга келди. Уни ичкарига қўйишмади. Пастдан телефон қилиб, Мунирани чақиртирди.

Мунира қўлида газета ушлаганича Хоруннинг қаршисига келди-да, лом-мим демай тураверди. Хорун унинг пешонасида билинар-билимас сезилаётган, куйгандан сўнг қоладиган доғга қараб, ҳамма гапни тушунди.

Мунира у ҳақиқий Хорунми ёки Адашми — фарқлолмай турган эди. Аёлни бошдан-оёқ кўздан кечирган Хорун унинг муддаосини англади.

— Хавотир олманг, менинг қоним ҳеч қаерни куйдирмайди, — деди кулиб Хорун.

Шундан кейин Мунира рўпарасида ҳақиқий Хорун турганлигини тушунди.

— У барибир яхши одам эди, — деди ўйчан қиёфада Мунира.

— Кимни айтаяпсиз? — сир бой бермай сўради Хорун.

— Кимни бўларди, нусхангизни айтяпман...

— Бу ҳақда кейин батафсил гапириб бераман.

— Энди тўғриси айтинг, Хорун, уни ким ўлдирди?..

Мунира қўлидаги газетани аста Хорунга тутқазиб, некрологлар босиладиган бурчакни бармоғи билан ниқтаб қўйди.

Хорун Муниранинг қўлидаги газетани юлқиб олди-да, худди ишонмагандек газетанинг некрологлар босиладиган чеккасига қаради ва шу сўзларга кўзи тушди:

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли
234-шаҳар клиник касалхонаси маъмурияти
шу касалхона врач, медицина фанлари
кандидати
ХОРУН СОДИҚОВнинг
фожиали ҳалок бўлганини билдириб, мар-
ҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор
қиладилар.

— Уни яна қайта тирилтирса бўладими!.. — дея илинж билан сўради Мунира.

— Мен худо эмасман... — деди оҳиста Хорун.

1986 йил



Оллоёр Бегалиев

ЙУҚОЛГАН ТАБАССУМ

Тоживой кириши билан қабулхона соҳибаси Дилнавозга бир сидирға бошдан-оёқ табассум ҳада этди ва савлатли директор кабинети эшиги тутқичига қўл узатди.

— Табассум?!— Дилнавознинг кескин нидоси Тоживойни сергаклантирди. У Дилнавозга савол назари билан қаради.

— Нима, биринчи киришингизми! Табассумни ташлаб киришлар, деб неча марта айтишим керак?!

Тоживой гап нимадалигига тушунди, шоша-пиша ўзининг ишхонадаги энг кичик ўлчами билан ажралиб турадиган, ҳатто баъзи нозанинларнинг эътиборига сазовор бўлмиш нимтабассумини катта-кичик, қалин ва юпқа, бўялган ва табиий, самимий ва ғаразли табассумлар тартибсиз қалашиб ётган котибанинг столи устига ташлаб, ичкарига, навбатдаги ишлаб-чиқариш мажлисига кириб кетди.

Табассумларини қабулхонада қолдирган мотамзада мажлис аҳли ўзларининг кечикиб келган ҳамдардлари Тоживойни йиғламоқдан бери кўриниш билан қарши олишди. Телефонга ёпишган директор қўли билан Тоживойга ўтиришни ишора қилгач, у худди ҳозиргина ойисининг азасидан келаётгандек, икки букилиб бир чеккада турган курсига чўкди.

Бу одамларга қараб туриб, табассумнинг инсон учун аҳамиятини яна бир карра ҳис этмай иложинг йўқ! Ахир, қаранг, Оқтеракдаги катта чойхонани ўзининг қаҳқаҳаси билан зириллатадиган бош иқтисодчи Омон Акрамович табассумидан айрилгач, нимага ўхшаб ўтирибди. Орқасидан худди голланд печкаси, ён томондан архивдаги сейфга, умуман эса, эски пойфазаллар солинган қолга ўхшайди. Кадрлар бўлими бошлиғи Тамара эса... келинг, унинг нимага ўхшаётганлигини айтмай қўя қолайлик. Ўзи шундоғам ҳар мажлисдан кейин биттадан инфарктни бошидан кечириб туради! Қисқаси, бу мотамсароликда Тоживой ва директоргина табиий ҳолатларига анча яқин бир кўринишда... Тоживойнинг табассуми, ҳали айтиб ўтганимиздек, мўъжаз эканлигидан, ундаги табассумсизлик хиёл сезилса-да, директор тўғрисида бунақа нарсани фараз ҳам қилишга ботинолмайсан киши, негаки, унинг туриш-турмушидан нақ қишнинг қирчиллама чилла совуғи уфургани уфурган. Фақат директоргина бу ишхонада табассумини ечиб-кийиб юришдан холи одам ҳисобланади. Тўғри, директор янги тайинланган пайтлари ўз хонасига табассуми билан кириб ўтирар, гоҳо куни бўйи ундан айрилмас ҳам эди. Бора-бора, ўз обрў-мавқеи учун табассум халақит бераётганлигини англаб етгач, уни қабулхонада қолдирадиган, кейинги ойларда эса табассумини уйига ташлаб келадиган бўлди. Иш ниҳоят шу даражага бориб етдики, директорнинг рафиқаси бир куни уйни супир-сидир қилиб юрганида, эргинасининг табассумини супиридагига қўшиб ахлат ўрага ташлаб юборди. Шундан бери бу кишининг кулганини кўчада туғул, ўз уйида ҳам ҳеч ким эслолмайди...

Мана, гап билан бўлиб мажлисининг тугаганини ҳам сезмай қолибмиз. Қабулхонага бир-бирини туртиб-суртиб чиқишаётганлар сизга нурга қараб интилган парвоналарни эслатишмайдами? Улар, менимча, албатта, қабулхонада қолдиришган табассумларини тезроқ ўз жойига қўндириб, кўз-кўз қилиш учун шошиладилар. Масалан, Тоживой то кечиккани эвазига, энг кейин кабинетдан чиқиб кетсам яхшироқ бўлармикин, деган тўхтамага келгунча бўлмай, бош иқтисодчи Омон Акрамович алақачон Оқтеракдаги чойхонада гумбурлатиб қаҳқаҳа отаётган эди. Кулгунинг қаноти бўлади, деб шунга айтсалар керак-да!..

Бундай оёғи олти бўлиб тарқалган мажлис аҳлидан ҳар бирининг ортидан эргашиб улгуриш қийин, аммо шу аснода улардан бири — таксида шаҳарнинг нариги бурчагидаги темирйўл бекатига шошилаётган киши — Нормат Исахонни кузатиб, у ўз вагонига миниб олганига амин бўлмасак, ҳикоямизни давом эттиришнинг қизиғи қолмайди.

Шундай қилиб, ўзининг кимлиги сал тубанроқда аниқланадиган — Нормат Исахон, шитоб билан темирйўл бекати сари кетаётган айна маҳалда директор кабинетидан латтадай бўшашиб бизнинг Тоживой чиқиб келди. У қабулхонага чиққанида, бошқалар аллақачон жуфтакни ростлашган эди.

Тоживой ўз табассумини олиш учун котибанинг столига энгашди-ю, ҳеч нарсани кўрмади: и-е?!

У ёқ-бу ёққа шошиб аланглади. Ҳа, мана экан! Тоживой телефонда ким биландир гаплашаётган Дилнавознинг оёқлари остида ётган, хўп тепкиланган табассумини букилиб олиб, ичида қизни бошлаб сўкканича, унинг чангини қоқди ва жойига ўрнатиб, уйига жўнади.

— Ҳа, мукопот беришдимиз?!— Тоживой сўроққа тутган хотинига жавоб қайтармай ичкарига ўтиб кетмоқчи эди, хотини — Қандолатхон, унинг йўлини тўсди.— Ҳа-а? Намунча?!

— Нима «намунча»? Ҳи-ҳи!— Тоживой хотинини йўлдан бир четга сурмоқчи бўлди-ю, қараса қутулмайдиган.— Ҳи-ҳи! Қоч мундоқ, ҳеч қанақа мукопот-пукопот йўқ.

— Оғзингиз қулоғда-ку?!— Қандолатхон эрининг юзидаги меъеридан ошиқ табассумга ишора қилиб йўлни бўшатар экан, таъкидлаб қўйди:— Узингизни тутинг, дугонам келган...

Товба! Дугонанг келса, менга нима! «Дугонам келган» эмиш! Нима, Тоживой хотин зотини кўрмабдимиз?! У хотинчасининг дугонаси ўтирган ўрта залдан кийимини алмаштириш учун нариги хонага ўтар экан, меҳмон жувон унга зимдан тикилди.

— Ҳи-ҳи... Яхшимисиз, жонидан!— Тоживой иржайиб нариги хонага ўтиб кетгач, жувон Қандолатхонни имлаб чақирди:

— Ичволганмила?!

— Йўғ-эй, ман сезмадим-ку!— Қандолатхон эри кириб кетган хонага гумонсираб қаради.

Хуллас, бугунги меҳмондорчилик Қандолатхонни ўлдирди. Эрининг бегона жувонга нақ хотинининг олдида «тасадуқ», «жонидан» деб мурожаат қилишлари бир тараф, ўринсиз «ҳи-ҳи»си бир тараф...

Ётишдан олдин Қандолатхон эрини катта тошойна қаршисига судраб келди. Ҳақиқатдан ҳам, Тоживойнинг табассуми ўзгариб қолганди — нақ эллигинчи размер!

Шу кеча Тоживойнинг кўзига уйқу келмади. Ох, унинг нимтабассуми қаерда, кимларнинг юзида сарсон бўлиб юрибди экан? Энди уни ишхонадагилар ким деб ўйлашади? Енгилтак дейишмайдиларми?..

Икки-уч кунда Тоживой нақ космос сафаридан қайтгандек, эт йўқотди. Унинг янги табассумига эса бало ҳам урмади: қайтанга чувак юзини худди экватор чизигидек иккига бўлиб ташлади. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, Тоживойнинг табассуми ҳам ўзини манаман деб намойиш этарди. Ишхонадагилар бу табассум кимникилиги тўғрисида кўп ҳам бош қотириб ўтиришмади. Бу — албатта ишхонани турли шаҳарлардан керакли қисмлар билан таъминловчи Нормат Исахонники эди! Унинг баркашдек юзидаги қовуннинг тилимини эслатувчи табассуми отнинг қашқасидек таниш ҳаммага!

Афсуслар бўлсинким, ўша кунги мажлисдан чиқиб олиш шаҳарга жўнаётган таъминотчи жуда шошган кўринади. Энди у бир ҳафтасиз келмайди! Бу бир ҳафтанинг ўтишини таъминотчининг хотини қанчалик интизорлик билан кутса, Тоживой ундан кам кутмади!

Мана, охири орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Тоживой ишга азонлаб бориб, ишхона дарвозаси олдида таъминотчини, у билан узоқ сафарга кетган ўзининг бахтсиз табассумини кутиб кўзлари тўрт бўлди: соғ-омонмикин, ишқилиб?!

Ана, ана келишпти! Ҳайҳот!! Бу дунёда кичкина табассумни каттартириш мумкин экану каттасининг иложи йўқ экан! Тоживой ўз бошига тушган бахтсизликни таъминотчи-га баён этар экан, таъминотчининг юзида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган ўз табассумига тикилиб, юраги орқасига тортиб кетди. Унинг табассуми аввалги ўлчамларидан чиқиб кетибгина қолмай, ўз собиқ эгасининг устидан сурбетларча кулишни ҳам ўрганибди, ярамас:

— Ҳи-ҳи! Ҳи-ҳи!

Мундарижа

ШЕЪРИЯТ

- Ойдин Ҳожиева. Дард 3
Шукур Қурбонов. Бир қалб манзараси. Шеърий қисса 45

НАСР

- Эркин Аъзамов. Байрамдан бошқа кунлар. Қисса 7
Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. Роман 53

МУШОИРА

- Қўшиқ айтгум ёник, забардаст. Илҳом Аҳрор, Тўлқин Раҳимов, Уктам
Мирзаёв, Болтабой Бекматов, Ҳумоюн, Алишер Бобоҳўжаев, Ҳалим
Каримов, Ниёзмухаммад Пайжиев, Асрор Мўминов шеърлари 127

ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР

- Саидрахмон Мирзаев. Оролни қутқариш мумкин 134
Анатолий Ершов. Хива — қўриқхона шаҳар 142

ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

- Шайх Нажмиддин Кубро. Рубойлар 139

ОЧЕРК

- Бекмирза Маҳмудов. Меъмор 150

АДАБИЙ ТАНҚИД

- Умурзоқ Ўлжабоев. Масофа билмас ижод 157

ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

- Тоштемир Турдиев. Халқ донишманди 161

ИИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

- Шариф Юсупов. Комил ҳақида янги маълумот 165

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

- Умарали Норматов. Ҳақиқатнинг машаққатли йўли 169

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

- Ҳабибулла Зайниддинов. Асрлар солномаси 175

ТАНҚИДНИ ТАНҚИД

- Ҳафиз Абдусаматов. Ҳалоллик 178

ТАҚРИЗЛАР

- Муродил Мирзаев. Мулоқот 182
Бегали Қосимов. Оҳангдошлик 183

АКС-САДО

- Саргузашт-фантастика 185

САРГУЗАШТ-ФАНАСТИКА

- Равшан Қодиров. Янги одам. Қисса 191

ГУЛҚАЙЧИ

- Оллоёр Бегалиев. Йўқолган табассум 206

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

{Звезда Востока}

№ 7

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства

ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1988

Техник редактор А. Ҳайдаров.

Рассом Ф. Алимов

Корректор М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 10.05.88 й. Босишга рухсат этилди 15.06.88 й. Қоғоз формати 70×108¹/16.
Р-13983. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 170932. Буюртма 3503.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти, 41